EKİTAP

ULUSLARARASI
MÂVERÂÜNNEHİR'DEN
ANADOLU'YA İSLÂM ÂLİMLERİ:

İMÂM TİRMİZÎ VE HAKÎM ET-TİRMİZÎ SEMPOZYUMU

SEMPOZYUM BİLDİRİLERİ

2. CİLT

ÖZBEKÇE TEBLİĞLER

ilâhiyât

İlâhiyât

ilâhiyât 346

©Kapak: MAKGRUP MEDYA PRO. REK. YAY. A.Ş.

Uluslararası Mâverâünnehir'den Anadoluya İslâm Âlimleri
İmâm Tirmizî ve Hakîm et-Tirmizî Sempozyumu

Editör: Ferhat GÖKÇE

ISBN: 978-625-5523-90-7
1. Baskı: Aralık 2024 (ekitap)

Sertifka No: 44396

Mizanpaj: TAVOOS
Sayfa Düzeni: TAVOOS

Ankara Yıldırım Beyazıt Üniversitesi İlahiyat Fakültesi, Uluslararası İmâm Tirmizî İlmî Araştırmalar Merkezî'nin koordinasyonu ve TİKA'nın desteği ile 17-18 Ekim 2024 tarihleri arasında Özbekistan'ın Tirmiz şehrinde gerçekleştirilen Uluslararası Mâverâünnehir'den Anadoluya İslâm Âlimleri: İmâm Tirmizî ve Hakîm et-Tirmizî Sempozyumu ile ilgili bilgiler:

Katılım sağalayan ülkeler: Türkiye, Özbekistan, Kırgızistan, Mısır, Hindistan ve Bangladeş

Toplam Bildiri sayısı: 118

Türkiye'den katılan akademisyenlerin bildiri sayısı: 38

Diğer ülkelerden katılan akademisyenlerin bildiri sayısı: 80

2 ciltten oluşan bu kitap, sempozyumda sunulan bildirilerin tam metinlerini kapsar. Yazıların yasal ve etik sorumluluğu yazarlarına aittir. Kaynak göstermek kaydıyla alıntı yapılabilir.

ilâhiyât
Fora İş Merkezi, 1354. Cadde No: 138/5, 06378 Ostim/Ankara
Tel: (0312) 439 01 69
www.ilahiyatyayin.com
editor@ilahiyatyayin.com
satis@ilahiyatyayin.com
www.instagram.com/ilahiyatyayin

ULUSLARARASI MÂVERÂÜNNEHİR'DEN ANADOLU'YA İSLÂM ÂLİMLERİ:

İMÂM TİRMİZÎ VE HAKÎM ET-TİRMİZÎ SEMPOZYUMU

SEMPOZYUM BİLDİRİLERİ

2. CİLT
ÖZBEKÇE TEBLİĞLER

17-18 EKİM 2024 TİRMİZ/ÖZBEKİSTAN

ИМОМ ТЕРМИЗИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДА ТУТГАН ЎРНИ

İMAM TERMİZİ BİLİMSEL MİRASININ İSLAM MEDENİYETİNDEKİ YERİ

2024 йил 17-18 октябрь куни Термиз шаҳрида бўлиб ўтган халқаро илмий-амалий анжуман мақолалари тўплами

Термиз – 2024

МУНДАРИЖА

СЎЗБОШИ 13

1. ИМОМ ТЕРМИЗИЙ – ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ТАРИХИДА МУНОСИБ ПЕШҚАДАМ

ИМОМ ТЕРМИЗИЙНИНГ МОВАРОУННАҲ ҲАДИС МАКТАБИ ШАКЛЛАНИШИГА ҚЎШГАН ҲИРССАСИ 19

Музаффар Комилов Муродович

“ИМОН” МАСАЛАСИГА ОИД ТАРИХИЙ ИХТИЛОФЛАР 25

Иргаш ДАМИНОВ

«СУНАН ТЕРМИЗИЙ»ДА ТАФСИР РИВОЯТЛАРИ 35

Давронбек Махсудов Рустамович

ИМОМ ТЕРМИЗИЙНИНГ “КИТОБУЛ ИЛАЛ” АСАРИ ХУСУСИЯТЛАРИ 39

Мирзо Кенжабек

ИМОМ ТЕРМИЗИЙ – БУЮК МУҲАДДИС 45

Раҳматуллоҳ Сайфуддинов

СУНАН ТЎПЛАМЛАРИ ОРАСИДА ИМОМ ТЕРМИЗИЙ АСАРИНИНГ ЎРНИ 49

Дониёр Муратов

ШАЙБОНИЙЛАР ДАВРИДА МОВАРОУННАҲРДА ҲАДИС ИЛМИ 55

Ҳамидуллоҳ Аминов

БУЮК МУҲАДДИС ВА ФАҚИҲ 63

Ойгул Шарипова Турсуновна

ИМОМ ТЕРМИЗИЙ АСАРЛАРИ – ИСЛОМ ДИНИ ВА ПАЙҒАМБАРИМИЗ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА БЕБАҲО МАНБА 67

Шомат Саматов

“СУНАНИ ТЕРМИЗИЙ”НИНГ ШАРҲ ВА ҚИСҚАРТМАЛАРИ 75

Ҳикматуллоҳ Абиев

ИМОМ ТЕРМИЗИЙ – БУЮК МУҲАДДИС ОЛИМ 83

Шохрухмирза Мамадиев Абдуллахон ўғли

ИМОМ ТЕРМИЗИЙ АСАРЛАРИНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИДАГИ ЎРНИ 87

Умид Холназаров Эркинович

ИМОМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ҲАДИС ИЛМИ РИВОЖИДА ТУТГАН ЎРНИ 91

Ўлмас Жўраева Чориевна

ИСО ТЕРМИЗИЙНИНГ ҲАДИС ИЛМИДА ТУТГАН ЎРНИ 97

Маргуба Раджапова Закировна

ИМОМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ, «СУНАН» АСАРИ ВА УНГА ЁЗИЛГАН ШАРҲЛАР 105

Юсуф Хушвактов Бахтиёр ўғли

ИМОМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ИЛМ ЙЎЛИДА ҚИЛГАН САФАРЛАРИ 121

Имомиддин Бобоқулов Рамазонович

ИМОМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ҲАЁТИ, МАЪНАВИЙ-ИЛМИЙ МЕРОСИ ВА АҲАМИЯТИ..... 125

Шахноза Раззоқова Жўраевна

ИМОМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ 129

Амонов Саъдулла Холсаитович

ИМОМ ТЕРМИЗИЙ “СУНАН ТЕРМИЗИЙ” АСАРИДА ҲАДИСЛАРГА БЕРГАН ҲУКМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИ 133

Элёрбек Анваров Музаффарбек ўғли

ҲАДИС ТЎПЛАШ ЙЎЛИДА ЎЗ КЎЗИНИ БАХШИДА ҚИЛГАН ОЛИМ 139

Нодира Рахимова

ИМОМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ ВА УНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ 143

Нозигул Халимова Наврўзовна

ИМОМ ТЕРМИЗИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ЁШЛАР ҲАЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ 149

Шахло Ҳошимова

ИМОМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ҲАДИС ИЛМИ РИВОЖИДАГИ ҲИССАСИ ОЛИМЛАР ЭЪТИРОФИДА 153

Адолат Артиқова

“СУНАНИ ТЕРМИЗИЙ” АСАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ 159

Нилуфар Саидакбарова

ИМОМ ТЕРМИЗИЙНИНГ «СУНАН» НОМЛИ АСАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ..165

Ҳусниддин Хасанов

«СУНАНИ ТЕРМИЗИЙ» АСАРИДА ҲАДИСЛАР ВА РОВИЙЛАРНИНГ ЁРИТИЛИШ УСЛУБЛАРИ 173

Зиннура Наимова Суннат қизи

ИМОМ ТЕРМИЗИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ИСЛОМ СВИЛИЗАЦИЯСИДА ТУТГАН ЎРНИ 179

Ясмина Олимова

ИМОМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ҲАДИС ИЛМИДА ТУТГАН ЎРНИ.....183
Улуғой Иброҳимова Дониёржон қизи.....
STUDY OF THE SCIENTIFIC HERITAGE OF IMAM TERMIZI 187
Ismailova Nigora Mirzoaliyevna

2. ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ ВА БУГУНГИ ЖАМИЯТ

«НАВОДИР АЛ-УСУЛ» АСАРИДА ИСЛОМ ПСИХОЛОГИЯСИНИНГ ЁРИТИЛИШИ 195
Нодир Каримов
АЛ-ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙ ВА УНИНГ “АЛ-МАНҲИЁТ” АСАРИ.....203
Одилжон Қориев Аҳмаджонович
МУҲАММАД ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ “ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАР” РИСОЛАСИДА ҚЎШНИЧИЛИК ҲАҚЛАРИ.....209
Аббосхон Абдуллаев Ҳамзаевич
ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ ВА УНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИ.....213
Камол Исламов
ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ ТАФСИР ИЛМИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....223
Абдурасул Абдуллаев Абдулпаттоевич
ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ 233
Маҳмуд Нормуродов
ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ “ҲАЖ ВА УНИНГ СИРЛАРИ” АСАРИ АҲАМИЯТИ.....239
Хайрулла Мардонов Маҳмудович
ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ҲАЖМИ ВА ФАНЛАР БЎЙИЧА ТАСНИФИ.....243
Баҳодиржон Аъзамов

3. ТЕРМИЗИЙ АЛЛОМАЛАРНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ

ТЕРМИЗИЙ АЛЛОМАЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ ДУНЁ ФОНДЛАРИДА.....257
Зоҳиджон Исломов Маҳмудович 257
ИМОМ АБУ ИСО МУҲАММАД ТЕРМИЗИЙ.....261
МЕРОСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎРГАНИЛИШИ.....261
Жалолиддин Мирзаев.....261

ТЕРМИЗИЙ АЛЛОМАЛАР ЗИЁРАТГОҲЛАРИНИНГ ЖАМИЯТ ДИНИЙ-МАЪНАВИЙ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ....269

Тохир Эвадуллаев

СЎФИ ОЛЛОЁРНИНГ “МУРОД УЛ-ОРИФИЙН” АСАРИДА “СЎФИ” СЎЗИНИНГ ТАЪРИФИ 275

Умарали Улжаев

“СУНАНИ АБУ ДОВУД” АСАРИ УСТИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ИЛМИЙ ИШЛАР....281

Махмуд Абдурахманов Аликулович

ТЕРМИЗ МУҲАДДИСЛАРИНИНГ ФИҚҲ ИЛМИДАГИ ЎЗИГА ХОС АҲАМИЯТИ....289

Бекназар Мамашикуров Бобомуродович

ТЕРМИЗЛИК МУТАСАВВИФ ОЛИМ – БУРҲОНИДДИН МУҲАҚҚИҚ ТЕРМИЗИЙ....295

Олим Джураев

ЎЗБЕКИСТОНДА ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ИМОМ АБУ ИСО ТЕРМИЗИЙ ВА ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙГА ОИД ҚИЛИНГАН ИЛМИЙ ИШЛАР
(КИТОБ, МАҚОЛА ВА ТАРЖИМАЛАР)....299

Абдулвоҳид Ўрозов

ТЕРМИЗИЙ АЛЛОМАЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ ВА УЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ....313

Нилуфар Бердиева Ахатовна

ИМОМЛАРГА ТАҚЛИД МАСАЛАСИ....321

Ботиржон Абдуллаев

ИМОМ БАЙКАНДИЙНИНГ ҲАДИС ИЛМИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ....329

Ҳасан Расулов

ТЕРМИЗ – УЛАМОЛАР ШАҲРИ....339

Аваз Жумабоев Алижон ўғли

4. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИМОМ ТЕРМИЗИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИГА МУНОСАБАТ

МАРКАЗИЙ ОСИЁЛИК МАШҲУР МУҲАДДИСЛАР....347

Шукурилло Умаров (PhD)

ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ “АЛ-АМСОЛ МИНАЛ-КИТОБ ВАС-СУННА” АСАРИ МУҲИМ МАНБА....353

Абдушукуржон Муратов

БУРҲОНИДДИН МУҲАҚҚИҚ ТЕРМИЗИЙ ВА СУЛТОН ВАЛАД ЎРТАСИДАГИ МАЪНАВИ РОБИТАНИНГ АДАБИЙ ТАДҚИҚИ.....357

Каромиддин Жамаҳматов Айнилло ўғли

МУҲАММАД ЮСУФ МАЪЮСИЙ ХОНДИЗАГИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ 369

Сарвар Саидов

МУҲАММАД ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙДА “САВОДУЛ АЪЗАМ” ТАЛҚИНИ ВА МОВАРОУННАҲР ҲАКИМЛАРИ 375

Жўрабек Чўтматов Омонович

РОЗИЮДДИН ЧАҒОНИЙНИНГ “МАШАРИҚУ-Л-АНВОР” АСАРИНИНГ 381

ҚЎЛЁЗМАЛАРИ ТАВСИФИ

Саъдулла Бобоходжаев

ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ТАФСИР ИЛМИДАГИ ИЖТИҲОДЛАРИ.....385

Фахриддин Худойназаров

УМАР ТЕРМИЗИЙНИНГ “ ИХЛОС КИТОБИ”ДА ИХЛОС СИФАТИ ВА МУХЛИСЛАР ДАРАЖАСИ БАЁНИ.....391

Мухиддин Чориев

ТЕРМИЗЛИК ИККИ БУЮК АЛЛОМА ЯШАГАН ДАВРДАГИ ТАРИХИЙ-МЕЪМОРИЙ ОБИДАЛАР: БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР.....401

Очил Бўриев

Фаҳриддин Самаров

ҲАДИС ИЛМИНИНГ УРФОНИ.....407

Соатмўмин Бўриев Донаевич

Ўлмас Жўраева Чориевна

ШАЙХ МУҲАММАД СОДИҚ МУҲАММАД ЮСУФ АСАРЛАРИДА ТЕРМИЗИЙ АЛЛОМАЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ЁРИТИЛИШИ 415

Ҳусанбой Қирғизов Бахтиёр ўғли

Махфузахон Жалолдинова Абдуманноб қизи

“СУНАНИ ТЕРМИЗИЙ” АСАРИНИНГ БОШҚА ҲАДИС ТЎПЛАМЛАРИДАН ФАРҚЛИ ЖИҲАТЛАРИ.....421

Зиявуддин Бегматов

МУҲАММАД АТ-ТЕРМИЗИЙНИНГ “ШАМОИЛ АЛ-МУҲАММАДИЯ” АСАРИ ТАҲЛИЛИГА БИР НАЗАР 427

Ҳуснигул Ҳалимова Наврўзовна

АБУ ИСО ТЕРМИЗИЙНИНГ “АЛ-ЖОМЕУ-Л-КАБИР” АСАРИНИНГ ҲАДИС ИЛМИ ИСТИЛОҲИДА ТУТГАН ЎРНИ 433

Олимжон Абдуллаев

АБУ ИСО МУҲАММАД АТ-ТЕРМИЗИЙ – ДУНЁ ИМОМИ 445

Дилафруз Гуламова

АНВАР ШОҲ КАШМИРИЙ ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ 449

Низомиддинов Ҳошимжон Муҳаммаджонович

ИМОМ ТЕРМИЗИЙНИНГ “СУНАН” АСАРИДА ҲАДИС САНАДИНИ КЕЛТИРИШДАГИ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАР 455

Абдулазиз Фурзулов Бурхонжон ўғли

ИМОМ ТЕРМИЗИЙНИНГ “СУНАН” АСАРИ АҲАМИЯТИ ВА “ФИТНАЛАР БОБИ” ДАГИ ҲАДИСЛАР ТАЛҚИНИ 463

Аҳрорхон Абдурашидов

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИМОМ ТЕРМИЗИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИГА ЭЪТИБОР 467

Аюбхон Рахматхонов Жаҳонгир ўғли

СЎЗБОШИ

Янги Ўзбекистонимизнинг яна бир муқаддас масканларидан бири, “Мадинат ар-рижол”, яъни “мардлар шаҳри”, “Жануб гавҳари” номлари билан тарихда ном қолдирган замин – Термиз шаҳри азалдан термизийлар номи билан машҳур бўлган улуғ алломаларни камолга етказиб келган.

Айнан шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг жанубида жойлашган Термиз шаҳрига юқоридаги каби асрлар синовида сайқал топган кўплаб ўхшатишларни келтиришимиз баробарида унинг тарихдан илм-маърифат маскани бўлганлигини ҳам ҳар қанча эътироф этсак арзийди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида” 2024 йил 15 августдаги ПҚ-292-сон қарорига кўра ана шундай маърифат масканида таваллуд топган Абу Исо Муҳаммад Термизий таваллудининг 1200 йиллиги муносабати билан “Имом Термизий илмий меросининг ислом цивилизациясида тутган ўрни” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказиш белгиланган.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган диний ислоҳотлар замирида “Инсон қадри” бирламчи аҳамият касб этаётгани сир эмас. Қолаверса, давлатимиз раҳбари Шавкат Миромонович Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида мамлакатимизнинг диний ислоҳотлар борасида ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатдаги позициясини БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи билан кўрсатиб берди.

Дарҳақиқат, маърифат ва диний бағрикенгликнинг асоси бу – илм эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Шу боис улуғ алломалар, хусусан, буюк муҳаддис Абу Исо Муҳаммад Термизийнинг илмий меросини ўрганиш, у киши ёзиб қолдирган асарларни тадқиқ этиш ва ислом оламига туҳфа этиш бугунги глобаллашув даврида ўта долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жорий йилнинг 17-18 октябрь кунлари Туркия, Покистон, Ҳиндистон, Сурия, Қирғизистон, Канада каби давлатлардан ташриф буюрган ўнлаб олимлар, профессор, фан докторлари ва бошқа исломшунос мутахассислар иштирокида ўтказилаётган халқаро анжуман ва кун тартибига киритилган мавзулар соҳа бўйича ўта долзарб саволларга бевосита исломшунос олимлар қўмагида жавоб топишига барча илмий асосларимиз бор.

Қолаверса, мазкур халқаро анжуман иштирокчиларининг илмий маърузалари асосида тўпланган ушбу тўплам термизий алломалар, хусусан, Имом Термизийнинг илмий меросини янада чуқурроқ ўрганиш учун ўзига хос манба бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Музаффар Комилов Муродович,
Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси

ÖZBEKÇE TEBLİĞLER

1. ИМОМ ТЕРМИЗИЙ – ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ТАРИХИДА МУНОСИБ ПЕШҚАДАМ

ИМОМ ТЕРМИЗИЙНИНГ МОВАРОУННАҲР ҲАДИС МАКТАБИ ШАКЛЛАНИШИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Музаффар Комилов Муродович*

Аннотация. Маълумки, Имом Термизий ўз даврида ҳам, бугунги кунда ҳам Ислом дунёси миқёсидаги улкан шахсият сифатида эътироф этиб келинмоқда. Унинг асарлари ҳеч қачон долзарблигини йўқотмайдиган она манбалар сирасига киради. Шу ўринда савол туғиладики, ушбудек улкан олимнинг етишиб чиқиши ва илмий фолиятини олиб боришда юрти Мовароуннаҳрнинг аҳамияти қандай? Ушбу мақолада Имом Термизийнинг Мовароуннаҳр билан алоқаларига тўхталинади ва манбаларга асосланган ҳолда бу масаладаги муҳим далиллар келтирилади. Маълум бўлишича, алломанинг таълим олишида ҳам, таълим беришида ҳам ўз юртидаги илмий муҳит катта аҳамият касб этган.

Калит сўзлар: ҳадис, Мовароуннаҳр, Хуросон, устоз, шогирд, Термиз, Насаф, Базда, Самарқанд, Бухоро, Шош, ривоят.

Abstract. It is known that Imam Tirmidhi is recognized as a great personality in the Islamic world both in his time and today. His works are among the primary sources that never lose their relevance. In this regard, the question arises: what is the significance of Mā Warā' an-Nahr in the development and scientific activity of such a great scholar? This article is devoted to the relations of Imam Tirmidhi with Mā Warā' an-Nahr and provides important evidences on this issue based on sources. It turns out that the scientific environment of his hometown is of great importance both in the upbringing and teaching of the scholar.

Keywords: hadith, Movarunnahr, Khorasan, teacher, student, Termiz, Nasaf, Bazda, Samarkand, Bukhara, Shosh, riwaya.

Имом Термизий асарлари ислом дунёси миқёсида ҳадисшунослик ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилгани барчамизга маълум. Шу билан бирга юртимиз муҳаддис олимлари аксар вақтларда умрларини охирларида ўз юртларига қайтиб келиб, олган илмлари билан ўз ерларидаги илмий-маънавий муҳит ривожига ҳисса қўшишга ҳаракат қилишган биз учун ғоятда ибратли жиҳатдир. Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Доримийлар шулар жумласидан бўлиб, улар ўз юртларига келиб, шу ерда ўз илмий фаолиятлари самарасини тарқатиб, ўз ватанларида вафот этишган. Жумладан, Имом Термизий тахминан 250/864 йилдан олдин Хуросонга, сўнг ўз юртига қайтган ҳамда машҳур китобларини битган[1]. Жумладан, "Сунан" асарининг муқаддимаси ёки хулосаси бўлган "Китоб ал-илал" (ал-Илал ас-сағир) асарини 275/884 йилда Самарқандда ёзиб тугатгани маълум[2].

Мовароуннаҳрлик устозлар. Абд ибн Ҳумайд Кеший билан алоқалар. Имом Термизий Мовароуннаҳрнинг машҳур муҳаддиси Абу Муҳаммад Абд ибн Ҳумайд Кешийдан

---

* *Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси.*

1 Нуриддин Итр ибн Муҳаммад Итр. ал-Имом ат-Термизий вал мувозанату байна жомеиҳи ва байнас саҳиҳайн. – Қоҳира: Лажнатут таълиф, 1390/1970. 11 б.

2 Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдулғани Бағдодий Ибн Нуқта Ҳанбалий. ат-Тақйид ли маърифати рувотис сунан вал масанид. II. – Ҳайдаробод (Ҳиндистон): Матбаал мажлис даирол маорифил исломия, 1403/1983. I, 95 б.

(ваф. 249/863) “Сунан”да 160 дан ортиқ ривоят келтирган. “Илал” ва “Сунан”ида ундан ровийлар ҳақидаги мулоҳазаларни ҳам нақл қилган.

Абу Музоҳим Самарқандий. Имом Термизий Абу Музоҳим Сибаъ ибн Назр ибн Мисъада Самарқандийдан (ваф. 269/882) битта ривоят келтирган.

Имом Доримий билан алоқалар. Имом Термизий “Сунан”да Самарқанднинг етук муҳаддиси Имом Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон Доримий Самарқандийдан (181-255/797-869) 63 ривоят келтиргани эътиборга молик. Шунингдек, Термизий “ал-Илал” китобида ундан ровийлар тўғрисидаги маълумотларни келтиради ва у билан бўлган савол-жавобларни қайд этади.

Имом Бухорий билан алоқалар. Табиийки, Имом Термизийнинг асосий устозларидан бири Имом Бухорийдир. Имом Термизий “Сунан”да ундан 41 ривоят келтирган. У “ал-Илал”да ўзининг “Сунан” асарига тегишли маълумотларни қайд этар экан, дейди: “Китобда қайд этилган ҳадисларнинг (санад ва матнга тегишли) иллатлари, ровийлар ва тарихга оид масалаларга келсак, уларни тарих китобларидан олдим. Уларнинг кўпи Муҳаммад ибн Исмоил (Бухорий) билан қилган (илмий) мунозараларим натижасидир. Яна улардан Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон (Доримий) ва Абу Зуръа (Розий) билан мунозара қилганларим ҳам бор. Уларнинг кўпи Муҳаммад (Бухорий)дан, энг оз миқдори эса Абдуллоҳ ва Абу Зуръадандир. На Ироқда, на Хуросонда ҳадис иллатлари, тарих ва иснодлар борасида Муҳаммад ибн Исмоилдан кўра билимдонроқ кишини кўрмадим”[3].

Таъкидлаш лозимки, Имом Термизий Имом Бухорий илмидан фойдаланиб, унинг фазлини эътироф этганидек, Имом Бухорий ҳам Имом Термизийнинг юксак салоҳиятига ва унда ўзи фойдаланиши мумкин бўлган билимлар борлигига гувоҳ бўлди. Абулфазл Байламоний дейди: “Наср ибн Муҳаммад Шеркўҳийдан эшитдим, у дедики: “Муҳаммад ибн Исо Термизийнинг шундай деганини эшитдим: “Муҳаммад ибн Исмоил менга деди: “Менинг сендан олган фойдам, сенинг мендан олган фойдангдан кўпроқ”[4].

Ҳатто Имом Бухорий Имом Термизийдан ҳадис ҳам эшитган. Имом Термизий Али ибн Мунзир, у Муҳаммад ибн Фузайлдан, у Солим ибн Абу Ҳафсадан, у Атийядан, у Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан, у Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилган бир ҳадис ҳақида дейди: “Муҳаммад ибн Исмоил бу ҳадисни мендан эшитди”[5]. Шунингдек, Термизийнинг “Сунан” асарининг айрим нусхаларида ва бошқа манбалардан маълум бўлишича, Имом Бухорий Имом

---

[3] Имом Термизий. Китобул илал / Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Заҳҳок Суламий Буғий Термизий. ал-Жомеул кабир. VI. – Байрут: Дорул ғарбил исломий, 1998. VI. 232 б.

[4] Шиҳобиддин Абулфазл Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Али ибн Ҳажар Асқалоний. Таҳзибут таҳзиб. XIV. – Байрут: Дорул фикр, 1404/1984. IX, 344 б. 638-рақам.

[5] У “ал-Жомеъ”даги 3727-рақамли ҳадис. Муаллифга кўра, у ғариб ва Имом Бухорий ҳам уни ғариб ҳисоблаган. Бу ҳадис Имом Бухорий томонидан “Саҳиҳ”дан бошқа китобда келтирилган.

Термизийдан яна бир ҳадис эшитган ва бу Имом Термизийнинг "ал-Илалул кабир" асаридадир[6].

Яна бир муҳим жиҳат шуки, Имом Бухорийдан сўнг Ислом диёрларининг шарқи бўлган Хуросон ва Мовароуннаҳрда Имом Термизий устози Имом Бухорийга ўринбосар сифатида қолди ва Умар ибн Аллакнинг (ваф. 325/937) қуйидаги сўзи олимнинг ўз давридаги аҳамиятини кўрсатувчи улкан гувоҳликдир: "Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий вафот этгач, Хуросонда илм, ҳифз, тақво ва вараъ масаласида Абу Исодек киши қолмади. Йиғидан унинг кўзи ожиз бўлиб, йиллар давомида кўзи ожиз бўлиб қолди"[7].

Термизий олимлар билан алоқалар. Шунингдек, Имом Термизийнинг бевосита саккиз Термизий нисбасидаги устозлари ҳам бўлиб, Аҳмад ибн Ҳасан, Мусо ибн Ҳизом, Солиҳ ибн Абдуллоҳ Термизий шулар жумласидандир.

Мовароуннаҳрлик шогирдлар. Имом Термизийнинг шогирдлари орасида ҳам Мовароуннаҳр олимлари мутлақ кўпчиликни ташкил этиши диққатга сазовор, бу эса олим умрининг сўнгги йилларини юртида ўтказганини яна бир бор тасдиқлайди.

Имом Термизийнинг "Сунан" асарини, жумладан, Мовароуннаҳрнинг қуйидаги олимлари ривоят қилган:

1. Абу Саид Ҳайсам ибн Кулайб ибн Шурайҳ ибн Маъқил Шоший Бинкатий (ваф. 335/946)[8]. Ушбу Шоший Имом Термизийнинг "Шамоил"[9] китобини ҳам ривоят қилгани маълум;

2. Абу Зарр Муҳаммад ибн Иброҳим Термизий[10]. У Имом Термизийнинг "ал-Илал" китобини ҳам ривоят қилган[11];

3. Абулҳасан Али ибн Умар ибн Тақий ибн Кулсум Самарқандий Вазорий;

4. Абу Муҳаммад Ҳаммод ибн Шокир Насафий (ваф. 311/923).

Ушбу рўйхат якуний бўлмай, балки бу борада бошқа маълумотлар ҳам борлиги изланишларни давом эттириш лозимлигини кўрсатади.

Манбаларга кўра, Абу Исо Термизийнинг Насафий шогирдлари кўп бўлган: Абу Муҳаммад Ҳаммод ибн Шокир (ваф. 311/923), Аҳмад ибн Юсуф, Абулҳорис Асад ибн Ҳамдуя, Абд ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Аҳмад, "Амин" номи билан машҳур Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Суфён ибн Назр, Абулфазл Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Анбар, Муҳаммад ибн Маккий ибн Нуҳ, Абулаббос Маҳмуд ибн Анбар

---

[6] Батафсил қаранг: Нуриддин Итр. ал-Имом ат-Термизий. 18 б. Адоб Маҳмуд Ҳамш. ал-Имом ат-Термизий ва манҳажуҳу фи китабиҳил жамиъ. – Уммон: Дорул фатҳ, 1423/2003. 119 б.

[7] Ибн Ҳажар. Таҳзибут таҳзиб. IX. 344 б.

[8] Абу Саид Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур Тамимий Самъоний. Ал-Мунтахаб мин мўъжам шуйух Самъоний. III (I фиҳрис). – Риёз: Дору оламил кутуб, 1417/1996. III. 1528 б.

[9] Самъоний. ал-Мунтахаб. III. 1530 б. Шиҳобиддин Абулфазл Аҳмад ибн Али ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳажар Асқалоний. Мўъжамул муфаҳрис ав тажрид асанидил кутубил машҳуро вал ажзал мансуро. – Байрут: Муассасар рисола, 1418/1998. 80 б. 209-рақам.

[10] Шамсиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон ибн Қаймаз Туркманий Дамашқий Заҳабий. Тарихул ислом ва вафаятил машоҳирил аълом. L II. – Байрут: Дорул кутубил арабий, 1407/1987. XXVII, 209 б.

[11] Ибн Ҳажар. Мўъжамул муфаҳрис. 159 б., 584-рақам.

(314/926), Маккий ибн Нуҳ Муқриъ, Абулфазл Мусаббиҳ ибн Абу Мусо Кожурий, Абу Мутиъ Макҳул ибн Фазл (ваф. 318/918) кабилар шулар жумласидандир.

Умуман олганда эса, Имом Термизийнинг жонли таълим жараёнлари ҳам манбаларда акс этгани диққатга сазовордир. Кейинчалик катта олим бўлиб етишган Абдулмўмин ибн Халаф Насафий дейди: "Унга (яъни Термизийга) "ал-Жомеъ" китоби Насафдаги ҳовлимизда ўқилди. Ўшанда мен ёш бола эдим ва ўйнаб юрардим". Маълум бўладики, бу жараёнда Имом Термизийнинг китоби у зотга ўқиб берилган ва бу билан эшитувчилар муаллифдан ушбу китоб ривояти учун ижозат олишган.

Самарқанд аҳлидан Абу Бакр Аҳмад ибн Исмоил ибн Омир Самарқандий, Абулҳасан Али ибн Умар ибн Тақий ибн Кулсум Самарқандий Вазорийлар кабилар ривоят қилишган бўлса, Баздавийлардан Довуд ибн Назр ибн Суҳайл ва Абдуллоҳ ибн Наср ибн Суҳайл, Наср ибн Муҳаммад ибн Сабра Ширкасийлар Имом Термизий шогирдлари саналишади.

Маълум бўлишича, Имом Термизий Бухорога ҳам кирган ва унда ҳадис айтган[12].

Имом Термизий илмий фаолияти даврида олимлар Термизга келиб, у зотдан ҳадис эшитишгани ва китобларини таълим олгани манбаларда қайд этиб ўтилган. Жумладан, Марвнинг шайхи Маҳбубий Имом Абу Исо Термизийнинг "Сунан" асарини ривоят қилувчилардан бири бўлиб, у айнан Термизга келиб, Имом Термизийдан бу китобни таълим олган[13]. Абу Ҳомид Аҳмад ибн Али Ҳаснуя Нишопурий ҳам Термизга сафар қилиб, Имом Термизийдан унинг баъзи асарларини эшитиб, ўрганган[14].

Ушбу маълумотлардан маълум бўладики, Имом Термизий Мовароуннаҳрдаги ҳадис мактабининг шаклланишига улкан ҳисса қўшган асосий шахслардан бири ҳисобланади. Унинг Термиз, Насаф, Базда, Самарқанд, Шош ва Бухоро каби Мовароуннаҳрнинг марказий шаҳарларидаги олимларга кўрсатган таъсирлари бунинг яққол далилидир. Олим ўз юрти билан устоз-шогирдлик анъаналари билан қалин боғлангани алоҳида аҳамиятга эга. Демак, унинг буюк муҳаддис бўлиб етишишида Ватанининг ҳиссаси ниҳоятда улкандир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Имом Термизий. Китобул илал / Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Заҳҳок Суламий Буғий Термизий. ал-Жомеул кабир. VI. – Байрут: Дорул ғарбил исломий, 1998. VI, 232 б.
   Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдулғани Бағдодий Ибн Нуқта Ҳанбалий. ат-Тақйид ли маърифати рувотис сунан вал масанид. II. – Ҳайдаробод (Ҳиндистон): Матбаъа ал-мажлис даирол маорифил исломия, 1403/1983.
2. Абу Саъид Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур Тамимий Самъоний. Ал-Мунтахаб мин мўъжам шуйухис Самъоний. III (I фиҳрис). – Риёз: Дору оламил кутуб, 1417/1996.

---

[12] Ибн Нуқта. ат-Тақйид. I, 93 б.

[13] Заҳабий. Тарихул ислом. XXV, 357 б.

[14] Шиҳобиддин Абулфазл Аҳмад ибн Али ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳажар Асқалоний. Лисонул мезон. VII. – Байрут: Муассасал аъламий лит тибоа, 1406/1986. I, 223 б.

3. Шамсиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон ибн Қаймаз Туркманий Дамашқий Заҳабий. Тарихул ислом ва вафаятил машоҳирил аълом. LII. – Байрут: Дорул кутубил арабий, 1407/1987.
4. Шиҳобиддин Абулфазл Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Али ибн Ҳажар Асқалоний. Таҳзибут таҳзиб. XIV. – Байрут: Дорул фикр, 1404/1984. IX, 344 б. 638-рақам.
5. Шиҳобиддин Абулфазл Аҳмад ибн Али ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳажар Асқалоний. Мўъжамул муфаҳрис ав тажрид асанидил кутубил машҳуро вал ажзал мансуро. – Байрут: Муассасатур рисола, 1418/1998.
6. Шиҳобиддин Абулфазл Аҳмад ибн Али ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳажар Асқалоний. Лисонул мезон. VII. – Байрут: Муассасатул аъламий лит тибиат, 1406/1986.
7. Нуриддин Итр ибн Муҳаммад Итр. ал-Имом Термизий вал мувозанату байна жомеиҳи ва байнас саҳиҳайн. – Қоҳира: Лажнатут таълиф, 1390/1970.
8. Адоб Маҳмуд Ҳамш. ал-Имом Термизий ва манҳажуҳу фий китабиҳил жамиъ. – Уммон: Дорул фатҳ, 1423/2003.

“ИМОН” МАСАЛАСИГА ОИД ТАРИХИЙ ИХТИЛОФЛАР

Иргаш ДАМИНОВ*

Эътиқодий масалалар, хусусан, калом илми доирасида қизғин муҳокама қилинадиган имон, зот ва сифат, амал, ажал, ризқ каби масалалар азалдан алоҳида эътибор билан муҳокама қилинадиган мавзулар ҳисобланган. Чунки тарихан мазҳабларарo ихтилофлар, алалоқибат, қонли тўқнашувларга айланиши асосан айни шу соҳа туфайли кузатилган. Диндаги илк тафриқаланиш имон мавзуси доирасида юз бериб, у такфир – мусулмонларни куфрда айблаш шаклида ривожланди.

Умуман, замонавий деструктив ҳаракатлар, экстремистик қарашлар қайсидир кўринишда ўрта аср оқимлари, айниқса, хорижийлик ва муътазилийлик ғоялари таъсирида вудужга келган. Шунинг учун “имон” мавзусини атрофлича ўрганиб чиқиш, уни аҳли сунна вал жамоа талқинида баён қилиш ҳар қачонгидан муҳим ва долзарб аҳамият касб этади.

“Имон” сўзининг луғавий маъноси борасида XII-XIII аср Мовароуннаҳр мутакаллимларидан Абу Муин Насафий (ваф. 508/1114), Абу Сано Маҳмуд ибн Зайд Ломиший (ваф. VI/XII аср биринчи ярми), Алоуддин Муҳаммад ибн Абдулҳамид Усмандий (ваф. 552/1157), Жалолиддин Умар ибн Муҳаммад Хаббозий (ваф. 691/1291), Шамсиддин Самарқандий (ваф. 705/1305), Абу Баракот Насафий (ваф. 710/1310), Ҳусомиддин Ҳусайн ибн Али Сиғноқий (ваф. 714/1314) каби олимлар баҳс юритганлар. Бироқ Саффор Бухорий (ваф. 534/1139), Али ибн Усмон Ўший (ваф. 575/1179), Абу Бакр Косоний (ваф. 587/1191), Нуриддин Собуний (ваф. 580/1184), Абу Муҳаммад Рукниддин Убайдулло ибн Муҳаммад Самарқандий (ваф. 701/1301)лар ўзларининг ақида илмига оид асарларида “имон” сўзининг луғавий маъносига тўхталмаганлар[1].

Бундан маълум бўладики, олимларнинг айримлари ўзларининг ақида соҳасига бағишлаган асарларида “имон” сўзининг луғавий маъносига тўхталиш орқали, унинг истилоҳий маъноси билан боғлиқлик жиҳатини кўрсатиб беришга урунган бўлсалар, бошқа олимлар унинг фақат истилоҳий маъносини айтиш билан чекланишган.

---

* *Ўзбекистон халқаро ислом академияси доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

1 Саффор Бухорий. Талхисул адилла ли қавоидит тавҳид // Анжлика Бродрсн таҳқиқи. – Байрут: Муассасатур Райён, 2011. – Б. 149-151; Алоуддин Муҳаммад ибн Абдулҳамид Усмандий. Лубабул калом // Муҳаммад Саид Ўзарварлий таҳқиқи. – Истанбул: Туркия диёнат вақфи, 2019. – Б. 160-164; Али ибн Усмон Ўший. Бадъул амалий. – Тошкент: ЎзХИА нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011. – Б. 23; Алоуддин Абу Бакр Косоний. Ал-Муътамад минал муътақод // Энес Дурмуш, Муҳаммад ва Усман Дўган таҳқиқи. – Истанбул: Date Published, 2021. – Б. 539-543; Нуриддин Собуний. Китобул бидоя минал кифоя фил ҳидоя фи усулид дин // Фатҳуллоҳ Хулайф таҳқиқи. – Миср: Дорул маориф. 1969. – Б. 345-383; Нуриддин Собуний. Ал-Кифоя фил ҳидоя // Муҳаммад Орутший. – Истанбул: Дор ибн Ҳазм, 2014. – Б. 149-160; Убайдулло ибн Муҳаммад Самарқандий. Китобун аъзимун фи усулид дин. – Истанбул: Миллет Женел кутубхонаси. – Ин. 1158. – 1[6]; Абу Баракот Насафий. Шарҳул Умда фи ақида аҳлис сунна // Абдуллоҳ Муҳаммад ва Абдуллоҳ Исмоил таҳқиқи. – Қоҳира: ал-Мактабатул азҳария лит турос, 2011. – Б. 362.

“Имон” сўзининг истилоҳий таърифи борасида тарихда турли қарашлар илгари сурилган. Жумладан, Имом Молик (ваф. 179/795), Имом Шофиий (ваф. 204/820), Имом Авзоий (ваф. 157/774) ва муҳаддислардан Аҳмад ибн Ҳанбал (ваф. 241/855), Исҳоқ ибн Роҳавайҳ (ваф. 238/853), Суфён Саврий (ваф. 161/778), Довуд ибн Али Исфаҳоний (ваф. 270/884), мутакаллимлардан Ҳорис ибн Асад Муҳосибий (ваф. 243/857), Абул Аббос Қалонисий (ваф. IX асрнинг боши), Ибн Али Сақафий (ваф. 328/940), Ибн Ҳазм Андалусий (ваф. 406/1064): “Имон – қалб маърифати, тил иқрори ва арконларга амал қилишдир”, – деганлар[2].

Абу Баракот Насафий мазкур олимларнинг имонга берган таърифларидаги “қалб маърифати” ибораси ўрнига “қалб тасдиқи” атамасини қўллаган[3]. Лекин салафлар ўз даврида “қалб маърифати” билан “қалб тасдиқи”ни синоним маънода талқин қилганлар. Кейинги даврга келиб, у икки ибора ва атама орасида фарқланиш юзага келган. Жумладан, жаҳмийларнинг имонга берган таърифида айни шу фарқни инобатга олиш керак бўлади. Бу аҳли сунна вал жамоага мансуб олимлардан бир гуруҳининг қарашидир.

Аҳли сунна вал жамоадан ажралиб чиққан илк оқимлардан хорижий ва муътазилийлар: “Имон – қалб тасдиқи, тил иқрори ва арконларга амал қилишдир”, дейишган. Хорижийлик ва муътазилийлик оқими орасида имон таърифида бироз фарқ мавжуд. Жумладан, хорижийлар барча тоатни – имон, маъсиятни – куфр ҳисоблашади.

Балоғатга етган кишидан тоат ҳам, маъсият ҳам содир бўлса, у мўмин эмас, кофир бўлади, дейишади. Аксарият муътазилийлар: “Имон нафл ва фарз ибодатларнинг мажмуасидир”, дейишган. Уларнинг баъзилари “имон фақат фарз ибодатларни ўз ичига қамраб олади”, деб таъкидлашган[4].

Умуман олиб қараганда, хорижийлар гуноҳи кабира қилган кишини кофир, муътазилийлар эса, уни манзилатун байнал манзилатайнда қолишини айтишган.

Калом олимлари, аввалбошда, имоннинг шартлари бўйича бир-бирини инкор қиладиган қарашларни илгари сурдилар. Асли мужассимий – Аллоҳга жисм мансуб қилувчилардан Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Карром (806-869) номи билан боғлиқ карромийлик ақидасига кўра, имон – тасдиқсиз фақат иқрорнинг ўзи[5]. Бунда қалб тасдиғи шарт қилинмайди. Улар ўзига “Ким “Ла илаҳа иллаллоҳ”, деса, жаннатга киради”, деган ҳадиснинг зоҳирий маъносини далил қилиб келтиради.

---

[2] Абу Муин Насафий. Табсиратул адилла фи усулид дин // Муҳаммал Анвар Ҳомид Исо таҳқиқи. – Қоҳира: ал-Мактабатул азҳария лит турос, 2011. – Б. 1075; Нуриддин Собуний. Ал-Кифоя фил ҳидоя // Муҳаммад Орутший. – Истанбул: Дор ибн Ҳазм, 2014. – Б. 351;

[3] Абул Баракот Насафий. Шарҳул Умда фи ақида аҳлиис сунна // Абдуллоҳ Муҳаммад ва Абдуллоҳ Исмоил таҳқиқи. – Қоҳира: ал-Мактабатул азҳария лит турос, 2011. – Б. 373.

[4] Алоуддин Муҳаммад ибн Абдулҳамид Усмандий. Лубабул калом // Муҳаммад Саид Ўзарварлий таҳқиқи. – Истанбул: Туркия диёнат вақфи нашриёти, 2019. – Б. 163.

[5] Абу Муин Насафий. Табсиратул адилла фи усулид дин // Муҳаммал Анвар Ҳомид Исо таҳқиқи. – Қоҳира: ал-Мактабатул азҳария лит турос, 2011. – Б. 1076

Унга раддия билан чиққан ҳидоят байроғи *(аламул ҳудо),* мотуридийлик ақида мазҳаби асосчиси Абу Мансур Мотуридий Самарқандий (870-944) имон ягона, яъни қалб билан тасдиқлашдан иборат эканини таъкидлаган. Унинг далили Яъқуб алайҳиссаломнинг ўғиллари хабари ҳақидаги оятга асосланади: "Рост гапирсак ҳам, *(барибир)* Сиз бизга ишонувчи эмассиз" *("Юсуф"-17. -Б. 237).* Бундан айтилган гапни тасдиқламаслик мақсад қилинган ва тил иқроридан қалб тасдиғи афзал ва бирламчи экани таъкидланган[6].

Абу Муин Насафийнинг таъкидлашича, Абу Мансур Мотуридий наздида имон фақат қалб билан тасдиқлашдан иборат бўлган. Аллоҳ таоло Моида сураси 6-ояти, Бақара сураси 183-оятида бандаларга намоз ўқиш ва рўза тутишни буюришдан аввал "имон келтирганлар", дея мурожаат қилган. Бу эса имон амаллардан алоҳида эканини англатади[7].

Шофиийлик фиққи мазҳаббошиси Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрис Шофиий (767-820) наздида, "Имон – тил иқрори, дил тасдиғи ва фарзларга амал". Унга кўра, фарзларни бажариш имондан, яъни амал имон шартларидан ҳисобланади. Унинг далили "Юзларингизни Машриқ ва Мағриб томонларига буришингиз *(ибодат қилишингизнинг ўзи тўла)* яхшилик эмас, балки Аллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобларга, пайғамбарларга имон келтирган..." *("Бақара"-177. -Б. 27)* оятига асосланади[8].

Ҳанафий-мотуридий таълимотида амал имоннинг таркибий қисмига кирмайди. Шунинг учун қуйидаги ояти каримада Имон келтирган бандаларни ҳали намоз ўқишларидан олдин "мўмин" деб номланмоқда: "**(Эй, Муҳаммад), имон келтирган бандаларимга айтинг, намозни мукаммал адо этсинлар**" (*Иброҳим сураси, 31-оят*). Бошқа оятда шундай дейилган: "**Эй, имон келтирганлар! Намоз (ўқиш)га турар экансиз**" (*Моида сураси, 6-оят*).

Юқоридаги қарашларнинг хулосаси шундаки, имоннинг дунёвий ва ухровий жиҳати бор:

- Дунёвий жиҳатга имон калимасини тил билан иқрор қилишнинг ўзи кифоя қилади.

- Ухровий жиҳатга кўра, унинг етти хил талқини бор. Шундан бештаси ботил таълимотларга оид бўлса, қолган иккитаси аҳли сунна вал жамоага тегишлидир:

---

[6] Абу Муин Насафий. Табсиратул адилла фи усулид дин // Муҳаммал Анвар Ҳомид Исо таҳқиқи. – Қоҳира: ал-Мактабатул азҳария лит турос, 2011. – Б. 1077; Алоуддин Абу Бакр Косоний. Ал-Муътамад минал муътақод // Энес Дурмуш, Муҳаммад ва Усман Дўган таҳқиқи. – Истанбул: Date Published, 2021. – Б. 540.

[7] Алоуддин Абу Бакр Косоний. Ал-Муътамад минал муътақод // Энес Дурмуш, Муҳаммад ва Усман Дўган таҳқиқи. – Истанбул: Date Published, 2021. – Б. 540; Абу Сано Маҳмуд ибн Зайд Ломиший. Китобут Тамҳид ли қавоидит тавҳид // Абдулмажид Туркий таҳқиқи. – Байрут: Дорул ғарбил исломий, 1995. – Б. 128.

[8] Абу Муин Насафий. Табсиратул адилла фи усулид дин // Муҳаммал Анвар Ҳомид Исо таҳқиқи. – Қоҳира: ал-Мактабатул азҳария лит турос, 2011. – Б. 1075; Нуриддин Собуний. Ал-Кифоя фил ҳидоя // Муҳаммад Орутший. – Истанбул: Дор ибн Ҳазм, 2014. – Б. 351.

Биринчиси, хорижийларнинг таълимотига биноан "имон – қалб тасдиқи, тил иқрори ва рукнларга амал қилиш". Хорижийлик тарафдорлари мўмин гуноҳи кабирани содир қилиши билан исломдан чиқиб, кофирга айланади.

Бу ислом таълимотига мутлақо зид. Чунки саҳобалар, тобиинлар, салафи солиҳлар ва барча мусулмонлар *"қалбида заррача ёки хардал*[9] *донича имони бор киши дўзахда абадий қолмайди"*, деб иттифоқ қилишган.

Яна улар Пайғамбаримизнинг шафоати гуноҳи кабира қилган мўминларга тегишли бўлади, дейишган. Зеро, ҳадисда "*Шафоатим гуноҳи кабира қилган* (мўмин-мусулмон)*ларга*", дейилган. Бошқа ҳадисда эса, шундай дейилади: "*Имондан зарра мисқолича қалбида бўлган киши дўзахда қолмайди*". Абу Зарр Ғифорийдан нақл қилинган ривоятда: *"Зино қилса, ўғирлик қилса ҳамми?"* дейилган.

Бу шу нарсага далолат қиладики, гуноҳи кабирага қўл урган киши комил мўмин бўлмаса-да, белгиланган жазони олганидан кейин, албатта, дўзахдан чиқади.

Иккинчиси, муътазилийлар имонга хорижийлар каби таъриф берган бўлишса-да, бироқ муътазилийликда гуноҳи кабира қилган киши то тавба қилмагунича икки манзил орасида бўлади. Уларнинг нигоҳида дўзахнинг икки даражаси орасида яна бир даража бор. Бу имон билан куфрнинг орасида яна битта манзил бўлгани каби. Ундан на холис кофир ва на холис мўмин жой олади. Балки, у гуноҳи кабира қилган кишининг манзилидир.

Учинчиси, жаҳмийлар, хусусан, Жаҳм ибн Сафвон таълимотига кўра, киши мўмин бўлиши учун қалб маърифатининг ўзи кифоя қилади. Яъни имон маърифатдир. Уларнинг нигоҳида, киши мўмин бўлиши учун тил иқрори ва арконларига амал қилишга ҳеч қандай ҳожат йўқ.

Жаҳмийлар илгари сурган қараш тўғри бўлса, барча аҳли китоблар, шунингдек, Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайғамбарлигини илми ва ақли билан эътироф этган бўлса-да, имонни қабул қилмаган – ҳокимиятни ҳидоятдан устун билган Византия императори Ҳирақл I (ваф. 641) ва Абу Толиб Абд Манноф ибн Абдул Мутталиб ибн Ҳошим Қураший (549, Макка – 619, Ҳижоз)[10] ҳам мўмин бўлиши керак бўлади. Бу эса хато.

Тўртинчиси, мурҗиийлардир. Улар: "Имон фақат тасдиқдан иборат бўлиб, куфр билан тоат таъсир қилмагани каби имон билан маъсият кор қилмайди", дейишади.

Бешинчиси, карромийлик таълимотига кўра, имон фақат тил билан иқрор қилишдир. Уларнинг имонга берган таърифига кўра, мунофиқлар ҳам мўмин-

---

[9] Хартал – қалампир, уруғи дони, зарра, ўлчов бирлиги. Бир хартал 1/25 гуруч донига ёки 1/4200 дирҳамга тенг (0.000707 г.)

[10] Муҳаммад алайҳиссаломнинг амакиси ва ҳимоячиси, Абдул Мутталибнинг иккинчи ўғли, тўртинчи халифа Алининг отаси. Қурайш қабиласининг раҳнамоси. Қурайш улуғлари ўртасида Муҳаммад алайҳиссаломни доим ҳимоя қилган бўлса-да, исломга кирмаган – "Абдул Мутталиб динида" қолган. Ушбу муносабат билан "Тавба" сураси 113 (*На пайғамбар ва на мўминлар мушриклар учун, гарчи улар қариндошлари бўлса ҳам – уларнинг дўзах аҳли эканлари маълум бўлгандан кейин – истиғфор (гуноҳларини кечиришини) сўрашлари жоиз эмас*) ва "Қасос" сураси 56-ояти (*Сиз ўзингиз суйган кишиларни ҳидоят қила олмайсиз*) нозил бўлган.

мусулмон бўлиб қолади. Чунки мунофиқлар тили билан имон келтирган, аммо қалбидан тасдиқламаган бўлади.

Олтинчиси, Абу Ҳанифа, Имом Мотуридий, Абу Ҳасан Ашъарий ва жумҳур мутакаллимларнинг имонга берган таърифидирки, унга кўра, имон фақат қалб тасдиғидан иборат.

Бунда тил иқрори ҳукмларни жорий қилиш учун шарт. Амал эса комил имоннинг шартидир. Бироқ бу иккиси имоннинг таркибий қисми эмас. Бу қарашга кўра, имон яхлит нарса бўлиб, у бирор нарсадан таркиб топмаган.

Еттинчиси, уч мазҳаб имомлари ва жумҳур муҳаддислар наздида имоннинг таърифи шундай: "Имон – қалб тасдиқи, тил иқрори ва арконларга амал қилиш". Бу ва ундан олдинги қараш вакиллари аҳли сунна вал жамоа тоифаси дейилади. Улар орасидаги мазкур фарқ ҳақиқий эмас, балки лафзийдир.

Умуман, аҳли сунна вал жамоадан бири "имон ҳеч нарсадан таркиб топмаган" деса, иккинчиси "имон уч нарсадан таркиб топган" дейди. Яъни ҳанафийлар ва жумҳур мутакаллимлар имон мураккаб бўлмаган нарса дейишса, уч мазҳаб имомлари ва жумҳур муҳаддислар имон уч нарсадан таркиб топган, дейишади. Жумладан, Имом Бухорий ўзининг "Саҳиҳи Бухорий" асарида имон уч қисмдан иборат эканига далилларни жамлаган.

Уч мазҳаб имомлари ва жумҳур муҳаддисларнинг имонга берган таърифи зоҳирий жиҳатдан муътазилий ва хорижийларнинг таърифига ўхшайди. Аммо бу фақат лафзий ўхшашликдир.

Моҳият жиҳатидан шофиийларнинг қараши муътазилий ва хорижийларнинг қарашидан тубдан фарқ қилади. Чунки муътазилий ва хорижийларда имоннинг мазкур уч унсуридан бири топилмаса, киши мўмин ҳисобланмайди. Аниқроқ қилиб айтилса, уларнинг таълимотига кўра, амалларни тарк қилган киши абадий дўзахда қолади.

Шунингдек, ҳанафий ва жумҳур мутакаллимларнинг имонга берган таърифи зоҳирий жиҳатдан муржиийларнинг талқинига ўхшайди. Аммо бунда ҳам ўхшашлик фақат лафзий, холос. Чунки икки қараш вакилларининг сўзлари бир-биридан моҳият жиҳатидан фарқ қилади.

Ҳанафийлар ва жумҳур мутакаллимлар амални зарурий деб билишиб, уни тарк қилган кишини фосиқ ҳисоблайди. Муржиийлар эса: "Мўминга амаллар таъсир қилмайди", – деб эътиқод қилишади.

Имонга берилган таърифнинг зоҳирий ўхшашлигидан келиб чиқиб, уч мазҳаб имомлари ва жумҳур муҳаддисларни муътазилийларга ҳам, хорижийларга ҳам ўхшатиш мумкин эмас.

Худди шунингдек, ҳанафий ва жумҳур мутакаллимларни, уларнинг имонга берган таърифидан келиб чиқиб, муржиийларга ўхшатиш ҳам хато бўлади.

Умуман, ҳанафийлар имонни қалбий тасдиқдан иборат бўлиб, яхлит, яъни мураккаб бўлмаганини тушунтиришади. Ҳанафий уламоларнинг далили қуйидаги оятдан олинган: *"Албатта, имон келтирган ва яхши амалларни қилганларга Фирдавс жаннати манзил бўлгандир"* (*Каҳф сураси, 107-оят*).

Қуръони каримнинг баъзи ўринларида имонга солиҳ амал атф *(боғловчи)* ҳарфи билан боғланган. Араб тили қоидасига кўра, атф муғояратни, яъни отиф билан маътуфнинг бир-биридан бошқа-бошқа нарса, турфа эканини тақозо қилади. Шу тариқа амал билан имон бошқа-бошқа экани исботланади.

"Эркагу аёл, ким мўмин ҳолида яхши амал қилса, Биз унга яхши ҳаёт кечиртирамиз" (*Наҳл сураси, 97-оят*).

Шу каби оятларда амалларнинг қабул бўлиши учун имон шарт қилинган. Демак, имон шарт, амал эса машрут (шартга боғлиқ қилинган) нарсадир. Араб тили қоидасига кўра, шарт билан машрут бошқа-бошқа нарса ҳисобланади.

Солиҳ амаллар – намоз, рўза, закот, ҳаж ва бошқалар имоннинг таркибий қисми ҳисобланмайди. Яъни киши фарзларни бажармаслигининг ўзи билан диндан чиқиб қолмайди.

Яхши амаллар имоннинг жилваси бўлиб, улар орқали у зийнатланади ва равнақ топади. Натижада, бандaнинг имони комил бўлади. Бунга Қуръони каримдан қуйидаги оят далил бўлади: *"Имон келтириб, яхши амаллар қилган зотлар учун хушнудлик ва гўзал оқибат – жаннат бордир"* (*Раъд сураси, 29-оят*).

Имоми Аъзам Абу Ҳанифа "Васият" номли китобида айтади: *"Шунингдек, амал имондан алоҳида, имон ҳам амалдан алоҳидадир. Бунинг далили шуки, баъзан мўминдан амаллар вақтинчалик соқит бўлиб туради. Лекин ундан имон соқит бўлади, деб бўлмайди.*

(Масалан) ҳайзли аёлдан намоз соқит бўлади. Лекин ундан имон соқит бўлди ёки унга имонни тарк қилиш буюрилган, дейиш мумкин эмас"[11].

Мотуридийлик эътиқодига кўра, амаллар имоннинг бир бўлаги, ёки рукни эмас. Шу сабабли ҳар қандай фарзни (*инкор этмаган ҳолда*) тарк этган киши диндан чиққан – кофир бўлиб қолмайди. Бунинг далилларидан бири:

Умар ибн Хаттобдан ривоят қилинади: "Набий алайҳиссалом даврларида Абдуллоҳ исмли киши бўлиб, унинг лақаби "химор"[12] эди. У Расулуллоҳ алайҳиссаломни кулдирар эди. У Зот уни ичгани учун дарра урдирган эдилар. Бир куни у яна шу ишни қилди ва унга дарра уришни амр қилдилар. Қавмдан бир киши: "Аллоҳим, уни лаънатлагин, у қандоқ ҳам кўп ичади", – деди. Шунда Набий алайҳиссалом дедилар: "Уни лаънатламанглар, Аллоҳга қасамки, у Аллоҳ ва унинг Расулини яхши кўради"[13]. Кўриниб турганидек, қайтарилган амални содир қилгани билан Абдуллоҳни кофир санамадилар, бошқаларни лаънатлашдан қайтардилар. Аксинча, унинг имонига ишора қилдилар. Шундан амал имондан ташқари экани маълум бўлади.

---

[11] Мулла Алиюл Қорий. Шарҳу фиққил акбар / Али Муҳаммад таққиқи. – Байрут: Дорул кутубил илмия, 1995. – Б. 89

[12] "Хамр" узум ёки шунга ўхшаш мевалардан тайёрланадиган маст қилувчи ичимлик. У ақлни тўғри фикрлашдан тўсгани учун шундай номланган. Чунки "хамр"нинг маъноси – ақлни тўсувчи, "химор" аёллар бош кийими, рўмол, беркитувчи, бошни тўсувчи.

[13] Имом Бухорий. Саҳиҳул Бухорий. – Ҳиндистон: Қадимий кутубхона, 1961. – Ж. 1. – Б. 3380.

Моликий, шофиий ва ҳанбалий мазҳабларида солиҳ амаллар имоннинг таркибий қисми экани эътироф этилса-да, бироқ уларни тарк этиш имондан чиқишга эмас, балки имоннинг камолоти йўқолишига олиб келиши таъкидланади.

Айрим ҳадиси шарифларда амал имоннинг бир қисми эканини англатувчи маънолар мавжуд. Жумладан:

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: "Расулуллоҳ алайҳиссалом хутба қилганларида: "*Омонатсиз инсонда имон, аҳдсиз кишида дин йўқ*", – дедилар"[14].

Абу Умомадан ривоят қилинган бошқа бир ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "*Ким Аллоҳ учун яхши кўриб, Аллоҳ учун ғазаб қилса ва Аллоҳ учун бериб, Аллоҳ учун бермаса, у имонини камол топтирибди*", – деганлар"[15].

Ибн Масъуддан ривоят қилинади: "Расулуллоҳ алайҳиссалом: "*Омонатсиз кишида имон йўқ, аҳдсиз кишида дин йўқ. Муҳаммаднинг нафси изнида бўлган Зотга қасамки, банданинг дини тили тўғриланмагунича тўғри бўлмайди. Унинг тили қалби тўғриланмагунича тўғри бўлмайди. Қўшниси бавоиқларидан омонда бўлмаган киши жаннатга кирмайди*", – дедилар. Шунда: "Эй Аллоҳнинг Расули! Бавоиқ нима?" – дедилар. У зот: "*Унинг зулм-ситами*", – дедилар..." (*Табароний ривояти*).

Мазкур ҳадисларнинг барчасида комил имон ҳақида сўз бормоқда, яъни ушбу ҳадислар "омонатсиз кишида комил имон бўлмайди" деган маънони англатади.

Бошқа бир ҳадисда масжидга қўшни бўлиб яшайдиган инсоннинг намози фақат масжидда адо бўлиши таъкидланган. Ундан ушбу одамнинг уйида ўқиган намози қабул бўлмайди, деган маъно англашилмайди. Балки масжидга қўшни яшаган инсон масжидда ўқимай, уйида ўқиса, намози комил бўлмаслиги тушунилади.

Худди шунингдек, мазкур ҳадисларни "омонатсиз кишида комил имон бўлмайди", деб талқин қилиш лозим. Акс ҳолда, қўшнисига азият етказган ёки омонатга хиёнат қилган киши кофир бўлиши керак бўлиб қолади. Бундай бўлиши эса "*чин қалбдан ла илаҳа иллаллоҳ, деб айтган киши жаннатга киради*", деган мазмундаги диннинг асосини ташкил қилувчи ҳадиси шарифлар моҳиятига зиддир.

Имонга тегишли ҳадислар орасида, зоҳирий жиҳатдан муржиийларнинг қарашини қўллаб қувватлайдиган, яъни "имонли инсонга гуноҳ таъсир қилмайди" деган маънони зоҳиран ифодаловчи ҳадислар ҳам мавжуд. Жумладан, Расулуллоҳ алайҳиссалом Муоз ибн Жабалга шундай деганлар: "*Ким "Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад – нинг расули", деб чин қалбдан шаҳодат келтирса, Аллоҳ таоло уни дўзахга ҳаром қилади*".

Убода ибн Сомитдан ривоят қилинади: "Расулуллоҳ алайҳиссалом: "*Ким "Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, У яккаю ягона, шериги йўқдир. Муҳаммад унинг бандаси ва расулидир. Исо Аллоҳнинг бандаси, расули ва чўрисининг ўғли, Марямга ташлаган калимаси ва руҳидир. Жаннат ва дўзах ҳақ*", деб шаҳодат келтирса, амали қандай бўлмасин, уни Аллоҳ таоло *жаннатга киритади*", – дедилар"[16].

---

[14] Абу Бакр Байҳақий. Ас-Сунанул кубро. – Байрут: Дорул кутубил илмия, 2003. – Ж. 4. – Б. 163.

[15] Имом Абу Довуд. Ас-Сунан ли Аби Довуд. – Байрут: Дорул қибла, 2009. – Ж. 5. – Б.

[16] Имом Муслим. Ас-Саҳиҳул Муслим. – Байрут: Дорул жийл, нашр йили кўрсатилмаган. – Ж. 1. – Б. 42.

Имом Муслимдан қилинган бошқа ривоятда шундай дейилган: “Расулуллоҳ алайҳиссалом: “*Ким “Аллоҳ таолодан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад Аллоҳнинг расули”, деб гувоҳлик берса, Аллоҳ унга дўзахни ҳаром қилади*”, – дедилар”.

Мазкур ҳадисларнинг маъносини ифодаловчи кўплаб ҳадислар, зоҳиран мўмин кишига амалнинг зарурати йўқ, деган маънони англатади. Лекин унинг муқобилидаги бошқа ҳадисларни ўрганиб чиқиб, *“чин қалбдан имон келтирган инсон қилган гуноҳларига яраша жазо олганидан кейин, албатта жаннатга киради, у ҳеч қачон дўзахда абадий қолиб кетмайди”,* деган хулосага келиши мумкин.

Имон мавзуси остида ўрганиладиган ва тадқиқ этиладиган масалалардан бири “Имон келтириш ақл асосида вожибми ёки нақл биланми?!” деган мавзудир. Нуриддин Собунийнинг “ал-Бидая” асарида шундай келтирилади: “Аллоҳ таолога имон келтириш фарз, куфр келтириш эса ҳаромдир. Олимлар имоннинг ақл ёки нақл асосида вожиб бўлиши борасида ихтилоф қилганлар. Хусусан, ислом даъвати етиб бормаган ҳудудларда вафот этган киши[17]нинг тақдири борасида ҳам олимлар орасида турли қарашлар мавжуд. Шунингдек, цивилизация етиб бормаган ҳудудларда ўсиб, ислом етиб бормай, вафот этган кишилар узрлими ёки узрсизми? Фитратда яшаб ўтган кишилар борасидаги ихтилоф ҳам айни шундайдир”[18].

Ботиний, рофизий, мушаббиҳа ва хорижийлар: “Ақл билан ҳеч нарса вожиб бўлмайди. Имоннинг яхшилиги ва куфрнинг ёмонлигини ақл воситасида идрок этиш имконсиз. Бинобарин, улар шариат орқали билинади”, – дейди[19].

Муътазилийлар наздида, “ақл имон келтиришни, неъмат берувчига шукр қилишни тақозо этади. Ақлнинг ўзи билан ҳукмлар собит бўлади”[20].

Ашъарийлар “ақл билан бирор нарса вожиб ва ҳаром бўлмаслиги, бироқ унинг воситасида айрим нарсаларнинг хайрли ёки ёмон экани маълум бўлиши”ни таъкидлашади. Имом Ашъарий наздида, мукаллафга юклатиладиган барча ҳукмлар нақл орқали олинади.

Ашъарийлар ва бир гуруҳ ҳанбалийлар: “Бу тоифа кишилар узрлидирки, уларнинг далил келтиришлари шарт эмас”, – дейди ҳамда қарашини “То пайғамбар юбормагунимизча (*бирор кимсани*) азобловчи бўлмадик” ояти (*Қуръони карим. Исро сураси, 15-оят. –Б. 283*) билан исботлайди[21].

Абу Муин Насафий наздида, имон Аллоҳ таоло ҳидояти билан бандanинг ишидир. Уни тил билан иқрор қилиб, дил билан тасдиқлаш бандадан, тавфиқ ва ҳидоят эса Аллоҳдандир.

---

[17] Абу Муин Насафий наздида, ақл соҳиби бўла туриб илоҳий ваҳий сабоғи етмаган кимса узрли бўлмайди. Ҳар бир инсон оламнинг яратувчиси борлигига “асҳоби Каҳф” каби далил излаши вожиб. Муътазилийлар айтади: “Аллоҳга ақл билан далил келтириш вожиб эмас, лекин ақл инсонга Аллоҳни танитиши шарт”.

[18] Нуриддин Собуний. Ал-Кифоя фил ҳидоя. – Б. 346.

[19] Абу Баракот Насафий. Шарҳул Умда. – Б. 362.

[20] Нуриддин Собуний. Ал-Бидоя. – Б. 150.

[21] Абу Баракот Насафий. Шарҳул Умда. – Б. 366.

Умуман, ҳозирги кунда “имон” масаласи мураккаблашиб, ақидапараст тоифаларнинг қуролларига айланиб қолмоқда. Чунки радикаллашган тоифалар ўз мақсадларини амалга оширишда амални имоннинг таркибий қисмига айлантириб, ислом аҳкомларига билиб-билмай амал қилмаган мўмин-мусулмонларнинг қонини ўзларига ҳалоллаш учун “такфир” масаласини ўртага олиб чиқмоқда.

Бу эса Пайғамбаримиз олиб келган илоҳий мўътадил таълимот асосларига буткул зиддир.

Таҳлиллар асосида қуйидаги **хулоса**ларга келиш мумкин:

- Имон каломдаги тарихан энг ихтилофли масалалардан бўлиб, аҳли сунна олимлари билан бир қаторда уларнинг рақиблари ҳам мазкур мавзу доирасида баҳс юритганлар.

- Кўплаб тўғри ва ботил қарашлар зоҳиран ўхшаш бўлса-да, мазмунан тубдан фарқ қилади. Масалан, Имом Молик, Имом Шофиий, Аҳмад ибн Ҳанбал ва уларга эргашган алломалар билан хорижий ва муътазилий олимларнинг имонга берган таърифи шаклан ўхшаш: “Имон – қалб тасдиқи, тил иқрори ва амал қилиш”. Аммо бу орқали хорижийлар гуноҳи кабирани содир қилувчи – кофир, муътазилийлар икки манзил ўртасида, дейди. Шофиий уламолар эса катта гуноҳ содир қилганни исломдан чиқармайди. Улар гуноҳни имоннинг камолотига боғлашади. Яъни гуноҳ орқали имон эмас, унинг камолоти йўқолади.

- Ҳанафийлар, хусусан, Абу Мансур Мотуридийнинг таърифи зоҳирий жиҳатдан муржиийлар талқинига ўхшайди. Яъни имон тасдиқдир. Айни шу масала туфайли айрим тоифалар ҳанафийларни муржиийликда айблашади. Лекин ҳанафийлар амални зарурий ҳисоблаб, уни тарк қилган фосиқ бўлишини таъкидлайди. Муржиийлар эътиқодига кўра эса “мўминга амаллар таъсир қилмайди”.

- Мотуридийлик эътиқоди, ҳақиқат қиличи Абу Муин Насафий қарашларига кўра, амал имон шартларидан ҳисобланмайди. Шунга асосан улкан гуноҳларни содир этган кимса имонда қолади – кофир ҳисобланмайди. Улар таклиф қилган ғояга биноан тил иқрори – шариат ҳукмларни жорий қилиш, амал – комил имоннинг шарти ҳисобланади.

Демак, имон масаласини чуқур англаш, ҳанафийлик-мотуридийлик қарашларини таҳлилий идрок қилиш, керак бўлса, ҳимоя қилиш кўплаб эътиқодий тушунмовчиликларга барҳам бериш, ихтилофларнинг олдини олишга ёрдам беради. Қолаверса, юртимизда азалдан қарор топган диний ва динлараро бағрикенглик ғояларининг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Байҳақий Абу Бакр. Ас-Сунанул кубро. – Байрут: Дорул кутубил илмия, 2003. – Ж. 4.
2. Бухорий Саффор. Талхисул адилла ли қавоидит тавҳид // Анжлика Бродрсн таҳқиқи. – Байрут: Муассасатур Райён, 2011.
3. Имом Абу Довуд. Ас-Сунан ли Аби Довуд. – Байрут: Дорул қибла, 2009. – Ж. 5.
4. Имом Муслим. Ас-Саҳиҳул Муслим. – Байрут: Дорул жийл, нашр йили кўрсатилмаган. – Ж. 1.

5. Имом Бухорий. Саҳиҳул Бухорий. – Ҳиндистон: Қадимий кутубхона, 1961. – Ж. 1.
6. Косоний Алоуддин Абу Бакр. Ал-Муътамад минал муътақод // Энес Дурмуш, Муҳаммад ва Усман Дўган таҳқиқи. – Истанбул: Date Published, 2021.
7. Ломиший Абу Сано Маҳмуд ибн Зайд. Китобут Тамҳид ли қавоидит тавҳид // Абдулмажид Туркий таҳқиқи. – Байрут: Дорул ғарбил исломий, 1995.
8. Мулла Алиюл Қорий. Шарҳу фиққил акбар / Али Муҳаммад таҳқиқи. – Байрут: Дорул кутубил илмия, 1995.
9. Насафий Абу Баракот. Шарҳул Умда фи ақида аҳлиис сунна // Абдуллоҳ Муҳаммад ва Абдуллоҳ Исмоил таҳқиқи. – Қоҳира: ал-Мактабатул азҳария лит турос, 2011.
10. Насафий Абу Муин. Табсиратул адилла фи усулид дин // Муҳаммал Анвар Ҳомид Исо таҳқиқи. – Қоҳира: ал-Мактабатул азҳария лит турос, 2011.
11. Самарқандий Убайдулло ибн Муҳаммад. Китобун аъзимун фи усулид дин. – Истанбул: Миллет Женел кутубхонаси. – Ин. 1158.
12. Собуний Нуриддин. Ал-Кифоя фил ҳидоя // Муҳаммад Орутший. – Истанбул: Дор ибн Ҳазм, 2014.
13. Собуний Нуриддин. Китобул бидоя минал кифоя фил ҳидоя фи усулид дин // Фатҳуллоҳ Хулайф таҳқиқи. – Миср: Дорул маориф. 1969.
14. Усмандий Алоуддин Муҳаммад ибн Абдулҳамид. Лубабул калом // Муҳаммад Саид Ўзарварлий таҳқиқи. – Истанбул: Туркия диёнат вақфи, 2019.
15. Ўший Али ибн Усмон. Бадъул амалий. – Тошкент: ЎзХИА нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011.

«СУНАН ТЕРМИЗИЙ»ДА ТАФСИР РИВОЯТЛАРИ

Давронбек Махсудов Рустамович*

Янги Ўзбекистонда Имом Термизий ва термизийлар илмий меросига бўлган муносабат мутлоқ ўзгарди. Имом Термизий номи билан боғлиқ жомеъ масжид, Абу Исо Термизий мажмуаси қурилди, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан термизлик олимлар меросини ўрганишга мўлжалланган Имом Термизий халқаро илмий тадқиқот марказининг ташкил топди.

Бугунги кунда термизий алломалар меросига оид ўнлаб тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Булар қаторида Абу Исо Термизийнинг 4 жилдли "Сунан Термизий шарҳи", "Жомеъ сунан", "Китабул илал", шунингдек Ҳаким Термизийнинг "Адабун нафс" (Нафс одоби), Термизийнинг "Қайтарилган амаллар" (ал-Манҳиёт), "Яширин масалалар" (Масоилул макнуна), "Таҳсилу назоирил Қуръон" (Қуръондаги сўзларнинг турлича маъноларини ўрганиш), Ҳаким Термизийнинг "Баҳрут тафсир" каби асарларнинг чоп этилганлигини айтиш мумкин.

Таъкидлаш керакки, Термиз ўз даврида улкан олимларни етказган ҳудуд сифатида шуҳрат қозонган. Бу ердан нафақат ҳадис, тасавуф, балки тафсир илми борасида ҳам етук олимлар етишиб чиқан. Жумладан, Ҳаким Термизий номи билан машҳур бўлган Абу Абдуллоҳ ибн Али ибн Ҳасан ибн Башир Ҳаким Термизий (205/820-320/932) «Китобул амсол минал Китоб вас суннат», «Таҳсил назоирул Қуръон» («Қуръон ибратларини эгаллаш») каби асарлари билан, Умар Термизий (857/1453 йил атрофида яшаган) суфий, воиз олим сифатида Ихлос сурасига тафсир ёзгани билан машҳур бўлганлар.

Олти саҳиҳ китобдан бири «Сунанут Термизий» номи билан машҳур бўлган «ал-Жомиус саҳиҳ» асари муаллифи Абу Исо Термизий ҳам ҳадис, тафсир илмларида етук олим бўлган. Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Зуҳҳоқ Сулламий Зарир Буғи Термизий (824-892)нинг мазкур «ал-Жомиус саҳиҳ» асарида таҳорат, намоз, рўза, закот, ҳаж, сийратлар, васият каби қатор диний ижтимоий ва ибодат масалалари қатори Қуръон фазилатлари, тафсир сингари қисмлар ҳам ёритилган [1; 33-49].

Ушбу асарда «Китаб савобил Қуръон», «Китабул қираат» («Қуръон қироатлари») ва «Китаб тафсирил Қуръон» («Қуръон тафсири китоби») номли боблар бўлиб, унда тафсирга оид ривоятларни келтирган. Китобнинг "Китаб тафсирил Қуръон" ("Китаб тафсирил Қуръон ан расулиллаҳ") деб номланган қисми энг катта боблардан бири саналади ва унда умумий ҳисобда 377 та ҳадис жамланган. Ушбу бобда анъанавий тартибда Қуръоннинг Фотиҳа сурасидан Носгача бўлган сураларнинг фазилатлари ҳақидаги ҳадислар жамланган. Имом Термизий ҳадислар орасидан ўз шартларига тўғри келганини саралаб олгани боис ҳам ҳамма оятларнинг шарҳлари унинг келтирилмаган бўлиши мумкин.

Абу Исо Термизий тафсир қилиш жиддий иш эканини таъкидлагани боис ушбу бобда ўз ижтиҳоди билан тафсир қилишнинг мумкин эмаслиги ҳақидаги 5 та ҳадисни

---

* *Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари, тарих фанлари доктори, профессор*

биринчи навбатда келтиради. Жумладан, уларнинг бирида шундай дейилади: “Ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилинади. У айтади: “Росулуллоҳ (с.а.в.) айтадилар: “Ким Қуръондаги нарсалар (унинг мазмуни) ҳақида билмай бирор сўз айтса, ўз жойини дўзахтдан тайёрлаб қўйсин” [2; 659-660]. Кейинги ҳадисда эса қуйидаги ривоятни келтиради: Жундуб ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинади: “Росулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: “Ким Қуръон борасида ўз фикрига таяниб гап айтса, агар тўғри бўлса ҳам у хато қилибди”.

Дарҳақиқат, Қуръони карим мўътабар китоб бўлгани боис унинг тафсирида билмай гапириш мумкин эмас. Бу билан сўзловчи адашади ва бошқаларни ҳам адаштиради. Ҳозирда айниқса, ўз даъволарини исботлаш мақсадида оятлардан билимсиз ҳолда далиллар келтираётган турли ақидавий оқим вакилларининг фаолиятларига берилган баҳодир.

Олим “Сунанут Термизий”даги тафсирга бағишланган бобнинг давомида Фотиҳа сураси шарҳини келтиради ва бу қисмни Фотиҳа сураси ўқилмаган намоз мукаммал эмаслиги борасидаги ҳадисларни ривоят қилишдан бошлайди. Ушбу ҳадисларда Фотиҳа “Уммул Қуръон” (Қуръоннинг онаси) номи билан зикр қилинади [2; 660-661]. Манбаларда Фотиҳанинг “Уммул китоб”, “Сабъул масони” каби бир неча номлари санаб ўтилади. Термизий эса улардан Қуръон онаси номи билан боғлиқ ҳадисларни келтиради.

Олим Бақара сураси тафсири билан боғлиқ жами 37 та ҳадисни ўз асарига киритган. Улар қаторида яҳудийларга доир воқеалар (58-59-оятлар), қибла ва саҳобаларнинг қоронғиликда турли томонга қараб намоз ўқиганликлари ва буни маъқулловчи оятнинг нозил бўлиши (115, 150-оятлар), қибланинг Каъба томон ўзгариши (144-оят), Ҳазрати Умарнинг Мақоми Иброҳимда намоз ўқишни сўрагани ва бу борада оятнинг нозил бўлиши (125-оят), мусулмон умматининг адолатли уммат этиб танлангани (143-оят), рўза тутувчининг тонггача сахарлик қилиши (187-оят), ўрта намоз (238-оят) каби қатор оятлар шарҳига бағишланган ҳадисларни [2; 662-670] айтиш мумкин.

Айтиш керакки, оятлар тафсирига оид ҳадислар айни дамда сабаби нузул (оятларнинг нозил бўлиш сабаблари)га ҳам тааллуқлидир. Жумладан, Анас (р.а.)дан ривоят қилинади: Умар ибн Хаттоб Пайғамбар (с.а.в.)га: “Эй Росулуллоҳ! Мақом ортида намоз ўқисак”, деди. Шундан кейин Бақара сурасининг 125-ояти – “Мақоми Иброҳимда намоз жойи қилиб олинглар” нозил бўлди. Шунингдек Урвадан ривоят қилинган ҳадис сабаби нузул билан боғлиқ бўлиб, унда шундай дейилади: Урва айтади: Мен Оишага (р.а.) бирор киши Сафо ва Марва орасини сайъ қилмаса ҳеч нарса бўлмайди ва мен буни маъқул санайман дедим”. Шунда Оиша (р.а.): “Нақадар ёмон гапни айтдинг, эй опамнинг ўғли. Расулуллоҳ (с.а.в.) ва мусулмонлар тавоф қилганларида ... одамлар Сафо ва Марва орасини сайъ қилмас эдилар. Шунда Аллоҳ табарок ва таоло “Ким Уни ҳаж қилса ёки умра қилса, бу икки жой (Сафо ва Марва)ни тавоф қилишида зарар йўқдир” ояти (158-оят)ни нозил қилди. Агар сен айтганингдек бўлганида эди, унда Аллоҳ таоло “бу икки жойни тавоф қилмасликда зарар йўқдир” деб нозил қилар эди”, - деди”. Имом Зуҳрий айтади: “Мен (Урва ривоят қилган) бу

ҳадисни Абу Бакр ибн Абдураҳмонга айтиб берганимда, у ажабланиб: “Бу бир илмку, мен олимларнинг “Сафо ва Марвани тавоф қилмайдиган арабларнинг “Бу икки тош (Сафо ва Марва) орасини саъй қилиш жоҳилият одатларидан” деганини, ансорларнинг эса: “Биз Байтуллоҳни тавоф қилишга буюрилганмиз, Сафо ва Марвани эмас” деганини эшитганман. Шунда Аллоҳ “Албатта Сафо ва Марва Аллоҳнинг белгиларидан” оятини нозил қилган”. Абу Бакр ибн Абдураҳмон сўзини давом этиб айтади: “Демак, ушбу оят (158-оят) булар ва булар ҳақида нозил бўлган экан-да” [2; 663-664].

Келтирилган ушбу ҳадисдан кўриниб турибдики, араблар жоҳилият амали деган ўйда Сафо ва Марва ўртасида сайъ қилмас эканлар. Лекин ушбу оятлар нозил бўлгач, бу ерда сайъ қилиш жорий қилинган ва ҳадисда келтирилган воқеа бунга сабаб бўлган.

Бундан ташқари китобнинг таҳорат, намоз каби бошқа қисмларида келтирилган ҳадисларда ҳам оятлар шарҳи ва изоҳига оид ривоятлар ўрин олган.

Аллома 279/892 йилда Термиздан узоқ бўлмаган Буғ қишлоғида вафот этган.

Дарҳақиқат, Абу Исо Термизий ҳадис билан бир қаторда тафсир борасида ҳам етук олим бўлган. “Сунан Термизий”да келтирилган оятлар шарҳига бағишланган ҳадислар бунинг ёрқин мисоли саналади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Имом Термизий / Ўзбекистон буюк алломалар юрти / тузувчи ва нашрга тайёрловчи У.Уватов. – Т.: Маънавият, 2010.
2. Муҳаммад ал-Бухорий. Ҳадис. Ал-Жомиус саҳиҳ. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1995. Ж. III.
3. Имом Доримий. Сунануд Доримий. / Муҳаммад Абдулазиз Холидий таҳрири остида. – Байрут: Дорул кутубил илмия, 1996. Ж. 2.
4. Абу Исо Термизий. Сунанут Термизий. Ар-Риёд: Мактабатул маориф лин нашр ват тавзиъ, (йили кўрсатилмаган).
5. Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад. Ўрта Осиё олимлари қомуси. – Т.: Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази нашриёти, 2007.

ИМОМ ТЕРМИЗИЙНИНГ “КИТОБУЛ ИЛАЛ” АСАРИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мирзо Кенжабек*

Аннотация. Ушбу мақолада Имом Термизийнинг ҳадис илмига оид муҳим манбалардан бири ҳисобланган «Китобул илал» асари, унинг ҳадисларни тавсифлашдаги аҳамияти борасида сўз юритилади. Имом Термизий асарлари маълум маънода ундан кейин ёзилган ҳадис усулларига оид китобларнинг манбаси бўлган. Имом Термизий ҳадисларнинг манбалари ва матнларини тилга олиб, ҳадисларнинг саҳиҳлик даражаси, ровийларнинг мақоми, ҳадисларнинг турли хусусиятларини тушунтиради. Мақолада **“**Китобул илал**”** асарнинг ушбу хусусиятларига алоҳида аҳамият қаратилади.

Калит сўзлар: Имом Термизий, ҳадис, муҳаддис, «Сиҳоҳи ситта», «Китобул илал», ҳасан, заиф, ғариб.

Abstract. This article discusses Imam Tirmidhi’s book «Kitabul ilal», which is considered one of the important sources of hadith science, and its importance in describing hadiths. Imam Tirmidhi’s works were, in a certain sense, the source of the books on hadith methods that were written after him. Referring to the sources and texts of hadiths, Imam Tirmidhi explains the level of authenticity of hadiths, the status of narrators, and various characteristics of hadiths. The article focuses on these features of the work “Kitabul-ilal”.

Keywords: Imam Tirmidhi, hadith, muhaddis, «Sihahi sitta», «Kitabul ilal», hasan, weak, gharib.

“Илал” деганда ҳадислар ривоятидаги яширин қусур ва иллатлар тушунилади. Ҳадис илмида илал масаласи муҳим аҳамиятга ага бўлиб, бу соҳа ҳадислар ривоятида ҳар хил сабабларга кўра ровийлар томонидан содир этилган заифлик, ноаниқлик, ғалат, хато, саҳву янглишларни тадқиқ қилишдек шарафли ва ўта масъулиятли вазифа билан шуғулланади.

Ҳазрати Имом Термизий илал соҳасидаги таснифлари билан ҳам Ислом тамаддунига улкан ҳисса қўшганлар.

Имом Термизийнинг бизгача етиб келган «Ал-Илал фил ҳадис» («Ҳадислардаги иллатлар ёки оғишлар») номли муҳим асари бўлиб, бу асосан икки мустақил китобдан ташкил топган.

Улардан бири «Ал-Илалул кабир» ёки «Ал-муфрад» номи билан аталиб, кўпчилик олимлар “Термизийнинг бу асари бизгача етиб келмаган” деган фикрда бўлганлар. Гарчанд аксар тадқиқотчилар ҳам шундай фикрда бўлсалар-да, имом Термизийнинг ҳаёт ва фаолиятларига доир махсус рисола ёзган олим Нуриддин Атр “Китобул илал”нинг Байрутда 1988 йилда чоп этилган иккинчи нашрида Туркиянинг қимматли қўлёзмаларга бой кутубхоналаридан бирида Имом Термизийнинг «Ал-Илалул кабир» асарининг ягона қўлёзмасини кўргани ва ундан фотонусха олиб, ўз тадқиқотининг қайта нашрида фойдалангани ҳақида ёзади.

---

* *Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази бўлими бошлиғи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, фахрий профессор*

«Ал-Илал»нинг иккинчиси «Ал-Илалус сағир» деб аталиб, у муаллифнинг бош асари бўлмиш «Ал-жомиус саҳиҳ», яъни "Сунани Термизий" китоби охирига хотима тариқасида илова қилинган. Чунки бу асар "Сунани Термизий"га бевосита алоқадор саналади.

Имом Термизийнинг ўзлари «Илал» масаласида айтдилар: «Бу (илалга оид) масалада узоқ вақт фикр-мулоҳаза юритдим, бунинг боиси шундаки, биздан шу хусусда сўралганда, олдин ўз нуқтаи назаримизни очиқ-ойдин айтмаганмиз. Сабаби шуки, биринчидан, биздан аввал илал масаласи хусусида сўралганда бир қанча уламолар ҳам ўз фикрларини билдирмаганлар, иккинчидан, баъзи муҳаддислар ўрталарида ҳадисда сиқа – ишончли бўлган ровийларнинг хато, янглиш ва ваҳмларини айтиш ғийбат бўлиб қолади, деган олимлар ҳам бор эдилар. Сўнг одамлар манфаатини ўйлаб, бир қанча машҳур муҳаддислар, хусусан, Имом Бухорий билан бир неча йиллик мулоқотда бўлганимиздан сўнг, яна мазкур фикрга алоқадор ривоятларни эшитгандан кейин, илал масаласини ошкор қилишга жазм қилдим. На Ироқда ва на Хуросонда ҳадисларнинг иллатлари ва тарих мавзуларида ҳамда иснодлар соҳасида имом Муҳаммад ибн Исмоил (Бухорий)дан кўра билимдонроқ кишини кўрмадим», – дейдилар[1].

Бу сўз илал масаласида барча муҳаддисларнинг якдил хулосадарини ифода этади.

Шофиъий мактаби фақиҳларидан бўлган муҳаддис Абу Хотам Муҳаммад ибн Ҳиббон ал-Бустийнинг ҳам (?–965) «Китобул илал» («Ҳадислардаги иллат ва қусурлар») асари бор. Бу муҳаддис аллома Самарқанд шаҳрида ўсиб-улғайган, у ерда бир муддат қозилик қилган. Тиб, фалакиёт ва бошқа илмлардан воқиф бўлган. Мовароуннаҳр, Ироқ, Хуросон, Шом, Ҳижоз каби ислом илм марказларини кезиб, йирик муҳаддислардан ҳадислар тинглаган ва кўпгина асарлар ёзган[2].

Ҳазрати Имом Термизийнинг "Ал-Жомиус саҳиҳ ("Сунани Термизий") китобига илова қилинган "Китобул илал" асари бизга яхши таниш бўлгани сабабли шу асар асосида фикр юритамиз.

Имом Термизий "Китобул илал"нинг бош қисмида айтадилар: "Бу китобдаги ҳадисларнинг ҳаммасига амал қилинади. Олимларнинг бир қисми бу китобдаги икки ҳадисдан бошқа барча ҳадисларни далил сифатида олгандирлар".

Бу икки ҳадисдан биринчиси ушбудир: "Сунани Термизий", Намоз китоби, 138-боб, 187-ҳадис. *Ҳазрати Ибн Аббосдан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинди; айтди(лар):* «Жаноб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хавф-хатар ва ёмғир бўлмай туриб, Мадинада пешин билан аср намозини ҳамда шом билан хуфтон намозини жамлаб адо этдилар (қўшиб ўқидилар)». Ҳазрати Ибн Аббосдан: «Бу билан (жаноб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нимани мурод этдилар?» деб сўралди. Айтди(лар): «Умматларига қийинчилик бўлмаслигини мурод этдилар»[3].

---

[1] "Санати Термизий", Китобул илал.

[2] Ислом Энциклопедиси. И ҳарфи мақолалари.

[3] "Сунани Термизий", 138-боб. "Муқимликда икки вақт намозини жам қилмоқ", 187-ҳадис.

ИЗОҲ. Илм аҳлларига маълумки, ҳазрати Имом Аъзам мазҳабида икки намозни жамлаб ўқиш фақат ҳаж сабабли Арафотда ва Муздалифада жоиз. Бошқа маҳалда жоиз эмас, фақат тақдим ёки таъхир, яъни бир намозни охирги вақтига олиб, иккинчи намозни аввалги вақтида ўқиш билан жоиздир.

Имом Термизий бу ҳадиснинг зиддига кейинги ҳадисни баён қилганлар. Ҳадис ушбудир: "Сунани Термизий", 188-ҳадис. *Ҳазрати Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди;* Жаноб Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Кимки икки намозни узрсиз ҳолда жам қилса (қўшиб ўқиса), шубҳасиз, у гуноҳи кабираларнинг эшикларидан биттасига қадам босган бўлади».

ИЗОҲ. Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳу алайҳ): "Арофат ва Муздалифадан бошқа ҳеч қаерда ва ҳеч қандай ҳолда жам қилмоқ машруъ эмас", дейдилар.

Иккинчиси ушбу ҳадисдир: "Сунани Термизий", "Ҳудуд" ("Ҳад жазолари") китоби, 17-боб, 1444-ҳадис. *Ҳазрати Муовия розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишига кўра, жаноб Расулуллооҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:* "Кимки ичкилик ичса, уни калтаклаб уриш билан жазосини беринглар, яна ичишда давом этса, тўртинчи дафъасида уни ўлдиринглар"[4].

Бу ҳадис ҳазрати Имом Абу Довуд ҳадис мажмуасининг "Ҳудуд" ("Ҳад жазолари") китоби 36-бобида ҳамда ҳазрати Имом Ибн Можа ҳадис мажмуасининг "Ҳудуд" ("Ҳад жазолари") китоби 17-бобида ривоят қилинган.

Имом Термизий "Сунан"да айтадилар: "Ҳазрати Муовиянинг (мазкур) ҳадисини айни шаклда (Суфён) Саврий Осимдан, Абу Солиҳдан, Муовиядан ривоят қилган. Ибн Журайж ва Маъмар ҳам Суҳайл Абу Солиҳдан, унинг отасидан, Абу Ҳурайрадан ривоят қилдилар"[5].

Яна Имом Термизий яна айтадилар: "Муҳаммад (ибн Исмоил ал-Бухорий)дан бундай деганини эшитдим: "Абу Солиҳнинг Муовия (розияллоҳу анҳу) орқали ривоят қилган ҳадиси Абу Солиҳнинг ҳазрати Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисидан кўра саҳиҳроқдир".

Бу ўринда Имом Бухорий ҳадис ривоятида яширин бир иллат – қусур ёки нуқсон борлигига ишорат қилмоқдалар.

Мазкур ҳадис изоҳида айтилади: "Ичкилик ичган кишига қўлланган бу жазо Исломнинг аввалида мавжуд эди, кейинчалик (бу ҳукм) бекор қилинди". Бу сўзга жаноб Расулуллоҳ оллаллоҳу алайҳи саллам тўринчи марта ичкилик ичган кишига ўлим жазосини қўлламаганлари далил қилиб келтирилган.

Имом Термизий "Китобул илал"да айтадилар: "Биз бу икки ҳадиснинг иллатини (қусур ва нуқсонини) ҳам ("Ал-Жомиус саҳиҳ") китобимизнинг тегишли бобида очиқ аён этганмиз".

"Сунани Термизий" асарининг энг буюк хислатларидан баъзилари – ҳадисларнинг ўз ўрни ва ўз вақтида мусанниф Имом Термизий томонларидан шарҳлаб ўтилиши, унда ҳадис ривоятларидаги иллатлар, яъни ровийларнинг бирор

---

[4] "Сунани Термизий", "Ҳудуд" ("Ҳад жазолари") китоби, 15-боб, 1444-ҳадис.

[5] "Сунани Термизий", "Ҳудуд" ("Ҳад жазолари") китоби, 15-боб, 1444-ҳадис изоҳи.

жиҳатдаги заифлиги, хотирасидаги қусури, бошқа нуқсон ва камчиликларининг очиқ-равшан айтиб ўтилишидир.

Ҳазрати Имом Термизий “Китобул илал”нинг хусусиятларини бундай баён қиладилар: “Китобимизда (“Сунани Термизий”да) фақиҳ зотларнинг таржиҳ этган (усту кўриб танлаган) фикр-қарашларига ҳам тўхталдик. Суфён Саврийнинг фикрларинидан кўпини менга Муҳаммад ибн Усмон Куфий баён этди. Ундан эса Абул Фазл, Мактум ибн Аббос Термизий нақл этди. Муҳаммад ибн Юсуф Фарёбий эса Суфёндан фақиҳларнинг фикр-қарашларини бизга нақл этган.

Молик ибн Анаснинг фикр-қашларининг кўпини бизга Исҳоқ ибн Мусо Ансорий баён қилган. Маън ибн Ийсо Каззоз ҳам Молик ибн Анаснинг фикр-қарашларини нақл этгандир.

Рўза билан боғлиқ хабарларнинг бир қисми эса Мусо ибн Ҳизом бизга баён этган нарсалардир. Айни вақтда, бу хабарлар Абдуллоҳ ибн Маслама Каънабийнинг “Молик ибн Анасдан бизга баён этди” деб айтган нарсаларидир.

(Абдуллоҳ) Ибн Муборакнинг фикр-қарашларини эса Аҳмад ибн Абдат Аъло ва Ибн Муборакнинг биродараларидан, улар эса Ибн Муборакдан бизга баён қилганлар. Ибн Муборакнинг фикр-қарашлари Ибн Ваҳб, Муҳаммад ибн Муноҳим ва Ибн Муборак воситаси билан бизга ривоят қилинган. Хусусан, Али ибн Ҳасан, Абдуллоҳ ибн Муборак воситаси билан Абдандан, Суфён ибн Абдулмаликдан – Ибн Муборакдан деб ҳам бизга баён қилгандирдар. Яна Ҳиббон ибн Мусо – Ибн Муборак, Ваҳб ибн Замъа, Фадола Насавий ва Ибн Муборак воситаси билан бизга ривоят қилинган. Ибн Муборак воситаси билан биз эслаб ўтган кишилардан ташқари ҳам яна номи келадиган кишилар бор.

(Имом) Шофиий фикр-қарашларининг кўпини эса Ҳасан ибн Муҳаммад Заъфаоиний Шофиийдан бизга нақл этган.

Таҳорат ва намоз билан боғлиқ мавзуларни эса Абул Валид Маккий бизга Шофиийдан баён қилди.

Мухтасар айтганда, “Китобул илал”да асосан қайси мавзуларнинг кимлар томонидан баён қилингани таъкидлаб ўтилган. Унда Имом Бухорий, Суфён Саврий, Абдллоҳ ибн Муборак, Ибн Сийрин каби машҳур зотларнинг ибратли ва ҳикматли сўзлари келтирилган. Ҳадислар ривоятидаги иллатлар – яширин қусур ва нуқсонлар эса “Сунани Термизий” китобининг ўзида ўз ўрнида шарҳлаб ўтилган.

“Китобул илал”да яна ҳайратланарли, ажиб бир сўз баён этилади. Имом Термизий айтадилар: “Иброҳим ибн Абдуллоҳ Мунзир Боҳилий бизга баён қилди, Яъло ибн Убайд бизга Суфён Саврийнинг бундай деб айтганини хабар қилди: (Суфён Саврий:) “Калбийдан ҳадис ривоят қилишдан зинҳор сақланинглар!” (дедилар). У кишига: “Ўзингиз ундан ҳадис ривоят қиласиз-ку!” дейилди. Шунда у киши: “Мен тўғри ривоятни янглиш ривоятдан ажрата оламан!” дедилар.

Маълум бўладики, сўнгги ривоят қилувчи (муҳаддис) зот тўғри ривоятни хато ривоятдан ажрата олса, нуқсони ва қусури бор бўлган ровийдан ҳам ҳадис ривоят қилиш мумкин бўлар экан.

Имом Термизийнинг “Ал-Жомиус саҳиҳ” (“Сунани Термизий”) китобига илова этилган “Китобул илал” асари бутун жаҳон илм аҳллари учун, хусусан, ҳадис илми билан шуғулланадиган олимлар учун ўта муҳим, ўта қимматли манбадир.

Уни ўрганган киши ҳазрати Имом Термизийнинг ҳадис китобига сиғдира олмаган жуда ажиб фикр ва хулосаларидан баҳраманд бўладилар.

Замон олимлари олдида эса Имом Термизийнинг «Ал-Илалул кабир» («Ал-муфрад») асарини ўрганиш ва тадқиқ этиш вазифалари турибди.

ИМОМ ТЕРМИЗИЙ – БУЮК МУҲАДДИС

Раҳматуллоҳ Сайфуддинов*

Аннотация: Ушбу мақолада Имом Термизийнинг буюк муҳаддис экани, унинг ҳаёти ва ижоди, “Сунани Термизий” асарининг ўзига хос хусусиятлари, бошқа ҳадис китобларидан ажралиб туриши ҳамда мазкур асар ҳақида уламоларнинг фикр-мулоҳазалари баён этилган.

Калит сўзлар: Имом Термизий, “Сунани Термизий”, кутуби ситта, ҳадис, муҳаддис, тахриж, истидлол, саҳиҳ, ҳасан, заиф.

Abstract: This article describes the great muhaddiths of Imam Tirmizi, his life and work, the characteristics of Sunani Tirmizi, its differences from other books of hadith, as well as the opinions of scholars about this work.

Keywords: Imam Tirmizi, «Sunani Tirmizi», kutubi sitta, hadith, muhaddith, takhrij, istidlal, sahih, hasan, zaif.

Юртимиз қадимдан буюк алломаларга, улуғ мутафаккирларга бешик бўлган. Бу заминдан етишиб чиққан олимлар илм-фаннинг ҳар соҳасида катта шуҳрат қозониб, Ватанга, элга, Ислом динига буюк хизмат қилиб ўтишди. Ана шундай улуғ алломалардан бири Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Даҳҳоқ Суламий Буғий Термизийдир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда буюк аждодларимизга алоҳида эҳтиром кўрсатиш, уларнинг таваллуд саналарини кенг нишонлаш, бой илмий-маънавий меросларини чуқур тадқиқ этиш, ёш авлодни улуғ мутафаккир боболаримизга муносиб авлод сифатида улғайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу йил 19 августда қабул қилинган “Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги[1] Президент қарори мутафаккир бобомизнинг бой илмий меросини ўрганиш, у зотга муносиб авлод бўлишга ундайди.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ Имом Термизийнинг “аш-Шамоил ал-Муҳаммадийя” ва “Сунани Термизий” асарларини мотуридийлик ақидаси ва ҳанафийлик мазҳабига таянган кўп жилдлик академик таржима ва шарҳини тайёрлаб нашр этиш белгиланган олимлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Имом Термизийнинг ҳадис илмига оид шоҳ асари “Ал-Жомиус саҳиҳ” асарида минглаб ҳадислар жамланган. Бу асар “Ал-Жомиус саҳиҳ” (“Саҳиҳ тўплам”), “ал-Жомиул кабир” (“Катта тўплам”), “Саҳиҳут Термизий” (“Термизий саҳиҳ ҳадисларга оид китоби”), “Сунанут Термизий” (“Термизийнинг суннатларга оид китоби”) каби номлар билан ҳам аталади[2].

Имом Термизийнинг ушбу асари ҳадис тўпламларида мавжуд барча масалаларни ўз ичига олгани боис “ал-Жомиъ” (“Жамловчи”) номи билан ҳам

---

* *Исломшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).*

1 https://uza.uz/uz/posts/imom-termiziy-tavalludining-1200-yilligini-keng-nishonlash-togrisida_626465

2 https://ar.wikipedia.org/wiki.

танилган. “Ал-Жомиъ” китоблари ақида, тафсир, диний қонун-қоидалар, ижтимоий ва шахсий ахлоқ мезонларига доир ҳадисларни қамраб олади.

Асарнинг “Сунани Термизий” деб аталишининг асосий сабабларидан бири – унда фиқҳ (ислом ҳуқуқи) масалаларига доир ҳукмларга оид ҳадислар жуда кўп келтирилган. Шу билан бир қаторда асарда имон, Қуръон тафсири, Қуръон фазилатлари, сийратлар, дуолар, таҳорат, намоз, закот, рўза, ҳаж, жаноза, никоҳ, савдо-сотиқ, қурбонлик, либос, таомлар, ичимликлар, хайр-эҳсон ва саховат, табобат, фарзлар, жаннат ва жаҳаннам сифатлари, илм, изн сўраш, панд-насиҳат, одоб-ахлоқ ва бошқа мавзуларда ҳам ҳадиси шарифлар мавжуд.

Абу Исо Термизий “Сунан” асарини алоҳида бобларга бўлади. Мана шу боблар асарда сарлавҳа тарзида бўлиб, бобга доир ҳадислар бўлим мазмунини тўла-тўкис ифодалайди. Ушбу бобга (мавзуга) доир масала бўйича муаллиф бир қанча ҳадисларни келтиради, сўнг бу масала юзасидан бошқа уламо ва фақиҳларнинг фикрларини ҳам тартиб билан баён этади. Кейин ривоят қилинган ҳадиснинг саҳиҳ, ҳасан, заиф ёки ғариблиги даражасига ўз муносабатини билдиради. Шундан сўнг ҳадис ровийлари, санадлари ва санаднинг ўз ичига олган иллатлари хусусида ўз фикрини билдиради.

Имом Термизийнинг “Сунани Термизий” асари барча учун ўқишли, тушунарли китоб экани билан алоҳида аҳамият касб этади. Мисол учун, Шайхул Ислом Абу Исмоил Ансорий мазкур асар ҳақида ёзади: “Мен учун унинг (Термизийнинг) китоби Имом Бухорий ва Имом Муслим китобларидан кўра фойдалироқдир. Чунки Имом Бухорий ва Имом Муслим асарларидан фақат теран илмли мутахассисларгина истифода этади. Имом Термизийдан эса ҳар ким фойдаланиши мумкин”[3].

Ҳақиқатан, Имом Термизий ўз асарларини оммабоп қилиб ёзган. Шу боис “Сунани Термизий” асари бошқа ҳадис китоблари орасида ўзига хос хусусиятга эга. Ушбу асарнинг бошқа ҳадис китобларидан ажралиб турадиган энг муҳим жиҳатларига тўхталиб ўтсак.

Аввало, “Сунани Термизий” “Кутуби ситта”, яъни олти ишончли тўпламдан тўртинчи мўътабар манба ҳисобланади. Имом Термизий ҳар бир бобда шу бобга доир ҳадисларни зикр қилгач, мавзуга тегишли ҳадисларни ривоят қилган саҳобаларнинг исмларини санаб ўтади. Шу хусусият туфайли “Сунани Термизий” асари мавқеи ошган.

Имом Термизий каби барча ҳадисларни санадлари ва матнлари билан тахриж қилмоқ, яъни асослаб юзага чиқармоқ катта меҳнат талаб қиладиган машаққатли ишдир.

Иккинчиси, Имом Термизий фиқҳий масалаларда фақиҳларнинг сўзларига, фикр ва қарашларига кўп бора мурожаат қилади, далилларга ишора этиб, худди ўша масалада бир-бирига зид ҳадисларни шарҳлайди. Зотан, ҳадис илмининг асосий ғояси

---

[3] Нуриддин Итр. Ал-Имам ат-Термизий вал мувазанату жомеиҳи ва байна саҳиҳайн. Димашқ: Дорул басоир, 2014. – Б. 576.

ва мақсади истидлол, яъни далил келтириш ҳамда уларга нуқсонсиз эргашиш ва амал қилиш учун асос бўладиган ҳадисларни аниқлаб тайин этишдир.

Учинчиси, Имом Термизий хадислар таълилига жуда катта эътибор қаратади. Ҳар бир ҳадиснинг саҳиҳ ва заифлик даражасини аниқлайди. Ҳадиснинг иллатлари, ровийлар ҳақида батафсил ва аҳамиятли изоҳлар беради. Имом Термизийнинг бу борада амалга оширган ишлари орқали хадис илми қоидаларининг, айниқса, таълил илмининг амалиётга татбиқи намоён бўлади[4].

Шу боис Имом Термизий ўз китоби ҳақида бундай деган: “Бу китобни тасниф қилганимдан кейин уни Ҳижоз, Ироқ ва Хуросон уламоларига тақдим этдим. Улар розилик билдириб, қабул қилдилар. Кимнинг уйида бу китобдан бўлса, ўша хонадонда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам гапираётгандек бўлади»[5].

Аллома Тошкўпризода ҳам “Сунани Термизий”га жуда чиройли таъриф берган: «(Муҳаммад ат-Термизий) ҳадис илми соҳасида бир қанча асарлар тақдим этди. Унинг ушбу “ал-Жомиус саҳиҳ” (“Сунан”) китоби бу асарлар орасида фойдаси энг кўп, тартиби энг ихчам, такрори энг оз асардир. Унда бошқа ҳадис китобларида учрамайдиган хусусиятлар бор:

– мазҳаблар ва истидлол (далил келтириш) жиҳатлари эътиборга олинган;

– саҳиҳ, ҳасан ва заиф деб, ҳадис турлари аниқ белгиланган;

– шарҳ ва таъдилга (қиёслаб тўғрилашга) ўрин ажратилган;

– китоб охирида иллатларга оид махсус бир бўлим илова этилган, хуллас, бу китобда улкан фойдалар жамлангандир. Китобни мутолаа қилган кишилар бунга тан берадилар».

Мен буюк алломаларимизнинг асарларини ўқиб, ҳайрону лол қоламан. Улар 10-11 аср муқаддам бугунгидек компьютер технологиялари бўлмаган даврда шам ёруғида шундай китоблар таълиф қилиб кетишганки, биз бугун улардек китоблар ёзиш у ёқда турсин, ҳатто уларнинг асарларини ўқишга ҳам улгурмаяпмиз.

Муҳтарам Президентимизнинг “Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорлари буюк аждодларимизнинг бой илмий меросларини ўрганиш, асарларини чуқур тадқиқ этиш, ёш авлоднинг маънавий-руҳий оламини бойитиш, уларнинг қалбида миллий ифтихор, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтиришга замин яратади, иншоаллоҳ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Муҳаммад ибн Исо Термизий. Сунан. – Байрут – Ливан: Дорул кутубил илмия, 1973. 784 б.
2. Муҳаммад Соҳил Сулламий. Китобатут тарихил исломий. – Макка, 1998. 344 б.
3. Сунани Термизий. – Байрут: Рисола, 2020. 488 б.
4. Шамсиддин Заҳабий. Тазкиротул ҳуффоз. 2-жилд. – Ҳайдаробод. Мажлис доиратил маориф ан низомия, 1915. 1403 б.
5. Нуриддин Итр. Ал-Имам ат-Термизий вал муваzанату жомеиҳи ва байна саҳиҳайн. – Дамашқ: Дорул басоир, 2014. – 576 б.

[4] Муҳаммад ибн Исо Термизий. Сунан. – Байрут – Ливан: Дорул кутубил илмия, 1973. – Б. 784.

[5] Сунани Термизий. – Байрут: Рисола, 2020. – Б. 488.

6. Саййид Абдулможид Ғоврий. Муъжамул мусталаҳотил ҳадисия. – Дамашқ: Дору ибн Касир, 2012. – 893 б.
7. Аминов Ҳ. Исмоилов М. Абиев Ҳ. Абдуллаев Б. Сунани Термизий шарҳи. 2-ж. – Тошкент: Ирфоннашр, 2021. 396 б.
8. https://uza.uz/uz
9. https://ar.wikipedia.org/wiki

СУНАН ТЎПЛАМЛАРИ ОРАСИДА ИМОМ ТЕРМИЗИЙ АСАРИНИНГ ЎРНИ

Дониёр Муратов*

Аннотация. Ушбу мақолада ҳадис илмининг буюк намоёндаси, муҳаддис, ҳофиз, аллома, имом Абу Исо Термизий томонидан ёзилган ҳамда олти энг ишончли ҳадис тўпламлари қаторидан жой олган “Сунан” асарининг ўзига хос жиҳатлари ва унинг бошқа сунан тўпламлари орасидаги ўрнини кўрсатиб берилган. Имом Термизий ҳадислар билан бирга ўша ҳадис ҳақида ёки унга амал қилиш борасида турли олимларнинг фикрларини билдириб кетиши унинг бошқа ҳадис тўпламларидан ажратиб турадиган ўзига хос томонидан ҳисобланади.

Калит сўзлар: Сунан, Абу Исо Термизий, фиқҳ, ривоят, саҳиҳ, ҳасан, заиф, осор.

Abstract. This article shows the unique aspects of the work «Sunan» written by the great exponent of hadith science, muhaddis, hafiz, allama, imam Abu Isa Tirmidhi, which is among the six most reliable collections of hadiths, and its place among other collections of sunan. The fact that Imam Tirmidhi, together with the hadiths, expresses the opinions of various scholars about that hadith or its application is a unique feature that distinguishes it from other collections of hadiths.

Key words: Sunan, Abu Isa Termiziy, fiqh, narrative, sahih, hasan, zaif, asar.

Ҳадис илмига оид асарларнинг ҳар бири ўзига хос услубда ёзилган. Улардан “саҳиҳ” асарлар асосан ишончли бўлган ҳадисларни жамлаган бўлсалар, “муснад” асарларда асосий эътибор саҳобалар ривоятига қаратилган, мустадрак, мустахраж, жарҳ ва таъдил, табақот ва бошқа жанрларда ҳам ҳадислар, ровийлар ҳақида муҳаддислар келгуси авлодга ўз меросларини қолдирдилар.

Ҳадис тўпламлари орасида “сунан”лар ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Сунан сўзи одатлар, анъаналар, ривоятлар маъноларини билдиради. Асосан икки хил маънода ишлатилади. Биринчиси, суннат сўзининг кўплиги ҳисобланса, иккинчиси, ҳадис тўплами тури сифатида ишлатилади.

Ҳадис тўплами сифатида эса, «Таҳорат» бобидан «васиятлар» бобигача фиқҳ тартиби бўйича ҳукмга оид ҳадислар жамланган китобларга айтилади. Бундай китобларда, одатда ақида, тарих, маноқиб ва шу каби фиқҳга оид мавзулар бўлмайди. Шунингдек, ҳадис илмидаги мавқуф ва мурсал каби турлар учрамайди. Бу турдги китоблар ҳижрий II срнинг биринчи ярмидан (мил. VIII) асрдан ёзила бошланган.

Бу бўйича ёзилган асарлар жуда кўп бўлиб, уларнинг машҳурларига имом Абу Довуд, имом Насоий, имом Ибн Можа, Имом Доримийнинг «Сунан» асарларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Баъзи сунан китобларда аҳком ҳадислар билан бир қаторда фазилатлар ва зуҳд мавзуларига оид ривоятлар ҳам учраб туради. Имом Дориймий ва Байҳақийнинг «Сунан»ларини мисол тариқасида келтириш мумкин. Бу ҳолатда сунан китоблар

* *Ўзбекистон халқаро ислом академияси доценти,*

«мусаннаф» ва «муватто» тўпламлари билан деярли фарқланмаслиги мумкин[1]. Сунан номи билан жуда кўп китоблар ёзилган бўлсада, улардан олти ишончли тўламга кирувчи "Сунан"лар имом Термизий, имом Абу Довуд, имом Насоий ва имом Ибн Можага оиддир. Улар «тўрт сунан» номи билан юритилади. Шунингдек, имом Доримий ва Дорақутнийнинг асарлари ҳам ўзининг машҳурлиги билан ажралиб туради.

Шунингдек, улардан бошқа «Сунан»лар турли олимлар томонидан ёзилган. Улар: Ибн Журайж номи билан машҳур Абдулмалик ибн Абдулазиз Абу Валид Румий Маккий (ваф. 151/768 й.), Саид ибн Мансур (ваф. 227/842 й.), Муҳаммад ибн Сабоҳ Абу Жаъфар Дулобий (ваф. 227/842 й.), Исмоил ибн Яҳё Абу Иброҳим Музаний Доримий (ваф. 264/878 й.) ривояти билан Имом Шофиий (ваф. 204/819 й.) «Сунан»и, Иброҳим ибн Абдуллоҳ Кешший (ваф. 292/905 й.), Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳони Абу Бакр Асрам (ваф. 273/886 й.), Ҳасан ибн Али Абу Али Халлол (ваф. 242/856 й.), Абу Қурра номи билан машҳур бўлган Мусо ибн Тариқ Ямоний Зубайдий, Саҳл ибн Абу Саҳл Абу Амр Розий (ваф. 240/854 й.), Аҳмад ибн Убайд Абу Ҳасан, Муҳаммад ибн Яҳё Абу Бакр Шофиий Ҳамадоний, Ибн Лол номи билан машҳур бўлган Аҳмад ибн Али Абу Бакр (ваф. 398/1008 й.), Аҳмад ибн Сулаймон Нажжор (ваф. 348/959 й.), Исмоил ибн Ишоқ ибн Исмоил Қози Аздий Басрий (ваф. 282/895 й.), Юсуф ибн Яъқуб ибн Ҳаммод ибн Зайд Абу Муҳаммад Басрий (ваф. 297/910 й.), Лолкоий насаби билан машҳур бўлган Ҳибатуллоҳ ибн Ҳасан Абу Қосим (ваф. 418/1027 й.) ва Байҳақийнинг «ас-Сунан» каби асарларини келтириш мумкин[2].

Имом Аҳмад ибн Ҳусайн Абу Бакр Байҳақийнинг (ваф. 458/1066 й.) «ас-Сунанул кубро» «Сунан»лар орасида ўз ҳажми катталиги ва яхши услубда ёзилгани билан ажраб туради. Аллома Каттоний бу асар ҳақида: «Уни «Сунанул кубро» дейишади. Тўплам 10 жилддан иборат бўлиб, ислом оламида бу каби асар ёзилмаган. Аҳком ҳадисларнинг аксарини қамраб олган. Бу китоб ҳақида Ибн Салоҳ: «Суннатда Байҳақийнинг «ас-Сунанул кубро» китобидан кўра далилларни мукаммал тарзда жамловчи китоб ёзилмаган. Дунёнинг бирор томонида қандайдир ҳадис қолган бўлса, Байҳақий ўшани ҳам китобига киритган», деган. Китобнинг охирида саҳобийлар, тобеийларнинг исмлари, ҳадисларнинг санадлари ва матндаги турли ривоятлар қўшилган. Унга Ибн Туркмоний номи билан машҳур бўлган Али ибн Фахриддин Усмон ибн Иброҳим ибн Мустафо Мординий Ҳанафий (ваф. 750/1349 й.) «ал-Жавҳарун нақий фир радд алал Байҳақий» номда катта ҳажмда ҳошия ёзган», деган.

Шунингдек, баъзи асарлар ҳам борки, олим Саййид Абдулмажид Ғуврий фикрича, уларни сунан деб атаса зарари йўқ. Буларга Яъқуб ибн Иброҳим Абу Юсуфнинг (ваф. 182/798 й.) «Китобул осор», Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг (ваф. 189/805 й.) «Китобул осор», Муҳаммад ибн Идрис Шофиийнинг (ваф. 204/819 й.) «ал-

---

[1] Ғуврий, Абдулмажид. Мавсуа улумил ҳадис ва фунуниҳ. – Димашқ: Дор Ибн Касир, 2007. – Т. 3. – 741.

[2] Ғуврий, Абдулмажид. Саййид Абдулможид. Ал-Важиз фи таъриф кутубил ҳадис. – Димашқ, Дор Ибн Касир. 2009. – Б. 21.

Умм», Аҳмад ибн Муҳаммад Абу Жаъфар Таҳовийнинг (ваф. 321/933 й.) «Шарҳ маонийил осор», Муҳаммад ибн Жарир Абу Жаъфар Табарийнинг (ваф. 310/922 й.) «Таҳзибул осор» асарларини келтириш мумкин. Муҳаммад ибн Жарир Абу Жаъфар Табарийнинг асари халифа Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) ривоят қилган ҳадис билан бошланиб, ҳадис фиққи ва ҳадиснинг олимлар наздидаги ихтилофи ҳамда уни ҳужжат қилиб қабул қилиниши ёритилган. Ҳар бир ҳадис ёзилгандан кейин, унинг мазмуни, таърифи, усули, фиққи, иллати, уламолар ихтилофи, ҳужжатлари ва луғати баён этилган. Жаннат башорати берилган ўнта саҳоба, аҳли Байт, озод қилинган мусулмон қулларнинг муснадлари ва Ибн Аббос муснадларидан бир қисм келтирилган. Китобнинг энг ажойиб жойи Ибн Аббос муснадларидир. Бироқ уни тугатишдан олдин олимнинг ўзи вафот этган. Агар бу китоб ҳам охиригача ёзилганда, суннат илмлари борасида ягона китоб-ҳужжат бўларди, деб манбаларда фикр билдирилган.

Шунингдек, Муҳаммад ибн Ҳусайн Абу Бакр Ожурий Шофиий (ваф. 360/971 й.) «Китобуш шариа», Ҳамад ибн Муҳаммад Бустий Хаттобий (ваф. 388/988 й.) «Маърифатус сунан вал осор», Ҳусайн ибн Масъуд Фарро Бағавий (ваф. 516/1122 й.) «Шарҳус сунна» асарларини ҳам сунан дейиш мақсадга мувофиқ.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийнинг «Саҳиҳ Бухорий» номи билан машҳур бўлган «ал-Жомеул муснадис саҳиҳил мухтасар мин умур Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ва сунаниҳ ва айямиҳ», Абу Ҳусайн Муслим ибн Ҳажжож Қушайрийнинг «Саҳиҳ Муслим» номи билан машҳур бўлган «ал-Жомеус саҳиҳил мухтасар минас сунан би нақлил адл анил адл ан Расулуллоҳ (с.а.в.)» асари.

Имом Термизийнинг «ас-Сунан»и «Жомеут Термизий» номи билан машҳурдир. Ушбу китоб фиқҳ ва бошқа мавзудаги бобларга бўлинган ва мавзуга мувофиқ саҳиҳ, ҳасан ва заиф ҳадислар ҳам келтирилиб, уларнинг ҳар бири даражаси ўз ўрнида баён этилган. Ҳадиснинг заифлигига сабаб кўрсатилган, саҳобий ва тобеийлар ҳамда турли шаҳар фақиҳларининг мазҳабларини тушунтирилган. Ҳадис йўлларини мухтасар қилиб, бир санад бўйича битта ҳадис ривоят қилинган ва қолган иснод йўлларга ишора қилинган. Китобнинг охирида бир боб иллатларга бағишланган. Унда фиқҳ ва ҳадисга алоқадор кўп фойдалар жамланган бўлиб, булар бошқа китобларда мавжуд эмас. Шу жиҳатлар унинг қадрини ошириб юборган.

Муҳаддис Ибн Салоҳ «Улумул ҳадис»сида шундай ёзади: “Абу Исо Термизийнинг китоби «ҳасан ҳадис»ни билишда асл манбадир. Чунки «ҳасан ҳадис» номини баланд айтган, «ал-Жомеъ»ида кўплаб шундай ҳадисларни зикр этган муҳаддис имом Термизийдир”[3].

Имом Термизий асаридаги ҳадисларнинг даражаси ҳақида машҳур олим Ибн Ражаб «Илалут Термизий» китобининг шарҳида шундай дейди: «Билингки, албатта Термизий китобига киритган ҳадислар «саҳиҳ ҳадис», «ҳасан ҳадис» ва «ғариб ҳадис» деб юритилади. Ҳасан ҳадис саҳиҳ даражасидан пастроқ бўлиб, уларда бироз заифлик мавжуд. Ғариб ҳадис эса бироз мункарлик иллатига эга. Бундай ҳадислар «фазоил амаллар»ни таърифлашда ишлатилади. Имом Термизий ғариб ҳадислар олдида сукут сақламаган, балки уларни баён қилиб берган.

---

[3] Ибн Салоҳ. Улумул ҳадис. – Димашқ: Дорул фикр, 1998. – Б. 40.

Имом Термизий, Абу Довуд ва Насаий сунанларининг бир-бирига яқинлиги борасида Абу Жаъфар ибн Зубайр айтади: «Абу Довуд аҳком оятларини мукаммал жамлаган бўлиб, бу ишни бирор муҳаддис амалга оширмаган. Имом Термизий янги услубда ҳадисларни жамлаган бўлиб, унга шерик бўладиган бирор муҳаддис йўқ. Аммо имом Насаий бу йўлларнинг энг гўзалини ва энг улуғини танлаган», деган.

Имом Термизий ўз китобида, фойдаланувчининг ҳолатини инобатга олиб, ҳар бир жумлани аниқ ва лўнда келтирган ва китобда ҳадис, асар, фиқҳ ва турли қарашларнинг баёнини нозик ва нафис жумлаларда ифодалаган. Ҳатто, бир масалани баён қилиб туриб, «*...Фақиҳлар шундай деганлар ва улар ҳадис маъноларини энг яхши билувчилардир*»[4], деб ўтган. Бу билан имом Термизий фақиҳларнинг ҳадисларни яхши тушунувчилар эканини алоҳида таъкидлаган. Бундай ҳолатлар имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд каби муҳаддисларнинг асарларида учрамаслигини айтиб ўтиш лозим.

Шу билан бирга ҳадисдан кейин фақиҳ уламоларнинг қарашларини келтириб ўтиш ҳолатлари тез-тез учрайди. Масалан, *"Бу ҳадисга аҳли илмнинг оммаси наздида амал қилинади"*, *"... илм аҳлининг баъзиси наздида амал қилинади"*, *"...Набий (с.а.в.)нинг саҳобаларидан баъзилари амал қилган"*, *"...Набий (с.а.в.) асҳобларидан бўлган илм аҳлининг кўпи наздида амал қилинади"*, *"Набий (с.а.в.) асҳобларидан ва улардан кейинги илм ва фиқҳ аҳлининг кўпи шу фикрда бўлган"*, *"Набий (с.а.в.) асҳобларидан бўлган илм аҳли ихтилоф қилган..."*, *"илм аҳли ихтилоф қилган"*, *"... тобеин ва улардан кейинги илм аҳлининг баъзилари наздида амал қилинади"*, *"...ва бу тобеин ва улардан кейинги бир неча илм аҳлининг сўзи"*, *"баъзи аҳли илм бундай деган..."*, *"илм аҳли ихтилоф қилган"* кабиларни келтириб ўтиш мумкин[5].

Шунингдек, баъзи ўринларда муайян ҳадис бўйича ўз фикрини билдирган олимларни санаб ўтади. Жумладан, *"Набий (с.а.в.)нинг аҳли илм бўлган саҳобаларидан баъзилари шундай деган, улардан Умар ва Абдуллоҳ..."*, *"ва бу баъзи илм аҳлининг сўзи, улардан Ҳасан Басрий, Ато ибн Абу Рабоҳ ва Шаъбийлар"*, *"ва бу Суфён Саврий, Куфа аҳли ва баъзи аҳли илмнинг сўзи..., шунингдек, Молик ибн Анас, Лайс ибн Саъд, Шофиийларнинг ҳам сўзи"*, *"бу ҳадисга илм аҳли наздида амал қилинади ва у Шофиий ва бизнинг асҳобларимизнинг сўзидир"*[6].

Имом Термизий ўз китобида ҳадислар билан бир қаторда уларнинг ҳукмларини ҳамда фақиҳларнинг амал қилишларидаги даражасини ҳам келтириб ўтишни шарт қилиб қўйган. У қуйидагиларни айтган: «*Мен бу китобга киритган ҳадислар баъзи фақиҳлар амал қилаётган ҳадислардир. Фақат икки ҳадис бундан мустасно, деб ўша ҳадисларни келтирган*[7].

Фақиҳларнинг мазҳабларини, уларнинг ижмоларини, носих ва мансухни, ҳадисларнинг ихтилофларини ҳам эътибордан четда қолдирмаган. У ихтилофли мавзуларнинг деярли барчасини тартиблаб, сўзларнинг ғарибларини ҳамда

---

[4] Термизий. Ас-Сунан. Ар-Риёз, Дорул ҳазора, 2015. – Т. 1. – Б. 236.

[5] Қаранг: Термизий. Ас-Сунан. Ар-Риёз, Дорул ҳазора, 2015.

[6] Қаранг: Термизий. Ас-Сунан. Ар-Риёз, Дорул ҳазора, 2015.

[7] Обидов Р. Суннат, ҳадис ва муҳаддислар. – Т.: Мовароуннаҳр, Б. 387.

фойдаларини аниқ кўрсатиб ўтган. Бу эса, унинг даражасини жуда ҳам юқори кўтарган ҳамда асардан фойдаланишни осонлаштирган[8].

Шунингдек, имом Термизий бирор ҳадисни саҳиҳ деб ўтган бўлса ва унинг саҳиҳлигини даражасини ҳам келтирган. Мисол учун, "*Аллоҳ аксирганни яхши кўради, эснаганни кариҳ кўради...*" деган ҳадисни, "*бу ҳадис саҳиҳ*" деб, давомида "*бу менинг наздимда Ибн Ажлоннинг ҳадисидан кўра саҳиҳроқдир*"[9], дейди.

Имом Термизий ўзининг бу асарини мухтасар қилиб, иснодларини чўзиб юбормаган ҳолда барча ҳадисларнинг иллатларини ва қабул қилинишдаги даражаларини ҳамда ровийларнинг тарихини ҳам эслатиб ўтган. Масалан, бир ўринда саҳобий Ибн Умардан ҳадис келтириб, ҳадис матнидан сўнг Жобир, Ибн Аббосдан ҳам шу ҳадис ривоят қилинганини эслатади[10]. Шунингдек, имомлардан нақл билан ёки баъзида ўз ижтиҳоди билан ҳадисларда келган жарҳ ва таъдилни ҳам кўрсатиб ўтган.

Имом Термизийнинг «Сунан»и жуда фойдали, мукаммал ва пухта тартибланган, мақсадлари равшан, нафис бир китоб бўлиб, киши қайси мазҳабда бўлишидан қатъи назар ундан бемалол фойдалана олади. Зеро, китоб Термизийнинг юксак ақлий салоҳиятига далилдир. Бу китобда нафақат ҳадис, балки ундаги ҳукмларнинг асл маънолари, ҳалол ва харом масалаларини ажратиш усуллари ҳам келтирилган.

Фақиҳлар эса, бу китобни мужтаҳид учун етарли далил бўла оладиган, муқаллид учун эса кифоя қилгувчи китобдир, дейишган. Шайхул ислом Харавий китобга юқори баҳо бериб, шундай дея мадҳ қилган: «Термизийнинг китоби, мен учун, Бухорий ва Муслимнинг китобларидан кўра фойдалироқдир. Чунки уларнинг китобларидан буюк олимларгина фойдаланишлари мумкин. Абу Исонинг китобидан эса, ҳар бир одам фойдаланиши мумкин». Имом Термизийнинг ўзи айтишича: «Мен, бу китобни тасниф қилдим ва уни Ҳижоз, Ироқ ва Хуросон олимларига тақдим этдим. Улар бу китобни илмий фаолиятда қўллаша бошлашди. Агар кимнингки, уйида бу китоб бўлса, гўё Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам) унинг уйида гапираётгандай бўлади»[11]. Ибн Асир шундай деган: «Теризийнинг «Саҳиҳ» китоби энг яхши, энг фойдали, энг пухта, энг ноёб китоб бўлиб, унда мазҳаблар зикрлари, ундаги далилларни чиқариб олиш усуллари, ҳадиснинг саҳиҳ, ҳасан, ғариб турларининг баёни, жарҳ ва таъдил келтирилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, имом Термизийнинг «Сунан» асари қулай услубда ёзилгани, турли соҳа вакиллари фойдалана олиши билан бошқалардан ажраб туради. Муаллиф ҳар бир ҳадис сўнгида фақат ўз фикрига таянмай, бошқаларнинг қарашларини ҳам келтириши асарнинг фазилатини оширган. Фиққий жиҳатдан эса, тўрт мазҳаб олимлари фойдаланишига ҳам осон тарзда тузилган. Бу асар ҳадис илмида ўзига хос ўринга эга бўлиб, унга кўплаб шарҳлар ёзилгани билан ҳам ажраб туради.

---

[8] Муҳаммад Муҳаммад Авайза. Абу Исо Термизий шайхил ҳадис. – Байрут: Дорул кутубил илмия, 1995. Б. 100.

[9] Термизий. Ал-Жомеул кабир. – Байрут: Дорул ғарбил исломий, 1999. – Т. 4. – Б. 462.

[10] Термизий. Ал-Жомеул кабир. – Байрут: Дорул ғарбил исломий. Т. 1. Б. 536.

[11] Муҳаммад Муҳаммад Авайза. Абу Исо Термизий шайхул ҳадис. – Байрут: Дорул кутубил илмия, 1995. Б. 78.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ғуврий, Абдулмажид. Мавсуа улумил ҳадис ва фунуниҳ. – Димашқ: Дор Ибн Касир, 2007. – Т. 3. – 741.
2. Ғуврий, Абдулмажид. Ал-Важиз фи таъриф кутубил ҳадис. – Димашқ, Дор Ибн Касир. 2009. – Б. 21.
3. Ибн Салоҳ. Улумул ҳадис. – Димашқ: Дорул фикр, 1998. – Б. 40.
4. Термизий. Ас-Сунан. – Ар-Риёз: Дорул ҳазора, 2015. – Т. 1. – Б. 236.
5. Обидов Р. Суннат, ҳадис ва муҳаддислар. – Т.: Мовароуннаҳр, Б. 387.
6. Муҳаммад Муҳаммад Авайза. Абу Исо Термизий шайхул ҳадис. – Байрут: Дорул кутубил илмия, 1995. Б. 100.
7. Термизий. Ал-Жомеул кабир. – Байрут: Дорул ғарбил исломий, 1999. – Т. 4. – Б. 462.
8. Муҳаммад Муҳаммад Авайза. Абу Исо Термизий шайхул ҳадис. – Байрут: Дорул кутубил илмия, 1995. Б. 78.

ШАЙБОНИЙЛАР ДАВРИДА МОВАРОУННАҲРДА ҲАДИС ИЛМИ

Ҳамидуллоҳ Аминов*

Аннотация. Мазкур мақолада шайбонийлар (1501-1600) ҳукмронлик қилган даврдаги Мовароуннаҳрда ҳадис илми ривожи бирламчи манбалар асосида кўриб чиқилган. Бунинг учун шайбонийлар даврида яшаб, илмий фаолият олиб борган, ҳадис илми билан ҳам шуғулланган Мустафо Румий, Насимиддин Миракшоҳ, Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон, Шамсиддин Муҳаммад Ҳанафий, Асомиддин Иброҳим Исфароиний, Шамсиддин Муҳаммад Кўҳистоний, Муҳаммад Ширвоний Бухорий каби олимларнинг илмий фаолиятлари, уларнинг ҳадис илмига оид ёзган асарлари мақолада илмий маълумот сифатида айтиб ўтилган.

Мақолада Имом Бухорий ва Имом Термизий каби улуғ муҳаддисларнинг «Сулосиётул Бухорий» ҳамда «аш-Шамоилул Муҳаммадия» каби асарларига шайбонийлар даврида битилган шарҳлар тўғрисида маълумот берилган. Ушбу шарҳларнинг қўлёзма нусхалари, қачон кўчирилгани, уларнинг маъно-мазмуни ҳақида мақолада сўз юритилади.

Шунингдек, ушбу мақолада «Шарҳул Ҳиснил ҳасин» номли шарҳ тўғрисида, унинг тарихда ўқилиш сабаблари ҳақида ҳам тўхтаб ўтилган.

Мақолада тилга олинган ҳадисга оид шарҳлар араб ва форс тилларида ёзилган. Форсий шарҳлар эса маҳаллий халқнинг фойдаланишида қулай бўлган.

Мақолада «Саҳиҳи Бухорий» ва «Мишкотул масобиҳ» мадрасаларда ўқитилган бўлсада, лекин ушбу машҳур олтита саҳиҳ ҳадислар тўпламларига шайбонийлар салтанатида бирорта шарҳ ёзилмагани ҳақида хулоса қилинган. Бу даврда кам бўлса ҳам қирқ ҳадисдан иборат «Арбаин» тўпламлари тузилган.

Калит сўзлар: ҳадис, шарҳ, муҳаддис, қўлёзма, Бухоро, Самарқанд, Ширвон, шайбонийлар

Abstract. In this article, the development of hadith science in Movarounnahr during the reign of the Shaybanids (1501-1600) was considered based on primary sources. For this purpose, scientific activities of scholars such as Mustafa Rumi, Nasimuddin Mirakshakh, Fazlullah ibn Rozbekhan, Shamsuddin Muhammad al-Hanafi, Asamuddin Ibrahim al-Isfaraini, Shamsuddin Muhammad Kohistani, Muhammad ash-Shirvani al-Bukhari, who lived in the era of the Shaybanids and was engaged in the science of hadith, as well as their works related to the science of hadith, are mentioned in the article as scientific information.

The article provides information about the commentaries on the works of “Sulasiyot al-Bukhari” and “ash-Shamail al-Muhammadiyya” by great muhaddiths such as Imam Bukhari and Imam Tirmidhi, written during the Shaybanids period.

Manuscript copies of these comments, when they were copied, and their meaning are discussed in the article. Commentaries on the hadith mentioned in the article are written in Arabic and Persian. Persian commentaries were convenient for local people to use.

* *Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди*

The article concluded that although “Sahih Bukhari” and “Mishkat al-Masabih” were taught in madrasahs, not a single commentary was written on these famous six collections of authentic hadiths during the reign of the Shaybanids. During this period, collections of “Arbain” consisting of forty hadiths were compiled, although few.

Keywords: hadith, commentary, muhaddis, manuscript, Bukhara, Samarkand, Shirvan, the Shaybanids.

Шайбонийлар (1501-1600) ҳукмронлик қилган пайтда Мовароуннаҳрда бошқа исломий илмлар сингари ҳадис илми ҳам ривожланиб борди. Буни биз Шайбонийлар даврида яшаб, илмий фаолият олиб борган, ҳадис илми билан ҳам шуғулланган Насимиддин Миракшоҳ, Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон, Шамсиддин Муҳаммад Ҳанафий, Асомиддин Иброҳим Исфароиний, Шамсиддин Муҳаммад Кўҳистоний, Муҳаммад Ширвоний Бухорий каби олимларнинг илмий фаолиятлари орқали ҳам биламиз.

Шайбонийлар даври ҳадис илми тарихини ўрганар эканмиз, Бухорода илмий фаолият олиб борган машҳур муҳаддис Мустафо Румий (888-966/1483-1559) эсланмай иложи йўқ. Мовароуннаҳр мадрасаларида XVI асрдан бошлаб то XX аср бошигача ҳадис фанидан «Мишкотул масобиҳ» китоби асосий дарсликлардан бири бўлиб келган. Унинг Мовароуннаҳр таълим тизимида ўқув дастурлари орасида мустаҳкам ўрнашиб қолишида Мустафо Румий каби олимларнинг алоҳида ўрни бор. Ушбу олим машҳур «Мир Араб» мадрасасида мударрис сифатида мазкур асарни ўқитиш билан фаолият олиб борган. Мустафо Румийнинг Мовароуннаҳрдаги фаолияти, «Мишкотул масобиҳ» асарини ўқитгани ва у бўйича шаҳодатнома (ижоза) берганлиги бирламчи манбалар орқали очиб берилади[1].

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (194-256/810-870) томонидан битилган, «Сиҳоҳи ситта» – олтита саҳиҳ ҳадислар тўпламлари орасида биринчи ўринда турувчи «ал-Жомеус саҳиҳ» асаридаги 7563 та ҳадисдан фақатгина 22 та ҳадис уч ровий силсиласидан иборат. Мазкур уч ровийлик ҳадислар «Сулосиётул Бухорий» деб юритилади. Булар Имом Бухорийнинг табъа тобиин табақасидаги устози томонидан тобеъиндан, у эса саҳобадан ривоят қилган ҳадислардир. Имом Бухорий билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ораларидаги вақт қарийб 250 йилни ташкил қилади. Демак, бу ҳадисларни ривоят қилган ровийларнинг барчаси узоқ умр кўрган ва бир-бирлари билан шахсан учрашган. Зотан, Имом Бухорийнинг ҳадисларнинг саҳиҳлигига қўйган шартлари энг оғири бўлиб, унда ровийлар бир-

---

[1] Aminov Kh. “Buhara Mir Arap medresesi müderrisi: Mustafa Rûmî” (Buxorodagi “Mir Arab” madrasasi mudarrisi: Mustafo Rumiy) // Uluslararası “Orta Asya’dan Anadolu’ya İslâmî İlimler” Sempozyumi Bildirleri Kitabı. Karabûk Universitesi (Turkiye), 2021. – S. 409-412; Aminov H. Mustafo

Румийнинг Бухородаги фаолияти // «Инсоният, миллат ва тил: ўзаро алоқадорлик ва ривожланиш тенденциялари» мавзусидаги илмий-назарий семинар материаллари. – Тошкент: «Фан зиёси», 2024. – Б. 358-362.

бирлари билан шахсан учрашганлиги ва устоз-шогирд бўлганлиги аниқ бўлиши керак[2].

«Сулосиётул Бухорий»ни олимлар алоҳида шарҳ қилганлар. Шу хилдаги шарҳларнинг 10 га яқини илм аҳлига маълум. Унинг ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган, Бухорода ёзилган шарҳлардан бири Шамсиддин Муҳаммад Кўҳистоний (ваф. 962/1555) томонидан олтмиш ёшларида 948/1541 йилда ёзилган. У Бухоро муфтийси бўлиб, ҳанафий фиқҳида ўзининг «Жомеур румуз» асари билан шуҳрат қозонган. Олим «Сулосиётул Бухорий»дан ташқари ҳадисга оид «аш-Шамоилун набавия», «ал-Арбаин» ва «ал-Ҳиснул ҳасин» каби асарларга ҳам шарҳ битган[3].

Шамсиддин Муҳаммад Қўҳистоний шарҳни ёши олтмишдан ўтганида, сочлари оқариб қолган вақтида («Ва иштаалаш шайбу фи раъсий, фа иннаҳу қод тажоваза анис ситтина») ёзаётганини айтган. Шарҳ охирида эса 948 ҳижрий йилда тугаган вақтини «Маҳз» сўзи билан ифодалаган («фи маҳз минас санавот»)[4]. Бу эрда абжад ҳисобида «мим» ҳарфи қирқни, «ҳо» ҳарфи саккизни, «зо» эса тўққиз юзни билдиради. Шарҳнинг охирида «назм қилувчи риоя қилди», «ҳусни ихтитом» каби жумлаларнинг ишлатилишидан уни Шамсиддин Кўҳистоний ёзганлигини айтиш мумкин. Чунки, олим қарийб барча асарлари охирида мазкур жумлаларни ишлатишга ҳаракат қилган. Асар муқаддимасида у бузғунчилар балосига йўлиққанини айтиб ўтади. Бу эрда у шиалар ҳужумини назарда тутган бўлса керак.

«Шарҳус Сулосиёт»нинг бизга икки қўлёзма нусхаси маълум. Улардан қадимийси 10164/II тартиб рақами билан сақланади, 981/1573 йилда муаллиф дастхат нусхасидан олиб кўчирилган (115б-132б). Иккинчи нусха эса 2439/VI тартиб рақами билан сақланади, уни машҳур хаттот Мавлавий Муҳаммад Соқий 1093/1682 йилда китобат қилган (135б-150б).

«Сулосиётул Бухорий»ни ҳанафий мазҳаби, мотуридий таълимотига уйғун ҳолда шарҳлаш ишлари олимлар томонидан XVI асрда Имом Бухорийнинг ўз юртида ҳам давом қилдирилган. Ушбу шарҳларни тадқиқ ва таҳлил этиш улуғ муҳаддиснинг ҳаёти ва илмий фаолиятини илмий ўрганишда аҳамиятли экани шубҳасиздир.

«Шарҳ Арбаинин Нававий» ҳам Шамсиддин Муҳаммад Кўҳистоний томонидан ёзилган бўлиб, у Муҳйиддин Абу Закариё Яҳё Нававий (1233-1277) қаламига мансуб

---

[2] Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Сулосиётул Бухорий / Таржима ва шарҳ муаллифи Ҳ.Аминов. – Тошкент: Ирфоннашр, 2021. – Б. 6.

[3] Aminov H. Academic Legacy of Shams al-Din Muhammad al-Kuhistani // Proceyedings of the International Conference Dedicated to the Memory of Academician Ubaydulla Karimov “New Perspectives for the Study of Islamic Culture, History and Art in Uzbekistan. May 2021, Tashkent. (Аминов Ҳ. Шамсиддин Муҳаммад Кўҳистонийнинг илмий мероси // «Ўзбекистонда ислом маданияти, тарихи ва санъатини ўрганишнинг янги истиқболлари» мавзуидаги академик Убайдулла Каримов хотирасига бағишланган 2021 йил май ойида Тошкентда бўлиб ўтган Халқаро конференция мақолалар тўплами). – Истанбул: ИРСИСА – Research Centre for Islamic History, Art and Culture, 2021. – P. 369-376.

[4] Шамсиддин Муҳаммад Кўҳистоний. Шарҳус Сулосиёт. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, № 10164/II. –В. 132б.

қирқ иккита ҳадис тўпламидан иборат «Арбаин» асарига битилган шарҳдир. Унинг Бухорода яшаган машҳур хаттот Мавлавий Муҳаммад Соқий ибн Муҳаммад Амин Балхий 1093/1682 китобат қилган қўлёзма нусхаси ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар хазинасида мавжуд[5]. Шориҳ шарҳ муқаддимасида Нававийнинг қисқача таржимаи ҳолига ҳам тўхталган.

«Шарҳул Ҳиснил ҳасин» ҳам Шамсиддин Муҳаммад Кўҳистоний томонидан ёзилган. Шарҳ машҳур қироат олими Шамсиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Жазарий (ваф. 833/1429) қаламига мансуб, 1388 йилда ёзилган – «Ҳиснул ҳасин» китобига битилган. У саҳиҳ ҳадислар асосида тузилган дуо ва зикрлар тўпламидир. Уни асрлар давомида мусулмонлар орасида ўқиш одат бўлиб келган. Китобни мутолаа қилиб туриш бало ва офатларни даф қилиш хусусиятига эга, деган эътиқод мавжуд бўлган. Китоб, айниқса, Темурийлар даврида машҳур бўлган. Уни асрлар давомида мусулмонлар орасида ўқиш одат бўлиб келган. Ҳукмдорлар ҳам ўз саройларида тез-тез «ал-Ҳиснул ҳасин» китобини ўқитиб турган. Хива саройи архив ҳужжатларида ушбу китобни ўқитишга сарфланган маблағлар ҳам қайд этиб борилган. Жумладан, 1867 йилнинг Ражаб ойида ушбу китобни ўқиган муллаларга 20 тилло берилган[6].

Кўҳистоний мазкур асарга 948/1541 йилда шарҳ битган. У ягона нусхада ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар хазинасида сақланади[7]. Мирак Зинда Али (XVII аср) ўзининг «Самаротул машойих» асарида Кўҳистонийнинг мазкур асарини тилга олади ва ундан иқтибослар олади[8].

Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизий (209-279/824-892) томонидан битилган «аш-Шамоилун набавия» ва «аш-Шамоилул Муҳаммадия» номли асари ҳам Мовароуннаҳр мадрасаларида ўқитилган. Жумладан, Сафиюддин Мустафо Румий (888-966/1483-1559) Бухоройи шарифда 963/1556 йили Мавлоно Кепак Туркистоний (XVI аср) номли олимга «Мишкотул масобиҳ» ва «Шамоили набавий»ни ўқитгани борасида ижоза берган. «Самаратул машойих»да “Охунд Мавлоно Кепак «Мишкот»ни Мавлоно ва шайхуно Мустафо Румий ҳузурларида ўқиганлар”, дейилган[9]. «Самаратул машойих» муаллифи Саййид Зинда Али Ҳусайний (XVII аср)нинг ўзи ҳам Кўкалдош

---

[5] Шамсиддин Муҳаммад Кўҳистоний. Шарҳ ал-Арбаинин Нававия. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, № 2439/VIII. –В. 168б-213а.

[6] Йўлдошев М. Хива хонлигида феодал эр эгалиги ва давлат тузилиши. – Тошкент: «Ўздавнашр», 1959. – Б. 41. Лекин М.Йўлдошев китоб номини янглиш «Ҳасанул Ҳусайн» деб ўқиган. Ҳазрати Алининг эгизак ўғиллари ҳақидаги қиссаларни ўқиш фақат халфа аёллар орасидагина одат эди. Ҳатто «Хоразм тарихи» номи билан қайд этилган муаллифи номаълум китобда 1870 йилги сарой харажатлари қаторида «ал-Ҳиснул ҳасин» ўқувчиларига минг тилло берилгани қайд этилган. Қаранг: Хоразм тарихи. ЎзР ФА ШИ Ҳ.Сулаймонов фонди, № 280. – В. 26б.

[7] Шамсиддин Муҳаммад Кўҳистоний Шарҳул Ҳиснил ҳасин. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, № 4633. – 157в.

[8] Мирак Зинда Али. Самаротул-машойих. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, № 2619. – В. 254а.

[9] Саййид Зинда Али Ҳусайний. Самаратул машойих. ЎзР ФА ШИ-1, № 2619. – В. 480а.

мадрасасида Муҳаммад Қосим Бухорий (975-1070/1568-1660) ҳузурида «Шамоили набавий»дан сабоқ олиб, ижоза ҳам олганини қайд қилиб қолдирган[10].

Асрлар давомида «аш-Шамоилун набавия» мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилгани боис ҳам унга кўплаб шарҳлар ёзилган. Масалан, Абдаҳ Али Кушк «Шамоили набавий»нинг 72 та шарҳи, 15 та мухтасар варианти, 2 та ровийлари тўғрисидаги махсус асар, яна 3 та манзума шакли, туркча, урдуча, французча ва инглизча 4 та таржимасини санаб ўтган[11].

«аш-Шамоилун набавия»га шайбонийлар даврида ёзилган шарҳларни XVI аср бошида Насимиддин Муҳаммад ибн Саййид Жамолиддин Атоуллоҳ ибн Фазлуллоҳ Шерозий Ҳаравий Даштакий (тахминан 850-950/1446-1543) томонидан битилган шарҳ бошлаб беради. «Мирак» ва «Миракшоҳ» номи билан шуҳрат қозонган олим «кичик амир» номи билан танилган[12]. У зот «ал-Ҳиснул Ҳасин» ва «Мишкотул масобиҳ»га ҳам шарҳлар битган. Мавлоно Али Қори (ваф. 1014/1606) Муҳаммад Саид Мир Калон Хуросоний (902-981/1491-1573) шогирди бўлгани боис ўз асарларида унинг китобларидан ҳам кўп фойдаланган ва унинг номини кўп бора тилга олган[13].

Миракшоҳнинг «Шарҳуш Шамоил» асари бўйича Маккаи мукарраманинг «Уммул қуро» университетида Мане ибн Дабий томонидан магистрлик иши қилинган ва 2016 йили эълон қилинган[14].

Шайбонийлар даврида ёзилган шарҳлардан иккитаси Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон Шерозий (860-927/1455-1521) томонидан битилган. У Шайбонийхон (ҳукмронлик йиллари 1500-1510) сафарларида бирга бўлган ва унга атаб «Меҳмонномаи Бухоро» асарини битган. У муҳаддис ва фақиҳ олим бўлиб, бир қанча асарларини Мовароуннаҳрда яратган. Шулардан бири «Шамоили набавия»га ёзган «Нашрул фазойил фи шарҳиш Шамойил» деб аталади. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида 6429/I рақами билан сақланувчи қўлёзма нусхаси 359 (1б-359б) + 4 (05б-08б) иборат йирик ҳажмли бўлиб, Муҳаммад Тоҳир ал-Ҳусайний деган хаттот 1263/1847 йили китобат қилган.

Шориҳ «Шамоили набавия» китобини 11 яшарлигида ўқиб ёдлаганини айтади. Уни устози Тоҳир ибн Арабшоҳ ибн Иброҳим Исфаҳоний (786-870/1384-1466) ҳузурида ўқиган. У эса буни машҳур қироат олими Абулхайр Муҳаммад Жазарий (751-833/1350-1429) ҳузурида ўқиган. Маълумки, Имом Жазарий темурийлар даврида Самарқандда таълим берган. Шориҳ Ҳиротга келиб «Шамоил»дан дарс бергани, талаба ва илм аҳли ушбу китобни ўрганишга жуда қизиқишини айтади[15]. Лекин у пайтларда узоқ баҳс-мунозаралар ва дарс бериш билан машғул бўлиб, китобни тўла шарҳлаб ёзишга имкон

---

[10] Саййид Зинда Али Ҳусайний. Самаратул машойих. ЎзР ФА ШИ-1, № 2619. – В. 471б.

[11] Абу Исо Термизий. Аш-Шамоилул Муҳаммадия / Таҳқиқ: Абдаҳ Али Кушк. – Баҳрайн: Мактаба Низом Яъқубийил хосса, 2012. – Б. 9-22.

[12] Абу Исо Термизий. Аш-Шамоилул муҳаммадия ва мааҳул Мавоҳибил ладуния / Таҳқиқ: Муҳаммад Аввома. – Мадинаи мунаввара: Дорул Юср, 2013. – Б. 6.

[13] Али Қори. Мирқотул мафотиҳ. 1-жилд. – Байрут: Дорул кутубил илмия, 2001. – Б. 40.

[14] Насимиддин Миракшоҳ Шерозий. Шарҳуш Шамоил. – Маккаи мукаррама: Жоме Уммул қуро, 2016. – 294 б.

[15] Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон. Нашрул фазоил фи шарҳиш Шамоил. ЎзР ФА ШИ-1, № 6429. – В. 4а.

туғилмаган. Бу имкон шориҳга 913/1508 йили рамазоннинг охирги ўн кунлигида эътикофга кириб, шарҳлашга киришган ва 3 ою 2 кунда уни тугатишга муваффақ бўлган[16]. «Такримат ул-афозил»да эса уни 3 ою 3 кунда тугатганини айтиб ўтган[17]. Фуод Сезгин эса асарни 909/1503 йили ёзилган, деб хатога йўл қўйган[18].

Шориҳ ўз номини ва асарга қўйилган номни келтириб, Макка ва Мадина шаҳарларида ушбу китобдан ижоза олганини алоҳида қайд қилиб, муаллифгача бўлган таълим силсиласини (санад) тўлиқ келтириб ўтади[19].

Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳоннинг «Шамоили набавия»га битган иккинчи шарҳи «Такриматул афозил би таржиматиш Шамойил» деб аталган бўлиб, унинг икки нусхаси ЎзР ФА ШИ да 12724 ва 9410/II рақамлари билан сақланади. Олим ўзини Хожа Мавлонойи Исфаҳоний номи билан танилган Абулхайр Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон деб таништиради[20]. Асар таржима ҳарактерида бўлиб, қисқа шарҳланган. 105 (1б-105б) варақдан иборат.

«Такриматул афозил»нинг муҳим жиҳатларидан бири шарҳ бошланишида шамоил ва сийрат илмининг 10 та фойдаси тўғрисидаги – «фавоиди ашара» деб аталган муқаддима мавжудлигидир[21].

«Такриматул афозил» ёзилган пайтда олим Самарқандда яшаётган (мутаваттин) эди. Мадрасада талабаларга дарс берарди. Талабалар ундан «Шамоили набавия»ни форс тилида таржима ва қисқа шарҳ қилиб беришларини илтимос қилади. Шу тариқа, 925/1519 йили «Такриматул афозил» асари ёзилади[22].

Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон «Такриматул афозил»да «Шамоли набавия»гача бўлган 2 та санадини тўлиқ келтириб ўтган ва йирик шарҳи «Нашрул фазойил»ни «Шарҳи Шамоили калон» деб тилга олган[23].

Ҳожи Халифа (1017-1068/1609-1657) «Кашфуз зунун»да Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Ҳанафий (XVI аср) томонидан 926 йили жумодийул ало – 1520 йил апрель-май ойида «аш-Шамоилун набавия»га шарҳ ёзилганини қайд қилиб ўтган[24]. У

---

[16] Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон. Нашрул фазоил фи шарҳиш Шамоил. ЎзР ФА ШИ-1, № 6429. – В. 5^{а}-5^{б}.

[17] Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон. Такриматул афозил би таржиматиш Шамоил. ЎзР ФА ШИ-1, № 12724. – В. 3б.

[18] Абу Исо Термизий. Аш-Шамоилул Муҳаммадия. – Баҳрайн: Мактаба Низом Яъқубийил хосса, 2012. – Б. 18.

[19] Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон. Нашрул фазоил фи шарҳиш Шамоил. ЎзР ФА ШИ-1, № 6429. – В. 7^{а}-8^{а}.

[20] Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон. Такриматул афозил би таржиматиш Шамоил. ЎзР ФА ШИ-1, № 12724. – В. 1б.

[21] Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон. Такриматул афозил би таржиматиш Шамоил. ЎзР ФА ШИ-1, № 12724. – В. 2а-3а.

[22] Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон. Такриматул афозил би таржиматиш Шамоил. ЎзР ФА ШИ-1, № 12724. – В. 4а.

[23] Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон. Такриматул афозил би таржиматиш Шамоил. ЎзР ФА ШИ-1, № 12724. – В. 5а ва 81б.

[24] Котиб Чалабий (Ҳожи Халифа). Кашфуз зунун. 2-жилд. – Истанбул: Маориф, 1941. – Б. 1060.

шайбонийлар даврининг энг этук олимларидан бири бўлиб, унинг шарҳи «Ҳошия Мавлоно Ҳанафий» ва «Ҳошия ли шарҳ Шамоилин набий» номлари билан ҳам учрайди. ЎзР ФА ШИ да 4563/В рақами билан сақланадиган нусхаси 100 (203б-303б) варақдан иборат. Қўлёзма 1221/1806 йили кўчирилган. Мазкур асар «Шамоли набавия»нинг шарҳига ҳошия эмас, балки «Шамоли набавия»нинг айни ўзи – матнига араб тилида битилган шарҳ ҳисобланади. Негадир, уни «Шамоили набавия»нинг шарҳига ҳошия деб ўйлашган. Бу шориҳ томонидан шарҳнинг ўзига махсус ном берилмагани, шориҳнинг кўпроқ турли фанларга оид шарҳларга ҳошиялар боғлагани сабаб бўлган бўлса керак.

Ҳожи Халифа «Кашфуз зунун»да Асомиддин Иброҳим ибн Муҳаммад Арабшоҳ Исфароиний (ваф. 943/1536) томонидан ҳам «аш-Шамоилун набавия»га шарҳ ёзилганини қайд қилиб ўтган[25]. У шайбонийлар даврининг энг этук ва таниқли олимларидан бўлиб, Ҳирот, кейин Бухоро ва Самарқандда илмий фаолият олиб борган. «Музаккири аҳбоб»да айтилишича, Самарқандда 943/1536 йили вафот қилган ва Хожа Аҳрор валий (806-895/1404-1490) қабри ёнига дафн қилинган[26].

Шамсиддин Муҳаммад Кўҳистоний (888-963/1483-1556) томонидан битилган яна бир шарҳ «Шарҳуш Шамоил» деб аталади. У шайбонийлар даврида Мовароуннаҳрнинг бош муфтийси ва садри аъзами бўлиб хизмат қилган. Ўзидан ўндан ортиқ илмий-диний асарлар мерос қолдирган. «Музаккири аҳбоб»да уни «фиқҳда катта шуҳрати бор», деб қабри Хожаи Бузругвор (Баҳоуддин Нақшбанд) мақбараси ёнида эканини қайд этилади[27].

Мазкур «Шарҳуш Шамоил»нинг энг қадимий нусхаларидан бири 981/1573 йили Мусо ибн Маҳмуд Тархоний томонидан Бухорода «Шодия» мадрасасида кўчирилган. Нусха 114 (1б-114а) варақдан иборат[28]. Мазкур қўлёзма нусханинг 113а-варағи ҳошиясида: «Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Кўҳистонийнинг дастхат (нусхаси)дан кўчирилди. Аллоҳ уни ва ота-онасини ёрлақасин. Яна бир марта 981 санада қайта текшириб (муқобала) чиқилди», деган қайд мавжуд. Демак, 981/1574 йилда «Шамоили набавия» билан бирга мазкур шарҳ дарслик сифатида қўлланма бўлган ва матни устозлар ҳузурида қайта назардан ўтказилган.

Кўҳистонийнинг ушбу шарҳи араб тилида бўлиб, сўзма-сўз, жумлама-жумла шарҳлаб борилган. Ибораларнинг луғатдаги ва истилоҳдаги маънолари, тилшунослик жиҳатидан таърифи ҳам келтириб ўтилган. Кейин жумланинг умумий маъноси изоҳлаб берилган.

К.Брокеллман ва Фуод Сезгин каби тадқиқотчилар томонидан «аш-Шамоилун набавия»га XVI аср олимларидан Мулла Муҳаммад Ширвоний Бухорий томонидан

---

[25] Котиб Чалабий (Ҳожи Халифа). Кашфуз зунун. 2-жилд. – Истанбул: Маориф, 1941. – Б. 1060.

[26] Ҳасанхўжа Нисорий. Музаккири аҳбоб (Дўстлар ёдномаси). – Тошкент: Абдулла Қодирий, 1993. – Б. 173.

[27] Ҳасанхўжа Нисорий. Музаккири аҳбоб (Дўстлар ёдномаси). – Тошкент: Абдулла Қодирий, 1993. – Б. 150-151.

[28] Шамсиддин Муҳаммад Кўҳистоний. Шарҳуш Шамоил. ЎзР ФА ШИ-1. № 10164/И. – 114 в.

ҳам «Шарҳуш Шамоил» номли шарҳ ёзилгани айтиб ўтилган[29]. Унинг «Бухорий» деган нисбасидан бухоролик олим экани ўз-ўзидан маълум. Ширвон – Озарбайжондаги Ширвон шаҳри эмас, балки у Бухоро атрофидаги Бимажкас яқинидаги қишлоқ номидир. Унга нисбат берилган бир қанча олимлар «Ўрта Осиё олимлари қомуси» китобида санаб ўтилган[30]. Мулла Муҳаммад аш-Ширвоний ҳам ана шу жойдан этишиб чиққан марказий осиёлик олимлардан ҳисобланади.

Маълумки, Имом Термизийнинг «аш-Шамоилун набавия» номли асарига асрлар давомида етмишдан ортиқ шарҳлар ёзилган бўлиб, XVI асрда ҳам унга ўндан зиёд шарҳлар битилган. Шулардан камида еттитаси айнан Шайбонийлар ҳукмронлиги остидаги Мовароуннаҳр ҳудудида ёзилган. Тадқиқотлар натижасида бу хилдаги шарҳлар янада ортиши мумкин. Мазкур шарҳларни илмий ўрганиш, уларнинг муаллифларининг ҳаёти ва ижодини тадқиқ этиш Марказий Осиёнинг сиёсий, илмий-маданий ва диний тарихи учун кўплаб янги маълумотларни бериши шубҳасиздир.

XVI асрда Мовароуннаҳрда «Сулосиётул Бухорий» ва «аш-Шамоилун набавия» каби ҳадис тўпламларига шарҳлар битилган ҳамда «Саҳиҳи Бухорий» ва «Мишкотул масобиҳ» мадрасаларда ўқитилган бўлсада, лекин на уларга ва на «Сиҳоҳи ситта»нинг бошқа тўпламларига мукаммал шарҳлар ёзилганини учратмаймиз. Ҳадисга оид йирик ҳажмли мустақил асарлар ёзилгани ҳам маълум эмас. Фақатгина ўзида қирқ ҳадисни тўплаган «Арбаин» тўпламлари мавжуд, холос.

---

[29] Абдуллоҳ Ҳабаший. Жомеуш шуруҳ вал ҳавоший. – Абу Забий: Ал-Мажмаус сақофий, 2004. – Б. 1107; Абу Исо Термизий. Аш-Шамоилул Муҳаммадия. – Баҳрайн: Мактаба Низом Яъқубийил хосса, 2012. – Б. 16.

[30] Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад. Ўрта Осиё олимлари қомуси. – Тошкент: Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази нашриёти, 2007. – Б. 243-244.

БУЮК МУҲАДДИС ВА ФАҚИҲ

Ойгул Шарипова Турсуновна*

Аннотация. Мазкур мақолада муқаддас ислом дини ривожига беқиёс ҳисса қўшган ҳадис илми дарғаларидан бири, буюк ватандошимиз Имом Термизийнинг улкан илмий меросини янада чуқур ўрганиш, халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш, ушбу йўналишдаги тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, азалий, миллий қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш, ёш авлоднинг руҳий ва маънавий оламини бойитиш, иймон эътиқодини мустаҳкамлаш, уларнинг қалбида ватангаа муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтириш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири эканлиги ҳақида фикр билдирилган. Ислом динининг асл мазмун-моҳиятини кўрсатиб беришда, динлааро ва миллатлараро бағрикенглик, дўстлик, ижтимоий ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамфикрлилик қадриятларини, ислом тамаддунига бебаҳо ҳисса қўшган Имом Термизийнинг илмий-маънавий меросини ёшлар орасида кенг тарғиб қилишда халқаро илмий тадқиқот маркази асосий таянч даргоҳга айланиб бораётганлиги, ҳозирда Имом Термизийнинг бағрикенглик, тинчлик ва мўътадиллик ғояларини ўзида жамлаган бебаҳо асарларини таржима ва таҳқиқ қилиш, кенг халқ оммаси учун мўлжалланган рисолалар тайёрлаш борасида салмоқли ишлар бажарилганлиги, Имом Термизмий меросини ўрганиш бўйича президентимизнинг “Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлиб, ушбу қарор бўйича “Дин ишлари бўйича қўмита”, Имом Термизий халқаро илмий тадқиқот маркази термизий алломаларнинг илмий-маънавий меросини ўрганиш борасида кўп ишлар қилинмоқда. Умуман олганда бугунги кунда Термизий алломаларнинг дурдона асарларини халқимизнинг маънавий мулкига айлантириш, уларни ўрганишга қаратилган саъй ҳаракатлар ёшларни жамиятда бағрикенглик, тинчликсеварлик ва бирodарлик ғоялари қарор топишида муҳим маънавий асос вазифасини бажаришига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: Имом Термизий, муҳаддис, ислом дини, бағрикенглик, тинчлик, мўътадиллик , «*Жоме’ ат-Термизий*», «Саҳиҳи Термизий», «Сунани Термизий»

Abstract. This article discusses the importance of deeply studying the immense scientific legacy of our great compatriot Imam Tirmidhi, one of the distinguished scholars of Hadith who made an invaluable contribution to the development of the sacred religion of Islam. It emphasizes the need to widely promote his works among the people of our nation and the global community, support research in this field, preserve and glorify our eternal national values, enrich the spiritual and moral world of the younger generation, strengthen their faith, and deepen their love and loyalty to the homeland.The article also highlights the role of showing the true essence of Islam in promoting interfaith and intercultural tolerance, friendship, social cooperation, mutual respect, and solidarity. It further discusses how the

* *Бухоро давлат университети профессори в.б., ф.ф.д.(DSc), Бухоро вилояти “Жўйбори Калон”аёл-қизлар ўрта-махсус ислом таълим муассасаси директори*

International Scientific Research Center has become a key institution for promoting the scientific and spiritual heritage of Imam Tirmidhi among the youth. Significant efforts have been made to translate and study Imam Tirmidhi's invaluable works, which embody the ideas of tolerance, peace, and moderation, as well as to prepare treatises intended for the general public.Additionally, the decision of our president to widely celebrate the 1200th anniversary of Imam Tirmidhi's birth is considered of great historical significance. Following this decision, the Committee on Religious Affairs and the International Scientific Research Center of Imam Tirmidhi have been actively engaged in studying the scholarly and spiritual heritage of Tirmidhi scholars. In general, attention is drawn to the efforts aimed at transforming the masterpieces of Tirmidhi scholars into the spiritual property of our people, promoting tolerance, peace, and brotherhood within society, and how these efforts serve as an important spiritual foundation for the younger generation.

Keywords: Imam Tirmidhi, Muhaddith, Islam, tolerance, peace, moderation, "Jami' at-Tirmidhi," "Sahih Tirmidhi," "Sunan Tirmidhi."

Ислом динининг асл мазмун-моҳиятини кўрсатиб беришда , динлааро ва миллатлараро бағрикенглик, дўстлик, ижтимоий ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамфикрлилик қадриятларини, ислом тамаддунига бебаҳо ҳисса қўшган Имом Термизийнинг илмий-маънавий меросини ёшлар орасида кенг тарғиб қилишда халқаро илмий тадқиқот маркази асосий таянч даргоҳга айланиб бормоқда.Ҳозирда Имом Термизийнинг бағрикенглик, тинчлик ва мўътадиллик ғояларини ўзида жамлаган бебаҳо асарларини таржима ва таҳқиқ қилиш, кенг халқ оммаси учун мўлжалланган рисолалар тайёрлаш борасида салмоқли ишлар бажарилди.[1]

Имом Термизий меросини ўрганиш бўйича Президентимизнинг "Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлди. Ушбу қарор бўйича "Дин ишлари бўйича қўмита", Имом Термизий халқаро илмий тадқиқот маркази термизий алломаларнинг илмий-маънавий меросини ўрганиш бўйича кўп ишлар қилинмоқда .Умуман олганда бугунги кунда Термизий алломаларнинг дурдона асарларини халқимизнинг маънавий мулкига айлантириш, уларни ўрганишга қаратилган саъй ҳаракатлар ёшларни жамиятда бағрикенглик , тинчликсеварлик ва бирodарлик ғоялари қарор топишида муҳим маънавий асос вазифасини бажаради.[2]

Термизий Абу Исо (тўлиқ исми: Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Заҳҳоқ Сулламий Зарийр Буғий Термизий) — муҳаддис, фақиҳ ва ҳофиз[3]

Термизий Абу Исо, Имом Термизий (824, Термиз — 892, Буғ қишлоғи, ҳозирги Шеробод тумани) — буюк муҳаддис. Сулламий деб нисбат берилишига сабаб

---

[1] Сарвар Саидов. Термизийлар мероси жаҳон олимлари нигоҳида. // Янги Ўзбекистон газетаси. 2024 йил 20 сентябрь.№192 сон.

[2] Сарвар Саидов. Термизийлар мероси жаҳон олимлари нигоҳида. // Янги Ўзбекистон газетаси. 2024 йил 20 сентябрь. №192 сон.

[3] Буюк муҳаддислар (Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Термизий). –Т.: 1998; Буюк алломаларимиз. – Т.: 2002; Уватов У. Донолардан сабоқлар. –Т.: 1994.

боболаридан бири суллам деган араб қабиласига дўст тутинган, Буғий дейилишига сабаб ўша вақтдаги Бут номли қишлоқда вафот етиб, шу ерга дафн қилинган. Умрининг охирида кўзи ожиз бўлиб қолгани учун Дарир тахаллуси билан ҳам аталган. Термизийнинг ёшлик йиллари Термиз шаҳрида ўтган, дастлабки маълумотни ҳам шу ерда олган. Термизий Абу Исонинг оиласи ва ота-онаси ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар келтирилмаган, фақат тарихчилар унинг бобосининг асли марвлик эканлиги, у киши Лайс ибн Сайёр замонида яшаган, сўнг у ердан Термизга кўчиб келганликларига оид маълумотларни келтирганлар. Болалигидан ўта зийраклиги, хотирасининг кучлилиги, ноёб қобилияти билан ўз тенгқурларидан ажралиб турган. Диний ва дунёвий фанларни, айниқса, ҳадис илмини алоҳида қизиқиш билан ўрганган, бу борадаги билимларини янада ошириш учун кўпгина Шарқ мамлакатларига борган.

Узоқ йиллар Ироқ, Исфаҳон, Хуросон, Макка ва Мадинада яшаган. Узоқ давом етган сафарлари чоғида қироат илми, баён, фикд, тарих, айниқса, ўзи ёшликдан қизиққан ҳадис илми бўйича ўша даврнинг йирик олимлардан таълим олади. Машҳур муҳаддислардан Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд, Қутайба ибн Сайд, Ишоқ ибн Мусо, Махмуд ибн Ғайлон ва бошқа унинг устозлари эди. Термизий Имом Бухорий билан учрашганида (бу учрашув Нишопурда бўлган ва икки аллома 5 йил биргаликда яшашган) ҳадиснинг матнинигина эмас, унинг ҳикмати ва фалсафасини тушуниб етганини эътироф этади. Ўз навбатида Имом Бухорий ўз шогирдини мақтаб, камтаринлик билан: «*Сен мендан баҳра топганингдан кўра мен сендан кўпроқ баҳра топдим*», деган. Бу Термизийга берилган жуда катта баҳо эди. [4]

Термизий йўлда, сафарда бўлганда ҳам, ёки бир жойда муқим турганда ҳам устозларидан, учратган ровийлардан эшитган ҳадисларни ёзиб олар, уларни тартибли равишда алоҳида-алоҳида қайд қилиб борарди. 868 йил хориж сафаридан ўз юртига қайтган Термизий илмий-ижодий иш, шогирдлар тайёрлаш билан машғул бўлди ва йирик муҳаддис олим, имом сифатида шуҳрат қозонди. Тақводорлик, ислом дини ва ўз обрўсига гард юқтирмасликка интилиш, дунё молматоси ва бойликка бепарво қараш, охиратнинг ғамини ейиш Термизийнинг ҳаёти тарзи эди. Термизийнинг шогирдлари унинг ишларини давом эттирди. Улар ичида Макҳул ибн Фадл, Муҳаммад ибн Маҳмуд Анбар, Ҳамод ибн Шокир, Абд ибн Муҳаммад Насафий, Ҳайсам ибн Кулайб Шоший, Аҳмад ибн Юсуф Насафий ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Термизий қаламига мансуб асарларнинг аксарияти бизгача етиб келган. «*Ал-Жомеус саҳиҳ*» («Ишонарли тўплам»), «*аш-Шамоилун набавия*» ёки «*Аш-Шамоил аннабий саллолоҳу алайҳи ва саллам*» («Пайғамбар алайҳиссаломнинг шакл ва сифатлари»), «*ал-Илал фил ҳадис*» («Ҳадислардаги иллатлар»), «*Рисола фил хилоф вал жадал*» («Ҳадислардаги ихтилоф ва баҳслар ҳақида рисола»), «*ат-Таърих*» («Тарих»), «*Китобуз зуҳд*» («Зоҳидлик китоби»), «*Китоб уламо вал куно*» («Исмлар ва кунялар китоби») ва бошқа Термизийнинг асарлари ичида енг машҳури, шубҳасиз, «*Ал-Жомеус саҳиҳ*» бўлиб, 6 та ишончли ҳадислар тўпламидан биридир. Ушбу асар илмий манбаларда

[4] Буюк муҳаддислар (Имом ал Бухорий, Имом Муслим, Имом Термизий). –Т.: 1998; Буюк алломаларимиз. –Т.: 2002; Уватов У. Донолардан сабоқлар. –Т.: 1994.

«*Жомеут Термизий*», «Саҳиҳи Термизий», «Сунани Термизий» номи билан ҳам аталади. Термизийнинг муҳим асарларидан яна бири «*аш-Шамоилун набавия*» Муҳаммад (алайҳи саллом)нинг шахсий ҳаёти, у зотнинг суврат ва сийрати, ажойиб фазилатлари, одатларига оид 408 ҳадиси шарифни ўз ичига қамраган манбадир.[5] Бу китоб азалдан исломшунос олимлар, тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига тортиб келади. Араб тилида битилган ушбу асарга бир қанча шарҳлар ҳам ёзилган. Унинг тили равон, услуби ғоятда оддий. Асар форс ва турк тилларига таржима қилинган. «*Аш-Шамоилун набавия*»нинг 1-қисмида келтирилган ҳадиси шарифлар пайғамбарнинг суврат (ташқи қиёфаси)ига, 2-қисмида келтирилган ҳадиси шарифлар еса ички дунёсию, ахлоқий фазилатларини баён қилишга, яъни сийратга бағишланган. Китобнинг 16-асрга оид бир қўлёзмаси Тошкентда, Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланади. «*Аш-Шамоилун набавия*» ўзбек тилига ўгирилиб сўнгги йилларда Тошкентда бир неча бор нашр етилди.

Буюк муҳаддис ва фақиҳ Имом Термизийнинг маънавий мероси Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини қураётган ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашда бебаҳо хазинадир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўрта аср Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий-фалсафий мероси энциклопедияси. – Самарқанд. Имом Бухорий халқаро маркази, 2016. – Б. 645-649.
2. Сунани Термизий. 1 Ж. –Т: 1999; Шамоили Муҳаммадия. – Т.: 1991; Саҳиҳи Термизий. –Т.: 1993.
3. Буюк муҳаддислар (Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Термизий). –Т.: 1998; Буюк алломаларимиз. –Т.: 2002; Уватов У. Донолардан сабоқлар. –Т.: 1994.

[5] Сунани Термизий. 1 Ж. –Т.: 1999; Шамоили Муҳаммадия. –Т.: 1991; Саҳиҳи Термизий. –Т.: 1993.

ИМОМ ТЕРМИЗИЙ АСАРЛАРИ – ИСЛОМ ДИНИ ВА ПАЙҒАМБАРИМИЗ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА БЕБАҲО МАНБА

Шомат Саматов*

Аннотация. Мақола чуқур таҳлилий асосга эга бўлиб, ҳадисларда илм ва маърифат муаммосининг моҳияти анализ қилинган.

Калит сўзлар: Аллоҳ, пайғамбар, Қуръон, Ҳадис, ислом, сўз, илм, руҳ, ақл, тафаккур, маърифат, таълим, тарбия, аждодлар ўгити, ҳикоятлар, тамсиллар, соғлом ақл, ахлоқ, адолат, сабр, қаноат, ғоявий эътиқод, мўжиза ва б.қ.

Abstract. The article analyzes the essence of the problem of knowledge and enlightenment in hadiths on a deep analytical basis.

Keywords: The god, prophet, fortress, hadith, Islom, word, knowledge, spirit, mind, thinking, enlightenment, education, upbringing, extinction of ancestors, stories, wisdom, common sense, morality, justice, patience, satisfaction, ideological belief, miracle and e.t.c.

Маълумки, бундан роппа-роса 34 йил илгари-яъни 1990 йили аввало, ислом дунёси, сўнг, бутун дунё мусулмонларининг талабига асосан, Ўзбекистон заминида буюк муҳаддис Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллик юбилейини нишонланишига розилик берилиши сўралган эди.

У пайтда: Биринчидан, Ўзбекистон тоталитар тузум исканжасида бўлиб, «пахта иши», «ўзбеклар иши», қатағон даври давом этмоқда эди.

Иккинчидан, худосиз шўролар мафкураси ҳали ҳукмронлигини давом эттирмоқда эди.

Учинчидан, Имом Термизий ва бошқалар номи тарих саҳифасидан ўчирилган, мақбараси қаровсиз, ташландиқ ҳолатда бўлиб, ҳеч қандай тайёргарлик йўқ эди.

Аммо, бутун дунё мусулмонлари осонликча таслим бўлишмади...

Натижада ўз обрўсини сақлаш мақсадида, «катта ҳокимият» жумладан, собиқ СССРнинг биринчи ва охирги Президенти Михаил Горбачев ҳам, Ўзбекистон раҳбарияти ҳам юбилейни ўтказишга розилик беришга мажбур бўлишди. Юбилейни ўтказиш учун шошилинч чоралар кўрилди. Термиз шаҳридаги «Мурч бобо» масжиди капитал таъмирланди, Ҳаким Термизий мақбараси, Шероботдаги Имом Термизий мақбараси таъмирланди. Ободончилик ишлари олиб борилди.

1990 йил сентябрида жаҳоннинг 96 мамлакатидан иштирок этган делегация ўтирган махсус самолёт Тошкент аэропортига келиб қўнди. Делегацияни ўша пайтдаги Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари Ислом Каримов шахсан кутиб олди.

Рейс Термизга қараб йўл олди. Аэропортдан махсус автобусларга жойлпшган делегация «Мурч бобо» масжидида тоат ибодатини қилиб, йўл-йўлакай Ҳаким Термизий мақбарасини зиёрат қилиб, Шероботга қараб йўл олишди. Тунни Имом Термизий зиёратгоҳида ўтқазишиб эртаси Термизга қараб йўл олишди. Термизда

* *Термиз давлат университети профессори, фалсафа фанлари доктори.*

халқаро илмий конференция ўтказилди. Жонли гувоҳ сифатида айтишим жоизки, Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллиги жуда юқори савияда ўтган эди. Сурхон диёри тарихида буюк шодиёнага айланди. Оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғибот ишлари олиб борилди.

Дунёнинг 96 мамлакатидан келган делегация Тожикистон Республикаси раҳбариятининг таклифига биноан Душанбе шаҳрида ўтказилган тадбирга иштирок этишди. Энг муҳими, собиқ иттифоқнинг биринчи ва охирги Президенти Михаил Горбачев таклифига биноан делегация Москвада бўлишди. Иззат икром кўрсатилди.

Бу юбилейнинг ўтказилиши бир томондан, миллатни уйғониши ўзликни англаши учун жуда катта маънавий туртки бўлган эди.

Иккинчи томонидан, мустабид тузум даврида тақиқланган кўплаб буюк аждодлар мероси ўз эгасига-яъни халқимизга қайтарилиши учун имкон яратилди. Жумладан, Имом Бухорийнинг 4 жилдлик «Ҳадис»и, Имом Термизий, Имом Абу Мансур Мотуридий, Аҳмад Яссавий, Абдухолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Хожа Аҳрор Убайдуллоҳ, жадидлар мероси, Алихонтўра Соғуний асарларининг нашр этилиши айнан 1990-1991 йилларга тўғри келиши ҳам бежиз эмас.

Кези келганда, холисона эътироф этиш керакки, 1990 йилнинг сентябрида ўтказилган Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган юбилей кейинчалик буюк бобокалонларимиз Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Ҳаким Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Абдухолиқ Ғиждувоний, Амир Темур ва бошқаларнинг юбилейларини ўтказиш учун ўзига хос тажриба мактаби бўлди.

Учинчидан, миллатни ўз-ўзини англашга, уйғонишга, эркка, мустақилликка чорловчи жўшқин адабиёт пайдо бўлди.

Мустақиллик ва эрк жарчиси Эркин Воҳидов ўзининг «Изтироб» деб номланган машҳур шеърида даъват этган эди:

Бетавфиқ раҳбарни сўкканим учун
Уч йил ётар бўлсам ётганим бўлсин.
Унинг йўқ обрўсин тўкканим учун
Тўлов берсам борим сотганим бўлсин.
Халқимга қадрингни бил, десам агар,
Кураш, ҳақни ошкор қил, десам агар,
Бу қутқу аталса давлатга зарар
Қанча азоб бўлса тортганим бўлсин.
Амалдор дер эса; тузум мен ўзим,
Фармон-фармонимдир, сўз-менинг сўзим.
Мен бундай тузумдан ўқириб юзим,
Тамом жиноятга ботганим бўлсин.
Тифлисда халқ узра танк юборган зот
Шаънин қилар бўлса қонун эҳтиёт,
Ўша зот, коммунист бўлса, мен, ҳайҳот,
Фирқа дафтарчамни отганим бўлсин!

Худосизликка асосланган, ёлғон шўролар мафкурасининг моҳияти фош этилишига замин яратилди. Бу борада Э.Воҳидовнинг «Ёлғон ҳақида» номли шеърида баён этилган оташин мисраларга эътибор беринг:

Росту ёлғонларнинг ҳисоби бордир,
У дунё, бу дунё жавоби бордир.
Ёлғончи оламда гуноҳимиз кўп,
Кечиргувчи танҳо Парвардигордир.
Жаҳонда ёлғон бор, лекин энг ёмон —
Элни жаҳолатга бошлаган ёлғон.
У халқ юрагига отилган ўқдир,
Унга икки олам Мағфират йўқдир.

Сурхон диёрининг оташин куйчиси, дилбар шоири Шафоат Раҳматулло Термизийнинг «Имом Термизийга муножот» шеърига эътибор берайлик.

Шоир куйлаганидек:

У йўллар макруҳдир изга қайтаман,
Суннати ҳақиқат сўзга қайтаман,
Аҳли мўмин сизга, ўзга қайтаман,
Мен изга қайтаман--ўзга қайтаман
Ё Имом Термизий Сизга қайтаман.

Йўқ эдим тўлиқми, ярим аср мен,
Кўр эдим тўлиқми ярим басир мен,
Телбами, манқуртми, ақли қосир мен,
Мен изга қайтаман--ўзга қайтаман
Ё Имом Термизий Сизга қайтаман

«Учлик» шапкасига салламни бердим
Сўнг калом, имломни, калламни бердим,
Арбобу адибу мулламни бердим.
Мен изга қайтаман--ўзга қайтаман
Ё Имом Термизий Сизга қайтаман.

Меросни топташ маданиятми,
Аждодни топташ ҳам маънавиятми,
Ёлғонни мақташ ҳам айнул ҳаётми?
Мен изга қайтаман--ўзга қайтаман
Ё Имом Термизий Сизга қайтаман.

Фалсафа онаси китоби Карим
Қолиб куфур дарсин олди бу сарим.
Менда иймон йўқдир, бўлса ҳам ярим,
Мен изга қайтаман--ўзга қайтаман
Ё Имом Термизий Сизга қайтаман.

Туф ёлғон дунёга, асл қайдасан,
Шарқ фикри жам этган ҳосил қайдасан,
Ҳаққа етакловчи Расул қайдасан?
Мен изга қайтаман-ўзга қайтаман
Ё Имом Термизий Сизга қайтаман.

Ўйлаймизки, бу мустақиллик туфайли ўзликни англашимиз учун, янги Ўзбекистон учун, «Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари» тараққиёт стратегиямизни белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Буюк бобокалонларимиз мероси биз учун ёруғ йўл-ҳаракат дастуридир.

Ўрни келганда мамнуният билан қайд этиш керакки, Янги Ўзбекистон Концепциясининг меъмори, муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев, 2024 йил 15 августдаги «Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»,-деб номланган оламшумул тарихий қарорга имзо чекиш билан наинки халқимиз, Марказий Осиё минтақаси, Ислом олами, қолаверса дунё халқлари олдида, абадул-абад тарихнинг олтин зарварақларида, олтин ҳарфлар билан муҳрланадиган миссияни адо этдилар.

Тарихий қарорда амалга оширилиши керак бўлган жуда кўп (комплекс) вазифалар қаторида: «Имом Термизийнинг «Аш-Шамоилул Муҳаммадия» ва «Сунани Термизий» асарларини мотуридийлик ақидаси ва ҳанафийлик мазҳабига таянган кўп жилдлик академик таржима ва шарҳини тайёрлаш ҳамда уларни нашр этиш» вазифаси қўйилган.

Ислом оламида, XX асрнинг Имом Бухорийси дея эътироф этилган буюк қомусий олим, исломшунос, инсоншунос, Алихонтўра Шокирхонтўра ўғли Соғуний ўзининг шоҳ асари бўлмиш «Тарихи Муҳаммадий» нинг сўз бошисидаёқ таъкидлаган эдики:

«Билмак керакки, ҳар бир мусулмон боласи, хоҳи эр киши, хоҳи хотун киши, хоҳи ёш, хоҳи қари, мана шу тубандаги тўрт нарсанинг тарихини билиши албатта лозимдур.

I. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом тарихлари

II. Қуръони карим тарихи

III. Дини Ислом тарихи

IV. Каъбатуллоҳ тарихи».

Шу боис, пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам (с.а.в.) тарихларини ўрганиш доимо исломшунос олимларнинг диққат эътиборини қозониб келган.

Бу борада кўҳна ва ҳамиша навқирон Сурхон диёридан чиқиб, жаҳоншумул аҳамиятга эга асарлар яратган буюк алломалардан бири. машҳур муҳаддис Абу Исо Муҳаммад Термизийнинг хизматлари таҳсинга лойиқдир.

Имом Термизий кўплаб қимматбаҳо асарлар ёзиб қолдирганлар. «Аш-Шамоилул Муҳаммадия» («Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари») номли асари эса унинг энг машҳур асарларидан ҳисобланади.

Ушбу асарда Муҳаммад алайҳиссаломнинг ташқи қиёфалари ва ахлоқий сифатлари, фазилатлари ҳақида 326 ҳадис жам этилган.

Халқимизда комил инсон деган пурмаъно тушунча бор. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ана шундай ибрат намунаси бўлганлар. Афсус надоматлар бўлғайким, шўролар даврида вояга етган авлод пайғамбаримизнинг сиймоси, қилган ишлари, хулқ одоблари, юриш-туришлари, маънавий дунёси ҳақида жуда кам маълумотга эга эди.

Буюк бобокалонимиз Имом Термизийнинг «Аш-Шамоилул Муҳаммадия» асари бу борада китобхонга кўп маълумот беради ва биринчи манба вазифасини ўтайди.

Асарнинг биринчи қисмидаги ҳадисларда пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ташқи қиёфалари (сувратлари) тавсиф қилинади. Имом Термизий таърифича, у ўрта бўйли, елкалари кенг, қўллари гўштдор, сержун, кафтлари бўлали, қирғий бурун, пешонаси кенг, жисмлари чиройли, келишган, сочлари на буралган ва на ёзилган, чеҳралари буғдойранг, кўзлари катта-катта киши бўлган.

Асарнинг иккинчи қисми Муҳаммад алайҳиссаломнинг сийратларига, яъни ички дунёсию ахлоқий фазилатларига бағишланган. Имом Термизийнинг тасвирлашича, Пайғамбаримиз ахлоқий жиҳатлардан намунавий бир зот бўлганки, каттаю-кичик, эркагу аёл, бадавлату камбағал билан бир хил муомалада бўлган. Рўзғор ва оила юмушларида ўз хотинларига ҳар томонлама ёрдам ва кўмак кўрсатган. Гуноҳкор киши кечирим сўраганда унинг гуноҳидан ўтган. Барча кишилар билан ўта латофатда ва хушмуомалада бўлган, йўлида учраган ҳар қандай кишига биринчи бўлиб салом бериб сўрашиш, ҳатто саҳобаларидан кейинда юриш унинг асосий одатларидан бўлганлиги қайд қилинади. Айниқса, у кишининг ҳамиша умматлари ғамини егани таҳсинга лойиқдир. Пайғамбаримиз жуда қаноатли инсон бўлган эканлар. У кишининг «вафотларига қадар хонадон аҳли ва аёллари арпа унидан бўлган нонга қоринлари тўймаган» экан. У киши дарвешона ҳаёт кечирган. Умрида ҳеч кимдан шахсий ўч олмаган. Шу билан бирга, тадбиркор, яъни ҳар бир ҳодисанинг иложини қилишдан аввал кўриб қўядиган зукко инсон ўтган эканлар. «Тамоми инсонларнинг хушхулқи» бўлган пайғамбаримиз Қуръони каримни ниҳоятда соф ва дона-дона қилиб, овоз чиқариб ёқимли ўқир эканлар.

Имом Термизий ўзларининг «Аш-Шамоилул Муҳаммадия» асарларида Расул акрамнинг хулқ ва фазилатларини баён қилувчи Ҳадиси шарифларни жам қилганлар. Бу машҳур китоб сиз ва биз мусулмонларга хушхулқ бўлишликка интилишимизда ёрдам беришлигидан умидвормиз.

Ҳижрийнинг III асри бошларига келиб ҳадис китобларини ёзиш кучайган. Тарихчилар бу асрни ҳадис илмининг «Олтин даври» деб тасвирлаганлар. Бу асрда Имом Исмоил Бухорий, Имом Муслим ибн Хоттот, Имом Абу Исо Термизий, Имом Абу Довуд, Сулаймон Сижистоний, Имом Аҳмад Насоий, Имом ибн Можжа Қазвиний каби машҳур муҳаддислар ўта самарали меҳнат қилдилар ва бошқа кўплаб муаллифлар қатори, ўзларининг «ал-Жомеус саҳиҳ» («Ишончли ҳадислар тўплами») ёки «Ас-Сунан» («Пайғамбарнинг суннатлари») номли шоҳ асарларини қолдирганлар. Бу

асарлар «Қутуби ситта» («Олти китоб») яъни бутун ислом дунёсида энг нуфузли манбалар деб тан олинган олтита ишончли ҳадислар тўпламидир.

Маълумки, авваллари ҳадисшунослар ўз асарларига ўзлари эшитган ҳадисларни танлаб ўтирмай қаторасига киритаверардилар. Натижада кўплаб хато, сохта ҳадислар ҳам пайдо бўлган эди. IX асрга келиб кўплаб муҳаддисларнинг саъй-ҳаракати билан ҳадислар бобларга ва тоифаларга бўлиниб, уларнинг тўғри ва ишончли (саҳийҳ) лари алоҳида ажратилиб яхлит бир тўпламлар яратилди. Бу борада Имом Абу Исо Термизийнинг «Сунанут Термизий» номли ҳадислар тўплами ниҳоятда машҳурдир.

Ундаги ҳадислар уч гуруҳга бўлинади: 1) саҳиҳ (тўғри, ишончли); 2) ҳасан (яхши, маъқул); 3) заиф (бўш).

Жаҳон ҳадиснавислари султони Имом Бухорий ҳар бир ҳадиснинг саҳийҳлигини аниқлашда барчадан устун бўлса, Имом Термизий ҳадиснинг даражасини аниқлашда «саҳиҳ» устига «ҳасан» белгисини киритдики, бу «жуда саҳиҳ» ёки «бешак саҳиҳ» демакдир.

Имом Термизийнинг «Қутуби ситта» («Олти китоб») муаллифлари орасида тутган ўрнини белгилаш борасида кўпчилик уламолар ўз фикр ва мулоҳазаларини баён қилганлар. Жумладан турк олимларидан профессор Талъат Кўжийитнинг кўрсатишича: «Термизийнинг «Сунан» китоби ҳадисчи олимлардан бўлмиш Насоий ва Абу Довуднинг китобларидан кейин учинчи ўринда туради».

Биринчи ва иккинчи ўринларни Бухорий ва Муслимнинг «ал-Жомеус саҳиҳ» китоблари олса, табиийки, Термизийнинг «Сунан»и тўғридан-тўғри мазкурлардан кейинги китоб ҳисобланади.

Бу фикрни машҳур “Кашфуз зунун” (“Иккиланишлар пардасини очиш”) асарида Ҳожи Халифа тасдиқлайди ва “Жомеъ” (“Сунан”—Ш.С.) Термизий “Қутуби ситта”нинг учинчисидир” дейди.

Имом Абу Исмоил Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Ансорий Термизийнинг китобини Бухорий ва Муслимнинг китобларидан юқори қўяди. Зеро, унинг айтишича, Бухорий ва Муслимнинг китобларидан фақат олимларгина фойдаланадилар Термизийнинг китоби эса ҳар бир оддий инсон учун фойдалидир.

Таниқли муҳаддисларнинг кўплари Имом Термизийнинг ҳадис илмини такомиллаштириш ва уни келгуси авлодларга соф ҳолда етказишдаги хизматларини юқори баҳолаганлар. Ҳадис имомларидан Абдураҳмон ибн Муҳаммад Идрисийнинг таъбирича, Термизий “Ҳадис бобида иқтидо қилинадиган имомлардан биридир”.

Унутмаслик керакки, ислом таълимоти бўйича, ҳар бир инсоннинг учта, яъни: 1) Парвардигор; 2) ота-она ва 3) устозлар олдидаги қарзлари бор.

Кўхна тарихга мурожаат қиладиган бўлсак, устозлар ўгитисиз инсон камолоти, усиз эса жамият тараққиёти бўлмаган.

Жаҳон Ҳадис илмининг султони деб ном олган буюк бобомиз Имом Бухорий ва Имом Термизий орасида ибратона устоз-шогирдликни қаранг. Имом Термизий бобомиз ўзларини доимо Имом Бухорий бобомизнинг шогирдлари деб ҳисоблаганлар. Устоз Имом Бухорий эса у кишига қарата: “гарчанд Сиз мени устоз

дейсиз-у, аммо, Сизга ўргатганларим билан Сиздан ўрганганларимни таққослайдиган бўлсак, мен ўргатган нарсалар жуда камлик қилади" ,--деган эканлар.

Имом Бухорий бобомиз Имом Термизий бобомизнинг кафтларида жон берганлар ва оқ фотиҳаларини олиш бахтига муяссар бўлганлар.

Устоз Имом Бухорий вафотларидан кейин шогирд Имом Термизий бобомиз айрилиққа чидай олмаганлар ва қолган умрларини йиғлаш билан ўтказган эканлар. Натижада Имом Исо Термизий бобомизнинг кўзлари ожиз бўлиб қолган экан.

Ўйлаймизки, бу ҳозирги ёшларимиз ва келажак авлод тарбияси учун тенгсиз "ибрат мактаби" нинг классик намунаси бўлиб қолажак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Қуръон карим (таржимон ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур). –Т.: Чўлпон, 2006.
2. Муҳаммад пайғамбар алайҳиссалом қиссаси. Ҳадислар. –Т.: Камалак, 1991.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: O'zbekiston, 2023.
4. Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида. – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2024 йил 15 август // Халқ сўзи. 2024 йил 20 август.
5. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Ҳадис. 1-2-3-4-томлар. –Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991-1997.
6. Имом Бухорий. Ал-Адабул муфрад (Адаб дурдоналари). –Т.: Мовароуннаҳр, 2006.
7. Абу Исо Термизий. Аш Шамоилун набавийа. –Т.: Чўлпон, 1993.
8. Абу Исо Термизий. Саҳиҳи Термизий: Танланган ҳадислари. –Т.: Ғ.Ғулом, 1993.
9. Алихонтўра Соғуний. Тарихи Муҳаммадий. Биринчи китоб. – Т.: 1991.
10. Алихонтўра Соғуний. Тарихи Муҳаммадий. Иккинчи китоб. – Т.: 1991.
11. Алихонтўра Соғуний. Туркистон қайғуси. Биринчи китоб. –Т.: Шарқ, 2003.
12. Алихонтўра Соғуний. Бахтлик недур?: Шеърлар тўплами. – Т.: Munir, 2021.
13. Буюк юрт алломалари (учинчи нашр. Тузувчи ва нашрга тайёрловчи У.Уватов). – Т.: O'ZBEKISTON, 2020.
14. Воҳидов Э. Изтироб // Фан ва турмуш. – №12.1991.
15. Воҳидов Э. Ёлғон ҳақида // Маҳалла, 2018 йил 12 апрель.
16. Кенжабек Мирзо. Буюк Термизийлар: Термиз тазкираси. –Т.: ЎзМЭ, 2017.
17. Маънавият юлдузлари (масъул муҳаррир: М.М.Хайруллаев). –Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр, 1999.
18. Саматов Ш.Б. Имом Термизий ёхуд Муҳаммад Пайғамбар тарихи //Бақтрия-Тоҳаристон қадимги ва ўрта асрларда. – Самарқанд: Археология институти нашриёти, 1993.
19. Саматов Ш.Б. Ҳадис илми ривожида Абу Исо Термизийнинг тутган ўрни // Бақтрия-Тоҳаристоннинг шаҳар маданияти. – Самарқанд. Археология институти нашриёти, 1995.
20. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт: Яхшилик ва ахлоқ китоби. – Т.: Шарқ, 2008.
21. Шайх Муҳаммад Хойр Шаъол. Исломда ёшлар тарбияси. – Т.: 2021.

22. Шафоат Раҳматулло Термизий. Имом Термизийга муножот // Озод сўз: Сайланма. –Т.: Янги аср авлоди, 2003.
23. Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда Ислом маданияти. –Т.: Шарқ, 2005.

“СУНАНИ ТЕРМИЗИЙ”НИНГ ШАРҲ ВА ҚИСҚАРТМАЛАРИ

Ҳикматуллоҳ Абиев*

Аннотация. Мазкур мақолада Имом Термизийнинг машҳур асари “ал-Жомиус сунан” асарининг шарҳлари ва унинг қисқартирилган вариантлари тўғрисида маълумотлар берилган. Жумладан, “Сунанут Термизий” номи билан шуҳрат қозонган ушбу асарнинг 25 та шарҳи ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: ҳадис, шарҳ, мухтасар, қўлёзма, тошбосма, урду, муҳаддис.

Abstract. This article provides information about the commentaries on the famous work of Imam Tirmidhi “Al-Jameh al-Sunan” and its abridged versions. In particular, 25 commentaries are mentioned on this work, known as Sunan at-Tirmidhi.

Keywords: hadith, commentary, summary, manuscript, lithograph, Urdu, muhaddith.

Имом Термизий раҳимаҳуллоҳнинг «Жомиус сунан» асарига Аллоҳ таоло мақбуллик бағишлаган бўлиб, у кейинги давр олимлари, аҳли илмлари томонидан қайта-қайта ўрганилган, тадқиқ ва таҳлил қилинган. Ҳозиргача бу муқаддас анъана давом этиб келаётгани қувонарлидир. Асрлар давомида «Жомиус сунан» қўлёзмалари дунёнинг турли томонларига тарқаб кетган. Машҳур ва моҳир хаттотлар уни қайта-қайта китобат қилганлар. Жумладан, Қуддусда яшаган Абу Наср Мўътаман Сожий (445-507/1053-1113) муҳаддис бобомизнинг мазкур тўпламини олти марта тўлиқ кўчириб чиққани нақл қилинган.

Имом Термизийнинг «Жомиус сунан» асари матни илк бор Мисрнинг Булоқ шаҳрида 1292/1875 йили нашр қилинган бўлиб, унинг ҳошиясида «ал-Азҳар»нинг уламоларидан Аҳмад Рифъий Моликий раҳимаҳуллоҳнинг изоҳлари ўрин олган эди. Шундан сўнг Деҳлида бир неча бор нашр қилинган.

«Жомиус сунан»га қанчадан-қанча тажридлар, мустахражлар, ҳошиялар, мухтасарлар тузилган. Жумладан, Ибн Қайсароний (448-507/1057-1114) раҳимаҳуллоҳ «Сунанут Термизий»нинг «атроф»ларига бағишланган 10 жилдли манба яратган. «Атроф» ҳадис китобларининг бир тури бўлиб, бугунги кундаги кўрсаткичлар туркумига киритиш мумкинлигини олдин қайд қилиб ўтган эдик.

«Жомиус сунан»га битилган шарҳларнинг саноғини аниқлаш имконсиз. Мазкур шарҳлар ўрганилар экан, уларни нашр этилган; қўлёзма шаклида мавжуд, лекин чоп этилмаган ҳамда бугунги кунгача сақланиб қолмаган каби учта туркумга тасниф қилиб ўрганиш мумкин. Олимларнинг асарларни шарҳлашда қўллаган услуб ва шартлари уларнинг оммалашуви ва эътироф этилишида муҳим омил ҳисобланади. «Сунанут Термизий»га нафақат аҳли суннат ва жамоат олимлари, балки ундан ташқари бўлган тоифа вакиллари томонидан ҳам шарҳ ва таълиқлар битилганини айтиб ўтиш ўринли. Лекин асарга битилган шарҳ ва таълиқларнинг кўпчилиги аҳли суннат ва жамоатнинг энг катта ва салмоқли мазҳаби – ҳанафийлик олимлари ҳиссасига тўғри келади. Шарҳларнинг аксарияти борасида бу ерда маълумот беришни лозим топдик:

---

* *Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими.*

“Шарҳ Жомиит Термизий”. Унинг муаллифи «ал-Ҳокимул Кабир» лақаби билан танилган Абу Аҳмад Муҳаммад ибн Муҳаммад Найсобурий Каробисий (285-378/898-988)дир. Ушбу шарҳ бизнинг кунимизгача етиб келмаган бўлиб, «Жомиус сунан»га битилган илк шарҳлардан бири ҳисобланади. Ҳоким Кабир Найсобурий бир муддат қадим Шош – Тошкентда қозикалон бўлиб фаолият олиб борган.

“Оризатул аҳвазий би шарҳ “Саҳиҳут Термизий”. Бу шарҳнинг муаллифи моликий мазҳабининг таниқли фақиҳи ва муҳаддиси Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Арабий Муофирий Ишбилий (468-546/1076-1151) бўлиб, у зот «Ибн Арабий Моликий» номи билан танилган. Шарҳ анча батафсил бўлиб, асосан, унда муаллиф Абу Исо Термизий раҳимаҳуллоҳнинг фиққга оид фикрларини шарҳлашга ва уларни тўлдиришга эътибор берган. Шунингдек, шарҳда ҳар бир ҳадис тўрт жиҳатдан таҳлил қилинган. Ҳадис исноди таҳлил қилинган; ҳадис матни наҳвий жиҳатдан кўриб чиқилган; ҳадисдан олинадиган фиққий ҳукмлар таққиқ этилган; ақидавий жиҳатига эътибор қаратилган. Шунинг учун кейинги даврнинг барча муҳаддис шориҳлари ушбу асарга мурожаат этган.

Шунингдек, “Оризатул аҳвазий”да “ал-Илалус сағир” асари ҳам шарҳланган.

Китоб 1299/1882 йили ва 1350-1352/1931-1933 йилларда Конипур ва Қоҳира шаҳарларида 13 жилдда ҳамда 1997 йили Байрут шаҳрида жойлашган машҳур «Дорул кутубил илмия» нашриётида 14 жилдда чоп қилинган.

“Ан-Нафҳуш шазий фи шарҳ “Жомиит Термизий”. Бу шарҳнинг муаллифи Ҳофиз Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Яъмурий (671-734/1273-1334) бўлиб, у Ибн Саййид Носс Андалусий номи билан машҳур. Бу шарҳ кенг тарқалган бўлса-да, муаллиф уни охирига етказа олмаган (Ҳожи Халифа. Кашфуз зунун. 1-жилд. – Байрут: Дор эҳёит туросил арабий, 2004. – Б. 320.).

Яъни Ибн Саййид Носс “Жомиут Термизий”ни бошидан 316 та ҳадисни шарҳлашга улгурган. Тадқиқотчилар мазкур шарҳ агар охирига етказилганида, «Жомиус сунан»нинг энг мукаммал ва энг муфассал шарҳларидан бири бўлар эди деганлар.

“Такмила “ан-Нафҳуш шазий”. Ушбу шарҳ юқорида айтилган Ибн Саййид Носснинг “ан-Нафҳуш шазий” номли шарҳининг тўлдирувчиси ҳисобланади. Асар Зайнуддин Абдурраҳмон ибн Ҳусайн Ироқий Курдий (725-806/1325-1404) қаламига мансуб. Зайниддин Ироқий мазкур шарҳни ҳақиқий шориҳнинг услубида давом эттириб, охирига етказишга ҳаракат қилиб кўрган. Лекин у зот ҳам уддасидан чиқа олмаган, вафоти туфайли бу шарҳ ҳам охирига етмаган.

“Шарҳ завоидит Термизий алас Саҳиҳайн”. Ушбу шарҳ муаллифи Сирожуддин Абу Ҳафс Умар ибн Али ибн Аҳмад Ансорий Андалусий (723-804/1323-1402) Ибн Мулаққин куняси билан танилган. Китобда Имом Бухорий ва Имом Муслимнинг саҳиҳ ҳадислар тўпламларида келтирилмаган ҳадислар шарҳ қилинган. Шунингдек, “Сунани Абу Довуд”да келмаган ҳадислар шарҳига катта эътибор қаратилган.

“Шарҳул Ҳофиз Ибн Ҳажар”. Бу шарҳ таниқли муҳаддис, ўзининг «Саҳиҳи Бухорий»га битган «Фатҳул Борий» номли мукаммал ва муфассал шарҳи билан

шуҳрат қозонган олим Ибн Ҳажар Асқалонийнинг қаламига мансуб. У зот «Фатҳул Борий» асарида мазкур шарҳини эслатиб ўтганлар (Ибн Ҳажар Асқалоний. Фатҳул Борий. 1-жилд. – Риёз: Дору Таййиба, 2005. – Б.563.).

Лекин ҳозиргача ушбу машҳур шарҳнинг қўлёзмаси топилиб, нашр қилинган эмас. У алломанинг "ал-Лубоб фи шарҳ қавлит Термизий "ва фил боб" номли асари ҳам бўлиши мумкин. Маълумки, Имом Термизий раҳимаҳуллоҳ томонидан ҳар бир мавзуда кимлар ҳадис ривоят қилганига ишора қилиб кетилган. "Ал-Лубоб" ушбу ишора қилинган ҳадислар тахрижи ва шарҳига бағишланган.

"Шарҳул Булқиний". Абу Ҳафс Сирожуддин Умар ибн Руслон ибн Насир Мисрий Киноний Асқалоний Булқиний (724-805/1324-1403) асари бўлиб, Мисрда қози ва муфтий бўлган. Шарҳ "ал-Арфуш шазий ала "Жомиут Термизий" деб аталган. Бироқ у охирига етказилмай қолган. Муаллиф шофиий мазҳаби уламоларидан бўлиб, Ибн Ҳажар Асқалонийнинг устози ҳисобланади.

"Шарҳ Ибн Ражаб". Бу асар ҳанбалий мазҳаби олими Зайнуддин Абдурраҳмон ибн Аҳмад ибн Ражаб Ҳанбалий (736-795/1336-1393)никидир. "Табақоти ҳанобила" ҳамда "ал-Қавоидул фиққия" асарлари билан ҳам шуҳрат қозонган. «Кашф аз-зунун» асарида айтилишича, ушбу шарҳ йигирма жилд бўлган ва фитна пайтида ёниб кетган (Ҳожи Халифа. Кашфуз зунун. 1-жилд. – Байрут: Дор эҳёит туросил арабий, 2004. – Б.559.).

Мазкур шарҳнинг бир қисми ва «Сунанут Термизий»нинг иловаси бўлмиш «ал-Илалус сағир»га битилган шарҳ сақланиб қолган.

"Қутул муғтазий". Жалолиддин Суютийнинг ушбу асари «Сунанут Термизий»га ёзилган шарҳларнинг энг ихчамларидан ҳисобланади. Унинг Ҳиндистон ва араб диёрларида бир қанча нашрлари мавжуд. Мағриб уламоларидан Али ибн Сулаймон Димноний (1234-1306/1819-1888) «Қутул муғтазий»га ҳошия ёзиб, кенг изоҳлаб чиққан.

"Шарҳ Жомиит Термизий". Бу шарҳнинг муаллифи «Муҳйийус сунна» ва «ал-Фарро» лақаблари билан танилган Абу Муҳаммад Ҳусайн ибн Масъуд Бағавий (436-510/1044-1117)дир. У зот «Мишкотул масобеҳ»нинг асли бўлмиш «Масобиҳус сунна» асари билан шуҳрат қозонган. Шунингдек, тафсирга оид «Маолимут танзил» номли тафсири машҳур. Олимнинг «Сунанут Термизий»га битган шарҳи айтилган бўлса-да, ҳалигача топилиб нашр қилинмаган.

"Шарҳ Муҳаммад ибн Тоҳир Фаттаний". Маждуддин Муҳаммад ибн Тоҳир ибн Али Ҳанафий Фаттаний Гужаротий (913-986/1508-1579)нинг шарҳи. У ҳиндистонлик таниқли муҳаддислардан биридир. У зот ўзининг мавзуъ ҳадисларга бағишланган «Тазкиратул мавзуот» асари билан шуҳрат қозонган. У зот «Сиҳоҳи ситта»нинг ғариб, нодир ва ноёб сўзлари шарҳига бағишланган «Мажмаъ биҳорил анвор фи ғароибит танзил ва латоифил ахбор» номли китобида Имом Термизий раҳимаҳуллоҳнинг «Жомиус сунан» асарига алоҳида шарҳ битганини қайд қилиб қолдирганлар. Бироқ бу шарҳ ҳозиргача топилган эмас.

"Шарҳус Синдий". Абу Таййиб Раҳматуллоҳ Синдий (ваф. 993/1585) томонидан битилган шарҳ. У зот «Лубобул маносик» асари билан шуҳрат қозонган. «Жомиус сунан»га битган шарҳи Мисрда нашр қилинган.

“Шарҳ Сирож Аҳмад”. Мазкур шарҳ 1230/1815 йилда вафот этган Шайх Сирож Аҳмад Сарҳиндий Ҳанафий қаламига мансуб бўлиб, Конипурда 1295/1878 йили нашр этилган. У форс тилида битилган шарҳ ҳисобланади.

“Туҳфатул аҳвазий”. Абдурраҳмон Муборакфурий асари. У бугунги сохта салафийлар орасида жуда машҳур китоблардан бири ҳисобланади. Унинг муқаддимасида ҳадис илмига оид муҳим маълумотлар келтирилган. Бироқ муаллиф бемазҳабликка мойил бўлиб, мазкур асарида ҳанафийларга инсоф чегарасидан ташқари чиқиб таъна ва раддиялар бериб кетган. Имом Шавконий ҳам «Найлул атвор»да ушбу асардан унумли фойдаланган. Агар ҳанафийларга қарши мутаассибона фикрлари бўлмаганда эди, мазкур шарҳ жуда фойдали асарлардан бўлиб қоларди.

“Ал-Кавкабуд дуррий». Рашид Аҳмад Гангуҳий томонидан шогирдларига имло қилдириб тузилган шарҳ ҳисобланади. У зот Девбанд «Дорул улум» уламоларидан бўлиб, 1246-1322/1831-1905 йилларда яшаган. Мазкур шарҳга шогирдлар томонидан бир қатор ҳошиялар ҳам ёзилган. Мазкур шарҳда «Сунанут Термизий»ни ҳанафийлик мазҳабига мувофиқ тушунишда зарур маълумотлар келтирилган.

“Ал-Вардуш шазий”. Шайхул Ҳинд унвонига эга, 1268-1339/1852-1921 йилларда яшаб ўтган Мавлоно Маҳмуд Ҳасан томонидан битилган шарҳ. Лекин у ҳам Аллома Суютий асари каби мухтасардир.

“Шарҳ Сунанут Термизий”. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрис Қодирий Ҳусайний Мағриб уламоларидан бўлиб, 1350/1931 йили вафот этган. У зот «Оби Замзам» тўғрисида ҳам алоҳида рисола битган.

“Ал-Арфуш шазий тақрир «Жомеут Термизий”. Ушбу шарҳ муаллифи Муҳаммад Анваршоҳ ибн Муаззамшоҳ Ҳанафий Кашмирий бўлиб, у зот 1292-1352/1875-1933 йилларда яшаган. Бу ҳанафий мазҳабидаги муҳим шарҳлардан ҳисобланади. Муаллиф «Сунанут Термизий»ни шарҳлашда ўзига хос йўл тутиб, ҳанафий ва шофеъий мазҳабларининг муайян масала доирасидаги далил ва фикрларини қиёсий ўрганган ҳамда ҳанафий мазҳабининг далил ва фикрлари устунроқлигини кўрсатган. Шориҳ ҳадис санади, матннинг лексик таҳлили ва ундан чиқариладиган фиққий ҳукмини қисқача таҳлил қилиб чиққан.

Анваршоҳ Кашмирий «Сунанут Термизий» асари охирида келтирилган «ал-Илалус сағир» асарига ҳам «Шифоул ғилал фи шарҳ Китобил илал» номли шарҳ битган.

Китоб 1244/1828 йили Ҳиндистонда, 2004 йили Байрутда «Дору эҳёит туросил арабий» нашриётида беш жилдда чоп этилган.

“Маорифус сунан”. Ушбу шарҳ муаллифи Муҳаммад Юсуф ибн Муҳаммад Закариё Ҳусайний Ҳанафий Баннурий бўлиб, 1326-1397/1907-1977 йилларда яшаган. Олим уни ўзининг устози Анваршоҳ Кашмирийнинг дарс жараёнида баён этган фикрларига асосланиб ёзган. Ушбу китоб ҳам ҳанафий мазҳабидаги муҳим шарҳлардан бири ҳисобланади. Муаллиф «Сунанут Термизий»даги ҳадис санадига тўхталмасдан, матннинг наҳвий таҳлили ва ундан чиқариладиган фиққий ҳукмда аҳли суннат ва жамоатдаги тўртта фиққий мазҳаб имомлари фикрларини қиёсий таҳлил этганлар. Шунингдек, муайян ҳадис бошқа ҳадис тўпламларида ҳам ривоят

қилинган бўлса, улар санаб ўтилган. Қолаверса, Абу Исо Термизий раҳимаҳуллоҳнинг муайян ҳадис борасида қўллаган ҳадис атамаларига ҳам изоҳлар берилган. Бироқ асар «Ҳаж китоби»гача бўлиб, шунинг ўзи 6 жилдда нашр қилинган.

"Ал-Мискуз закий" ва "Тақрири Термизий". Мазкур икки асар муаллифи 1280-1362/1863-1943 йилларда яшаган Ашраф Али Таҳонавий бўлиб, Покистоннинг таниқли ҳанафий олимларидан биридир. «Ҳакимул умма» («Уммат донишманди») деган фахрий унвонга эга бўлган. 1500 га яқин асар мерос қолдирган.

"Шарҳ Сунанут Термизий". Мағриб уламоларидан бири, Работнинг қўлёзмалар жамғармаси асосчиси, таниқли манбашунос олим Абдулҳай Каттоний (1305-1382/1888-1962) томонидан «Жомиус сунан»га мазкур номда шарҳ битилган.

"Дарси Термизий" ва "Тақрири Термизий". Ушбу шарҳ муаллифи замонамиз фақиҳ ва муҳаддисларидан бири Муҳаммад Тақий Усмоний ҳафизаҳуллоҳ бўлиб, у урду тилида ёзилган. Унинг биринчи жилди муқаддимасида ҳадис илми, унинг тарихи, Имоми Аъзам Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ ва муҳаддислар ҳақида ўта муҳим маълумотлар келтирилган. Шунингдек, шориҳ Абу Исо Термизий раҳимаҳуллоҳнинг ҳаёти ва илмий меросига ҳам алоҳида тўхталиб ўтган. Шарҳнинг муҳим хусусиятларидан бири ҳанафий мазҳаби доирасида таҳлил қилинганидир. Унда ҳанафийлик мазҳаби далиллари муфассал берилган, ҳанафийликка етказилган таъналар ва эътирозларга мукаммал жавоблар айтилган. Асарнинг аввалги 3 жилди «Дарси Термизий» деб аталган бўлиб, ибодат мавзуларидаги ҳадислар шарҳ қилинган. Кейинги 2 жилди «Тақрири Термизий» номи билан муомала масалалари, ижтимоий муаммоларга бағишланган ҳадислар изоҳланган.

Мазкур «Дарси Термизий» урду тилида, балки араб тилида ҳам битилган барча шарҳлардан ўзининг кенглиги, ҳанафий мазҳабининг далилларини ўзида тўплагани, бошқа мазҳабларнинг фикрлари ва уларнинг далилларига қониқарли жавоблар берилгани билан устун ҳисобланади. Мазкур шарҳ ҳанафий мазҳабининг ҳадис бўйича далилларини ўрганишда жуда муҳим аҳамият касб этади. Муҳаммад Тақий Усмонийнинг 50 дан ортиқ асарлари мавжуд бўлиб, улардан аксариятининг мавзуси замонавий фиққий масалаларга, жумладан, банк ва бошқа иқтисодий масалаларга йўналтирилган. Шунинг учун олим бутун дунёда исломий иқтисод бўйича энг етук мутахассислардан бири сифатида танилган.

"Дуруси Термизий". Ҳиндистоннинг Саҳоранпур шаҳридаги «Мазоҳирул улум» номли машҳур мадрасанинг бош мударрисларидан бири Мавлоно Раисуддин Мазоҳирий томонидан 4 жилдлик «Дуруси Термизий» деб аталган мазкур шарҳ талабаларга маъруза жараёнида тўплаб борилган. Ҳар бир ҳадиснинг урдуча таржимаси, ҳадиснинг батафсил шарҳи, кейин уни далил қилганларнинг фикрлари, унга қарши бўлган томоннинг фикрлари, охирида ҳадис санадида келтирилган ровийларнинг таржимаи ҳоллари зикр қилинган. Шарҳнинг аҳамиятли томони – ҳозирги кундаги ваҳҳобий, салафий сингари тоифаларга раддиялар, ҳанафий олимларнинг уларга қарши айтган фикр ва далиллари бирма-бир келтириб борилган.

"Ташриҳоти Термизий». Даврimиз олимларидан Камолиддин Мустаршид томонидан битилган 7 жилдли асар савол-жавоб тарзида тузилган бўлиб, тўрт мазҳаб фиққига далил бўлган ҳадислар, уларга ҳанафийларнинг жавоблари қандай бўлиши

кабилар бирма-бир ёритилган. У ўзидан олдинги «Сунанут Термизий»га битилган ўн битта шарҳдан фойдаланиб ёзилган.

“Туҳфатул алмаий”. Ҳиндистоннинг таниқли ҳадисшуносларидан бири, Девбанд «Дорул улум» мадрасасининг шайхул ҳадис мударриси Муҳаммад Саид Боланпурий томонидан «Туҳфатул алмаий» номли 8 жилд қилиб нашр қилинган шарҳ. Ўзига хос жиҳати шуки, унда Имом Термизийнинг яна иккита асари – «Шамоилун набавия» ҳамда «Китобул илал» асарлари ҳам шарҳ қилинган. Бундан ташқари, олимнинг «Раҳматуллоҳил восиа» номли 5 жилдли асари ҳам шуҳрат қозонган.

Бугунги кунда Покистон ва Ҳиндистон мадрасалари, ислом университетларида буюк ватандошимиз Имом Термизийнинг учта асари – «Сунанут Термизий», «Шамоилун набавия» ҳамда «Китобул илал» муттасил ўқитиб келинади. Шунинг натижасида мазкур асарларга нисбатан қизиқиш жуда кучли. Уларнинг ҳар бирига бир неча муҳим шарҳлар битилган. Айтиш даркорки, бу шарҳлар ҳанафий мазҳаби, мотуридий таълимотига мувофиқ битилгани билан ажралиб туради ва улар ана шу жиҳатидан араб юртларида битилган шарҳлардан кўра афзалликларга эга. «Сиҳоҳи ситта» – олтита саҳиҳ ҳадислар тўпламлари орасида «Сунани Термизий»да ҳанафийлик мазҳабига мувофиқ келувчи ҳадислар кўп учрайди. Мазкур асарни ҳанафий мазҳаби, мотуридий таълимотига уйғун ҳолда шарҳлаш ишлари эса Ҳинд-Синд диёрларида ҳозирги кунимизгача тўхтамай давом этиб келмоқда. Ушбу шарҳларни тадқиқ ва таҳлил этиш буюк ватандошимиз, улуғ муҳаддис Имом Термизийнинг ҳаёти ва илмий фаолиятини илмий ўрганишда аҳамиятли экани шубҳасиз.

Дунёнинг кўплаб олимлари «Сунанут Термизий»дан олиб мустақил равишда қисқартма ва сайланмалар битган. Жумладан, улардан учтаси ҳақида манбаларда маълумот келтирилган:

“Мухтасар Жомеит Термизий”. Ушбу мухтасар муаллифи Нажмуддин Сулаймон ибн Абдулқавий ибн Абдулкарим Бағдодий Ҳанбалий бўлиб, 657-716/1259-1316 йилларда яшаган. У зот «Ибн Сарсарий» куняси билан танилган.

“Мухтасар Жомеит Термизий”. Ушбу мухтасар муаллифи 729/1329 йилда вафот этган Нажмуддин Муҳаммад ибн Ақил Болисий Шофиийдир.

“Ал-Мунтақот”. Унда “Сунанут Термизий”дан юзта узун ҳадис танлаб олинган. Мазкур асар муаллифи «Салоҳиддин Алоий» номи билан шуҳрат қозонган, 694-761/1295-1359 йилларда яшаган Абу Саид Халил ибн Кекалди Димашқий ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдулҳай Лакнавий. ал-Фавоидул баҳия фи тарожимил ҳанафия маат Таълиқотис сания. – Қозон, 1902.
2. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад Заҳабий. Тазкиратул ҳуффоз. 4 жилд. – Ҳайдаробод: Мажлис доиратил маорифин низомия, 1915.
3. Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизий. ал-Жомеул кабир. 6 жилд. – Байрут: Дор ғарбил исломий, 1998.

4. Абу Исо Муҳаммад Термизий. Шамоили Муҳаммадия / Нашрга тайёрловчи: Мирзо Кенжабек. – Тошкент: Шарқ, 2015.
5. Абу Исо Муҳаммад Термизий. Шамоили Муҳаммадия / Таржима ва шарҳ муаллифи: Зиёвуддин Раҳим. – Тошкент: Шарқ, 2020.
6. Зафар Аҳмад Усмоний Таҳонавий. Абу Ҳанифа ва Асҳобуҳул муҳаддисун // Муқаддимат «Эълоус сунан». 19-жузъ. – Байрут: Дорул фикр, 2001.
7. Котиб Чалабий Ҳожи Халифа. Кашфуз зунун. 2 жилд. – Истанбул, 1893.
8. Моваройннаҳр алломаларининг ҳадис илми ривожига қўшган ҳиссалари / Муаллифлар: У.Уватов, М.Алимова, И.Усмонов, Д.Муратов, Н.Муҳамедов, Д.Раҳимжонов. Масъул муҳаррир: И.Усмонов. – Тошкент: Моваройннаҳр, 2011.
9. Муҳаммад Тақий Усмоний. Дарси Термизий. 3-жилд. – Карочи: Дорул улум, 2010.
10. Муҳаммад Тақий Усмоний. Тақрири Термизий. 2 жилд. – Карочи: Маймани исломик, 1999.
11. Олтин силсила. Саҳиҳул Бухорий. 1-8 жузлар / Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ва таржимонлар гуруҳи. – Тошкент: Hilol-nashr, 2012-2013-2014-2018.

ИМОМ ТЕРМИЗИЙ – БУЮК МУҲАДДИС ОЛИМ

Шохрухмирза Мамадиев Абдуллахон ўғли*

«Муҳаддислар султони» деган юксак мақомга эришган буюк аждодимиз – Имом Бухорийнинг суюкли шогирди бўлган бу беназир зотнинг ёрқин хотираси, ўлмас асарлари, юксак инсоний фазилатлари ўн икки асрдан буён юртимиз заминини шону шуҳратга буркаб келаётгани билан ҳақли равишда фахрланамиз. Имом Термизий бобомиз мусулмон дунёсида олти буюк муҳаддисдан бири сифатида эътироф этилгани, ул зотнинг ҳадислар тўплами энг мўътабар манбалар қаторида тилга олиниши, ислом уммати бу мумтоз сиймо олдида доимо таъзимда экани бу фикрни яққол тасдиқлайди. **ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ, (***Ўзбекистон Республикаси Президенти)*

Ўзбекистон халқининг кўп асрлик бой тарихига назар ташлар эканмиз, унда тараққиёт чўққиларини забт этишнинг машаққатли босқичларини қўриш мумкин. Бу босқичларда давлатчилигимизнинг шаклланиши, жамиятда илму фан, санъат ва маданиятнинг юксалиши, буюк сиймоларнинг ўз ижодида эришган ютуқлари жаҳон тамаддунининг ривожига ҳисса қўшишдек ифтихорли жараёнлар гавдаланади.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 29 йиллик тантаналарида Ўзбекистон Республикаси Президентининг: "**Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда**", деган сўзи янгради.

Дарҳақиқат, шиддат билан ривожланаётган ҳаётимизда рўй бераётган юксалиш жараёнлари ўзини барча соҳаларда намоён этмоқда. Бинобарин, мустақилликка эришган йилларимизнинг илк даврида биз ўзимизнинг миллий ўзлигимизни англаш, бой тарихий-маънавий ҳамда илмий меросимизнинг асл мазмун-моҳияти мағзини чақиш ва уни рўёбга чиқаришга интилган бўлсак, эндиликда халқимиз жипсланиб «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш» ғоясини собит қадамлик билан амалга оширишга киришди. Бу даврда жамиятимизда ижтимоий тафаккурнинг юксалиш тенденцияси қарор топиши, унга хос ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадриятларнинг мужассамлиги эътироф этилмоқда.

Жаҳон илмий ҳамжамиятининг эътироф этилишича, Ўзбекистон қадимдан маданият ва цивилизация барпо этувчи заминдир. Дарҳақиқат, ўрта асрларда Ўзбекистон ҳудудида вужудга келган илмий-маънавий ютуқлар Европадаги илму фанга асос бўлди. Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий каби улуғ мутафаккирларимизнинг беқиёс илмий-фалсафий рисолалари дунёвий билимларни ривожлантириш ва тизимлаштириш билан бир қаторда, нафақат ўз замонаси, балки кейинги юз йилликларга тегишли умумжаҳон тамаддунининг юксалишига асос солди.

Куни кеча муҳтарам Президентимизнинг Муқаддас ислом дини илмлари ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк олим, ватандошимиз Имом Абу Исо Муҳаммад

---

* *Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмита Сурхондарё вилоят Қумқўрғон тумани бўйича бош мутахассиси.*

Термизийнинг 1200 йиллик шодиёнасини кенг нишонлаш тўғрисидаги Қарори қабул қилинди. Минтақамиздан етишиб чиққан Имом Термизийнинг ҳаёти, ижодий ва илмий фаолияти даврида яратган асарлари, илм талабида бошқа юртларга чиқишлари ва замондошлари ҳақидаги маълумотларни ўрганиш тарихимизнинг ўрганилмаган саҳифаларини ёритишда муҳим аҳамият касб этади.

Мовароуннаҳрда VIII-IX асрларда ислом динининг кенг тарқалиши барча соҳалар фан, маданият, фалсафа, ижтимоий ҳаёт ривожига ўз таъсирини ўтказди. Ўша даврда машҳур мутафаккирлар, қомусий олимлар етишиб чиқди. Қодиров Қутлуғбек Бекмуродович ўзининг Имом Абу Исо Муҳаммад Термизийнинг муҳаддислик фаолияти ва тарбиявий қарашлари номли илмий ишида қуйидаги маълумотларни келтиради:

- тупроғида чўпон таёғини суқиб, унитиб қолдирса, кўкариб чиқадиган бу воҳа Сурхондарёда улуғ олимлар Ҳаким Термизий, Варроқ Термизий, буюк муҳаддис Имом Исо Термизий, Масеҳо Бойсуний, мусаввир Абдулла Термизий, тарихчи Самандар Термизий, шайх Мир Бузург Термизий ва бошқа ўнлаб ижодкор, шайхлар, алломалар, саркардалар етишиб чиққан;

- IX асрда Мовароуннаҳр, Хуросон ва Чағониён ўртасида ўзаро илмий маданий алоқалар яхши йўлга қўйилган[1].

Исломшунос олим устоз Убайдулла Уватов эса Исо Термизий ҳақида шундай маълумотларни келтиради: Унинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Заҳҳок Абу Исо Суламий Зарийр Буғий Термизий бўлиб, у 209/824 йили Термиз яқинидаги Буғ (*ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Шеробод ноҳияси ҳудудида жойлашган*) қишлоғида камбағал оилада таваллуд топган. Халқ орасида Термизий номи билан машҳур бўлишига сабаб, буюк муҳаддиснинг ҳаёти ва фаолияти ёшлигидан бошлаб Термиз билан чамбарчас боғлиқ бўлганлигидан, шунингдек, олим туғилган Буғ қишлоғи Термизга яқин бўлиб, маъмурий идоравий жиҳатдан унга мансуб қишлоқлардан эканлигидан деб изоҳлаш мумкин.

Тадқиқотчи – олимлар М.Аминов, Ф.Ҳасановнинг фикрича, машҳур аллома, буюк муҳаддис Имом Термизий (*тўлиқ исми Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Заҳҳок Суламий Буғий Термизий*) (824-892) Термизда унча бадавлат бўлмаган оилада таваллуд топган. Суламий деб нисбат берилишига сабаб боболаридан бири Суллам номидаги араб қабиласига дўст тутинган. Буғий дейилишига сабаб ўша вақтдаги Буғ номли қишлоқ (ҳозирги Шеробод тумани)да вафот этган ва шу ерга дафн қилинган. Умрининг охирида кўзи ожиз бўлиб қолгани учун Дарир тахаллуси билан ҳам аталган[2].

Шайх Абдуссалом Муборакфурий ўз асарида келтиришича, Имом Термизий ҳижрий 206 йил таваллуд топиб, унинг исми – Муҳаммад, куняси (тахаллуси) Абу Исо ва насаби Муҳаммад ибн Исо Савра ибн Мусо Даҳҳок Суламий Дарир Буғий Термизийдир. Бобоси асли марвазийлардан бўлсада, қандайдир иш юзасидан

---

[1] Қаранг: www.termiziy.uz

[2] Қаранг: www.termiziy.uz

Термизни ватан тутиб, ўрнашиб қолган. Унинг ёшлик йиллари Термиз шаҳрида ўтган, дастлабки маълумотни ҳам шу ерда олган. Болалигидан ўта зийраклиги, хотирасининг кучлилиги, ноёб қобилияти билан ўз тенгқурларидан ажралиб турган. Диний ва дунёвий фанларни, айниқса, ҳадис илмини алоҳида қизиқиш билан ўрганган, бу борадаги билимларини янада ошириш учун кўпгина Шарқ мамлакатларига борган. Кўп йиллар Ироқ, Исфаҳон, Хуросон, Макка ва Мадинада яшаган. Узоқ давом этган сафарлари чоғида қироат илми, баён, фиқҳ, тарих, айниқса ўзи ёшликдан қизиққан ҳадис илми бўйича ўша даврнинг йирик олимларидан таълим олган. Машҳур муҳаддислардан Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд, Қутайба ибн Саид, Исъҳоқ ибн Мусо, Маҳмуд ибн Ғайлон ва бошқалар унинг устозлари бўлганлиги[3] манбаларда қайд этилган.

Ўз ижодий ва илмий фаолияти даврида Термизий бир қанча асарларни ёздики, уларнинг аксарият қисми бевосита ҳадисларга бағишланган. Ислом уламолари ўртасида илк даврдан бошлаб ҳадисларнинг тўғрилиги, уларни ишончли манбаларга асосланишига катта эътибор берилган. Чунончи, ўша даврнинг ўзидан бошлабоқ ноаниқ, чала-чулпа, ҳатто сохта ҳадислар ҳам эл орасида тарқай бошлаган. Шундай пайтларда улар қайта-қайта текширилиб, муҳаддисларнинг бетиним меҳнати натижасида асл ҳолига қайтарилиб, ёзма равишда қайд қилинган "Шамоилун набавия". Абу Исо Имом Термизийнинг бошқа бир йирик асари «Шамоилун набавийя» (Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари) деб аталади. Бу асар баъзи манбаларда "Аш-Шамоил фи шамоилин набий соллаллоҳу алайҳи васаллам", "Аш-Шамоилул Муҳаммадия" номлари билан ҳам келтирилган. Асар Пайғамбар алайҳиссаломнинг шахсий ҳаётлари, у зотнинг сийратлари, ажойиб фазилат ва одатларига оид тўрт юзу саккиз ҳадиси шарифни ўзига жамлаган қимматли манбадир.

Имом Термизий асарининг бошқалардан афзаллиги ва фарқи шундаки, муаллиф имкони борича Пайғамбар алайҳиссалом фазилатларига доир барча ҳадисларни мунтазам равишда тўплаб, мантиқан изчил бир ҳолатда тартибга келтирган ва ўзига хос мустақил, яхлит китоб шаклида тасниф қилган. «Шамоил-ун-набавийя» азалдан исломшунос олимлар ва тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келади[4].

Хулоса қилиб айтганда, Имом Термизий илмий меросининг ўзига хос хусусиятлари ва бугунги кундаги тарбиявий аҳамияти беқиёсдир. Шу билан бирга, Ислом дини равнақи ҳамда Ислом цивилизацияси ривожига беназир ҳисса қўшган Термизий алломаларининг оламшумул аҳамиятга молик илмий-маърифий меросини чуқур ўрганиш асосида ёшларда соғлом дунёқарашни кучайтириш, уларни азалий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш йўлида энг долзарб масаладир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. www.termiziy.uz
2. Тўрақулов М. Имом Термизий мақоласи. 2015.
3. Иноятов А. Термизий мақоласи. 2016.

[3] Қаранг: www.termiziy.uz

[4] Тўрақулов М. Имом Термизий мақоласи. 2015.

ИМОМ ТЕРМИЗИЙ АСАРЛАРИНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИДАГИ ЎРНИ

Умид Холназаров Эркинович*

Аннотация. Мазкур мақолада Имом Термизий асарлари, ҳадисларининг бугунги кун ёшлари маънавияти, дунёқарашини ўзгартиришдаги аҳамияти ёритиб берилган. Шунингдек, алломанинг ибратли ҳаёт йўли, илмий фаолияти борасидаги саъй-ҳаракатлари ёш авлоднинг маънан етук, комил инсон бўлиб етишиши учун хизмат қилиши таъкидланган.

Калит сўзлар: маданият, миллий ифтихор, илм-маърифат, маънавий-руҳий олам, одоб-ахлоқ, глобал муаммо, комил инсон, фахр.

Abstract. This article highlights the importance of the works and hadiths of Imam Termizi in changing the spirituality and outlook of today's youth. It was also noted that the scholar's exemplary way of life and his efforts in his scientific activities will help the young generation to become intellectually mature and perfect people.

Keywords: culture, national pride, science and enlightenment, spiritual world, manners, global problem, perfect person, pride.

Маълумки, Сурхон замини Ислом дини ва маданияти равнақ топган улуғ мутафаккирлар, олиму фузалолар юртидир. Айниқса, IX аср ҳадис илмининг олтин даври, бешиги саналган. Бу даврда юзлаб муҳаддислар етишиб чиққан бўлиб, улар орасида олти улуғ имом қаторида тилга олинган ватандошимиз, Имом Абу Исо Термизийнинг борлиги қалбимизда миллий ифтихор туйғусини уйғотади.

Муқаддас ислом дини ривожига беқиёс ҳисса қўшган, ҳадис илмининг дарғаларидан бири, буюк ватандошимиз Имом Абу Исо Термизийнинг улкан илмий меросини янада чуқур ўрганиш, халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш, ушбу йўналишда олиб борилаётган тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, азалий миллий қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш, ёш авлоднинг руҳий ва маънавий оламини бойитиш, иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтириш бугунги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, Имом Термизий яшаган давр Ислом тарихида илм-маърифатнинг энг гуллаб-яшнаган, юксалган даври бўлиб, унинг ҳадис, тафсир, тарих, тасаввуф ва бошқа соҳаларга доир ўндан ортиқ асарлари алоҳида аҳамиятга эга. Хусасан, Абу Исо Термизийнинг «Ал-Жомеус саҳиҳ», Аш-Шамоилул Муҳаммадия" ҳамда бошқа асарларида келтирилган ҳадислар катта тарбиявий аҳамият касб этиб, ўсиб келаётган ёш авлодни, бутун инсониятни ҳалол, адолатли, имон-эътиқодли, диёнатли, меҳнатсевар, ота-онага ҳурмат-эътиборли бўлишга даъват этади.

---

* *Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази бўлим бўшлиги, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Хусусан, Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан 2024 йил 15 августда қабул қилинган «Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида» ги қарорда назарда тутилган[1]:

- Имом Термизий ҳаёти ва илмий меросини яна ҳам чуқур ўрганиш, халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш, ушбу йўналишда олиб борилаётган тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, ёш авлоднинг маънавий-руҳий оламини бойитиш, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини кучайтириш;

- Имом Термизийнинг «Аш-Шамоилул Муҳаммадия» ва «Сунани Термизий» асарларини мотуридийлик ақидаси ва ҳанафийлик мазҳабига таянган ҳолда кўп жилдлик академик таржима ва шарҳини тайёрлаш ҳамда уларни нашр этиш;

- Имом Термизий зиёратгоҳига олиб борувчи йўл инфратузилмаларини яхшилаш, жумладан, ёдгорлик мажмуаси ва унга туташ ҳудудларни ободонлаштириш;

- 2024 йил октябрь ойида Тошкент шаҳрида «Ислом – тинчлик ва эзгулик дини» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ҳамда конференция доирасида Термиз шаҳрида «Имом Термизий илмий меросининг ислом цивилизациясида тутган ўрни» мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказиш;

- Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги Имом Абу Исо Термизий мажмуасида Имом Термизий ва термизий алломаларнинг ҳаёти, илмий ва ижодий фаолиятига бағишланган асарларнинг нодир қўлёзма ва нашр нусхалари ҳамда китобларининг кўргазмасини ташкил этиш ва ўсиб келаётган ёш авлодларнинг маънан камол топишини таминлаш каби ва бошқа вазифалар ҳаётимизга ўзгача бир шукуҳ бағишлайди десак муболаға бўлмайди.

Имом Абу Исо Муҳаммад Термизий (825-892 йиллар) ислом оламида ҳадис илмига оид ва ёшлар таълим-тарбияси учун алоҳида аҳамият касб этадиган қуйидаги[2]: «Китобул илал», «Китобут тарих», «Китобуз зуҳд» («Тақво ҳақида китоб»), «Китобул асмо вал куна» («Ровийларнинг исм ва лақаблари ҳақида китоб»), «Рисола фил хилоф вал жадал» («Ҳадислардаги ихтилоф ва баҳслар ҳақида рисола»), «Асмоус саҳоба» («Пайғамбар саҳобаларининг исми») асарлари билан машҳурдир.

Дарҳақиқат, Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳи алайҳи ва салламнинг гўзал тавсифлари ва хулқ-атворлари ҳақида баён қилинган «Аш-шамоилул Муҳаммадия» асари, айниқса, унинг 48-боби («Жаноб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ахлоқ ва одати шарифалари ҳақидаги ҳақиқатлар») ўсиб келаётган ёш авлоднинг тарбияси, одоби, дунёқарашида асосий ўрин эгаллайди. Ҳадислардан намуналар келтирамиз: “Ҳазрати Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу айтдилар: “Мен жаноб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ўн йил хизмат қилдим. Жаноб бу узун муддатда менга бирор марта «Уф» демадилар (яъни ранжиган одам айтадиган сўзни

---

[1] https://lex.uz/docs/-7073285

[2] Чўтматов Ж. Имом Абу Исо Термизий ҳаёти ва ижоди саҳифалари. Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2019. – Б. 3.

қилмадилар)"[3]. Бундан кўринадики, маънавиятли, одоб-ахлоқли ёшлар ҳар қандай вазиятда ҳам қийинчиликлар, оғир дамларда таслим бўлмасдан, «уф тортмасдан» ҳаракатда давом этиши ва Пайғамбаримизнинг суннатларини маҳкам тутиб, унга амал қилиши керак бўлади.

Ҳазрати Оиша розияллоҳу анҳу айтдилар: «Жаноб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мижози мубораклари шундок эдики, таъбларида хулқи беҳаёлик ўзи йўқ эди. Ва такаллуф билан ҳам беҳаёлик сўзларни мажлисларда қилмас эдилар. Бир киши Жанобга ёмонлик қилса, Жаноб ҳам унга ёмонлик қилмас эдилар, балки афв этар ва гуноҳидан ўтар эдилар»[4]. Ушбу ҳадисдан маълум бўладики, Пайғамбаримизнинг олий сифатларидан бири – ёмонлик қилганга ҳам яхшилик қилиш, кечиримли бўлишдир.

Бугунги кунда Термизда фаолият олиб бораётган Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази ҳам Президетимизнинг ташаббуслари билан билан ташкил этилган бўлиб, Маркази ходимлари томонидан 230 дан ортиқ термизий алломалар ҳаёти, илмий мероси илмий асосда чуқур ўрганилиб, китоб ҳолида чоп этиш, таржима ва шарҳларини тайёрлаш ишлари кенг йўлга қўйилган. Шунингдек, Имом Термизий ҳақидаги «Термизлик икки аллома», «Имом Абу Исо Термизий ҳаёти ва ижоди саҳифалари», «Имом Термизий», «Термизнинг безавол қалъалари ёҳуд Термиз тарихи» каби асарлар бугун кун ёшларини тарбиялашда, дунёқарашини ўстиришда сув ва ҳаводек зарурдир. Қолаверса, Қарорда 2024 йил октабр ойида «Имом Термизий илмий меросининг ислом цивилизациясида тутган ўрни» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуманнинг Термизда ўтказилиши таъкидланган ва биз, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази ходимлари катта эътибор, масъулият билан мазкур анжуманга тайёргарлик кўриб, анжуманни кўтаринки кайфиятда ўтказдик.

Президентимиз таъбири билан айтганда, «Ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома, ватандошимиз Абу Исо Термизий ва Термизий алломаларнинг беназир меросини илмий асосда ўрганиш ва халққа етказиш ўта муҳим ишдир». Ва биз ҳам Термизийлар авлоди сифатида бу ишга масъулдирмиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. https://lex.uz/docs/-7073285
2. Чўтматов Ж. Имом Абу Исо Термизий ҳаёти ва ижоди саҳифалари. Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2019.
3. Муҳаммад Термизий. Аш-Шамоилул Муҳаммадия. Матн: диний-маърифий / Имом Абу Исо Муҳаммад Термизий. – Тошкент: Renessans, 2021.

[3] Муҳаммад Термизий. Аш-Шамоилул Муҳаммадия. Матн: диний-маърифий / Имом Абу Исо Муҳаммад Термизий. – Тошкент: Ренессанс, 2021. – Б. 312.

[4] Ўша манба: — Б. 314.

ИМОМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ҲАДИС ИЛМИ РИВОЖИДА ТУТГАН ЎРНИ

Ўлмас Жўраева Чориевна*

Аннотация. Ушбу мақолада буюк муҳаддис олим, олти ҳадис тўпламдан бири ҳисобланган «Сунани Термизий» асарининг муаллифи Имом Термизийнинг ҳаёти, илмий фаолияти, асарлари борасида сўз юритилади. Имом Термизий асарларида келтирилган истилоҳларнинг ҳадис илмидаги аҳамияти очиб берилади. Шунингдек, аллома асарларининг бугунги кундаги аҳамияти ишончли далиллар асосида очиб берилади.

Калит сўзлар: Имом Термизий, Сунан, «Сунани Термизий», илал, ҳасан, ғариб, заиф, саҳиҳ.

Abstract. This article discusses the life, sciyentific activity, and works of Imam Tirmidhi, a great Muhaddith sciyentist, the author of Sunani Tirmidhi, which is considered one of the six hadith collections. The significance of the istilahs mentioned in the works of Imam Tirmidhi in the sciyence of hadith is revealed. Also, the importance of alloma's works today is revealed on the basis of reliable evidence.

Keywords: Imam Tirmidhi, Sunan, "Sunani Tirmidhi", ilal, hasan, gharib, weak, sahih.

Имом Термизийнинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Исо ибн Савра Термизий бўлиб, у зот имом, ҳофиз ва ҳадис илмининг билимдонларидан ҳисобланган. Имом Термизий 209/824 йилда Ўзбекистоннинг жанубида, Амударё (Жайҳун) дарёсининг ўнг қирғоғида, Афғонистон чегарасига жуда яқин жойлашган Термиз шаҳрида туғилган. Ҳар бир муҳаддис имом сингари у ҳам ёшлигидан ҳадис тўплашни бошлаган ва шу мақсадда қилган сафарларида кўплаб муҳаддислар билан учрашган. Умрининг охирига келиб кўзлари кўр бўлиб қолганлиги кўплаб тарихий манбаларда қайд этилган. Имом Термизий 279/892 йилда Термиз шаҳри яқинидаги Буғ қишлоғида вафот этган.

Аксарият манбаларда Имом Термизий кўр бўлиб туғилгани айтилади ва унга нисбатан кўр маъносини билдирувчи "дарир" қўшимчаси ишлатилган. Ҳақиқатга яқин фикр шуки, Имом Термизий илмий саёҳатлари ва исломий илмларга доир кўплаб китоблар ёзганидан кейин қарилик чоғида кўриш қобилиятини йўқотган. Чунки туғма кўзи ожиз кишининг ҳеч кимнинг ёрдамисиз ислом географиясининг турли илм марказларига саёҳат қилиши ва кўп китоб ёзиши мумкин эмас[1].

Имом Термизий ҳадис илмининг олтин даври деб аталадиган ҳижрий учинчи асрда яшаган. Ҳадислар жамлангандан кейин таснифлаш фаолияти кучайган бу давр Яҳё ибн Маин (ваф. 233/847), Али ибн Мадиний (ваф. 234/849), Аҳмад ибн Ҳанбал (ваф. 241/855), Абу Зуръа Розий (ваф. 264/877), Абу Хотим Розий (ваф. 277/890) ва "Кутуби ситта" муаллифлари каби кўплаб муҳаддислар яшаган даврга тўғри келади[2]. Бу даврда

---

* *Термиз давлат университети кафедра мудири, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

1 Ибн Ражаб Ҳанбалий. Илалут Термизий шарҳи. Нуруддин Итр таҳқиқи. – Дамашқ: Дорул Байрутий, 1429/2008. – Б. 12.

2 Али ибн Мадиний. Ал-Илал. Ҳуссам ибн Қурайш таҳрири. – Қувайт: 1423/2002.

муснад, жоме, сунан каби турли тасниф усуллари билан кўплаб китоблар жамланган. Ҳадисларни олиш учун қилинган илмий саёҳатлар (риҳлалар) ҳам бу даврда муҳим аҳамият касб этган.

Имом Термизий ҳадис илми тарихида жуда муҳим ўринга эга бўлган ушбу даврдан етарли даражада фойдаланди. У Термизда яшаб, Термизга келган муҳаддислардан ривоят қилиш билан кифояланмади. Ўша давр илм-фан марказлари бўлган Бухоро, Басра, Куфа, Макка, Мадина, Марв ва Рай каби шаҳарларда бўлиб, ўша ҳудудларда илм олиб, машҳур муҳаддислардан ҳадис ривоят қилган. Унинг ҳадисларни мавзуларига кўра таснифлаган "ас-Сунан" асари машҳур бўлиб, аллома бу асардан ташқари турли соҳаларда ҳам асарлар яратган. Имом Термизий фақат ҳадисларни ривоят қилиш билан кифояланмади. Айни пайтда ҳадис илмига оид шарҳи таъдил, илал, тарих, саҳобаларнинг исмлари каби масаларда ривоят қилган ҳадисларни тушунишга ёрдам берадиган асарлар ёзган шахсдир. Термизийнинг кўплаб соҳаларга оид асарларининг қўлёзма нусхалари бугунги кунга қадар дунёнинг бир қатор қўлёзмалар фондларида сақланиб қолган. Унинг бугунги кунгача етиб келмаган айрим асарлари ҳақида бошқа китоблар орқали маълумотлар олиш мумкин[3].

Аллома асарлари қаторида қуйидагиларни келтириш мумкин:

"Сунани Термизий". Ушбу асар Имом Термизийнинг энг машҳур асаридир.

"Ал-Илалус сағир". "Илалут Термизий" деб ҳам аталадиган бу асар одатда "Сунани Термизий"нинг охирида "Китабул илал" номи билан киритилган. Нашрига қараб 20-30 саҳифа атрофидаги кичик ҳажмга эга бўлган "Ал-Илалус сағир" асари кичик ҳажмига қарамай, ҳадис илми билан боғлиқ кўплаб мавзуларга тўхталиб ўтади. Ушбу асар "Сунани Термизий" китоби билан бирга кўп марта нашр этилган. Ибн Ражаб Ҳанбалий (ваф. 795/1393) бу асарга жуда чиройли шарҳ ёзган. Нуриддин Итр томонидан тадқиқ қилинган ушбу тадқиқот "Шарҳу Илалит Термизий" номи билан 2 жилдда нашр этилган. Имом Термизий бу китобида дастлаб китобига киритган ҳадисларга қисқача баҳо берган. Кейинроқ ҳадис усули илмининг баъзи муҳим масалаларига тўхталиб, ўтган уламолардан иқтибослар келтирди. Асарида тез-тез ишлатиб турадиган ҳасан, ғариб каби ҳадис атамаларига изоҳлар берди. Бундан ташқари, у мазкур асарига баъзи муҳим масалалар бўйича ўз фикрларини ҳам киритди.

"Ал-Илалул кабир". "Ал-Илалус сағир"дан фарқли жиҳатлари бўлган бу асар "Ал-Илалул муфрад" ҳам дейилади. Бу асарда иллатли ҳадислар тилга олиниб, кейин бу ҳадисларнинг иллатлари тушунтирилган, турли усуллар воситасида ушбу ҳадисларнинг нисбатан саҳиҳроғи кўрсатилган. Абу Толиб Қодий (ваф. 608/1212) бу асардаги Имом Термизий изоҳлаган ҳадисларни фиқҳ бобларига кўра таснифлаган ҳолда таҳрир қилган.

"Аш-Шамоилул Муҳаммадия". Бу китобда Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳаётининг деярли барча босқичлари, ташқи кўринишидан тортиб еб-ичиши, ўтиришлари ва

---

[3] Акрам Зиё Умарий. Турасут Термизий илмий. – Мадина: Мактабатуд дор, 1991. – Б. 192.

туришларигача, суҳбатлари, нафл ибодатларини ўзида жамлаган 400 дан ортиқ ривоятлар 56 та асосий сарлавҳа остида ўрин олган. Ўз соҳаси бўйича илк манба бўлган асар бу борадаги барча битиклар ичида энг мукаммали сифатида қабул қилинган. Ундаги ҳадисларнинг аксарияти саҳиҳ, салмоқли қисми ҳасан, оз қисми заиф ривоятлардир.

"Тасмияту асҳобин Наби (Китобу асмоис саҳоба, Тасмияту асҳоби Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам): Асарда саҳобаларнинг исмлари ушбу исмларнинг биринчи ҳарфига кўра алифбо тартибида келтирилган. Асарнинг Сулаймония кутубхонасида мавжуд бўлган икки нусхасига кўра, китобда 730 нафар саҳобанинг номи тилга олинган[4].

Юқорида зикр этилган асарлардан ташқари Имом Термизий бугунги кунга қадар етиб келмаган "Китабут тарих", "Китабул асмо вал куна", "Китабуз зуҳд" номли асарлар ҳам ёзганлиги манбаларда қайд этилган.

Имом Термизийнинг "Сунани Термизий" ва "Илал" асарларида ҳадис амалиёти ҳақида жуда қимматли маълумотлар мавжуд. Муҳаддиснинг "Сунани Термизий" номли асарини бошқа ҳадис китобларига қараганда қимматли қиладиган энг муҳим омиллардан бири Имом Термизийнинг мазкур асарида ҳадисларнинг саҳиҳлиги ва ривоятдаги ровийларнинг аҳволи ҳақида изоҳлар берганлигидир. Илк ҳадис китобларида кам учрайдиган бу ҳолат Имом Термизийдан кейин кенг тарқала бошлаган. Имом Термизий асарлари маълум маънода ундан кейин ёзилган ҳадис усулларига оид китобларнинг манбаси бўлган, дейишимиз мумкин. Имом Термизий ҳадисларнинг манбалари ва матнларини тилга олиб, ҳадисларнинг саҳиҳлик даражаси, ровийларнинг мақоми, ҳадисларнинг турли хусусиятларини тушунтиради[5].

У зот ўз таълимотлари ва уламоларнинг бу борадаги фикрларини тилга олиб, китобидан оддий халқнинг баҳраманд бўлишига имкон яратди. Илал туркумидаги асарлар муаллифлари ўзлари тўплаган барча иллатли ҳадисларнинг муаммоларини тушунтириб, ҳадисларни ё фиқҳ бобларида ёки муснад асарлари усулида ёзганлар.

Имом Термизий ўзининг "Сунан" номли асарида ҳадисларни уч турга ажратади. Аллома бу учлик таснифида биринчи турдаги ҳадисни ҳасан саҳиҳ деб таърифлаб, иккинчи тур учун эса ҳасан иборасини қўллаган. Ҳадиснинг учинчи тури учун эса ғариб, мункар ва заиф каби иборалар қўлланилган. Ибн Таймия (вафоти 728/1328) Имом Термизий биринчи бўлиб ҳадисларни уч қисмга бўлганлигини ва бу атамаларни ўзининг "Сунани Термизий" асарида қўллаганлигини таъкидлаган. Қолаверса, Ибн Таймия Имом Термизийдан олдин ҳадисларни уч қисмга бўлиш методини ҳеч кимни билмаслигини ва бу фақат унга хослигини таъкидлайди. У Термизийдан бошқа кўпчилик уламолар ҳадисларни саҳиҳ ва заиф деб иккига бўлишганини айтган. Имом Термизийнинг "ал-Илалус сағир" асарига шарҳ ёзган Ибн Ражаб Ҳанбалий (ваф. 795/1393) ва машҳур муҳаддис Роби ибн Ҳодий Мадҳалий каби

---

[4] Акрам Зиё Умарий. Турасут Термизий илмий. – Мадина: Мактабатуд дор, 1991. – Б. 195.

[5] Ибн Ражаб Ҳанбалий. Илалут Термизий шарҳи. Нуруддин Итр таҳқиқи. – Дамашқ: Дорул Байрутий, 1429/2008. – Б. 36.

олимлар ҳам Имом Термизий биринчи марта ҳадисларни уч қисмга бўлганлигини тасдиқлайдилар.

Ҳасан ҳадисларга таъриф берган биринчи шахс ҳам айнан Имом Термизийдир. Имом Термизий фикрича, ровийси ёлғонда айбланмаган, саҳиҳ даражасида бўлмаган ва бошқа манбалардан ривоят қилинган ҳадислар ҳасандир.

Ҳасан ҳадиснинг иккинчи таърифи эса Ҳаттобийга (ваф. 388/998) тегишлидир. Бу таъриф қуйидагича: "Асли маълум, ровийлари машҳур бўлган, кўпчилик уламолар томонидан қабул қилинган ва кўпчилик фақиҳлар амал қилган ҳадис ҳасан ҳадисдир". Ҳасан истилоҳини биринчи бўлиб аниқлаган шахснинг Имом Термизий деб эътироф этилиши мазкур истилоҳнинг Имом Термизийдан олдин ишлатилмаганлигини англатмайди. Ундан олдин ўтган муҳаддисларнинг кўпчилиги ҳасан ҳадис тушунчасини қўллаганлар. Бироқ, ўзидан олдинги муҳаддисларга қараганда, Имом Термизий ҳасандан энг кўп фойдаланган ва атамани илмий доирада машҳур қилган кишидир. Умуман айтганда, "Ҳасан ҳадис" атамаси ҳижрий II аср ўрталаридан, яъни Имом Термизийдан анча олдин қўлланилганлигини, ўша даврларда ҳадислар саҳиҳ, ҳасан ва заиф деб уч гуруҳга бўлинганлигини бемалол айтиш мумкин. Аммо бу учлик таснифини бир китобда қўллаган шахс Имом Термизий бўлгани тарихий ҳақиқатдир. Имом Термизий ушбу таснифни Али ибн ал-Мадиний ва Имом Бухорий каби устозларидан олиб, ўз асарларида уни қўллаган ва шу тариқа мазкур таснифнинг ҳадис илмида кенг ёйилишига хизмат қилган[6].

Ҳадис илми тарихида ўта муҳим ўрин тутган Имом Термизий ҳижрий III асрда ёзган "Сунани Термизий" асарида бошқа муҳаддислардан бир қанча фарқли усулларни ишлаб чиққан. Ҳадис усули ҳали тизимлаштирилмаган бу даврда Имом Термизий мазкур асарида ҳадис матнларини жамлагандан кейин ҳадисларнинг асослилик ва заифлик даражасига оид кўплаб тушунчалардан фойдаланганлиги кўринади. "Сунани Термизий"ни қимматли қиладиган яна бир муҳим омил шундаки, Имом Термизий ҳадисларнинг саҳиҳлиги ва ривоятдаги ровийларнинг мақоми ҳақида изоҳлар беради. Илк ҳадис китобларида кам учрайдиган бу ҳолат Имом Термизий давридан бошлаб кенг тарқала бошлаган. Шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, Имом Термизий асарлари қайсидир маънода, ундан кейин ёзилган ҳадис усулига оид китобларнинг манбаси эди. Имом Термизий «Сунан»ида ҳадисларнинг саҳиҳлигини «саҳиҳ, ҳасан, ғариб, мункар» каби атамалар ёки «ҳасан саҳиҳ, ҳасан ғариб, ҳасан саҳиҳ ғариб» каби сўзлар билан изоҳлаган. Бу баҳоларни ҳадис матни билан чалкаштириб юбормаслик учун бу гапларнинг бошига "Абу Исо айтди" иборасини қўшиб, бу унинг фикри эканини билдирган. Баъзан ҳадисларнинг келиб чиқиш сабабларини изоҳлаб, ривоятларнинг нотўғри манбаларини аниқлаб, қайси

---

[6] Özdemir, Veysel "Tirmizî ve el-İlelü'l-Kebîr'inin İlel İlmindeki Yerine Genel Bir Bakış" Ankara: Turkish Studies, 2014. – s. 19.

занжир саҳиҳроқ эканини ва қайси сабабга кўра бу иснодлардан қайси бири афзал эканини тушунтириб берган[7].

Хулоса сифатида шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Имом Термизийнинг ҳадис илмига доир асарларини таҳлил қилиш ва ўқиш ҳадис дарсларида ўрганилган маълумотларнинг амалиётга татбиқ этилишига хизмат қилади. Шунингдек, аллома асарларини ўрганиш ва тарғиб қилиш орқали ислом динининг, унинг асосий манбаларидан ҳисобланган ҳадисларнинг бағрикенглик, биродарлик ғояларини ёшлар онгига сингдириш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Али ибн Мадиний. Ал-Илал. Ҳуссам ибн Қурайш таҳрири. – Қувайт: 1423/2002.
2. Абу Сулаймон Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Ҳаттоб Хаттобий Бустий. Маолимунис Сунан Шарҳу Сунани Абу Довуд. – Байрут: 1416/1996.
3. Акрам Зиё Умарий. Турасут Термизий илмий. – Мадина: Мактабатуд дор, 1991.
4. Ибн Ражаб Ҳанбалий. Илалут Термизий шарҳи. Нуруддин Итр таҳқиқи. – Дамашқ: Дорул Байрутий, 1429/2008.
5. Özdemir, Veysel “Tirmizî ve el-İlelü’l-Kebîr’inin İlel İlmindeki Yerine Genel Bir Bakış” Ankara: Turkish Studies, 2014.

[7] Özdemir, Veysel “Tirmizî ve el-İlelü’l-Kebîr’inin İlel İlmindeki Yerine Genel Bir Bakış” Ankara: Turkish Studies, 2014. – s. 19.

ИСО ТЕРМИЗИЙНИНГ ҲАДИС ИЛМИДА ТУТГАН ЎРНИ

Маргуба Раджапова Закировна*

Аннотация. Мақолада “саҳиҳ тўққизлик”, уларнинг ҳадис тўпламлари, ҳадис турлари, ҳадис илми уломалари, (қутби-ситта), хусусан “Сунан” соҳиби Исо Термизий ҳақида сўз боради. Исо Термизийнинг ҳадисшунослик илмида тутган ўрни баён этилади. Бошқа ҳадис китобларида учрамайдиган истилоҳлар “ҳасан саҳиҳ”, “саҳиҳ ғариб” иборалари таснифи берилади.

Калит сўзлар: ҳадис, ҳадисшунослик , ҳадисшунослик илми, ҳадис турлари, ишончли тўплам, сунна , саҳиҳ,ҳасан.

Abstract. The article talks about the “sahih nine”, their collections of hadiths, types of hadiths, scholars of hadith (kutub al-sitta), in particular, Isa Tirmidhi, the master of Sunnan. The role of Isa Tirmidhi in t he science of hadith is described. The terms “Sahih Gharib”, “Hasan Sahih” are explained. The novelty of Isa Tirmidhi in the science of hadith studies is described.

Keywords: adiths, hadith studies, science of hadith studies, types of hadiths, reliable collection, Sunnah,sahih,hasan.

Ўзбекистон давлати халқаро ҳамжамиятда тенг ҳуқуқли субъект сифатида фаолият олиб бораётган даврдан бошлаб,ўзбек халқи ўзининг бой маънавий мероси хазинасидан эркин баҳраманд бўла бошлади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Қуръони Карим ўзбекча таржима тафсири билан, 4 жилдли ҳадиси шариф, 2 жилдли “Саҳиҳи Бухорий” кўп ададда чоп этилди[1]. Жумладан, Имом Бухорий, Имом Термизий каби улуғ муҳаддислар тўплаган ҳадисларни ўз она тилимизда ўқишга муваффақ бўлдик.

Ҳадислар фиқҳ бобида, инсон ҳақ-ҳуқуқлари мавзуида жуда муҳим манба бўлиб, асосан, ахлоқий, маданий, маънавий-маърифий негизини ташкил этади. Ҳадис-арабча сўз бўлиб: ҳабар, янгилик, ҳикоя, ривоят маъноларини англатади. Ривоят-ҳадис сўзининг маъноси Муҳаммад(с.а.в.)нинг айтган сўзлари, қилган ишлари, кўрсатмалари тўғрисидаги ривоятдир. Ислом динида Қуръондан кейин иккинчи манба ҳисобланади. Ҳадис 2 қисмдан иборат: матн ва иснод. Ҳадис 2 турга бўлинади: 1. Ҳадиси қудсий; 2. Ҳадиси набавий. Ҳадислар эътиборга олиниши жиҳатидан яна уч қисмга бўлинади: саҳиҳ, ҳасан, заиф.[2]

“Ҳадис” сўзининг асл келиб чиқиши “янги ҳодиса”, “янгилик” деган маънодан олинган. Ҳар бир айтилган гап-сўз янги ҳодиса бўлгани учун арабларда сўзни “ҳадис” дейилган. Истилоҳда эса “ҳадис Набий (с.а.в.)га нисбат берилган сўз, феъл, тақрир ва хилқат – тана тузилиши ёки хулқдаги сифат ҳамда сийрат—таржимаи холлардир.”[3]

---

* *Андижон давлат университети катта ўқитувчиси*

1 Ислом. Энциклопедия:А-Ҳ. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017. – Б. 4.

2 Ислом. Энциклопедия:А-Ҳ. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017. – Б. 632.

3 Олтин Силсила Саҳиҳул Бухорий. – Тошкент: Hilol Nashr, 2012. –Б. 13.

Яна шуни таъкидлаш жоизки “ҳадис” ва «суннат” сўзлари доимо бир-бирининг ўрнида ишлатилиб келинган.

“Сунна” аслида» одат”, “тариқат-маънавий йўл” маъноларини англатади. Сунан сўзи арабчадан олинган бўлиб, кўплиги суннат, одатлар, анъаналар, ривоятлар—ҳадис тўплами тури. Сунан тўпламларида аҳком ҳадислар “таҳорат” бобидан “васиятлар” бобигача фиқҳ тартиби бўйича жамланган бўлади.[4] Ҳадислар “сўз”, “феъл”, “тақрир”, “халқий сифат”, “хулқий-ахлоқий сифатлар”, “таржимаи ҳол” турларига бўлинади.

“**Сўз**” ҳадиси – бундай ҳадислар сирасига Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг турли холат ва муносабатларда айтган гаплари киради.

Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг “албатта амаллар ниятга кўрадир”. “Зарар бериш ҳам, зарарланиш ҳам йўқ”, “қаерда бўлсанг ҳам, Аллоҳга тақво қил” деган сўзлари. Бу тур ҳадислар “қавлий (гап) ҳадис” дейилади.[5]

“Феъл” ҳадислари-Пағамбар (с.а.в.)нинг қилган иш-амаллари тушунилади.

Амр ибн Умайя (р.а.) айтади: “Мен Набий (с.а.в.)нинг маҳсиларига маҳс тортаётганларини кўрдим”.[6]

“Тақрир” ҳадислари бирор нарсага иқрор бўлиш,унинг тўғрилигини тасдиқлаш, маъқуллаш “тақрир” дейилади. Ҳадис илмида тақрир Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг саҳобаи киромлар томонидан содир бўлган баъзи нарсаларни маъқуллашларига нисбатан қўлланади.

“Амр ибн Ос (р.а) Пайғамбаримиз (с.а.в.) юборган бир тўп лашкарга бош эди. Борган жойида жунуб бўлиб қолади ва совуқдан қўрқиб ғусл қилмай, таяммум билан намоз ўқийди. Унинг шериклари буни Расулуллоҳ (с.а.в.)га етказишади. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.) Амр ибн Ос (р.а.)нинг қилган ишини маъқуллаганлар. Шунингдек, бир сафар ҳабашийлар ҳарбий ўйинга тушишганда Набий (с.а.в.) уларнинг ўйинларини томошо қилиб турганлар. Маъқуллаш “маъқул”, деб айтиш билан ёки инкор қилмай, индамай қўя қолиш билан ҳам бўлади, бу “тақририй ҳадис” дейилади.[7]

“Халқий сифат” деб тана тузилишидаги сифатларга айтилади. Пайғамбар (с.а.в.)ни кўрган кишилар у зотнинг бўй бастлари, тана тузилишлари, сочлари, кўзлари ва бошқаларини батафсил васф қилиб берилган. Бу маълумотлар ҳам ривоят қилиниб муҳаддисларга, улар орқали Ислом умматига етган. Маслан, Али (р.а) у зот соллаллоҳу алайҳи вассалламни шундай васф қилади: “Расулуллоҳ (с.а.в.) оқ-қизғишдан келган, кўзлари қоп-қора, силлиқ сочлари қалин соқолли, текис ёноқли эдилар. Бурилиб қараганларида бутун вужудлари билан бурилардилар. Юзларидаги терлари худди дур каби эди. Қасамки, терлари мушкдан ҳам хушбўй эди. У зот новча ҳам,пакана ҳам эмасдилар. Ожиз ҳам,маломатчи ҳам эмасдилар. У зот(с.а.в.) дан олдин ҳам,кейин ҳам у кишига ўхшашини кўрмадим”.[8]

---

[4] Ислом. Энциклопедия:А-Ҳ. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017. –Б. 429.

[5] Олтин силсила. Саҳиҳул Бухорий. – Тошкент: Hilol Nashr, 2012. –Б. 14.

[6] Ўша манба 14-бет.

[7] Олтин силсила. Саҳиҳул Бухорий. – Тошкент: Hilol Nashr, 2012. –Б. 15.

[8] Ўша манба 15-бет.

“Хулқий-ахлоқий сифатлар” саҳобаи киромлар Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг сабрлари, хилмлари, шижоатлари, сахийликлари каби барча ахлоқий фазилатларини ҳам синчковлик билан ўрганиб, ривоят қилиб қолдиришган. Бу ҳақдаги маълумотлар ҳам ҳадис китобларида келган.

Анас (р.а) айтади: “Набий (с.а.в.)га ўн йил хизмат қилдим. Аллоҳга қасамки, менга ҳеч “уфф” демадилар ва бирор қилган ишим учун “нега буни қилдинг” ҳам демадилар, бирор қилмаган ишим учун “нега уни қилмадинг”, ҳам демадилар”.[9]

“Таржимаи ҳол” Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг муборак ҳаётлари, у зот таваллуд топганларидан бошлаб, то Робблари даргоҳига етгунларига бўлган таржимаи ҳоллари ўта аниқлик ва бутун тафсилотлари билан ривоят қилинган. Бу бобга тегишли ривоятлар тўплами “Сийрат” дейилади.

Ҳанафий уламолари ҳадисларни “мутавотир ҳадис”, “машҳур ҳадис” ва “оҳад ҳадис”ларга ажратадилар.

“Мутавотир ҳадис” ларни иккиланмай ишончлик, мутлақ саҳиҳ, тўғри ҳадис дейиш мумкин. Унинг талабига кўра ҳадисни Расуллулоҳ (с.а.в)дан камида ўнта саҳоба, ушбу саҳобалардан камида ўнта тобеъин, ушбу тобеъинлардан камида ўнта ровий эштиган бўлиши шарт. Яъни санаднинг ҳар бир табақаси ровийлар, ҳадисчилар сони ўнтадан кам бўлмаслиги даркор.

“Машҳур ҳадис”нинг ровийлари ҳар бир табақада камида учта бўлиши талаб этилади.

“Оҳод (аҳад) ҳадис” бир киши ёки озчилик тамонидан етказилади.

“Мусталаҳул хадис” илмида “азиз ҳадис “ ҳам мавжуддир, унда ровийлар сони хар бир табақада камида икки киши бўлиши зарур.

Ҳадислар ҳақидаги фикримизга хулоса қилсак, ҳадислар Ислом асосларини, унинг инсонпарварлик моҳиятини, инсон ҳаётида маънавий-маърифий,ахлоқий-тарбиявий омилларнинг ўрнини теранроқ англашга хизмат қилади. Уларни тўплаш, саралаш ва китоб холига келтириш кишидан чуқур билим,улкан салоҳият,юксак ақл-заковат ва маънавий жасоратни талаб этади.

Имом Бухорий Пайғамбар (с.а.в.)нинг энг ишончли ҳадисларидан иборат саҳиҳ тўпламни тузиш шарафига муяссар бўлган мумтоз зотдир. “Саҳиҳи Бухорий” китоби дунё мусулмон уламолари томонидан якдиллик билан энг мўътабар ҳадис тўплами сифатида эътироф этилган. Бундай баҳога сазовар бўлган ҳадис тўпламлари уламолар ўртасида “Саҳиҳ тўққизлик” деб юритилади. Улар қуйидагилардир: “Саҳиҳи Бухорий”, “Саҳиҳи Муслим”, “Сунани Абу Довуд”, “Жомеи Термизий”, “Мужтабои Насоий”, “Сунани ибн Можа”, “Мувваттои Молик”, “Сунани Доримий”, “Саҳиҳи ибн Ҳиббон”.

Биз “Саҳиҳ тўққизлик”нинг намоёндаси Исо Термизийнинг “Сунани Термизий” асари ҳақида мулоҳаза қилмоқчимиз.

Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Заҳҳок Суламий Буғий Термизий Қуняси – Абу Исо (яъни Исонинг отаси).

---

[9] Ўша манба 16-бет.

Термизийнинг насаби кўпгина манбаларда ана шундай зикр қилинган. У зотнинг насаби ҳақида яна икки хил қавл бор. Биринчиси – Муҳаммад ибн Исо Савра ибн Шаддод. Иккинчиси – Муҳаммад ибн Исо ибн Язид ибн Савра ибн Сакан.[10]

Термизийнинг оиласи ва ота-онаси ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар келтирилмаган. Тарихчилар унинг "Бобом асли марвлик эди, у киши Лайс ибн Сайёр замонида яшаган, сўнг у ердан Термизга кўчиб келган", деган фикрини келтириш билан кифояланадилар.[11] Термизий ёшлигидан ўта тиришқоқ, идрокли ва заковатли бўлиши билан ўз тенгдошлари ичида ажралиб турган. Илмга ўта қизиқиши туфайли ўша даврнинг кўпгина илмларини, айниқса, ҳадис илмини чуқур эгаллаган.[12]

Имом Термизийнинг илмий меросида, шубҳасиз, "Ал-Жомеъи" асари катта ўрин тутади. Бу асар "Ал-Жомеис саҳиҳ" ("Ишончли тўплам"), "Ал-Жомеил кабир" ("Катта тўплам"), "Саҳиҳут Термизий", "Сунанут Термизий" ("Термизий суннатлари") номлари билан ҳам юритилади. Бу асарнинг қолган «Ал-Жомеъи" лардан фарқи шунда эдики,асарни фиққий ва бошқа боблар асосида ёзиб,унда ҳадис турларини саҳиҳ, ҳасан, заъиф, ғариб ва иллатланганларини ҳам келтириб-китобга киритиб ёзганлар. Бу жойда ҳасан-иснодида ёлғончилиги билан муттаҳам саналган ровийси йўқ ҳадис; заиф-бунда саҳиҳ ва ҳасаннинг сифатлари тўпланмаган, нуқсонли ҳадис; ғариб-гоҳида ишончли ёки заъиф бўлган, матнда ёки иснодда ёлғиз ҳадис. "Суннани Термизий" китобида ҳадисларнинг даражаларини белгилашда икки ибора қўлланилган:

биринчиси -бу ҳадис ҳасан саҳиҳ деган ибора

иккинчиси – бу ҳадис ҳасан саҳиҳ- ғариб деган ибора.

Термизий айрим ҳадисларни "ҳасан саҳиҳ" ёки "ҳасан ғариб" деб ёки "саҳиҳ ғариб" ва ёхуд "ҳасан- саҳиҳ-ғариб" деб айтадилар. Лекин бу бирикмаларни таърифламайдилар. Масалан бир ҳадисни фақатгина "саҳиҳ" деб ёки "ғариб" деб атаганларида, бунинг таърифини келтирмаганлар. Балки булар ҳадисчилар назнида тушунарли бўлгани учун таърифни лозим кўрмаган. Аммо фақатгина "ҳасан"нинг таърифини келтирадилар. Бу номаълум бир ифода ёки янги бир истилоҳ бўлгани учун таърифга эҳтиёж ҳис этган бўлсалар керак.

Ҳадисни уч қисимга бўлиш Термизийнинг ижоди эканини юқорида таъкидлаган эдик. Термизийдан олдинги муҳаддисларнинг асарларида "ҳасан" иборасига дуч келган бўлсак-да, аммо ҳадисни "ҳасан, саҳиҳ ва заиф" деб уч қисимга бўлган ва "ҳасан" иборасини илк маротаба илмий истилоҳ сифатида қўллаган зот Термизийнинг ўзларидир.

Шунингдек. "мункар" - инкор қилинган ҳадис ва унинг ривоятчисини ҳадисларни ҳам зикр қилиб, ундаги инкор этилганлик сабабларини ҳам шарҳлаб

---

[10] Мирзо Кенжабек. Буюк Термизийлар: Термиз тазкираси. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017. –Б. 115.

[11] Убайдулла Уватов. Икки улуғ донишманд: Ҳаким Термизий, Абу Исо Термизий. –Тошкент: Movaraunnahr, 2017. –Б. 63.

[12] Ўша манба. –Б. 64.

кетганлар. Ёлғончилик билан бил иттифоқ, муттаҳам саналган ривоятчиларнинг ҳадисларини ҳам олмаганлар.

Имом Термизий(р.а) фиққа оид ҳадисларни тўпладилар. У зот ҳадисни унинг рижолларини(ҳадис билан шуғулланувчи кишилар) танигани ва ҳадис ривоятидаги иллатларни ҳамда унинг илмларини пухта билганлари боис,буларнинг ҳаммаси «Сунани Термизий"да очиқ баён этилган.[13]Аллома уламоларнинг сўзлари ва фиққий таълимотларини фақат ҳадисларга ҳос бўлган ишончли исноднар билангина келтиради, уларга таяниб илмий ҳулосалар чиқаради. Бинобарин, мазҳаб соҳибларидан нақл этиладиган фикр-мулоҳазаларни билишда исноднар катта аҳамият касб этади. Имом Термизий фиққий иснотларни Суфён Саврий, Муҳаммад ибн Усмон Куфий, Убайдуллоҳ ибн Мусо Абасий, Мактум ибн Аббос Термизий, Муҳаммад ибн Юсуф Фирёбийдан нақл қилган.

Абу Исо Термизий(р.а.)нинг "Ал-Жоме" асари ровийлар ва ривоят қилинган ҳадисларнинг ҳукмлари борасида муҳаддисларнинг истилоҳларининг кўпини сақлаб етказади ва яна бу бизга ўз асаридан олдинги ҳадис илмлари қоидаларидан ҳам бир қисмини сўзлаб беради. Ҳамда бу мусталаҳлар ҳадис истилоҳлари илмининг ривожланишидаги қадамига бўлган ишончни янада оширади ва бу ўз ўрнида жаҳон ҳадисшунослик илмига бениҳоя ҳисса қўшган бўлади.

Юқорида таъкидлаганимиздай Имом Термизий баъзи мусталаҳларни тўпладики, шунинг учун унинг бундай гаплари—истилоҳлари бошқа ҳадис китобларда учрамайди. Масалан: Бу ҳадис»ҳасан саҳиҳ"дир (матнларига кўра ҳасан, иснодига биноан саҳиҳ ҳадис) ёки бу «саҳиҳ ғариб"дир (иснодда ёлғиз, матнлари саҳиҳ) деб, ривоят қилган ҳадисларнинг охирига қўйиб кетганлар. Булар ўз йўналишида янгилик-кашфиёт ҳисобланади.[14] Термизийнинг "Сунани Термизий" асари узоқ изланишлар, муҳокамалардан кейин мўмин-мусулмонларга ҳавола қилинган.

«Ушбу китобни тасниф қилганимдан кейин, уни Ҳижоз, Ироқ ва Хуросон уламоларига тақдим этдим. Улар розилик билдириб, қабул қилдилар. Кимнинг уйида бу китобдан бўлса, ўша хонадонда Пайғамбар (с.а.в.)нинг ўзлари сўзлаётгандек мисоли бўлур" - деб таъкидлаган эканлар.[15]

Турли мазҳаблар ва қарашларга муносабат масаласида Имом Термизийнинг тутган мавқеи Пайғамбар(с.а.в.)нинг ҳадислари ва фақат далил исботлари билангина хулоса чиқаришга асосланган эди . Албатта, бундай ҳолларда фақат саҳиҳ ҳадислар ва энг кучли далил асосий вазифани бажарарди. Бундай вақтда Исо Термизий энг аввало Имом Бухорий ва бошқа ҳадис илми уламолари таъсирида аҳли ар-рай мазҳабига эмас аҳл ал-ҳадис йўлида фикр юритганлар. Уни чуқур таҳқиқ ва тадқиқ (истинбот) этиш орқали ўз фикр -мулоҳазаларини билдирганлар.

---

[13] Мамадалиев Саидазим. Имом Термизий. –Тошкент: Моваройннаҳр, Tafakkur, 2011. –Б. 19.

[14] Мирзо Кенжабек. Буюк Термизийлар: Термиз тазкираси. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017. –Б. 22.

[15] Абу Исо Муҳаммд Ат-Термизий Сунани Термизий I –жилд Тошкент., ,,Адолат" 1999- 3-бет

Жуда кўп замондош олимлар, шунингдек ундан кейин яшаб ўтган таниқли муҳаддислар ат- термизийнинг ҳадисшуносликдаги жуда катта ҳизматлари, унинг ҳар бир тамонлама такомиллаштиришдаги ва келгуси авлодларга соф ҳолда етказишдаги буюк ҳизматларини юқори баҳолаганлар. Ҳадис имомларидан бири Абдураҳмон ибн Муҳаммад Идрисий "Термизий ҳадис илмида иқтидо қилинадиган имомлардан биридир", - деб ёзса, Тақиуддин Иб Таймия "Абу Исо Термизий биринчи бўлиб ҳадисни саҳиҳ, ҳасан, заифга тақсим қилган олимдир", - деб гувоҳлик беради. Ҳофиз Ибн Ражаб ўзининг "Шарҳу Илалил Жомиъ" китобида: "билгилки, Имом Термизий ўз китобларида ҳадисни саҳиҳ, ҳасан ва ғарибга бўлганлар", - деб алломанинг ҳадис илмидаги ҳизматларини алоҳида таъкидлайди. Термизий асарининг барчага фойдаси ҳақида Ҳофиз Абул Фазл Муҳаммад ибн Тоҳир Муқаддасий: мен учун Термизийнинг "Жомиъ" таснифи Имом Буҳорий ва имом Муслим асарларидан кўра фойдалироқдир. Чунки Буҳорий ва Муслимнинг китобидан фақат ўқимишли олимларгина фойдаланади. Абу Исо Термизийнинг асаридан эса ҳар бир кимса бемалол фойдаланади", - деб ёзган эди.[16]

Имом Термизийнинг ижодидаги яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, у аҳлур рай ҳақида гапирар экан, уларнинг мазҳабини баён қилиш учун ўз асарида «қола аҳлил Куфа" ("Куфа аҳли деди") ёки "қола баъзу аҳлил Куфа" ("аҳлул Куфадан баъзиси айтди") каби ибораларни кўп ишлатган. Имом Термизийнинг яна бир кўп ишлатадиган ибораси "асҳобуно" ("бизнинг асҳобларимиз") иборасидир.[17]

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳадис илмининг йирик алломаси саналган Имом Термизий уламоларнинг сўзлари ва фиқҳий таълимотларини фақат ҳадисларга хос бўлган ишончли иснодлар билангина келтиради, уларга таяниб илмий хулосалар чиқаради.

Бинобарин,мазҳаб соҳибларидан нақл этиладиган фикр-мулоҳазаларни билишда иснодлар катта аҳамият касб этарди. Имом Термизий фиқҳий иснодларни Сўфён Саврий, Муҳаммад ибн Усмон Куфий, Убайдуллоҳ ибн Мусо Абасий, Мактум ибн Аббос Термизий, Муҳаммад ибн Юсуф Фирёбий(р.а.)лардан нақл қилган.[18]

Абу Ийсо Муҳаммад Термизийнинг(р.а.) шахсига ва у зотнинг беқиёс маънавий меросига Республикамизда эътибор давлат даражасига кўтарилган. Юртимиздаги ёшлар ҳам шу буюк аждодларимиздан ибрат олиб ҳаётларининг бирор дақиқасини ҳам бесамар кетказмасалар,буюк даҳолар руҳлари шод бўлган бўлур эди.

Хатто,жамиятимизга ҳам манфаатли ва аҳамиятли бўлган бўлар эди.

---

[16] Убайдулла Уватов Донолардан сабоқлар Адбулла Қодирий номидаги ҳалк мероси нашриёти, 1994 йил 23-24 бет

[17] Убайдулла Уватов Икки улуғ донишманд: Ҳаким Термизий,Абу Исо Термизий Тошкент., "Movaraunnahr" 2017- 93-бет

[18] Убайдулла Уватов Икки улуғ донишманд: Ҳаким Термизий, Абу Исо Термизий Тошкент., "Movarounnahr", 2017-94-бет

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Убайдулла Уватов Донолардан сабоқлар Адбулла Қодирий номидаги ҳалк мероси нашриёти, 1994 йил 92 б
2. Абу Исо Муҳаммд Ат-Термизий Сунани Термизий I –жилд Тошкент., «Адолат" 1999-686 б.
3. Мамадалиев Саидазим Имом Термизий Тошкент., «Мовароуннаҳр" «Tafakkur" 2011-72 б.
4 . Олтин Силсила Саҳиҳул Бухорий К1 таҳририят кенгаши: М.Аҳмаджонов ва б. Тошкент., Hilol Nashr 2012-672 б
5. Ислом. Энциклопедия:А-Ҳ / Шайҳ Абдулазиз Мансур таҳрири остида Тошкент., «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти,2017-672 б.
6. Мирзо Кенжабек Буюк Термизийлар: Термиз тазкираси Тошкент., «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси"Давлат илмий нашриёти,2017-528 б.
7. Убайдулла Уватов Икки улуғ донишманд: Ҳаким Термизий,Абу Исо Термизий Тошкент ., «Movaraunnahr" 2017-116 б.

ИМОМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ, «СУНАН» АСАРИ ВА УНГА ЁЗИЛГАН ШАРҲЛАР

Юсуф Хушвактов Бахтиёр ўғли*

Аннотация. Ҳадис муҳим илм ҳисобланганлиги туфайли ҳадисни ўрганишга кўплаб зотлар ўз умрларини бахш этдилар. Имом Термизий бобомиз ҳам шу улуғ зотлар сирасига киришгина қолмасдан, улар ичида етакчилардан ҳисобланади. Бу зотнинг олти саҳиҳ ҳадис китоблар сирасига кирадиган «Сунани Термизий» асари ислом уммати учун буюк асар ҳисобланади. Шу хусусдан бу зотнинг асарини ўрганишга уламолар жидду жаҳд билан эътибор қаратганлар. Бу соҳада кўплаб зотлар ўз асарлари билан шуҳрат қозонганлар. Шулар жумласидан: Абу Бакр Ибн ал-Арабий номи билан машҳур бўлган имом, ҳофиз Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Муъофирий, Имом Ҳофиз Абу Али Муҳаммад Абдурраҳмон ибн Абдураҳим ал-Муборакфурий, Рашид Аҳмад ал-Гангуҳий, Муҳаммад Анвар ибн Муаззамшоҳ ибн Шоҳ Абдулкабир ибн Шоҳ Абдулхолиқ ал-Базурий ал-Кашмирийларни келтиришимиз мумкин. Ушбу мақолада Имом Термизийнинг илмий фаолияти, унинг «Сунан» асари ва унга ёзилган шарҳлар тўғрисида малумотлар келтирилди.

Калит сўзлар: Имом Термизий, «Сунан» асари, Термиз ҳудуди, «Сунан» асарига ёзилган шарҳлар.

Abstract. Due to the fact that Hadith is considered an important science, many people have dedicated their lives to the study of Hadith. Our grandfather Imam at-Tirmidhi is not only one of these great people, but also one of the leaders among them. His work “Sunani at-Tirmidhi”, which is included in the six reliable collections of Hadith, is considered a great work in the eyes of the Islamic community. In this regard, scholars have paid great attention to the study of this work. Many breeds have gained fame for their works in this field. Among them; Imam known as Abu Bakr ibn al-Arabi, Hafiz Muhammad ibn Abdullah ibn Muhammad al-Muafiri, Imam Hafiz Abu Ali Muhammad Abdurrahman ibn Abdurahim al-Mubarakfuri, Rashid Ahmad al-Ganguhi, Muhammad Anwar ibn Muazzamshah ibn Shah. We can mention Abdulkabir ibn Shah Abdulkhaliq al-Bazuri al-Kashmiri. This article provides information about the scientific activities of Imam Tirmidhi, his work “Sunan” and the commentaries written on it. The commentaries written on the work have been included from his time to the present day.

Keywords: Imam Tirmidhi, work of “Sunan”, region of Termiz, commentaries written on Sunan.

Машҳур муҳаддис Абу Исо Термизийнинг шахсий ҳаёти ва баркамол ижодининг ҳар томонлама ўрганилиши туфайли буюк бобокалонимизнинг ҳозирги даврмиз учун ҳам ўрнак бўладиган кўп ибратомуз фазилатларининг гувоҳи бўламиз. Энг аввало, ат-Термизийнинг ёшлигидан илм-фанга ғоятда чанқоқлиги ва зўр ҳавас билан

* *Ўзбекистон халқаро ислом академияси “Исломшунослик ва ислом цивилизациясини ўрганиш ICESCO” кафедраси докторанти, Кўқалдош ўрта махсус ислом билим юрти ўқитувчиси*

қизиқиши, бу борада ҳар қандай қийинчиликларга ҳам бардош бериб ўз мақсади, яъни ўз билимини ошириш йўлидаги жидду-жаҳди катта таҳсинга сазовордир. Ёзма манбаларда келтирилишича, ҳадисшунослик илми саккизинчи асрнинг иккинчи ярмидан ўн биринчи аср ўрталаригача асосий ва зарурий машғулотлардан бири даражасига айланган. Бу даврда Шарқнинг турли мамлакатларидан бўлган тўрт юздан ортиқ муаллифлар ана шу илм (ҳадисшунослик) билан шуғулланганлар. Маълумки, ўз билимини ошириш борасида ат-Термизий кўпгина хорижий мамлакатларни зиёрат қилган. Элма-эл кезиб, чўлу биёбонлар ошиб ровийлардан эшитган ҳадисларини йиғиш билан шуғулланган. Уларни тартибли равишда ёзиб қайд қилиш билан бирга ушбу ҳадисларни қанчалик даражада саҳиҳ, ҳасан ёки заиф, мавзу (сохта, ўйлаб чиқарилган) эканлигини қайта-қайта текширган, илмий равишда чуқур тадқиқ этган.

Исм ва насаби Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Ад-Даҳҳок Ас-Суламий Ал-Буғий Ат-Термизий. Кунялари эса — Абу Исо (яъни, Исонинг отаси)дир. Термизийнинг насаби кўпгина манбаъларда ана шундай зикр қилинган. У зотнинг насаби ҳақида яна икки хил қовл бор. Биринчиси, Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Шаддод дейилади. Иккинчиси, Муҳаммад ибн Исо ибн Язид ибн Савра ибн Ас-Сакан дейилади.

Ат-Термизий ҳижрий 209 йилда (милодий 824-825 йилда) таваллуд топдилар. Ҳофиз Аз-Заҳабий «Мийзон-ул-иътидол» китобида Термизийнинг ҳижрий 279 йилда вафот этганларини зикр қилиб, «Вафот этган вақтларида етмиш ёшда эдилар», дейди.[1]

Аллома Мулла Али Ал-Қорий ҳам «Аш-шамоил» асари шарҳида худди шу гапни айтади. Имом Термизийнинг туғилган ватанлари бугунги Ўзбекистондир. Ат-Термизий Буғ қишлоғида таваллуд топдиларми ёки Термиз шаҳридами? «Ал-Буғий» деб Буғ қишлоғига нисбат берилишлари ё бу қишлоқда туғилганлари ёки у ерда яшаб, вафот этганлари туфайли бўлади. Мулла Али Ал-Қорий ҳазратлари Термизийнинг ўзларидан бундай деганларини нақл этади: «Бобом, Лайс ибн Сайёр даврида Марвазда яшар эдилар. Кейин Термизга кўчганлар»[2].

Буғ — Термизга қарашли бир қишлоқ бўлиб, шаҳардан олти фарсаҳ (Фарсаҳ — тўрт соатлик масофа, 12. 000 қадамлик йўл.) нарида жойлашган. Термизий шу қишлоқдан бўлиб, бу қишлоқ тобеъ бўлган Термиз шаҳрига нисбат берилган бўлишлари эҳтимоли кўпроқ. Термиз — эски Жайҳун, ҳозирги Амударё ёқасида жойлашган жуда қадимий ва жуда ажойиб шаҳардир.

Термизий олдинги имомларнинг кўплари билан кўришган ва улардан баҳраманд бўлган. Термизий даври ҳижрий учинчи аср, ҳадис илмларида буюк юксалиш бўлган давр эди. Кутуби ситта – олти энг машҳур ҳадис китоби муаллифи

---

[1] Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий. Жомеъ ат-Термизий. Риёз: Байт ал-Афкор. Нашр йили кўрсатилмаган. – Б. 492.

[2] Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий. «Шарҳ- уш-шамоил». Риёз: Байт ал-Афкор. Нашр йили кўрсатилмаган. – Б. 358.

бўлган имомлар, яъни олти энг улуғ муҳаддис ана шу олтин даврда яшаб камол топдилар. У зотларнинг таваллуд ва вафот йиллари қуйидагича:

1. Муҳаммад ибн Исмоил Абу Абдуллоҳ Ал-Бухорий — ҳижрий 194-256 й.
2. Муслим ибн Ҳажжож Ал-Қушайрий Абул Ҳусайн — ҳижрий 204-261 й.
3. Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий — ҳижрий 209-279 й.
4. Абу Довуд Сулаймон ибн Ал-Ашъас Ас-Сажистоний — ҳижрий 202-275 й.
5. Аҳмад ибн Шуайб Абу Абдурраҳмон Ан-Насоий — ҳижрий 215-303 й.
6. Ибн Можа Муҳаммад ибн Язид ибн Можа Абу Абдуллоҳ — ҳижрий 209-273 й.

Ат-Термизийнинг кўпчилик таснифлари, жумладан, унинг машҳур асари «Ал-Жомиъ» ҳам ўз ватанига қайтганидан кейин яратилган. Ўз ижодий фаолияти даврида ат-Термизий ўндан ортиқ асарлар яратди. Унинг маданий меросида, шубҳасиз, «Ал-Жомиъ» асари катта аҳамиятга эгадир. Бу асар «Ал-Жомиъ ас-саҳийҳ» («Ишончли тўплам»), «Ал-Жомиъ ал-кабийр» («Катта тўплам»), «Саҳийҳ ат-Термизий», «Сунанут Термизий» («Термизий суннатлари») номлари билан ҳам юритилади. Муаллифнинг йирик асарларидан яна бири «Аш-шамоил ан-набавийя» («Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари»)дир. Бу асар «Аш-шамоил муҳаммадийя», «Аш-шамоил фи шамоил ан-набий саллАллоҳу алайҳи вассаллам» номлари билан ҳам аталади. Ушбу асар Саудия Арабистонида истиқомат қилган ватандошимиз Саид Маҳмуд Тарозий (у 1992 йили вафот этган) томонидан ўзбекчага ўгирилган (араб алифбосида ва кириллчада Тошкентда бир неча бор нашр қилинган). «Китоб ат-таърих», «Китоб ал-илал ас-сағийр ва ал-илал ал-кабийр», «Китоб уз-зуҳд» («Тақво ҳақида китоб»), «Китоб ал-асмо вал-куна» («Ровийларнинг исми ва лақаблари ҳақида китоб»), «Ал-илал фил-ҳадийс» («Ҳадислардаги иллатлар ёки оғишлар ҳақида»), «Рисола фил-хилоф вал-жадал» («Ҳадислардаги ихтилоф ва баҳслар ҳақида рисола»), «Асмо ус-саҳоба» («Пайғамбар саҳобаларининг исмлари») шулар жумласидандир.

Олимлар Имом Термизий турли асарлар тортиқ этганларини таъкидлашади. Уларнинг фикрига кўра, у зотнинг асарлари қуйидагилардир:»Ал-Жомиъ-ас-саҳиҳ» (Ишонарли тўплам, яъни «Сунани Термизий»); «Аш-шамоил» («Шамоили Муҳаммадия»); «Ал-Ҳол»; «Ат-тарих»; «Аз-зуҳд»; «Ал-асмў ва ал-куно» («Исмлар ва кунъялар»). Термизийнинг бошқа асарлари ҳам бўлиши мумкин.[3]

Абу Исо Термизийнинг яна бир йирик асари «Аш-шамоил ан-набавийя» («Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари») деб аталади. Бу асар баъзи манбаларда «Аш-шамоил фи шамоил ан-набий саллАллоҳу алайҳи вассаллам», «Аш-шамоил ал-Муҳаммадия» номлари билан ҳам келтирилган. Асар пайғамбар алайҳиссаломнинг шахсий ҳаётлари, у зотнинг суврат ва сийратлари, ажойиб фазилат ва одатларига оид тўрт юзу саккиз ҳадиси шарифни ўзига жамлаган қимматли манбадир. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, ушбу мавзу яъни пайғамбар алайҳиссаломнинг фазилатлари, одатлари ҳақидаги ҳадисларни тўплаш билан жуда кўп олимлар, муҳаддислар шуғулланганлар ва бу хилдаги ҳадислар турли-туман китоблардан ўрин

---

[3] Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий. Жомеъ ат-Термизий. Риёз: Байт ал-Афкор. Нашр йили кўрсатилмаган. – Б. 292.

олган. Лекин ат-Термизий асарининг бошқалардан афзаллиги ва фарқи шундаки, муаллиф имкони борича пайғамбар алайҳиссалом фазилатларига доир барча ҳадисларни мунтазам равишда тўплаб, мантиқан изчил бир ҳолатда тартибга келтирган ва ўзига хос мустақил, яхлит китоб шаклида тасниф қилган. Араб тилида битилган ушбу асарга бир қанча шарҳлар ва ҳошиялар ҳам ёзилган. Улардан Абдурауф ал-Муновий ал-Мисрийнинг (вафоти 1003 ҳижрий йили) «Шарҳ уш-шамоил», Али ибн Султон ал-Ҳаравий ал-Қорийнинг (вафоти 1192 ҳижрий йили) «Жамъ ул-васоил фи шарҳи аш-Шамоил», Сулаймон ибн Умар ибн Мансур ал-Жумалнинг «Ал-Мавоҳиб ал-Муҳаммадийя бишарҳ аш-шамоил ат-Термизийя» кабиларни келтириш мумкин. Бу асарнинг бир қўлёзмаси Қоҳирадаги ал-Азҳар кутубхонасида 144 ҳадис илми рақами остида сақланмоқда, Муҳаммад ибн Жасус ал-Моликийнинг (вафоти 1182 ҳижрий йили) «Ал-Фавоид ал-жалийла ал-баҳийя ала «Аш-шамоил ал-Муҳаммадийя (бу асар 1927 йилда нашр қилинган) ва ниҳоят ал-Азҳар университетининг собиқ шайхи Иброҳим ал-Божурийнинг (вафоти 1277 ҳижрий йили) «ал-Мавоҳиб ал-Ладунийя ала аш-шамоил ат-Термизийя» каби шарҳларини кўрсатиш мумкин. Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш керакки, асар тили оддий ва равонлиги, соддалиги билан ҳам ажралиб туради. Муҳим тарихий манба сифатида «Аш-шамоил ан-набавийя» форс ва турк тилларига ҳам таржима қилинган. 1248 ҳижрий йили Ҳисомиддин ан-Нақшбандий томонидан туркий тилга қилинган таржимаси араб тилини билмайдиган туркий халқлар учун ғоятда фойдали қўлланма бўлиб хизмат қилади. Ат-Термизийнинг ушбу асарига шарҳ ёзган шайх иброҳим ал-Божурий: «Имом Термизийнинг «Аш-шамоил ан-набавийя» китоблари ўз бобида яккаю ягона асардир. Унинг овозаси Мағрибу Машриққа бориб етди», — деб таъкидлайди[4]. Олдинроқ эслатиб ўтганимиздек, асарнинг Саудия Арабистонида истиқомат қилган ватандошимиз Саййид Махмуд Тарозий томонидан она тилимизга қилинган мухтасар таржимаси 1990 йили Имом Термизийнинг 1200 йиллик юбилейи муносабати билан Тошкентда қайтадан нашр қилиндики, бу ҳол буюк муҳаддиснинг қимматли асарини ўрганишда катта аҳамият касб этиши шубҳасиздир. «Аш-шамоил ан-набавийя»нинг айрим қўлёзмалари Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида ҳам сақланмоқда.

Ат-Термизийнинг бу муҳим асарига бир қатор шарҳлар ҳам ёзилгандир.

1. «Оризат ал-Аҳвазий ала китоб ат-Термизий». Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдулла ал-Ашбилийнинг «Оризат ал-Аҳвазий ала китоб ат-Термизий» номли 13 жуздан иборат шарҳларини келтириш мумкин. Ушбу шарҳ дастлаб 1931 йилда Қоҳирада нашр қилинган. Асарнинг қадимий тўлиқ бир қўлёзма нусхаси Мадинаи Мунаввардаги кутубхонада сақланади, бошқа бир қўлёзма нусхаси аллома аш-Шайх Рафийъаддин ал-Бухорийнинг кутубхонасида мавжуд.

Абу Бакр Ибн ал-Арабий номи билан машҳур бўлган имом, ҳофиз Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Муъафирий Ишбилияда 468 ҳижрий йилда туғилган.

---

[4] Аш-Шайх Комил Муҳаммад Авайда. Абу Исо ат-Термизий. Риёз: 2021. Байт ал-Афкор. – Б. 492.

Ёшлиги ўз шаҳрида ўтди. У ерда дастлабки таълимни отасидан олди. Кейинчалик Шом ва Бағдод шаҳарларига сафар қилди ва у ерда Имом Ғаззолий, Абу Бакр аш-Шоший ва Туртуший каби олимлар ҳузурида фақиҳ бўлди. Бу зот ҳадис, фиқҳ, усул, тафсир, одоб ва тарих йўналишларида китоблар таълиф қилдилар. Бир неча йиллар Ишбилияда қозилик қилдилар. Фосс шаҳрида 543 йил робиул охир ойида фавот этди ва ўша ерда дафн қилинди.

Бу шарҳ ҳақида Ибн Ҳоликон қуйидагиларни айтади: «Оризотул аҳвазий жумласининг маъноси, оризотун – сўзамол, аҳвазий эса бирор нарса борасида чаққон бўлган ҳолатга айтилади. »[5]

2. «Туҳфат ул-Аҳвазий бишарҳи ат-Термизий». Имом Ҳофиз Абу Али Муҳаммад Абдурраҳмон ибн Абдураҳим ал-Муборакфурий (1283 1353) қаламига мансуб яна бир шарҳ ҳам «Туҳфат ул-Аҳвазий бишарҳи ат-Термизий» деб аталади. Тўрт жузъдан иборат бўлган бу асар 1979 йилда Байрутда нашр қилинган (Ҳиндистон нашри ҳам мавжуд).

Шайх Абу Али Муҳаммад ибн Абдурроҳман Муборакфурий 1283 йил Аъзом кода ҳудуди Муборакфур қишлоғида туғилган. Шу жойда отасининг қўлида тарбия топиб,ёшлигидан Қуръони Каримни ўқиб,ёдлади,ва бир неча урдуча ва форсча рисолаларни ўқиди. Кейинчалик қўшни жойларга бориб у ерда араб тилидан сарф ва наҳв билмларини ўрганди. Фиқҳ,мантиқ,усул каби фанларни ўрганди. Яна бошқа жойларда ҳадис илмларини хусусан Сиҳоҳи ситта ва улар атрофидаги китобларни ўрганди.

Шайхимиз илм таҳсилидан кейин ўз ватанларига қайтиб У ерда «Дорут таълим» номли илм даргоҳи тузади ва у ерда илм нурини кенг даражада ёйди. Яна шайх бир неча мадрасалар таъсис этди. Бу зот ақлий илмлар борасида ҳам етук бўлган.

Бу шарҳ аввалида мусанниф икки жилдли «Муқаддимату Туҳфатул-Аҳвазий» ни келтириб бунда бир боб бўлиб, боб ичида қирқ битта фаслга бўлган. Биринчи фасл ҳадис илми бўйича таъриф берилиб яна кейинги фаслларда Жомеи Термизий ичидаги мавзулар, сўзларга алоҳида тўхталиб ўтилган. Яна ровийлар ҳам алоҳида фаслда келтирилган. Фасллар ичида ал-Муборакфурийнинг асарлари ҳам алоҳида зикр қилинган.

«Туҳфатул Аҳвазий» шарҳига келадиган бўлсак, у тўртта катта жилддан иборат. Ер ундай бошқа шарҳ топилиши қийин. Ислом мамлакатлари уламолари бунга таҳсин айтган. Шайх бу шарҳда бир неча алоҳида хусусиятларни келтирган. Уларни бир-бир келтириб ўтамиз:

1. Термизий ровийларидан ҳар бир ровийнинг таржимаи ҳолини алоҳида алоҳида зарурат ва ҳожат миқдорида келтириб, баъзи ўринларда баъзи ровийларнинг таржимаи ҳолини кенг қилиб келтирилган.

2. Термизий ривоят қилган ҳадисларни тахриж қилган ва уларни жомесининг бобларига монанд келтирган. Яъни Имом Термизий ҳадисларни тахриж қилган муҳаддислардан мувофиқ келган исмларни, асар ва таълифларига ийродларни зикр қилган.

---

[5] Абу Али Муборакфурий. Оризотул Ахвазий. Байрут:1996. «Дорул илмийя». -234 б.

3. Иснодий ва матний мушкилаларни изоҳлаш ва уларнинг ечимида бор кучини сарфлайди.

4. Ҳадисларни шарҳлаш,изоҳлашда ҳадис ва фиқҳ уламоларининг эътиборли сўзларини, суянарли баҳсларини келтирган, эҳтимолли, рози бўлинмаган сўзларни келтирмаган.

5. Термизий ҳар бир бобда ўзининг «Бу бобда Фалон Фалондан қилган ривояти ҳам бор» жумласи ила келтирган ҳадисларни тахриж қилган,имкони борича лафзлари билан зикр қилган. Баъзилари борасида ўзининг фикрларини билдириб,баъзилари ҳақидаги танқидчи муҳаддисларнинг сўзларини келтирган.

6. Имом Термизий кўп бобларда одатига хилоф тарзда бобга тўғри келадиган ҳадисларни зикр қилмаган. Шайх уларни зикр қилиб,тахриж қилган.

7. Имом Термизий мазҳаб уламоларини камдан-кам зикр қилган. Шайх ихтилофларни кенг қилиб баён қилган. Имом Термизий зикр қилмаган бир неча уламоларнинг сўзларини зикр қилган.

8. Имом Термизий ҳадис ва унинг тасъҳиҳи борасида тасоҳулга йўл қўйган. Шайх таҳсини Имом Термизийнинг таҳсини ва тасъҳиҳидан кейин бир неча бошқа аҳли ҳадиснинг тасъҳиҳини қалб хотиржам бўлиши учун зикр қилиб қўйган.

9. Имом Термизий ҳадисни тасъҳиҳи борасида тасоҳул қилган ўринлардан алоҳида огоҳлантиради. [6]

10. Имом Термизий бир неча ўринларда аҳли илмларнинг ихтилофларини зикр қилгану лекин рожиҳни маржуҳдан ажратмаган. Шу ўринларнинг рожиҳини зоҳир қилган.

11. Имом Термизий фақиҳларнинг мазҳабларини ва уларнинг сўзларини зикр қилиб,бу мазҳаблар ва сўзларнинг далилини зикр қилмаган. Шайх эса буларга алоҳида тўхталиб далилларни келтирган. Маржуҳ қовлларнинг далилларини заиф қилган. Ўзининг наздидаги рожиҳ сўзни таҳқиқ қилиб,асар ва ҳадислар билан қўллаб қувватлайди. Бирини иккинчисидан таржиҳ қилишда ута эҳтиётқор бўлган.[7]

3. «Қутул Муғтазий ала Жамиит Термизий». Бу асар машҳур олим, муҳаддис, муфассир Жалолиддин Имом Суютийнинг асарларидир. Исм ва насаблари: Абдуроҳман ибн Камол Абу Бакр ибн Муҳамад ибн Собиқуддин ибн Фахр Усмон ибн Нозируддин Муҳаммад ибн Сайфуддин Хизр ибн Нажмуддин Абул Фалоҳ Айюб ибн Носируддин Муҳаммад ибн Шайх Ҳумомуддин ал-Хузойрий ас-Суютий ат-Тулуний. Куниялари: Абул Фазл. Лақаблари: Жалолиддин. Нисбатлари: Мисрнинг юқори ҳудудидаги «Асют» номли жойигадир.

Туғилишлари: Қоҳирада душанба куни шом намозидан кейин туғилганлар. 849 йилнинг ражаб ойида. Туғилишлари отаси онасидан китоб олиб келишни илтимос қилганларида кутубхонада бўлган. Тўлғоқлари келиб, кутубхона ичида туққанлар. Шунинг учун ҳам у зот «Ибнул кутуб» лақабини олганлар.

---

[6] Абу Али Муборакфурий Муқаддимату туҳфатул аҳвазий. Дорул фикр 2009. 159 б.

Улғайишлари: Имом Суютий раҳимаҳуллоҳ ҳилм ва фазл хонадонида ўсиб ундилар. Оталари Асъютнинг қозиларидан бўлганлар. Сўнг Қоҳирага кўчиб кетганлар. Оталари раҳимаҳуллоҳ Имом Суютий беш ёшу етти ойга етганларида вафот этдилар. Сўнг у зот Камолуддин ибн Ҳумом раҳимаҳуллоҳнинг васийликларида етим ҳолда ўсдилар. У зот илм ва ҳифзда алоҳида бир мартаба соҳиби эдилар. Қуръонни саккиз ёшга етмасдан ёд олдилар. Натижада илм ўртасида буюк қобилият соҳиби бўлдилар.

Яшаган асрлари: Имом Суютий яшаб ўтган аср илм учун олтин даврлардан бўлган. У вақтда Миср, Бағдод, Дамашқ қорилар, уламолар ва муҳаддислар билан тўлиб тошган эди. У даврда Мамлуклар арабларнинг ҳокимларимиз деб мақтанишар эди. Уламолар араб тили луғатига, Исломий илмларга, Қуръони каримга қаттиқ аҳамият беришлари илм-фаннинг ривожланишига сабаб бўлган, мадрасалар ривожланиши, уламолар ва қозиларнинг ҳурматлари ўсишига сабаб бўлган.

Имом Суютийнинг ҳаётлари: Имом Суютийнинг ҳаётлари илм олиш, ёд олиш, илм бериш, фатво бериш таълиф қилиш, бахс ва мунозара қилиш билан ўтди. Ҳатто у зот ўзлари ҳақида: «Мен илм ва унга дақиқ назар қилиш, тадқиқот қилиш, ҳақиқатларига етиш, дақиқ нуқталарини англаб етиш, аслларига шунғиш менинг фитратимга солинган ва менга маҳбуб қилинган кишиман. Менинг танамда бирор тук ўрни йўққи, у билан суғорилган бўлса. Бу йўлда мен жоҳиллардан кўп азиятлар кечдим. Ва бу салаф уламоларнинг Аллоҳ жорий қилган суннатидир», — деб айтганлар.

Бу қисқача калом у зотнинг илмдаги даражотларини ва у зот ўз асрининг олимларининг илм олишлари ва ҳар замон ва ҳар маконларда инсонларга манфаат берадиган китоб таълиф қилишдаги аҳамиятларини кўрсатади. Ва буни у зот тафсир, ҳадис ва бошқа турли фанларда ёзган жудаям дақиқ китоблари ҳам равшан кўрсатиб туради.

Илм талаб қилишлари: Ўша давр мусулмонларининг фарзандлари Қуръонни ёдлаш ва унинг маъноларини англашда бир-бирлари билан мусобақа ўйнар эдилар. Энди ўша давр қозиларидан бирининг фарзанди бўлган, олимнинг уйида ўсган Имом Суютий ҳақида нима дейсиз. У зот юқорида айтганимиздек ёшлари саккиздан ўтмасдан туриб Қуръонни ёд олиб бўлган эдилар. Чунки у зот буюк олимнинг қўлида тарбия топган эдилар. ва бунинг натижасида ҳанафий китоблардан, «Ал-Ҳовий», «Китобут таҳзиб ва равзатут толибин», «Умдатул муттақин» каби Шофиий фуруъларида ҳам кўплаб матн китоблар ёд олдилар.

Сўнг Шамсуддин Муҳаммад ибн Маҳмуд ас-Сайромий раҳимаҳуллоҳнинг қўлларида «Саҳиҳи Муслим», «Минҳажун Нававий», «Минҳажул вусули лил Байзовий фи усулил фиққи», «Шифо», «Алфия ибни Молик» китобини ўқий бошладилар. Бу эса ҳижрий 866 йили ражаб ойида бўлди. Ва у зот устозининг хатлари билан йзилган ижозани олдилар.[8] Сўнг ўзлари китоб таълиф қила бошладилар.

Имом Суютийнинг риҳлатлари: У замонда уламолар илм олиш учун, ҳадис эшитиш учун, баъзи масалаларда саволларига жавоб топиш учун риҳлат қилар эдилар. Бу сафарлари эса илмларини яанада сайқаллаш ва бошқа юрт уламолари билан

[8] Суютий Кутул муғтазий ала жоме термизий. Байрут 1424.ҳ. 283 б.

учрашиш учун сабаб бўлар эди. Имом Суютий сафар борасида ҳам ўз насибаларини олдилар. Ва 869 ҳижрий йили Маккаи мукаррамага риҳлат қилдилар. Уламоларидан илм олдилар ва мукаммал бир йил таълим олдилар. Бу риҳлатларида Ҳарамайннинг улуғ уламоларидан кўплаб илм олдилар. Шунингдек Мисрнинг бошқа шаҳарларига ҳам кўплаб риҳлатлар қилдилар. [9]

Машҳур устозлари: Олимуддин Солиҳ ибн Амр ибн Рислон ал-киноний. Қозиларнинг қозиси бўланлар 868 йилда вафот этдилар. У зотдан фиқҳ олдилар ва мулозамати том қилдилар.

Шайх Шарофуддин ал-Муновий, Яҳё ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад, Шофиий мазҳабида қозиларнинг қозиси, мазҳабда мужтаҳид, 871 йил вафот этганлар.

Жалолуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Аллома Шайхул ислом Шофиий, 864 йили вафот этганлар.

Тақиюддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шимний Тамимуд Дорий розияллоҳу анҳунинг зурриётларидан. Шайхул ислом Абул Аббос ал-ҳанафий, 872 йил вафот этганлар.

Муҳйиддин Муҳаммад ибн Сулаймон ибн Масъуд ар-Румий ал-Бурғумий Абу Абдуллоҳ ал-ҳанафий ал-Кафижий, 879 йили вафот этганлар.

Ушбу шарҳни ўрганиб чиқилгандан сўнг, қуйидаги хулосаларга келдик:

Мусанниф раҳимаҳуллоҳ китобни таълиф қилишда ҳадисларда ва лафзларида мухтасар қилишга ҳаракат қилиб фақатгина шоҳид маҳулларини зикр қилганлар. Ёки лафзи ғариб сўзлардан иборат бўлса, уни шарҳлардан ва луғат китоблардан қидириб, ҳаммага маълум луғатга алмаштиришга ҳаракат қилганлар. Бунда асосан Ибн Асир раҳимаҳуллоҳнинг «Ан-ниҳоя» китобларидан фойдаланганлар. Чунки бу киоб уламоларнинг орасида яхши ҳурмат қозонган. Ёки ҳадисда бирор нозик нукта, ривоятлардаги лафзларда мавқуф, марфуъ, васл ва ирсол борасида ихтилофлар бўлса, ёки бошқа бир иллатлар бўлса, уларга янги ўрганайтган толиби илм учун оғир бўлмасин деб осон белгилар билан ишора қилиб ўтанлар. Унда салаф уламоларнинг сўзларини нақл қилганлар. Кўпинча Ибн Саййидин-Нас, Ибнул Арабий, Ҳофиз Ироқийларнинг сўзларидан фойдаланадилар. Чунки улар Жомеут Термизийни қўлларидан келганича шарҳ қилганлар. Ва яна чунки улар ҳадисда биринчи уламолардандир. Шунингдек, у зот баъзи ўринларда мушкилани ечиш учун ўзларининг сўзларини ҳам келтириб ўтадилар. Нима учун келтирмасинлар, ахир у зот ўз замонасининг энг улуғ имомларидан бўлганлар.

Имом Суютий Жомеъут Термизийни тўлиқ шарҳ қилмаганлар. Балки унда фоида бор ўринларнигина қилганлар, ундан ошмаганлар.[10]

Имом Суютий «Уқуду забаржад»нинг муқаддимасида шундай дейдилар: «Билингки менда ҳадис соҳасидаги ҳар бир машҳур китобга таълиқим бор. Улар: «Муватто», «Муснаду Шофиий», «Имом Абу Ҳанифа муснадлари», ва «Кутубу ситта»».

---

[9] Суютий Кутул муғтазий ала жоме термизий. Байрут 1424.ҳ. 283 б.

[10] Суютий Кутул муғтазий ала жоме термизий. Байрут 1424.ҳ. 284 б.

Имом Суютий бу ва бошқа баъзи китобларида шу сўзини айтганлар. Ва унга «Ат-ташвиқ ала Жамиис Саҳиҳ» китобларида ҳам бунга ишора қилганлар. Ва унда: «Кутубу ситтанинг ҳар бирига бу каби йўсиндаги бир бир китоб таълиф қилишни хоҳладим», — деганлар.

Имом Суютий китобнинг муқаддимасида китобнинг номи билан очиқ айтиб: «Бу кутубу ситтага ёзган китобларимни тўртинчиси. Улар: Имом Бухорийнинг Саҳиҳларига «Ат-Ташвиқ» номли, Имом Абу Довуднинг Сунанларига «Мирқотус суъуд» номли ёзган таълиқотим каби Абу Исо Термизийнинг «Жомеъ»ларига ёзган таълиқотим ва уни «Қутул Муғтазий ала Жамиит Термизий» деб номладим», — деганлар. Шунингдек Али ибн Сулаймон ад-Дамантий ал-Бужумуъвий (ҳижрий 1306 йили вафот этган) китобнинг номини мухтасарларида таъкидлаб ўтганлар ва: «ва уни Қутул Муғтазий ала Жамиит Термизий деб номладим...», — деб келтирганлар.

Китобнинг ўрни ва аҳамияти. Бу китоб Имом Суютий ҳар бир керакли ўринларга таълиқлар бериб ўтганлари сабабли жудаям манфаатли ва фойдали таълиқ ҳисобланади. Бу узун шарҳ ҳам эмас, ўта қисқа ҳам эмас. Имом буни ўртасини тутганлар. Ва ўзларининг илмларининг кенглиги билан тушунишга халақит берадиган иборалани шарҳлаганлар ва бир неча маънони англатадиган лафзларни аниқлаштириб ўтганлар.

Бу меҳнатларида Жоме-ут Термизийнинг энг машҳур шарҳларига суянганлар:

«Оризотул Аҳвазий» Қози Абу Бакр ибнул Арабий, 543 йили вафот этганлар.

«Ан-нафҳуш Шазий фи шарҳи Жоме-ат Термизий» Ибн Саййидин Наас ал-Имъярий, 734 йили вафот этганлар.

«Таклимату шарҳи Термизий» Ҳофиз Зайниддин ал-Ироқий, 806 йили вафот этганлар.

Буларга қўшимча тарзда кўплаб бошқа китоб ва манбалардан фойдаланганлар. Ва булардаги барча мўътабар маълумотларни умумлаштириб, ўртача қилиб, энг қаймоқ хулосасини толиби илм ёки бу улуғ ҳадис тўплами «Жоме-ат Термизий»дан фойдаланмоқчи бўлган мўминларга тақдим қилдилар.

Имом Суютийнинг бу муборак асарларидан у зотдан кейин ўтган буюк олимлар Имом Муборакфурий, Имом Баннурий, Имом Гангуҳий, Имом Девбандий ва бошқалар кўплаб фойдалар олганлар.

Бу китобнинг номи ҳақида Ҳожи Халифа ўзининг «Кашф аз-зунун» асарида келтириб ўтган[11]. Жалолиддин ас-Суютий ушбу шарҳида ат-Термизийнинг «Сунан» асарини юқори баҳолаб уни қуйидагича таърифлайди: «Имом Термизийнинг «Сунан» асари бобларга бўлинган. Бу ҳам бир илм. Асардаги фиқҳ масалалари ҳам бир илм. Саҳийҳ билан сақимни ажратувчи илални айтишлари ҳам бир илм. Уларнинг ўртасидаги ҳадис турларини зикр этиш ҳам бир илм. Ровийларнинг номлари ва лақаблари ҳам алоҳида бир илм. Жарҳ ва таъдийл, Расулуллоҳни топган ва топмаган ровийларни белгилаш иснодли ривоят. Унда келтирганларнинг ҳаммаси ижмолий илм турларидир. Аммо тафсилийси жуда ҳам кўп. Хуллас, бу асарнинг қимматли жиҳатлари мажмуалар тўпламидир»

---

[11] Ҳожи Халифа Кашф аз-зунун. Байрут 2012. 375-б.

4. «Ал-кавкаб ад-дуррий ала ат-Термизий». Рашид Аҳмад ал-гангуҳийнинг шарҳи. Рашид Аҳмад ал-Гангуҳий 1244 йилда зул-қаъда ойида Покистоннинг Гангуҳ шаҳрида туғилган. Холид Муҳаммад Тақий қўлида форсча рисолаларни ўрганди, Муҳаммад Бахш Мавлавийда наҳв ва сарфни ўқиди. У зотнинг баъзи рисолалари бор: «Тасфиятул қулуб», «Имдодус сулук», «Зубдатул маносик» ва бошқалар. Етук шогирдларидан бири Шайх Муҳаммадяҳё Кандеҳлавий устозининг «Жоме-ат Термизий»дан дарсларини жамлаб «Ал-Кавкаб Ад-Дурий» номи ила босмадан чиқарди. 1323 йилда жумодул-аввал ойининг жума кунида вафот этдилар.

Бу шарҳ ҳажми кичкина ва фойдаси кўплиги билан бошқа шарҳлардан ажралиб туради. Бу шарҳ жуда муҳимки, буни фақат «Жоме-ат Термизий»ни кўп муддат дарс берган, дақиқ жойларини билган, кишиларгина билади. Сўзларни қисқа гап ила ривоят қилган, ортиқчаликка йўл қўймаган, шарҳда яна муаллифни қалби поклиги, ёрқинлиги, муҳаббати ила чиққан дақиқ нуқталар баён қилинган. Баъзи важҳларни баъзисидан таржиҳ қилишда тўғри сўз бўлиши, маънолар ичидан бир маънони дақиқ ва кўп шуғулланиши билан таъйин қилиб олиши, ва ҳанафий мазҳабига келган таъналар га жавоб бериши билан ҳам ажралиб туради.

Мусаннифнинг адабий топқирлиги кўп ўринларда билиниб туради. Бу шарҳни жамлаган Муҳаммад Закарийё бу китоб матнларига бир булоқдан суғорилган бошқа шарҳ китоблардан қўшади. Масалан «Базлул мажҳуд»,»Ломе ад-Дарорий» ва бошқа китоблардан қўшган. Яна ўта фойдали,яширин жойларини очиб берадиган,мужмал жумлаларни равшанлаштирадиган таълиқ қўшган. Тўрт мазҳаб китобларидан олган маълумотларни зикр қилган.[12]

5. «Ал-Арф аш-шазий ала Жоме-ат Термизий».Муҳаммад Анваршоҳ ал-Кашмирийнинг икки жузъдан иборат асари. (бу асар ҳам Ҳиндистонда чоп этилган)

Муҳаммад Анвар ибн Муаззамшоҳ ибн Шоҳ Абдулкабир ибн Шоҳ Абдулхолиқ ал-Базурий ал-Кашмирий 1292 (ҳижрий) йилда 27 шавволда шанба куни Кашмирнинг Вуднон қишлоғида туғилган. Даслабки билимни отасидан олди, ва яна баъзи асарларни шаҳар уламоларидан олди. Кейинчалик Ҳазорага бориб мантиқ, фалсафа каби фанларни таълим олиб,ундан кейин илм маркази бўлган Девбандга бориб ҳадис китобларини таълим олди ва қолган илмларини ҳам тўлдириб олади. Кейин эса пойтахт Деҳлига боради. У ерда илм тарқатади,илм маъҳади очди. Мадинада ҳам яшаб Маҳмудия каби катта кутубхоналарда китоблар мутолаа қилган. Сўнг ўз юртига қайтади.

Бу зот бир неча асарлар муаллифи ҳисобланади . Масалан: «Файзул Борий ала шарҳил Бухорий», «ал-Арфуш шазий мин жомеи Термизий», Саҳиҳи Муслим,Сунани Ибн Можа ва Сунани Абу Довудларга ҳошиялар ёзган.

Бевосита шарҳга келадиган бўлсак бу шарҳ имом Кашмирий Девбанддаги Дорул-улумда дарс берганларида айтган шарҳи бўлиб уни шогирдлари ёзган. Бу ҳақида Аллома Баннурий Нуҳфатул-анбар китобида қуйидаги фикрни айтадилар.

---

[12] Рашид Аҳмад, Кавкабуд дуррий фи жомеъи термизий. – Байрут, 2014. 592 б.

«Бу улуғ зотнинг китоблари сирасига «Арфуш шазий ли Жоме-ат Термизий» асарини қўшиш мумкин. Бу китоб Шайх Кашмирий дарс давомида толиби илмларга айтган сўзларидир. Биз биламизки, дарс давомида шу дарсни ипидан игнасигача айтиш ўта қийин иш. Лекин бу зот буни уддалади. Ҳинд уламолари наздида бу китобнинг қадри баланд. Бу китоб жуда кўплаб ёпиқ эшикларни очади. Ҳеч бир киши буни инкор қилолмайди. Бордики, ким буни инкор қилса куфрони нимат қилган бўлади».

Умумий олганда шарҳ кўп жилдли бўлмасада лекин, одатда учрайдиган қийин,мушкул жойларини алоҳида эҳтимом билан шарҳланган. Чунки «Жоме-ат Термизий»дан кўп дарс ўтган, шуғулланган инсон бу шарҳ энг муҳим жойларини ўз ичига олганини мутолаа давомида англайди. Икки жилд иборат шарҳнинг биринчи жилди муқаддима, Имом Термизийнинг қисқача таржимаи ҳоли,усулул ҳадис борасидаги рисолани ичига олади ва «Таҳорат китоби» дан бошланиб «Либослар китоби» билан шарҳнинг биринчи жилди тамомланади. Иккинчи жилди «Таомлар китоби» дан бошланиб, «Маноқиблар китоби» билан Жомеи Термизий тугаб,китоб охирида Имом Термизийнинг «Илал» ва «Шамоили Муҳаммадийя» китоблари келтирилади. Шарҳ давомида Шамоили Термизий ҳам алоҳида шарҳ қилинган. Бу китоб алоҳида китоб ҳисоблансада лекин ўқитилишда Жомеи Термизий китоби билан бирга ўқитилади, шу сабабдан Жоме-ат Термизий билан қўшиб шарҳланган.

Умумий олганда бу шарҳ Ҳанафий мазҳабида шарҳланган ва мазҳаб қўллаб қувватланган, келадиган таъналарга жавоблар берилган. [13]

6. «Маъорфис-Сунан». Муҳаммад Юсуф ибн Саййид ал-Баннурининг асаридир. Бу зот Афғонистоннинг Пешавор шаҳрида илм ва фазл тарқаган уйда ҳижрий 1326 йил робиус сонийнинг 6 кунида таваллуд топганлар. Пешавор ва Афғонистон пойтахти Қобулда ўсиб улғайдилар. У ерда Қуръони карим, бошланғич араб тили, исломий билимларни отаси, тоғаси ва Пешавор уламоларидан ўргандилар. Сўнгра Девбанддаги «Исломия» олийгоҳида ўқидилар. У зот олийгоҳда тафсир, ҳадис, фиқҳ фанлари билан шуғулланиб, катта-катта уламолардан дарс олдилар. Ҳадис борасида у кишининг катта шайхларидан Шабир Аҳмад Усмоний ва аср имоми Анваршоҳ Кашмирий раҳимаҳуллоҳларни зикр қилиш мумкин. Муҳаммад Юсуф устоз Анваршоҳ Кашмирий раҳимаҳуллоҳдан кўплаб фойдалар олганлар. Ундан кейин устозларининг таклифига биноан Покистондаги «Дорул улум» олийгоҳига ўқишга келадилар. Умуман олганда, шайхимиз ярим аср исломий илмларни дарс бериш билан шуғулландилар. Жумладан, «Сиҳоҳи ситта», Имом Моликнинг «Муватто»ларидан дарс берганлар.

Муҳаммад Юсуф ибн Саййид ал-Баннурийнинг «Маъорифус сунан» асарларидан бошқа бир неча асарлари ҳам бор. Масалан, «Буғятул ариб фий масаилил қиблати ва маҳариб», «Нафҳатул ‘анбар фий ҳадйи шайхил Анвар» каби асарларини, бир неча араб ва урду тилларидаги илмий мақолаларини келтириб ўтиш мумкин.

---

[13] Анвар Шоҳ Кашмирий. Арфуш шазий шарҳу жомеъи термизий, дору иҳёи удумид дин. Деҳли 2012. 467 б.

1397 йил зулқаъда ойининг 3 куни тонгида «Дорул бақо»га риҳлат қилдилар. Муборак қабрлари Карачи шаҳридадир.

«Маъорифус сунан» асари ислом уммати ичида тўрт фиқҳий мазҳабни кенг шарҳланганлиги жиҳатидан алоҳида эътиборга лойиқдир. Имомлар ўртасидаги Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳнинг фикрлари ва уларнинг далилларини ишончли қилиб келтириб ўтганлар. Бу асар Жомеи Термизий асари шарҳлари ичида ўзининг ҳадисларни фиқҳ ва усул жиҳатидан мукаммал ўрганилганлиги билан ажралиб туради. Шунингдек, асар Жомедаги мушкул жойларни очиб беришда, маъноси мужмал бўлган ўринларни ёритиб беришда ўзининг адабий иборалари ва гўзал услуби билан кўзга ташланади.

Шайх бу шарҳ ичида устози Анваршоҳ Кашмирий раҳимаҳуллоҳ ва замонаси уламоларининг фикрларини келтириб ўтганлар. Қолаверса, жумлаларни тартиблаб келтиришда ўзгача йўл тутганлар. Бу китобда Жомеи Термизийнинг «Ҳаж» китобининг охиригача шарҳланган. Бу шарҳ 6 жилд қилиб нашр этилган.

Шайхимиз бу асарларини тамомига етказишни хоҳлаганлар, бироқ Аллоҳ таолонинг қадари ҳамма нарсадан устундир. Аллоҳ таолодан уламолардан бирорталари бу шарҳни охиригача етказишига муваффақ қилишини сўраймиз. [14]

7. «Шарҳ Сунанут Термизий». Муҳаммад ибн Абдуқодир Абу ат-Таййиб ал-Маданийнинг «Шарҳ Сунанут Термизий» асари. Бу шарҳ ҳақида маълумот манбаларда топилмайди.

8. «Таҳқийқ ва шарҳ Жоме-ат Термизий». Аҳмад Муҳаммад Шокирнинг «Таҳқийқ ва шарҳ Жоме-ат Термизий» асари. (ўндан икки қисми 1937 йидда Мустафа ал-Бобий ал-Ҳалабий томонидан нашр қилинган).

9. «Шарҳ Сунанут Термизий». Сирож Аҳмад ас-Сарҳандийнинг «Шарҳ Сунанут Термизий» номли форсча шарҳи. Бу шарҳ ҳақида маълумот манбаларда топилмайди.

10. «Ҳошия ала Сунанут Термизий». Абул-Ҳасан Муҳаммад ибн Абдулҳодий ас-Синдийнинг «Ҳошия ала Сунанут Термизий». Бу зот Синд шаҳрининг Таттаҳ қишлоғида туғилиб, ўша ерда улғайди. Кейинчалик Тустар шаҳрига сафар қилди ва у ерда бир неча шайхлардан таълим олди. Шундан кейин Мадинаи мунаввара сафар қилиб, у ерни ватан тутди. Ҳарами шарифда даср бериш билан машғул бўлди ва фазилат, топқирлик, салоҳиятда шуҳрат қозонди. Бир неча асарлар муаллифи ҳисобланади. Ўша асарлардан олтита саҳиҳ китобларга ҳошиялар битган. Имом Аҳмад ибн Ҳанбалнинг «Муснад»ларига ҳам ҳошия ёзганлар. Шунингдек, «Тафсири Байзовий»га ҳам ҳошиялари бор. Олтита саҳиҳ китобга ёзилган ҳошиялар ичида Термизийнинг Сунанларига ёзган ҳошиялари тўлиқ бўлмай қолган. Бу асар ҳақида маълумотлар топилмайди.

Имом Синдий 1138 йилда Мадинаи мунаввара вафот этган ва Бақиъ қабристонига дафн қилинган. [15]

---

[14] «Маъорифус сунан». Дору Саид каманбий. Ҳижоз 1413.ҳ. 257 б.

[15] «Ҳошия ала сунан ат-Термизий». Дору маъсур.. Ҳижоз 1999. 435 б.

11. «Шарҳ ал-Жомиъ лит-Термизий». «Шарҳ ал-Жомиъ лит-Термизий» номли шарҳ Зайнуддин Абдурраҳмон ибн Аҳмад ибн ан-Набий ал-Ҳанбалий (вафот йили номаълум)нинг қаламига мансуб бўлиб, йигирма жилдда тугалланган, лекин қандайдир бир фитна вақтида ёниб кетган

12. «Нафхуш-шазийъ лижамиъ ат-Термизий». «Нафхуш-шазийъ лижамиъ ат-Термизий». Ҳофиз Абдул-Фатҳ Муҳаммад ибн Саййид ан-Нос ал-Ямарий аш-Шофиъй унинг муаллифидир. Бу зот 671 йилда Қоҳирада таваллуд топади. Ёшлигидан илмга чанқоқ бўлиб улғайди, жумладан ҳадис илмига бўлган қизиқиши сабабли кўплаб шаҳарларга сафар қилади. «Нафхуш-шазийъ лижамиъ ат-Термизий» асарининг ўзига хос хусусиятлари:

1) Муаллиф ҳадис илми борасида ҳамманинг эҳтиёжи тушадиган зот эди. Ҳатто, бу шарҳда келган баъзи фикрлари жуда машҳур бўлган;

2) Шарҳ «Жомиъ ат-Термизий» шарҳлари ичида биринчи ёзилгани ҳисобланади;

Муаллиф асарнинг учдан бир қисмига етган. Гарчи у ўн жилддан иборат шарҳ битган бўлсада, уни охирига етказиш учун фурсат топмаган. Шарҳнинг бунчалик чўзилиб кетишлигининг боиси шундаки, муаллиф ўз асари доирасини фақат ҳадис фанига алоқадор масалалар билан чеклаб қолмай, балки унга бошқа фанларга доир маълумотларни ҳам киритган. Аллома ал-Чалабий шундай деган: «Агар муаллиф ўз шарҳида фақат ҳадис фани билан чегараланганда эди уни тамомига етказар эди, лекин у (муаллиф) Аллоҳга ҳамд айтамизки, ҳимматли иш қилган. Сўнгра ундан қолганларини охирига етказган ал-Ҳофиз Зайнуддин Абдураҳим ибн Ҳусайн ал-Ироқий бўлиб, «ал-Алфия»нинг муаллифи (вафоти 1403 йил)дир. Бу китобнинг тўлиқ бир нусхаси Мадинаи Мунаввардаги кутубхонада сақланади. [16]

13. «Ал-Аърф аш-шазий аъло Жоме-ат Термизий**»**нинг муаллифи Сирожиддин Умар ибн Раслан ал-Балқийний аш-Шофиъий (вафоти 1402 йил). Ушбу шарҳ Имом Термизий асарининг бир қисмига бағишланиб, шарҳ охиригача етказилмаган.

14. «Инжазул ваъдил вафий лит-Термизий» нинг муаллифи аллома Сирожиддин Умар ибн Али ал-Мулаққин роҳимаҳуллоҳ бўлиб, 763 йилда Қоҳирада таваллуд топганлар. Оталари унинг ёшлигидаёқ вафот этган. Уни Исо Мағрибийнинг қарамоғига ташлаб кетган эди. Бу зот ёшлигиданоқ диний илмлар билан шуғуллана бошлади. У зот Мисрдан ташқарига ҳам кўплаб сафарлар қилади. Ҳижрий 804 йилда вафот этган.

Бу асар Имом ал-Бухорий ва Имом Муслимнинг «Саҳийҳ» ва Абу Довуд асаридан ортиқча ат-Термизийда келтирилган ҳадисларнинг шарҳидир. Шунингдек бу шарҳ моликий мазҳабига кўра шарҳланган. [17]

15. «Ал-Лубб ул-албоб фий мо яқулу ат-Термизий фил-боб». «Ал-Лубб ул-албоб фий мо яқулу ат-Термизий фил-боб» номли шарҳнинг муаллифи Шайх ул-ислом ал-Ҳофиз ибн Ҳажар ал-Асқалоний (вафоти 1448 йил) бўлиб, бир жилддан иборат бу шарҳнинг қўлёзмаси Мадинаи Мунаввардаги қутубхонада сақланади. Бу жуда ҳам муҳим асар бўлиб, Имом Термизий фиққий масалаларга доир». . . ҳақидаги бобда»

---

[16] Нафҳуш-шазий лижамиъ ат-Термизий". Дорул осима. Риёз 2012. 234 б.

[17] Сирожиддин Умар. «Инжазул ваъдил вафий лит-Термизий» Байрут 2015. 235 б.

зикр қилинган ҳадисларни баён қилишга бағишланган. Ушбу ҳадислар жарҳ (иллатлари) ва уларнинг тузатиш (таъдийл)лари билан биргаликда муфассал ҳолда баён қилинган.

16. «Нафъ Қут ал-муғтазий». «Нафъ Қут ал-муғтазий»нинг муаллифи аллома ас-Саййид Али ибн Сулаймон ад-Думантий ал-Бажмаъвий ал-Мағрибий ал-Моликий аш-Шозилий (вафоти 1877 йил). «Жомиъ ат-Термизий» нусхасининг ҳошиясида чоп этилган. Муаллиф аллома Жалолуддин ас-Суютийнинг олдин зикри ўтган шарҳини мухтасар ҳолга келтириб, китоб аслининг фойдали томонларига бир қадар халал етказганки, китобнинг номи «Нафъ Қут ал-Муғтазий» ибораси маъносини йўқотган. Бу асар Қоҳира ва Деҳлида чоп этилган.[18]

17. «Шарҳ ал-Жомиъ лит-Термизий». «Шарҳ ал-Жомиъ лит-Термизий» ҳам Шайх ул-ислом ал-Ҳофиз ибн Ҳажар ал-Асқалонийнинг (вафоти 1148 йил) қаламига мансуб бўлиб, муаллиф уни «Саҳийҳ ал-Бухорий»га ёзган йирик шарҳи «Фатҳ ал-борий»да зикр қилган.

18. «Шарҳ ал-Жомиъ лит-Термизий». «Шарҳ ал-Жомиъ лит-Термизий» аш-Шайх Абул-Ҳасан ибн Абдулҳодий ас-Санадий ал-Мадиний (вафоти 1728 йил) битган бу шарҳ жуда гўзал бўлиб, муаллиф уни ал-Ҳарам аш-Шарифда (Маккада) таълиф этган. Асар қирқ қисм (жуз)дан иборат. «Шарҳ ал-Жомиъ лит-Термизий»нинг муаллифи аллома Абу ат-Таййиб (Муҳаммад ибн ат-Таййиб) ас-Санадий (ал-Мадиний), вафоти 1698 йил), бу шарҳ араб тилида «би қавлиҳи» «вақавлуҳу» дейилиб, унинг бир қисми чоп ҳам этилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржимаси ва тафсири. Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёти. 2009 й. 624 бет.
2. Таржима ва изоҳлар муаллифи Шайх Алоуддин Мансур. Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Тошкент: «Чўлпон» нашриёти. 1992 й.
3. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. Тошкент: «Шарқ» нашриёти. 2008 й.
4. Ислом энциклопедия. З.Ҳусниддинов таҳрири остида. Тошкент: «Ўзбекистон милий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти. 2003й..
5. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳи Бухорий. Биринчи китоб. Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти. 2008 й.
6. Олтин силсила: 1-жуз. Саҳиҳул Бухорий. Тошкент: «Ҳилол-Нашр» нашриёти. 2014 й.
7. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва Ҳаёт. 4-жуз Поклик китоби.Тошкент: «Шарқ» нашриёти. 2011й.
8. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва Ҳаёт. 5-жуз Намоз китоби. Тошкент: «Шарқ» нашриёти. 2008й.

[18] Саййид Али Мағрибий. Нафъ Қут ал-муғтазий. Дору изваус салаф. Байрут. 443 б.

9. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва Ҳаёт. 19-жуз Оламларга раҳмат пайғамбар китоби. Тошкент: «Ҳилол-Нашр» нашриёти. 201

ИМОМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ИЛМ ЙЎЛИДА ҚИЛГАН САФАРЛАРИ

Имомиддин Бобоқулов Рамазонович*

Аннотация. Ушбу мақолада Имом Термизий илм ўрганишда Термиз аҳлидан бўлган ва у ерга ташриф буюрган уламолар билан чекланиб қолмасдан, илм олиш мақсадида бошқа юртларга ҳам узоқ сафарларга чиққанлиги ҳақида сўз юритилади. Термизий бутун ҳаётини ҳадис ўрганиш ва уни ўргатишга бағишлаб, ўз даврининг етук муҳаддиси сифатида кўплаб шогирдларга устозлик ҳам қилганини очиб беради.

Калит сўзлар: Термиз, Хуросон, Нишопур, Балх, Рай, Бағдод, Куфа, Басра, Макка, Мадина.

Abstract. In this article, it is written that Imam Termizi did not limit himself to the scholars who were from the people of Termiz and visited there, but also went on long journeys to other countries for the purpose of learning. Tirmidhi reveals that he dedicated his whole life to the study and teaching of hadith, and as a mature muhaddith of his time, he also mentored many students.

Keywords: Termiz, Khorasan, Nishapur, Balkh, Rai, Baghdad, Kufa, Basra, Mecca, Medina.

Имом Термизий илм ўрганишда Термиз аҳлидан бўлган ва у ерга ташриф буюрган уламолар билан чекланиб қолмасдан, илм олиш мақсадида бошқа юртларга ҳам узоқ сафарларга чиқади. Ёшлигидан илм-фанга ташна бўлган Абу Исо Термизий ўз билимини ошириш борасида 850 йилдан, яъни 26 ёшидан бошлаб қатор хорижий мамлакат ва шаҳарларга сафар қилган. Илмий сафарлари давомида кўплаб кишилардан ҳадислар эшитади. Бухоро, Самарқанд, Марв, Нишопур, Балх, Рай, Бағдод, Куфа, Басра, Макка, Мадина каби шаҳарларда машҳур муҳаддис ва уламолардан таълим олади. Илмий мунозара ва баҳсларда иштирок этади. Имом Термизий ўз ватанида ва хорижий юртларда юздан ортиқ устозлардан илм олиб, ҳадислар ривоят қилган. Илм эгаллашда ва уни янада мустаҳкамлашда ўз даврининг кўплаб машҳур олимларидан таҳсил олган.

Муҳаммад Термизий маълум ва машҳур устозларидан Қутайба ибн Саид Сақафий, Муҳаммад ибн Башшор Басрий, Маҳмуд ибн Ғайлон Адавий, Муҳаммад ибн Ало Ҳамадоний Кўфий, Абу Ҳасан Али ибн Ҳужр Марвазий, Абу Муҳаммад Абд ибн Ҳумайд Кеший, Имом Доримий, Имом Бухорий, Имом Муслим, Абу Довуд, Қутайба ибн Саъид, Исҳоқ ибн Роҳавайҳ, Маҳмуд ибн Ғайлон Марвазий, Сувайд ибн Наср Марвазий, Суфён ибн Вакийъ Кўфий каби таниқли муҳаддисларни келтириш мумкин.

Имом Термизий бутун ҳаётини ҳадис ўрганиш ва уни ўргатишга бағишлаб, ўз даврининг етук муҳаддиси сифатида кўплаб шогирдларга устозлик ҳам қилди. Унинг шогирдлари Муҳаммад ибн Аҳмад Марвазий, Абу Саъид Ҳайсам ибн Кулайб Шоший, Ҳаммод ибн Шокир Насафий, Абу Мутиъ Макҳул ибн Фазл Насафий, Абу Ҳомид Аҳмад ибн Али Найсобурий, Абу Ҳусайн ибн Юсуф Фирабрий, Довуд ибн Наср Паздавий,

* *Имом Термизий ўрта махсус ислом таълим муассасаси ўқитувчиси*

Муҳаммад ибн Суфён Насафий, Наср ибн Муҳаммад Ширакасий Самарқандий, Аҳмад ибн Юсуф Насафий ва бошқалар шулар жумласидандир**.**

Имом Термизийнинг устози Имом Бухорийга бўлган ҳурмати юксак даражада эди. Имом Бухорий 863–868 йиллари Нишопурда яшаган даврда Муҳаммад Термизий унинг дарсларида қатнашади. Бу беш йил мобайнида Имом Бухорийдан ҳадис ва унга тааллуқли бошқа илмларни ўрганади. У *“Ҳадис илмида Ироқда ҳам, Хуросонда ҳам Муҳаммад ибн Исмоил (Имом Бухорий)дан кўра илмлироқ бирор кишини кўрмадим”,* – дея устозига бўлган чексиз ҳурматини намоён қилади.

Имом Бухорий ҳам шогирди Абу Исо Термизийга юқори баҳо бериб: “*Сен мендан фойдаланганингдан кўра мен сендан кўпроқ фойдаландим* ”, – деб таъкидлаган. Имом Бухорийнинг шогирди Имом Термизийга бундай юксак баҳо бериши Имом Термизийнинг қанчалик даражада илмга эга эканини кўрсатади. Имом Термизий 20 ёшга етганларида Хуросон шайхларидан Исҳоқ ибн Роҳвайҳ Марвазий ва бошқалардан илм ўргандилар, сўнг 25-26 ёшларида Ироққа (Басрага) бориб, у ердаги алломалардан дарс олдилар. Ундан сўнг Ҳижозга кетдилар. Хуросоннинг бир неча шаҳарлари, Ироқ, Ҳижоз ва бошқа ўлкаларга сафар қилганлар. Имом Заҳабий айтишига қараганда, Имом Термизий Миср ва Шомга бормаганлар, у ерлик муҳаддислардан восита орқали ҳадис ривоят қилганлар. Айрим тадқиқотчилар Имом Термизий Бағдодга бормаган, деган фикрни айтишади. Чунки Хатиб Бағдодийнинг “Тарихи Бағдод” асарида бу ҳақида хабар берилмаган дейишади. Бироқ Имом Термизий 241/855 йилда вафот этган бағдодлик тўрт нафар муҳаддисдан бевосита ривоят қилганлар. Аммо ўша йили вафот қилган буюк муҳаддис ва мужтаҳид Имом Аҳмаддан ҳадис ривоят қилиш бахтига муяссар бўлмаганлар. Демак, Имом Термизий ўша йилнинг ўрталарида Бағдодда бўлганлар. Умуман олганда, Имом Термизий бағдодлик ва Бағдодда яшаётган муҳаддисларнинг ўттиз саккиз нафаридан ҳадис ривоят қилган бўлиб, уларнинг охиргиси 243/858 йилида вафот этган. Демак, аллома бобомиз ўша даврда илм, айниқса, ҳадис илми марказларидан бири бўлган Бағдодга 855-858 йиллар оралиғида борганлари маълум бўлади. Бу саёҳатлари кўп йиллар давом этди, имом Термизий Термизга 250/864 йилдагина қайтиб келдилар, бунга қараганда, тахминан 20 йил давомида ўзга юртларда ҳадисларни ўрганиб, йиғиб юрганлар. Имом Бухорий билан Нишопурда (250 ҳижрий йил) учрашиб, кўп ҳадислар хусусида музокаралар олиб борганлари ҳақида маълумотлар бор. Шундан сўнг “Ал-жомиъ-ас-саҳиҳ” (“Сунани Термизий”) китобларини ёза бошлаганлар. Термизий олдинги имомларнинг кўплари билан кўришганлар ва улардан баҳраманд бўлганлар.

Термизий даври ҳижрий III аср, ҳадис илмларида буюк юксалиш бўлган давр эди. Қутуби ситта олти энг машҳур ҳадис китоби муаллифи бўлган имомлар, яъни олти энг улуғ муҳаддис ана шу олтин даврда яшаб камол топдилар.

Имом Абу Исо Термизий илм учун сафарбар қилинган, ҳадис илмини эгаллаш ва ёзиб қолдириш истагида сафарлар билан кечган мазмунли умрдан сўнг ҳижрий 279 йил, ражаб ойида Термизга қарашли, ундан олти фарсах узоқликда жойлашган Буғ қишлоғида Роббилари ҳузурига риҳлат қилдилар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ёшлигидан илм-фанга ташна бўлган Абу Исо Термизий ўз билимини ошириш борасида 850 йилдан, яъни 26 ёшидан бошлаб қатор хорижий мамлакат ва шаҳарларга сафар қилган. Илмий сафарлари давомида кўплаб муҳаддислардан ҳадис илмини пухта эгаллаганлигини кўришимиз мумкин. Узоқ йиллар давом этган сафарлари чоғида Термизий нафақат ҳадис илмидан, балки илм ал-қироат, ал-баён, фиқҳ, тарих каби фаннинг бошқа соҳалари ҳамда кўплаб устозлардан сабоқ олганлари маълум бўлди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Шамсуддин аз-Заҳабий. Сияр аълом ан-нубало. 13-жилд.-Байрут: Муассаса ар-Рисола ,1992.
2. Муҳаммад Абдураҳмон ибн Абдуроҳим. Муқаддима Туҳфатул-Аҳвузий. – Байрут, Дорул кутуб илмийя 1990. –В. 242.
3. Имом Самьоний. Ансоб. – Байрут, Дорул Муҳаммад Амин, 1401. Ж.2. – Б.361.
4. Тақиюддин Исирдий. Фазоилал-китаб ал-Жомеъ. – Байрут, Оламул кутуб, 1409 ҳ. – Б. 40.
5. Имом Термизий. Сунан Термизий. – Риёз, Байту-л-афкор, 1999. –Б.

ИМОМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ҲАЁТИ, МАЪНАВИЙ-ИЛМИЙ МЕРОСИ ВА АҲАМИЯТИ

Шахноза Раззоқова Жўраевна*

“Буюк аллома ва адибларимиз, азиз авлиёларимизнинг
бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг
жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур
ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида
этибор беришимиз керак”.
Шавкат Мирзиёев

Аннотация. Ушбу мақолада Абу Исо Термизийнинг ҳаёти, маънавий мероси, Термизий томонидан баён этилган ҳадислар ва унда инсонни ҳалоллик, адолат, эътиқод, диёнат, поклик, меҳнатсеварлик, муруватлилик, меҳр-шавқат, ёши катталар, ота-она ва қариндошларга ҳурмат ғоялари илгари сурилган ҳамда, шахс таълими ва тарбиясини ташкил этиш каби буюк мероси ёритилган.

Калит сўзлар: Ислом дини, поклик, камтарлик, холислик, бир-бирини қадрлаш ва маънавий мададкор, ўзгаларга меҳроқибат кўрсатиш, сахийлик, очиқ кўнгиллилик, ота-она, катталар ва қариндошларга нисбатан мурувватли бўлиш.

Abstract. In this article, the life and spiritual heritage of Abu Isa Tirmidhi, the hadiths narrated by Imam Tirmidhi and the ideas of honesty, justice, faith, piety, purity, hard work, kindness, compassion, respect for the elderly, parents and relatives are discussed in it. and its great heritage, which serves to form personal education and upbringing, is highlighted.

Keywords: Islam, purity, modesty, impartiality, valuing each other, showing kindness to others, generosity, open volunteering, being kind to parents, elders and relatives.

Юртимиз Ислом нури ила мунаввар бўлган аср инсоният тарихида Шарқ уйғониши даври деб аталади. Ўша асрдан бошлаб диёримизда бутун дунёга мударрис бўлган, бутун Ислом оламида эътироф қилинган буюк алломалар етишиб чиқа бошлаган. Хусусан, Ислом умматига Қуръони Каримни тафсир қилиш ҳамда саҳиҳ ҳадиси шарифларни етказиш ва шарҳлаш борасида буюк ватандошларимизнинг хизмати беқиёс бўлган.

Ана шу буюк муҳаддислардан бири – буюк ватандошимиз имом Термизий раҳматуллоҳи алайҳдир. Бу зотнинг тўлиқ исми шарифлари **Абу Исо Муҳаммад ибн Исо аз-Заҳҳок ас-Суламий ал Буғий ат-Термизий**дир. Имом Термизий болалигидан ниҳоятда зийраклиги, мисли кўрилмаган ўткир хотираси, ноёб иқтидори билан тенгқурларидан ажралиб турган Термизий турли фанларни, айниқса ҳадис илмини алоҳида қизиқиш билан эгаллайди. У замонасининг буюк муҳаддисларидан ҳадис тинглаш мақсадида Ислом оламининг кўпгина мамлакатларига сафар қилади, узоқ йиллар Ироқда, Исфаҳон, Хуросон, Маккаи Мукаррама ва Мадинаи Мунаввара да яшайди.

---

* *«Жўйбори калон» ўрта махсус аёл-қизлар ислом таълим муассасаси ўқитувчиси.*

Манбаларда ёзилишича, ҳадисларни тўплашда ва ўрганишда Термизий ҳар бир қулай фурсатдан унумли фойдаланган. У йўлда, сафарда бўлганда ҳам ёки бир жойда муқим турганда ҳам ўз устозларидан, учратган ровийларидан эшитган ҳадисларни дарҳол ёзиб олиб, уларни тартибли равишда, алоҳида-алоҳида қайд қилиб броган.

Имом Бухорий билан Имом Термизий ўрталаридаги илмий-амалий ҳамкорлик

Имом Бухорий билан Имом Термизий ҳазратларининг устоз шогирдлик фаолияти, дўстликлари беқиёсдир. Чунки бу муносабат ва дўстлик илму маърифат оламига, ҳадис оламига, ислом оламига кўп улуғ самаралар берган. Бу икки беназир зотнинг устоз-шогирдлик ва дўстлик фаолиятида **уч муҳим жиҳат** кўзга ташланади.

Биринчи. Диннинг поклиги ва ҳадислар саҳиҳлигини сақлашда ҳамкорлик қилиш, устозлик ҳурматини сақлаш, вафо ва садоқат кўрсатиш, устоз сўзига эҳтиром ва эътимод билан қараш, ҳар бир ихтилофли масалада, ҳадислар исноди ва сифати масалаларида ҳузури дил билан маслаҳатлашган.

Иккинчи. Устознинг ҳукми ва хулосасига эҳтиром сақлаган ҳолда ўз асарида мустақил йўл танлаш, баъзи ўринларда устоз билан баҳс мунозарага киришиш, устозни такрорлашдан ва тақлид қилишдан қочиш бўлган.

Учинчи. Камтарлик, холислик, бир-бирини қадрлаш ва маънавий мададкор бўлишдан иборат эди.

Имом Бухорий ўз шогирдлари Имом Термизийни ғоят қадрлаб, камтаринлик билан: **“Сен мендан баҳраманд бўлганингдан ҳам кўра мен сендан кўпроқ баҳраманд бўлдим**”, дейдилар. Бу сўз Термизийга берилган улкан баҳо бўлиши билан бирга, Имом Бухорий ҳазратларининг улуғ қалбли, меҳрибон, адолатли устоз ва самимий дўст эканликларга далилдир. Бу икки зотнинг муносабати, самимияти ва меҳр-муҳаббати оламдаги илм аҳлига ибрат бўлгулик улуғ воқеадир.

Термизийнинг шахси ва асари ҳақида уламоларнинг фикрлари

Ҳофиз Абул-Фазл Муҳаммад ибн Тоҳир ал-Мақдисий, Ҳасан ибн Аҳмад Абу Муҳаммад ас-Самарқандийдан, Абу Бишр Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Амрдан, Ҳофиз Абу Саъид Абдурраҳмон ибн Муҳаммад ал-Идрисийдан нақл этиб, бундай дейди: “**Ҳофиз ва аъмо (кўзи ожиз) Муҳаммад ибн Ийсо ибн Савра Термизий ҳадис илмида иқтидо этиладиган (эргашиладиган) имомлардан биридур. «Ал-Жомиъ», «Ат-Таворих» ва «Ал-Ҳол» китобларини олим ва дироятли (дониш-идрок ва тажрибали) бир инсон сифатида қаламга олган. Ҳофизаси кучлилиги жиҳатдан ўрнак қилиб кўрсатилар эди.**

Самъоний «Ал-Ансоб» китобида Термизийни бундай тавсиф этади**: «Муноқашасиз, у ўз асрининг имоми бўлиб, турли таснифлар соҳибидир».**

Ибн Ҳалқон ҳам у зотни**: «Ҳадис илмида иқтидо этиладиган имомлардан биридир», деб тавсифлайди.**

Ал-Ҳоким Абу Аҳмад, ўз устозларидан биттаси Термизий ҳақларида бундай деганини баён этади**: “Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий вафот этганларида Хуросонда эдим. У кишининг ортидан илм, ҳифз, вараъ ва зуҳд бобида Абу Исо Термизийдек бошқа бир зот қолмади. Термизий йиғлайверганларидан кўзларидан жудо бўлиб қолдилар ва бир неча йил аъмо (кўрмас) ҳолатда яшадилар”** деб таъриф берилган эди**.**

Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий Маккаи мукаррамага — ҳажга кетаётиб, йўлларда кўп машҳур муҳаддислар билан учрашадилар, мулоқот ва суҳбатда бўладилар. Ана шундай олимлардан биридан ҳадисдан сабоқ беришни илтимос қиладилар. У олим: **«Бўлмаса, қоғоз-қалам олинг», дейди. Аксига олиб, шу маҳал ат-Термизий қалам топа олмайдилар ва олимнинг рўпарасига ўтириб, эшитган ҳадисларини ёзиб олаётгандек қўлларини қоғоз устида ҳаракатлантириб турадилар. Олим эса олтмишга яқин турли-туман ҳадислардан баён этади. Шу аснода олим қоғозга қараб, унда ҳеч нарса ёзилмаганини кўриб, аччиқланади ва: «Нима, сен менинг вақтимни зоэъ қилмоқчимисан?»** — деб койийди. Ат-Термизий эса бамайлихотир: «Сиз сўзлаган ҳадисларни ёддан айтиб берайинми?» дейдилар ва ҳозиргина олимдан эшитган ҳадисларнинг ҳаммасини бирбир айнан баён этадилар. Устоз-олим эса ат-Термизийнинг хотираси кучлилигидан ҳайратланиб, ёқа ушлайди.

Шунга ўхшаган бир воқеа Имом Термизийнинг ўз тилларидан ҳам нақт қилинади. Ўшанда у кишига қирқта ҳадис баён қилган Шайхнинг барча ҳадисини ат-Термизий бир-бир айнан айтиб берадилар ва Шайх тан бериб: «Сенга ўхшаганини ҳеч қачон кўрмаган эдим», дейди.

Дарҳақиқат, Имом Бухорий, Имом Термизийдек азиз ватандошларимизнинг ҳадис ёдлаш ва йиғиш истеъдодлари ўзларига хос Аллоҳнинг марҳамати эди.

Ҳадисларнинг мазмуни ва тарбиявий аҳамияти

Имом Термизийнинг ҳадисларида инсоннинг камолотга эришиши учун талаб этиладиган инсоний фазилатлар ифода этилган болиб, ўзгаларга меҳроқибат кўрсатиш, сахийлик, очиқ кўнгиллилик, ота-она, катталар ва қариндошларга нисбатан мурувватли бўлиш, уларга ғамхўрлик қилиш, ватанга муҳаббат, меҳнат ва касб-ҳунарни улуғлаш, ҳалоллик, поклик, дўстлик, олийжаноблик, раҳм-шафқатлилик, камтарлик, ростгўйлик ва виждонийлик каби хислатлар киритилади. Бундан ташқари, инсоннинг ўзини ёмон иллатлардан тийиши, яхшилик сари интилиши кераклиги борасидаги панднасиҳатлар ҳам оз аксини топганки, буларнинг барчаси Қуръони Каримда қайд этилган кўрсатмаларга асосланилган ва комил инсонни шакллантиришда асосий мезон бўлиб хизмат қилади. Имом Термизий ҳадисларда инсон маънавий камолотининг мезони, унинг тафаккур доираси, дунёқарашининг кенглиги, илмий билимларни қай даражада эгаллаганлиги, ўз билими билан атрофдагилар ва жамиятга фойда келтиргувчи шахс бўлиб етишишида муҳим омилдир, дея кўрсатади. Бундан ташқари, шаърий удум ва урф-одатларга амал қилиш, уларни ўтказишга оид хулқ-одоб қоидалари ҳам баён этилади. Турли маросимларни ўтказиш тартиби, сафар саломатликни сақлаш, саломлашиш, муомала маданияти, бемор киши ҳолини сўраш одоби, кийиниш қоидалари, емоқ-ичмоқ, сўзлашиш одоби каби турли тавсиялар бериладики, улар бевосита кейинги даврларда яратилган одоб-ахлоқ қоидалари борасидаги рисолаларнинг мазмунини ёритишда асос бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари ҳадисларда жамият равнақи, инсоният тараққиётининг таъминланишига таъсир этувчи муаммоларга ҳам жиддий эътибор берилган.

Демак, ҳадислар Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбаримизнинг суннатлари бўлиб, мазмунан ҳар бир мўминнинг ишончи, эътиқодини мустаҳкамлайди, шу билан

инсонни маънавий камолотга етаклайди. «лслом дини маърифатга асосланган учун ҳам ҳар бир шахсни ақлий, жисмоний жиҳатдан камолга етказишга оид эътиқод ва иймондан иборат бўлиб, фақат эзгуликка хизмат қилиш, олийжаноб бўлиш, покиза юриш, бир бурда луқмани ҳалол қилиб эйиш, жаҳолат ва жаҳолатпарастликка йўл қўймаслик, ўз биродарининг, қариндош уруғларининг, миллатининг ва ватанининг қадриятларини асрашдан иборатдир». Шундай экан, ҳадислар комил инсонни шакллантиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш мақсадида, илм-фаннинг тарихий ва сўнгги ютуқларига таяниб, диний, миллий, тарбиявий таълимотларга асосланиб, Термизийнинг меросини чуқур назарий асос сифатида фойдаланилса, жамиятда комил инсон хусусиятларига эга инсонларни шакллантиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. «Сунани Термизий ал-жоми ас-саҳиҳ» ҳадислар тўплами таржимаси. Тўлдирилган қайта нашр. И жилд. (5-20 бетлар)
2. Иноятов А. Термизий мақоласи. 2016. // www.минбар.уз
3. Кенжабек М. Сунани Термизий. – Тошкент: Шарқ, 2012.
   Тўрақулов М. Имом Термизий мақоласи.
4. 2015. // www.muslimun.uz.

ИМОМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

Амонов Саъдулла Холсаитович*

Аннотация. Ушбу мақолада Термизий сулолалари асарлари ва ҳадисларига бағишланган. Ислом уламолари орасида илк даврдан бошлаб ҳадисларнинг тўғрилиги ва ишончли манбаларга асосланишига катта эътибор берилган.Ислом уламолари орасида ишончли манбалар асосида тўпланган ва тартибга келтирилган олтита ҳадислар тўплами энг нуфузли ва мўътабар муҳаддислардан бири Имом Термизийдир.

Калит сўзлар: Ҳадислар ва унинг аҳамияти, Ҳадислар тўплами, Имом Термизий муҳаддис асарлари, «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» асари.

Abstract. This article focuses on the works and hadiths of the Thermisian dynasties.There has been a strong emphasis among Islamic scholars from the early period on the correctness of Hadith and the foundation of reliable sources. Among the Islamic rabbis, a set of six hadiths compiled and arranged on the basis of reliable sources, one of the most influential and moderate muhaddis is Imam Termizi.

Keywords: Hadiths and its significance, collection of Hadiths, works of Imam Termiziy muhaddis.

«Ал-жомеъ ас-саҳиҳ». Имом Термизийнинг ижодий фаолиятида яратилган асарлари ичида «ал-жомеъ ас-саҳиҳ» (Ишончли тўплам) энг асосий ўринни эгаллайди. Ушбу асар, юқорида қайд қилганимиздек, «Ал-жомеъул кабир», (Катта тўплам), «Саҳиҳ Имом Термизий», «Сунани Имом Термизий» каби номлар билан ҳам юритилади. Тарихчи Ибн Ҳажар Асқалонийнинг ёзишича, Имом Термизий ушбу асарини 270-ҳижрий (884-милодий) йилда, яъни қарийб олтмиш ёшларида, илм-фанда катта тажриба орттириб, имомлик даражасига эришгандан кейин ёзиб тугатган. Ушбу асар қўлёзмалари дунёнинг бир қанча шаҳарларида, шунингдек, ўзимизда, Ўзбекистон Фанлар Академияси, Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтида ҳам сақланмоқда. Муҳим манба сифатида «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» бир неча марта нашр қилинган. Бунга далил сифатида 1283 (1866)-йили Митоҳда, 1292 (1875)-йили Қоҳирада, шунингдек, 1980 йили Байрутда нашр этилганлигини кўрсатиш кифоя [1].

Имом Термизийнинг бу муҳим асарига бир қатор шарҳлар ҳам ёзилган бўлиб, улардан ибн Арабий номи билан машҳур бўлган Имом Ҳофиз Абу Бакр Муҳаммад Ашбилийнинг «Оридатул Аҳвазий ала китоб Имом Термизий» номли 13 жузъ (қисм)дан иборат шарҳларини келтириш мумкин. Ушбу шарҳ дастлаб 1931 йилда Қоҳирада нашр қилинган. Имом Ҳофиз Абу Али Муҳаммад Абдурраҳмон ибн Абдураҳим Муборакфурий қаламига мансуб яна бир шарҳ ҳам «Туҳфатул-Аҳвазий бишарҳи Имом Термизий» деб аталади. Тўрт жузъдан иборат бўлган бу асар 1979 йилда Байрутда нашр қилинган (Ҳиндистон нашри ҳам мавжуд). Мисрлик олим ва адиб Жамолиддин Абдурраҳмон ибн Абу Бакр Суютийнинг (1445-1505) Имом

* *Термиз давлат педагогика институти Математика ва информатика кафедраси ўқитувчиси.*

Термизий асарига ёзган шарҳи «Қутул муғтазий ала Жомеъ Имом Термизий» (ундан икки қисми нашр қилинган) деб аталган. Булардан ташқари, Муҳаммад ибн Абдуқодир Абу Тоййиб Маданийнинг «Шарҳу Сунани Имом Термизий», Аҳмад Муҳаммад Шокирнинг «Таҳқиқ ва шарҳу Жомеъ Имом Термизий» (ўндан икки қисми 1937 йилда Мустафаул Бобиюл Ҳалабий томонидан нашр қилинган), Муҳаммад Юсуф Баннурийнинг «Маориф сунани шарҳ сунани Имом Термизий» (унинг биринчи қисми 1963 йилда Покистонда нашр қилинган), Сирож Аҳмад Сарҳандийнинг «Шарҳ Сунани Имом Термизий» номли форсча шарҳи, шунингдек, Рашиб Аҳмадул Кануҳийнинг «Ал-кавкаб ад-дуррий ала Имом Термизий» (Ҳиндистонда чоп этилган), Муҳаммад Анвар Шоҳ Кашмирийнинг икки жузъдан иборат «Ал-аърф аш-шазий ала Жомеъ Имом Термизий» (бу асар ҳам Ҳиндистонда чоп этилган) ва ниҳоят Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Абдулҳодий Санадийнинг (у 1138 йилда вафот этган) «Ҳошия ала Сунани Имом Термизий» каби шарҳларини кўрсатиш мумкин.

Абу Али Мансур ибн Абдуллоҳ Холидий айтганлар: “Имом Термизий: “Мен «Сунани Термизий»ни ёзиб, уни Ҳижоз, Ироқ, Хуросон олимларига кўрсатдим. Барчалари бу китобдан мамнун бўлдилар ва: «Кимнинг уйида шу китобдан бўлса, гўё унинг уйида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам гапириб тургандек бўладилар», – дедилар”, – деганлар”[2].

«Ал-жомеъ»да манфаатли илм, тўла-тўкис фойда ва улкан масалалар мужассам. У ислом асосларидан биридир.

Абу Наср Абдураҳим ибн Абдул Холиқ айтганлар: “Термизийнинг «Ал-Жомеъ»ларидаги ҳадислар тўрт қисмдан иборат:

1. Саҳиҳлиги аниқ ҳадислар.
2. Абу Довуд ва Насаийнинг шартларига жавоб берадиган ҳадислар.
3. Юқоридаги ҳадисларга зид ҳадислар ва унинг сабабларининг баёни.
4. Саҳиҳ бўлмаган ҳадислар ва уларнинг иллатлари баёни.

Термизий: “Мен ушбу китобимда ривоят қилган ҳадисларга фуқаҳолар амал қилганлар. Фақат бир-иккита ҳадис борки, уларга амал қилишмаган. Улар: «Кимки уч мартагача тавба қилиб, ароқ ичса, уринглар. Тўртинчи мартасида ўлдиринглар», ҳамда «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам пешин ва асрни Мадинада жам қилдилар. Хавф ҳам йўқ эди, сафарда ҳам эмасдилар» ҳадисларидир”, – деганлар.

«Сунани Термизий» у кишининг имом, қуввайи ҳофиза ва фиқҳ соҳиби эканликларининг ёрқин далилидир. Лекин ҳадисларни қабул қилишда кўп ҳам қаттиқ турмаганлар ва ровийларга баҳо беришда ҳам кўнгилчан бўлганлар.

Ибн Тоҳирнинг «Ал-Мансур» китобларида битилган: “Шайхул ислом Абу Исмоилнинг: “Термизийнинг «Ал-жомеъ Имом Термизий» асарлари Бухорий ва Муслимнинг китобларидан кўра манфаатлироқдир. Чунки Бухорий ва Муслимнинг китобларидан олимларгина, Термизийнинг китобларидан эса барча фойдалана биладилар”, – деганларини эшитдим”[3].

«Шамоил-ун-набавийя». Абу Исо Имом Термизийнинг бошқа бир йирик асари «Шамоил-ун-набавийя» (Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари) деб аталади. Бу асар баъзи манбаларда «Аш-шамоил фи шамоил ан-набий соллаллоҳу алайҳи васаллам»,

«Аш-шамоилул Муҳаммадия» номлари билан ҳам келтирилган. Асар Пайғамбар алайҳиссаломнинг шахсий ҳаётлари, у зотнинг сийратлари, ажойиб фазилат ва одатларига оид тўрт юзу саккиз ҳадиси шарифни ўзига жамлаган қимматли манбадир.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ушбу мавзу, яъни Пайғамбар алайҳиссаломнинг фазилатлари, одатлари ҳақидаги ҳадисларни тўплаш билан жуда кўп олимлар, муҳаддислар шуғулланганлар ва бу хилдаги ҳадислар турли-туман китоблардан ўрин олган. Лекин Имом Термизий асарининг бошқалардан афзаллиги ва фарқи шундаки, муаллиф имкони борича Пайғамбар алайҳиссалом фазилатларига доир барча ҳадисларни мунтазам равишда тўплаб, мантиқан изчил бир ҳолатда тартибга келтирган ва ўзига хос мустақил, яхлит китоб шаклида тасниф қилган. «Шамоил-ун-набавийя» азалдан исломшунос олимлар ва тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келади.

Араб тилида битилган ушбу асарга бир қанча шарҳлар ва ҳошиялар ҳам ёзилган. Улардан Абдурауфул Муновиюл Мисрийнинг (вафоти 1003-ҳижрий йили) «Шарҳуш-шамоил», Али ибн Султонул Ҳаравий Қорийнинг (вафоти 1192-ҳижрий йили) «Жамъул-васоил фи шарҳи-шамоил», Сулаймон ибн Умар ибн Мансурул Жумалнинг «Ал-мавоҳибул Муҳаммадийя би шарҳи-шамоил Имом Термизийя» кабиларни келтириш мумкин. Бу асарнинг бир қўлёзмаси Қоҳирадаги Азҳар кутубхонасида 144-ҳадис илми рақами остида сақланмоқда, Муҳаммад ибн Жасусул Моликийнинг (вафоти 1182-ҳижрий йили) “Ал-фавоидул жалийлатул баҳийя ала аш-шамоилул Муҳаммадийя (бу асар 1927 йилда нашр қилинган) ва ниҳоят Азҳар университетининг собиқ Шайхи Иброҳим Божурийнинг «Ал-мавоҳибул ладунийя ала шамоил Имом Термизийя» каби шарҳларини кўрсатиш мумкин.

Буюк бобомизнинг яна «Китобут-тарих», «Китобул илал ас-сағир ва илалул кабир», «Китобуз-зуҳд» (Тақво ҳақида китоб), «Китобул асмо вал куна» (Ровийларнинг исми ва лақаблари ҳақида китоб), «Ал-илал фил ҳадис» (Ҳадислардаги иллатлар ёки оғишлар ҳақида), «Рисола фил хилоф вал жадал» (Ҳадислардаги ихтилоф ва баҳслар ҳақида рисола), «Асмоус-саҳоба» (Пайғамбар саҳобаларининг исмлари) деган асарлари ҳам мавжуд[4].

У кишининг шогирдларидан бўлган Абу Саъд Идрисий устозларини сифатлаб, ёдлашлари, зеҳнлари тўғрисида, зарбулмасаллар битилганини айтадилар. Шогирдларидан яна бирлари: «Имом Бухорий вафотларидан кейин Хуросонда Абу Исо Имом Термизийдек илмда, зеҳнда, тақвода, зоҳидликда бирор киши топилмас эди», – деб айтади. Имом Термизий кўп йиғлаганларидан ҳаётларининг охирги икки йилида кўзлари ожиз бўлиб қолган.

Ибн Атийя: «Менинг ҳузуримда Имом Бухорий ва Муслимнинг китобларига қараганда Имом Термизийнинг китоблари нурлироқ ва тушинарлироқ», – деб айтади. «Нима учун?» – деб сўралганда, Атийя: «Чунки иккита имомнинг китобларидан фақатгина илм ва маърифат аҳлларигина фойдалана олишади холос» – деб айтган экан. Шайхлардан бири Имом Термизийга 40 та ғариб ҳадисни айтиб, имтиҳон қилишлик учун сўраганда бирорта ҳарфда ҳам хато қилмасдан аввалидан охиригача ўқиб берганларини кўриб: «сенинг мислингдаги кишини кўрмаганман», – деб айтди.

Имом Термизий кўп китобларнинг муаллифидир. Айниқса, «Сунан» китоблари китобларининг чиройлиси, фойдаси кўп бўлиб, такрор сўзлари оз, чиройли тартибда ёзилгандир.

Абу Али Мансур ибн Абдуллоҳ Холидий Имом Термизийнинг «Жомеъ ас-саҳиҳ» китобларини сифатлаб: «Кимнинг уйида мана шу китоб бўлса, гўёки уйида Пайғамбаримиз гапираётгандек бўладилар», деб айтади[5].

Абу Исо Термизий асарлари ҳозирда ҳам ўз қимматини йўқотган эмас. Унинг «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ», «Аш-шамоил ан-набавийя» каби асарларида келтирилган ҳадиси шарифлар катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб инсонларни ҳалол, адолатли, иймон-эътиқодли, диёнатли, покиза, меҳнатсевар, мурувватли, раҳм-шафқатли, ота-она, аёлларга нисбатан ҳурмат-эътиборли бўлишга чорлайди.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Шеробод туманидаги Абу Исо Термизий мақбараси обод қилинган бўлса, 2017 йил 14 февралда давлатимиз раҳбарининг Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор асосида Термиз шаҳрида Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази қурилди. Иловаларда 2-расмда кўрсатилган. Унда ислом дини, жумладан, ҳадис илми, Абу Исо Термизий ҳамда Термизий алломалар мероси чуқур ўрганилади. Диний таълим, маънавий-ахлоқий тарбия ишларида фойдаланишга қаратилган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, оммабоп нашрлар, илмий-амалий тавсиялар тайёрланади.

Давлатимиз раҳбари марказга ташриф буюриб, бу ерда яратилган шароитлар билан танишди. Буюк муҳаддис Имом Термизий ҳаёти ва асарларини чуқур ўрганиш, ёш авлодга етказиш, халқимизга тушунарли тильда китоблар чоп этиш бўйича тавсиялар берди. Бу ерда илмий тадқиқотлар олиб бориш учун муносиб шароитлар яратиш, олимларнинг халқаро илмий конференцияларда иштирокини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Иноятов А. Термизий мақоласи. 2016. // www.minbar.uz
2. Кенжабек М. Сунани Термизий. – Тошкент: Шарқ, 2012.
3. Тўрақулов М. Имом Термизий мақоласи. 2015. // www.muslimun.uz.
4. Кенжабек М. Сунани Термизий. – Тошкент: Шарқ, 2012. – Б. 28.
5. Кенжабек М. Сунани Термизий. – Тошкент: Шарқ, 2012. – Б. 28.
6. https://kun.uz/uz/82723093.

ИМОМ ТЕРМИЗИЙ “СУНАН ТЕРМИЗИЙ” АСАРИДА ҲАДИСЛАРГА БЕРГАН ҲУКМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИ

Элёрбек Анваров Музаффарбек ўғли*

Аннотация. Бу мақолада имом имом Термизийнинг ҳадис илмдаги хизматлари, унинг «Сунан» тўпламидаги ҳадисларга берган ҳукмлари ва уларнинг илмий асослари чуқур ўрганилган. Мазкур асарда келтирилган ҳадислар фақат уларнинг ривоятлари билан эмас, балки ҳадисларнинг саҳиҳ ёки заиф эканлиги ҳақидаги фикрлар ҳам алоҳида ўрин тутган. Асарнинг таҳлилида ҳадисларнинг санади, ровийларига бериладиган баҳолар, ҳадисларнинг амалий ҳаётдаги аҳамияти ва уларнинг фиққий ҳукмларга таъсири ҳам атрофлича ёритиб берилган. Шунингдек, Имом Термизийнинг ҳадис илмидаги ўрни ва унинг ижтиҳодий ёндашуви, ҳадисларга нисбатан қилган таҳқиқотлари ҳам илмий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Термизий, сунан, тахриж, санад, саҳиҳ, рижол илми, тўплам, ҳасан лиғойриҳи, ғарибул ҳадис.

Abstract. In this article, the merits of Imam Tirmidhi in hadith science, his rulings on hadiths in the Sunan collection and their scientific basis are deeply studied. The hadiths presented in this work are not only based on their narrations, but also the opinions about whether the hadiths are authentic or weak. In the analysis of the work, the dates of the hadiths, the evaluations given to their narrators, the importance of the hadiths in practical life and their influence on jurisprudence are also detailed. Also, Imam Tirmidhi’s place in the science of hadith, his ijtihad approach, and his researches on hadith were scientifically analyzed.

Keywords: Tirmidhi, sunan, tahrij, sanad, sahih, science of rijal, collection, hasan lighayrihi, gharibul hadith.

Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизийнинг Сунани Термизий асари Ислом оламида ҳадис илмлари исломий илмлар тизимида марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Имом Муҳаммад ибн Исо Термизий ҳадис соҳасида катта ҳисса қўшган олимлардан бири бўлиб, унинг “Сунан Термизий” асари исломий манбаларда муҳим ўринга эга. Ушбу асарнинг ўзига хослиги шундаки, имом Термизий нафақат ҳадисларни тўплаган, балки уларни таҳлил қилган ва уларнинг аҳамиятини ўрганган.

Имом Термизий ҳадисларни танлаганида уларнинг санадига ва ровийларига катта аҳамият берган. У ҳар бир ҳадисни таҳлил қилганида қуйидаги меъёрларга амал қилган:

1. Ровийлар танқиди: Ҳар бир ровийнинг ҳаёти, ишончлилиги ва уларнинг ҳадис ривоят қилишдаги ўрнини таҳлил қилган.

2. Ҳадиснинг тўғрилиги: Ҳадиснинг Пайғамбардан нақл қилинганлиги ҳақидаги барча маълумотлар аниқ текширилган.

* *Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти “Тиллар” кафедраси ўқитувчиси*

3. Ҳадиснинг маънавий моҳияти: Ҳадиснинг ислом шариатига қандай таъсир қилгани ва унинг амалий аҳамияти ўрганилган[1].

Сунани Термизий тўртта қисмдан иборат бўлиб, бир қисми имом Бухорий ва имом Муслим унга рози бўлган саҳиҳ ҳадислар, яъна бир қисми бу икки имомлардан бошқаларнинг шартлари асосида келтирилган ҳадислар, ундан кейинги қисм иллатли ҳадислар бўлиб, уларнинг иллатини баён қилиб келтирганлар. Тўртинчи қисм эса фақатгина баъзи фақиҳларгина амал қилган ҳадис келтирилган қисмдир[2].

Мусанниф одатда машҳур саҳобийдан ривоят қилинган, саҳиҳ ҳадисга асосланиб таржиматул боб келтирадилар. Унинг ҳадиси бошқа саҳиҳ китобларда тахриж қилинган бўлади. Сўнгра ҳадиси тахриж қилинмаган, унинг санади аввалги ҳадиснинг санадидек ишончли бўлмаган бошқа саҳобийнинг ҳадисини келтириб, бу борада баён қилинган ҳукмларни келтирадилар[3].

Муҳаддисларни ҳадисларни тахриж қилиб, ундан истинбот олишда ўзларини танлаган йўллари бордир. Саҳиҳ ҳадисларни тахриж қилганлар, одатда адолатли ровийнинг машойих (устозлар) ларини ҳолатини ва улардан ҳам ривоят қилганларнинг ҳам сиқа(ишончлилик)лигини эътиборга оладилар[4].

Имом Бухорийнинг мақсадлари муттасил бўлган саҳиҳ ҳадисларни тахриж қилиб, ундан фиқҳ, тафсир ва сийратга оид масалаларда далил олиш бўлган. Бухорий таржиматул боб қилиб муаллақ, мавқуф ҳадисларни келтирганлар ва саҳоба, тобейинларнинг фатво ва қарашларини кўрсатиб ўтганлар.

Имом Муслим истинбот олиш учун эмас, балки саҳиҳ ҳадисларни ўзини келтириш билан кифояланганлар. Барча ҳадисларнинг туруқларини, санадлардаги тармоқларни ва матнлардаги ихтилофларни равшан қилиш учун бир ерда жамлаганлар.

Имом Абу Довуд эса, шаҳар фақиҳлари ундан далил олиб, унга ҳукмларни бино қилган ҳадисларни жамлаганлар. Ўз сунанларида саҳиҳ, ҳасан, лаййин, амал қилишга ярайдиган ҳадисларни келтирганлар. Лекин заифлиги аниқ бўлган, инсонлар унга амал қилиш тарк қилиниши керак деб билган ҳадисларни келтирмаганлар. Олимлар ундан далилланган ҳадисларга таржиматул боб келтирганлар ва уламолар "унга сукут қилган" ҳадисларни яроқли ҳадис деб билганлар[5].

Термизийнинг йўллари эса икки ишни орасини жамлаш бўлган. Икки шайхайннинг тутган йўлларини тўғри деб, уларни баён қилиш билан биргаликда, имом Абу Довуднинг ҳам тутган йўлларини яхши санайдилар ва фуқаҳолар ундан далил олган саҳиҳлиги кучли бўлмаган ҳадисларни ҳам келтирадилар. Шунингдек, буларга саҳоба, тобейин, шаҳар фуқаҳоларининг тутган йўлларини ҳам баён қилиб келтирадилар. Биргина ҳадисни туруқини келтириб, ундан бошқаларини ҳам

---

1 Сунани Термизий хошиялари жамланмаси. – Карачий: Бушро, 2012. – 1. -Б. 164.

2 Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизий. Сунани Термизий маъа маъорифус сунан. – Карачий: жамеъату улумил исламийя, 1954. – 1. –Б. 203.

3 Сунани Термизий мъа ал-Мискиш шазий. – Саҳоранпур. Ҳира Буук, 2012. – 1. –Б. 264.

4 Ибн Ҳажар ал-асқалоний. Таҳзиб ат-Таҳзиб. –Қоҳира: Дорул фикр. 2011. Ж.9.-Б. 380.

5 Абу Исо Термизий. Китабул иълал. – Карачий: Бушро, 2012. – 1. -Б. 35.

борлигига ишора қилиб ўтадилар. Ҳар бир ҳадисни саҳиҳлиги ёки ҳасанлиги ёки заифлигини айтадилар, унинг заифлигини важҳини баён қиладилар.

Имом Термизий Сунани Термизийда келтирган ҳадисларнинг барчасига амал қилинади, илло иккита ҳадисгагина амал қилинмайди.

Имом Термизий Сунани Термизий китобларини охирида "Китобу илал" деган фасл келтирадилар ва унда китобларида келтирган фиққий ҳукмларга боғланган масалалар, усуллар, ҳадисларнинг турлари, рижоллар(ровийлар) ҳақидаги каломларни келтирадилар. Буни умумий олтита қисмга бўлишимиз мумкин:

1.Китобдаги ҳадисларнинг ҳолатини умумий ҳолатда баён қилиш.

Масалан, имом Термизий мурсал ҳадисни ҳукмини келтириб, уни муҳаддисларнинг наздида ҳужжат олишга ярамаслиги ва у ўз ичига инқитолик(санадда узилиш) ни олишини баён қиладилар.

2.Фиққий далил олинадиган ҳадисларни келтириш.

Имом Термизий фиққда мазҳаб имомлари далилланган ҳадисларни иснодларини келтирадилар ва ҳадисларнинг иллатларини баён қиладилар.

3.Рижол илми.

Яъни ҳадис ровийлари ва уларнинг ҳолатларини ва бу борадаги муҳим қоидаларни келтирадилар.

Имом Термизий жарҳ ва таъдил масалалари, ровийларнинг ҳолатларининг қисмлари ва уларнинг ҳукмларини ўз ичига олган масалалаларни баён қиладилар. Имом Термизий ровийларнинг ҳолатларини олти қисмга бўладилар, ҳукмларни келтирадилар ва тўртинчи қисм ҳақида сукут қиладилар. Улар қуйидагилар;

1.Ёлғон билан айбланганлар ёки кўп хато қиладиган кўп ғафлатга тушган ровийлар тоифаси.

Имом Термизий аҳли ҳадисларнинг кўпчилиги бу ровийларнинг ҳадисларини ихтиёр қилганини фақатгина ровийларнинг ҳолатларини ўрганиш билан машғул бўлган муҳаддислар бундан мустасно эканини таъкидлаб ўтадилар.

2.Ривоятда кўп хатоси ва ҳадисни таҳаммул қилишда ғафлатда бўлгани учун заиф саналган ровийлар тоифаси.

Имом Термизий бундай ровийларнинг ҳикмини баён қилиб, улар ҳадис ривоят қилишда тафарруд қилсалар, яъни бир ўзлари ривоят қилсалар, уларнинг ҳадислари ҳужжатликка ярамаслигини айтадилар.

3.Аҳли сидқ ва улуғ илм эгаси бўлган ровийлар тоифаси.

Имом Термизий бу тоифа аҳлларини баён қилиб, бир қанча одамлар уларнинг ростгўйликлари ва улуғликларини эътироф қилган, лекин бошқалар уларнинг ҳифзлари ҳақида гапирганини айтадилар. Бунга Муҳаммад ибн Яъло каби ровийларни мисол қилб келтирадилар. Бундай ровийлар улуғ илм эгалари бўлсаларда, уларнинг ҳифзлари ҳақида гап-сўз борлиги учун, улар ёлғиз ҳадис ривоят қилганларида уларнинг ривоятларидан ҳужжат олинмаганлиги учун ҳадисларида эргашилмаслигини таъкидлайдилар.

4. Ривоятларида хато ва ваҳм қилиш нодир ҳолатларда топиладиган сиқа ва мутқин ровийлар тоифаси.

Термизий уларнинг ривоятларидан ҳужжатланиш мумкинлигида барча билиттифоқ эканини айтиб, уларни ўрганиш борасидаги илмни зикр қилмай бу қисм ҳақида сукут қиладилар.

Мана шу келтирилган фикр-мулоҳазалардан кўриниб турибдики, Имом Термизий хадис илмининг равнақига муносиб ҳисса қўшган буюк аллома бўлган. Шу билан бир қаторда Имом Термизий фаолиятига бир катор таъна билан қараган олимлар ҳам бўлган. У киши саҳиҳ ва ҳасан ҳадислар даражаси (рутбаси)ни аниқлашда бироз кўнгли бўш, илтифотли бўлган. Бу шундан иборатки, баъзи бир саҳиҳ ёки ҳасан хадислар ушбу даражага лойиқ бўлмаса ҳам, уларни саҳиҳ ва ҳасан деб қабул қилган дейилади. Мана шунда Термизийга таъна билдирганлардан бири тарихчи Шамсуддин Заҳабий бўлиб, у ўз асари "Мийзонул иътидол" да бу эътирофни билдирган. Лекин Имом Термизий ижодини чуқур ўрганган қатор тадқиқотчилар Захабийни эътирозлари аксар ҳолда асоссиз эканлигини илмий асосли хулосалар билан исботлаган. Айни вақтда Имом Термизийнинг ўзи хам ушбу асарни ёзиб тугатгач, ўз даврининг етук олимлари ҳукмига ҳавола этган ва улар муҳокамасидан ўтказган. Бу ҳақда Аллома шундай ҳикоя килади: "Ушбу асаримни тасниф этиб бўлгач, Ҳижоз уламоларига тақдим этдим, улар маъқулладилар, кейин Ироқ уламоларига кўрсатдим. Улар ҳам маъқулладилар, сўнг Хуросон уламоларига кўрсатганимда, улар хам маъқул топдилар".

Имом Термизий ишлатган мураккаб истилоҳларнинг маъноси борасидаги хулосалар.

1.Саҳиҳ ғариб. Бунда ҳадис сиҳҳат билан ғариблик орасида жамланади. Яъни, ҳадис саҳиҳ бўлиши билан бирга ундаги ровий тафарруд қилган бўлиб, саҳиҳ ҳадиснинг тариқи битта йўл орқали билинади.

Ғариб ҳадис эса гоҳида саҳиҳ, гоҳо ҳасан, гоҳо заиф бўлади.

2.Ҳасан ғариб. Бунда саҳиҳнинг даражасидан паст бўлган, лекин заиф бўлмаган ҳадисда санадда ва матнда ғаробат бўлади. Бунда ҳадис битта иснод орқали ривоят қилинган бўлади. Буни мутааххир уламолар "ҳасан лизотиҳи ҳадис" , деб, номлаганлар. Термизий эса, бунга "ҳасан ғариб ҳадис", дея таъриф берганлар.

3.Ҳасан саҳиҳ. Бунда ҳадиснинг иснодлари бир нечта бўлади ва ҳадис саҳиҳ ҳадиснинг даражасига етган бўлади. Ҳадис ғаробатликдан чиққани учун унда ҳасанлик билан саҳиҳлик жамланди.

4.Ҳасан саҳиҳ ғариб ҳадис. Бунинг маъноси шуки, ҳадиснинг баъзи тариқларида ғаробат бўлади.Агар ҳадисни битта исноди бўлиб, унда ҳасанлик билан саҳиҳлик орасида иккиланиш бўлиб, уламолар бу борада ихтилоф қилган бўлсалар, бундай тафарруд қилинган ҳадисни Термизий "Бу ҳадис ҳасан саҳиҳ ғарибдир", дейдилар

Ҳасан билан саҳиҳ лафзини орасида тақдирда "ёки" калимаси бўлади. Яъни, "ёки ҳасан ғариб, ёки саҳиҳ ғариб" маъносида бўлади. Агар ғариблик нисбий бўладиган бўлса, унда иборанинг маъноси "ҳасан саҳиҳ"нинг иборасида кўзда тутилган маъно каби бўлади. Бунда мақсад, ўша ҳадиснинг исноди ҳадиснинг бошқа машҳур иснодларига нисбатан тафарруд қилганини ифодалаш бўлади.

Имом Термизийнинг “Сунан Термизий” асари ҳадис илмлари бўйича катта аҳамиятга эга бўлиб, унинг ҳукмлари ва таҳлиллари замонавий илмий тадқиқотларда ҳам катта манба бўлиб хизмат қилади. Унинг ҳадисларга берган ҳукмлари нафақат шариат қоидаларини мустаҳкамлашга, балки мусулмон жамиятининг диний-этик асосларини ривожлантиришга хизмат қилган.

Бу асарда нафақат ҳадислар санадлари билан зикр қилиниши билан биргаликда, ҳадислардан олинадиган хукмлар ,уламоларнинг бу борадаги қарашлари келтирилган. Хоссатан, Имом Термизий ҳадисларга ҳукм беришга ўта дақиқлик билан ёндашиб, уларга бошқа муҳаддислар қўллаган лафзларни ишлатмай ҳадисларга истилоҳларни қўллашда ўзгача услубда ёндашган. Бу истилоҳларни яқиндан ўргангиш ҳадисларга тўғри хукм бериш, уларни турларини ажратишга ва ҳадислардан тўғри истеъфода чиқаришга толиби илмни ўргатади.

Имом Термизийнинг “Сунан Термизий” асарнинг хусусият ва афзалликлари биз юқорида саналганлар билан чекланиб қолмайди, албатта. Бу асар ҳадисларнинг такрорланмаслиги, сарлавҳаларнинг тушунарлилиги, фиққий бобларнинг нозик тартиби, тилининг равонлиги билан ҳам алохида ажралиб туради. Шу маънода асар бугунги кунда ҳам ўз қадрини йўқотмай келмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Шайх, муфтий Хабабурроҳман Хайриободий. Мискуш шазий шарҳи Жоме Термизий.-Ж. 3. –Б. 528.
2. Аллома Анваршох Кашмирий. Арфуш-шазий. -Байрут-Лубнон. Дорул ихя аттурос ал-арабийя. Ж. 1. –Б.464.
3. Абдулҳай Лакнавий. хавотир, -Байрут: Дорул ибн Ҳазм. 1420. Ж. 8. –5.1198.
4. Абул Фаттох Абу Ғудда.Мукалдимату ала Аттасрийху бима тавотара фий нузули Масийх ли Анваршох Кашмирий. Байрут: Дорул калам. 5 нашр. 1412.
5. Абу Али Мухаммад Абдуррохман Муборакфурий. Тухфатул Ахвазий. -Байрут. Дорул фикр. Ж. 1. –Б. 518.
6. Абдураҳмон Кунду. Такадлусу Анвар. - Каротиший. Жамоатул исломийя ахсанул улум. 2003. –Б.214 - 215.
7. Абу Нуъайм Исфахоний. авлиё, Коҳира: Дорул фикр. –Б. 399.
8. Абдуллох ибн ибн Маҳмуд Насафий. Мадорикут-танзил ва акоикут-таъвил (Тафсирун-Насафий). Байрут: Ҳаятул-иғоса ал-исламий ал-аламий.1988. Ж. 1.-388 6, Ж. 2. –Б. 333.
9. Ҳабибурраҳмон ибн Назир Аҳмад. Ал-Мискуш шазий. – Саҳоранпур. Ҳира Буук, 2012. – 1. – б. 14.
10. Абдуллоҳ Сирожиддин. Шарҳу манзуматил Байқунийя. – Ҳалаб: Дорул фалоҳ, 2009. – Б. 13.
11. Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизий. Сунани Термизий маъа маъорифус сунан. – Карачий: жамеъату улумил исламийя, 1954. – 1. -Б. 183.
12. Муҳаммад ибн Исо Термизий. Сунани Термизий хошиялари жамланмаси. – Карачий: Бушро, 2012. – 1. -Б. 110.
13. Сунани Термизий мъа ал-Мискиш шазий. – Саҳоранпур. Ҳира Буук, 2012. – 1. – б. 74.

14. Сунани Термизий хошиялари жамланмаси. – Карачий: Бушро, 2012. – 1. -Б. 414.
15. Абу Исо Термизий. Китабул иълал. – Карачий: Бушро, 2012. – 1. -Б. 35.

ҲАДИС ТЎПЛАШ ЙЎЛИДА ЎЗ КЎЗИНИ БАХШИДА ҚИЛГАН ОЛИМ

Нодира Рахимова*

Аннотация. Ушбу мақолада ҳадис илмининг ривожига улкан ҳисса қўшган буюк муҳаддис Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийнинг бутун умрларини илмга бағишлаш йўлидаги тинимсиз меҳнатлари ва уларнинг ислом оламидаги беқиёс ўрни хусусидаги назарий ёндошувлар келтирилган.

Калит сўзлар: фиқҳ илми, «Сунан Термизий», Ас-сиҳоҳ ас-ситта, Ал-жомиъ, суврат ва сийрат, саҳиҳ, Рисола фи-л-хилоф ва-л-жадал

Abstract. This article describes the theoretical approaches of the great Muhaddis Abu Isa Muhammad at-Tirmizi, who made a huge contribution to the development of Hadith studies, especially his tireless work on dedicating his whole life to science and their unsurpassed place in the Islamic world.

Keywords: the science of jurisprudence, "Sunan Termizi», as-sihah as-Sitta, al-jami', suvrat and Sirat, us-Sahih, tractate fi-l-hilaf i-l-Jadal

Ноёб асарлар муаллифи, буюк алломалардан бири машҳур муҳаддис Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийдир. Унинг тўлиқ исми Абу Исо Муҳаммад ибн Савра ибн Мусо ибн ад-Даҳҳок ас-Сулламий ат-Термизий бўлиб, умрининг охирларида кўзи ожиз бўлиб қолганлиги сабабли ад-Дарийр тахаллуси билан ҳам аталган. У ҳижрий 209-(милодий 824) йилда Термиз шаҳрида таваллуд топди. Ат-Термизий болалик даври ва ёшлиги Термиз шаҳрида ўтиб, бошланғич илмни ўзи туғилиб ўсган шаҳарда олган. Болалигидан ўта зийрак, илмга чанқоқ, зеҳни ўткир ва хотираси жуда кучли бўлган Абу Исо[1] ўз тенгдошларидан ажралиб турган. Барча илмларга қизиқиши кучли бўлган ўсмир йигит ёшлигидан Шарқ мамлакатларига сафар қилиб, ўша ерда таниқли устозлардан илмини оширади. Ат-Термизий барча илмларни олишга ҳаракат қилади, айниқса, ҳадис илмини буюк ва машҳур муҳаддислардан – Имом ал-Бухорий, Имом Муслим, имом Абу Довудлардан сабоқ олади.

Ўз даврининг кўпгина олимлари сингари унинг номи ҳам ҳозирги Ўзбекистон Республикасининг шарқий томонидаги Жайҳун дарёси бўйида жойлашган Термиз шаҳридаги ватани билан боғлиқ. У Термиз шаҳридаги (Буғ) деган қишлоқлардан бирида туғилган ва болалиги шу ерда ўтган, сўнгра илм олиш учун Хуросонга йўл олган ва Ироқ ва Ҳижозга сафар қилган. Ат-Термизий фиқҳ илмини ўзининг замондоши бўлган ҳадис илмининг шайхи Имом Ал-Бухорийдан ўрганган ва муҳаддислардан ҳадис тўплашга ҳаракат қилган ва ўзининг «Сунанут Термизий» китобини тузиш устида ишлаган. У ўз фаолиятида тарихда эслаб қоладиган даражага етди, ёд олишда ҳам ўрнак бўлди. Ҳижрий ИИИ-ИВ аср охирида яшаган муҳаддислардан Ибн Ҳиббон уни «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг

---

* *"Жўйбори Калон" аёл қизлар ислом ўрта таълим муассасаси ўқув-услубий, илмий тадқиқот бўлими бошлиғи.*

[1] Иноятов А. Термизий мақоласи. 2016. // www.минбар.уз

суннатларини қўриқлаган олти имомдан бири, деб таърифлайди. ва суннат оламидаги китоблари ҳадис илмининг тасдиқланган асосларига айланган ва Аллоҳ Расулуллоҳнинг ҳадисларини эшитгани ва эшитганидек бажаргани учун юзларини баракали қилган кишилардандир».

Исломшунос йирик уламолар орасида ишончли манбалар асосида тўпланган ва тартибга келтирилган олтита ҳадислар тўплами (Ас-сиҳоҳ ас-ситта) муаллифлари энг нуфузли ва мўътабар муҳаддислар деб тан олинган. Мана шу эътироф этилган машҳур муҳаддислардан бири — Имом Термизийдир.

Ат-Термизий қаламига мансуб асарларнинг аксарияти бизгача етиб келган. «Ал-жомиъ» («Жаъмловчи»). «Аш-шамоил ан-насавия» («Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари»), «Ал-илал фи-л-ҳадийс» («Ҳадислардаги оғишишлар»), «Рисола фи-л-хилоф ва-л-жадал» («Ҳадислардаги ихтилоф ва баҳслар ҳақида рисола»), «Ат-тарих» («Тарих»), «Китоб аз-зуҳд» («Тақво ҳақида китоб»), «Китоб ул-асмо ва-л-куна» («Исмлар ва лақаблар ҳақида китоб») [2]каби асарлар шулар жумласига киради.

Ат-Термизийнинг асарлари ичида энг машҳури, шубҳасиз, «Ал-жомиъ» бўлиб, аввал эслатиб ўтганимиздек, пайғамбар алайҳиссаломга доир олтита ишончли ҳадислар тўпламларидан биридир. Ушбу асар илмий адабиёт ва манбаларда «Ал-жомиъ ал-кабир» («Катта тўплам»), «Ал-жомиъ ус-саҳийҳ» («Ишончли тўплам»), «Жомиъат-Термизий» («Термизий тўплами»), «Сунанут Термизий» («Термизий суннатлари») номи билан ҳам аталиб, пайғамбар алайҳиссалом ҳаёти ва фаолиятига доир муҳим манбалардан ҳисобланади.

Ат-Термизийнинг машҳур таълифларидан яна бири «Аш-шамоил ан-набавия» («Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари») бўлиб, баъзи манбаларда «Аш-шамоил фи шамоил ан-набий саллолоҳу алайҳи васаллам» номи билан ҳам келтирилган. Номидан ҳам кўриниб турибдики, бу асар пайғамбар алайҳиссаломнинг шахсий ҳаётлари, у кишининг суврат ва сийратлари, ажойиб фазилатлари, одатларига оид 408 ҳадиси шарифни ўз ичига қамраган манбадир. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, пайғамбар алайҳиссаломнинг фазилатлари, одатлари ҳақидаги ҳадисларни тўплаш билан жуда кўп муҳаддислар шуғулланганлар ва бу хилдаги ҳадислар турли-туман китоблардан ўрин олган.

Ат-Термизий илмга муҳаббати, тинимсиз ўқиш ва ёзиш натижасида умрининг охирги йилларида кўзи ожиз бўлиб қолди ва шу ҳолича оламни тарк этди.

У зот ҳақидаги баъзи ривоятларда зикр қилинганидек, кўр бўлиб туғилгани ҳақиқатга тўғри келмайди ва ҳижрий 279 йил ражаб ойининг 13-кунида Термиз шаҳрида вафот этган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1.Иноятов А. Термизий мақоласи. 2016. // www.минбар.уз

2.Кенжабек М. Сунани Термизий. – Тошкент: Шарқ, 2012.

3.Тўрақулов М. Имом Термизий мақоласи. 2015. // www.muslimun.uz.

[2] Убайдулла Уватов.Буюк муҳаддислар (Имом алБухорий, Имом Муслим, Имом атТермизий), Т., 1998; Б-46

4. Убайдулла Уватов.Буюк муҳаддислар (Имом алБухорий, Имом Муслим, Имом атТермизий), Т., 1998; 2002;
5. Убайдулла Уватов, Донолардан сабоқлар, Т., 1994.

ИМОМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ ВА УНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

Нозигул Халимова Наврўзовна*

Аннотация. Ушбу мақолада Имом Термизийнинг диний ва дунёвий фанларни, айниқса, ҳадис илмини алоҳида қизиқиш билан эгаллаганлиги, бу борадаги ўз билимларини муттасил ошириш учун кўпгина Шарқ мамлакатларига сафар қилганлиги ҳақида баён қилинган.

Калит сўзлар: ҳадис илми, ахлоқий тарбия, комиллик, мафкура, муҳаддис

Abstract. In this article, it is stated that Imam Tirmidhi took special interest in religious and secular sciences, especially the science of hadith, and traveled to many Eastern countries to improve his knowledge in this regard.

Keywords: science of hadith, moral education, perfection, ideology, muhaddis.

Имом Термизийнинг илмий мероси, хусусан, «Сунани Термизий» асарини ўрганиш, асарда келтирилган ҳадисларни илмий таҳлил қилиш, ёшларда миллий мафкура, миллий онгни шакллантиришда, уларнинг ахлоқий тарбиясида ҳадисларнинг аҳамиятини очиб бериш масаласи ушбу мавзунинг долзарблигини янада оширади. «Сунани Термизий» ўзининг тузилиши, мавзуларнинг изчил тартибда жойлаштирилиши, ҳадисларнинг муайян мавзуларга оид бобларда тўғри, аниқ ва батафсил акс эттирилишини мазкур услубда яратилган бошқа асарлардан ажралиб турадиган жиҳатларини ўрганиш ҳам давримизнинг муҳим масалаларидан бири эканлиги ҳақида батафсил ёритилган. Термизийнинг асарларида келтирилган ҳадиси шарифлар катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, ёшларни комиллик сари интилашга, ҳалол, адолатли, иймон-эътиқодли, диёнатли, покиза, меҳнатсевар, мурувватли, раҳм-шафқатли, ота-онага нисбатан ҳурмат-эътиборли бўлишга чорлайди.



Юртимиз Ислом нури ила мунаввар бўлган аср инсоният тарихида Шарқ уйғониши даври деб аталади. Ўша асрдан бошлаб диёримизда бутун дунёга мударрис бўлган, бутун Ислом оламида эътироф қилинган буюк алломалар етишиб чиқа бошлаган. Хусусан, Ислом умматига Қуръони Каримни тафсир қилиш ҳамда саҳиҳ ҳадиси шарифларни етказиш ва шарҳлаш борасида буюк ватандошларимизнинг хизмати беқиёсдир.

Буюк муҳаддислардан бири ватандошимиз имом Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийнинг тўлиқ исми Абу Исо Муҳаммад ибн Савра ибн Мусо ибн ад-Даҳҳок ас-Сулламий (умрининг охирларида кўзи ожиз бўлиб қолганлигидан ад-Дарийр тахаллуси билан ҳам аталган) ат-Термизий бўлиб, у ҳижрий ҳисобда 209- (милодий 824) йилда Термизда, унча бадавлат бўлмаган оилада таваллуд топган. Унинг ёшлик йиллари Термиз шаҳрида яшаб, дастлабки илм маълумотларини шу шаҳарда олган.

---

* *«Жўйбори Калон» аёл-қизлар ўрта махсус ислом таълим муассасаси ўқитувчиси.*

Болалигидан ўта зийраклиги, ёдлаш қобилиятининг кучлилиги ва ноёб қобилияти билан ўз тенгқурларидан ажралиб турган ат-Термизий диний ва дунёвий фанларни, айниқса, ҳадис илмини алоҳида қизиқиш билан эгаллаган ва бу борадаги ўз билимларини муттасил ошириш учун кўпгина Шарқ мамлакатларини зиёрат қилган. Жумладан, у узоқ йиллар Ироқда, Исфаҳон, Хуросон, Макка ва Мадинада яшаган[1].

Ислом уламолари ўртасида илк даврдан бошлаб ҳадисларнинг тўғрилиги, уларни ишончли манбаларга асосланишига катта эътибор берилган. Чунончи, ўша даврнинг ўзидан бошлабоқ ноаниқ, чала-чулпа, ҳатто сохта ҳадислар ҳам эл орасида тарқай бошлаган. Шундай пайтларда улар қайта-қайта текширилиб, муҳаддисларнинг бетиним меҳнати натижасида асл ҳолига қайтарилиб, ёзма равишда қайд қилинган. Натижада ислом уламолари орасида ишончли манбалар асосида тўпланган ва тартибга келтирилган олтита ҳадислар тўплами (Сиҳоҳи ситта) муаллифлари энг нуфузли ва мўътабар муҳаддислар деб тан олинган. Мана шу этироф этилган машҳур муҳаддислардан бири – Имом Термизийдир. Келинг, муҳаддис бобомизнинг асарлари билан қисқача танишиб ўтамиз:

«Ал-жомеъ ас-саҳиҳ». Имом Термизийнинг ижодий фаолиятида яратилган асарлари ичида "Ал-жомеъ ас-саҳиҳ" (Ишончли тўплам) энг асосий ўринни эгаллайди. Ушбу асар юқорида қайд қилганимиздек, «Ал-жомеъул кабир», (Катта тўплам), «Саҳиҳ Имом Термизий», «Сунани Имом Термизий» каби номлар билан ҳам юритилади. Тарихчи Ибн Ҳажар Асқалонийнинг ёзишича, Имом Термизий ушбу асарни 270-ҳижрий (884-милодий) йилда, яъни қарийб олтмиш ёшларида, илм-фанда катта тажриба орттириб, имомлик даражасига эришгандан кейин ёзиб тугатган. Ушбу асар қўлёзмалари дунёнинг бир қанча шаҳарларида, шунингдек, ўзимизда, Ўзбекистон Фанлар Академияси, Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтида ҳам сақланмоқда. Муҳим манба сифатида "Ал-жомеъ ас-саҳиҳ" бир неча марта нашр қилинган. Бунга далил сифатида 1283 (1866)-йили Митоҳда, 1292 (1875)-йили Қоҳирада, шунингдек, 1980 йили Байрутда нашр этилганлигини кўрсатиш кифоя[2].

Имом Термизийнинг бу муҳим асарига бир қатор шарҳлар ҳам ёзилган бўлиб, улардан ибн Арабий номи билан машҳур бўлган Имом Ҳофиз Абу Бакр Муҳаммад Ашбилийнинг "Оридат ул Аҳвазий ала китоб Имом Термизий" номли 13 жузъ (қисм)дан иборат шарҳларини келтириш мумкин. Ушбу асар шарҳи дастлаб 1931 йилда Қоҳирада нашр қилинган. Имом Ҳофиз Абу Али Муҳаммад Абдурраҳмон ибн Абдураҳим Муборакфурий қаламига мансуб яна бир шарҳ ҳам «Туҳфатул-Аҳвазий бишарҳи Имом Термизий» деб аталади. Тўрт жузъдан иборат бўлган бу асар 1979 йилда Байрутда нашр қилинган (Ҳиндистон нашри ҳам мавжуд). Мисрлик олим ва адиб Жамолиддин Абдурраҳмон ибн Абу Бакр Суютийнинг (1445—1505) Имом Термизий асарига ёзган шарҳи "Қут ул муғтазий ала Жомеъ Имом Термизий" (ундан икки қисми нашр қилинган) деб аталган. Булардан ташқари, Муҳаммад ибн Абдуқодир Абу Тоййиб Маданийнинг «Шарҳу Сунани Имом Термизий», Аҳмад

---

[1] Имом Термизий. Аш-Шамоил ал Муҳаммадия, Т.:2021.-Б.6.

[2] Имом Термизий. Аш-Шамоил ал Муҳаммадия, Т.:2021.-Б.8.



Муҳаммад Шокирнинг «Таҳқиқ ва шарҳу Жомеъ Имом Термизий» (ўндан икки қисми 1937 йилда Мустафа ул Бобий ул Ҳалабий томонидан нашр қилинган), Муҳаммад Юсуф Баннурийнинг «Маориф сунани шарҳ сунани Имом Термизий» (унинг биринчи қисми 1963 йилда Покистонда нашр қилинган), Сирож Аҳмад Сарҳандийнинг «Шарҳ Сунани Имом Термизий» номли форсча шарҳи, шунингдек, Рашиб Аҳмадул Кануҳийнинг «Ал-кавкаб ад-дуррий ала Имом Термизий» (Ҳиндистонда чоп этилган), Муҳаммад Анвар Шоҳ Кашмирийнинг икки жузъдан иборат «Ал-аърф аш-шазий ала Жомеъ Имом Термизий» (бу асар ҳам Ҳиндистонда чоп этилган) ва ниҳоят Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Абдулҳодий Санадийнинг (у 1138 йилда вафот этган) «Ҳошия ала Сунани Имом Термизий» каби шарҳларини кўрсатиш мумкин.

Абу Али Мансур ибн Абдуллоҳ Холидий айтганлар: “Имом Термизий: “Мен «Сунани Термизий»ни ёзиб, уни Ҳижоз, Ироқ, Хуросон олимларига кўрсатдим. Барчалари бу китобдан мамнун бўлдилар ва: «Кимнинг уйида шу китобдан бўлса, гўё унинг уйида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам гапириб тургандек бўладилар», – дедилар”, – деганлар”[3].

«Ал-жомеъ»да манфаатли илм, тўла-тўкис фойда ва улкан масалалар мужассам. У ислом асосларидан биридир.

Абу Наср Абдураҳим ибн Абдул Холиқ айтганлар: “Термизийнинг «Ал-Жомеъ»ларидаги ҳадислар тўрт қисмдан иборат:

1. Саҳиҳлиги аниқ ҳадислар.
2. Абу Довуд ва Насаийнинг шартларига жавоб берадиган ҳадислар.
3. Юқоридаги ҳадисларга зид ҳадислар ва унинг сабабларининг баёни.
4. Саҳиҳ бўлмаган ҳадислар ва уларнинг иллатлари баёни.

Термизий: “Мен ушбу китобимда ривоят қилган ҳадисларга фуқаҳолар амал қилганлар. Фақат бир-иккита ҳадис борки, уларга амал қилишмаган. Улар: «Кимки уч мартагача тавба қилиб, ароқ ичса, уринглар. Тўртинчи мартасида ўлдиринглар», ҳамда «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам пешин ва асрни Мадинада жам қилдилар. Хавф ҳам йўқ эди, сафарда ҳам эмасдилар», – деганлар.

«Сунани Термизий» у кишининг имом, қуввайи ҳофиза ва фиқҳ соҳиби эканликларининг ёрқин далилидир. Лекин ҳадисларни қабул қилишда кўп ҳам қаттиқ турмаганлар ва ровийларга баҳо беришда ҳам кўнгилчан бўлганлар.

Ибн Тоҳирнинг «Ал-Мансур» китобларида битилган: “Шайх ул ислом Абу Исмоилнинг: “Термизийнинг «Ал-жомеъ Имом Термизий» асарлари Бухорий ва Муслимнинг китобларидан кўра манфаатлироқдир. Чунки Бухорий ва Муслимнинг

---

[3] С.Мамадалиев. «Имом Термизий», Т.:”Мовароуннаҳр”, 2011. Б.19.

китобларидан олимларгина, Термизийнинг китобларидан эса барча фойдалана биладилар", – деганларини эшитдим".

«Шамоил-ун-набавийя». Абу Исо Имом Термизийнинг бошқа бир йирик асари «Шамоил-ун-набавийя» (Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари) деб аталади. Бу асар баъзи манбаларда «Аш-шамоил фи шамоил ан-набий соллаллоҳу алайҳи васаллам», "Аш-шамоил ул Муҳаммадия" номлари билан ҳам келтирилган. Асар Пайғамбар алайҳис саломнинг шахсий ҳаётлари, у зотнинг сийратлари, ажойиб фазилат ва одатларига оид тўрт юз-у саккиз ҳадиси шарифни ўзига жамлаган қимматли манбадир[4].

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ушбу мавзу, яъни Пайғамбар алайҳиссаломнинг фазилатлари, одатлари ҳақидаги ҳадисларни тўплаш билан жуда кўп олимлар, муҳаддислар шуғулланганлар ва бу хилдаги ҳадислар турли-туман китоблардан ўрин олган. Лекин Имом Термизий асарининг бошқалардан афзаллиги ва фарқи шундаки, муаллиф имкони борича Пайғамбар алайҳиссалом фазилатларига доир барча ҳадисларни мунтазам равишда тўплаб, мантиқан изчил бир ҳолатда тартибга келтирган ва ўзига хос мустақил, яхлит китоб шаклида тасниф қилган. Буюк муҳаддис Абу Исо Термизий раҳматуллоҳи алайҳнинг «Шамоили Муҳаммадия» китоби Ислом оламида шуҳрат қозонган, мўътабар саналган манбадир. У ўзининг ажойиб услуби билан кенг китобхонлар эътиборига тушган, мағриб-у машриққа донғи кетган. Бу муборак китобда башариятнинг энг афзал вакили, анбиёлар саййиди Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ташқи кўринишлари, улуғ хислатлари, юксак хулқлари, гўзал муомалалари ҳақидаги ҳадислар келтирилган.

Мўмин банда Расули акрам алайҳиссалом ташқи кўринишлари, олий фазилатлари ҳақида билиши лозим маълумотлар мана шу китобда бор. Уни қунт билан ўқиган киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга хос гўзал сифатларни ўрганади. Бу билан унинг иймони мустаҳкамланади, Расулуллоҳга ҳурмат-эътибори, муҳаббати ортади.

Араб тилида битилган ушбу асарга бир қанча шарҳлар ва ҳошиялар ҳам ёзилган. Улардан Абдурауфул Муновиюл Мисрийнинг (вафоти 1003-ҳижрий йили) "Шарҳ уш-шамоил", Али ибн Султонул Ҳаравий Қорийнинг (вафоти 1192-ҳижрий йили) «Жамъул-васоил фи шарҳи-шамоил», Сулаймон ибн Умар ибн Мансур ул Жумалнинг "Ал-мавоҳиб ул Муҳаммадийя би шарҳи-шамоил Имом Термизийя" кабиларни келтириш мумкин. Бу асарнинг бир қўлёзмаси Қоҳирадаги Азҳар кутубхонасида 144-ҳадис илми рақами остида сақланмоқда. Муҳаммад ибн Жасус ул Моликийнинг (вафоти 1182-ҳижрий йили) "Ал-фавоидул жалийлат ул баҳийя ала аш- шамоилул Муҳаммадийя (бу асар 1927 йилда нашр қилинган) ва ниҳоят Азҳар университетининг собиқ Шайхи Иброҳим Божурийнинг

[4] Имом Термизий. Аш-Шамоил ал Муҳаммадия, Т.:2021.-Б.10

“Ал-мавоҳиб ул ладунийя ала шамоил Имом Термизийя” каби шарҳларини кўрсатиш мумкин.

Буюк бобомизнинг яна “Китоб ут-тарих”, “Китоб ул илал ас-сағир ва илалул кабир”, “Китоб уз-зуҳд” (Тақво ҳақида китоб), “Китоб ул асмо вал куна” (Ровийларнинг исми ва лақаблари ҳақида китоб), «Ал-илал фил ҳадис» (Ҳадислардаги иллатлар ёки оғишлар ҳақида), «Рисола фил хилоф вал жадал» (Ҳадислардаги ихтилоф ва баҳслар ҳақида рисола), “Асмо ус-саҳоба” (Пайғамбар саҳобаларининг исмлари) деган асарлари ҳам мавжуд.

У кишининг шогирдларидан бўлган Абу Саъд Идрисий устозларини сифатлаб, ёдлашлари, зеҳнлари тўғрисида, зарбулмасаллар битилганини айтадилар. Шогирдларидан яна бирлари: «Имом Бухорий вафотларидан кейин Хуросонда Абу Исо Имом Термизийдек илмда, зеҳнда, тақвода, зоҳидликда бирор киши топилмас эди», – деб айтади. Имом Термизий кўп йиғлаганларидан ҳаётларининг охирги икки йилида кўзлари ожиз бўлиб қолган[5].

Ибн Атийя: “Менинг ҳузуримда Имом Бухорий ва Муслимнинг китобларига қараганда Имом Термизийнинг китоблари нурлироқ ва тушьунарлироқ”, – деб айтади. «Нима учун?» – деб сўралганда, Атийя: “Чунки иккита имомнинг китобларидан фақатгина илм ва маърифат аҳлларигина фойдалана олишади, холос” – деб айтган экан. Шайхлардан бири Имом Термизийга 40 та ғариб ҳадисни айтиб, имтиҳон қилишлик учун сўраганда бирорта ҳарфда ҳам хато қилмасдан аввалидан охиригача ўқиб берганларини кўриб: «Сенинг мислингдаги кишини кўрмаганман», – деб айтди. Имом Термизий кўп китобларнинг муаллифидир. Айниқса, «Сунан» китоблари китобларининг чиройлиси, фойдаси кўп бўлиб, такрор сўзлари оз, чиройли тартибда ёзилгандир.

Абу Али Мансур ибн Абдуллоҳ Холидий Имом Термизийнинг «Жомеъ ас-саҳиҳ» китобларини сифатлаб: «Кимнинг уйида мана шу китоб бўлса, гўёки уйида Пайғамбаримиз гапираётгандек бўладилар», деб айтади.

Абу Исо Термизий асарлари ҳозирда ҳам ўз қимматини йўқотган эмас. Унинг «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ», «Аш-шамоил ан-набавийя» каби асарларида келтирилган ҳадиси шарифлар катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб инсонларни ҳалол, адолатли, иймон-эътиқодли, диёнатли, покиза, меҳнатсевар, мурувватли, раҳм-шафқатли, ота-она, аёлларга нисбатан ҳурмат-эътиборли бўлишга чорлайди.

Термизий мақбараси. Абу Исо Термизий мақбараси — Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги меъморий ёдгорлик (11-12 асрлар). Абу Исо Муҳаммад Термизий қабри устига қурилган. Ҳозирги кунда ёдгорлик бир-биридан равоқлар орқали ўтувчи 4 хона (бўлма)дан иборат яхлит бино кўринишида, хоналар тарҳи 4,3х4,5 м. Шимоли-

[5] С.Мамадалиев. «Имом Термизий», Т.:”Мовароуннаҳр”, 2011. Б.58

шарқий тарзи айвон қурилиши муносабати билан кейинчалик тўсилган. 3 хонали бўлма мурабба тарҳли, улардан жанубдагиси гўрхона. Унда мармар сағана бор. Сағана 3 поғонали, муқарнас нақш ва ёзувлар билан пардозланган. Гўрхонадан тор узун йўлка орқали хонақоҳга ўтилади. Хонақоҳ поли гўрхонага нисбатан пастроқ бўлиб, улар оралиғи кенг равоқ билан ажратилган. Хонақоҳ гумбаз томли, меҳробли. Ёнидаги 2 хонадан шимоли-шарқий тарзига чиқилади. Хонақоҳ олдидаги 3 айвон гумбазли, қалқонсимон бағалли, деворларига 4 равоқ ишланган, пишиқ ғиштдан ҳошиялар терилган. Термизий мақбараси ганжкори безаклар билан пардозланиб, ташқи деворларига 6 ғиштин равоқли намоёнлар ишланган.

Тобадонларига оқ ганждан панжаралар ўрнатилган. Равоқдари ғишт қалинлигида ҳошияланган. Термизий мақбараси бош тарзини кичик кўшксимон гумбазли қурилма эгаллаган. Ёдгорлик ҳақида илк бор Д.Н.Логофет йўл очеркларида тилга олган. 1945 йил В.Л.Воронина меъморий ўлчамларини бажарган. Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Термизий мақбарасида таъмирлаш ишлари олиб борилди. Сағанаси ва ганжкори панжаралари қайта ўрнатилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Шеробод туманидаги Абу Исо Термизий мақбараси обод қилинди. 2017 йил 14 февралда давлатимиз раҳбарининг Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида қарори қабул қилинди. Унда ислом дини, жумладан, ҳадис илми, Абу Исо Термизий ҳамда Термизий алломалар мероси чуқур ўрганилади. Диний таълим, маънавий-ахлоқий тарбия ишларида фойдаланишга қаратилган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, оммабоп нашрлар, илмий-амалий тавсиялар тайёрланади[6]. Давлатимиз раҳбари марказга ташриф буюриб, бу ерда яратилган шароитлар билан танишди.

Буюк муҳаддис Имом Термизий ҳаёти ва асарларини чуқур ўрганиш, ёш авлодга етказиш, халқимизга тушунарли тильда китоблар чоп этиш бўйича тавсиялар берди. Бу ерда илмий тадқиқотлар олиб бориш учун муносиб шароитлар яратиш, олимларнинг халқаро илмий конференцияларда иштирокини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Имом Термизий. Аш-Шамоил ал Муҳаммадия, Т.:2021.

2. С.Мамадалиев. «Имом Термизий», Т.:”Мовароуннаҳр”, 2011.

[6] Абу Исо ат-Термизий «Сунани Термизий»шарҳи Ж.1. Т.: «Ирфоннашр», 2021. Б-.11

ИМОМ ТЕРМИЗИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ЁШЛАР ҲАЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ

Шахло Ҳошимова*

Аннотация. Ушбу мақолада муаллиф томонидан Буюк аллома Имом Термизийнинг асарлари ва бу асарлар ҳақида мутафаккир боболаримизнинг фикр мулоҳазалари, ёшлар ҳаётида бу асарларнинг нечоғлик муҳим эканлиги ҳақида маълимотлар келтирилиб ўтилган. Муаллиф ишонадики тўпланган маълумотлар соҳа мутаҳассислари ва мутассадилари учун муҳим манба бўлиб ҳизмат қилади.

Калит сўзлар: Муҳаддис бобомизнинг асарлари, кучли хотира эгаси, «Китобул асмо вал куна», буюклар фикри, Термизий мақбараси, эътибор ва эътироф.

Abstract. In this article, the author has presented the works of the Great Allama Imam Termizi and the opinions of our great thinkers on these works, as well as information on how important these works are in the lives of young people. The author beliyeves that the information collected will serve as an important resource for experts and officials in the industry.

Keywords: The works of our grandfather Muhaddis, the owner of a strong memory, “Kitabul asmo wal kuna”, the opinion of the great, Termizi’s mausoleum, attention and recognition.

“Буюк аллома ва адибларимиз, азиз авлиёларимизнинг
бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг
жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва
ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак”[1].

Шавкат Мирзиёев

Илм инсонни комиликка етаклайди. Буюкларнинг биз ёшларга қолдирган бебаҳо асарлари ўтмиш ифорини димоғимизга келтиради, келажак пойдеворини қуришимизда замин бўлади десак муболаға бўлмайди. Буюк боболаримиздан Термизий ҳам нафақат ўз даврининг ноёб асарлари билан ҳанузгача балки, ҳозиргача ҳам лол қолдириб келмоқда. Тўлиқ исми -Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Заҳҳок Сулмий Буғий Термизий бўлиб, 824 йили Термиз яқинидаги Буғ қишлоғида таваллуд топган. Куняси Абу Исо, исми Муҳаммад бўлган. У ижодий ва илмий фаолияти даврида Термизий бир қанча асарларни ёзади, уларнинг аксарият қисми бевосита ҳадисларга бағишланган бўлиб. ислом уламолари ўртасида илк даврдан бошлаб ҳадисларнинг тўғрилиги, ва уларни ишончли манбаларга асосланишига катта эътибор бериб келинган. Ўша даврнинг ўзидан бошлабоқ ноаниқ ҳатто сохта ҳадислар ҳам эл орасида тарқай бошлаган. Шундай пайтларда улар қайта-қайта текширилиб, муҳаддисларнинг бетиним меҳнати натижасида асл ҳолига қайтарилиб, ёзма равишда қайд қилина бошланган. Натижада ислом уламолари

---

* *Жиззах политехника институти, “Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат техника технологиялари” кафедраси ассистенти*

[1] https://tdtukokand.uz/manaviyat-rukni/

орасида ишончли манбалар асосида тўпланган ва тартибга келтирилган олтита ҳадислар тўплами (Сиҳоҳи ситта) муаллифлари энг нуфузли ва мўътабар муҳаддислар деб тан олинган. Мана шу этироф этилган машҳур муҳаддислардан бири -Имом Термизий ҳисобланган. Муҳаддис бобомизнинг асарлари билан танишар эканмиз -«Ал-жомеъ ас-саҳиҳ». Имом Термизийнинг ижодий фаолиятида яратилган асарлари ичида «ал-жомеъ ас-саҳиҳ» (Ишончли тўплам) энг асосий ўринни эгаллайди. Ушбу асар, юқорида қайд қилганимиздек, «Ал-жомеъул кабир», (Катта тўплам), «Саҳиҳ Имом Термизий», «Сунани Имом Термизий» каби номлар билан ҳам юритилади. Манбаларда ёзилишича, Имом Термизий ушбу асарини 270-ҳижрий (884-милодий) йилда, яъни қарийб олтмиш ёшларида, илм-фанда катта тажриба орттириб, имомлик даражасига эришгандан кейин ёзиб тугатган. Ушбу асар қўлёзмалари дунёнинг бир қанча шаҳарларида, шунингдек, ўзимизда, Ўзбекистон Фанлар Академияси, Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтида ҳам сақланмоқда. Муҳим манба сифатида «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» бир неча марта нашр қилинган. Бунга далил сифатида 1283 (1866)-йили Митоҳда, 1292 (1875)-йили Қоҳирада нашр этилганлигини кўрсатиш мумкин. Термизий асарларини ўрганиш илм чўққисига яна бир қадам қўйиш деганидир.

Илм урфонида кезар бир инсон,
Ҳорғинлик туймади танида бир он.
Ҳадислар илмини ўрганиб бугун,
Ўзидан қолдириб кетди яхши ном.
Термизий номини кўтариб кўкка,
Ўқисак арзийди уни такрора.
Буюклар ўгити ёшларга маёқ,[2]
У кўкда кўринган ойдек нишона.

(Ш. Ҳошимова шеъри)

Имом Термизий “Замондошлари орасида кучли хотирага эга бўлган шахс” деб эътироф этилган. «Ал-жомеъ» асарда манфаатли илм, тўла-тўкис фойда ва улкан масалалар мужассамланган. У ислом асосларидан биридир. Термизий: “Мен ушбу китобимда ривоят қилган ҳадисларга амал қилган. Фақат бир-иккита ҳадис борки, уларга амал қилишмаган. Улар: «Кимки уч мартагача тавба қилиб, ароқ ичса, уринглар. Тўртинчи мартасида ўлдиринглар», ҳамда «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам пешин ва асрни Мадинада жам қилдилар. Хавф ҳам йўқ эди, сафарда ҳам эмасдилар» ҳадисларидир”, -деганлар. Ибн Тоҳирнинг «Ал-Мансур» китобларида битилган: “Шайхул ислом Абу Исмоилнинг: “Термизийнинг «Ал-жомеъ Имом Термизий» асарлари Бухорий ва Муслимнинг китобларидан кўра манфаатлироқдир деб эътироф этади. «Шамоил-ун-набавийя». Абу Исо Имом Термизийнинг бошқа бир йирик асари «Шамоил-ун-набавийя» (Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари) деб аталади. Бу асар баъзи манбаларда «Аш-шамоил фи шамоил ан-набий соллаллоҳу

[2] Жумабоев А. Кўкалдош ўрта махсус исломтаълим муассаси ўқитувчиси Имом Термизийнинг илмий мероси ва унинг аҳамияти мавзусидаги мақоласи

алайҳи васаллам», «Аш-шамоилул Муҳаммадия» номлари билан ҳам келтирилган. Асар Пайғамбар алайҳиссаломнинг шахсий ҳаётлари, у зотнинг сийратлари, ажойиб фазилат ва одатларига оид тўрт юзу саккиз ҳадиси шарифни ўзига жамлаган қимматли манбадир.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ушбу мавзу, яъни Пайғамбар алайҳиссаломнинг фазилатлари, одатлари ҳақидаги ҳадисларни тўплаш билан жуда кўп олимлар, муҳаддислар шуғулланганлар ва бу хилдаги ҳадислар турли-туман китоблардан ўрин олган. Лекин Имом Термизий асарининг бошқалардан афзаллиги ва фарқи шундаки, муаллиф имкони борича Пайғамбар алайҳиссалом фазилатларига доир барча ҳадисларни мунтазам равишда тўплаб, мантиқан изчил бир ҳолатда тартибга келтирган ва ўзига хос мустақил, яхлит китоб шаклида тасниф қилган. Буюк бобомизнинг яна «Китобут-тарих», «Китобул илал ас-сағир ва илалул кабир», «Китобуз-зуҳд» (Тақво ҳақида китоб), «Китобул асмо вал куна» (Ровийларнинг исми ва лақаблари ҳақида китоб), «Ал-илал фил ҳадис» (Ҳадислардаги иллатлар ёки оғишлар ҳақида), «Рисола фил хилоф вал жадал» (Ҳадислардаги ихтилоф ва баҳслар ҳақида рисола), «Асмоус-саҳоба» (Пайғамбар саҳобаларининг исмлари) деган асарлари ҳам мавжуд[3].[3]

Имом Термизий кўп йиғлаганлар ва ҳаётларининг охирги икки йилида кўзлари ожиз бўлиб қолган. Лекин бобокалонимиз Пайғамбаризга қалбан ошиқ бўлган инсон бўлган. Айниқса, уларнинг «Сунан» китоблари китобларининг чиройлиси, фойдаси кўп бўлиб, такрор сўзлари оз, чиройли тартибда ёзилганлиги билан барчани ўзига бирдек ошуфта этади. Абу Али Мансур ибн Абдуллоҳ Холидий Имом Термизийнинг «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» китобларини сифатлаб: «Кимнинг уйида мана шу китоб бўлса, гўёки уйида Пайғамбаримиз гапираётгандек бўладилар», деб айтади[4].[4]

Абу Исо Термизий асарлари ҳозирда ҳам ўз қимматини йўқотган эмас. Унинг «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ», «Аш-шамоил ан-набавийя» каби асарларида келтирилган ҳадиси шарифлар катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб инсонларни ҳалол, адолатли, иймон-эътиқодли, диёнатли, покиза, меҳнатсевар, мурувватли, раҳм-шафқатли, ота-она, аёлларга нисбатан ҳурмат-эътиборли бўлишга чорлайди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманидаги Абу Исо Термизий мақбараси обод қилинган бўлса, 2017 йил 14 февралда давлатимиз раҳбарининг Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида қарори қабул қилингани ва мазкур қарор асосида Термиз шаҳрида Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази қурилди. Ислом дини, жумладан, ҳадис илми, Абу Исо Термизий ҳамда Термизий алломалар меросини чуқур ўрганилади. Давлатимиз раҳбарининг марказга ташриф буюриб, бу ерда яратилган шароитлар билан танишгани бу буюк алломага кўрсатилган эътибордан, ҳурматдан нишонадир. Буюк муҳаддис Имом Термизий ҳаёти ва асарларини чуқур ўрганиш, ёш авлодга

---

[3] Иноятов А. Термизий мақоласи. 2016. // www.minbar.uz

[4] Кенжабек М. Сунани Термизий. -Тошкент: Шарқ, 2012.

етказиш, халқимизнинг қалбига тушунарли тарзда кириб бориш бўйича тавсиялар берди[5].

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. https://tdtukokand.uz/manaviyat-rukni/
2. Жумабоев А. Кўкалдош ўрта махсус ислomтаълим муассаси ўқитувчиси Имом Термизийнинг илмий мероси ва унинг аҳамияти мавзусидаги мақоласи
3. Иноятов А. Термизий мақоласи. 2016. // www.minbar.uz
4. Кенжабек М. Сунани Термизий. -Тошкент: Шарқ, 2012
5. Тўрақулов М. Имом Термизий мақоласи. 2015. // www.muslimun.uz

[5] Тўрақулов М. Имом Термизий мақоласи. 2015. // www.muslimun.uz.

ИМОМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ҲАДИС ИЛМИ РИВОЖИДАГИ ҲИССАСИ ОЛИМЛАР ЭЪТИРОФИДА

Адолат Артиқова*

Аннотация. Ушбу мақолада ҳадис илмининг буюк вакилларидан бири ҳисобланган етук муҳаддис олим Имом Ат – Термизий (Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Захдок Сулламий Буғий Термизий) алломамизнинг ибратли ҳаёт йўлларини ва бой маънавий меросининг сарчашмаси бўлган асарларини педагогик таълимотлари (мазмуни, ўзига хос жиҳатлари, устувор ғоялари, самарали шакл, метод ва воситалари) ўқув-тарбиявий жараёнда тарбиявий-ахлоқий қарашларидан фойдаланиш борасидаги тасаввурлари, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган қарашлар орқали инсонларни ҳалол адолатли ,иймон эътиқодли ,диёнатли , покиза, меҳнатсевар , мурувватли, раҳм – шавқатли, ота – она , аёлларга нисбатан хурмат ҳосил қилишнинг мазмун, моҳиятини ўргатиш ва бугунги даврда қиёсий-таҳлил қилиш орқали ҳозирги давримиз учун ҳам ўрнак бўладиган кўп ибратомуз фазилатларини, илм – фанга ғоятда чанқоқлигини ; тартибли ҳадисларида қанчалик даражада саҳийҳ (тўғри, ишончли), ҳасан (яхши ,маъқул) ёки заиф (бўш ва ишончсиз), ғарийб (ғалати) мавзу (сохта ёки ўйлаб топилган) эканлигини қайта –қайта текширган синчиклаб ўрганган, ажратиб ҳар бир фикрларга мантиқан ёндашганлиги замондошлари томонидан юксак эътирофлар, таърифлар орқали буюк илм соҳибига бўлганлигининг яна бир исботи сифатида «Ҳадис илмида иқтидо қиадиган ягона олим» ёки «Биринчилардан бўлиб ҳадисларни саҳиҳ ,ҳасан , заифга тақсим қилганлига» гувоҳлик берилиши тақсинга муносиб кўрилганлигини ёритиб бериш биз ёшлар учун ҳам илмий , ҳам амалий жиҳатдан маёқ бўлган илм сарчашмасини дастури амал қилиб тарғиб қилишдир. Муҳаддис олимнинг асарларидаги равонлик фақат зиёлиларгина эмаслиги, балки ҳар бир инсон учун тушуниши мумкин бўлиши ҳақида сўз юритилади.

Таянч сўзлар: саҳиҳ, ҳасан, заиф, ғарийб, қироат, тафсир, дуо, маноқиб, ҳадис, калом, жуз, имом, ҳадис, саҳиҳ, пайғамбар.

Abstract. In this article, one of the greatest representatives of the sciyence of hadith, the mature scholar Imam At-Tirmizi (Muhammad ibn Isa ibn Sawra ibn Musa ibn Zakhdok Sullami Bugyi Tirmizi) pedagogic teachings of our scholar's exemplary ways of life and his rich spiritual heritage. (content, unique aspects, priority ideas, effective form, methods and tools) ideas about the use of educational and moral viyews in the educational process, making people honest, fair, religious, pious, pure, hardworking, kind-hearted, compassionate, father-mother, respect for women, teaching the meaning and essence of teaching and comparative analysis in today's era, many instructive qualitiyes that will be an example for our time, sciyence — sciyence thirst in the verse; To what extent the hadiths are sahih (true, reliable), hasan (good, acceptable) or weak (loose and unreliable), garib (strange) subject (false or invented) His contemporariyes gave high recognitions and definitions to him as «the only scholar who excels in the sciyence of Hadith» or «one of the first» by his contemporariyes.

* НДКТУ академик лицейи тарих фани ўқитувчиси.

To clarify that it is considered worthy to give testimony to the division of hadiths into sahih, hasan, and weak, is to promote the program of spreading knowledge, which is a beacon for our youth, both sciyentifically and practically. It is said that the fluency in the works of Muhaddis scholar is not only for intellectuals, but that it can be understood by everyone.

Keywords: sahih, hasan, weak, gharib, recitation, tafsir, dua, manoqib, hadith, kalam, juz, imam, hadith, sahih, prophet.

“Буюк аллома ва адибларимиз, азиз авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғ‘урур ва ифтихор туйғ‘уларини кучайтиришга алоҳида э’тибор қаратишимиз керак”.

Шавкат Мирзиёев

Термиз – Ўзбекистон жанубида, кўҳна Жайхун (Амударё) нинг ўнг соҳилида жойлашган бандаргоҳ шаҳар. У асрлар давомида Тармита, Антиохия – Тармита, Деметриас, Тармид, Тармиз, Тами, Тамо сингари турли номлар билан аталиб келган. X асрддан бошлаб Термиз деб номланган (араб ва форс манбаларида Тирмиз дейилади). Шарафиддин Али Яшдийнинг ”Зафарнома ” асарида ”Мадинат ур – ижол ”деб ҳам аталган Мазкур шаҳар ва унинг атрофларида етишган буюк алломаларнинг барчаси Термизий тахаллуси билан шуҳрат топганлар. Мустақиллик туфайли шаҳарнинг моддий ва маънавий эшиклари очилди: маънавий хазиналар кашф бўлди. Азиз Термизийларнинг маънавий мерослари халққа қайтарила бошланди. [1]

Айниқса, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан 2017 йил 14 февралда «Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши илм-маърифат ривожига ҳисса қўшган улуғ алломаларимизнинг маънавий меросини чуқур ўрганишга яна бир асос бўлди. Термиз шаҳрида «Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази» ташкил этилди. Албатта, Термиз шаҳридан жуда кўплаб олиму-фузалолар, шоирлар, дин пешволари, мусаввирлар этишиб чиққан. Жумладан, Ал-Ҳаким ат-Термизий, Абу Исо Термизий, Бурҳониддин Муҳаққиқ Саййид Сирдон Термизий, Абу Бакр Варроқ Термизий, Хўжа Самандар Термизий, Адиб Собир Термизий ва бошқалар. Буюк алломаларимизнинг маънавий меросини ўрганиш бугунги куннинг долзарб масалларидан ҳисобланади. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун 2017 йилдан бошлаб Термиз давлат университетида «Термизий алломаларнинг педагогик таълимотлари» ўқув фани танлов фани сифатида жорий қилинди. [2]

Имом Термизий (тўлиқ исмлари Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн аз-Заҳҳоқ Абу Исо ас-Сулламий аз-Зарийр ал-Буғий ат-Термизий) 209/824 йили Термиз яқинидаги Буғ (ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Шеробод тумани ҳудудида

---

[1] Х. Қурбонов ,И. Ботиров « Термиз » ЎзМЕ Т – ҳарфи 1- жилд 2000 йил

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги ПҚ-2774-сонли «Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Тошкент шаҳри, 2017 йил 14 февраль.

жойлашган) қишлоғида ўрта ҳол бир оилада таваллуд топган Ёшлигидан илмга чанқоқ бўлган Муҳаммад Термиз, Самарқанд, Бухоро, Марв ва бошқа йирик шаҳарлардаги энг машҳур фақиҳ ва муҳаддислардан жумладан, Имом ал-Бухорий, Имом Муслим-ибн ал-Ҳажжож, Абу Довуд, Қутайба ибн Саъид, Ишоқ ибн Мусо, Маҳмуд ибн Ғийлон, Саид ибн Абдурраҳмон, Муҳаммад ибн Башшор, Али ибн Ҳажар ал-Марвазий, Аҳмад ибн Муний, Муҳаммад ибн ал-Мусанно, Суфён ибн Вақийлардан сабоқ олган. Йигирма олти ёшида илм талабида Нишопур, Рай, Хуросон, Шероз, Бағдод, Куфа ва Басрага ҳамда Маккайи мукаррама ва Мадинайи мунаввара сафар қилган[3].

Буюк бобомизнинг яна «Китобут-тарих», «Китобул илал ас-сағир ва илалул кабир», «Китобуз-зуҳд» (Тақво ҳақида китоб), «Китобул асмо вал куна» (Ровийларнинг исми ва лақаблари ҳақида китоб), «Ал-илал фил ҳадис» (Ҳадислардаги иллатлар ёки оғишлар ҳақида), «Рисола фил хилоф вал жадал» (Ҳадислардаги ихтилоф ва баҳслар ҳақида рисола), «Асмоус-саҳоба» (Пайғамбар саҳобаларининг исмлари) деган асарлари ҳам мавжуд.[4]

Ҳижрий учинчи аср (милодий тўққизинчи аср) ҳадис илмининг ривожида олтин давр ҳисобланади. Имом Термизий ҳадис, тарих, фиқҳ каби фанларга оид ноёб асарларни ёзиб қолдирган. Ат-Термизий ўз илмий-ижодий фаолияти давомида ўндан ортиқ асарлар яратди. Унинг илмий-маънавий меросида, шубҳасиз «Ал-Жоме» асари катта аҳамиятга эгадир. Бу асар »*Ал-Жоме ас-саҳиҳ» («Ишончли тўплам»). «Ал-Жоме ал-кабир» («Катта тўплам»), «Саҳиҳ ат-Термизий», «Сунанут Термизий» («Термизий суннатлари»)* номлари билан ҳам юритилади.

"Имом Термизийнинг асаррига бир қатор шарҳлар ҳам ёзилган бўлиб, улардан ибн Арабий номи билан машҳур бўлган Имом Ҳофиз Абу Бакр Муҳаммад Ашбилийнинг «Оридатул Аҳвазий ала китоб Имом Термизий» номли 13 жузъ (қисм)дан иборат шарҳларини келтириш мумкин. Ушбу шарҳ дастлаб 1931 йилда Қоҳирада нашр қилинган. Имом Ҳофиз Абу Али Муҳаммад Абдурраҳмон ибн Абдураҳим Муборакфурий қаламига мансуб яна бир шарҳ ҳам «Туҳфатул-Аҳвазий бишарҳи Имом Термизий» деб аталади. Тўрт жузъдан иборат бўлган бу асар 1979 йилда Байрутда нашр қилинган (Ҳиндистон нашри ҳам мавжуд). Мисрлик олим ва адиб Жамолиддин Абдурраҳмон ибн Абу Бакр Суютийнинг (1445—1505) Имом Термизий асарига ёзган шарҳи «Қутул муғтазий ала Жомеъ Имом Термизий» (ундан икки қисми нашр қилинган), деб аталган. Булардан ташқари Муҳаммад ибн Абдуқодир Абу Тоййиб Маданийнинг «Шарҳу Сунани Имом Термизий», Аҳмад Муҳаммад Шокирнинг «Таҳқиқ ва Шарҳу Жомеъ Имом Термизий» (ўндан икки қисми 1937 йилда Мустафаул Бобиюл Ҳалабий томонидан нашр қилинган), Муҳаммад Юсуф Баннурийнинг «Маориф сунани шарҳ сунани Имом Термизий» (унинг биринчи қисми 1963 йилда Покистонда нашр килинган), Сирож Аҳмад Сарҳандийнинг «шарҳ Сунани Имом Термизий» номли форсча шарҳи, шунингдек Рашиб Аҳмадул Кануҳийнинг «Ал-кавкаб ад-дуррий ала Имом Термизий» (Ҳиндистонда чоп этилган), Муҳаммад Анвар Шоҳ Кашмирийнинг икки жузъдан иборат «Ал-Аърф аш-шазий ала Жомеъ Имом

---

[3] Нуриддин Атар . Ал – Имом ат – Термизий 21-22 бетлар

[4] Кенжабек М. Сунани Термизий .- Тошкент: Шарқ ,2012-б.29

Термизий» (бу асар ҳам Ҳиндистонда чоп этилган) ва ниҳоят Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Абдулҳодий Санадийнинг (у 1138 йилда вафот этган) «Ҳошия ала Сунани Имом Термизий» каби шарҳларини кўрсатиш мумкин.

Ушбу асар қўлёзмалари дунёнинг бир қанча шаҳарларида, шунингдек, ўзимизда, Ўзбекистон Фанлар Академияси, Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтида ҳам сақланмоқда. Муҳим манба сифатида «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» бир неча марта нашр қилинган. Бунга далил сифатида 1283 (1866) йили Митоҳда, 1292 (1875) йили Қоҳирада, шунингдек, 1980 йили Байрутда нашр этилганлигини кўрсатиш кифоя.

Ҳадис имомларидан бири Абдураҳмон ибн Муҳаммад Идрисий устозларини сифатлаб: “Термизий ҳадис илмида ишончли, сўзи ҳужжат бўлган имомлардан биридир. Имом Термизий «Сунан» китобида кенг мусулмон оммасини турли чалғишлардан халос этиш мақсадида иллатли (нуқсонли) ҳадисларни ҳам келтирган. Бинобарин ёдлашлари, зеҳнлари тўғрисида, зарбулмасаллар битилганини айтадилар. Аллома машҳур муҳаддис ва фақиҳлар орасида «Сўзи ҳужжат», «Хотираси кучли, ишончли олим» деб эътироф этилган.

Қомусий олим Муҳаммад Закариё айтади: “Менинг фикримча, олти саҳиҳ китобни ўрганишда Термизийнинг «Сунан»идан бошлаш энг тўғри йўлдир”. Унда бошқа ҳадис тўпламларида кам учрайдиган фойдали жиҳатлар мавжуддир. Масалан, уни ўқиган киши саҳиҳ, ҳасан, заиф ҳадисларни ажратиш кўникмасини ҳосил қилади. Шу билан бирга бу тўплам фиқҳий услубга кўра бобларга ажратилгани ўқувчи учун кўп қулайликлар яратади.

Имом Термизий Алломанинг «Шамойили Муҳаммадийя» асари эса Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам сийратлари ҳақида ёзилган энг муҳим манба бўлиб, ҳозиргача нуфузли ислом олий ўқув юртларининг таълим дастуридан жой олиб келмоқда. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Кимга илм талаб қилиб турган ҳолида ажал етса, у билан пайғамбарларнинг ўртасидаги фарқ фақат пайғамбарлик бўлади».

Абу Али Мансур ибн Абдуллоҳ Холидий айтганлар: “Имом Термизий: “Мен «Сунани Термизий»ни ёзиб, уни Ҳижоз, Ироқ, Хуросон олимларига кўрсатдим. Барчалари бу китобдан мамнун бўлдилар ва: «Кимнинг уйида шу китобдан бўлса, гўё унинг уйида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам гапириб тургандек бўладилар», – дедилар”, – деганлар”.[5]

Ибн Тоҳирнинг «Ал-Мансур» китобларида битилган: “Шайхул ислом Абу Исмоилнинг: “Термизийнинг «Ал-жомеъ Имом Термизий» асарлари Бухорий ва Муслимнинг китобларидан кўра манфаатлироқдир. Чунки Бухорий ва Муслимнинг китобларидан олимларгина, Термизийнинг китобларидан эса барча фойдалана биладилар”, – деганларини эшитдим”.

Шогирдларидан яна бирлари: «Имом Бухорий вафотларидан кейин Хуросонда Абу Исо Имом Термизийдек илмда, зеҳнда, тақвода, зоҳидликда бирор киши топилмас

---

[5] Инаётов А. Термизий мақоласи .2016 .-б .2.

эди», – деб айтади. Имом Термизий кўп йиғлаганларидан ҳаётларининг охирги икки йилида кўзлари ожиз бўлиб қолган.

Ибн Атийя: «Менинг ҳузуримда Имом Бухорий ва Муслимнинг китобларига қараганда Имом Термизийнинг китоблари нурлироқ ва тушинарлироқ», – деб айтади. «Нима учун?» – деб сўралганда, Атийя: «Чунки иккита имомнинг китобларидан фақатгина илм ва маърифат аҳлларигина фойдалана олишади холос» – деб айтган экан. Шайхлардан бири Имом Термизийга 40 та ғариб ҳадисни айтиб, имтиҳон қилишлик учун сўраганда бирорта ҳарфда ҳам хато қилмасдан аввалидан охиригача ўқиб берганларини кўриб: «сенинг мислингдаги кишини кўрмаганман», – деб айтди. Имом Термизий кўп китобларнинг муаллифидир. Айниқса, «Сунан» китоблари китобларининг чиройлиси, фойдаси кўп бўлиб, такрор сўзлари оз, чиройли тартибда ёзилгандир.

Абу Али Мансур ибн Абдуллоҳ Холидий Имом Термизийнинг «Жомеъ ас-саҳиҳ» китобларини сифатлаб: “ Бу китоб («Сунани Термизий») ни ёзиб, Ҳижоз, Ироқ ва Хуросон уламоларига тутқаздим. У зотлар ўқиб кўриб, ёзганларимни маъқуллаб, айтдики: «Кимнинг уйида бу китобдан бўлса, (яъни уни олиб, токчага қўйиб қўймасдан, балки ўқиб, мазмунини уқса) ўша хонадонда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам гапираётгандек бўладилар». деб айтади.

Абу Исо Термизий асарлари ҳозирда ҳам ўз қимматини йўқотган эмас. Унинг «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ», «Аш-шамоил ан-набавийя» каби асарларида келтирилган ҳадиси шарифлар катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб инсонларни ҳалол, адолатли, иймон-эътиқодли, диёнатли, покиза, меҳнатсевар, мурувватли, раҳм-шафқатли, ота-она, аёлларга нисбатан ҳурмат-эътиборли бўлишга чорлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. (Мукаммал асарлар тўплами). 17-жилд. – Тошкент: 2001.
2. Чориев З, Аннаев Т, Муртазоев Б, Аннаев Ж. Ал ҳаким ат -Термизий. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008.
3. Кенжабек М. Буюк Термизийлар. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент: 2017.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги ПҚ-2774-сонли «Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Тошкент шаҳри, 2017 йил 14 февраль.
5. Турсунов С, Муртазоев Б. Термизийларнинг илмий тафаккури. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016.
6. Кенжабек М. Сунани Термизий .- Тошкент: Шарқ , 2012.

“СУНАНИ ТЕРМИЗИЙ” АСАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Нилуфар Саидакбарова*

Аннотация. Ушбу мақолада Имом Термизийнинг “Сунани Термизий” асари, унинг бундай номланиш сабаби, мазкур китобнинг “Жомеъ” экани, ўзида 8 мавзудаги ҳадисларни қамраб олгани, китобнинг тўлиқ номи ҳамда ўзига хос хусусиятлари баён қилинган. Бундан ташқари, Имом Термизийнинг бир бобдаги ҳадисларга ёндошувлари ҳамда тутган услублари, қўллаган иборалари, ровийларнинг исм, куня, лақабларини батафсил келтирганлари, фақиҳ ва мужтаҳидларнинг ўша ҳадисга муносабатларини тўлиқ ёритганлари зикр қилинган.

Калит сўзлар: “Сунани Термизий”, “Ал-Жомеъ”, “Ал-жомеъ ал-мухтасар мин ас-сунани ан Росулиллаҳи саллоллоҳу алайҳи васаллам маърифат ас-соҳиҳи ва ал-маълули ва алайҳи амал”, “Ал-илал”, таҳвил, ҳасан-саҳиҳ, Ас-Сунобиҳий

Abstract. In this article, Imam Tirmizi's work «Sunani Tirmizi», the reason for its name, the fact that this book is «Jome», that it contains hadiths on 8 topics, the full name of the book and its characteristics are described. In addition, Imam Tirmidhi's approaches to the hadiths in one chapter, his methods, expressions, the names, nicknames, and nicknames of the narrators are mentioned in detail.

Keywords: «Sunani al-Tirmidhi», «Al-Jame'" «Al-jame' al-mukhtasar min as-sunani an Rasulillahi sallallahu alayhi wasallam marifat as-sahihi wa al-maluli wa alayhi amal», «Al-ilal», tahwil , hasan-sahih, Al-Sunabihi

Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савро ибн Мусо ибн Доҳҳак ас-Суламий ат-Термизий ал-Буғий раҳматуллоҳи алайҳ бутун инсоният жамияти учун бебаҳо хазинадир. Ўзининг 70 йиллик умри давомида “Сунан”, “Илал” ҳамда “Шамоил” каби асарларини ёзиб қолдирди. Хусусан, “Сунани Термизий” (“Жомиус сунан”) асари ҳадис илми ва унинг истелоҳларини янги босқичга кўтарди. Муҳаддиснинг мазкур китоби Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг 8 мавзудаги ҳадисларини жамлаган. Улар: ақоид, тафсир, фиққий ҳукмлар, сийрат, маноқиблар, одоблар, фитналар ҳамда Қиёмат аломатлари. Шу жиҳатдан “Жомеъ” – 8 мавзудаги ҳадисларни жамловчи китобдир. Ҳадисларнинг кетма-кетлиги фиққий масалалар, масалан, Таҳорат китоби, Намоз китоби каби тарзда тартибланишига кўра “Сунан”дир. “Кутуб ас-ситта” – “Олти ҳадис тўплами” ичида 5-ўринда, “сунан” китоблари орасида 3-ўринда туради.

Китобнинг тўлиқ номи:

الجامع المختصر من السنن عن رسول الله ﷺ و معرفة الصحيح و المعلول و ما عليه العمل

---

* *Тошкент ислом институти “Ҳадис ва ислом тарихи”кафедраси ўқитувчиси, Халқаро ислом академияси 2-курс магистранти*

Ал-жомеъ ал-мухтасар мин ас-сунани ан Росулиллаҳи саллоллоҳу алайҳи васаллам маърифат ас-соҳиҳи ва ал-маълули ва алайҳи амал"[1]

Асарда келган ҳадисларнинг умумий саноғи такрори билан 4300 та. Асар ўта қимматли бўлиб, Имом Термизийнинг чин маънодаги санъати ва маҳоратини ўзида мужассам қилган. Исмоил Ҳаравий айтади: "Жомеъ"нинг манфаати барчага тенг етиб боради". Имом Термизий ўзлари эса:

وَ مَن كَانَ فِي بيْتِهِ هَذَا الكِتَابُ يَعْنِي الجَامِعُ فَكَأَنَّ فِي بيْتِهِ نَبِيٌّ يَتَكَلَّمُ

"Кимнинг уйида ушбу китоб бўлса, худдики унинг уйида Пайғамбар гапираётгандек бўлади", дея ишонч билан айтганлар.[2] "Туҳфатул Аҳвазий шрҳи Сунани Термизий" китобида Қози Абу Бакр Арабий айтади: "Ҳадис китоблари ичида Абу Исоникидек ҳаловати ширин, нафосати жозибадор ҳамда хуштаъми бетакрори топилмайди. Унда 14 хил илм бор. Амал қилиш ва кўнгил хотиржамлигига ўта мосдир. Санад келтирди; саҳиҳларни кўрсатди ва заифларни ажратди; ҳадис йўлларини келтирди; жарҳ ва таъдил қилди; ровийларнинг исми ва кунясини аниқлади; узвий ва узилган санадни тартиблади. Амал қилинадигани ва тарк қилинадигини баён қилди. Уламоларнинг ихтилофи ўрин олгандир".[3]

Бундан ташқари "Сунани Термизий" асарининг бошқа китобларда учрамайдиган ўзига хос хусусиятлари ҳам бор:

1. Ушбу китобда ҳадислар жуда кам такрорланган

2. Имом Термизий ўзига маълум фақиҳ ва мужтаҳидларнинг далилларини тўплашга ҳаракат қилган. Ҳар бир фақиҳнинг далили алоҳида бобда келтирилган.

3. Ҳар бир бобда фақиҳ ва мужтаҳидларнинг фиққий қарашлари, бобдаги ҳадисдан чиқадиган ҳукм айтиб кетилган. Уни ўқиган киши фиққга тегишли "аҳком" ҳадислар ва фиққий қарашларнинг катта заҳирасига эга бўлади.

4. Имом Термизий ҳар бир ҳадисни келтирар экан, унинг саҳиҳлик ва заифлик даражасини ҳассослик билан келтиради.

5. Мавзуга оид бир-иккита ҳадис келтирилган бўлиб, ушбу бобга оид шу мазмундаги ҳадис яна кимлардан ривоят қилингани ҳам санаб ўтилади. Бу орқали кейингилар учун изланиш эшигини очиб кетганлар.

6. Узун қисса ёки воқеани маънога халал бермайдиган даражада қисқартириб, керакли жойини зикр қилганлар.

7. Агар бирор ҳадиснинг "иллат"и ёки "изтироб"и бўлса, албатта, очиқ баён қилганлар. (Имом Бухорий эса очиқ келтирмай, ишора қилиб кетадилар)

8. Ровийларнинг исми, куняси, лақабини тўлиқ келтириб, чалкашликни олдини олганлар. Айрим ўринларда шогирд устозидан эшитган ёки эшитмагани масаласига ҳам тўхталганлар.

---

[1] Сунани Термизий (Иззуддин Доллий, Имод Тоййар ва Ёсир Ҳасан таҳқиқи асосида). – Байрут: ар-Рисола, 2020. – Б. 27.

[2] Шамсиддин Заҳабий. Тазкирот ал-ҳуффоз. 2-жилд. – Хайдаробод. Мажлис доират ал-маориф ан-низомийя, 1915. – Б.

[3] كتاب سنن الترمذي - موضوع - mawdoo3.com

9. Китобнинг тартиби жуда осон. Ҳар бир ҳадиснинг мазмунидан ва унинг матнидан фойдаланиб бобларга сарлавҳа танланган. Шу боис, сарлавҳа орқали ҳадисни топиш ёки унинг умумий мазмунидан хабардор бўлиш мумкин.

10. "Сунан"нинг муҳим хусусиятларидан бири шуки, келтирилган барча ҳадислар қайсидир фақиҳ томонидан қабул қилинган ва амалга киритилган. (бундан иккитагина ҳадис истисно)

11. Баъзи олимлар уни "Саҳиҳайн"дан кейинга ўринга қўядилар. (Имом Заҳабий, Ҳожи Халифа)

12. Ҳадис илми фиқҳ илми билан уйғунлашгани учун уни мутолаа қилиш ва ўрганиш жуда кўплаб манфаатлар келтиради.[4]

Имом Термизий ривоят қилган таҳорат фазилати ҳақидаги ҳадис:

باب ما جاء في فضل الطهور

[2] حدثنا إسحاق بن موسى الأنصاري حدثنا معن بن عيسى القزاز حدثنا مالك بن أنس ح وحدثنا قتيبة عن مالك عن سهيل بن أبي صالح عن أبيه عن أبي هريرة قال قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «إذا توضأ العبد المسلم أو المؤمن فغسل وجهه خرجت من وجهه كل خطيئة نظر إليها بعينيه مع الماء أو مع آخر قطر الماء أو نحو هذا وإذا غسل يديه خرجت من يديه كل خطيئة بطشتها يداه مع الماء أو مع آخر قطر الماء حتى يخرج نقيا من الذنوب».

قال أبو عيسى هذا حديث حسن صحيح. وهو حديث مالك عن سهيل عن أبيه عن أبي هريرة

وأبو صالح والد سهيل هو أبو صالح السمان واسمه ذكوان وأبو هريرة اختلف في اسمه فقالوا عبد شمس وقالوا عبد الله بن عمرو وهكذا قال محمد بن إسماعيل وهو الأصح. قال أبو عيسى وفي الباب عن عثمان بن عفان وثوبان والصنابحي وعمرو بن عبسة وسلمان وعبد الله بن عمرو.

والصنابحي الذي روى عن أبي بكر الصديق ليس له سماع من رسول الله صلى الله عليه وسلم واسمه عبد الرحمن بن عسيلة ويكنى أبا عبد الله رحل إلى النبي صلى الله عليه وسلم فقبض النبي صلى الله عليه وسلم وهو في الطريق وقد روى عن النبي صلى الله عليه وسلم أحاديث . والصنابح بن الأعسر الأحمسي صاحب النبي صلى الله عليه وسلم يقال له الصنابحي أيضا وإنما حديثه قال سمعت النبي صلى الله عليه وسلم يقول إني مكاثر بكم الأمم فلا تقتلن بعدي.

Таҳоратнинг фазилати ҳақида келган ҳадис боби

(2) Бизга Исҳоқ ибн Мусо ал-Ансорий ҳадис айтди. У бизга Маън ибн Исо ал-Қаффоз ҳадис айтди, деди. У бизга Молик ибн Анас ҳадис айтди, деди. Таҳвил:[5] Бизга Қутайба ҳадис айтди. У Моликдан, у эса Суҳайл ибн Абу Солиҳдан, у эса у эса отасидан, у эса Абу Ҳурайра разийаллоҳу анҳудан (ҳадис айтган). У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар, деган: ***"Муслим ёки мўъмин банда қачон таҳорат қилиб, юзини ювса, сув билан бирга ёки охирги қатраси билан бирга ёхуд шунга ўхшашда унинг юзидан икки кўзи ила назар солган ҳар бир хатоликлари чиқиб кетади. Қачон икки қўлини ювса, сув билан бирга ёки сувнинг охирги қатраси билан бирга унинг иккала қўлидан қўллари ила ушлаган барча хатоликлари чиқиб кетади. Ҳатто у гуноҳлардан пок ҳолда чиқади".***

Абу Исо: «Бу ҳасан-саҳиҳ ҳадисдир!», дейди. У Моликнинг Суҳайлдан, у эса ўз отасидан, у эса Абу Ҳурайра разийаллоҳу анҳудан (ривоят қилган) ҳадисидир. Абу Солиҳ Суҳайлнинг отаси, у Абу Солиҳ – Саммон (Ёғфуруш). Унинг исми Заквондир. Абу Ҳурайранинг исми борасида ҳар хил фикрлар бор. Абдушамс ҳам деганлар, Абдуллоҳ ибн Амр ҳам деганлар. Муҳаммад ибн Исмоил (ал-Бухорий) худди шундай деган

---

[4] Аминов Ҳ. Исмоилов М. Абиев Ҳ. Абдуллаев Б. "Сунани Термизий шарҳи". 1-Ж. Тошкент: Ирфоннашр. 2021. Б – 327-332.

[5] Агар ҳадиснинг икки ёки ундан кўп санади бўлиши. Саййид Абдулможид ал-Ғоврий. Мўжам ал-мусталоҳот ал-ҳадисийя. Димашқ: Дор Ибн Касир. 2012. Б - 214 (893 б)

бўлиб, шуниси тўғрироқ. Абу Исо: «Бу бобда Усмон ибн Аффон разийаллоҳу анҳу, Савбон разийаллоҳу анҳу, ас-Сунобиҳий разийаллоҳу анҳу, Амр ибн Абаса разийаллоҳу анҳу, Салмон разийаллоҳу анҳу, Абдуллоҳ ибн Амр разийаллоҳу анҳудан (ривоят қилинган ҳадислар) мавжуд.

Ас-Сунобиҳий деган зот Абу Бакр ас-Сиддиқ разийаллоҳу анҳудан ривоят қилган бўлиб, унинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан (ҳадис) эшитгани аниқ эмас. Унинг исми Абдурраҳмон ибн Усайла бўлиб, Абу Абдуллоҳ деб кунияланган. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига бораётиб, йўлдалигида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этганлар. У Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бир қанча ҳадислар ривоят қилган. Ас-Сунобиҳ ибн ал-Аъсар ал-Аҳмасий Пайғамбар (с.а.в)нинг саҳобасидир. Уни ҳам ас-Сунобиҳий дейилади. Бир ҳадисида: “Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитдим, деган: “Сизлар билан умматимнинг кўплиги ила фахрланаман! Мендан кейин (фарзандларингизни) ҳаргиз ўлдира кўрманглар!”.[6]

Бу ҳадисни Имом Термизий иккита шайхлари - Исҳоқ ибн Мусо ал-Ансорий ва Қутайба ибн Саиддан эшитганлар. Ҳадис матнини келтиргач, унинг даражасини «Бу ҳасан-саҳиҳ ҳадисдир!» дея айтиб кетяптилар.

Ровий Суҳайлнинг отаси Абу Солиҳ экан. Кунясидан ташқари исмини Заквон, касби Саммон (Ёғфуруш) эканини билдириб ўтяптилар. Саҳоба Абу Ҳурайранинг исми ҳақида қарашлар кўп бўлиб, Имом Бухорийга кўра Абдуллоҳ ибн Амр экани, ўзларининг наздларида ҳам шу тўғрилигига ишора қиляптилар. Яна “Таҳоратнинг фазилати” ҳақида Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ташқари кўплаб саҳобалардан ҳам ҳадис мавжуд экан.

Фақат саҳобалардан ас-Сунобиҳий деган зотнинг иккита исмдошлари ҳам борлиги, уларни бу кишига адаштириб юбормаслик учун, алоҳида исмлари ва ҳадис ривоят қилган ёки қилмаганини баён қилиб ўтмоқдалар.

Хулоса ўрнида айтамизки, Имом Термизий Аллоҳ таолонинг бу умматга ато қилган қимматбаҳо хазинасидир. У кишининг ҳадис ва ҳадис илмларига қилган хизматларини муносиб баҳолаш; қолдирган асарларини ўқиб-ўрганиш, ҳадисларини шарҳлаш ҳамда ҳаётга татбиқ этмоқ ҳар бир ватандошимизнинг бурчидир!

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Сунани Термизий (Иззуддин Доллий, Имод Тоййар ва Ёсир Ҳасан таҳқиқи асосида). – Байрут: ар-Рисола, 2020. 1488 б.
2. Шамсиддин Заҳабий. Тазкирот ал-ҳуффоз. 2-жилд. – Хайдаробод. Мажлис доират ал-маориф ан-низомийя, 1915. 1403 б.
3. Ҳабиб ар-Роҳман Хойр Ободий. Мискуш шазий шарҳ Жомеъ ат-Термизий. 1-Ж. Ҳиро бук депот Девбанд. 2012. 528 б.
4. Нуриддин Итр. Ал-имам ат-Термизий ва ал-мувазанату жомеъиҳи ва байна саҳиҳайн. Димашқ: Дор ал-басоир, 2014. – 576 б.

[6] Аминов Ҳ. Исмоилов М. Абиев Ҳ. Абдуллаев Б. “Сунани Термизий шарҳи”. 2-Ж. Тошкент: Ирфоннашр. 2021. Б – 21-23. (396)

5. Саййид Абдулможид Ғоврий. Муъжамул-мусталаҳотул-ҳадисия. – Дамашқ: Дору ибн Касир, 2012. – 893 б.
6. Аминов Ҳ. Исмоилов М. Абиев Ҳ. Абдуллаев Б. “Сунани Термизий шарҳи”. 2-Ж. Тошкент: Ирфоннашр. 2021. 396 б.
7. كتاب سنن الترمذي - موضوع- mawdoo3.com
8. https://islamtics.com/

ИМОМ ТЕРМИЗИЙНИНГ «СУНАН» НОМЛИ АСАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Ҳусниддин Хасанов*

Аннотация. Имом Термизийнинг «Сунан» асарнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақидаги мақолада имом Термизийнинг қисқача таржима ҳоллари, асарлари баён қилинди. Сунан термизийни ёзилиш услуби ва бошқа ҳадис китобларидан ўзига хос жиҳатлари баён қилинди. Ҳадис истилоҳи борасида биринчи бўлиб «Ҳасан» иборасини ишлатганлари бунга яққол мисол. Саҳиҳ Бухорийдан кам ўринларда ҳадис келтирган. Ҳадисларни саҳиҳ, ҳасан, ғарибга ажратган. Ҳар бир ҳадисни иллатини баён қилган. Санадлардаги ровийни машҳур исм ва куняси зикр қилган.

Калит сўзлар: Жомиус сунан, ҳукмий ҳадис, заиф, саҳиҳ, ҳасан, мавзу, тўқима, сохта, фуқаҳолар амали, фиққий мавзулар, аҳком, мустахражот, абвоб, таҳорат, тафсир, фитналар, қиёмат аломатлари, сиқа, шоз, ҳофиз, саҳоба, тобеин, сиҳоҳ ситта, ал-илал, Бухорий, Муслим, Молик ибн Ҳувайрис, Зуҳрий, Исмоил ибн Муслим, Абдуллоҳ ибн Муборак, Ишоқ ибн Роҳувайҳ, Маслуб, Калбий, Куня.

Abstract. In the article about the unique aspects of the work “Sunan” by Imam Termizi, briyef biographiyes and works of Imam Termizi were described. The writing style of Sunan at-Tirmidhi and its unique features from other hadith books were described. A clear example of this is the fact that they were the first to use the term “Hasan” in terms of Hadith interpretation. Sahih Al-Bukhari has cited hadith in less places. He divided hadiths into sahih, hasan, and garib. He explained the evil of every hadith. The narrator in the Sanads mentioned his famous name and surname.

Keywords: Jame’ al-Sunan, ruling hadith, weak, sahih, hasan, subject, text, fake, practice of jurists, jurisprudential topics, ahkam, mustakhrajat, abwab, ablution, tafsir, fitsna, signs of the doomsday, siqa, shaz, hafiz , sahaba, tabein, sihah sitta, al-ilal, Bukhari, Muslim, Malik ibn Huwayris, Zuhri, Ismail ibn Muslim, Abdullah ibn Mubarak, Ishaq ibn Rahuwayh, Maslub, Kalbi, Kunya.

Юртимиз тарихига назар солар эканмиз, унинг маънавий ҳаётида буюк алломаларимизнинг ҳаёт йўллари ва яратган асарлари муҳим ўрин тутганлигига гувоҳ бўламиз. Жаҳонга машҳур алломаларнинг Марказий Осиёдан етишиб чиққанлиги бунга далилдир. Хусусан, уларнинг асарлари бутун дунё мамлакатлари илм-фанида дастури амал бўлиб хизмат қилаётганлиги сабабли алломаларимизнинг жаҳон илм-фан цивилизацияси ривожида тутган ўрнига юқори баҳо берилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек: “Имом Бухорий ва Бурҳониддин Марғилоний, Исо Термизий ва Ҳаким Термизийлар, Маҳмуд Замахшарий ва Қаффол Шоший, Баҳоуддин Нақшбанд ва Хожа Аҳрор Валий, Муҳаммад Хоразмий ва Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино, Мирзо

* *Тошкент шаҳар Имом Бухорий номидаги ислом институти 1-курс магистранти.*

Улуғбек ва Алишер Навоий каби кўплаб даҳолар номи жаҳон цивилизацияси тарихида олтин ҳарфлар билан битилган.

Минтақамиздан етишиб чиққан Имом Термизийнинг ҳаёти, ижодий ва илмий фаолияти даврида яратган асарлари, мўътабар асари «Сунани Термизий» нинг бошқа асарлардан ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумотларни ўрганиш тарихимизнинг ўрганилмаган саҳифаларини ёритишда муҳим аҳамият касб этади.

Имом, ҳофиз, муҳаддис Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Муса ибн Зоҳҳак ал-Буғий ас-Суламий ат-Термизийдир[1]. У киши «Абу Исо» деган куняси билан машур бўлган.

Имом Термизий ҳижрий 209 йили туғилиб, 279 йилда душанба куни, ражаб ойининг 13-куни Термизда вафот этган. Баъзилар исмларидан кейин «зарир» деб ҳам қўшиб қўяди. «Зарир» дегани кўзи ожиз деган маънони англатади. Чунки умрларининг охирида кўзлари кўрмай қолган. Унинг ёшлик йиллари Термиз шаҳрида ўтган, дастлабки илмни ҳам шу ерда олган. Болалигидан ўта зийраклиги, хотирасининг кучлилиги, ноёб қобилияти билан ўз тенгқурларидан ажралиб турган. Диний ва дунёвий фанларни, айниқса, ҳадис илмини алоҳида қизиқиш билан ўрганган, бу борадаги билимларини янада ошириш учун кўпгина Шарқ мамлакатларига борган. Кўп йиллар Ироқ, Исфаҳон, Хуросон, Макка ва Мадинада яшаган. Узоқ давом этган сафарлари чоғида қироат илми, баён, фиқҳ, тарих, айниқса ўзи ёшликдан қизиққан ҳадис илми бўйича ўша даврнинг йирик олимларидан таълим олган. Машҳур муҳаддислардан Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд , Қутайба ибн Саид, Исъҳоқ ибн Мусо, Маҳмуд ибн Ғайлон ва бошқалар унинг устозлари бўлган.

Имом Термизий кўплаб китоблар тасниф қилган бўлиб, улардан жуда оз қисми бизгача етиб келган холос. Улардан:

1. Ҳадислардаги иллатлар ҳақида, Ал-Илал ал-Кабийр.

2. Ал-Илал ас-Соғир.

3. «Пайғамбар алайҳиссаломнинг шакл ва сифатлари» («Аш-Шамоил ан-набавия» ёки «Аш-Шамоил ан-набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам»),

4. «Зоҳидлик китоби» («Китоб уз-зуҳд»),

5. Китоб ат-Тарих

6. «Исмлар ва кунялар китоби» («Китоб ул-асмо вал-куно»)

7. «Ҳадислардаги ихтилоф ва баҳслар ҳақида рисола» («Рисола фил-хилоф вал-жадвал»)

7. Ал-Жомеъ ёки ас-Сунан.

Сунани Термизийнинг тўлиқ номи «Ал-Жомеъ ал-Мухтасар мин ас-Сунан ан Росулуллоҳ ва маърифату ас-Саҳиҳ вал- маълул вамаа алайҳи ал-амал» бу китоб ҳадис илми борасида олтита мўътабар китобларнинг бири ҳисобланади. Имом Термизий бу китобида Абу Довуд (р.а) каби ҳукмий ҳадисларни жамлаган. Имом Термизий китобларида заиф ҳадислардан саҳиҳ ҳадисни баён қилиб ўтган. Ҳадисларни

[1] المدخل إلي جامع الإمام الترمذي. الكويت: مكتبة الشؤون الفنية، ١٤٢٨هـ — ٢٠٠٧ م.– ١٧ ص. الدكتور الطاهر الأزهري خذري.

келтиргандан сўнг унинг иллатини ҳам айтиб ўтган. Ҳофиз Шамсиддин аз-Заҳабий (раҳимаҳуллоҳ) нинг ёзишларича, Имом Термизий раҳимаҳуллоҳ мазкур асарини ёзгандан кейин уни Хуросон, Ҳижоз, Миср ва Шом уламоларига тақдим қилиб, уларнинг фикрларини олганлар. Дунёнинг ўша даврдаги машҳур муҳаддислари ушбу тўпламни мақбул санаб, уни оламга тарқатишга ижозат берганлар. Шунинг учун ҳам Абу Исо Термизий раҳимаҳуллоҳнинг ўзлари мазкур китоби тўғрисида ифтихор қилиб шундай деганлар:

وَ مَنْ كَانَ فِي بَيْتِهِ هَذَا الكِتَابُ يَعْنِي الجَامِعُ فَكَأَنَّ فِي بَيْتِهِ نَبِيٌّ يَتَكَلَّمُ[2]

«Кимнинг уйида ушбу китоб, яъни «Жомиус сунан» бўлса, худди унинг уйида Пайғамбар гапираётгандек бўлади!»

Имом Термизий китобларини баён қилиб: «Мен китобимда баъзи фуқаҳолар амал қилган ҳадисларни келтирдим»- деб айтадилар. Буни китобларини номида ҳам баён қилиб ўтганлар.

Ҳофиз абу Фазл Муҳаммад ибн Тоҳир ал-Мақдисий (р,а) шундай деб айтадилар: «Имом Абу Исмоил Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Ансорийдан эшитдим, у кишининг олдиларида Абу Исо Термизий ва унинг китоблари зикр қилинди, шунда: Унинг китоби мен учун Бухорий ва Муслиманинг китобидан манфаатлироқ, чунки Бухорий ва Муслиманинг китобидан фақат етук олимлар фойда олишади, Абу Исо Термизийнинг китобидан эса ҳар бир инсон манфаат олиши мумкин»- дедилар[3].

Ибн ал-Асир (р,а) айтадилар: "Термизийнинг китоби китобларнинг энг яхшиси, фойдаси кўп, тартиби чиройли, такрор ҳадислари кам, мазҳабларни зикри ва далилланиш услуби, саҳиҳ, ҳасан ғариб каби ҳадис турларининг баёни, жарҳ ва таъдил, охирида эса илал китоби жамланган[4].

Ҳадис имомлардан бири Абдураҳмон ибн Муҳаммад Идрисий: «Термизий ҳадис илмида ишончли, сўзи ҳужжат бўлган имомлардан биридир. Абу Исо Термизий биринчи бўлиб ҳадисларни саҳиҳ, ҳасан, заиф каби тоифаларга ажратган»- деб таъкидлаган.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Имом Термизий биринчи бўлиб «Сунан» асари орқали ҳадис илмига «ҳасан» иборасини киритган.

Имом Термизий ўз асарида «Китоб» лафзини ишлатмаган балки, «Абвоб» Боблар лафзини ишлатган. Таҳорат боблари, Намоз боблари, фитналар боблари каби ном билан номланган. Сунани Термизий китоби 48 та боблар 2259 боб, 4300 та ҳадисдан иборат[5].

«Жомиус сунан»нинг бошқа китобларда учрамайдиган ўзига хос хусусиятлари бор бўлиб улар қуйидагилар:

1) Ушбу китоб бир вақтнинг ўзида ҳам «жоме», ҳам «сунан» дир. Уламолар Имом Термизийнинг китобини номлашда турли фикрлар билдиришган. «Ал-Комил» китоби соҳиби Ибн Асийр китобни "Ал-Жамеъ ал-Кабийр ", Имом Самоъний, ал — Идрис, аз —

---

[2] شمس الدين الذهبي. تذكرة الحفاظ. بيروت: دار الكتب العلمية، ١٩٩٥م – ٢/ ١٥٣ ص.

[3] جمال الدين أبو حجاج يوسف المزي. تهذيب الكمال. بيروت: مؤسسة الرسالة، ١٩٧٩م – ١/ ١٧٢ ص.

[4] الدكتور الطاهر الأزهري خذري. المدخل إلي جامع الإمام الترمذي. الكويت: مكتبة الشؤون الفنية، ١٤٢٨هـ — ٢٠٠٧ م.– ٤٦ ص.

[5] محمد ابن موسى الترمذي. يتم الترمذي.مركز الرسالة للدراسة وتحقيق التراث، ٢٠٢٠م – ٧٧ ص.

Заҳабий, ал-Ироқий, Ибн Ҳажар ал-Асқалонийлар уни «Ал-Жомеъ», Имом ибн Каср, ибн Атийя «Ас-Сунан» деб номлашган[6]. Сийрат, одоблар, тафсир, ақоид, фитналар, қиёмат белгилари, фиқҳий ҳукмлар ва маноқиблар каби саккизта мавзуни қамраб олинган ҳадис тўплами «жомеъ» бўлади. Шунингдек, бу тўплам фиқҳий мавзулар бобларига ажратилган ҳолда тартиб берилганлигидан «сунан» ҳамдир.

2) Ушбу китобда «Саҳиҳи Бухорий» даги ҳадислар такрорланмаслигига эътибор берилган, такрор келганлари жуда кам учрайди.

3) Имом Термизий раҳимаҳуллоҳ ўзига маълум фақиҳ ва мужтаҳидларнинг далилларини тўплашга ҳаракат қилганлар. Ҳар бир фақиҳнинг далили алоҳида бобда келтирилган. Фиқҳда тўрт имом, Суфён Саврий, Абдуллоҳ ибн Муборак, Ишоқ ибн Роҳувайҳ сўзларини келтирган. Абу Ханифа (р,а) жуда кам ўринда зикр қилиб, далилларини келтиришда куфа аҳли, аҳли рай деб зикр қилган[7].

4) Ҳар бир бобда фақиҳ ва мужтаҳидларнинг фиқҳий қарашлари, бобдаги ҳадисдан чиқариладиган фиқҳий хукмлар ҳам айтиб кетилган. Уни ўқиган киши фиқҳга тааллуқли «аҳком» ҳадисларнинг ва фиқҳий қарашларнинг катта захирасини қўлга киритади.

5) Имом Термизий раҳимаҳуллоҳ ҳар бир ҳадисни келтирар экан, унинг саҳиҳлик ёки заифлик даражасини ҳассослик билан батафсил келтириб, алоҳида қайд қилиб кетганлар.

6) Ҳар бир бобда бир ёки иккита ҳадис келтирилган бўлиб, бу мавзуга оид асосий ҳадисларнинг келтирилганини билдиради. Бироқ «ва фи-л-боб» («бу бобда...») деб туриб ушбу мавзуга оид барча ҳадислар яна кимлардан ривоят килинганига батафсил ишора қилиб кетилган. Бу билан кейинги давр муҳаддисларига ва хадис олимларига изланишлар эшигини очиб кетганлар. Шунинг учун Имом ат- Термизий раҳимаҳуллоҳнинг ишора қилиб кетган ҳадислари топилиб, тахриж қилинган бир қанча мустақил асарлар ужудга келган. Имом Ҳофиз Абу Алий Ҳасан ибн Алий ибн Наср ибн Мансур ат-Тусий (ҳиж 312-вафот этган), ҳамда Абу Бакр Аҳмад ибн Али ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Янжувайҳ Яздий (ҳиж 428- вафот этган) Имом Термизийга Мустахражот китобларини ёзганлар[8]

7) Агар бирорта ҳадис жуда узун бўлса, шунингдек, бирорта қисса ёки ҳодиса билан боғлиқ бўлса, унинг боб мавзусига тааллуқли зарурий қисмигина келтирилиб, ҳадис қисқача келтирилган. Унинг узун ёки бирорта қиссага оид эканига ишора ҳам қилиб кетилган. Мазкур зарурий қисмнинг ўзидан ҳадиснинг тўлиқ шакли топиш осон кечади.

8) Агар бирорта ҳадиснинг «иллат»и ёки «изтироб»и бўлса, Имом Термизий (раҳимаҳуллоҳ) уни батафсил шарҳ қилиб, тушунтириб, очиқлаб кетганлар[9].

---

[6] محمد ابن موسى الترمذي، يتم الترمذي،مركز الرسالة للدراسة وتحقيق التراث، ٢٠٢٠م – ٦١ ص.

[7] الدكتور الطاهر الأزهري خذري، المدخل إلي جامع الإمام الترمذي، الكويت: مكتبة الشؤون الفنية، ١٤٢٨هـ — ٢٠٠٧ م– ٤١ ص.

[8] محمد ابن موسى الترمذي، يتم الترمذي،مركز الرسالة للدراسة وتحقيق التراث، ٢٠٢٠م – ٧١ ص.

[9] Ўзбекистон мусулмонлар идораси имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази. Сунани Термизий шарҳи. Тошкент: Ирфоннашр, 2021. – 1-жилд. Б 329.

9) Имом Термизий раҳимаҳуллоҳ ровийларнинг танилган номлари, иштибоҳли исмлари тўғ‘рисида ҳам маълумот берганлар. Жумладан, ровийнинг машҳур номини келтирган бўлсалар, унинг кунясини ҳам айтиб кетганлар, агар куняси машҳур бўлса, уни келтириб, сўнг чалкашлик туғилмаслиги учун унинг асли номи кимлигини билдириб ўтганлар. Айрим ўринларда эса ровийнинг ўз устозидан шахсан ҳадис эшитган ёки эшитмаганлиги, яъни симоси собитлиги масаласига ҳам тўхталганлар. Бу Имом Термизийнинг рижол илмида моҳир эканини кўрсатиб беради. Машҳур ровийларни исм ва кунялатини келтиришда ёрқин мисол:

– Халлод ал-Ҳаззо: У Холид ибн Меҳрон; Абу ал-Маназил деб куняланган.

– Молик ибн ал-Ҳувайрис ал-Лайсий: Абу Сулаймон деб куняланган.

Машҳур ровийларни куняси билан номланган бунга мисол:

– Абу ал-Малийҳ: у киши отасидан ривоят қилган, Усомани ўғли унинг исми Омир. Зайд ибн Усома ибни Умайр ал-Ҳузалий дейилади.

– Аз-Зуҳрий: Исми Муҳаммад ибн Муслим ибн Убайдуллоҳ ибн Шиҳоб аз-Зуҳрий, куняси Абу Бакр[10].

10) Имом Термизий (раҳимаҳуллоҳ) ровийларнинг исм ва кунясидан ташқари, қайси давлат ёки шаҳардан, саҳоба ёки тобеин, заиф ёки сиқа эканини ҳақида қисқаача баён қилиб ўтган. Бунга мисол:

– Абу Холид: У Абу Холид ал-Волибий исми Ҳурмуз бўлиб куфаликдир.

– Аълонинг бобоси Яъқуб: У катта тобенлардан, Умар ибн Хаттоб билан кўришган, ундан ҳадис ҳам ривоят қилган.

– Исмоил ибн Муслим ал-Маккий: Ҳифзи тарафидан ҳадисда заиф саналади[11].

10) «Жомиус сунан»нинг тартиби жуда осон. Ҳар бир ҳадиснинг мазмунидан ва унинг матнидан фойдаланиб бобларга сарлавҳа танланган. Шунинг учун сарлавҳалар орқали ҳадисни топиш ёки унинг умумий мазмунидан хабардор бўлиш осон. Бунга мисол:

«Икки киши билан бирга намоз ўқиган киши борасидаги келган ҳадис ҳақида боб» шу бобга Самура ибн Жундаб «розияллоҳ анҳу» ни ривоятини келтирадилар.

Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар уч киши бўлсак биримиз олдинга ўтишимизни буюрдилар»- дедилар. Бобнинг сарлавҳасидан агар уч киши намоз ўқимоқчи бўлса улардан бир киши имомликка ўтиш кераклиги тушунилади[12].

11) «Жомиус сунан»нинг муҳим хусусиятларидан бири шуки, унда келтирилган барча ҳадислар қайсидир фақиҳ томонидан қабул қилинган ва амалга киритилган. Буни Имом Термизий раҳимаҳуллоҳнинг ўзи ҳам китоб иловаси бўлмиш «ал-Илал ас-сағир» асарида эътироф этганлар. Бу ерда Имом Термизий (раҳимаҳуллоҳ) иккита ҳадисни истисно қилганлар:

Биринчи ҳадис «Сунанут Термизий»да 187-рақам билан келтирилган бўлиб, ҳеч қандай заруратсиз ҳам икки фарз намозни жамлаб ўқиш мумкинлиги ҳақидадир. Мазкур ҳадисни келтирганидан кейин Имом Термизий раҳимаҳуллоҳ унинг беузрлик

---

[10] الدكتور الطاهر الأزهري خذري. المدخل إلي جامع الإمام الترمذي. الكويت: مكتبة الشؤون الفنية، ١٤٢٨هـ — ٢٠٠٧ م.– ٦٩ ص.

[11] جامعة إستنبول كلية الإلهيات قسم الدراسة العليا. تعقبات المباركفوري على الترمذي في جامعه أبواب الطيارة والصلاة أنموذجا. م 2022 – ص: 15.

[12] الدكتور الطاهر الأزهري خذري. المدخل إلي جامع الإمام الترمذي. الكويت: مكتبة الشؤون الفنية، ١٤٢٨هـ — ٢٠٠٧ م.– 99 ص.

ҳолатида амал қилиши мумкин эмаслигини айтиб ўтганлар ва унга тўғридан-тўғри амал қилиш асло жоиз эмаслигини қайд этганлар. Лекин ҳанафий олимлари унга «жамъи суварий» қилиб амал қилиш мумкинлигини ёзадилар. Яъни бир намозни охирги вақтида ўқиб, кейинги намозни аввалги вақтида адо қилиш «жамъи суварий» деб айтилади.

Иккинчи ҳадис эса «Сунанут Термизий»да 1444-рақам билан келтирилган бўлиб, ароқхўр тўртинчи марта ҳам ароқ ичиб қўлга тушса, уни ўлдиришга бўлган кўрсатмадир. Мазкур ҳадисни келтирганидан кейин Имом Термизий уни «мансух» ҳукми бекор қилинган деб топганлар[13].

12) «Жомиус сунан»ни гарчи «Сунани Насоий» ва «Сунани Абу Довуд»дан кейинги ўринга қўйилсада, лекин «Кашф аз-зунун»да Ҳожи Халифа раҳимаҳуллоҳ уни «Саҳиҳайн»дан кейинги ўринга қўядилар. Яъни Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ ва Имом Муслим раҳимаҳуллоҳ тўпламларидан кейинги учинчи ўринга қўйилган. Ҳофиз аз-Заҳабий раҳимаҳуллоҳ ҳам «Жомиус сунан»ни «Саҳиҳайн»дан кейинги ўринга қўйганлар[14].

Ибн Ҳажар ал-Асқалоний раҳимаҳуллоҳ ҳам «Тақриб ат- Тахзиб» асарида олтита саҳиҳ ҳадислар туплами «Сиҳоҳи ситта»га рамзий белгилар қўяр экан, «Жомиус сунан»ни «Сунани Абу Довуд» ва «Сунани Насоий» ўртасига тўртинчи ўринга қўйганлар.

«Жомиус сунан»ни пастки ўринга тушириб қўйган сабаб унда Маслуб ёки Калбий сингари ўта заиф ровийлардан ҳам ҳадис ривоят қилингани ҳисобланади. Бироқ Имом Термизий раҳимаҳуллоҳ ривоятларни келтирар экан, ҳар бир ривоятнинг даражасини белгилаб, заиф ровийлар тўғрисида албатта маълумот бериб кетганлар. Шунинг учун ҳам у зотнинг заиф ривоятлари асло хатарли эмас! Бу нуқтаи назардан олиб қараганда, «Жомиус сунан» ҳадис тўпламлари орасида энг хатарсиз китоб ҳисобланади. Шунингдек, Абу Бакр ал-Ҳозимий раҳимаҳуллоҳ «Шурут ал-аимма ал-хамса» асарида Имом Термизий (раҳимаҳуллоҳ)нинг ҳадисларга қўйган шартлари Имом Абу Довуд (раҳимаҳуллоҳ) нинг шартларидан кўра етукроқ эканини тасдиқлаганлар[15].

Имом Термизий (раҳимаҳуллоҳ) заиф ҳадислардан огоҳлантириб кетар эканлар, бу қайдлар у зотнинг наздида бу заиф ҳадиснинг «шавохид» ва «мутобаат»лари борлигини англатади. Яъни ушбу заиф ҳадисни қувватлайдиган бошқа ривоятлар мавжудлигини билдиради.

13) Имом Термизий раҳимаҳуллоҳ «Жомиус сунан» асарида заиф, тўқима ҳадис келтирмаганлар. Ибн ал-Жавзий раҳимаҳуллоҳ ўзининг «Мавзуоти кубро» асарида Имом Термизий раҳимаҳуллоҳ ривоят килган 23 та ҳадисни мавзуъ деб юборганлар. Лекин Ибн ал-Жавзий раҳимаҳуллоҳнинг мавзуъ ҳадисларни белгилашда ўта қаттиқ

---

[13] Ўзбекистон мусулмонлар идораси имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази. Сунани Термизий шарҳи. Тошкент: Ирфоннашр, 2021. – 1-жилд. Б 330.

[14] Ўзбекистон мусулмонлар идораси имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази. Сунани Термизий шарҳи. Тошкент: Ирфоннашр, 2021. – 1-жилд. Б 330.

[15] أبو بكر محمد لن موسى الحازمي. شروط الأئمة الخمسة. مكتب المطبوعات الإسلامية. ص ١٢٥.

«муташаддид» экани маълум. У зот ҳатто «Саҳиҳи Бухорий» ва «Саҳиҳи Муслим»да келтирилган ҳадисларни ҳам мавзуъ деб юборганлари бирма-бир аниқланиб, танқид қилинган. Шунинг учун ҳам Имом Термизий раҳимаҳуллоҳнинг «Жомеъ ас- Сунан» асарида келтирилган ҳадислар синчиклаб ўрганиб чиқилганда унда бирорта мавзуъ, тўқима ва сохта ҳадис йўқлиги аниқланган.

Жалолиддин ас-Суютий раҳимаҳуллоҳ юқоридаги 23 та ҳадисни бирма-бир ўрганиб чиқиб, «ал-Қавл ал-ҳасан физ-забби аън ас-Сунан» деб номланган рисолани битганлар. Унда ибн ал-Жавзий раҳимаҳуллоҳ мавзуъ деб қарор қилган фикрлари танқид қилиниб, ўша ҳадисларнинг собит эканлиги, уларнинг барчаси «Сиҳоҳи ситта» тўпламларида учраши исботланган.

14) Имом Термизий баъзи ҳадис истелоҳларини ишлатишда бошқа имомлардан ажралиб туради. Мисол учун

Ҳасан – Имом Термизий бу истеълоҳга шундай таъриф беради: “Бу китобда «Ҳадийсун Ҳасанун» иборасини келтирсак у ҳадиснинг исноди ҳасан бўлиб, санадида ёлғон билан туҳматланган киши бўлмайди, ҳадис шоз ҳам бўлмайди ва яна бошқа кўринишда шунга ўхшаш ҳадис келган бўлади[16]. Бу таъриф бошқаларнинг таърифидан ҳадисни бошқа туруқи бор бўлиши шарт қилиниши билан фарқланади.

Ғариб – Имом Термизий илал китобида ғарибга шундай таъриф беради: «Биз бу китобда ғариб ҳадис деб айтсак аҳли ҳадис бир нечта кўринишдаги ҳадисга ғариб деб айтдилар: гоҳида, ҳадис битта йўлдан ривоят қилинган бўлса ғариб бўлади, гоҳида ҳадисдаги зиёдқлик сабаб ғариб бўлади, санаднинг ҳолатидан келиб ҳадис ғариб деб айтилади»[17].

Ҳасан Ғариб – Бу истеълоҳ Имом Термизий назмида «ҳасан лизотиҳи» муқобилида туради.

Саҳиҳ Ғариб – Бу ҳадис саҳиҳ бўлиб, унда қандайдир ғаробатли (ноаниқлик) бор бу эса саҳиҳ бўлишга тўсиқ бўлмайди.

Ҳасан Саҳиҳ Ғариб – Бу истеълоҳ Имом Термизий назнида ҳадиснинг туруқ (ривоят йўл) лари бир нечта бўлиб, ровийлари туҳматланмаган, ҳадис шоз бўлмаган бўлса, шу туруқлар баъзиси саҳиҳ, баъзиси ҳасан бўлса бу ҳадис «ҳасан саҳиҳ ғариб» деб айтганлар[18].

15) Ўқув даргоҳларида «Сиҳоҳи ситта» дарс қилиб ўтилар экан, айнан Имом Термизий (раҳимаҳуллоҳ) нинг «Жомиус сунан» асарининг талабаларга жуда катта манфаати борлиги маълум бўлган. Ҳиндистон ва Покистон уламолари «Сиҳоҳи ситта» дарсларини «Жомиус сунан»дан бошлашларининг сабаби ҳам шунда. Унда ҳадис илмини фиқҳ билан уйғунлаштирилиб баён қилиб берилади. Бунинг эса талабаларнинг ҳадисларни тўғри тушунишларида фойдаси катта. «Жомиус сунан» китобининг бошқа ҳадис тўпламларидан ортиқча хусусиятлари ва афзал жиҳатлари борлиги шак-шубҳасиздир.

---

16 أبو عيسى الترمذي (ت:٢٧٩) العلل الصغير، أحمد محمد وآخرون، دار إحياء التراث العربي- بيروت، ص: ٧٣٨

17 المصدر السابق: ص: ٧٥٨.

18 أبو عيسى الترمذي (ت:٢٧٩) العلل الصغير، أحمد محمد وآخرون، دار إحياء التراث العربي- بيروت، ص: ٦١٠

«СУНАНИ ТЕРМИЗИЙ» АСАРИДА ҲАДИСЛАР ВА РОВИЙЛАРНИНГ ЁРИТИЛИШ УСЛУБЛАРИ

Зиннура Наимова Суннат қизи*

Аннотация. Мақолада Абу Исо Термизий роҳимаҳуллоҳнинг «Сунани Термизий» китоблари ҳадис илмида машҳур асар эканлиги асослаб берилган. Муҳаддис ушбу асарларини фиққий боблар риоясига кўра талқин қилган. Шу сабабдан асар «Сунан» китоблари туркумига киради. Мақолада Абу Исо Термизий роҳимаҳуллоҳнинг ҳам « Сунани Термизий» асарида ҳадислар ва ровийларни ёритишга қаратилган ажойиб услублар мужассам бўлганлиги таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Ҳадис, асар, вуқуф, услуб, ҳасан, асл, сунан, муҳаддис, ҳоким, ривоят, дироят.

Abstract. In the article, it is justifiyed that Abu Isa Termizi's book "Sunani Termizi" is a famous work in the sciyence of hadith. Muhaddith interpreted these works according to fiqh chapters. For this reason, the work belongs to the seriyes of "Sunan" books. In the article, it is analyzed that Abu Isa Tirmidhi's work "Sunani Tirmidhi" contains wonderful methods aimed at illuminating hadiths and narrators.

Keywords: Hadith, work, waqf, style, hasan, asl, sunan, muhaddis, hakim, narration, dirayat.

Шаръий илмлар таълиф этилган барча асарларда тартиблаш ва бобларга ажратишнинг аҳамияти юқори бўлгани сабабли «Сиҳоҳи ситта» соҳибларининг барчаси ҳадисларни мавзуларга ажратиб ёзганларини кўришимиз мумкин. «Мавзуларга ажратгандан кейин имом Муслимдан бошқа муҳаддислар ўқувчи топа оладиган қилиб бобларга мос сарлавҳаларни қўйиб чиққанлар»[1]. Шуни билиш керакки, «Сиҳоҳи ситта» мусаннифлари ҳадисларни тартиблашдаги услублари санадлар эътиборидан тартибланишдан ва ҳадисларнинг биринчи сўзидаги ҳарфлар билан тартибланишдан бир неча муҳим жиҳатлар билан ажраб туради[2].

Яхшилаб тааммул қилиб, ўйлаб кўриладиган бўлса, сарлавҳа деб айтилаётган боблар 3 турга бўлинади:

А) "التراجم الظاهرة",

Б) "التراجم الإستنباطية"

С) "التراجم المرسلة",

Имом Термизийнинг «Жомеъ» китобларида ҳар учала услубни ҳам топиш мумкин. Энди юқорида келтирилган учта услубнинг ҳар бири ҳақида алоҳида тўхталиб ўтамиз. Бунда ҳар бири ўз тартиби билан келтирилади[3]:

А) (التراجم الظاهرة) зоҳир, равшан сарлавҳалар.

---

* *Мир Араб олий мадрасаси 4-курс талабаси*

1 Жўрабек Чўтматов. Имом Абу Исо Термизий ҳаёти ва ижоди саҳифалари. – Тошкетн: Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2019. – Б. 94.

2 Нуриддин Иътир. Ал-Имам Термизий вал мувозанату байна Жамеиҳи ва байнас-саҳиҳайн: Лажнатут таълиф ват таржима ва нашр. 1970. – Б. 125.

3 Нуриддин Иътир. Ал-Имам Термизий вал мувозанату байна Жамеиҳи ва байнассаҳиҳайн: Лажнатут таълиф ват таржима ва нашр. 1970. – Б. 176.

Имом Термизийнинг китобларида бу турдаги бобларнинг номланиши жуда кўп учрайди. Шу сабабли «Арфуш шазий» соҳиби айтганидек, сарлавҳалар эътиборидан Имом Термизийнинг китоблари энг енгил китоб турига кирган[4]. Бу жомени ўқиган киши сарлавҳаларга биринчи қарашидаёқ билади-ки, Имом Термизий "ما جاء" яъни «мана бу мавзуда келган боб» – деб айтадилар. Масалан, "باب ما جاء في كذا" – деб, яна "باب ما جاء في سجود القرأن و سنتها" яъни «Қуръоннинг саждалари ҳақида келган ҳадислар боби» – деб айтганлар[5]. Лекин, бу хил тартиблашда имом Бухорий билан ўхшаб кетадиган, бир хил услуб тутган ўринлари ҳам кўп. Жумладан:

1. Умумий қилиб "хабарий сийға"[6] билан келтиришлари. Бу ўша бобда қайси мазмунда эканлигига далолат қилади. Бу услубни имом Термизий кўп қўллаганлар. Масалан, "باب ما جاء في السواك", яъни "мисвок ҳақида келган ҳадислар боби" – деб умумий ҳолатда айтадилар ва давомидан бобга тегишли ҳадисни келтирадилар. Бу сарлавҳаларнинг фойдаси, умумий ҳолатда бу бобнинг мазмунига ишора қилиб ўтишдир. Китобхон шу орқали бу бобда келадиган ҳадисларни мақсадини билиб олади.

2. Умумий ҳолатда эмас, хос ҳолатда сарлавҳа қўйишлари. Масалан, имом Термизий «باب ما جاء أنّ الإقامة مثنا مثنا» «яъни "такбир иккита-иккитадандир деб келган ҳадислар боби" – деб туриб, хос ҳолатда сарлавҳа қўйганлар. Сўнга, ортидан ривоят қилинган ҳадисни келтирадилар:

«كَانَ أَذَانُ رَسُولِ اللهِ صَلّى الله عَلَيْهِ وَسَلّمَ شَفْعاً شَفْعاً: فِي الأَذَانِ وَالإِقَامَةِ»[7]

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг азонлари азон айтишда ҳам, такбирда ҳам жуфт-жуфт бўлган» – деб айтганлар. Бу услубнинг фойдаси – ҳадис ўша ҳукмнинг натижаси эканини ифодалайди ва муаллиф мана шуни ихтиёр қилган эканини билдиради агар у масала уламолар ўртасида ихтилофли бўлса.

3. Сарлавҳани сўроқ шаклида келтириш. Бу услуб имом Термизийда озроқ учрайди. Бу сўроқ шаклида келтириш китобхонни зеҳнини чархлайди ва яна ҳам тафаккур қилишга ундайди. Истифҳомий келтирилишининг сабаби, ўша бободаги масала тадқиқ қилишга ва таржиҳ қилишга муҳтож бўлган ихтилофли ўрин бўлгани учун бўлиши мумкин. Масалан, имом Термизий айтганлар:

باب ما جاء كيف النهوض من السجود – «Саждадан қандай туриш ҳақида келган ҳадислар боби» – деган[8]. Бундан ташқари, сарлавҳаларни сўроқ шаклида келтиришнинг яна бир сабаби бор. Бу – барча уламолар иттифоқ қилган масалага сарлавҳа қўйишда ҳам истефҳомни келтириш мумкин. Бу – масалани далилини билишга яна ҳам ундаш учун бўлади. Масалан, имом Термизий:

---

[4] Қаранг: «Ал-Арфуш-шазий фи шарҳи сунан ат-Термизий». Аллома, ал-Муҳаддис ал-Кабир Анваршоҳ ибн Муаззамшоҳ ал-Кашмирий. 1-жуз. – Байрут: Дор иҳя ат-турос ал-арабий, 2004. – Б. 109

[5] Нуриддин Иътир. Ал-Имам Термизий вал мувозанату байна Жамеиҳи ва байнассаҳиҳайн: Лажнатут таълиф ват таржима ва нашр. 1970. – Б. 306.

[6] Бу истелоҳдан ўзбек тилида дарак гап маъносидаги жумла назарда тутилади.

[7] Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий. Жоми ат-Термизий. Биринчи жилд. – Мадина: Ал-Мамлакату ал-аробийя ас-суъдийя, 1996. 21-боб, 3-ҳадис

[8] Ўша манба: 268-боб, 9-ҳадис.

باب ما جاء كم فرض الله عباده من الصلوات яъни, «Аллоҳ Таоло бандаларига (намоздан) неча ракатни фарз қилди» – деб бобни номлаганлар.

4. Зоҳирий таржимани тўртинчи тури – бунда бобдаги сарлавҳа ўша бобнинг ҳадисидан олинади. Сарлавҳа ўша ҳадисни тўлиқ ўзи бўлиши ҳам мумкин ёки ўша ҳадисни баъзисини сарлавҳа қилиб қўйилиши ҳам мумкин. Масалан باب ما جاء إذا أقيمت الصلاة فلا صلاة إلا المكتوبة яъни, «Намозга такбир айтилган вақтда фақатгина фарз намози ўқилади» – деб сарлавҳа қўйганлар ва ортидан Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳуга борадиган санад билан ривоят қилади:

إذا إقيمت الصلاة فلا صلاة الا المكتوبة – «Намозга такбир айтилган вақтда фақатгина фарз намози ўқилади» – деб ривоят қилганлар. Яъни, ҳадисни тўлалигича ўша бобнинг сарлавҳаси қилиб қўяқолганлар.

5. Бир ҳукмни бошланганлигини хабар бериб айтади. Имом Термизий баъзи мавзуларини «мана бу нарсани бошланиши» – деб қўйганлар. Масалан: باب ما جاء فى بدء الاذان яъни, «Азонни бошланиши ҳақида келган ҳадислар боби» деганлар ва орқасидан ривоят қилинган ҳадисни келтириб ўтганлар.

Буюк муҳаддис сарлавҳаларни ишлатишда ўзига хос бўлган яна бир услублари бор, у ҳам бўлса, китобдаги бир масалага бир неча боб қўядилар. Масалан, насх[9] қилувчи далил учун алоҳида битта боб қўядилар ва ўша ҳадисда мансухи[10] учун ҳам алоҳида боб қўядилар. Яъни турли хил ихтилофли мазҳабларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида боб қўйиб далилларни келтирадилар. Масалан аввал – «олов теккан нарсадан еса таҳорат қилиш боби» деб номлаганлар ва орқасидан Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан:

الوضوء مما مست النار яъни, «Олов теккан нарса (истеъмол қилган)дан сўнг таҳорат қилиш керак» – деб ҳадис келтирганлар. Ундан кейин: «Олов теккан нарсани егандан кейин таҳорат қилмаслик боби» – деб яна бир боб келтирганлар ва орқасидан Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисни келтирганлар:

فاتته – يعنى النبي – بعلالة من علالة الشاة فأكل ثم صلى العصر ولم يتوضأ

Яъни, «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга бир қўйни боласи (улоқча) келтирди ва ундан Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам едилар ва аср намозини ўқидилар, таҳорат қилмадилар» – деб келтирди.

Бу билан имом Термизий раҳматуллоҳ айтмоқчиларки, иккинчи ҳадис биринчи ҳадисни насъҳ қилувчи, яъни, амалини бекор қилувчи ва аксар уламоларнинг мазҳаби шу эканлигини баён қимоқчи бўлганлар.

Б) (التراجم الإستنباطية)_ Ҳадиснинг қандайдир маъносидан чиқариб олинган сарлавҳалар.

Муаллифлар китобларга турли сарлавҳалар қўядилар. Бу сарлавҳа остида келаётган маълумотни тўлиқ, очиқ-ойдин тушиши лозим. Яъни ўртадаги сарлавҳа билан остида келаётган маълумотни мослаштиришга ортиқча фикр юритиб ўтирмаслик одатий ҳолат

---

[9] Аввалган келган шариатдаги бир ҳукмни кейинги келган янги ҳукм амалини бекор қилиши ва янги ҳукм амалини таминловчи далил.

[10] Кейинг янги ҳукм билан унинг амали тўхтаган биринчи ҳукм шундай аталади.

бўлади. Лекин, гоҳида мусаннифлар истинботий сарлавҳаларни кўпроқ фикр юритишга ундайдиган сарлавҳа сифатида қўядилар[11]. Бунинг иккита асосий сабаби бор:

Биринчиси – ўша китобнинг муаллифи китобхонни бобнинг ҳадислари тўғридан тўғри, очиқ-ойдин далолат қилмаслигига ўргатиш учун, қолаверса, китобхон узоқ фикрлаб ўша сарлавҳа остидаги ҳадислардан чиқариб оладиган маъноларни мусанниф сарлавҳани бошидаёқ йўллаб, ишора қилиб қўяди. Натижада ўша одам, яъни китобхон бу ҳадисдан нима мақсадлигини билиб олади.

Иккинчиси- муаллиф ўша илм толибини зеҳнини чархлашни ва чуқур фаҳм эгаси бўлишини, шу билан бирга ўша ҳадисдан ҳукмларни олиш малакасини ҳосил қилишни мақсад қилади. Абу Исо Термизий ўзларининг китобларини тарожимларида камдан кам бу истинботий сарлавҳалардан фойдаланади, яъни сарлавҳаларни осонгина тушуниб олиш мумкин бўлади. Имом Термизий бу борада устозини йўлидан ҳам юрганлар ва бу мавзуда алоҳида ўзгача услубларни ҳам тутганлар:

1. Бу услуб сарлавҳа ҳадис далолат қилиб турганидан зиёда бир ҳукмни ўз ичига олади. Бунинг сабаби, ўша ҳукмга бошқа санадларда далиллар борлигини билдириб қўйиш учун бўлади.

2. Иккинчи услуби – ўша сарлавҳа бобдаги ҳадисларга лузумий, яъни келтириб чиқарувчи алоқа сабабли боғлиқ бўлади. Бу имом Термизийни ҳам, имом Бухорийни ҳам тарожимларида кўп учрайди.

3 Учинчи услуб – сарлавҳа ҳадисдан кўра умумийроқ ёки хосроқ бўлади.

4. Бир равшан, аниқ нарсага сарлавҳа қўядилар. Гоҳида унга қараган одам буни фойдаси кам деб ўйлаб қолади. Лекин, яхшилаб тадқиқ қилиб кўрса, буни кўплаб фойдалари ва манфаатлари бўлади.

C) (التراجم المرسلة) ҳеч қандай изоҳлар билан қайдланмаган сарлавҳалар.

Бунда мусанниф "باب" ёки "باب منه" деган сўзлар билан кифояланади. "باب" деб сарлавҳа қўйишларининг сабаби бу боб юқоридаги боб билан мазмуни бир хил ёки муттасил, алоқадор, уни тўлдирувчи, лекин мазмунида қандайдир зиёда фойдалари бўлгани учун ажратилганини ифодалайди.

Аллома ҳадисларни ривоят қилишда муҳаддисларнинг йўлидан юрганлар. Ҳадисларни ўз китобида санадлари билан ривоят қилганлар ва бу ихрож (чиқариб олиш) ҳам дейилади. Чунки ҳадисларни санади билан ривоят қилинганда, ўша ҳадис ривоят қилинган йўл чиқариб олинган бўлади. ИмомТермизий санадларни келтиришда китобига тўлиқ ҳақини берганлар ва битта ҳадисни бир неча йўл билан келганлигини саноғини айтганлар. Бунда ровийларни ихтилофи ва иттифоқини ҳам баён қилганлар ва ўша ҳадислар келган йўл бир неча турли бўлади. Уларни ҳам баён қилганлар. Буларнинг барчаси тўрт йўналишда бўлади. Бу китобларда Имом Термизий Муслим Ибн Ҳажожнинг саҳиҳларида тутган

[11] Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн ал-Арабий. Оризат ал-аҳвазий би-шарҳ Саҳиҳ ат-Термизий. 1-жилд. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмийя, 1968. – Б. 126.

услубларига тўлиқ риоя қилганлар. Гоҳида Имом Муслим қилмаган услубларни ҳам амалга оширганлар. Бу умумий олгандаги 4 хил йўлдан иборат[12].

1-Бир ўринда бир неча ҳадисларни санадини жамлаш.

2-Битта иснoддан кейин матнни келтириб, сўнг санадларини нечта ўринда келганлигини баёни.

3-Битта матнни ривоят қилиш билан барча санадларни ҳам ёлғиз келтириш

4-Санадларга ишора қилиш.

Имом Термизий баъзи ўринларда юқоридаги тўртала услубни тўлиқ ҳаммасини амалга оширганлар. Баъзи ўринда эса, камроғига амал қилганлар. Имом Термизий баъзида ҳадисни 2 маротабадан такрорлайди. Бунинг сабаби:

1-саънадни такрорлаш орқали ҳадисни қувватлаш.

2-кейинги матнда биринчисидан зиёдалик борлиги учун такрорлайди. Имом Термизийнинг бунга ўхшаш қилган ишлари худди Имом Муслимнинг қилган ишларига ўхшаб кетади. Ҳафиз ибн Ражаб «Шарҳ илали Ал-жомъи» китобида айтади: Имом Термизийга баъзилар эътироз билдиради, у киши аксар бобларни ғариб бўлган ҳадислар билан бошлайди дейдилар. Аслида, бу айб эмас, чунки мусанниф роҳимаҳуллоҳ иллатларни баён қилади. Сўнгра санади саҳиҳ бўлганини очиқлаб кетади. У кишини мақсадлари иллатларни зикр қилиш бўлгани учун шундай қилади. Бундай иш тутганлар орасида Имом Насоийни ҳам кўришимиз мумкин. У киши ҳадисларни барча йўлларини қамраб олади. Лекин қайси бирида қандайдир бир айби борини биринчи бошлайди ундан кейин тўғрисини зикр қилиб ўтади.Имом Муслим эса у киши муқаддималарда айтганидек, биринчи сиқа ровийларнинг ҳадисларини келтиради, сўнгра даражада ундан пастроғини келтириб ўтади. Агар баъзи ривоятларда иллат бўлса уни охирроғига қўяди ва ундаги иллатга ишора қилиб ҳам қўяди. Кўпинча ҳадисларни иллат ўринларини келтирмайди қисқа қилиб қўя қолади.

Юқорида зикр қилинган гаплардан хулоса қиладиган бўлсак, умумий ҳолатларда Абу Исо Термизий роҳимаҳуллоҳ муҳаддислар билан бир хил услубни қўллаган. Айрим хос ўринларда эса, услуб қўллашда қолганлардан ажраб туриб хос услубни қўллаган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Жўрабек Чўтматов. «Имом Абу Исо Термизий ҳаёти ва ижоди саҳифалари». – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2019. – 128 б.
2. Нуриддин Иътир. «Ал-Имам Термизий вал мувозанату байна Жамеиҳи ва байнас-саҳиҳайн»: Лажнатут таълиф ват таржима ва нашр. 1970. – Б. 125.
3. Нуриддин Иътир. «Ал-Имам Термизий вал мувозанату байна Жамеиҳи ва байнас саҳиҳайн»: Лажнатут таълиф ват таржима ва нашр. 1970. – Б. 176.
4. Аллома, ал-Муҳаддис ал-Кабир Анваршоҳ ибн Муаззамшоҳ ал-Кашмирий. «Ал-Арфуш-шазий фи шарҳи Сунанут Термизий». 1-жуз. – Байрут: Дор иҳя ат-турос ал-арабий, 2004. – Б. 109

[12] Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн ал-Арабий. Оризат ал-аҳвазий би-шарҳ Саҳиҳ ат-Термизий. 1-жилд. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмийя, 1968. – Б. 274.

5. Нуриддин Иътир. «Ал-Имам Термизий вал мувозанату байна Жамеиҳи ва байнас саҳиҳайн»: Лажнатут таълиф ват таржима ва нашр. 1970. – Б. 306.
6. Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизий. «Жоми ат-Термизий». Биринчи жилд. – Мадина: Ал-Мамлакату ал-аробийя ас-суъдийя, 1996. 21-боб, 3-ҳадис
7. Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн ал-Арабий. «Оризат ал-аҳвазий би-шарҳ Саҳиҳ ат-Термизий». 1-жилд. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмийя, 1968. – Б. 126.
8. Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн ал-Арабий. «Оризат ал-аҳвазий би-шарҳ Саҳиҳ ат-Термизий». 1-жилд. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмийя, 1968. – Б. 274.
9. Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн ал-Арабий. «Оризат ал-аҳвазий би-шарҳ Саҳиҳ ат-Термизий». 1-жилд. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмийя, 1968. – Б. 126.

ИМОМ ТЕРМИЗИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ИСЛОМ СВИЛИЗАЦИЯСИДА ТУТГАН ЎРНИ

Ясмина Олимова*

Аннотатсия. Ушбу мақолада ислом дунёсида ўз ўрнига эга бўлган ҳадисшунос олим Имом Термизийнинг ҳаёт йўли, ҳадис тўплашдаги изланишлари, у зотнинг асарлари, хусусан, «Сунани Термизий» ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: Имом Термизий, Буғ қишлоғи, Жайҳун, Марв, Макка, Мадина, «Сунани Термизий».

Abstract. This article tells about the life of Imam Tirmidhi, a researcher of hadiths, who has a place in the Islamic world, his research in the fiyeld of collecting hadiths, his works, in particular, “Sunani Tirmidhi”.

Keywords: Imam Tirmidhi, the village of Bug, Jayhun, Marv, Mecca, Medina, “Sunani Tirmidhi”.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги ПҚ-2774-сонли «Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорига мувофиқ Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди ҳамда Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 14 мартда давлат рўйхатидан ўтказилди. Бу ҳақда Адлия вазирлигининг матбуот хизмати хабар берган эди.

Марказнинг асосий мақсад ва вазифалари Ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома, ватандошимиз Абу Исо Термизий (Имом Термизий) ва термизий алломаларнинг беназир меросини илмий асосда чуқур ўрганишга, муқаддас юртимиз замини азал-азалдан улуғ алломалар, азиз-авлиёлар ватани бўлиб келганини юртдошларимиз ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилишга, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантиришга, шу асосда ёш авлодни эзгу ғоялар руҳида тарбиялашга, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтиришга қўмаклашишга қаратилган эди.

Буюк ҳадисшунос олим имом Бухорийнинг севимли шогирди Абу Исо Муҳаммад ат-Термийдир. Тўлиқ исми Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн аз-Заҳҳок ас-Суламий ал-Буғий ат-Термизий. Куняси Абу Исо (яъни Исонинг отаси)[1].

Термизийнинг насаби кўпгина манбаларда ана шундай зикр қилинган. У зот насаби ҳақида яна икки хил қавл бор. Биринчиси –Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Шаддод. Иккиничиси – Муҳаммад ибн Исо ибн Язид ибн Савра ибн ас-Сакан. Термийиз ҳижрий 209 йил (милодий 824-825) йил таваллуд топган. Хофиз аз-Заҳабий «Мийзон ул-итидол» китобида Термизийнинг ҳижрий 279 (милодий 892-893) вафот этганини зикр қилиб: «Вафот атган вақтларида етмиш ёшда эдилар», – дейди. Аллома Мулла Али ал-Қорий ҳазратлари ҳам «Аш-Шамоил» асари шарҳида ҳам худди шу гапни айтади.

---

* *Термиз Давлат Университети Тарих факультети талабаси*

[1] Турсунов С., Муртазоев Б. Термизийларнинг илмий тафаккури. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2016. – Б. 86.

Имом Термизий туғилган ватани Ўзбекистондир. Термизий Термиз шаҳридан олти фарсах (тақрибан 40 км) нарида жойлашган Буғ қишлоғида таваллуд топди. Ал-Буғий деб Буғ қишлоғига нисбат берилиши шу ерда яшаб вафот этгани сабаблидир. Бўлажак алломанинг беғубор болалиги, шўх ёшлиги жўшқин ва сокин Жайҳун соҳилларида ўтди. Оилдаги илмга чанқоқ муҳит, шаҳардаги чинаккам покиза шароит Муҳаммад ибн Али Ҳаким Термизийнинг Қуръон тиловатига, Расулуллоҳ ҳадисларига рағбатини оширди. Илмга чанқоқлик Термизийни Бухоро ва Самарқанд ҳамда Марв ва Нишопур шаҳарларига чорлайди. Илм фанга ташна Имом Термизий 850 йилдан бошлаб узоқ юртларга, кўплаб хорижий мамлакатлар ва шарларга саёҳат қилди. У киши 20 ёшга етганда Хуросонга бориб, шайх Ишоқ ибн Роҳвайх Марвазий ва бошқалардан илм ўрганади. Сўнг 25-26 ёшларида Ироққа (Басрага) бориб у ердаги алломалардан дарс олади, кейин Макка ва Мадинага кетади У ерда кўплаб уламолар билан мулоқотда бўлиб, таълим олади. Бу саёҳатлари кўп йиллар давом этади. Имом Термизий Термизга ҳижрий 250 (милодий 864) йилда қайтиб келади. Шунга қараганда, тахминан 20 йил давомида ўзга юртларда ҳадисларни ўргамиб йиғиб юрган.

Имом Бухорий билан Нишопурда (ҳижрий 250 йил) учрашиб, кўп ҳадислар ҳақида музокаралар олиб боргани ҳақида маълумотлар бор. Шундан сўнг «Ал Жоме ас-Саҳиҳ» («Сунани Термизий») китобини ёза бошлаган. Имом Термизий ёшлигидан ҳадис йиғишга иштиёқи баланд бўлган, ҳар бир ҳадисни ёзиб олганда унга алоҳида эътибор берган. ўзлари ўқиган ёки бирор ровийдан эшитган ҳадисларни асли ва иснодини диққат ва огоҳлик билан аниқлаб қайта- қайта текшириб, тўғрилигига ишонч ҳосил қилгандан кейин, асл ҳадисларни алоҳида қоғозга кўчирган, шубҳа қилганларини ҳам алоҳида қоғозга ёзиб қўйган. Ана шу тариқа саҳиҳ ва шубҳали ҳадисларни табқаларга бўлиб, саҳиҳ, ҳасан, заиф, ғариб сифат ва хилларга ажратган. Имом Термизийнинг хотираси жуда кучли бўлган бир маэрта эшитган ҳадисини ёдлаб қолиш қобилияти бор эди, у ҳақида ўзи ҳам ҳикоя қилган. Имом Термизий ислом оламида ўзининг асарлари билан машур. Олимлар Имом Термизий ислом оламига турли асарлар тортиқ қилганини айтишади. Уларнинг фикрича у зотнинг асарлари қуйидагилар:

1. «Ал-Жоме ас-Саҳиҳ» («Сунани Термизий»).
2. «Аш-Шамоил ал-Маҳаммадия» («Аш-Шамоил ал-Набавия» деб ҳам юритилади).
3. «Ал-Ҳол».
4. «Ат-Тарих».
5. «Аз-зуҳл».
6. «Ал-Асмо ва ал-куно» («Исмлар ва кунялар»).
7. «Ал-Илал фи-л-ҳадис» («Ҳадис санадларидаги иллатларёки нуқсонлар»). Бу тасниф икки мустақил асардан иборат: 1) «Ал-илал ас-сағир»; 2) «Ал-илал ал-кабир» ёки «Ал- муфрад». Термизийнинг бошқа асарлари ҳам бўлиши мумкин[2].

---

[2] Мирзо Кенжабек. Буюк Термизийлар. – Тошкент: «Ўбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2017. – Б. 123.

Имом Термизийнинг энг машҳур асари «Сунани Термизий» ҳисобланиб, асар Имом Бухорий билан учрашувдан ҳижрий 250 (864 йил) дан кейин ёзилган. «Сунани Термий» китоби ҳақида кўплаб уламолар ўз фикрларини билдириб ўтганлар. Термизийнинг «Сунан коитоби ҳақидаги фикрлар Ибн ул-Асийр ўз «Тарих»ида бундай дейди: «Термизий имом ва ҳофиз эди. Бебаҳо асарлар тортиқ қилди. «Ал-жоме ул-кабир («Катта тўплам» яъни «Сунани Термизий») бу асарларнинг энг мукаммалидир.

Ҳофиз Абул-Фазл Мақдисий айтади: «Ҳиротда имом Абу Исо ал-Ансорийдан эшитдим. У ўз мажлисида Термизий ва унинг китоби борасида сўз кетганида бундай деди:»Менинг учун Термизийнинг китоби Имом Бухорий ва Имом Муслим китобларидан кўра фойдалироқ. Чунки уларнинг китобларидан фақат теран илмли мутахасис олимларгина истифода этади. Термизийдан эса ҳар ким фойдаланиши мумкин».

Аллома Тосркўпрулузода Термизийнинг таржимаи ҳоли ҳақида шундай дейди: (Термизий) ҳадис илмида кўпгина асарлар тақдим этди. Унинг «Ал-жоме ас-Саҳиҳ» китоби буб у асарлар орасида фойдаси энг кўп, тартиби ихчам такрори энг оз китобдир. Унда бошқа ҳадис китобларида учрамайдиган хусусиятлар бор.

Биз сўзимиз давомида бу китоб ҳақида бир қанча фактларга тўхталмоқчимиз. Имом Термизийнинг ёзган асарлари жуда кўп, лекин улар ичида энг таниқлиси ва шоҳ асари «Сунани Термизий»дир. Муҳаддис китобларни 51 та мавзуга бўлганлар. Мавзулар ичидаги жами боблар сони 2231 тани ташкил қилади. Ҳадислар сони эса 3956 тадир. Турли хил нусхалар эътиборидан фарқланиши мумкин. Имом Термизий бу китобдаги услублари биринчи ҳадисни келтирадилар кейин фиққий ҳукмга алоқадор масалалсрни келтириб, олимларнинг шу борасида қандай йўл тутганини ҳам ёритиб ўтадилар. Яна қўшимча қилиб саҳобий ва тобеинларнинг ҳам тутган йўлларини келтирган[3].

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки Имом Термизий илмий фаолиятини ўрганиш ҳозирги замон ёшларининг кўнглида ислом оламида машҳур олимларидан фахрланиш туйғусини уйғотади. Айниқса бу биз Сурхондарё фарзандлари учун ғурурдир.

Муқаддас ислом дини ривожига беқиёс ҳисса қўшган, ҳадис илмининг дарғаларидан бири, буюк ватандошимиз Имом Термизийнинг улкан илмий меросини янада чуқур ўрганиш, халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш, ушбу йўналишда олиб борилаётган тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, азалий миллий қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш, ёш авлоднинг руҳий ва маънавий оламини бойитиш, иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтириш бугунги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади. Имом Термизийнинг бой маънавий меросини ўрганишда юртбошимиз томонидан қабул қилинган «Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарор муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлди. Ушбу қарор асосида Дин ишлари бўйича қўмита, Сурхондарё вилоят ҳокимлиги, Имом Термизий

---

[3] Саидов С. «Термизийлар мероси жаҳон олимлари олимлар нигоҳида». Янги Ўзбекистон газетаси. № 192 (1253), 2024 йил 20-центабр. – Б. 5.

халқаро илмий-тадқиқот маркази, Термиз давлат университети ва Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳамкорлигида 12-центабр санасида «Термизий алломаларнинг илмий-маънавий мероси: ўтмиш ва бугун» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди[4].

Хулоса қилиб айтганда, буюк бобокалонимизнинг шахсий ҳаёти ва унинг бой маънавий меросини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш ҳам илмий ҳам амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эгадир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Мирзо Кенжабек. Буюк Термизийлар. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2017.
2. Турсунов С., Муртазоев Б. Термизийларнинг илмий тафаккури. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2016.
3. Саидов С. «Термизийлар мероси жаҳон олимлари олимлар нигоҳида». Янги Ўзбекистон газетаси.
4. https://kun. уз/уз/82723093

[4] Саидов С. «Термизийлар мероси жаҳон олимлари олимлар нигоҳида». Янги Ўзбекистон газетаси. № 192 (1253), 2024 йил 20-центабр. – Б. 5.

ИМОМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ҲАДИС ИЛМИДА ТУТГАН ЎРНИ

Улуғой Иброҳимова Дониёржон қизи*

Аннотация. Ушбу мақолада ҳадис илмининг буюк намояндаси Имом Термизий ҳаёти, унинг илмий фаолияти тасвирланган. Ёзган асарлари, уларнинг моҳияти, ҳадис илми, ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: ҳадис, илмий-ижодий иш, муҳаддис, илмий мунозара, баҳс саҳийҳ ҳадис, тасаввуф илмлари, ҳадис шарҳи, ҳадис ҳикмати.

Abstract. This article describes the life of Imam Termizi, a great representative of hadith sciyence, and his sciyentific activity. Information about his written works, their essence, the sciyence of hadith is given.

Keywords: hadith, sciyentific and creative work, muhaddith, sciyentific discussion, debate on authentic hadith, mysticism, hadith reviyew, hadith wisdom.

Термизий Абу Исо, Имом Термизий (тўлиқ номи Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Захдок Сулламий Буғий Термизий) (824, Термиз — 892, Буғ қишлоғи, ҳозирги Шеробод тумани) — буюк муҳаддис. Сулламий деб нисбат берилишига сабаб боболаридан бири суллам деган араб қабиласига дўст тутинган, Буғий дейилишига сабаб ўша вақтдаги Бут номли қишлоқда вафот этиб, шу ерга дафн қилинган. Умрининг охирида кўзи ожиз бўлиб қолгани учун «ад-Дарир» тахаллуси билан ҳам аталган. Термизийнинг ёшлик йиллари Термиз шаҳрида ўтган, дастлабки маълумотни ҳам шу ерда олган. Болалигидан ўта зийраклиги, хотирасининг кучлилиги, ноёб қобилияти билан ўз тенгқурларидан ажралиб турган. Диний ва дунёвий фанларни, айниқса, ҳадис илмини алоҳида қизиқиш билан ўрганган, бу борадаги билимларини янада ошириш учун кўпгина Шарқ мамлакатларига борган. Узоқ йиллар Ироқ, Исфаҳон, Хуросон, Макка ва Мадинада яшаган. Узоқ давом этган сафарлари чоғида қироат илми, баён, фиқҳ, тарих, айниқса, ўзи ёшликдан қизиққан ҳадис илми бўйича ўша даврнинг йирик олимларидан таълим олади. Машҳур муҳаддислардан Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд, Қутайба ибн Сайд, Ишоқ ибн Мусо, Махмуд ибн Ғайлон ва бошқа унинг устозлари эди. Термизий Имом Бухорий билан учрашганида (бу учрашув Нишопурда бўлган ва икки аллома 5 йил биргаликда яшашган) ҳадиснинг матнинигина эмас, унинг ҳикмати ва фалсафасини тушуниб етганини эътироф этади. Ўз навбатида Имом Бухорий ўз шогирдини мақтаб, камтаринлик билан: «Сен мендан баҳра топганингдан кўра мен сендан кўпроқ баҳра топдим», деган. Бу Термизийга берилган жуда катта баҳо эди.

Термизий йўлда, сафарда бўлганда ҳам, ёки бир жойда муқим турганда ҳам устозларидан, учратган ровийлардан эшитган ҳадисларни ёзиб олар, уларни тартибли равишда алоҳида алоҳида қайд қилиб борарди. 868- йил хориж сафаридан ўз юртига қайтган Термизий илмий-ижодий иш, шогирдлар тайёрлаш билан машғул бўлди ва йирик муҳаддис олим, имом сифатида шуҳрат қозонди. Тақводорлик, ислом дини ва ўз обрўсига гард юқтирмасликка интилиш, дунё мол-матоси ва бойликка бепарво қараш, охиратнинг ғамини ейиш Термизийнинг ҳаёти тарзи эди. Термизийнинг

* *Фарғона давлат университети талабаси.*

шогирдлари унинг ишларини давом эттирди. Улар ичида Макҳул ибн алФадл, Муҳаммад ибн Маҳмуд Анбар, Ҳамод ибн Шокир, Абд ибн Муҳаммад Насафий, Ҳайсам ибн Кулайб Шоший, Аҳмад ибн Юсуф Насафий ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Ҳаким Термизий мартабасини англаш учун унинг асарлари ҳақида маълумотга эга бўлиши керак. Аллома асарларининг аниқ сони бугунга қадар бирор манбада келтирилмаган. Чунки тарихий манбаларда бу борада турли фикрлар мавжуд. Бу кўрсаткичлар унинг 30 тадан 400 тагача китоб ва рисола таълиф этганига ишора қилади. Жумладан, доктор Али Муҳаммад Бижовий ундан ўттизга яқин рисола ва китоб қолганини айтган [1: 12]. Мисрлик профессор Муҳаммад Жуюший (ваф. 2006) Ҳаким Термизийдан 60 дан зиёд китоб ва катта-кичик ҳажмдаги 200 дан ортиқ рисола қолганини айтган. Шунингдек, у алломанинг 68 та асари номини санаб, баъзилари йўқолгани, айримлари Ҳаким Термизийга тегишли эмаслигини таъкидлаган. Сўнг унинг қўлёзма фондларида сақланаётган қўлёзма китобларидан 50 тасига илмий тавсиф ёзган. Шунингдек, у Ҳаким Термизий илмий меросини мазмунига кўра, тафсир, ҳадис, ақида ва калом илми, фиқҳ, тилшунослик, шариат аҳкомлари фалсафаси ёки шариат мақсадлари, тасаввуф тарихи, тасаввуфий қарашлар каби фанларга таснифлаш мумкин эканини айтган (2: 53-159). Бу эса, Ҳаким Термизийнинг қомусий аллома эканини кўрсатади. Таъкидлаш керакки, бу асарлар тўлиқ ҳадис тўплами бўлмасада, Ҳаким Термизий уларнинг барча мавзуларида ҳадис келтирган. Улар орасида «Наводир ал-усул фи маърифати аҳодис ар-Расул», «ал-Манҳийёт», «ар-Радду алал-муаттила» каби асарларини тўлиқ ҳадис китоблари деб баҳолаш мумкин. Шунингдек, «ал-Амсол мин ал-Китоб вас-сунна» асари ҳам тафсир ва ҳадис илмига оид мумтоз манба ҳисобланади. «Ал-Манҳийёт» тўпламида шариатда таъқиқланган амалларга оид ҳадислар жамланган.

Ҳаким Термизийнинг муҳаддислар орасида тутган ўрни ва «Наводир ал-усул» китоби мазмуни, уни ҳадис манбалари орасидаги даражасига тўхталган Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳ қуйидагича ёзади: “Ҳаким Термизий раҳматуллоҳи алайҳи ўз даврида ҳадис илмини яхши ўзлаштирган олимлардан бўлганини у кишининг ҳаёти ва илмий фаолиятини ўрганган барча олимлар алоҳида таъкидлайди. У киши Хуросон машойихларининг энг улуғларидандир. Ҳадисларини отаси, Қутайба ибн Саъийд, Солиҳ ибн Абдуллоҳ Термизий, Яъқуб Даврақий, Али ибн Ҳажар Саъжий, Солиҳ ибн Муҳаммад Термизий, Утба ибн Абдуллоҳ Марвазий, Яҳё ибн Мусо, Ибод ибн Яъқуб Равожаний, Исо ибн Аҳмад Асқалоний Балхий, Суфён ибн Вакийъ ва бошқалардан ривоят қилган. ... Ҳаким Термизий раҳматуллоҳи алайҳнинг бу улуғ асарини ҳадисларнинг шарҳи бўйича энг қадимги асарлардан десак, муболаға қилмаган бўламиз. ...Ҳаким Термизий раҳматуллоҳи алайҳнинг бу китоби қадимда ҳам машҳур бўлган. Катта уламолар ҳам бу китобдан ўз асарларида иқтибослар келтирганлар [3: 29-53]. Бу сатрлар муаллифи Ҳаким Термизийга ҳадис илми бўйича билдирилган эътирозларни кескин рад қилиб, алломанинг замондош ва кейинги асрлардаги олимлар назарида юксак қадр-қийматга эга бўлганини таъкидламоқда.

Маҳаллий олимларимиздан И.Усмоновнинг «Наводир ал-усул» асари ҳақидаги фикри ҳам Ҳаким Термизий ҳадис ва тасаввуф илмлари билимдони бўлгани ва

асарларида бу уйғунликни татбиқ этганини кўрсатади: «... Ҳаким Термизий ушбу асарида фақат ҳадисларни жамлаш билан чекланмай, ҳар бир ҳадисни муфассал шарҳлаб, унинг ботиний ва зоҳирий маъноларини, ҳикматини кўрсатиб, ҳадиснинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама таҳлил қилади ҳамда ҳадиснинг асл мағзига етиб боришга, уни тўлиқ идрок этишга ҳаракат қилади. Унинг ҳар бир шарҳида тасаввуфий талқин сезилиб туради. Асарда ҳадисларни инсон маънавий-руҳий ва маиший ҳаётида қандай татбиқ қилиш мумкинлиги кўрсатиб берилган» [4: 6]. Термизийнинг муҳим асарларидан яна бири «аш-Шамоил ан-набавия» Муҳаммад (алайҳи саллом)нинг шахсий ҳаёти, у зотнинг суврат ва сийрати, ажойиб фазилатлари, одатларига оид 408 ҳадиси шарифни ўз ичига қамраган манбадир. Бу китоб азалдан исломшунос олимлар, тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига тортиб келади. Араб тилида битилган ушбу асарга бир қанча шарҳлар ҳам ёзилган. Унинг тили равон, услуби ғоятда оддий. Асар форс ва турк тилларига таржима қилинган. «Аш-Шамоил аннабавия»нинг 1-қисмида келтирилган ҳадиси шарифлар пайғамбарнинг суврат (ташқи қиёфаси) ига, 2-қисмида келтирилган ҳадиси шарифлар эса ички дунёсию, ахлоқий фазилатларини баён қилишга бағишланган. Китобнинг 16-асрга оид бир қўлёзмаси Тошкентда, Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланади. «АшШамоил ан-набавия» ўзбек тилига ўгирилиб сўнгги йилларда Тошкентда бир неча бор нашр этилди. 1990 йил Термизий таваллудининг 1200 йиллиги юртимизда кенг нишонланди.

Мустақиллик йилларида Термизийнинг ёдгорлик мажмуаси 2016-2017 йиллари қайтадан таъмирланиб, қутлуғ зиёратгоҳга айлантирилди. Имом Термизий ёшлигидан ўта тиришқоқ, идрокли, ақл- заковатли бўлганлиги боис ўз тенгдошлари ичида ажралиб турган. Илмга ўта қизиқиши туфайли ўша даврнинг кўпгина илмларини, айниқса, ҳадис илмини чуқур эгаллаган. Термиз, Самарқанд, Марв ва Марказий Осиёнинг бошқа йирик шаҳарларида истиқомат қилган машҳур уламо ва муҳаддислар асарларини қунт билан ўрганган. Қўшни Балх ва Ҳайратон шаҳарларидаги илм аҳллари билан илмий алоқалар ўрнатилишига муносиб ҳисса қўшган етук олимлардан биридир. Ёшлигидан илму-фанга ташна Имом Термизий 850 йилдан, яъни йигирма олти ёшидан бошлаб узоқ юртларга, қатор хорижий мамлакатлар ва шаҳарларга сафарлар қилади. Жумладан, у Ҳижозда — Макка ва Мадина, Ироқ, Хуросоннинг қатор шаҳарларида кўплаб муҳаддис, фақиҳ, ва уламолар билан учрашиб, мулоқотда бўлиб, улардан таълим олади, қизғин илмий мунозара ва баҳсларда иштирок этади. Шу билан бир қаторда Исо Термизий пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларини тўплашга алоҳида эътибор билан қарайди. Бу борада у ҳар қандай қийинчиликларга бардош беради. У ўзи ўқиган ёки бирор ровийдан эшитган ҳадисини алоҳида қоғозларга қайд этиб борар, уларнинг асли ва иснодини изчиллик билан аниқлаб тўғрилигига тўлиқ ишонч ҳосил қилсагина махсус қоғозларга қайд этарди. Ҳадисларнинг тўғрилигига шубҳа бўлганда уларни алоҳида ажратиб ёзарди. Шу тариқа ҳадислар саҳиҳ (тўғри, ишончли), ҳасан (яхши, маъқул), заиф (бўш, ишончсиз), ғарийб (ғалати) каби турларга ажратилган.

Ҳадис илмини эгаллашда ва такомиллаштиришда Имом Термизий ўз даврининг машҳур муҳаддисларидан таҳсил олди. Ўша даврнинг етук муҳаддиси

сифатида кўпгина шогирдларга устозлик ҳам қилган. Аллома зеҳнининг ўткирлиги ҳамда қувваи-ҳофизаси кучлилиги хусусида тарихий манбаларда кўплаб мисол ва ривоятлар келтирилади. Муҳаддис бобокалонимиз Имом Исо Термизий замонидаги олимлар унинг ҳадис илмидаги хизматларини юқори баҳолаган. Улардан бири Имом Термизийни «Ҳадис илмида иқтидо қилинадиган ягона олим» деб ёзса, бошқа бири эса уни «Биринчилардан бўлиб ҳадисларни саҳиҳ, ҳасан, заифга тақсим қилганига гувоҳлик беради». Айниқса, муҳаддис олимнинг асарларидаги равонлик фақат зиёли кишилар учун эмас, балки ҳар бир инсон тушуниши мумкин бўлишига сабаб эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Дунё уламолари буюк илм соҳиби бўлган ҳамда юксак эътирофга муносиб қўрилган бобокалонимизнинг ибратли ҳаёт йўллари ва бой маънавий меросини ҳар томонлама ўрганиш биз ёшлар учун ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга.

Абу Исо Термизий асарлари ҳозирда ҳам ўз қимматини йўқотган эмас. Унинг «Ал-Жомиъ ас-саҳийҳ», «Аш-шамоил ан-набавийя» каби асарларида келтирилган ҳадиси шарифлар катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб инсонларни ҳалол, адолатли, иймонеътиқодли, диёнатли, покиза, меҳнатсевар, мурувватли, раҳм-шафқатли, ота-она, аёлларга нисбатан ҳурмат-эътиборли бўлишга чорлайди. Бу ибратли панд-насиҳатлар ва ўгитлар халқимизни, жамиятимиз аҳлини, айниқса ёш авлодни тарбиялашда беқиёс аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Ат-Термизийнинг асарлари фақат диний илмлар мажмуасига оид бўлиб қолмасдан, балки дунёвий илмларга оид маълумотларга ҳам бойдир. Масалан, унинг бош асари бўлган «ал-Жомиъ ас-саҳийҳ»да тарих, мантиқ ҳуқуқшунослик, табобат, зироатга оид кўплаб қимматли маълумотларни учратамиз. Араб тилини ривожлантиришда ат-Термизийнинг хизматлари катталигини замонавий олимлар қайта-қайта таъкидлайдилар. Хулоса қилиб айтганда, буюк бобокалонимизнинг шахсий ҳаёти ва унинг бой маънавий меросини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эгадир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Доктор Али Муҳаммад Бижовий тадқиқоти. Ҳаким Термизийнинг «Ал-Амсол минал Китоб вас-сунна» асарининг кириш қисми. — Қоҳира: Мактабату Дар ат-турос, 1975.
2. Дотор Муҳаммад Иброҳим Жуюший. Ал-Ҳаким ат-Термизий: дироса ли осориҳи ва афкориҳи. — Қоҳира: Дар ан-наҳда ал-арабия,1980.
3. Иброҳим Усмонов . Ҳаким Термизий асарларидан сайланма. — Тошкент: Мовароуннаҳр, 2017.
4. Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон Заҳабий . Тазкират ал-ҳуффоз. — Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 1998.

STUDY OF THE SCIENTIFIC HERITAGE OF IMAM TERMIZI

Ismailova Nigora Mirzoaliyevna*

Annotation. In this article, you will get information about the history of the creation of Imam Tirmizi, a hadith scholar who has a place in the history of Islamic civilization, and his scientific works.

Kalit so'zlar: hadis,islom dini,taraqqiyot,Shayxul-Islom,"Al-jome' as-sahih", to'plam, hadisshunos.

Abstract. Ushbu maqolada Islom svilizatsiyasi tarixida o'z o'rniga ega bo'lgan hadisshunos Imom Termiziy va uning ilmiy asarlari yaratilish tarixi haqida ma'lumotlarga ega bo'lasiz.

Keywords: hadith, Islamic religion, progress, Shaykhul-Islam, "Al-jame' as-sahih", collection, hadith scholar.

Ibnul Asir Jameul mentions the full name of Imam Termizi as Abu Isa Muhammad ibn Isa ibn Sawra ibn Musa ibn Zahhak al-Bughi al-Sulami al-Termizi in his Usul books. He was known by his nickname "Abu Isa". The reason why it is called Al-Termizi is said to refer to a well-known and famous city in Mowaroonnahr. The reason they are called Al-Bugyi is related to one of the villages of Termiz where they were born.

Birth and Death: He was born in 209 A.H. and died in Termiz on Monday, the 13th of Rajab, 279 A.H. Some also add "zarir" after their names. Zarir means blind. Because at the end of his life, his eyes became blind. Imam Hakim, I heard from Umar ibn Ilk that Imam Bukhari died. Now in Khurasan there is no one like Abu Isa in knowledge, discipline, piety and asceticism. He cried so much that his eyes became weak.

Praise of Scholars: In the Book of Samani Ansab, Imam Termizi was the Imam of his time without any competition. Zarbul was a parable in the sharpness of his mind and the strength of his ability to memorize.Imam Bukhari said that even if he was a mentor, I benefited more from him than you.

Abul Fido Al-Mukhtasar, Imam, Hafiz, blind, was one of the famous scholars of hadith followed in the science of hadith.

DISCUSSION AND RESULTS: Imam Termizi, may God bless him and grant him peace, received his initial knowledge from the sheikhs of the place where he was born and raised. Around the year 235, at the age of 25, he studied science from the scholars of Khorasan, Iraq, Hijaz and other countries. In his place, he learned from the greatest scientists. As a result, they became mature imams of their time. In particular, Imam Muslim bin Hajjaj Qushayri, the owner of the Sahih collection, and Sulaiman bin Ash'as, the owner of the Sunan Abu Duwood, received knowledge and narrated hadiths from famous teachers. The status of the hadiths and narrators was taken from his greatest teacher, Muhammad ibn Ismail Bukhari, who was called the Commander of the Faithful in the hadith. For a long time, he enjoyed the bounties

* *Mirzo Ulugbek National University of Uzbekistan, 1st course student of philology and language teaching: English*

of knowledge by following his teacher. In addition, Abdullah ibn Abd al-Rahman took the halim from Darimi and Abu Zura Razidan.

During his creative and scientific career, Termizi wrote a number of works, most of which are directly devoted to hadiths. From the earliest times, among Islamic scholars, great attention has been paid to the correctness of hadiths and their reliance on reliable sources. For example, since that time, vague, incomplete, and even false hadiths began to spread among the people. At such times, they were repeatedly checked, returned to their original state as a result of the painstaking work of muhaddis, and recorded in writing. As a result, among Islamic scholars, the authors of the six collections of hadiths (Sihi sitta) collected and arranged on the basis of reliable sources are recognized as the most influential and respected muhaddiths. One of the recognized famous muhaddis is Imam Tirmidhi. Let's have a brief look at the works of our great grandfather:

"Al-jame' as-sahih". Among the works created in the creative activity of Imam Tirmidhi, "al-jame' al-sahih" (True collection) occupies the most important place. This work, as we mentioned above, is also called "Al-jame'ul kabir", (Big collection), "Sahih Imam Tirmizi", "Sunani Imam Tirmizi". According to historian Ibn Hajar Asqalani, Imam Tirmidhi wrote this work in the year 270 Hijri (884 AD), that is, when he was about sixty years old, after gaining great experience in science and attaining the rank of imam. The manuscripts of this work are kept in several cities of the world, as well as in our country, in the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni, Academy of Sciences of Uzbekistan. As an important source, "al-Jame' as-sahih" has been published several times. It is enough to show that it was published in Mitoh in 1283 (1866), in Cairo in 1292 (1875), and in Beirut in 1980 [1].

A number of commentaries have been written on this important work of Imam Termizi, among them the commentaries of Imam Hafiz Abu Bakr Muhammad Ashbili, known as ibn Arabi, entitled "Oridatul Ahwazi ala Kitab Imam Termizi", consisting of 13 juz' (parts). This review was originally published in Cairo in 1931. Another commentary by Imam Hafiz Abu Ali Muhammad Abdurrahman ibn Abdurahim Mubarakfuri is called "Tuhfatul-Ahwazi Bisharhi Imam Termizi". This four-volume work was published in Beirut in 1979 (an Indian edition is also available). The Egyptian scientist and writer Jamaluddin Abdurrahman ibn Abu Bakr Suyuti's (1445-1505) commentary on the work of Imam Tirmidhi was called "Qutul Mughtazi ala Jame' Imam Termizi" (two parts of it were published). In addition to these, Muhammad ibn Abduqadir Abu Tayyib Madani's "Sharhu Sunani Imam Termizi", Ahmad Muhammad Shakir's "Tahqiq wa sharhu Jame' Imam Tirmizi" (two tenths of which were published by Mustafaul Babiyul Halabi in 1937), Muhammad Yusuf Bannuri's "Maarif Sunani Sharh Sunani" Imam Termizi" (the first part of which was published in Pakistan in 1963), Siraj Ahmad Sarhandi's Persian commentary entitled "Sharh Sunani Imam Termizi", as well as Rashib Ahmadul Kanuhi's "Al-kawkab ad-durri ala Imam Termizi" (published in India), "Al-arf ash-Shazi ala Jame' Imam Termizi" in two volumes by Muhammad Anwar Shah Kashmiri (this work was also published in India) and finally "Hashiya ala Sunani Imam Termizi" by Abul Hasan Muhammad ibn Abdulhadi Sanadi (he died in 1138). Comments like

Abu Ali Mansur ibn Abdullah Khalidi said: "Imam Termizi: "I wrote Sunan Termizi and showed it to the scholars of Hijaz, Iraq, Khorasan. Everyone was satisfied with this book and

said: "Whoever has this book in his home, it will be as if the Prophet, may God bless him and grant him peace, is speaking in his home".[2]

"Al-Jame'" contains beneficial knowledge, full benefits and great issues. It is one of the foundations of Islam.

Abu Nasr Abdurahim ibn Abdul Khaliq said: "Termizi's "Al-Jame'" hadiths consist of four parts:

1. Authentic hadiths.
2. Hadiths that meet the conditions of Abu Dawud and Nasa'i.
3. Statement of hadiths contrary to the above hadiths and their reasons.
4. Statement of inauthentic hadiths and their vices.

Termizi: "The jurists followed the hadiths that I narrated in this book. There are only a couple of hadiths that were not followed. They said: "Whoever repents three times and drinks vodka, beat him. Kill him the fourth time", and "The Prophet, may God's prayers and peace be upon him, spent the afternoon and evening in Madinah. There was no danger and they were not on a journey.

"Sunani al-Termizi" is a clear proof that he is an imam, a powerful memorizer and a master of jurisprudence. However, many were not strict in accepting the hadiths, and they were also complacent in evaluating the narrators.

It is written in Ibn Tahir's books "Al-Mansur": "The works of Sheikhul Islam Abu Ismail: "Al-jame' Imam Termizi" of Tirmidhi are more interesting than the books of Bukhari and Muslim. Because only scholars can use the books of Bukhari and Muslim, and everyone can use the books of Termizi".[3]

"Shamail-un-Nabawiyya". Another major work of Abu Isa Imam Tirmidhi is called "Shamail-un-Nabawiyya" (Special Qualities of the Prophet). This work is also referred to in some sources as "Ash-Shamail fi Shamail an-Nabi sallallahu alayhi wasallam" and "Ash-Shamailul Muhammadiya". The work is a valuable resource that contains four hundred and eight hadiths about the personal life of the Prophet, his virtues and habits.

At this point, it should be noted that many scholars and muhaddiths have been engaged in collecting hadiths on this subject, that is, the qualities and habits of the Prophet, and such hadiths have been included in various books. But the advantage and difference of Imam Termizi's work from others is that the author systematically collected all the hadiths about the qualities of the Prophet, as far as possible, organized them in a logically consistent manner and classified them in the form of a unique independent and complete book. "Shamail-un-Nabawiyya" has been attracting the attention of Islamic scholars and researchers for a long time.

A number of commentaries and footnotes have also been written on this work, written in Arabic. Among them are "Sharhush-shamail" by Abdurauful Munaviyul Misri (died 1003 Hijri), "Jam'ul-wasail fi sharhi-shamail" by Ali ibn Sultanul Haravi Qari (died 1192 Hijri), "Al-mawahibul Muhammadiyya" by Sulaiman ibn Umar ibn Mansurul Jumal. It is possible to cite examples such as Shamail Imam Termiziya's commentary. A manuscript of this work is preserved in the Azhar Library in Cairo under the number 144 of the Science of Hadith, "Al-fawaidul jalilatul bahiyya ala ash-shamailul Muhammadiyya" by Muhammad ibn Jasusul Maliki (died in 1182 AH) (this work was published in 1927) and finally in the Azhar University

it is possible to show the comments of the former Shaykh Ibrahim Bojuri, such as "Al-mawahibul laduniya ala shamail Imam Termiziyya".

Our great grandfather also wrote "Kitab-tarikh", "Kitabul ilal as-saghir wa ilalul kabir", "Kitabuz-zuhd" (Book about piety), "Kitabul asma wal kuna" (Book about the names and nicknames of the narrators), "Al-ilal fil hadith" (About vices or deviations in hadiths), "Risola fil khilaf wal jadal" (Treatise about disagreements and disputes in hadiths), "Asmous-sahoba" (Names of the companions of the Prophet) [4].

Abu Sa'd Idrisi, who was one of his students, praised his teachers and said that they were well known for their memorization and intelligence. Another of his students says: "After the death of Imam Bukhari, no one could be found in Khurasan in knowledge, intellect, piety, and asceticism like Abu Isa Imam Tirmidhi." Imam Termizi became blind in the last two years of his life due to crying a lot.

Ibn Atiyya says: "In my presence, the books of Imam Tirmidhi are brighter and more understandable than the books of Imam Bukhari and Muslim." "Why?" When asked, Atiyya said: "Because only people of knowledge and enlightenment can use the books of the two imams." When one of the sheikhs recited 40 strange hadiths to Imam Tirmidhi and read them from beginning to end without making a single mistake, he said: "I have never seen a person like you." Imam Tirmidhi is the author of many books. Especially, the books of "Sunan" books are beautiful and useful, there are few repeated words, and they are written in a beautiful order.

Abu Ali Mansur ibn Abdullah Khalidi describes Imam Tirmidhi's books "Jame' al-Sahih" and says: "Whoever has this book in his home, it will be as if our Prophet is speaking in his home" [5].

The works of Abu Isa Termizi have not lost their value even now. His hadiths mentioned in his works such as "Al-jame' as-sahih" and "Ash-shamail an-nabawiyya" are of great educational value and teach people to be honest, fair, faithful, pious, pure, hardworking, kind, compassionate, father. -mother calls to be respectful towards women.

*CONCLUSION:*On the initiative of President Shavkat Mirziyoyev, the Abu Isa Termizi mausoleum in Sherabad district was renovated, and on February 14, 2017, the head of our country decided to establish the Imam Termizi International Research Center.

On the basis of this decision, the Imam Termizi International Research Center was built in the city of Termiz. Shown in Figure 2 in the Appendices. In it, the religion of Islam, including the science of hadith, the heritage of Abu Isa Tirmidhi and the scholars of Tirmidhi are deeply studied. Textbooks and training manuals, popular publications, scientific and practical recommendations are prepared for use in religious education, spiritual and moral education.

The head of our state visited the center and got acquainted with the conditions created here. The great muhaddis gave recommendations on studying the life and works of Imam Termizi in depth, conveying them to the younger generation, and publishing books in a language understandable to our people. It was emphasized here that it is necessary to create suitable conditions for conducting scientific research, to expand the participation of scientists in international scientific conferences.

LIST OF USED LITERATURES:

1. Inoyatov A. Termizi's article. 2016. // www.minbar.uz
2. Kenjabek M. Sunani Termizi. – Tashkent: Sharq, 2012.
3. Torakulov M. Imam Termizi's article. 2015. // www.muslimun.uz.
4. Kenjabek M. Sunani Termizi. – Tashkent: Sharq, 2012. – P. 28.
5. Inoyatov A. Termizi's article. 2016. – B. 2. // www.minbar.uz
6. Kenjabek M. Sunani Termizi. – Tashkent: Sharq, 2012. – P. 28.
7. Kenjabek M. Sunani Termizi. – Tashkent: Sharq, 2012. – P. 29.
8. https://kun.uz/uz/82723093

2. ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ ВА БУГУНГИ ЖАМИЯТ

«НАВОДИР АЛ-УСУЛ» АСАРИДА ИСЛОМ ПСИХОЛОГИЯСИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

Нодир Каримов*

Аннотация. Мазкур мақолада Ҳаким Термизийнинг «Наводир ал-усул фий маърифати аҳадис ар-росул» асарида ислом психологияси (илм ан-нафс)нинг ёритилиши ва унинг инсон руҳий тарбиясига таъсири таҳлил қилинади. Асарда нафснинг турли даражалари – нафс ал-аммора (буюрувчи нафс), нафс ал-лаввома (ўзини қораловчи нафс) ва нафс ал-мутмаъинна (хотиржам нафс) орқали инсоннинг руҳий ва психологик юксалиш жараёни чуқур таҳлил қилинади. Термизий қалбни тозалаш, нафсни жиловлаш ва Аллоҳга яқинлашиш инсоннинг руҳий ва маънавий барқарорликка эришишининг асосий омиллари сифатида кўрсатади. Ушбу тадқиқотда келтирилган фикрлар ислом психологиясининг ривожланишига катта ҳисса қўшиб, нафсий кураш ва қалб поклиги инсоннинг ички дунёсини шакллантиришдаги муҳим тамойиллар сифатида тақдим этилади.

Калит сўзлар: Ҳаким Термизий, «Наводир ал-усул», ислом психологияси, илм ан-нафс.

Abstract. This article analyzes the illumination of Islamic psychology (ilm an-nafs) and its influence on human spiritual education in Hakim Termizi's work «Nawadir al-usul fiy marifat ahadis ar-rosul». The work deeply analyzes the process of spiritual and psychological growth of a person through different levels of nafs — nafs al-ammora (commanding nafs), nafs al-lavwama (self-condemning nafs) and nafs al-mutma'inna (calm nafs). At-Tirmidhi points out the purification of the soul, the control of the ego and the approach to God as the main factors for a person to achiyeve mental and spiritual stability. In this study, the contribution of Hakim Termizi to the development of Islamic psychology, the scholar's viyews on spiritual struggle and purity of heart are presented.

Keywords: Hakim Tirmidhi, «Nawadir al-usul», Islamic psychology, ilm an-nafs.

Илм ан-нафс (ислом психологияси) инсоннинг руҳий, нафсий ва маънавий ҳолатларини ўрганадиган соҳадир. Бу соҳа асосан инсоннинг ички дунёсини, нафсий курашларини ва руҳий ўсишини ўрганиш билан шуғулланади. Илм ан-нафснинг мақсади инсоннинг руҳий камолотга эришиши, ички покланиши ва Аллоҳга яқинлашишини тушунтиришдир.

Илм ан-нафсда инсоннинг руҳий дунёси нафс, яъни инсоннинг ички эҳтиросларини ва ўзини бошқариши билан боғлиқ. Нафсни жиловлаш ва қалбни поклаш орқали инсон маънавий камолатга эришади. Руҳий покланиш ва нафс билан кураш бу жараённинг муҳим жиҳатларидир.

Ҳаким Термизий (820–932/205–320) ўзининг «Наводир ал-усул» асарида инсоннинг руҳий тарбиясига катта эътибор беради [6]. У нафсни бошқариш, қалбни поклаш ва руҳий юксалишни инсоннинг асосий вазифаларидан бири деб билади. Ҳаким Термизийнинг бу соҳада асарлари ислом психологияси ривожланишига катта ҳисса қўшган.

* *Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент Тошкент давлат шарқшунослик университети*

Илм ан-нафс масаласи доимо ўрта аср олимларининг асосий диққат марказида бўлган. Жумладан, Абу Зайд ал-Балхий (850–934 / 236–322) ўзининг «Масалиҳ ал-абдан ва ал-анфус» [1] асарида руҳий ва жисмоний соғлиқни ўрганиб, инсон руҳининг табиатини тушунтирган. Имом Ғаззолий (1058–1111/450–505) ҳам бу соҳада катта илмий асарлар яратган [2]. Унинг «Иҳя улум ад-дин» асарида қалбнинг покланиши ва руҳий тарбия ҳақида муҳим маълумотлар берилган.

Абу Али ибн Сино (980–1037/370–428) ҳам психология ва тиббиёт соҳасида катта ишлар қилган олимлардан бири бўлиб, у инсоннинг руҳий ва жисмоний ҳолатларини изоҳлаган [3]. Имом ибн ал-Қаййим (1292–1350 / 691–751) эса ўзининг «Ат-Тибб ан-набавий» асарида руҳий касалликларни даволаш ва нафсни бошқариш ҳақида кенг маълумотлар берган [4].

Ҳаким Термизийнинг «Наводир ал-усул» асари ислом психологиясини ёритишда муҳим манба ҳисобланади. Ушбу асар, гарчи у асосан ҳадислар тўплами сифатида танилган бўлса-да, инсоннинг руҳий ва психологик ҳолатлари, нафс, қалб ва руҳнинг аҳамияти ҳақидаги масалаларни чуқур ёритиб беради. Ҳаким Термизий бу ҳадисларни шарҳлаб, ислом психологияси доирасида нафснинг босқичлари, қалбнинг покланиши ва инсоннинг руҳий камолотга эришиш жараёнларини муҳокама қилган.

«Наводир ал-усул»да Ҳаким Термизий инсоннинг нафсини бошқариш ҳақида кўплаб фикрларни баён этади. Нафс ислом психологиясида инсоннинг руҳий ва психологик жиҳатларининг марказий қисми ҳисобланади. Термизий нафснинг турли даражаларини таъкидлаб, инсоннинг психологик ҳолати ва маънавий тарбиясини бу даражалар билан боғлайди. Ушбу босқичлар орқали у инсон руҳиятининг камолоти учун зарур бўлган жиҳатларни таҳлил қилади:

1. Нафс ал-аммора (буюрувчи нафс)

Нафс ал-аммора инсонни шаҳвоний ва ҳайвоний истаклар томон йўналтиради. Бу нафс инсонни ёмонликка ундайди ва унга қарши курашиш зарурати таъкидланади. Ҳаким Термизий бу даражадаги нафсни жиловлаш учун ахлоқий меъёрлар ва қалб покланиши зарур деб ҳисоблайди.

> **بِالسُّوءِ أَمَّارَةٌ نَفْسٌ** :يقول الحاكم الترمذي في "الأصول در نوا" أن هذه النفس تُدْفع إلى الإنسان شهوة كل وشر، بالاستسلام إلا تُحكِم ولا على حاكمًا الله تقوى يجعل وأن قلبه يُنقي أن الإنسان على يجب .الله طاعة في لتكون ضبط وإلى مجاهدة إلى تحتاج النفس هذه ومثل الجسد، لرغبات وشهواته مشاعره.

Бу нафс ҳақида Термизий шундай дейди: «Нафс инсонни ҳар қандай ёмонликка ва шаҳвоний истакларга ундайди. Уни жиловлаш учун инсон қалбини тозалаши ва Аллоҳдан қўрқиб яшаши лозим» (*Наводир ал-усул*, 45-46.)

2. Нафс ал-лаввома (ўзини қораловчи нафс)

Нафс ал-лаввома даражасида инсон хатоларини англайди ва ўзини тўғри йўлга қайтаришга ҳаракат қилади. Бу жараён ички кураш бўлиб, инсонни ўзини танқид қилишга, хатоларини тузатишга ундайди.

> **لَوَّامَةٌ نَفْسٌ** :يقول الترمذي في "الأصول در نوا" أن هذه النفس تندم على، صاحبها وتلوم المعاصي، يخطئ عندما .التوبة نحو تتوجه نفس هي الأخلاقية والواجبات الرغبات بين دائمة معركة في تظل ولكنها الإصلاح، وتطلب.

Термизийнинг таъкидлашича: «Бу нафс инсонни хатоларидан пушаймон бўлишга ундайди ва уни тўғри йўлга қайтаради. Бу даражада инсон нафс ва ахлоқий бурчлар ўртасида доимий кураш олиб боради» (*Наводир ал-усул*, 78-80.)

3. Нафс ал-мутмаъинна (хотиржам нафс)

Нафс ал-мутмаъинна даражаси нафсни тўлиқ назорат остига олиш ва хотиржамликка эришиш босқичидир. Бу даражада инсоннинг қалби тозаланади ва у маънавий барқарорликка эришади. Ҳаким Термизий бу босқичда нафснинг барча истаклари назоратга олиниб, инсон ички тинчликка эришишини таъкидлайди.

مُطْمَئِنَّةٌ نَفْسٌ >: الراحة وجدت التي النفس هي .الله طاعة على واستقرت سكنت التي النفس تلك هي المطمئنة النفس أن الترمذي الحاكم يقول .المستمرة والتوبة الله تقوى في والسلام نفسه عن والرضا الطمأنينة من حالة في الإنسان يكون المستوى، هذا في.

Термизий шундай ёзади: “Хотиржам нафс Аллоҳнинг буйруқларига бўйсунган ҳолда тинчланади. Бу нафс Аллоҳга бўлган эътиқод ва тавба орқали хотиржамлик ва тинчлик топади" (*Наводир ал-усул*, 121-122).

Ҳаким Термизийнинг «Наводир ал-усул» асарида нафснинг босқичларини батафсил таҳлил қилиб, уларни инсоннинг ички кураши ва руҳий камолот билан боғлайди. Нафс ал-аммора инсоннинг ёмонлик ва шаҳвоний истакларига бўйсуниши билан боғлиқ бўлса, Нафс ал-лаввома инсонни хатоларидан пушаймон қилиб, тўғри йўлга ундайди. Нафс ал-мутмаъинна эса маънавий хотиржамликка ва барқарорликка эришган даражадир. Ушбу фикрлар ислом психологиясида инсоннинг ички ўзгаришлари ва руҳий ўсиш жараёнларини тушунишда асосий ўрин тутади.

Термизий бу нафсий даражаларни таҳлил қилиш орқали инсоннинг психологик ҳолатини ўрганишда маънавий тарбиянинг ўрнини кўрсатади. Инсоннинг ички кураши ва ўзини англаш жараёни ислом психологиясининг марказий қисми ҳисобланади.

Ҳаким Термизийнинг «Наводир ал-усул» асарида қалб ва унинг покланиши масаласи инсоннинг руҳий ва психологик ҳолатига таъсир қилувчи марказий тушунча сифатида ёритилган. Термизий қалбни инсоннинг руҳий ҳолатининг энг муҳим қисми деб ҳисоблайди ва уни поклаш орқали инсон Аллоҳ билан боғланиб, маънавий камолотга эришишини таъкидлайди. Қалбнинг тозалиги нафақат маънавий, балки инсоннинг психологик барқарорлиги учун ҳам асосий омил ҳисобланади.

Ҳаким Термизий қалбни инсоннинг бутун руҳий ҳаётининг маркази деб ҳисоблайди. У шундай дейди:

"القلب هو مستودع الروح، ومن خلاله يتمكن الإنسان من الاتصال بالله" > (*Маъноси:“Қалб – руҳнинг сақланадиган жойи бўлиб, унинг орқали инсон Аллоҳ билан боғланади")* (*Наводир ал-усул*, 104)

Бу фикрда Термизий қалбни Аллоҳга яқинликнинг энг муҳим воситаси сифатида таърифлайди. Инсон қалби пок бўлганида унинг руҳий ўсиши ҳам мумкин бўлади, чунки қалб орқали инсон Аллоҳ билан тўғри алоқа қилади. Бу жараён инсонга ички тинчлик ва хотиржамлик олиб келади, бу руҳий барқарорликнинг негизи сифатида хизмат қилади.

Қалбни поклашнинг энг муҳим жиҳатларидан бири бу дунёвий истаклардан ва шаҳвоний хоҳишлардан халос бўлишдир. Термизий бу ҳақда шундай ёзади:

> "بالله الاتصال على قدرته يفقد فإنه الدنيا بشهوات تلوث إذا القلب" (*Маъноси: «Қалб дунёвий истаклар билан булғанган бўлса, Аллоҳ билан боғланиш қобилиятини йўқотади»*) (*Наводир ал-усул*, 106)

Унинг фикрича, қалбни поклаш жараёни инсонни нафақат руҳий жиҳатдан поклайди, балки унинг дунёвий истакларга бўлган қарамлигини камайтиради. Қалбни дунёвий истаклардан холи қилиш орқали инсон маънавий жиҳатдан кучлироқ бўлади ва Аллоҳга яқинроқ бўлади. Бу нафақат руҳий, балки психологик жиҳатдан ҳам хотиржамлик ва барқарорликка эришишнинг асосий воситасидир.

Термизийнинг фикрича, қалб ва нафс ўзаро боғлиқдир. Қалбни поклашнинг асосий мақсади – нафсни жиловлаш ва уни ёмонликдан тозалашдир. Термизий шундай ёзади:

> "للشر مكاناً تجد لا النفس فإن طاهراً، القلب يكون وعندما النفس، مجاهدة في الأولى الخطوة هو القلب تطهير" (*Маъноси: «Қалбни поклаш – нафсни жиловлаш йўлидаги биринчи қадамдир. Қалб тоза бўлса, ёмонлик учун нафсда жой қолмайди»*) (*Наводир ал-усул*, 108).

Бу фикрда қалбнинг поклиги нафснинг кучли бўлишига тўсиқ бўлиб, инсонни ёмонликдан ҳимоя қилади. Қалб ва нафс ўртасидаги бу боғлиқлик психологик жиҳатдан инсоннинг ички кураши ва ўзини бошқариш қобилиятини оширади.

Ҳаким Термизий қалбнинг покланишини инсоннинг руҳий тинчликка эришишидаги асосий омил деб билади. Қалб пок бўлганида, инсон руҳий тинчликка эришади ва бу тинчлик уни психологик барқарорликка олиб келади.

> "وروحياً داخلياً سلاماً صاحبه يمنح النقي فالقلب نقي، قلب خلال من إلا تأتي لا الطمأنينة إن." (*Маъноси: «Хотиржамлик фақат пок қалб орқали келади, пок қалб эса инсонни ички ва руҳий тинчлик билан таъминлайди»*) (*Наводир ал-усул*, 110).

Қалбни поклашнинг натижаси руҳий тинчлик ва хотиржамликка эришишдир. Бу жараён инсоннинг психологик ҳолатига ҳам ижобий таъсир кўрсатади, чунки қалб тозаланиши орқали нафақат руҳий, балки инсоннинг ички дунёсидаги психологик барқарорлик ҳам таъминланади.

Термизийнинг қалб покланиш ҳақидаги фикрлари маънавий юксалиш билан бевосита боғлиқдир. У қалбнинг покланишини инсоннинг Аллоҳга яқинлашиши ва руҳий камолотга эришиш йўлидаги муҳим омил сифатида кўради. Қалб пок бўлмаса, инсоннинг руҳий ўсиши ҳам мумкин эмас.

> "الروحانية مدارج في يترقى أن للإنسان يمكن لا التطهير هذا دون ومن الله، إلى الوصول مفتاح هو الطاهر القلب" (*Маъноси:"Пок қалб Аллоҳга яқинлашишнинг калитидир, ва бу тозаланишсиз инсон руҳий юксалишга эриша олмайди"*) (*Наводир ал-усул*, 112).

Бу фикр Термизийнинг қалбни поклашга берган катта аҳамиятини кўрсатади. Қалбнинг тозалиги инсоннинг руҳий ва психологик ўсишини таъминлайди ва уни Аллоҳга яқинлаштиради. Маънавий юксалиш жараёни қалбнинг покланиши билан боғлиқ бўлиб, бу жараён инсоннинг ички тинчлиги ва барқарорлигини мустаҳкамлайди.

Ҳаким Термизийнинг «Наводир ал-усул» асарида қалбнинг покланиши ва руҳий тозалик масалалари чуқур таҳлил қилинган. Қалб инсоннинг руҳий ва психологик маркази бўлиб, уни поклаш орқали нафақат руҳий, балки психологик тинчлик ва барқарорликка эришиш мумкин. Термизийнинг фикрича, қалбни тозалаш инсоннинг

маънавий ўсишига асос бўлиб хизмат қилади ва бу жараён нафсни жиловлаш, дунёвий истаклардан халос бўлиш ва Аллоҳга яқинлашиш орқали амалга оширилади.

Термизий ўзининг «Наводир ал-усул» асарида ҳадислар орқали инсоннинг руҳий ҳолати ва психологик жиҳатларини чуқур таҳлил қилади. Асардаги ҳадислар инсоннинг ахлоқий юксалиши, руҳий тозаланиши ва ички курашлари ҳақида бой мазмунни ўз ичига олади. Термизий ушбу ҳадислар орқали инсоннинг ички дунёсини, қалбини ва нафсини назорат қилиш жараёнини тушунтириб беради. Руҳий ва психологик жиҳатларнинг таъкидлаши ислом психологиясида алоҳида аҳамиятга эга бўлган мавзулардир.

Термизий «Наводир ал-усул» асарида нафсни жиловлаш масаласига катта эътибор қаратади, чунки бу нафақат ахлоқий, балки руҳий юксалишнинг ҳам асоси ҳисобланади. Инсон нафсини жиловлаш орқали ички кучларни бошқаришга қодир бўлади ва бу исломий жиҳоднинг энг юқори даражаси сифатида қаралади. У Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) нинг қуйидаги ҳадисини келтиради:

_"الله ذات في نفسه جاهد من الجهاد أفضل" (*Маъноси: «Энг афзал жиҳод — Аллоҳ йўлида нафсини енгган одамнинг жиҳодидир»*) (*Наводир ал-усул*, 75-бет).

Бу ҳадис Термизийнинг илмий қарашларида руҳий курашнинг марказий аҳамиятини кўрсатади. Нафс билан курашиш руҳий камолотнинг бошланиши ҳисобланади, чунки нафсни жиловлаш орқали инсоннинг ички кучлари тўғри йўналтирилади.

Термизий инсон қалбининг покланишини асосий руҳий вазифа сифатида кўради. Инсон қалби тоза бўлиши керак, чунки қалб бутун инсон ҳаётининг маркази ҳисобланади. Ҳадисда келтирилишича:

_"القلب وهي ألا كله الجسد فسد فسدت وإذا كله الجسد صلح صلحت إذا مضغة الجسد في وإن ألا" (*Маъноси: «Огоҳ бўлинг, танада бир бўлак гўшт бор. Агар у тўғри бўлса, бутун тана тўғри бўлади; агар у бузуқ бўлса, бутун тана бузулади. Огоҳ бўлинг, бу қалбдир»*) (*Наводир ал-усул*, 102-бет).

Термизий бу ҳадиси шарҳида қалбнинг пок бўлиши орқали инсоннинг бутун амаллари ва ҳаёт йўналиши тўғри йўлга киришини изоҳлайди. Қалб инсоннинг руҳий маркази бўлиб, у орқали бутун дунёқараши шаклланади.

Инсоннинг руҳий юксалиши ибодатлар орқали содир бўлишини Термизий алоҳида таъкидлайди. Рўза, намоз ва бошқа ибодатлар нафақат инсоннинг ижтимоий ҳаётини, балки унинг ички дунёсини ҳам поклайди. Термизий «Наводир ал-усул» асарида Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) нинг қуйидаги ҳадисини келтиради:

_"ذنبه من تقدم ما له غفر واحتسابا إيمانا رمضان صام من" (*Маъноси: «Ким Рамазон рўзаларини иймон ва ихлос билан тутса, аввалги гуноҳлари кечирилади»*) (*Наводир ал-усул*, 135-бет).

Бу ҳадис орқали Термизий инсоннинг ибодатлари орқали руҳий тозаланишини ва гуноҳлардан покланишини таъкидлайди. Рўза нафсни жиловлашда ва руҳий юксалишда асосий воситалардан бири бўлиб хизмат қилади.

Сабр Термизий томонидан руҳий тозаланиш ва юксалиш йўлида муҳим омил сифатида кўрилади. Ички курашларда сабр инсонни нафсий эҳтиролар ва дунёвий васвасалардан сақлайди. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) бундай деганлар:

_"الإيمان نصف الصبر" (*Маъноси: «Сабр иймоннинг ярми»* (*Наводир ал-усул*, 180-бет).

Бу ҳадис Термизий учун сабр ва сабрлиликнинг руҳий камолотга эришишдаги марказий аҳамиятини кўрсатади. Сабр нафсни жиловлаш ва ички кучларни бошқариш йўлидаги энг муҳим жиҳатлардан биридир.

Термизий «Наводир ал-усул» асарида иймон ва ички покланиш ўртасидаги боғлиқликка катта эътибор беради. Инсоннинг ички дунёсида бўладиган маънавий жараёнлар унинг иймонини мустаҳкамлайди ва унга куч беради. Шундай ҳадисларнинг бири:

"إن الله لا ينظر إلى صوركم وأموالكم ولكن ينظر إلى قلوبكم وأعمالكم_" (*Маъноси: «Аллоҳ сизларнинг шакл ва мол-мулкингизга эмас, балки қалбингиз ва амалларингизга қарайди»*) (*Наводир ал-усул*, 210-бет).

Бу ҳадис орқали Термизий қалбнинг покланиши ва руҳий юксалишнинг инсон иймонидаги роли ҳақида чуқур таҳлил киритади. Бу руҳий покланиш жараёнлари инсоннинг иймони билан боғлиқ бўлиб, иймоннинг мустаҳкамлиги орқали инсоннинг руҳий жиҳатлари тўғри йўналтирилади.

«Наводир ал-усул» асаридаги ҳадислар Термизийнинг руҳий ва психологик жиҳатлар ҳақидаги қарашларини ёритади. Инсоннинг нафс билан кураши, қалбни тозалаш, руҳий тозаланиш ва сабр каби жиҳатлар орқали инсон ахлоқий ва руҳий юксалишга эришади. Термизий ушбу ҳадисларни руҳий жиҳоднинг асоси сифатида кўриб, нафсни жиловлаш ва ички дунё билан ишлашнинг ислом психологиясидаги марказий ўрни ҳақида чуқур таҳлиллар беради.

Ҳаким Термизий ўзининг «Наводир ал-усул» асарида инсоннинг руҳий тарбиясига катта эътибор беради. Бу руҳий тарбия, унинг назарида, инсоннинг ички дунёсини поклаш, нафс билан курашиш ва Аллоҳга яқинлашиш орқали амалга оширилади. Термизий, айниқса, психологик барқарорликка эришиш жараёнида руҳий тарбиянинг аҳамиятини таъкидлайди.

Термизий таълимотида нафс билан кураш руҳий тарбиянинг асосий қисмидир. У инсонни ички курашлар орқали ўзини бошқаришга ва нафсий қусурлардан қутулишга чақиради. «Наводир ал-усул» асарида шундай ҳадислар келтирилади:

"الله طاعة في نفسه جاهد من المجاهد_" (*Маъноси: «Жиҳод қилувчи — Аллоҳнинг буйруғига бўйсуниш учун ўз нафсига қарши курашган одамдир»*) (*Наводир ал-усул*, 85-бет).

Бу ҳадис Термизийга кўра, руҳий тарбиянинг бошланиши нафсни жиловлашдан бошланади ва бу жараён инсоннинг руҳий ва психологик жиҳатдан барқарор бўлишини таъминлайди.

Термизий қалбни тозалашни инсоннинг руҳий ва психологик барқарорлиги учун зарур деб билади. У қалбнинг покланиши инсоннинг ички тинчлиги ва маънавий юксалиши билан бевосита боғлиқлигини айтади. Ҳадисда шундай дейилган:

"إن الله لا ينظر إلى صوركم ولكن ينظر إلى قلوبكم_" (*Маъноси: «Аллоҳ сизларнинг ташқи кўринишингизга эмас, қалбингизга қарайди»*) (*Наводир ал-усул*, 125-бет).

Бу ҳадис қалбнинг покланишининг руҳий барқарорликка олиб борадиган асосий омил эканлигини кўрсатади.

Термизий руҳий тарбия жараёнида инсоннинг Аллоҳга яқинлашиши ва маънавий хотиржамликка эришиши мумкинлигини таъкидлайди. У «Наводир ал-

усул» асарида ибодатлар ва сабрни руҳий барқарорликка эришиш йўлидаги воситалардан бири сифатида қарайди:

"الله إلى وصل فقد البلاء على صبر من_" (*Маъноси: «Ким балоларга сабр қилса, Аллоҳга яқинлашади» (Наводир ал-усул, 145-бет).*

Бу ҳадис Термизийнинг руҳий тарбия ва сабр орқали психологик барқарорликка эришиш ҳақидаги фикрларини ёритади.

Инсоннинг руҳий камолоти нафсий даражаларини босиб ўтиши билан боғлиқ бўлиб, бу жараён руҳий тарбиянинг асосий қисмидир. Термизий бу борада нафсий даражаларни енгиш орқали инсоннинг психологик барқарорликка эришишини тушунтиради. У *Наводир ал-усул*да шундай деган:

"ربه عرف فقد نفسه عرف من_" (*Маъноси: «Ким ўзини таниса, Аллоҳни танир» (Наводир ал-усул, 190-бет).*

Бу ҳадис инсоннинг ўзини билиши орқали руҳий ва психологик жиҳатдан барқарорликка эришишининг муҳимлигини таъкидлайди.

Ҳаким Термизий ўзининг «Наводир ал-усул» асарида ислом психологиясининг (илм ан-нафс) чуқур таҳлилини беради. Бу соҳада унинг нафснинг турли даражалари ва қалбни поклаш жараёнларига қаратилган мулоҳазалари марказий ўрин тутади. Илм ан-нафс, яъни ислом психологияси инсоннинг нафсий эҳтиёжлари ва қалбининг руҳий ўсишини таҳлил қилади, бунда қалбнинг тозалиги ва нафсни жиловлаш асосий мақсад ҳисобланади.

Ҳаким Термизийнинг бу ёндашувлари илмий жамоаларда ислом психологиясининг ривожланишига улкан ҳисса қўшган. Шу тариқа, у ўз асарида нафснинг ахлоқий ва руҳий камолотга эришишдаги ўрни, қалбнинг инсоннинг руҳий барқарорлигидаги аҳамияти ва Аллоҳ билан яқинликнинг инсон ҳаётидаги роли каби масалаларни чуқур очиб берган.

Ҳаким Термизийнинг ислом психологиясига («илм ан-нафс») қўшган ҳиссаси нафснинг турли даражаларини таҳлил қилиш орқали руҳий ва ахлоқий тарбияни чуқур тушунтириши билан муҳимдир. Бироқ, унинг бу соҳада яратган илмий мероси ҳали етарли даражада ўрганилмаган ва унга илмий аниқ баҳо берилмаган. Мазкур мақола Термизийнинг асарлари асосида ислом психологиясига оид янги тадқиқотлар ва изланишлар олиб бориш зарурияти кўрсатди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. البلخي سهل بن أحمد زيد أبو .والأنفس الأبدان مصالح .القاهرة – :العالمية، 1994. – 238 ص.
2. الغزالي، أبو حامد بن محمد .الدين علوم إحياء .بيروت – :العلمية، الكتب دار 2004. – 4 مجلد.
3. سينا ابن .النفس كتاب .القاهرة – :الحياة، دار 1960. – 512 ص.
4. قيم ابن ،الجوزية بن محمد بن أبي بكر .الطب النبوي .بيروت – :المعارف، دار 1986. – 384 ص.
5. الترمذي، الحكيم أبو عبد الله محمد بن علي .الأصول نوادر .دمشق – :الفكر، دار 1992. – 3 مجلد.
6. Чўтматов Ж. Муҳаммад Ҳаким Термизий – ислом психологияси асосчиси сифатида // Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази. – 2022. – 29 декабрь. – УРЛ: https://www.bukhari.uz/?p=26023&lang=oz (мурожаат қилинган сана: 04.10.2024).

АЛ-ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙ ВА УНИНГ “АЛ-МАНҲИЁТ” АСАРИ

Одилжон Қориев Аҳмаджонович*

Аннотация. Мақолада илк ўрта асрларда Термиз шаҳрида яшаб ижод этган ислом илмлари намояндаси ал-Ҳаким ат-Термизийнинг ҳаёти ва илмий меросига оид маълумотлар қўлёзма манбалар асосида тақдим қилинган. Жумладан, алломанинг ҳадис илмига оид “ал-Манҳиёт” (“Қайтарилган амаллар”) номли асарининг таркибий тузилиши, унда келтириллган ҳадисларнинг мазмун моҳияти ва бугунги кундаги аҳамияти таҳлил қилинган.

Kalit so’zlar: Hakim Termiziy, tasavvuf, tariqat, hadis, “al-Manhiyot” (“Qaytarilgan amallar”), hadislarning turlari.

Abstract. The article presents information about the life and scientific heritage of al-Hakim al-Tirmidhi, a representative of Islamic sciences, who lived in the city of Termiz in the early Middle Ages, based on manuscript sources. In particular, the structural structure of the scholar’s work on the hadith science called «al-Manhiyot» («Returned actions»), the content and significance of the hadiths presented in it and their importance today were analyzed.

Keywords: Termiz, Hakim Tirmidhi, hadith, al-Manhiyot.

Ал-Ҳаким ат-Термизий ислом тарихида сермаҳсул фаолият кўрсатган олимлардан ҳисобланади. Унинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн ал-Ҳасан ибн Башир ал-Ҳаким ат-Термизий бўлиб, у ҳижрий учинчи – милодий тўққизинчи асрда яшаган. Унинг туғилган йили ҳақида аниқ маълумотлар етиб келмаган, вафотининг санаси эса турли манбаларда турлича келтирилади. Бу хусусдаги фикрларни қайд этиб ўтирмаган ҳолда ўрта аср манбалари тадқиқи асосида мутахассислар белгилаган олимнинг яшаган даври 820-932 йиллар эканлиги ҳақидаги тахминни асос қилиб олиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.[1]

Ал-Ҳаким ат-Термизий илм-маърифат юксак қадрланадиган, зиёли бир хонадонда дунёга келиб, мана шу илмий-маънавий муҳитда ўсиб-улғайган. Ушбу омиллар таъсирида унинг маънавий дунёси ва илмий тафаккури шаклланиб, камолга етган. Унинг отаси Али ибн Ҳасан ўз даврида ҳадис илми олимлардан бири сифатида танилган. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг ёшлигида ўтиб кетган бўлса-да, ўз фарзандига керакли таълимни беришга улгурган. Бу хусусда ал-Ҳаким ат-Термизий ўз китобларидан бирида шундай ҳикоя қилади: “Аллоҳ таоло менинг устозим – отамдан жудо қилганда мен саккиз ёшда эдим. Унинг саъй-ҳаракатлари боис мен илм олишда шундай берилиб кетгандимки, китоб мутолаа қилиш мен учун асосий машғулот бўлиб қолган эди. Ваҳоланки, менинг тенгқурларим ўйин-кулги ва вақтихушлик билан банд бўлардилар. Волидимнинг ҳаракатлари туфайли мен шу ёшимда ҳадис ва фиқҳ илмларини ўзлаштирдим.”

Отаси вафотидан кейин ал-Ҳаким ат-Термизий ўз шаҳридаги етук олимлардан асосан тафсир, ҳадис ва фиқҳ илмларидан сабоқ олади. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг

---

* *ЎзР ФА ШИ бўлим бошлиғи, т.ф.н., катта илмий ходим*

[1] Иброҳимжон Усмонов. “Наводир ал-усул” ҳикматлари. Тошкент. “Фан”. 2009. – Б. 57.

онаси ҳам маърифатли аёл бўлган. Асарларидан бирида у ўз онасидан ҳам ҳадис ривоят қилган. Алломанинг дунёқараши шаклланишида она шаҳри Термиз билан бир қаторда Макка, Балх, Басра, Бағдод, Куфа, Марв, Нишопур шаҳарларидаги мавжуд илмий муҳит ҳам муҳим аҳамият касб этган. Ал-Ҳаким ат-Термизий 25 ёшига қадар Мовароуннаҳр шаҳарларида тафсир, ҳадис ва фиқҳ илмларини катта қизиқиш билан ўрганади. Тахминан 27 ёшларида ҳаж сафарига, Маккага йўл олади. Унинг бу муқаддас шаҳар томон сафари ўша даврнинг илмий марказлари Басра, Бағдод орқали бўлиб, йўл давомида ҳадислар тўплайди. Мана шу сафари давомида кўплаб устозлардан таълим олади. Манбаларда ат-Термизийнинг ҳадис ва сулукдаги устоз ва шайхлари қайд этилган бўлиб, уларнинг аксарияти ўз замонасининг илм пешволари ҳисобланган.

Ал-Ҳаким ат-Термизий ўз илмий фаолиятида масалаларнинг ички моҳиятига эътибор қаратиши, ҳамда ҳар бир ишда илоҳий ҳикмат излаши билан кўпчилик зоҳид ва суфийлардан фарқланиб турганлиги учун ал-Ҳаким сифатида танилган. Шу боисдан аллома ўзи яшаган муҳитидаги зоҳид ва суфийлар орасида ҳакам, маслаҳат учун мурожаат этиладиган устоз ёки донишманд мавқеида эди, десак, муболаға бўлмайди.

Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг ижоди жуда серқирра бўлиб, у ислом илмларининг кўплаб соҳаларини ўз ичига олган. Аллома илмий меросини юзга яқин турли ҳажмдаги асарлар ташкил қилади. Бу ҳақдаги маълумотлар турли каталогларда зикр қилинади. Жумладан, Фуад Сезгин ал-Ҳаким ат-Термизий қаламига мансуб деб ҳисобланадиган саксонта асар ҳақида маълумот беради.[2]

Аллома самарали ижод қилган ва кўплаб асрлари бизнинг давримизга етиб келган бўлса-да, уларнинг аксарияти хорижий қўлёзма фондларида сақланади.

Ал-Ҳаким ат-Термизий қаламига мансуб асарларидан бири “ал-Манҳиёт” (“Қайтарилган амаллар”)[3] номли асаридир. Китобнинг мавзуси исломий ахлоқ, инсоний фазилатлар ва ижтимоий одоб масалаларидир. Аллома мазкур масалалар тадқиқи ва талқинида унинг ирсий, атроф муҳит, инстинкт ва ёки инсон табиати билан боғлиқ жиҳатига эмас, балки Пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатларига алоқадор ва ҳадисларда баён этилган жиҳатлари нуқтаи назаридан ёндашган. Асарда аллома мусулмон кишини катта-кичик гуноҳ ва макруҳ ишлардан, хато ва камчиликлардан қайтарувчи ҳадисларни танлаб шарҳлаган. Муаллиф бу асарда дастлаб ҳадис матнини келтириб, сўнгра унинг мазмун-моҳияти ва ҳикматини Қуръон оятлари, пайғамбар алайҳиссалом суннатлари, ишончли уламолар хулосаларига асосланган ҳолда таҳлил қилиб, изоҳлаган.

“Ал-Манҳиёт” (“Қайтарилган амаллар”) асарида 170 та ҳадис тадқиқ қилинган ва шарҳланган. Асарда келтирилган ҳадисларнинг мазмуни ва моҳиятига кўра бир неча гуруҳга ажратиш мумкин.

---

[2] Geschichte des arabischenSchrifttums von FuatSezgin.Band1. Leiden, 1967-1979. P.653-659.

[3] Бу асарнинг ўзбек тилидаги илмий изоҳли таржимаси нашр қилинган. Қаранг: Ал-Ҳаким ат-Термизий. Қайтарилган амаллар (“ал-Манҳиёт”). Нашрга тайёрловчи, таржима, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифлари О.Қориев, М. Исмоилов. – Тошкент: “Наврўз” нашриёти, 2017. – 336 бет.

Ибодат ва ибодатга алоқадор масалалардаги тақиқланган амаллар - намозда пуфлаш, мақбарага ёки ҳаммомга қараб намоз ўқиш, намозда эснаш, қиблага қараган ҳолатда яқинлик (жимоъ) қилиш, Аллоҳ таолонинг исмини тупук билан ўчириш, жунуб ҳолида масжидда ўтириш, масжидни йўл қилиб олиш, ҳожатхонадан чиққан аёл таҳорат олмасидан у билан яқинлик қилиш, жунуб ҳолатда таҳоратсиз ухлаш, битта кийимга ўралиб олиш, авратни қуёш томонга ёки ой томонга очиб бавл қилиш, бавл ёки ҳожат қилганда қиблага юзланиб ёки орқа ўгириб ўтириш, масжидда қилич осиб қўйиш, найзани учини чиқариш учун йўниш ҳамда найзани кўтариб масжиддан ўтиш, масжидларда овозни кўтариш ва йўқолган ҳайвонни шеър айтиб излаш, шеър тўқиш ва масжидларда шариат жазоларини амалга ошириш, масжидда қасос олиш ва савдо сотиқ қилиш, жума куни имом хутба ўқиётганида гапириш ёки беҳуда ишларни қилиш, асрдан кейин ва тонг отгандан сўнг намоз ўқиш, рўза тутиш тақиқланган кунларда рўза тутиш; масжидда қибла томонга қараб тупуриш, ҳақ олиб имомчилик қилиш, Қуръонни пул олиб таълим бериш, ҳақ олиб азон айтиш.

Поклик ва саломатликка алоқадор тақиқлар - тик турган ҳолатда пойафзал кийиш, ғусл қилинадиган жойда бавл қилиш, турган сувга бавл қилиш, сув оқадиган жўякларга бавл қилиш, тик туриб бавл қилиш, тезак ёки суяк билан истинжо[4] қилиш, аввал бир истинжо қилинган кесак билан қайта истинжо қилиш, ўнг қўлда истинжо қилиш, тишларнинг орасини очиш, ҳол қазиш (инсон тана азоларига турли ёзув ва суратларни тушириш), фойдаланиладиган идишга бавл қилиш, суви ичиладиган қудуққа тупуриш.

Оила ва никоҳ масаласига алоқадор тақиқлар - аёлни аммаси ёки холасининг устига никоҳлаб олиш, амакиларнинг қизларининг никоҳи,

шиғор никоҳи, аёл кишининг эрининг уйидан эрининг рухсатисиз чиқиб кетиши, аёл уч кундан узоқ йўлга эри ёки маҳрамисиз сафарга чиқиши, аёл масжидга чиққанида хушбўйликлар суриши, аёлнинг эридан бошқа учун зийнатланиши, номаҳрам аёл билан ёлғиз қолиш, эрнинг ҳайз ҳолатидаги хотини билан кийимсиз ётиши;

Инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоясига оид тақиқлар - ҳомилани сотиш, ҳомиладордан бўлажак ҳомилани сотиш, иш ҳақини келишмасдан мардикор ишлатиш, гўдакларни қатл қилиш, кечаси ёки кундузи яланғоч ҳолатда юриши, аёлни бировнинг ҳузурида жимоъ қилиш, юзга уриш, тарки дунё қилиш,

Олди-сотди ва иқтисодий соҳалардаги тақиқлар - сувдаги балиқни сотиш, мусҳафни сотиш, ҳайвонни ҳайвонга насия қилиб сотиш, саррофлик — пул алмаштириб бериш, олтинни кумушга насия қилиб сотиш, олтинни олтинга сотиш, бировнинг савдоси устига савдо қилиш ва бировнинг совчилиги устига совчи қўйиш, сут сотишда алдаш, сувни сотиш, киши ўзининг ҳузурида бўлмаган нарсани сотиши, ўзи зомин бўлмаган нарсадан фойда кўриш, мевани ҳосили кўринмасдан олдин сотиш, бир неча йилга сотиш, чамалаб ёки белгилаб сотиш, маймун ва чўчқаларни сотиш, бут-санамларни сотиш ва ҳ.з.

---

[4] Истинжо (араб) – ювиб тозаланиш. Шаръий истилоҳда таҳорат олишда авратларни тозалаш.

Мазкур асарда инсон ҳаётининг асосий жабҳаларига алоқадор масалаларга дахлдор мавзулар қамраб олинган бўлиб, мусулмонлар учун муҳим кўрсатмалар ўз аксини топган.

Ал-Ҳаким ат-Термизий ўз олдига қўйган вазифани маҳорат билан уддалаб, асарни ўқувчи учун тушунилиши енгил ва таъбир услуби аниқ бўлишига эришган.

Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг “ал-Манҳиёт” асарининг икки нусхаси ҳақида маълумотга эгамиз. Биринчиси, Али ибн Сулаймон ибн Аҳмад ибн Сулаймон ал-Муролий ал-Андалусий томонидан 1139 йили кўчирилган нусха бўлиб, у Францияда Париж миллий кутубхонасида 5018/XII рақами остида сақланади[5].

Иккинчиси, Туркияда дастлаб Сулаймония кутубхонасининг Асъад Афанди фондида 1479 тартиб рақами остида сақланган қўлёзма нусха. Ҳозирги кунда бу қўлёзма Авқоф музейида 2032 рақами остида сақланмоқда[6].

Бу асар 1985 йилда Мисрда[7] ва шу йили Байрутда нашр қилинган[8].

Асарнинг бугунги кундаги аҳамияти ибодат масалаларида турли фирқаларнинг асоссиз иддаоларини фош қилишда, одоб ахлоқ бобида оммавий маданият тарғиб қиладиган айрим хатти-ҳаракатлар аждодларимиз анъаналари ва ислом дини меъёрларига зид эканлигини англаб етишга, оила ва никоҳ масалаларида шарқона инсоний маърифат ва юксак ахлоқий фазилатларни тарбия қилишда хизмат қилишида намоён бўлади.

Хулоса қилиб айтганда термизлик ислом илмлари намояндалари, жумладан, ал-Ҳаким ат-Термизий қаламига мансуб асарларнинг тадқиқ этилиши, нашр қилиш йўли билан илмий муомалага киритилиши аждодларимизнинг ислом илмлари ривожидаги ўрни ва салоҳиятини очиб бериш, тарғиб ва ташвиқ қилишда муҳим аҳамиятга эга.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Иброҳимжон Усмонов. “Наводир ал-усул” ҳикматлари. Тошкент. “Фан”. 2009. – Б. 57.
2. Geschichte des arabischenSchrifttums von FuatSezgin.Band1. Leiden, 1967-1979. P.653-659.
3. Ал-Ҳаким ат-Термизий. Қайтарилган амаллар (“ал-Манҳиёт”). Нашрга тайёрловчи, таржима, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифлари О.Қориев, М. Исмоилов. – Тошкент: “Наврўз” нашриёти, 2017. – 336 б..
4. Ал-Ҳаким ат-Термизий. Ал-Манҳиёт.Тадқиқ ва нашрга тайёрловчи Муҳаммад Усмон Хушт. – Миср. “Мактабат ал-Қуръан” нашриёти. 1985.

---

[5] Термизлик алломалар асарларининг қўлёзмалари каталоги. Тузувчилар: О. Қориев (лойиҳа раҳбари), М. Ҳасаний, Б. Умурзоқов, Ж. Чўтматов. – Тошкент, 2015. – Б. 35.

[6] Термизлик алломалар асарларининг қўлёзмалари каталоги. Тузувчилар: О. Қориев (лойиҳа раҳбари), М. Ҳасаний, Б. Умурзоқов, Ж. Чўтматов. – Тошкент, 2015. – Б. 35.

[7] Ал-Ҳаким ат-Термизий. Ал-Манҳиёт.Тадқиқ ва нашрга тайёрловчи Муҳаммад Усмон Хушт. – Миср. “Мактабат ал-Қуръан” нашриёти. 1985.

[8] Ал-Ҳаким ат-Термизий. Ал-Манҳиёт.Тадқиқ ва нашрга тайёрловчи Абу Ҳожар Муҳаммад Саъид ибн Байсуний Зағлул – Байрут. “Дар ал-кутуб ал-илмийя”нашриёти. 1985.

5. Ал-Ҳаким ат-Термизий. Ал-Манҳиёт.Тадқиқ ва нашрга тайёрловчи Абу Ҳожар Муҳаммад Саъид ибн Байсуний Зағлул – Байрут. “Дар ал-кутуб ал-илмийя”нашриёти. 1985.
6. Термизлик алломалар асарларининг қўлёзмалари каталоги. Тузувчилар: О. Қориев (лойиҳа раҳбари), М. Ҳасаний, Б. Умурзоқов, Ж. Чўтматов. – Тошкент, 2015. – 196 б.

МУҲАММАД ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ “ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАР” РИСОЛАСИДА ҚЎШНИЧИЛИК ҲАҚЛАРИ

Аббосхон Абдуллаев Ҳамзаевич*

Аннотация. Ушбу мақолада Ҳаким Термизийнинг “Китоб ал-ҳуқуқ” қўлёзма рисоласидан фойдаланилган ҳолда қўшничилик ҳақлари ва ундаги ҳикматлар очиб берилган. Шу билан бирга рисола муаллифи ушбу масалани тегишли оят ва ҳадислар билан далиллаган.

Калит сўзлар: қўшничилик, ҳақ-ҳуқуқлар, асбоб-ускуна, омонат, меҳр-шафқат, ўзаро ёрдам.

Abstract. This article, based on the manuscript of Hakim Termizi "Kitab al-huquq", reveals the rights of neighbors and the wisdom contained in it. At the same time, the author of the treatise proved this issue with the ayat and hadiths.

Keywords: neighborhood, rights, equipment, savings, compassion, mutual assistance.

Ижтимоий одоблар жамият тинчлиги ва фаровонлиги масаласида улкан аҳамиятга эга эканлиги барчамизга маълум. Шунинг учун динимиз таълимотлари ва аждодларимиз илмий меросида бу каби масалаларга алоҳида эътибор берилиб, қўшничилик масаласи ҳам шулар жумласидан саналади.

Қўшниларнинг ўзаро муомаласида ўзига хос йўл-йўриқлари бўлиб, уларга риоя қилиш лозим бўлади. Бу тўғрида олимларимиз асарларида кўплаб маълумотлар келган. Намуна сифатида Ҳаким Термизийнинг “ал-Ҳуқуқ” – “Ҳақ-ҳуқуқлар” рисоласини мисол келтиришимиз мумкин. Бу рисолада ота-она ҳаққи ва бошқа ҳақлар қатори қўшниларнинг ҳақлари ҳам нечоғлик эканини ҳикмат тақозосига кўра очиб берган.

Олим ҳар бир ҳақ эгасига ҳаққини бериш ва яхшилигига жавоб қайтариш лозимлиги масаласини ўртага қўяр экан, қўшнининг қандай яхшиликлари борлиги масаласига тўхталиб, қўшни сизга мусибат етганда биринчи ёрдамга ошиқадиган кимса эканлигини таъкидлайди: “Сизга бир касаллик, мусибат етса ёки тасодиф юз берса, кечасими, кундузими халққа муҳтож бўласиз. Қўшни эса қариндошлардан олдин тезлик билан ёрдамга етиб келади”.

Кундалик эҳтиёжни қўшнидан олинади: “У кундалик эҳтиёжга такрор-такрор керакли асбобларни бериб туради, ушбу нарсаларга доимо муҳтож бўласиз, улар: қозон, товоқ, челак, қоп, болта, ўлчов асбоблари, тарози, нон, хамиртуруш ва бошқалар. Чунки инсон ҳожат ва асбобларга муҳтож бўлишига тўғри келадиган қилиб яратилган. Подшоҳлар ҳам хизматкорлар ва ишларини бажарувчиларга муҳтождирлар. Чунки бу дунё юрти камбағал ва муҳтожлар юртидир”.

У гапида давом этиб дейди:

“Жаннат эса бойлар юртидир ва уларнинг ўзига тегишлиси бировга муҳтож бўлмайдиган даражада етиб-ортиб қолади. Унга чексиз мулк ва ўткир истак бериладики, бир нарсага бўл, деса, ўша нарса бўлади. Лекин дунё одамларининг иши

---

* *Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими*

бири иккинчисига боғлиқдир. Бас, дўстлашишга энг яқин одам бу қўшнилар бўлиб, улар орасида дўстлик ришталари осонроқ боғланади. Демак, улар кундалик эҳтиёжларига ўзаро кўмакка муҳтож бўлишади: уй анжомлари, идиш-товоқлар, кўрпа-тўшаклар, уловлар, озиқ-овқат ва ораларида аҳдлашув орқали олди–берди қилиш, совға-салом, ҳадялар ва қарз олди-бердилари шулар жумласидан. Ушбу фойдаланиш умр бўйи бири бошқасига эргашган ҳолда тўхтамайди. Шунинг учун қўшнидан келадиган яхшилик баробарида унинг ҳаққи вожиб бўлади".

Энди қўшнининг биздаги ҳаққига келсак: "Қўшнингизнинг сиздаги биринчи ҳаққи бу сиз ундан озорингизни кўтармоғингиз, зулмингиздан омонлик беришингиздир. Қўшни ҳаққидан яна бири у билан асбобларни олди-берди қилишингиз бўлиб, Аллоҳ таоло асбобларини қўшнисидан ман қиладиганга қаттиқ азобни ваъда қилган:

"Ва моъунни ман қиладиганлардир" (ал-Моъун, 7).

Муфассирларнинг айтишича, оятда келган "моъун": аввали закот, охири болта, аччиқ, қозон, челак, хамиртуруш ва бошқа шунга ўхшаган уйларда имтиҳон учун олди-бердида фойдаланадиган нарсалар, дейишган. "Моъун" сўзи эса "маъунат"дан олинган ва ҳар бир қўшнига замон қийинчиликларини енгишга ёрдам бўладиган нарсадир".

Ҳаким Термизий бу гапига ҳадисдан шундай далил келтиради:

Бизга Умар ибн Абу Умар ривоят қилиб, деди, бизга Қайс ибн Ҳафс Доримий бизга Далҳам ибн Даҳсам Ижлийдан ҳадис келтириб, айтди: "Бизга Оиз ибн Рабийъа Нумайрий ривоят келтириб, айтди: "Бизга Мурра ибн Даъмус Нумайрий ривоят қилиб, айтди: "Ҳорис ибн Шурайҳ ибн Рабиага: "Биздан кейин сенга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам нима дедилар?" дедим. У: "Расулуллоҳ менга: "Сизлар моъунни ман қилманглар" дедилар" деди. "Эй Расулуллоҳ, моъун нима?" деб сўралди. У зот: "Моъун тош, темир ва сувда бўлади", дедилар. "Қайси темир?" деб сўрашди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Мисдан бўлган қозонларинг ва темир болтадирки, у билан бажарасизлар", дедилар. "Тош нима?" дейилди. "Това тошдан бўлган қозонларинг", дедилар. "Сув-чи?" дейилди. У киши: "Оқиб келадиган ариқ суви", деб жавоб бердилар, деди".

У қўшни ҳақларини санашда давом этиб: "Қўшнининг ҳаққи сиз у йўқ бўлганида унга тегишли омонатларни сақлашингиз ва уларга риоя қилишингиз, уларга келган қийинчиликлардан огоҳ бўлиб, уларни кузатиб боришингиз ҳамда улар ҳақида соғлиқ ва офиятларини сўраб дуо қилишингиздир. У сафардан келса, уни зиёрат қилиб саломлашишингиз, ундан зулмни кетказишингиз ва золимга қарши ёрдам беришингиз унинг ҳаққидир, молингиздан унга ҳам улашишингиз, қийинчиликларига аҳамият беришингиз, қўшнининг ҳақи сифатида унда пишган овқатдан улашмас экансиз, қозонингиз ҳидидан уни озор бермаслигингиз, уйингизга олиб кирадиган нарсани унинг болаларидан яширинча олиб киришингиз унинг ҳақидир, чунки ажаб эмаски, улар кўриб, кўнгиллари кетса-ю, ўзлари сотиб олишга кучлари етмаса ва ота-оналари озор топишса, модомики олиб кираётганингизни билиб қолишса, уларга имкон борича улашинг.

Агар сиз қўшнининг бузғунчилиги ва ёлғончилигига дучор бўлсангиз, унга сабр қилишингиз, Аллоҳ таолодан унинг ҳақига ва тоатга юзланишини сўраб дуо қилишингиз ҳам унинг ҳақидандир. Яна иложи борича унинг айбини ёпмоғингиз ҳамда унга ўзингиз ва болаларингизга шафқат қилганингиз каби шафқат қилишингиз ҳам унинг ҳақидандир. Уйингизни унинг уйидан фойдаланишини тўсиб қўядиган даражада баланд кўтармаслигингиз, қишида қуёш тегишдан, ёзида шамол эсишидан тўсадиган қилиб кўтармаслигингиз ҳам унинг ҳақидандир. Унинг ўзига, оиласи, болалари ва хизматкорларига насиҳат қилмоғингиз, бас, сиз керакли вақтда унга насиҳат қилиб, Аллоҳ таолони эслатишингиз ҳам унинг ҳақидан. Лозим бўлса, бола-чақасига яхшилик қилиши учун насиҳат қиласиз, унга аҳамият берасиз, хизматкорларига ҳам яхшилик қилишга буюрасиз. Кейин уларга ҳам юзланиб насиҳатлар қиласиз ва Аллоҳ таолони эсларига соласиз. Улар ҳақ-ҳуқуқларини бажаришларига ниҳоятда эътибор қиласиз. Сиз агар шуларнинг ҳаммасини бир жумлага тизиб айтмоқчи бўлсангиз, мана шу битта хислатни ёдлаб олинг, ушбу гап шуки, ўзингиз учун келишини яхши кўрган нарсани қўшнингиз учун ҳам келмоғини яхши кўринг. Сиз агар шу битта хислатни амалга ошира олсангиз, бас у билан барча ишларида унга ўзи сиздан содир бўлишини яхши кўрган нарса билан муомала қилсангиз, ўзингизга у томонидан келишини яхши кўрганингизни қилган бўласиз. Энди сизга илм аниқ бўлди ва йўл ёришди, бас, сиз шуни лозим тутинг".

Ҳаким Термизий ўзининг гапига ҳадислардан ривоят келтириб бўлгач, Қуръон оятларини ҳам мисол келтиради. Жумладан, Аллоҳ таоло қўшнига яхшилик қилишга буюриб, айтди:

"Қариндош қўшнингиз ва ён қўшнингизга яхшилик қилинг" (Нисо, 36).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганлари ривоят қилинди:

"Жаброил мени қўшниларга яхшилик қилишга шунчалик кўп далолат қилдики, мен қўшни мерос оладимикан, деб ўйладим".

Буни бизга Абдурраҳмон ибн Юнус Раққий ривоят қилиб, айтди: "Бизга Бақийя ибн Валид бизга ҳадис ривоят қилиб айтди: "Бизга Муҳаммад ибн Зиёд Алҳоний айтди: "Мен Абу Умома Боҳилийнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитдим" деганини эшитганман"[1].

Хулоса шуки, кўпчилик қўшнилар орасидаги ҳақларни билмаганликдан турли ноқулай ҳолатлар учраб туради. Агар улар қўшничилик ҳаққига риоя қилса, бу ноқулайлик ва ора бузилишларнинг олди олинган бўларди. Бу ҳақларни билган маданият эгаси қўшнилар билан оят ва ҳадислар ҳамда улар асосида битилган илмий меросимиз асосида муомала қилса, қўшнилар орасида юз берадиган келишмовчиликлар олди олинган бўлур эди.

---

[1] Батафсил қаранг: Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Бишр Ҳаким Термизий. Китоб ал-ҳуқуқ. Туркия, Анқара, Исмоил Соиб фонди. Кўчирилган йили: 593/1196. Ҳажми: 33 варақ (177б–209а).

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Сано-стандарт, 2019. 624 бет.
2. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Бишр Ҳаким Термизий. Китоб ал-ҳуқуқ. Туркия, Анқара, Исмоил Соиб фонди. Кўчирилган йили: 593/1196. Ҳажми: 33 варақ (177*б*–209*а*).

ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ ВА УНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИ

Камол Исламов*

Аннотация. Маълумки, Ҳаким Термизий ислом тарихида улкан из қолдирган етук мутафаккир олим саналади. У ўзидан катта илмий қолдирган бўлиб, аллома ҳақидаги замонавий тадқиқотлар кун сайин ортиб бормоқда. Аллома асарлари ва у зот ҳақидаги ишларнинг кўпи чет мамлакатларда бўлиб, бугунги кунда юртимизда ҳам Термизий меросини ўрганиш қизғин паллага кириб бормоқда. Ушбу мақолада Ҳаким Термизийнинг ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар таҳлил этилади. Алломанинг оилавий муҳити, ота-онаси ҳақидаги маълумотлар, ёшлик даври, сулук йўлидаги бурилиш даврлари, устоз ва шогирдлари, ҳаёт йўлидаги машаққатлари, ижодининг асосий хусусиятлари баён этилади.

Калит сўзлар: Термиз, термизийлар, Ҳаким Термизий, устоз, шогирд, фиқҳ, калом, тасаввуф, ҳикмат, валийлик, ҳакимия.

Abstract. It is known that Hakim Termizi is a thinker who left a huge mark on the history of Islam. He left a huge scientific legacy, and the study of his legacy is growing every day. Most of his works and research about him are in foreign countries, and today in our country the study of Termizi's legacy is in full swing. This article analyzes information about the life and work of Hakim Termizi. It describes his family environment, information about his parents, his youth, important moments in his life, his teachers and students, his life's difficulties, as well as the main features of his work.

Keywords: Termiz, Termizids, Hakim Termizi, teacher, student, jurisprudence (fiqh), belief (aqidah), Sufism, wisdom (hikma), holiness (walaya), hakimiyya.

Азалдан илм-фан, маданият марказларидан бири бўлиб келган Термиз шаҳри ҳақидаги қимматли маълумотлар араб географлари Муқаддасий ("Аҳсану-т-тақосим фи маърифати-л-ақолим"), Истахрий ("ал-Масолик ва-л-мамолик"), Балазурий ("Футуҳу-л-булдон") ва бошқа қатор муаллифлар нодир асарларида учрайди. Уларда таъкидланишича, Термиз IX асрда Мовароуннаҳрнинг энг йирик ва маъмур шаҳарларидан бири сифатида шуҳрат қозонган. Фаннинг турли соҳалари, хусусан, тафсир, ҳадис, фиқҳ, ақоид, фароиз каби илмлар бўйича Термиздан етишиб чиққан кўплаб алломалар Термизий нисбаси билан дунёга танилган.

Президентимиз 2014 йилнинг 29 ноябрида Термиз шаҳрига "Амир Темур" орденини топшириш муносабати билан ташриф буюриб, бу азим шаҳар ва ундан етишиб чиққан алломалар хусусида, жумладан, бундай деди: "Барчамиз учун муқаддас бўлмиш Термиз тупроғида қандай улуғ аллома ва мутафаккирлар, азиз-авлиёлар яшагани, улар Термизий деган ном билан ислом дунёсида қандай ёрқин из қолдирганлари ҳаммамизга яхши маълум.

Ҳақиқатан, бу табаррук диёрдан етишиб чиққан буюк аллома Ҳаким Термизий, дунёдаги энг ишончли олтита ҳадис тўпламларидан бирини яратган машҳур муҳаддис Абу Исо Термизий, теран мазмунли асарлари билан Шарқда ном қозонган

* *Имом Термизий ўрта махсус ислом таълим муассасаси директори, фалсафа фанлари доктори (PhD)*

адиб Собир Термизий, ислом фалсафаси ривожига муносиб ҳисса қўшган Абу Бакр Варроқ Термизий каби мумтоз зотлар наинки халқимиз, балки бутун мусулмон оламининг фахр-у ифтихори ҳисобланади". Жаҳоний эҳтиромга сазовор бўлган термизлик буюк сиймолардан бири Ҳаким Термизий улар орасида алоҳида мавқега эга. Ўрта асрларга оид ёзма манбаларда аксар ҳолларда муаллифнинг фақат вафот этган йили кўрсатилиб, таваллуд санаси келтирилмайди. Жумладан, таниқли олим ҳожи Халифа "Кашфу-з-зунун" номли машҳур асарининг бир неча ўрнида ҳаким Термизий вафотини 255/869 йил деб кўрсатган. Бу рақам алломанинг Термиз шаҳри яқинида жойлашган мақбараси устида ўрнатилган қабртошдаги лавҳаларда ҳам акс этган. Ҳаким Термизийнинг узоқ 116 ёки 120 йил умр кўргани эътиборга олинса, аллома саккизинчи аср ўрталарида (тахминан 750-760 йиллар оралиғида) таваллуд топгани аён бўлади. Бироқ баъзи замонавий тадқиқотчилар унинг таваллуди ва вафоти ҳақида батамом бошқа саналарни кўрсатган. Хусусан, Ҳаким Термизийнинг ҳаёти ва таълимотини атрофлича ўрганган мисрлик таниқли олим Абдулфаттоҳ Абдуллоҳ Барака ҳаким Термизийни 205/820 йилда Термиз шаҳрида таваллуд топиб, 320/932 йил 112 ёшида вафот этганлигини таъкидлайди[1].

Афсуски, Ҳаким Термизийнинг болалик ва ёшлик йиллари ҳақида ҳозирча аниқ маълумот топилгани йўқ. Унинг ота-онаси ҳақидаги хабарлардан маълум бўлишича, отаси Али ибн Ҳасан ўз даврида ҳадис ва фиқҳ илми билимдонларидан бири сифатида машҳур бўлган. Араб тарихчиси Хатиб Бағдодий машҳур "Тарихи Бағдод" асарида ёзишича, у мусулмон оламининг энг йирик марказларидан саналган, Бағдод шаҳрига келиб, машҳур олим-у уламолар билан ҳадис илмининг турли масалалари бўйича қизғин баҳс ва мунозараларда иштирок этган.

Ҳаким Термизий "Бадъу шаъни Аби Абдуллоҳ" ва "Ар-Радд аъла-л-муаттила" каби асарларида ёзишича, унинг онаси ва бобоси ҳам ҳадис илмининг етук билимдонларидан бўлган. Бу маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, Ҳаким Термизий илм-маърифат юксак қадрланган, зиёли хонадонда дунёга келиб, ана шу илмий-маънавий муҳит бағрида ўсиб улғайган. Ушбу омиллар таъсирида маънавий дунёси ва илмий тафаккури шаклланиб, камолга етган. Айниқса, унинг илмий камолотида отаси Али ибн Ҳасаннинг хизмати, бениҳоя катта. Чунончи, у фарзандига нафақат меҳрибон ва ғамхўр ота, балки унга нисбатан талабчан мураббий ва маърифатли устоз мақомида ҳам бўлган. Бу хусусда ҳаким Термизий ўз китобларидан бирида қуйидагича ёзади:

Аллоҳ таоло мени устозим-отамдан жудо қилганда саккиз ёшда эдим. Падаримнинг саъй-ҳаракатлари боис, мен илм олишга шу қадар берилиб кетдимки, китоб мутолааси менинг асосий машғулотим бўлиб қолди. Ваҳоланки, ўша кезларда тенгқурларим ўйин-кулги ва вақтихушлик билан банд бўлардилар. Волидамнинг ижтиҳодлари туфайли мен шу ёшимда "Илму-л-осор" ("Ҳадислар илми") ва "Илму-р-рай" ("Фиқҳ илми") ни тўла эгаллаб олган эдим..."

---

[1] Абдулфаттоҳ Абдуллоҳ Барака. ал-Ҳаким ат-Термизий ва назорийятуҳу фил-валоя. II. – Қоҳира: Мажмаъ ал-буҳус бил-азҳар, 1971. I. – Б. 35.

Кўриниб турибдики, Ҳаким Термизий ёш бўлишига қарамасдан, дин илми бўйича пухта билимга эга бўлган ва бу қиблагоҳи шарофатидан экани Али ибн Ҳасаннинг етакчи илм аҳлларидан бўлганини англатади. Отаси вафотидан кейин ҳаким Термизий ўз шаҳридаги номдор олимлардан, асосан, тафсир, ҳадис ва фиқҳ илмларидан сабоқ олади. Унинг термизлик муҳаддислар Абу Муҳаммад Солиҳ ибн Муҳаммад Термизий, Солиҳ ибн Абдуллоҳ Термизийдан ҳадис илмини ўргангани ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар келтирилган[2].

Шундан сўнгра, Фаридуддин Атторнинг ёзишича, Ҳаким Термизий икки ўртоғи билан Бағдодга бориб, илм олишни ният қилган вақтда тўсатдан онаси бетоб бўлиб қолади ва унга: "Эй, ўғлим, мен бир муштипар, заифа аёл бўлсам, менга сендан бўлак бошпаноҳ бўлиб ёрдам берадиган бирор кимса бўлмаса, менинг бутун борлиғим фақат сен билан боғлиқ бўлса. Сен мени кимга ташлаб кетмоқчисан?" деб илтижо қилади. Волидасининг бу сўзлари Ҳаким Термизийга қаттиқ таъсир қилиб, ушбу сафардан воз кечади. Сўнгра, ушбу воқеадан кейин талай вақт ўтгач, Ҳаким Термизий Бағдодга боролмагани учун ғоятда армон қилиб, мақбаралардан бирининг ёнида йиғлаб турганида юзидан нур ёғилиб турган бир шайх пайдо бўлиб, ундан нега йиғлаётганини сўрайди. Шунда унга юз берган воқеани гапириб беради. Шунда шайх: "Истасанг, мен сенга ҳар куни турли илмлардан сабоқ бераман", дейди. У бу таклифга дарҳол рози бўлади. Ана шу таҳсил бир неча йил давом этади ва бу устоз Хизр алайҳиссалом экани аён бўлади. Унинг бу саодатга эришиши волидаи мушфиқасининг дуоси барокотидан бўлган эди[3].

Бу ҳикоятми ё ривоятми, нима бўлса ҳам, унинг оиласи ҳақида муайян даражада тасаввур беради. Чунончи, ҳикоядан маълум бўлишича, у ота-онасининг яккаю ягона фарзанди бўлган, онасининг илтижосига қараганда, уларнинг оиласида ундан бошқа унга қарайдиган кимса бўлмаган. У ўз онасига меҳрибон бўлгани боис, уни боқувчисиз ташлаб кета олмаган. Шунингдек, манбаларда унинг оилавий аҳволи, рафиқасининг солиҳа, тақводор, покиза аёл бўлгани, оилада олтита фарзанд вояга етгани ҳақида ҳам баъзи маълумотлар келтирилган.

Ҳаким Термизий кўплаб устозлардан таълим олган. Унинг биринчи устози, юқорида зикр этилганидек, отаси Али ибн Ҳасан Термизий эди[4]. Шунингдек, у Қутайба ибн Саид Сақафий Балхий (767-854), суннат ва фазл соҳиби деб эътироф этилувчи Солиҳ ибн Абдуллоҳ Термизий[5], Солиҳ ибн Муҳаммад Термизий, Суфён ибн Вакийъ ибн Жарроҳ, Абу Муҳаммад Равосий (ваф. 861)[6], Ҳасан ибн Умар ибн Шақиқ ибн Асмоъ,

---

[2] Шайх Комил Муҳаммад Муҳаммад Авайда. Ал-Ҳаким ат-Термизий фақиҳ ан-ноқид. – Байрут: 1993. – Б. 5-6.

[3] Барака. Ал-Ҳаким ат-Термизий ва назариятуҳу фи-л-вилойа. – Б. 31-32.

[4] Абу Бакр Аҳмад ибн Али ибн Собит Хатиб Бағдодий. Тарихи Бағдод ав мадинатис-салом. XIV. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1997. Ж. 2. – Б. 373.

[5] Хатиб Бағдодий. Тарихи Бағдод. Ж. 1. – Б. 315; 109. Шиҳобиддин Абулфазл Аҳмад ибн Муҳаммад Али ибн Ҳажар Асқалоний. Лисон ал-мезон. VII. – Байрут: Муассаса ал-аъламий лит-тибоъат, 1986. 3769-рақам.

[6] Шамсиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон Заҳабий. Мезон ал-эътидол фий нақд ар-ижол. IV. – Байрут: Дор ал-маърифа, 1963. Ж. 2. – Б. 173.

Абу Али Жармий Басрий (ваф. 845), Абу Ҳомид Аҳмад ибн Ҳизравия Балхий (ваф. 854)[7], Хуросоннинг энг буюк машойихларидан, илми, футуввати, зоҳидлиги ва тақводорлиги билан алоҳида ажралиб турган Аскар ибн Муҳаммад Ҳасийн Абу Туроб Нахшабий, Яҳё ибн Муоз Розий (ваф. 872), асли Басра аҳлидан Яқуб ибн Шайба ибн Салт ибн Асфур Садусий (ваф. 876) сингари ўз даврининг беназир алломалари унинг устозлари саналади.

Ҳаким Термизий амал қилган ўзига хос суфиёна нуқтаи назар, унинг тутган фиқҳий йўли ҳадисларни ривоят қилишда муҳаддисларнинг анъанавий йўлларидан бир қадар фарқ қилиши билан баъзи олим-у уламоларнинг эътирозига ҳам сабаб бўлган. Айни вақтда айтиш керакки, Ҳаким Термизийни муайян бир сўфий мактабига мансуб этиш ҳам қийин, чунки у юқорида кўриб ўтганимиздек, Хуросоннинг энг буюк шайхларидан саналган Абу Туроб Нахшабий ва Аҳмад ибн Хаизравийя билан яқин муносабатда бўлган, Яҳя, ибн Жалло Бағдодий билан ҳамкорлик қилган, айниқса, Шом мактабининг йирик шайхларидан бири Антокийнинг асарларини ўзлаштириб, уни юксалтирган.

Юқорида баён этилганларга таяниб айтиш мумкинки, аллома Ҳаким Термизий ўзининг самарали илмий фаолияти жараёнида бир қанча босқични босиб ўтган. Бинобарин, ёзма манбаларга, биринчи навбатда, унинг мемуар тусдаги "Бадъи шаан Аби Абдуллоҳ" номли асарига таянган ҳолда муҳаддис- нинг ҳаёт йўлларини қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин:

Биринчи босқич. Ҳакимнинг саккиз ёшгача бўлган болалик даври. Афсуски, биз унинг ана шу даврдаги ҳаёти ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлмасак-да, лекин тахмин қилиш мумкинки, унинг болалик йиллари кўпчилик тенгқурлариники каби одатдагидай ҳар-хил ўйинлар-у кўнгилочар машғулотларга бой бўлмаган. У ўзини болалик давриданоқ илм-у маърифатнинг чигал сўқмоқларни енгиб ўтадиган мураккаб имтиҳонларга маънавий ва руҳий жиҳатдан ҳар томонлама тайёрлай бошлаган.

Иккинчи босқич. Ҳаким Термизийнинг саккиз ёшидан то йигирма етти ёшигача бўлган умрини қамраб олади. Бу даврда унинг афсонавий устози бор имконияти ва маҳоратини унинг турли илмлардан чуқур билим олишига сарфлайди, шунга астойдил раҳномалик қилиб, унга ўз иноятини кўрсатади. Гарчанд ушбу устоз ҳақида аниқ маълумотлар бўлмаса-да, у ўз шогирдини фақат илм йўлига, хусусан, илму-л-асор ва илму-р-рай каби илмларни чуқур эгаллашига қаратади[8].

Ушбу илмлар билан шуғулланишни Ҳаким Термизий ҳатто Маккага – Байтуллоҳ ал-ҳарамга ҳаж ибодатини адо этиш учун бораётганида Ироқда тўхтаб ўтганида ҳам давом эттиради. Ўша пайтда унинг ёши йигирма еттига яқинлашиб қолган эди. Айтиш керакки, айнан мана шу сафарлар давомида турли олимлардан олган билимлари

---

[7] Абу Нуъайм Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Исҳоқ ибн Мусо ибн Миҳрон Асбаҳоний. Ҳилятул-авлиё ва табақот ал-асфиё. Х.– Байрут: Дор ал-кутуб ал-арабий, 1405/1984. Ж. 10. – Б. 42. 161. Абу Абдураҳмон Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Муҳаммад Суламий. Табақот ас-суфийя. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1998. – Б. 103-106.

[8] Ал-Ҳаким ат-Термизий ва назариятуҳу фи-л-вилояти. – Б. 45.

унинг илмий ҳаётида сезиларли из қолдирган эди. Манбаларда кўрсатилишича, ўз ҳаётининг айнан шу босқичида ҳаким Термизий ҳадис ва фиқҳ илмларига алоҳида эътибор берган.

Ҳаким Термизий ҳаётининг учинчи босқичи Қуръони каримни ёд олиш ва уни теран ўрганишдан иборат бўлган. У Аллоҳнинг Каломини ёд олишга алоҳида иштиёқ билан киришади, кечани кундузга улаб, уни ёдлайди, бу машғулотдан унинг қалби ҳаловату алоҳида завқ-шавққа тўлади. У энди раббоний руҳдаги асарларга ғоятда берилиб, улардаги ибратли мавъизалар, охират ишларига доир маълумотлар, тариқатга бошловчи пири муршидларнинг ҳикоятларини алоҳида қизиқиш билан ўрганади. Шу омиллар таъсирида зоҳирдан ботинга таважжуҳ қилади. Ана шу фикр-мулоҳазаларни жамлаб, бу босқични Ҳаким Термизий ҳаётидаги бурилиш даври деб атасак, айни ҳақиқат бўлади. Бинобарин, ўша даврда у ибодатга батамом берилиб кетади. Унинг ўз таъбири билан айтганда, токи унинг қўлига Антокийнинг китоби тушгунга қадар шу йўсинда ҳаёт кечирган, кейин эса Антокийнинг фикрларидан таъсирланиб, ўз нафсини риёзату машаққатга ташлаган.

Тасаввуф таълимотига кўра, тариқат йўлига кирувчи солик бирор пири муршиднинг этагидан ушлаши, унга муридлик қилиши, маълум муддат унинг хизматини қилиб, тарбиятида бўлмоғи зарур. Шундагина у ўз мақсадига эришади. Ҳаким Термизий бу таълимотга нисбатан бошқача фикрда бўлганми? Ҳа, унинг фикрича, соликнинг руҳий камолотга етмоғи, энг аввало, унинг ўзига, жидду жаҳди, саъй қўшиши, риёзатининг сидқидилдан экани ва унинг учун риёзат одатий тусга айланганига боғлиқ.

Аслини олганда, Ҳаким Термизий ўз ҳаётида муайян пири муршиднинг этагидан ушламаган. Тариқатда унинг камолот чўққисига эришишида асосан Антокийнинг "Қалблар давоси" китоби етакчи ўрин тутган. Шунинг учун ҳам у мурид тарбия қилиш, ўз маслакдошларини орқасидан эргаштириб юриш кабилар билан машғул бўлмаган. Ҳаким Термизийда гарчи муридлар бўлмаган эса-да, унинг фикр-мулоҳазаларию ғояларини асрлар оша авлодларга бекам-у кўст етказиб келган ўлмас асарларининг мавжудлиги беқиёс даражадаги илмий-маънавий бойликдир. Буюк аллома тариқат илмининг таълимотларига, йўл-йўриқларига ўзининг бебаҳо асарлари ва шогирдлари орқали аниқликлар киритган ва ўз навбатида, бу шогирдлар буюк устозининг ишларини давом эттирган.

Ана шу жараёнларда у ўз тариқатини яратдики, натижада, кечалари унинг атрофида кўплаб издошлари ва маслакдошлари тўпланиб, баҳс-у мунозаралар уюштиради, дуо ва тазаррулар билан ўз шуурларини изҳор қилади. Афтидан, айни мунозаралар чоғида айтган чуқур мазмун-моҳиятга эга бўлган сўфийлик таълимоти ҳақидаги ошкора баёнотлари сабабли диний масалаларнинг баъзи жиҳатлари, тасаввуф илмларига доир фикрлари айрим олимларнинг эътирозига сабаб бўлди. Натижада, ҳаким Термизий устида гап-сўзлар кўпайиб, уни ҳавойи гапларга берилишда ва бидъатда айблай бошлайдилар. Улар томонидан Ҳаким Термизийга нисбатан билдирилган эътирозларни умумлаштириб, қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Ҳадис ровийлари наздида, ҳаким Термизий ҳадисшунос олим эмас, уни ривоятчилар тоифасига ҳам киритиб бўлмайди. У ўзининг китобларида мавзу (сохта) ҳадислардан фойдаланган, уларда ҳатто таниқли ровийлар ривоят қилмаган хабарлар ҳам учрайди.

2. Фақиҳлар эътирозларига кўра, гўёки у илму-ш-шариа (шариат илми)га кўпчилик илм аҳли қабул қилмайдиган заиф фикрларни киритган.

3. Мутасаввифлар илгари сурган қарашларга биноан, у ҳақиқатга хилоф айрим масалаларда айбланади.

Охир-оқибат, юқорида, зикр қилинган тоифаларнинг ҳаракатлари шу даражага бориб етдики, айбловчилар Балх ҳокимига хабар юбориб, Ҳаким Термизийга нисбатан "адолат" ўрнатишни сўрайдилар. Натижада, Балх ҳокими Аллоҳга муҳаббат ҳақида гапирмаслик хусусида Ҳаким Термизийнинг ваъдасини олиб, одамларни тинчлантиради. Мавриди келганда айтиш керакки, бу зайлдаги асоссиз айбловлардан нафақат Ҳаким Термизий, балки ўша даврдаги қатор мутасаввифлар ҳам четда қолмагани ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар келтирилган. Тарихчилар Тожуддин Субкий, Сулламийнинг ёзишича[9] олимнинг "Хатму-л-анбиё" ва "Илалу-ш-шариа" асарларида валийлар ҳақида ва шариатнинг айрим масалаларига доир фикрлари сабаб, у она шаҳри Термиздан чиқиб кетишга ва бир неча йиллар Балх ва Нишопурда яшашга мажбур бўлган.

Лекин маълум вақтдан кейин минтақада сиёсий вазият ўзгариб, ҳокимиятга илм аҳлига хайрихоҳ ҳукмдорларнинг келиши туфайли аллома ҳаким Термизий она Ватанига қайтади, у ўз салоҳияти ва фазилатига муносиб хурмат-эътибор кўради. Унинг мухлисларию шогирдларининг сони кундан кунга ошиб боради. Шундан кейингина одамлар у ҳақда тарқатилган миш-мишлар ноҳақ айбловлардан бошқа нарса эмаслигини тушуниб етади ва унга нисбатан ўз хурмат-у эҳтиромини намоён қилади. Мазкур босқичдаги самарали фаолияти мобайнида, эҳтимол, кейинчалик, олимлар "Ал-ҳакимия" деган ном билан аталган алоҳида тариқатга асос солган бўлса, ажаб эмас. Ҳаким Термизийнинг ўзи ҳам бу давр ҳақида тўхталиб, унда кўплаб шогирдлари ва издошлари пайдо бўлганини таъкидлайди. Чунончи, ушбу даврда унинг шогирдларининг сони кўпайиб, мавъизаю маърузалари юксак камолотга етишди, обрў-эътибори ошиб, шону шуҳрати чор атрофга тарқалдики, ҳатто яқин ўтмишда унга қарши бўлган гуруҳлар ҳам ўз хурматини билдира бошлади.

Ҳаким Термизийнинг шогирдлари кўп бўлганига қарамай, тарих саҳифаларида улар исм-шарифларининг баъзилари сақланиб қолган, холос: Абу Муҳаммад Яҳё ибн Мансур Ғозий (ваф. 960), Абу Мансур Али ибн Абдуллоҳ ибн Холид Зуҳлий Ҳиравий, Абу Али Ҳасан ибн Али Журжоний, Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исо, илмий салоҳияти ва донишмандлиги боис ўз устози каби “ҳаким” деган юксак лақабга сазовор бўлган Абу Бакр Муҳаммад ибн Умар Ҳаким Варроқ, Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Ҳайсам ибн Умрон ибн Бурайда (ваф. 971) шулар жумласидандир.

---

[9] Тожиддин Абу Наср Абдулваҳҳоб ибн Али ибн Абдулкофий Субкий. Табақот аш-шофиъийя ал-кубро. Х. – Қоҳира: Ҳижр, 1993. Ж. 2. – Б. 20; Суламий. Табақоту-с-суфия. – Б. 48.

Ҳаким Термизий илмий фаолиятининг кейинги икки босқичи ғоятда баракали бўлган. Айнан шу даврда у кенг омма билан мулоқот ўрнатди, атрофида кўп сонли шогирдлар ва издошлар тўпланди ва энг муҳими, узоқ йиллар давомида шаклланган қарашлари, фикр-мулоҳазалари ва ҳаётий тажрибалари асосида ўзининг кўплаб ўлмас асарларини яратди-ки, бу асарлар буюк бир маънавий мерос сифатида ислом маданияти, айниқса, тасаввуф илми тараққиётида салмоқли ўрин эгаллади.

Уни камдан-кам олимларга насиб қиладиган кўплаб лақаблар, жумладан, "аш-шайх", "ал-олим", "ал-аллома", "муҳаддис", "аз-зоҳид", "ал-ҳофиз", айниқса, аксар ҳолларда, "ал-имом" деб атаганлар. Албатта, ушбу лақаблар унинг илмий салоҳияти ғоят юксак бўлгани ва бу ҳол илм-у ирфон намояндаларининг юксак эътирофига сазовор бўлганидан далолат беради. Бинобарин, Термизийга берилган "ал-ҳаким" лақаби донишмандликни билдиради.

Мисрлик олим шайх Абдулфаттоҳ Абдуллоҳ Бараканинг ёзишича, Ҳаким Термизий тўрт юздан ортиқ асарлар яратган бўлиб, улардан олтмишга яқини бизгача етиб келган. Энг муҳими, алломанинг бизгача етиб келган асарлари унинг илмий меросининг муҳим қисмини ташкил қилади[10]. Улардан пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳадисларига бағишланган "Наводиру-л-усул фи маърифат ахбор Расул" ("Расулуллоҳ хабарларини билишнинг нодир усуллари") асарини айтиш керак. Бу асар, шунингдек, "Салвату-л-орифин ва бўстону-л-муваҳҳадин" ("Орифлар овунчоғи ва Аллоҳнинг ягоналигига ишонувчилар бўстони") номи билан ҳам аталади. 291 ҳадис дан иборат ушбу китобда ҳаким Термизий ўз мазҳабий қарашларини муфассал шарҳлаган. Мазкур асарнинг бир қўлёзма нусхаси Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг кутубхонасида, бошқа бир қўлёзмаси Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номли Шарқ қўлёзмалари марказида (№ 10842) сақланмоқда. Ҳаким Термизий асарларининг аксарияти қўлёзма ҳолда жаҳоннинг Париж, Қоҳира, Дамашқ, Анқара, Искандария, Истамбул ва Лондон каби йирик шаҳарларидаги қўлёзмалар хазиналарида сақланаётир.

Ҳаким Термизийнинг бизгача етиб келган асарларидан бири "Хатму-л-авлиё" (бу асар Ҳужвурийнинг "Кашфу-л-маҳжуб" асарида "Хатму-л-валоят" шаклида келтирилган) бўлиб, унда тасаввуф тарихида биринчи маротаба "валоят валийлик" назариясига ва бунинг асосида "ал-ҳакимия" мактабига асос солинган. Узоқ йиллар давомида йўқолган китоблардан ҳисобланган "Хатму-л-авлиё"ни 1965 йили Ливаннинг пойтахти Байрутда Париж илмий тадқиқотлар маркази исломий маданият бўлими аъзоси Усмон Исмоил Яҳё нашр эттирди. Валийликнинг ҳаққонийлиги, шунингдек, унинг нубувват ва рисолат билан боғлиқ бўлган жиҳатлари муқаддима ва 29 фаслда савол-жавоб тарзида таълиф этилган "Хатму-л-авлиё китобининг бош мавзуси ҳисобланади.

Унда ҳаққуллоҳ валийлиги, Худонинг даъвати ва банданинг ижобати, авлиё ва набийлик илми, хотаму-л-авлиё ва ҳотаму-л-анбиё, нубувват ва валоят, авлиё аломати, шайтоний хавотирлар ва илоҳийнинг бекор қилиниши, муқарриблар (аҳлу-л-қурба), башорат, Қурьон ва руҳ, авлиё аҳволини инкор этувчилар, саодат, муҳаббат,

---

[10] Шайх Комил Авайда. Ал-Ҳаким ат-Термизий. – Б. 10.

илоҳий сирлар, ҳидоят этилган ва танланган инсонлар, жазба ва замон, сохта авлиё, амаллар ва даражалар каби тасаввуфда муҳим саналган кўпдан-кўп масалалар илмий асосда теран таҳлил этилган.

Бу китоб валоят масаласини биринчи маротаба мукаммал назария ва ажойиб мақолалар туркуми шаклида тақдим этиши билан аҳамиятлидир. У, айтиш мумкинки, тасаввуф тарихида ҳакимийлар деб аталмиш бир гуруҳ машҳур сўфийлар, хусусан, Термизда шаклланган тасаввуф аҳли учун маънавий васиятнома ёхуд таълим дастури сифатида хизмат қилган. Бу асарнинг овозаси ўша давр ислом оламига, Мисру Тунисдан, Эрону Мовароуннаҳргача, Ҳалаб-у Шомдан Кичик Осиёгача етган эди[11]. Алломанинг пайғамбарлик ва валийлик хусусидаги, айниқса, унинг тасаввуфда валийликнинг муҳим ўрни ҳақидаги қарашларини кейинчалик ислом оламида машҳур бўлган буюк файласуф Ибн Арабий (1165-1240) янада ривожлантирди. Ҳатто, ушбу масалага бағишланган қатор асарларида Ибн Арабий ҳаким Термизий рисолаларидан бутун-бутун саҳифаларни сўзма-сўз кўчириб келтирган ҳоллари ҳам учрайди[12].

Ҳаким Термизий ўша даврда яшаб (айниқса, IX асрда)" фаолият кўрсатган кўплаб буюк муҳаддислар каби, пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларини тўплаб, муайян бир мавзу бўйича махсус асарлар яратмаган бўлса-да, баъзи асарларида мўмин-мусулмонлар учун ғоятда фойдали бўлган эътиқод, ибодат ва муомалотга, шунингдек, одоб-ахлоқ ва зоҳидликка оид туркум ҳадислар келтирган. Эътиборлиси, ана шу ҳадислар сўнгроқ қатор муҳаддислар асарларидан ҳам ўрин олган. Айни вақтда, Ҳаким Термизий ҳадис ривоят қилувчи ровийларга нисбатан қўшимча талаблар ҳам қўйганини айтиш лозим: буюк муҳаддис Имом Бухорий ровийларга ростгўйлик, тақво ва омонат (ишонч) каби шартларни қўйган бўлса, Ҳаким Термизий ровийлар маъно ва таъвилни ҳам мукаммал билиши шарт деб ҳисоблаган.

Ҳаким Термизий фиқҳ илмини билувчиларни, ўзидан аввал ўтган алломалардан фарқли ўлароқ, икки тоифага бўлади:

бири аҳком масалаларини пухта эгаллаган қонуншунос мутахассис;

иккинчиси қалб билан тушуниб етувчи ва идрок этиш даражасига етган ҳақиқий фақиҳ.

Калом илмига ҳаким Термизий асарларида алоҳида эътибор берилган. Унинг қатор асарларида ислом файласуфлари (мутакаллимлар) билан бўлиб ўтган баҳс-у мунозаралар ҳақида талай маълумотлар учрайди. Аллома ўзининг ўткир илмий мулоҳазалари билан баъзи мутакаллимларнинг хато-камчиликларини очиб ташлаб, уларга нисбатан асосли, танқидий муносабатини билдирган. Ўзидан илгари ўтган тасаввуф олимларининг фаолияти ҳам Ҳаким Термизийнинг сергак назаридан четда қолмаган, албатта. У илгари сурган ғояларга кўра, энг яхши сифатлар Қуръони карим

---

[11] Доктор Иброҳим Худоёр. Ишқ Жайҳунининг йўлдоши (Ҳаким Термизийнинг "Хатму-л-авлиё" асари). – Тошкент: "Гулистон" журнали, 2000. № 5. – Б. 25.

[12] Бу ҳақда яна каранг: Ислам. Энциклопедический словарь. – Москва: Главная редакция восточной литературы, 1991. – С. 237-238.

оятлари ва ҳадиси шарифларни адолат билан шарҳлаш; фиқҳ масалаларига ғоятда мақбул, мантиқий нуқтаи назардан ёндашиш учун ҳам зоҳирий, ҳам ботиний илмлар талаб этилади. Айни вақтда аллома бундай вазиятларда эҳтиросларга берилмай, беғараз, холисона йўл билан ёндашиш орқали исломга беминнат хизмат қилиш мумкин деб ҳисоблаган.

Шундай қилиб, Ҳаким Термизий ўзининг ҳам Қуръони карим маъносини талқин қилиш, ҳадисларни шарҳлаш ва фиқҳий масалаларга амал қилишда ҳикмат йўлидан борганлигини таъкидлайди, бу йўл киши виждонига, қалбига ором берадиган ягона йўл, деб талқин қилади. Ана шу таълимотни яратган ҳаким Термизий IX-X асрда ислом дини таълимотларини илмий асосга таянган ҳолда янада теранроқ талқин қилувчи, беназир шариат арбобларидан бири сифатида бутун мусулмон оламида шуҳрат қозонди.

Ҳаким Термизий тўғрисида айтилган Алишер Навоийнинг: "Муҳаммад бин Али ҳакими Термизий иккинчи табақадиндур. Кунияти Абу Абдуллоҳдур. Машойихи кибордандур ва Абу Туроб Нахшабий ва Аҳмад Ҳизравайҳ ва Ибни Жалла била суҳбат тутубдур ва кўп ҳадиси бор ва зоҳир каромати ва тасонифи (ёзган асарлари) бор. Ул жумладин "Хатму-л-вилоя" китоби ва "Наҳж" китоби, "Наводиру-л-усул" ва бундан ўзга ҳам китоблари бор ва зоҳир улумида ҳам кутуби бор ва бир тафсир ("Қуръон тафсири") ҳам ибтидо қилғондур. Аммо итмомиға (охирига) улар вафо қилмайдур..." ҳамда Хожа Баҳоуддин Нақшбандийнинг: "Азиз авлиёларнинг пешвоси Хожа Муҳаммад ибн Али Ҳаким Термизийнинг руҳониётига таважжуҳим тушганда, ҳар сафар менга таъриф ва тавсифдан холи тасаввуф намоён бўлади",- деб унинг руҳоний оламидаги юксак мартаба ва мақомлари алоҳида лутф билан таъриф этилган фикрлари ушбу сўзларни тасдиқлайди.

Ҳаким Термизий шахси, қолдирган бой илмий-маънавий меросига муносабат истиқлол туфайли тубдан ўзгарди. Унинг бизгача етиб келган асарлари илмий асосда тадқиқ қилинмоқда, аллома хотирасига бағишлаб ташкил қилинган кураш бўйича халқаро турнир 1993 йилдан буён мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда ва бу хайрли анъана бундан кейин ҳам давом этиши шубҳасиз.

Буюк мутафаккир абадий қўним топган маскан Термиз шаҳри яқинидаги Ҳаким Термизий ёдгорлик мажмуаси батамом қайта таъмирланиб, ҳозирда юксак меъморчилик намунасини ўзида мужассам қилган муҳташам зиёратгоҳлардан бири сифатида, нафақат юртимиз аҳли, балки хорижий меҳмонларда ҳам катта таассурот қолдирмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абу Бакр Аҳмад ибн Али ибн Собит Хатиб Бағдодий. Тарихи Бағдод ав мадинатис-салом. XIV. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1997.
2. Шиҳобиддин Абулфазл Аҳмад ибн Муҳаммад Али ибн Ҳажар Асқалоний. Лисон ал-мезон. VII. – Байрут: Муассаса ал-аъламий лит-тибоъат, 1986.
3. Шамсиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон Заҳабий. Мезон ал-эътидол фий нақд ар-рижол. IV. – Байрут: Дор ал-маърифа, 1963.

4. Абу Нуъайм Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Исҳоқ ибн Мусо ибн Миҳрон Асбаҳоний. Ҳилятул-авлиё ва табақот ал-асфиё. Х.– Байрут: Дор ал-кутуб ал-арабий, 1405/1984.
5. Абу Абдураҳмон Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Муҳаммад Суламий. Табақот ас-суфийя. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1998.
6. Тожиддин Абу Наср Абдулваҳҳоб ибн Али ибн Абдулкофий Субкий. Табақот аш-шофиъийя ал-кубро. Х. – Қоҳира: Ҳижр, 1993.
7. Абдулфаттоҳ Абдуллоҳ Барака. ал-Ҳаким ат-Термизий ва назорийятуҳу фил-валоя. II. – Қоҳира: Мажмаъ ал-буҳус бил-азҳар, 1971.
8. Шайх Комил Муҳаммад Муҳаммад Авайда. Ал-Ҳаким ат-Термизий фақиҳ анноқид. – Байрут: 1993.
9. Ислам Энциклопедический словарь. – Москва: Главная редакция восточной литературы, 1991.
10. Доктор Иброҳим Худоёр. Ишқ Жайҳунининг йўлдоши (Ҳаким Термизийнинг "Хатму-л-авлиё" асари). – Тошкент: "Гулистон" журнали, 2000. № 5. – Б. 25.

ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ ТАФСИР ИЛМИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Абдурасул Абдуллаев Абдулпаттоевич*

Аннотация. Ушбу мақолада Мовароуннаҳр диёрида яшаб ижод қилган, тафсир илмига биринчилардан бўлиб асос солган Ҳаким Термизийнинг илмий мероси ва унинг бугунги кундаги аҳамияти тўғрисида сўз боради. Ҳаким Термизнинг ақида, тафсир, ҳадис, фиқҳ, тасаввуф борасида ўзига хос мактаб яратгани охирги илмий янгиликлар асосида кўрсатиб берилди. Сўнг, Ҳаким Термизий қарашларига тўхталиб, олимнинг маърифат, авлиёлик, «мақосид аш-шариа» каби йўналишлардаги бирламчилиги кўрсатилган ҳолда, унинг исломий ҳикмат назарияси асосчиси экани ҳам очиб берилди. Ҳаким Термизийнинг Қуръон тафсирига оид мероси ўзида кўплаб муҳим хусусиятларни жамлайди. У Имом Мотуридийдан олдинроқ тафсир илми тарихида биринчилардан бўлиб ақлий ёки раъй билан тафсир қилишнинг шартларини баён қилиши билан ҳам ажралиб туради. Уларни тадқиқ этишдаги энг устувор вазифалардан бири алломаларимиз меросини айри ҳолатларда эмас, балки мактаб сифатида яхлит ўрганиш кераклиги баён қилинди.

Калит сўзлар: тафсир, ҳикмат, маърифат, баён, тавҳид, дин, дуо, басира, маърифат, рушд, савоб, тақво, тавфиқ, тавба, авлиёлик.

Abstract. This article talks about the scientific legacy of Hakim Tirmidhi, who was one of the first founders of the science of Tafsir, who lived in Movarounnahr, and his importance today. Based on the latest scientific news, it was shown that Hakim Tirmidhi created a unique school in terms of belief, tafsir, hadith, fiqh, and mysticism. Then, referring to the views of Hakim Tirmidhi, showing the primacy of the scientist in such directions as enlightenment, sainthood, «maqasid ash-sharia», it was also revealed that he is the founder of the theory of Islamic wisdom. Hakim Tirmidhi's legacy of Qur'an interpretation includes many important features. He is also distinguished by the fact that he was one of the first in the history of the science of tafsir, before Imam Moturidi, to explain the conditions of tafsir with aqli or opinion. It was stated that one of the most important tasks in their research is to study the heritage of our alumni as a whole, not in individual cases.

Keywords: tafsir, hikma, enlightenment, explanation, monotheism, religion, dua, basira, enlightenment, rushd, reward, piety, tawfiq, repentance, sainthood.

Жаҳонда ривожланган жамиятлар тарихига назар солсак, ҳар бир халқ аввало маънавий бирлашуви, миллий ғояси билан юксалган. "Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият"дир[1] деб,

* *Тошкент ислом институти доценти, Халқаро ислом академияси "Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО" кафедраси докторанти*

[1] Mirziyoyev Sh.M (2021) Yangi O'zbekiston strategiyasi. Toshkent, O'zbekiston – B. 27.

таъкидлаган эдилар давлатимиз раҳбари. Дарҳақиқат ҳозирги кунда буюк алломаларимиз қолдириб кетган маънавий бойлигимиз, улкан меросимизни ўрганиш, уларда баён қилинган одоб-ахлоқ қоидаларини ҳаётга татбиқ этиш, башарият бахт-саодати, тараққиёти учун зарур бўлган янгича фикрлаш, янгича дунёқараш ва ишлаш, миллий онг ва мафкурани шакллантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳаким номи билан машҳур бўлган ушбу улуғ олимнинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Башир ал-Ҳаким ат-Термизий[2]. У зотнинг "Ҳаким" дея улуғланишининг сабаби шуки, у зот илм-маърифатда жуда етук бўлиб, доимо ҳикмат билан гапирар эди. Ҳакимнинг луғавий маъноси доно, донишманд, ақл-идрокли, файласуф, шунингдек, табиб тушунчаларини ҳам англатади. Фаридуддин Аттор "Тазкират ул-авлиё" асарида у кишини шундай: "Суннат ҳакими, миллат азими, шайхи олам, машойихларнинг муҳташамларидан, валийларнинг муҳтарамларидан, барча қўнгилларда таниқли, барча тилларда таърифли, "Қуръон" маънолари бобида нишона, ахбор ва ахлоқ бобида ягона, ҳақоиқ ва дақоиқ бобида ажойиб, хулқ ва олийҳимматлик билан безанган, мулойимлик ва ҳаё билан ораста, илм-фанлар бобида ягона ва комил, шариату тариқат бобида мужтаҳид эди"[3], дея таърифлайди.

Машҳур "Кашф ул-маҳжуб" асарининг муаллифи Ҳужвурий: "Ҳаким Термизий буюк ва табаррук бир зотдир. Менинг олдимда шундай бир қадр-қимматга эга эдики, қалбим унга тўлиқ боғлангандир. Шунинг учун менинг устозим, "Муҳаммад ибн Али ўхшаши йўқ гавҳари яктодир. Жаҳонда унинг тенги оз бўлади"[4], - деган эди". Жуда қадрли ва маъноли мана шундай сўзлари сабабли у зотга "Ҳакими авлиё", (яъни валийларнинг ҳикматли сўз айтувчиларидан бири) деб ном берилгани бежиз эмас.

Ҳаким Термизийнинг таваллуди тўғрисида, бир манбада милодий 820 йили Термиз шаҳрида таваллуд топиб, 932 йили 112 ёшида вафот этгани ёритилса, иккинчи маълумотга кўра, милодий 859–932 йиллар деб келтирилади.

Муҳаммад ибн Али ал-Ҳаким ат-Термизий буюк мутасаввиф ҳамда моҳир муфассир бўлган. У нафақат ўлкамиз, балки бутун ислом оламидаги тасаввуф илми ва тафсир илми ривожига ҳам салмоқли ҳисса қўшган мутасаввиф ва муфассир олимдир. У зот аш-Шайх, ал-Олим, ал-Аллома, муҳаддис, аз-Зоҳид, ал-Ҳофиз, ал-Имом тахаллуслари билан танилган. Албатта, ушбу тахаллуслар у зотнинг илмий салоҳияти ғоят юксак бўлганлиги ва бу ҳол илм соҳиблари томонидан эътироф этилганидан далолат беради.

Ҳаким Термизий юртимизда тасаввуф ва тафсир илмининг дастлабки ривожланиш босқичларини бошлаб берган буюк қомусий олим. Моваройннаҳр

---

[2] У. Уватов. Ўзбекистон – буюк алломалар юрти. – Тошкент: "Маънавият", 2010. – Б.58.

[3] Фаридуддин Аттор. "Тазкиратул авлиё". – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013. – Б.402.

[4] Буюк алломаларимиз меросида маърифий ислом" (Матн): тўплам /Тузувчилар: Н.Насруллаев ва бош. – Тошкент: "Ўзбекистон халқаро ислом академияси" нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2021. –Б.16

диёрида тафсир илми ривожига улкан ҳисса қўшганлигини у зот қолдирган маънавий-илмий меросларидан билишимиз мумкин бўлади.

У зотнинг ижодлари ҳақида ёзган муаллифлар асарлари сонини турлича келтирадилар. Баъзи тадқиқотчилар уларнинг саноғи 400 га яқин деб айтсалар, бошқалари 80 та асар таълиф этган деб ёзадилар. Мисрлик олим шайх Абдулфаттоҳ Абдуллоҳ Бараканинг ёзишича, Ҳаким Термизий тўрт юздан ортиқ асарлар яратган бўлиб, улардан олтмишга яқини бизгача етиб келган. Энг муҳими, Ҳаким Термизийнинг бизгача етиб келган асарлари унинг илмий меросининг муҳим қисмини ташкил қилади[5].

Ҳаким Термизий тафсир, ҳадис, фиқҳ, калом ва тасаввуф илмларига оид жуда қимматли асарлар битган. Жумладан:

1. “Наводир ал-усул фий маърифат ахбор Росул” (“Расуллуллоҳ хабарларини билишда нодир усуллар”).

2. “Ал-Амсол минал китоб вас-Сунна” (“Китоб ва суннатдан мисоллар”).

3.“Китоб ул-жумал ал-лозим маърифатиҳо” (“Билиш лозим бўлган жумлалар”).

4. “Китоб ал-фуруқ ва манъ ут-тародуф” (“Фарқлар ва тародуф (кетма-кетлик)ни манъ қилиш”).

5. “Китоб ҳақийқат ул-одамиййа” (“Инсоният ҳақиқати тўғрисида китоб”).

6. “Китоб Урс ул-муваҳҳаддин” (“Якка Худога эътиқод қилганларнинг завқи”).

7. “Китоб ул-амсол мин ал-Китоб вас сунна” (“Қуръон ва суннатдаги масаллар китоби”).

8. “Китоб ал-маноҳий” (“Раддиялар ҳақида китоб”).

9. “Китоб ул Акйос вал муғтарийн” (“Зийраклар ва алданганлар ҳақида китоб”).

10. “Ал-Масоил ал-Макнуна” (“Яширилган масалалар”).

11. “Таҳсийл назоир ал-Қуръан” (“Қуръон ибратларини ўрганиш”).

12. “Китоб радд ъалал Муъаттила” (“Ал-Муаттилийларга раддия китоби”).

13. “Китоб ул-Фуруқ” (“Фарқлар ҳақида китоб”).

14. “Масалат ул иймон ва ислом вал иҳсон” (“Иймон, ислом ва эҳсон масалалари”).

15. “Ал-фарқ байнал оят вал каромат” (“Мўъжиза ва каромат орасидаги фарқ”).

16. “Ат-Тафсир” (“Қуръон тафсири”).

17. “Китоб ун-Наҳж” (“Йўл-йўриқлар китоби”).

18. “Баёнул-илм”. (“Баён илми”)

19. “Баёнул-фарқи байнас-садр вал-қалб вал-фуад вал-лубб”[6][6;47] шулар жумласига киради.

Ҳаким Термизийнинг “Наводир ал-усул фий маърифат ахбор Росул” (“Расуллуллоҳ хабарларини билишда нодир усуллар”) асари “Салват ал-Орифийн ва Бўстон ал-Муваҳҳидийн” (“Орифлар овунчоғи ва Аллоҳнинг ягоналигига ишонувчилар бўстони”) номи билан ҳам аталади. Бу асар ҳижрий 1294 (милодий 1876)

---

[5] Аш-Шайх Комил Авайда. Ал-Ҳаким ат-Термизий. – Байрут, 1993, - Б.10

[6] Уватов Убайдулла. Икки буюк донишманд. – Тошкент: “Шарқ” НМАК, 2005. – Б.47.

йилда Константинополда чоп этилиб, 291 ҳадисдан иборат ушбу китобда ал-Ҳаким ат-Термизий ўз мазҳабий қарашларини муфассал ҳолда шарҳлаган. Мазкур асарнинг бир қўлёзма нусхаси Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг кутубхонасида сақланади. Яна бир қўлёзмаси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида № 10842 рақам остида сақланади. Ҳаким Термизий асарларининг аксар қисми қўлёзма ҳолда жаҳоннинг йирик шаҳарларидаги қўлёзмалар хазиналарида сақланади. Алломанинг асарлари Париж, Қоҳира, Дамашқ, Искандария, Истанбул ва Лондон каби шаҳарлардаги қўлёзмалар жамғармаларида сақланади.

Ҳаким Термизий ўз асарларида ҳадис ва оятларни таҳлил қилиб, унинг асл мағзига етишга, унинг зоҳирий маънолари билан бирга ботиний мазмунини чуқур англашга ва уни инсон ҳаётига татбиқ қилишга ҳаракат қилади. Шу жиҳати билан у бошқа муфассирлардан фарқланиб туради. У зот оятларни тафсир қилишда чуқур тафаккур ва таҳлил нуқтаи назаридан ёндашади.

Ҳаким Термизийнинг тафсирга оид қўлёзмани Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази катта илмий ходими Жўрабек Чутматов томонидан танқидий таҳлил этилган Бу ҳақида тадқиқотчи қуйидаги маълумотларни келтиради: “Ҳаким Термизий ҳақидаги кўп маълумотлар Ҳужвирийга (ваф. тахм. 1074) тегишли. Кейинчалик ушбу муаллифга асосланган ҳолда Абдураҳмон Жомий (1412-1494), Алишер Навоий (1441-1501) ва Аднавайх (ёки Адирнавайх) (XI/XVIII аср) ҳам бу ҳақда маълумот берган. Ҳужвирий айтадики: “Дарҳақиқат, у зот тафсир (китоби) бошлаган эди. Уни тугаллашга умр вафо қилмади. Унинг у зот битишга улгурганига қадар бўлган қисми илм аҳли ўртасида тарқалгандир”. Ушбу тафсирдан ўтмишда кишилар фойдаланганлигини билдиради. Жомий дейди: “У зот Қуръон тафсири борасида (китоб) бошлаган эди, аммо уни тугатмасидан олдин вафот этди”. Алишер Навоий ҳам бу ҳақда Ҳужвирий ва Жомийга таянган холда маълумот беради: “...ва бир тафсир хам ибтидо қилгондур. Аммо итмомига умр вафо қилмайдур”. Аммо Жомий ва Навоий асарларида Ҳужвирийда мавжуд “Унинг у зот битишга улгурганига қадар бўлган қисми илм аҳли ўртасида тарқалгандир” жумласи келтирилмаган. Эҳтимол, бу маълумот қўлёзмадан тушиб қолган ёки улар ушбу асарга дуч келишмаган, Ҳужвирий эса бевосита ушбу асар билан таниш бўлган”[7].

Шунингдек, Ҳаким Термизий “Илм ал-авлиё” асарида[8] Қуръони каримнинг Бақара сурасида وَيُعَلِّمُهُمُ ٱلۡكِتَٰبَ وَٱلۡحِكۡمَةَ “Уларга Китоб (Қуръон) ва ҳикматни ўргатадиган...” (Бақара, 129-оят) келган “ҳикмат” сўзига бошқа муфассирлар каби “ҳадис” деб шарҳ бермай, балки, оятидаги “ал-китоб” Қуръоннинг зоҳири, “ал-ҳикмат” эса унинг ботини, яъни яширин маънолари деб шарҳлайди.

Ушбу “ал-ҳикмат” (донолик) сўзига Фахриддин Розий “Мафотухул-ғайб” номли асарида, Ибн Ваҳб Моликка деди: Донолик нима? У айтди: динни билиш, ундаги

---

[7] Чутматов Жўрабек. Ҳаким Термизий тафсирининг илк нашри. // “Мотуридийлик” маънавий-маърифий, илмий-адабий журнал. 4/2023й, - Б. 36.

[8] Соми Наср. Ҳаким Термизийнинг “Илм ал-авлиё” асари кириш қисми. – Қоҳира: ал-Мактаба ал-ҳуррия ал-ҳадиса, 1981, - Б. 33..

фиққий қоидаларни билиш ва унга эргашиш[9]. Шофий айтди: “Донолик Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатидир”. Донолик ҳақиқат ва ёлғонни ажратишдир. “Китобнинг барча фазилатлари гўё унинг оятлари, китоб ва ҳикмат (донолик) бир булоқдан чиққан икки чашмага ўхшайди”, – деб кенг шарҳ берган ва таъриф берилган.

Аллома “Таҳсил назоир ал-Қуръон” асарида Қуръон каримдаги “ҳидоят”, “куфр”, “ширк”, “ҳикмат”, “ислом”, “имон”, “шукр”, “ҳақ” каби 80 та сўзга шарҳ берган. Унда Қуръон сўзлари маъноларини тасаввуфий шарҳлашга эътибор қаратган. Асарда Ҳаким Термизий Қуръонда кўп учрайдиган сўзларнинг асосий маъносидан ва унга алоқадор маъноларга кўчиши мумкинлигини зикр этади.

Ҳаким Термизий тафсиридаги услуб уч йўналишда намоён бўлади: биринчиси, барча тафсирларда бўлгани каби оятларни зоҳирий тушуниш, иккинчиси, тасаввуфий ва учинчиси араб ҳарфларидан ишора олиш, яъни Аллоҳнинг исми ва сифатлари илмининг асли ҳарфларидир, деб қараш. Бундан келиб чиқиб, Термизийнинг мазкур тафсирини Мовароуннаҳрдаги дастлабки тасаввуфий тафсирлардан, деб айтиш ҳам мумкин.

Ҳаким Термизий “илмул ҳуруф” йўналишида олиб борган фаолияти жуда самарали бўлган. Илм – бу исмлардир (нарсаларнинг номлари), илмнинг асли эса ҳарфларда яширинган. “Илм ул ҳуруф” – “ҳикматул уля” деб аталувчи юксак илмлардан бўлиб, уни билганларга “олим ул-уламо” дейилади[10].

Шунингдек, машҳур аллома, муфассир, мутакаллим, Хатибни ўғли деб танилган, Динни фахри деб лақабланган Фахриддин ар-Розий[11] (1148-1209йй). Оятларни тафсир қилишда Ҳаким Термизийнинг услубидан кенг фойдаланган.

Фахриддин Розий Қуръони карим тафсири борасида бир қанча асарлар ёзган “Китобут тафсири кабир”, “Китобут тафсир сағир”[12] ва 1000 та масалани ўз ичига олган “Китобу тафсир фотиха” асарлари шулар жумласидандир. Машҳур “Китобут тафсир кабир” ёки “Мафотухул ғойб” номли тафсир китоби 16 жилддан иборат. “Мафотиҳ ул-ғайб” (Ғайб сирларини очувчи) ижодининг кейинги даврига оид асарларидандир. Ушбу асар чуқур мазмун-моҳиятга эга ва кенгқамровли бўлиб, бошқа тафсирлардан ажралиб туради.

Фахриддин ар-Розий Ҳаким Термизий каби оятларни тафсири қилишда уч жиҳатдан кўриб чиққан: зоҳирий (ташқи), ботиний (ички) ва таркиб топиши (мураккаблиги) каби жиҳатлар. Уларнинг ҳар бири ўз ўрнида бир неча қисмга ажратилган. Айтиш жоизки, тафсир илм билан шуғулланувчи бошқа муфассирларда бундай жиҳат учрамайди. Шунингдек, оятларга маъно беришда зоҳирий маъносидан ташқари ботиний маъноларига ҳам эътибор қаратган. Масалан: Тақво сўзи луғатда қўрқиш, эҳтиёт бўлиш, сақланиш маъноларида бўлса, истилоҳда эса қуйдаги: фатх

---

[9] مفاتح الغيب فخر الدين— الرازي التفسير الكبيراو دار الكتب العلمية 1971 ص 15

[10] Ал-Ҳаким ат-Термизий. Ал-фуруқ ва манъ ат-тародуф. – Ажуза: Мактаба ал-Имам, 2005, - Б.58.

[11] Мустафо Мухаммад Хусайн Захабий “Аттафсир вал муфассирун”. “Дорул хадис” Қохира. 2012. 1 жилд. - Б. 248.

[12] Шомий ибн Абдуллоҳ ибн Аҳмад Атлас аъломул муфассирин. Риёз 2022. - Б. 282.

сураси 26- оятида “иймон”, хужурот сураси 3-оятида “тавҳид”, шуаро сураси 11-оятда “иймон келтирмоқ”, аъроф сураси 96-оятда “тавба қилмоқ”, нахл сураси 2-оятида “итоат қилмоқ”, мўминун сураси 52-оятида “исён қилмаслик”, хаж сураси 32 –оятда “ихлос” маъноларида келган деб[13] таъвил қилади.

Ҳаким Термизий “Таҳсил назоир ал-Қуръон” асарида الهدي “ал-ҳуда” лафзининг 15 та маъносини кўрсатади, лекин ундан ягона сўз “мойил бўлиш, оғиш” ҳосил бўлади, деб, оятдаги إِنَّا هُدْنَا إِلَيْكَ (Аъроф, 156-оят) “биз Сенга мойил бўлдик”, шаклида шарҳлайди. Сўнгра: “هدية “ҳадя” дейилиши ҳам, ҳадя берувчига кўнглинг мойил бўлгани учун шундай дейилади. Қалб тана аъзоларининг амири, агар Аллоҳ уни нурига ҳидоят қилса, яъни нурига мойил қилса, ҳидоят топади, яъни мойил бўлади. Аллоҳ таоло айтади: يهدي اللّٰهُ لِنُورِهِ مَنْ يَشَاءُ (Нур, 35-оят) “Аллоҳ таоло Ўз нурига хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур” (яъни мойил қилур). Мана шу сўзнинг асл маъносидир” – деб хулоса қилади. Шундан сўнг Термизий الهدي “ал-ҳуда” лафзининг луғат китобларидаги ўн беш маъновий кўринишини, яъни важҳини келтиради – баён, ислом, тавҳид, дин, дуо, басира, маърифат, Қуръон, расул, рушд, савоб, тақво, тавфиқ, тавба, йўлак. Бу сўзларни ўзи ишора қилган “мойил бўлмоқ” деган аслий маъноси билан боғлаб изоҳлайди. Масалан, الهدي “ал-ҳуда” лафзи бир жойда “дуо” бўлиб келди, агар банда Роббисига нурли қалб билан дуо қилса, (бошқа) қалблар у нурга мойил бўлади. Чунки бу сўз узра нур бор, зеро у мунаввар қалбдан чиқяпти [14].

“Таҳсил назоир ал-Қуръон” асарида асосий ғоя – Қуръон карим лафзларида кўп маънолилик бор, лекин тўлиқ бир хил маъноли сўзлар йўқ. Сўз ўз ўрнида муайян маънога эга, гарчи турли маъноларга йўналса ҳам, аниқ маъноларга далолат қилса ҳам, Қуръон каримда хар бир лафз белгиланган ўрнидаги бир маъно учун мустаҳкам боғланган[15].

Шунингдек, “Таҳсил назоир ал-Қуръон” асарининг 119-120 бетида “الدين” лафзининг 6 та маъносини кўрсатади, лекин эътиборни ягона “итоат этмоқ” лафзига қаратади.

1. Бўйсунмоқ, қарзга бермоқ, эътиқод қилмоқ, қилган ишига яраша мукофотламоқ.

2. Шаҳодат калимасини айтиш, أَمَرَ أَلَّا تَعْبُدُوٓا إِلَّآ إِيَّاهُ ۚ ذَٰلِكَ ٱلدِّينُ ٱلْقَيِّمُ (“У ўзидан бошқага сиғинмасликка буюрган. Тўғри дин – мана шу” (Юсуф сураси, 40- оят).

3. Ҳисоб бериш, مَٰلِكِ يَوْمِ ٱلدِّينِ (“Жазо ва мукофот (ҳисоб бериш) кунининг эгасидир” (Фотиҳа сураси, 3-оят).

4. Қазо ва қадар, ҳукм. وَقَالُوا۟ يَٰوَيْلَنَا هَٰذَا يَوْمُ ٱلدِّينِ (“Ҳолимизга вой! Бу жазо (ҳукм) куни-ку” – деб қолурлар” (Соффот сураси, 20-оят).

5. Подшоҳнинг ҳукми. مَا كَانَ لِيَأْخُذَ أَخَاهُ فِى دِينِ ٱلْمَلِكِ إِلَّآ أَن يَشَآءَ ٱللَّهُ (“Подшоҳнинг (жорий) хукми бўйича ўз биродарини –Аллоҳ хоҳламаса – олиб қололмас эди” (Юсуф сураси, 76-оят).

---

[13] Ал-Имом Фахриддин Розий. Ат-Тафсир ал-Кабир, Мафотихул ғойб. – Бейрут. “Дорул кутуб ал- илмия”, 2005. – 606 б.

[14] Иброҳим Усмонов. Ҳаким Термизийнинг луғатшуносликка оид қарашлари. // https://termiziy.uz/uz/news/1484

[15] تحصيل نظائر القران “ للحكيم الترمذى السعادة مطبعة 1969. ص- 28

6. Ихлос ва ислом. إِنَّ ٱلدِّينَ عِندَ ٱللَّهِ ٱلۡإِسۡلَٰمُۗ (“Албатта, Аллоҳ наздида (мақбул) дин Ислом (дини)дир” (Оли Имрон сураси, 19-оят)[16].

Оятларни шарҳлашда ҳадисларнинг ўрни муҳимлиги муҳаддислар тафсир илмида ҳам моҳир бўлишига сабаб бўлган. Ҳаким Термизий ҳам Мовароуннаҳрда биринчилардан бўлиб, ишорий тафсир ёзган. Муҳаммад Воситий (ваф.942), ас-Суламий (ваф. 412/1021) қаламига мансуб “Ҳақиқату-т-тафсир” асари бор. Абдулкарим Қусайрий (ваф. 1072), “Латоифу-л-ишорат”; Аҳмад Муҳаммад Майбудий, “Кашфу-л-асрор”; Ҳаким Андалусий (ваф.1141), “Танбиҳу-л-афҳам”; Абу Муҳаммад Рўзбеҳон (1128-1209) “Ароису-л-баён фи ҳақоиқу-л-Қуръон” ва Нажмиддин Кубронинг “ат-Таъвилот ан-нажмия” каби ёзилган асарларга манба бўлиб хизмат қилгани аниқланган.

Муфассирнинг раъй билан тафсир қилиш борасидаги ижтиҳод самараси шуки, илк асрларда Қуръони каримни тафсир қилиш борасида, юксак илмий салоҳият, чуқур билим ва фалсафий мушоҳада қилиш доирасида раъйни ишлатишни тақозо этади. Буни нақл ва ақлни бирлаштириш ҳам, дейилади. Яъни, саодат асри, саҳоба, тобеин ва таба тобеинларнинг улкан салоҳияти ва чуқур илмига асосланган услуби раъй ва ақл ёрдамида ривожлантирилади. Бунда эса муфассирдан ниҳоятда улкан салоҳият талаб этилади ва биринчи уч асрдаги барча илмий йўналишлар ва уларнинг ҳақиқатидан хабардор бўлиши лозим саналади.

Эътиборли жиҳати шундан иборатки, Ҳаким Термизий барча асарларида келтирган фикр ва мулоҳазаларини Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадислари ва Қуръон карим оятларидан унумли фойдаланиб кенгроқ ёритишга ҳаракат қилган. Унинг шарҳлаш услубида нақлга таяниб тафсир қилишдан кўра, оятларни таъвил қилиш, тасаввуфий шарҳлаш маъноларининг ботинига кўпроқ эътибор қаратиш кучли эканлигини кузатиш мумкин. Масалан: Ҳужурот сураси 7-оятида келган маънога шундай шарҳ беради: وَلَٰكِنَّ ٱللَّهَ حَبَّبَ إِلَيۡكُمُ ٱلۡإِيمَٰنَ وَزَيَّنَهُۥ فِي قُلُوبِكُمۡ “У (Аллоҳ) сизларга имонни суюкли қилди ва уни қалбларингизда зийнатлади”. Ушбу оятидаги қалбни “Қалб бу бир парча ботиний ва бир парча зоҳирий нарсадир. Уни “фуад” ҳам дейилади. Унда икки кўз ва қулоқ бор. Қалбни Аллоҳ ўзи бурувчидир”, яъни қалбдаги имон ақл билан безатилгандир. Кофирга эса бу нарса ато этилмаган. Унинг қалбидаги имон муҳаббатсиз ва безакларсиз қолиб кетган. Кофир ўзига берилган зийнат ила васваса қилиниб, ҳатто Аллоҳга ширк келтиришгача, Ундан бошқасига ибодат қилишгача боради. Албатта, бу ўринда савол туғилади кофир кимсада иймон борми?, деган. Бунга жавобан (Унинг қалбидаги имон муҳаббатсиз ва безакларсиз қолиб кетган) деган сўзда “мийсоқ”[17] кунига ишора бор[18]. Аллоҳ таоло Аъроф сураси 172-оятида: وَأَشۡهَدَهُمۡ عَلَىٰٓ أَنفُسِهِمۡ أَلَسۡتُ بِرَبِّكُمۡۖ قَالُواْ بَلَىٰ شَهِدۡنَآۛ “Мен Роббингиз эмасманми?” (деди). (Улар):

---

[16] Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръон карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент: “Мунир” нашриёти, 2021. –Б.52.

[17] “Мийсоқ” - аҳдлашув. Аллоҳнинг руҳлар билан мана шу гаплашувини “Ал-Мийсоқ” дейилади

[18] Ал-Қомус арабча-ўзбекча қомусий луғат 4-жилд. Тошкент. Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-2022. –Б.593

“Йўғ-е (роббимизсан)”, – дедилар. Чунки Аллоҳ таоло руҳларни яратган вақтида улардан аҳдлашувни (яъни Ўзининг ягона парвардигор эканлигини тасдиқлаб) олган эди.

Шундай қилиб, Ҳаким Термизий ўзининг ҳам Қуръони карим маъносини талқин қилиш, ҳадисларни шарҳлаш ва фиққий масалаларга амал қилишда тасаввуф йўлидан борганлигини таъкидлайди, тасаввуф йўли киши виждонига – қалбига ором берадиган ягона йўл деб изоҳлайди. Мана шу тарздаги таълимотларни яратган Ҳаким Термизий ҳазратлари IX – X асрнинг буюк диний олимларидан ва ислом дини таълимотларини илмий асосга таянган ҳолда янада чуқурроқ талқин қилувчи, шариатнинг беназир арбобларидан бири сифатида бутун мусулмон оламида шуҳрат қозонди.

Ҳаким Термизийнинг тафсирга оид қўлёзмаси Жўрабек Чутматов томонидан таҳлил этилган ҳолда “Китоб тафсир ал-Қуръон ал-мусаммо бахр ат-тафсир” номи билан араб тилида илк бор чоп қилинди. Унга “Ва талийхи муктатофат мин тафосир ал-Ҳаким ат-Термизий ли-баъз ал-оёт” номли қўшимча қисм ҳам киритилди. Ушбу асар Истанбулнинг “Дор ал-кутуб ал-арабийя” нашриётида 2023 йилда нашр этилди[19].

Қуръон карим тафсири борасида Ҳаким Термизий ўзига ҳос тафсир мактаби яратган десак, муболаға бўлмайди. Унда ҳам ақл ва ҳам нақлни ишлатиб оятларни таҳлил қилинганлигини гувоҳи бўламиз.

Мутааххир уламоларнинг таърифига биноан тафсир илми қуйида зикр қилинадиган ишлардан баҳс қилади:

1. Қуръон лафзларини адо қилиш тариқаси. Яъни Қуръон лафзлари неча тариқа билан ўқилади. Шунинг учун баъзи муфассирлар ўзларининг тафсирларида ҳар бир оятларни баён қилишлари билан бирга, уларнинг нақл қилинган қироатларини ҳам баён қилиб берганлар. Тафсир илмида қироатларни баён қилишликда қироат илмидан мадад олинади.

2. Қуръон лафзларининг маънолари. Бундан мақсад Қуръон лафзларининг луғавий маънолари ҳам тафсир илмида баён қилинади. Шунинг учун тафсир китобларида луғат олимларининг ҳаволалари кўплаб келтирилади. Шунинг учун тафсир илмида луғат илмидан тўлиқ воқиф бўлиш зарурати бор.

3. Қуръон лафзларининг муфрад ҳукмлари. Бундан мақсад оятлар қайси вазн ва бобларда келган, бу вазн ва бобларнинг хусусиятлари нима, буларни баён қилишликда сарф илмига зарурат туғилади.

4. Қуръон лафзларининг таркибий ҳукмлари. Яъни бир лафз борасида сўз боради ва бу сўз бошқа лафзлар билан бирга бўлганда қандай маънони англатади. Унинг наҳв бўйича таркиби нима, оятда ёзилган ҳаракатлар нима учун келган, бу таркиб топган лафз қандай маънога далолат қиляпти?. Буларни билишлик учун илми маъоний ва наҳв илмларини билишликка зарурат сезилади.

---

[19] Қаранг: Жўрабек Чутматов “Ҳаким Термизий тафсирининг илк нашри” мақола. Мотуридийлик . Маънавий-маърифий, илмий-адабий журнал. 4/2023й, - Б.31.

5. Қуръон лафзларининг таркиб ҳолатида далолат қиладиган маънолари. Яъни лафзлар таркиб бўлган чоғда қайси маъноларга далолат қилади?. Оятлар ўзидан олдинги ва ўзидан кейинги оятлар билан бирга қайси маъноларни англатади?. Лафзларнинг мажозий ва ҳақиқий маъноларини ҳам баён қилади. Буларни билишликда усулул-фиқҳ, баён илми ва ҳадис илмларидан мадад олинади.

6. Тафсир илмининг тўлдирувчилари, яъни носих, мансух, нозил бўлиш сабаби, Қуръондаги ишоратлар, қиссалар ва бошқалар. Буларни билишликда Қуръони Карим, ҳадис ва сийрат илмларидан мадад олинади.

Ҳаким Термизийнинг тафсир асарининг ўзига хос жиҳатлари кўп. Масалан, у кейинчалик услуб жиҳатдан Мовароуннаҳр тафсир мактабининг асосини шакллантиришда катта ўрин тутган. У илгари сурган ғояларга кўра, энг яхши амаллар — Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифларни адолат билан шарҳлаш; фиқҳ масалаларига ғоятда мақбул, мантиқий нуқтаи назардан ёндашувчи кишилар — булар фақат мутасаввифлар деган хулосага келади. Айни вақтда аллома бундай вазиятларда эҳтиросларга берилмай, беғараз, холисона йўл билан ёндашиш орқали исломга беминнат хизмат қилиш мумкин дейди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Хар бир даврда ёзилган айрим муфассирларнинг тафсирлари омма халқ томонидан осон тушуниладиган услубни қўллашган. Улар тафсир ёзиш жараёнида тушунарли, содда услубда ёзишни биринчи ўринга қўйган. Уларнинг фикрича, одамларга Қуръон оятларини содда услубда очиб, баён қилиш, улар кутаётган асосий мақсад осон, енгил ва тушунарли бўлишдир. Бу ечим сифатида унинг талқинига сабаб бўлди. Бу ҳолат хар бир даврнинг деярли ҳар бир муфассирида яққол кўринади. Бироқ, Ҳаким Термизийнинг тафсири юқорида баён қилинган фикрларга қўшимча равишда, оятларни зоҳирий ва ботиний сир-асрорларини оммага етказишни мақсад қилган. Ҳаким Термизий қомусий олим сифатида тафсир, фиқҳ, ҳадис илоҳиёт, тил ва тасаввуф илмларида самарали ижод қилган. Унинг кўпинча оят шарҳларига оид ривоятларни келтирмай, Қуръонни тасаввуфий шарҳлашга эътибор қаратишига кўра, уни Мовароуннаҳрда Қуръонни ўзига хос тасаввуфий шарҳлаш йўналишини бошлаб берган олим дейиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Mirziyoyev Sh.M (2021) Yangi O’zbekiston strategiyasi. Toshkent, O’zbekiston 464 b.
2. У. Уватов. Ўзбекистон – буюк алломалар юрти. – Тошкент: “Маънавият”, 2010. – 398 б.
3. Фаридуддин Аттор. “Тазкиратул авлиё”. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013. – 464 б.
4. Буюк алломаларимиз меросида маърифий ислом” (Матн): тўплам /Тузувчилар: Н.Насруллаев ва бош. – Тошкент: “Ўзбекистон халқаро ислом академияси” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2021. – 284 б
5. Аш-Шайх Комил Авайда. Ал-Ҳаким ат-Термизий. – Байрут, 1993.
6. Уватов Убайдулла. Икки буюк донишманд. – Тошкент: “Шарқ” НМАК, 2005. – 215 б

7. Чутматов Жўрабек. Ҳаким Термизий тафсирининг илк нашри. // “Мотуридийлик” маънавий-маърифий, илмий-адабий журнал. 4/2023й
8. Соми Наср. Ҳаким Термизийнинг “Илм ал-авлиё” асари кириш қисми. – Қоҳира: ал-Мактаба ал-ҳуррия ал-ҳадиса, 1981. 287 б.
9. الرازي — فخر الدين مفاتح الغيب التفسير الكبيراو دار الكتب العلمية 1971 ص 219
10. Ал-Ҳаким ат-Термизий. Ал-фуруқ ва манъ ат-тародуф. – Ажуза: Мактаба ал-Имам, 2005. – 214 б
11. Иброҳим Усмонов. Ҳаким Термизийнинг луғатшунослиқка оид қарашлари. // https://termiziy.uz/uz/news/1484
12. للحكيم الترمذى “ تحصيل نظائر القران ” السعادة مطبعة 1969. ص-175.
13. Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръон карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент: “Мунир” нашриёти, 2021. – 624 б.
14. Ал-Қомус арабча-ўзбекча қомусий луғат 4-жилд. Тошкент. Ғофур Ғулом номидаги нашриёт- 2022. – 800.б
15. Қаранг: Жўрабек Чутматов “Ҳаким Термизий тафсирининг илк нашри” мақола. Мотуридийлик . Маънавий-маърифий, илмий-адабий журнал. 4/2023й.
16. Ҳожи Исматуллоҳ Абдулло. Марказий Осиёда Ислом маданияти. – Тошкент. “Шарқ”, 205. – 384 б.
17. Мустафо Мухаммад Хусайн Захабий “Аттафсир вал муфассирун”. “Дорул хадис” Қохира. 2012. 1 жилд. – 568 б.
18. Ал-Имом Фахриддин Розий. Ат-Тафсир ал-Кабир, Мафотихул ғойб. – Бейрут. “Дорул кутуб ал- илмия”, 2005. – 606 б.

ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ

Маҳмуд Нормуродов*

Аннотация. Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳаёти ва ижодига эътибор охирги вақтларда жиддий ўсди. Чунки бу олим мероси ўзининг серқирралиги билан тадқиқотчилар эътиборини ўзига жалб қилмоқда. Унда исломий илмларнинг кўпчилиги билан бирга бир қатор ижтимоий-гуманитар фанлар ҳам акс этади. Ушбу таҳлиллар эса ўз навбатида бир қанча ижтимоий-гуманитар фанларга алоқадорлик касб этган. Ушбу мақолада муаллиф асарларининг ижтимоий аҳамияти ҳақида атрофлича маълумот берилди. Бу эса тадқиқотчи ва ўқувчилар учун бу муҳим китоблардан фойдаланишларини осонлаштиради.

Калит сўзлар: Ал-Ҳаким ат-Термизий, қўлёзма, нашр.

Abstract. Attention to the life and work of Al-Hakim at-Tirmidhi has grown significantly in recent times. Because this scientist's legacy is attracting the attention of researchers with its brilliance. It includes most of the Islamic sciences as well as a number of social and humanitarian sciences. These analyzes, in turn, are related to several social and humanitarian sciences. This article provides detailed information about the social significance of the author's works. This makes it easier for researchers and students to use these important books.

Keywords: Al-Hakim at-Tirmidhi , manuscript, publication.

Ҳаким Термизийнинг ижоди жуда серқирра бўлиб, у ислом илмларининг кўплаб жабҳаларини қамраб олган. Ҳаким Термизийнинг асарлари чуқур мушоҳадага, инсоннинг кўнглида кечаётган энг нозик жиҳатларга эътибор қаратишга ундаши билан диққатга сазовор.

Ҳаким Термизийнинг асарлари араб тилида бўлиб, айримларининг тили жуда мураккаб. Бу эса алломанинг араб тилини мукаммал билгани, унинг нозик жиҳатларидан ҳам хабардор бўлганидан далолат беради. Ҳаттоки, айрим термизийшунос араб ва ғарб тадқиқотчилари Ҳаким Термизий асарларидаги тил савиясига юқори баҳо бериб, олимнинг келиб чиқиши араблардан эканини исботлашга уриниб ҳам кўрганлар.

Аллома тафсир, ҳадис, фиқҳ, калом, ислом фалсафаси, тасаввуф соҳаларида самарали ижод қилган. Лекин бу унинг ёзган асарлари йўналишларини тўлиқ акс эттиради, деб айта олмаймиз. Чунки одатда алломанинг асарларида ушбу йўналишлар қоришиб кетган ҳолатлар ҳам учрайди. Баъзан унинг бир асарида бир неча йўналишлар, ҳаттоки, мазкур етти йўналишнинг барчасини ҳам кўришимиз мумкин.

Ҳаким Термизий илмий меросини юзга яқин турли ҳажмдаги асарлар ташкил қилади. Бу ҳақдаги маълумотлар турли каталогларда зикр қилинади. Жумладан, Фуад

* *Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими.*

Сезгин ўз каталогида Ҳаким Термизий қаламига мансуб деб ҳисобланадиган саксонта асар ҳақида маълумот беради[1].

Аллома сермаҳсул фаолият олиб борган ва унинг кўплаб асарлари бизнинг даврimizгача етиб келган бўлса-да, шуни афсус билан қайд этиш лозимки, ушбу асарларнинг улкан қисми юртимиз ташқарисидаги хорижий қўлёзма фондларида сақланади. Бунинг боиси эса, эҳтимол, тахминан 250/865 йилларда ёзилган унинг машҳур «Хатм ал-авлиё» ва «Китаб исбат ал-илал» асарлари билан боғлиқ. Бу китоблардаги ат-Термизийнинг валийлик масаласини таҳлил қилиш услуби ва унинг бу борадаги фикрларининг ҳақиқий мазмун ва моҳиятини замондошлари тўғри тушунмайди. Натижада Ҳаким Термизий она юртини ташлаб кетишга мажбур бўлади. Бу воқеа аксарият манбаларда зикр қилинган. Турли муаллифларнинг асарларида бу воқеа бир эмас, бир неча бор такрор бўлганлиги айтилади. Бу ҳодиса аллома илмий меросининг келажакдаги тақдирига ҳам муайян таъсир кўрсатди. Натижада олим асарларининг аксарияти минтақамиздан ташқарига тарқаб кетган ва бугунги кунда хорижий мамлакатлар қўлёзмалар хазиналарида сақланади.

Ҳаким Термизий илмий меросини тадқиқ қилган доктор Муҳаммад Иброҳим Жуюший олим асарларининг жаҳон фондларида сақланаётган қўлёзмаларининг рўйхатини тайёрлаган. Ана шу рўйхат ва бошқа манбалардан йиғилган маълумотлар асосида Термизий илмий меросини ташкил қилувчи асарлардан баъзиларини қуйида у зотнинг "Ҳаж ва унинг сирлари" номли китобидан иқтибос олган ҳолда келтирамиз[2]:

1. Абваб мухталифа («Турли боблар").

2. Исбот ал-илал фи-л-амр ва-н-наҳй («Буйруқ ва тақиқларга оид сабабларнинг исботи»)[3].

3. Адаб ан-нафс («Инсон одоби»).

4. Китоб ал-акйос ва-л-муғаррин («Зийраклар ва алданганлар»).

5. Ал-Амсол мин ал-Китоб ва-с-сунна («Қуръон ва Суннатдаги мисоллар»)».

6. Анвоъ ал-улум («Илм турлари»).

7. Бадъу шаън Абу Абдуллоҳ («Абу Абдуллоҳ ишининг бошланиши»). Ал-Ҳаким ат-Термизий- нинг ўз таржимаи ҳолига оид рисоласи.

11. Байон ал-фарқ байнал ойат ва-л-каромат ("Мўъжиза ва кароматлар ўртасидаги фарқ»).

12. Байон ал-фарқ байна-с-садр ва-л-қалб ва-л-фуъад ва-л-лубб («Кўкрак, қалб, ақл ва фа- росат ўртасидаги фарқ баёни»)».

13. Байон ал-касб («Касб баёни»).

---

[1] Фуад Сезгин. Тарих ат-турос ал-арабий. Араб тилига Маҳмуд Фаҳмий Мажозий таржимаси. – Риёз: Идора ас-сақофа ван-нашр бил-жамиъа, 1411/1991. II.

[2] Лойиҳа доирасида термизлик алломаларнинг асарлари қўлёзма нусхалари фиҳристи нашрга тайёрланмоқда. Унда ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари қўлёзма нусхалари ҳақидаги тўлиқ маълумотлар ўз аксини топган.

[3] Бу китоб "Исбот ал-илал" номи билан 2005 йилда Работдаги "Куллиййат ал-адаб ва-л-улум ал-инсанийя" нашриётида Холид Захрий томонидан матнларнинг қиёсий тадқиқи билан нашр қилинган.

14. Байон ал-маърифат ва-л-сафо («Покизалик ва маърифатнинг баёни»).

15. Таҳсил назоир ал-Қуръон («Қуръондаги ўхшаш бўлган сўзларни ўрганиш»).

16. Ал-жумал ал-лозим маърифатуҳо («Билиш лозим бўлган жумлалар»).

17. Жавоб китоб мин ар-Рай («Райдан кел- ган мактубга жавоб»).

18. Ал-ҳажж ва асроруҳу («Ҳаж ва унинг сирлари»).

19. Хатм ал-анбиё («Пайғамбарларнинг сўнггиси»).

20. Хатм ал-авлиё («Валийларнинг сўнг- гиси»).

21. Ар-радд ъала-л-рофиза («Рофизийларга раддия»).

22. Ар-радд ала-л-муъаттила («Аллоҳ- нинг сифатлари борасида адашган тоифаларга раддия»).

23. Ар-риёзат ёки Риёзат ан-нафс («Нафс риёзати»).

24. Тобақот ас-суфийя («Сўфийлар таба- қалари»).

25. Илм ал-авлиё («Валийлар илми»).

26. Ғовр ал-умур («Ишларнинг моҳияти») «.

27. Ал-фуруқ ва манъу-т-тародуф («Фарқлар ва синонимияни ман қилиш»).

28. Масаилу аҳли Сарахс («Сарахс аҳлининг саволлари»).

29. Ал-масоил ал-макнуна («Яширин маса- лалар»).

30. Маърифат ал-асрор («Сирларни билиш»).

31. Манозил ал-ибод мин ал-ибода («Банда- ларнинг ибодатдаги манзиллари»).

32. Наводир ал-усул фи маърифати ахбор ар-Расул («Расул хабарларини билишда нодир усуллар»).

33. Наводир усул ал-ирфон ва завоҳир фуруъ ал-ийқон («Ирфоннинг нодир усуллари ва яқийн масалалари гўзалликлари»).

Ал-ҳидоя ила маърифати одоб ал-валоя («Валийлик одобларини билишга элтувчи асар»).

35. Рисола фи баёни аҳком ан-наврўз («Наврўз қоидаларини баён қилувчи рисола»).

36. Аҳкоми солнома («Йилнома қоидалари»).

Ҳаким Термизийнинг илмий меросини кенг кўламли тадқиқ этиш бўйича илмий изланишлар мамлакатимизда амалга ошириб келинмоқда. Олим асарлари аксариятининг хориж фондларида сақланиши мутахассисларимиз олдида муайян қийинчиликлар туғдирмоқда. Чунки юқорида келтирилган рўйхат ҳам қай- сидир маънода нисбий ҳисобланади. Турли каталоглардаги маълумотлар баъзи ҳолларда бир-бирига зид бўлиб чиқмоқда. Айрим ҳолларда бир асар бир неча хил номда зикр қилиниши ёки аксинча, деярли бир хил ном билан иккита мустақил асар номланган бўлиши мумкинлиги эҳтимоли ҳам мавжуд. Бу ҳолат олим асарларини синчковлик билан ўрганиш ва тадқиқотларга жалб қилиш зарурлигини кўрсатади[4].

Рўйхатда келтирилган асарларнинг номларидан ҳам муаллиф мавзунинг ўзини қуруқ баён қилишдан кўра кўпроқ унинг моҳияти, кўз илғамас ҳикмати ва чуқур маъносини очиб беришни мақсад қилгани намоён бўлади.

---

[4] Холид Заҳрий. Ҳаким Хуросон ва анис аз-замон. – Марокаш: Марказ ад-дироса вал-абҳас ва иҳя ат-турос, 2013.

Ҳаким Термизий ўз асарларини талқин этишда ҳикмат нуқтаи назаридан ёндашади. Бунда у диний матнларни қалб, садр, ақл, нафс, руҳ каби унсурлар орқали шарҳлаб, уларнинг ҳикмати ва яширин маъноларини очиб беради.

Бундай ёндашувни унинг ҳар бир асарида топиш мумкин. Шунингдек, Ҳаким Термизий маълум бир сўзнинг ишлатилаётган маъносини чуқур ўрганиб, ўша сўзни ташкил этган ҳарфларигача таҳлил қилади. Кейин эса сўз ва уни ташкил этган ҳарфларни у англатаётган маъно билан боғлиқлик жиҳатини очиб беради.

Бу билан сўзлар ва улар билдирган объект номи ўзидан ўзи пайдо бўлиб қолмаган, балки мантиқий изчиллик борлигини кўрсатиб беради. Ҳаким Термизий ўз фикрларини ўқувчиларга тушунарли тарзда етказиш ҳамда бу фикрларнинг ҳаётдан узилиб қолмагани ва амалий татбиқ этиш мумкинли- гини кўрсатиш мақсадида ўз тажрибасидан келиб чиқиб, турли мисол, ривоят ва хулосалардан кенг фойдаланади. Аллома ижодининг яна ўзига хос жиҳати у ислом илмларининг барча соҳаларини эътибордан четда қолдирмайди. Хоҳ у фиқҳ бўлсин ёки калом, сулук ёки тафсир бўлсин, уларнинг барчаси билан таниш бўлгани асарларида яққол кўзга ташланади.

Ҳаким Термизий бу илмларнинг барчасини соҳаларга бўлинмаган яхлит кўринишда, яъни бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бир бутун ҳолатда эътиборга олишга ҳаракат қилади.

Ҳаким Термизийнинг илмий мероси кейинги давр уламолари ижодига салмоқли таъсир кўрсатган. Жумладан, Абу Абдуллоҳ Куртубий (ваф. 1273 й.), Ибн Ҳажар Асқалоний (1372-1448), Абу Маҳмуд Абдуллоҳ Ҳанафий (ваф. 1361 й.), Муҳаммад Шамсу-л-ҳаққ Ободий, Ибн Касир (ваф. 1373 й.), Жалолиддин ас-Суютий (1445-1506) каби бир қанча таниқли олимлар Ҳаким Термизий илмий меросидан унумли фойдаланганлар.

Дарҳақиқат, юқорида ўтган маълумотлардан Ҳаким Термизийнинг ҳар бир асари ислом оламида қимматли асарлардан бўлиб, улар борасида тадқиқ ва таҳқиқ ишларини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида айтиш керак-ки, барча асарлари Ҳаким Термизийнинг муҳим асарларидан ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан уларни илмий жиҳатдан ўрганиб, ундаги маълумотларни тадқиқ этиб, турли тилларга таржима қилиш бугунги кун олимларининг муҳим вазифаларидандир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Холид Заҳрий. Ҳаким Хуросон ва анис аз-замон. – Марокаш: Марказ аддироса вал-абҳас ва иҳя ат-турос, 2013.
2. Хатиб Бағдодий. Ар-Риҳлату фи талабил ҳадис. - Байрут: «Дорул кутубил илмийя», 1390/1975. Биринчи нашр.
3. Карл Броккелман.Тарих ал-адаб ал-арабий. – Қоҳира: Дор ал-маъориф, 1977. VI. Араб тилига Абдулҳалим Нажжор, Саййид Яъқуб Бакр ва Рамазон Абдутаввоблар ўгирган. Бешинчи нашр.
4. Nicolas Heer, “Some biografical and bibliografical notes on al-Hakim al-Tirmidhi”, The world of Islam. Studies in honour of Philip K. Hitti. Edited by James Kritzeck and R. Bayly Winder. London, 1959, pp. 182-205.

5. Фуад Сезгин. Тарих ат-турос ал-арабий. Араб тилига Маҳмуд Фаҳмий Мажозий таржимаси. – Риёз: Идора ас-сақофа ван-нашр бил-жамиъа, 1411/1991. II.
6. Bernd Radtke.Al-Hakim at-Tirmidi. – Freiburg: Klaus Schwarz Verlag, 1980.
7. Muhammad Ibraheem al-Geyoushi, "Al-Hakim al-Tirmidhi: his works and thoughts", Islamic Quarterly, vol. 14, no. 4, London, 1970, pp. 159-201.

ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ “ҲАЖ ВА УНИНГ СИРЛАРИ” АСАРИ АҲАМИЯТИ

Хайрулла Мардонов Маҳмудович*

Аннотация. Ҳаким Термизий ҳаёти ва ижодига эътибор охирги вақтларда жиддий ўсди. Чунки бу олим мероси ўзининг серқирралиги билан тадқиқотчилар эътиборини ўзига жалб қилмоқда. Олимнинг шундай асарларидан бири “Ҳаж ва унинг сирлари” бўлиб, у бир қатор муҳим ҳажга алоқадор тушунчалар таҳлилини ўз ичига олган. Асарда бу ибодат нима учун ислом ҳажи деб номланиши, кимларга бу ибодатни адо этиш буюрилгани масаласи тушунтирилади. Ҳаж билан умра ибодати ўртасидаги фарқлар, уларни адо этиш йўллари ва ҳикмати хусусида таҳлилий фикрлар билдирилади. Ҳаж ибодатининг ҳар бир талабини адо этишда ҳожи бажариши лозим бўлган амаллар, ҳожиларнинг даражалари, ҳаж ибодати нима билан ва қандай бошланиб қайси амал билан якунланиши масалалари бу асарда ўз аксини топган.

Калит сўзлар: Ҳаким Термизий, ҳаж, қўлёзма, нашр.

Abstract. Attention to the life and work of Al-Hakim at-Tirmidhi has grown significantly in recent times. Because this scientist's legacy is attracting the attention of researchers with its brilliance. One of such works of the scientist is "Hajj and its secrets", which includes an analysis of a number of important concepts related to Hajj. The work explains why this prayer is called the Islamic Hajj, and who is ordered to perform this prayer. Analytical opinions are expressed about the differences between Hajj and Umrah prayers, the ways and wisdom of performing them. The actions that a pilgrim must perform to fulfill every requirement of the Hajj, the levels of the pilgrims, what and how to start and end the Hajj are reflected in this work.

Keywords: Al-Hakim al-Tirmidhi, pilgrimage, manuscript, publication.

Ҳаким Термизийнинг ижоди жуда серқирра бўлиб, у ислом илмларининг кўплаб жабҳаларини қамраб олган. Ҳаким Термизийнинг асарлари чуқур мушоҳадага, инсоннинг кўнглида кечаётган энг нозик жиҳатларга эътибор қаратишга ундаши билан диққатга сазовор.

Термиз қадимдан маданий марказлардан бири ҳисобланиб, кўплаб буюк олимларни вояга етказган. Жаҳон эҳтиромига сазовор бўлган термизлик буюк сиймолардан бири – Абу Исо Термизий бўлса, яна бири Ҳаким Тер- мизийдир. Манбаларда таъкидланишича, Ҳаким Термизий туғилган Термиз шаҳри IX асрда Мовароуннаҳрнинг энг йирик ва обод шаҳарларидан бири сифатида машҳур бўлган.

Аллома тафсир, ҳадис, фиқҳ, калом, ислом фалсафаси, тасаввуф соҳаларида самарали ижод қилган. Лекин бу унинг ёзган асарлари йўналишларини тўлиқ акс эттиради, деб айта олмаймиз. Чунки одатда алломанинг асарларида ушбу йўналишлар қоришиб кетган ҳолатлар ҳам учрайди. Баъзан унинг бир асарида бир неча йўналишлар, ҳаттоки, мазкур етти йўналишнинг барчасини ҳам кўришимиз мумкин.

* *Имом Термизий ўрта махсус таълим муассасаси ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари.*

Ҳаким Термизий илмий меросини юзга яқин турли ҳажмдаги асарлар ташкил қилади. Бу ҳақдаги маълумотлар турли каталогларда зикр қилинади. Жумладан, Фуад Сезгин ўз каталогида Ҳаким Термизий қаламига мансуб деб ҳисобланадиган саксонта асар ҳақида маълумот беради[1].

Аллома сермаҳсул фаолият олиб борган ва унинг кўплаб асарлари бизнинг давримизгача етиб келган бўлса-да, шуни афсус билан қайд этиш лозимки, ушбу асарларнинг улкан қисми юртимиз ташқарисидаги хорижий қўлёзма фондларида сақланади. Бунинг боиси эса, эҳтимол, тахминан 250/865 йилларда ёзилган унинг машҳур "Хатм ал-авлиё" ва "Китаб исбат ал-илал" асарлари билан боғлиқ. Бу китоблардаги ат-Термизийнинг валийлик масаласини таҳлил қилиш услуби ва унинг бу борадаги фикрларининг ҳақиқий мазмун ва моҳиятини замондошлари тўғри тушунмайди. Натижада Ҳаким Термизий она юртини ташлаб кетишга мажбур бўлади. Бу воқеа аксарият манбаларда зикр қилинган. Турли муаллифларнинг асарларида бу воқеа бир эмас, бир неча бор такрор бўлганлиги айтилади. Бу ҳодиса аллома илмий меросининг келажакдаги тақдирига ҳам муайян таъсир кўрсатди. Натижада олим асарларининг аксарияти минтақамиздан ташқарига тарқаб кетган ва бугунги кунда хорижий мамлакатлар қўлёзмалар хазиналарида сақланади[2].

Олимнинг ислом динининг бешта асосий фарзларидан бири бўлган ҳаж мавзусига бағишланган "Ҳаж ва унинг сирлари" китоби аниқ далилларга асосланиб ёзилгани билан ажралиб туради. Бунинг сабабини аксарият мутахассислар бу асар олим ҳаётининг охирги даврида битилган асарларидан бири бўлгани билан изоҳласалар, камчиликни ташкил этувчи айрим тадқиқотчилар ушбу асар кейинги даврларда жузъий ўзгартиришларга учраганини айтиб ўтадилар. Нима бўлганда ҳам, Ҳаким Термизий бой ҳаётий ва илмий тажрибасини ушбу китобга сафарбар қилиб, унинг муваффақиятини таъминлаган.

Асар етти бобдан иборат бўлиб, дастлаб Каъбанинг, асарда у Қадим уй деб аталади, бунёд этилиши, Иброҳим (алайҳис салом) унга пойдевор қўйишлари тарихи баёни билан бошланади. Сўнгра бу ибодатни адо этиш учун лозим бўлган амаллар ва уларнинг шарҳи ўрин олган. Асарда бу ибодат нима учун ислом ҳажи деб номланиши, кимларга бу ибодатни адо этиш буюрилгани масаласи тушунтирилади. Ҳаж билан умра ибодати ўртасидаги фарқлар, уларни адо этиш йўллари ва ҳикмати хусусида таҳлилий фикрлар билдирилади. Ҳаж ибодатининг ҳар бир талабини адо этишда ҳожи бажариши лозим бўлган амаллар, ҳожиларнинг даражалари, ҳаж ибодати нима билан ва қандай бошланиб қайси амал билан якунланиши масалалари бу асарда ўз аксини топган. Олим асарда ҳаж ибодатининг зоҳирий ва ботиний мазмун моҳияти ҳақида фикр юритаркан, у инсоннинг Аллоҳ олдидаги бандалигини намоён қилиш ва ўз нафсини унинг ихтиёрига бутунлай таслим қилишни кўрсатишдан иборат эканлигини хулоса қилади.

---

[1] Фуад Сезгин. Тарих ат-турос ал-арабий. Араб тилига Маҳмуд Фаҳмий Мажозий таржимаси.

[2] Карл Броккелман.Тарих ал-адаб ал-арабий. Араб тилига Абдулҳалим Нажжор, Саййид Яъқуб Бакр ва Рамазон Абдутаввоблар ўгирган.

Бундай ёндашувни унинг ҳар бир асарида топиш мумкин. Шунингдек, Ҳаким Термизий маълум бир сўзнинг ишлатилаётган маъносини чуқур ўрганиб, ўша сўзни ташкил этган ҳарфларигача таҳлил қилади. Кейин эса сўз ва уни ташкил этган ҳарфларни у англатаётган маъно билан боғлиқлик жиҳатини очиб беради.

Бу билан сўзлар ва улар билдирган объект номи ўзидан ўзи пайдо бўлиб қолмаган, балки мантиқий изчиллик борлигини кўрсатиб беради. Ҳаким Термизий ўз фикрларини ўқувчиларга тушунарли тарзда етказиш ҳамда бу фикрларнинг ҳаётдан узилиб қолмагани ва амалий татбиқ этиш мумкинли- гини кўрсатиш мақсадида ўз тажрибасидан келиб чиқиб, турли мисол, ривоят ва хулосалардан кенг фойдаланади. Аллома ижодининг яна ўзига хос жиҳати у ислом илмларининг барча соҳаларини эътибордан четда қолдирмайди. Хоҳ у фиқҳ бўлсин ёки калом, сулук ёки тафсир бўлсин, уларнинг барчаси билан таниш бўлгани асарларида яққол кўзга ташланади[3].

Ҳаким Термизий бу илмларнинг барчасини соҳаларга бўлинмаган яхлит кўринишда, яъни бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бир бутун ҳолатда эътиборга олишга ҳаракат қилади[4].

Ҳаким Термизийнинг илмий мероси кейинги давр уламолари ижодига салмоқли таъсир кўрсатган. Жумладан, Абу Абдуллоҳ Куртубий (ваф. 1273 й.), Ибн Ҳажар Асқалоний (1372-1448), Абу Маҳмуд Абдуллоҳ Ҳанафий (ваф. 1361 й.), Муҳаммад Шамсу-л-ҳаққ Ободий, Ибн Касир (ваф. 1373 й.), Жалолиддин ас-Суютий (1445-1506) каби бир қанча таниқли олимлар Ҳаким Термизий илмий меросидан унумли фойдаланганлар[5].

Ҳаким Термизийнинг "Ҳаж ва унинг сирлари" китоби қўлёзма нусхалари мамлакатимиздаги қўлёзмалар хазиналарида сақланиб қолмаган. Шу боисдан асарнинг таржимаси Хусни Наср Зайдон томонидан 1969 йилда Қоҳирада "ас-Саода" босмахонасида чоп қилинган нашри асосида амалга оширилди[6].

"Ҳаж ва унинг сирлари" ислом илмларига алоқадор асарлардан бўлиб, бу хилдаги китобларни ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида учрайдиган муаммолардан бири арабча сўз ва ибораларни таржимасиз асл ҳолида қолдириш ҳолатидир. Асарнинг таржимаси жараёнида иложи борича бундай ҳолга йўл қўймасликка ҳаракат қилинган. Асли арабча, лекин бошқа тилларга ҳам кириб қолган турғун сўз ва иборалар, шунингдек, мавзуга алоқадор махсус сўзлар (термин) ўз ҳолича қолдирилган тақдирда ҳам, бу сўз ёки иборага тагшархда изоҳ бериш услуби қўлланилган.

Матнда Қуръон оятларининг таржимаси берилган ҳолда, уларнинг арабча матни ҳам тагшарҳда илова қилинган.

Мавзунинг ўзига хослиги ва араб тилининг хусусиятидан келиб чиқиб, таржиманинг ўзбек тили қоидалари талабига мос келишини ва тушунилишини

---

[3] Bernd Radtke. Al-Hakim at-Tirmidi. – Freiburg: Klaus Schwarz Verlag, 1980.

[4] Фуад Сезгин. Тарих ат-турос ал-арабий. Араб тилига Маҳмуд Фаҳмий Мажозий таржимаси.

[5] Холид Заҳрий. Ҳаким Хуросон ва анис аз-замон. – Марокаш: Марказ аддироса вал-абҳас ва иҳя ат-турос, 2013.

[6] Холид Заҳрий. Ҳаким Хуросон ва анис аз-замон. – Марокаш: Марказ аддироса вал-абҳас ва иҳя ат-турос, 2013.

осонлаштириш мақсадида зарур ҳолатларда катта қавс ичида [], қўшимчалар киритиш усули танланган.

Таржимада, арабча матнда мавжуд бўлмаса ҳам, ҳаж ибодатининг ҳанафий мазҳаби доирасида адо этилиши билан боғлиқ бўлган зарур шарх ва изоҳлар тагшарҳда келтирилган.

Тарихий шахсларга изоҳлар китоб сўнгида илова шаклида берилган. Илмий нашрлар талабига риоя қилган ҳолда кўрсаткичлар тузилган ва адабиётлар рўйхати келтирилган.

Дарҳақиқат, юқорида ўтган маълумотлардан Ҳаким Термизийнинг "Ҳаж ва унинг сирлари" ислом оламида қимматли асарлардан бўлиб, улар борасида тадқиқ ва таҳқиқ ишларини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида айтиш керак-ки, "Ҳаж ва унинг сирлари" асари Ҳаким Термизийнинг муҳим асарларидан ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан ўша рисолани илмий жиҳатдан ўрганиб, ундаги маълумотларни тадқиқ этиб, турли тилларга таржима қилиш бугунги кун олимларининг муҳим вазифаларидандир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Холид Заҳрий. Ҳаким Хуросон ва анис аз-замон. – Марокаш: Марказ аддироса вал-абҳас ва иҳя ат-турос, 2013.
2. Хатиб Бағдодий. Ар-Риҳлату фи талабил ҳадис. - Байрут: "Дорул кутубил илмийя", 1390/1975. Биринчи нашр.
3. Карл Броккелман.Тарих ал-адаб ал-арабий. – Қоҳира: Дор ал-маъориф, 1977. VI. Араб тилига Абдулҳалим Нажжор, Саййид Яъқуб Бакр ва Рамазон Абдутаввоблар ўгирган. Бешинчи нашр.
4. Nicolas Heer, “Some biografical and bibliografical notes on al-Hakim al-Tirmidhi”, The world of Islam. Studies in honour of Philip K. Hitti. Edited by James Kritzeck and R. Bayly Winder. London, 1959, pp. 182-205.
5. Фуад Сезгин. Тарих ат-турос ал-арабий. Араб тилига Маҳмуд Фаҳмий Мажозий таржимаси. – Риёз: Идора ас-сақофа ван-нашр бил-жамиъа, 1411/1991. II.
6. Bernd Radtke. Al-Hakim at-Tirmidi. – Freiburg: Klaus Schwarz Verlag, 1980.
7. Muhammad Ibraheem al-Geyoushi, “Al-Hakim al-Tirmidhi: his works and thoughts”, Islamic Quarterly, vol. 14, no. 4, London, 1970, pp. 159-201.

ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ҲАЖМИ ВА ФАНЛАР БЎЙИЧА ТАСНИФИ

Баҳодиржон Аъзамов*

Аннотация. Ушбу илмий мақолада Ҳаким Термизий илмий мероси бўйича батафсил маълумотлар бериб ўтилди. Алломанинг турли фанларга оид асарларининг бугунга қадар нашр этилганлари сони ва қўлёзма китболар фондларида сақланиб келаётганлари ҳамда манбаларда “йўқолган” деб қайд этилган асар ва рисолалари баён этилди. Уларнинг адади борасида олимлар ва тадқиқотчилар томонидан қайд этилган кўрсаткичларни таҳлил қилиш орқали якуний хулоса тақдим этилди. Ҳаким Термизий асарларининг саноғи бўйича муболағали фикрлар муқояса этилиб, айрим олимлар бу ҳақда катта сонларни кўрсатишига сабаб бўлган омиллар ёритилган. Шулар қаторида алломанинг “Масоил” (“савол-жавоблар”) туркумидаги асарларига эътибор қаратилиб, уларнинг сонини аниқлашга тадқиқотчиларнинг ёндашувлари ва айрим янглиш ҳолатлар бўйича илмий асослар келтирилган. Аллома илмий мероси ислом илмларининг қайси фанларига оидлиги таснифланган.

Калит сўзлар: оят, ҳадис, тафсир, шарҳ, ақида, фиқҳ, жомеъ, матн, масоил, рисола.

Abstract. This scientific article provides detailed information on Hakim Termizi's scientific heritage. The number of Alloma's works related to various disciplines that have been published to date, and those preserved in manuscript book funds, as well as the works and treatises recorded as "lost" in the sources, were described. Regarding their number, a final conclusion was presented by analyzing the indicators recorded by scientists and researchers. Exaggerated opinions about the number of Hakim Termizi's works are compared, and the factors that caused some scholars to show large numbers about it are explained. Among them, attention is paid to the works of the Alloma in the series "Masoil" ("questions and answers"), the approaches of researchers to determining their number and the scientific basis of some cases of error are presented. Alloma's scientific heritage is classified to which disciplines of Islamic sciences.

Keywords: verse, hadith, commentary, commentary, aqeedah, fiqh, jame', text, masail, treatise.

Ҳаким Термизий асарлари бўйича тадқиқот олиб борган изланувчилар аллома илмий меросининг умумий сони масаласида баҳсли хулосалар бериб ўтишган. Бу борада энг кам сон кўрсатилган тадқиқотларда унинг адади 30 та экани айтилган бўлса, бир неча ишларда уларни 100 га яқин экани, кам сонли изланишларда алломанинг 400 га яқин китоб ва рисолалар таълиф этгани зикр этилган. Жумладан, доктор А.Бижовийнинг қайдларига кўра, Ҳаким Термизий ўзидан ўттизга яқин китоб ва рисолалар мерос қолдирган[1]. Эронлик олим А.Зарринкуб ўз рисоласида

* *Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти, Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти ўқитувчиси*

[1] Доктор Али Муҳаммад Бажовий тадқиқоти. Ҳаким Термизийнинг “ал-Амсол минал-Китоб вас-сунна” асарининг кириш қисми. – Қоҳира: Мактабату Дор ат-турос, 1975. – Б. 12.

“Тадқиқотларда Ҳаким Термизий асарларининг умумий сони 126 та, ёки 80 та, ёки 300 билан 400 оралиғида экани келтирилган”[2] деб зикр этади.

Доктор М.Жуюшийнинг фикрига кўра, Ҳаким Термизийдан олтмишта китоб ва катта-кичик ҳажмли икки юздан ортиқ рисола мерос бўлиб қолган[3]. Сўнги тадқиқотларда доктор Х.Заҳрий алломага нисбат берилган китобларнинг умумий сони 150 дан ортиқ эканини кўрсатган[4].

Маҳаллий исломшунос олимлардан марҳум У.Уватов (1940-2020) ва И.Усмоновлар ўз тадқиқотларида мавзуга тўхталиб, у ҳақда шундай ёзганлар: “Ҳаким Термизийнинг ижоди ҳақида ёзган муаллифлар унинг асарлари сонини турлича келтирадилар. Баъзи тадқиқотчилар фикрича, уларнинг саноғи тўрт юзга яқин деб айтилса, бошқалари Ҳаким Термизий саксонта асар яратган, деб ёзадилар. Жумладан, мисрлик олим Абдулфаттоҳ Бараканинг ёзишича, Ҳаким Термизий тўрт юздан ортиқ асар яратган бўлиб, улардан олтмишга яқини ҳақида бизгача аниқ маълумотлар етиб келган. Энг муҳими Ҳаким Термизийнинг бизгача етиб келган асарлари унинг илмий меросининг муҳим қисмини ташкил қилади”[5].

Шу ўринда бир мулоҳазага эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Т.ф.д., проф. У.Уватов ушбу маълумотларни келтиргач, “400 дан ортиқ асар яратган” деган қайд Абдулфаттоҳ Бараканинг фикри эканини кўрсатиб, буни шайх К.Увайда 1993 йилда нашр қилган “ал-Ҳаким ат-Термизий” номли китобининг 10 бетига ҳавола қилган. Бироқ буни асл манба билан солиштирилганда бир мунча фарқли натижа аниқланди.

Биринчидан, К.Увайданинг мазкур китоби номи тўлиқ кўрсатилмаган. Чунки, у Ҳаким Термизий ҳаёти ва илмий мероси ҳақида 1993 йилда фақат “ал-Ҳаким ат-Термизий ал-фақиҳ ан-ноқид” (Ҳаким Термизий ўткир мулоҳазали фақиҳ) номли китобни нашрга тайёрлаб, Байрут шаҳридаги “Дор ал-кутуб ал-илмия” нашриётида чоп эттирган[6].

Иккинчидан, ушбу китобнинг 10 бетида ҳақиқатда Ҳаким Термизийнинг асарлари саноғи ҳақида сўз юритилган. Аммо, унда фарқли ададлар қайд этилган. Шунингдек, унда А.Бараканинг фикри берилмаган. Зеро, К.Увайда бу китобда замонавий тадқиқотлардан иқтибос келтирмай, барча фикр-мулоҳазаларини Ҳаким Термизий асарлари қўлёзмалари билан асослаб, уларни тагликда келтирган. Сўнг қўлёзма китоб жамғармаларида сақланувчи бешта мажмуа ва уларнинг таркибидаги асар ва рисолаларни баён қилган. Шунингдек, яна учта кутубхонада сақланувчи қўлёзмалар ҳақида маълумот берган. Муаллиф бу асарларнинг мазмуни ва мавзулари

---

[2] Абдулхусайн Зарринкуб. Жустужу Дор тасаввуфи. – Душанбе: Ирфон, 1992. – Б. 50.

[3] Доктор Муҳаммад Иброҳим Жуюший. Ал-Ҳаким ат-Термизий: Дироса лиосориҳи ва афкориҳи. – Қоҳира: Дор ан-наҳда ал-арабийя, 1980. – Б. 54.

[4] Доктор Холид Заҳрий. Ҳакиму Хуросон ва анисуз-замон. – Работ: Дор ал-Амон, 2013. – Б. 51.

[5] Профессор Убайдулла Уватов. Икки буюк донишманд. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2005. – Б. 31.

[6] Шайх Комил Муҳаммад Муҳаммад Увайда. Ал-Ҳаким ат-Термизий ал-фақиҳ ан-ноқид. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1993. – 208 б.

ҳамда таснифига оид қисқа илмий тавсиф берган. Алломанинг нашр этилган асарларидан фақатгина учта эски нашрларига ишора қилган. Шу маънода у А.Бараканинг фикрини кўрсатган дейиш, тўғри бўлмайди. Унда муаллиф қуйидача ёзади:

"Ҳаким Термизий таълиф этган асарларни санасак, улар ўттизга яқин китоб ва рисолалар бўлиб, айримлари бизга етиб келган, баъзи бирлари йўқолиб кетган. Аммо, бизгача етиб келган қисмини умумий маънода ушбу асарларнинг энг асосий ва муҳим қисми деб ҳисоблаш мумкин. Улар Ҳаким Термизийнинг йўналишини тасаввур қилишимизга кифоя қилади"[7].

И.Усмонов ўзининг монографик тадқиқотида У.Уватовдан мазкур кўрсаткичларни иқтибос келтирган ва унга доктор С.Жумайлий, А.Сойиҳлар тадқиқотида берилган маълумотни қўшимча қилиб, "Баъзи тадқиқотларда эса, алломанинг олтмиш китоб ва икки юз рисола яратгани ҳақида хабар қилинади", деб қайд қилган[8]. Шунингдек, у мазкур тадқиқотида алломанинг шу кунгача аниқланган 54 та асарининг тавсифи, мазмуни ҳамда қўлёзмалари фондлари ҳақида тўхталиб ўтган.

Термизийшунос олим Ж.Чўтматов "Термизнинг безавол қалъалари ёхуд Термиз тарихи" номли асарига кўра, "Ҳаким Термизий 112 йиллик умри давомида тафсир, ҳадис, фиқҳ ва тасаввуфга доир 80 га яқин асар ёзган"[9].

Дарҳақиқат, юқоридаги кўрсаткичлар Ҳаким Термизийнинг катта илмий мерос яратган олимлардан бири эканини кўрсатади. Унинг асар ва рисолалари сони бўйича олимлар ҳануз бир тўхтамга кела олишмаган.

Ушбу тадқиқотда аллома асарларининг сони бўйича аниқ хулоса бериш қийин. Аммо, бу бўйича қайд этилган фикрларни ўзаро мувофиқлаштириш, айрим мулоҳазалар асосида орадаги фарқлар ҳажмини қисқартириш мумкин.

Айтиб ўтиш керакки, Ҳаким Термизийнинг барча асарлари катта ҳажмдаги китоблар эмас. Айрим асарлари бир неча саҳифадан иборатлиги буни исботи саналади. Бу ҳақда доктор М.Жуюший тадқиқотида "... Баъзи асарларининг саҳифалари битта қўлнинг бармоқларидан ошмайди. Уларни мустақил китоб ҳолида чоп этиб ҳам бўлмайди", деб қайд этилган[10]. Шунга қарамай, алоҳида номга эга бўлгани учун бу каби кичик рисолалар ҳам алломанинг китоблари қаторида саналади. Бу эса, унинг асарлари сонини кўпайишига сабаб бўлади. Жумладан, "Сифатул-ҳаво" (Ҳавойи нафс сифати), "Фоидатун азизатун важизатун" (Мўжаз қимматли фоида), "Рисола ила Муҳаммад ибн Фазл" (Муҳаммад ибн Фазлга рисола) каби рисолалари фақат бир саҳифадан иборат асарларидан ҳисобланади[11]. "Ал-Жумал ал-лозиму

---

[7] Қаранг: Ўша манба. – Б.10.

[8] Иброҳим Усмонов. Наводир ал-усул ҳикматлари. – Тошкент: Фан, 2009. – Б. 74.

[9] Жўрабек Чўтматов. Термизнинг безавол қалъалари ёхуд Термиз тарихи. – Тошкент: "Янги нашр" нашриёти, 2017. – Б. 221.

[10] Доктор Муҳаммад Иброҳим Жуюший. Ал-Ҳаким ат-Термизий: Дироса лиосориҳи ва афкориҳи. – Қоҳира: Дор ан-наҳда ал-арабия, 1980. – Б. 54.

[11] Доктор Холид Заҳрий. Ҳакиму Хуросон ва анисуз-замон. – Работ: Дор ал-Амон, 2013. – Б. 273-277.

маърифатуҳа" (Билиш керак бўлган жумлалар) асари эса, тўрт варақли рисола бўлиб, унда Ҳаким Термизийнинг соликлар-тасаввуф йўли талабаларига оид баъзи панду насиҳатлари баён қилинган. Ундаги ҳар бир кўрсатма ва ўгит "жумла" деб аталиб, биринчи жумла иймон ҳақидаги кўрсатмадан иборат. М.Жуюшийга кўра, у ҳануз қўлёзма ҳолида сақланади[12]. Қидирувларда ҳам унинг бирор замонавий нашри аниқланмади. Ушбу рисолалар аллома асарлари ададини кўпайтирса-да, уларнинг қўлёзма ҳолида сақланишидан бошқа иложи йўқ ҳисобланади.

Ҳаким Термизий илмий меросининг ҳажми катталашиб кетишига асосий сабаблардан бири сифатида унинг "Масоил" (Савол-жавоблар) туркумидаги ёзишма ва мактубларини кўрсатиш мумкин. Чунки, турли минтақалардаги толиби илмлар ва олимлар Ҳаким Термизийга ўзларини қийнаган жумбоқли саволларни муттасил равишда йўллаб, олимдан, ўз муаммоларининг ечимини ўрганиб боришга одатланган эдилар. Буни алломанинг "Жавоб ал-масоил аллатий саалаҳу аҳлу Сарахс анҳо" (Сарахс аҳли сўраган масалаларнинг жавоби), "Жавобу китобин минар Рай" (Райдан юборилган мактубнинг жавоби) каби ёзишмалар шаклидаги рисолаларидан англаш мумкин. Мазкур икки рисолани Бернд Радки (1944 й. туғилган) нашрга тайёрлаган бўлиб, биринчиси 31 та, иккинчиси 20 та масалани қамраган[13]. Ушбу туркумга оид яна "Жавобу китоби Усмон ибн Саид минар Рай" (Райдан – Усмон ибн Саиднинг мактубига жавоб) номли рисоласини ҳам санаб ўтиш ўринли.

Аксар мактубларнинг бош мавзуси муриднинг руҳий кечинмаларидан иборат бўлиб, улар ёзма шаклда алломага йўлланган. Уларнинг аниқ сони бўйича бир тўхтамга келиш иложсиз иш ҳисобланади. Тўғри, айрим тадқиқот ва илмий ишларда турлича ёндашувлар учраши мумкин. Бироқ, уларни илмий хулоса сифатида қабул қилиб бўлмайди. Жумладан, М.Жуюший ўз тадқиқотида Ҳаким Термизийнинг турли фондларда сақланувчи қўлёзма асарларининг мажмуалари ва улар таркибидаги асарлари тавсифида алломага мансуб 30 га яқин "Масоил", "Масала" номи билан кўрсатилган масалалар тўпламлари ҳақида баён қилган[14]. Буларнинг орасида айрим мажмуалардаги тўпламлар ўзаро бир-бирини такрорлайди.

Маҳаллий олимлардан И.Усмонов Ҳаким Термизийнинг бу туркумга оид асарлари сонига тўхталиб, "Бу ном остида алломанинг 200 га яқин турли ҳажмдаги рисолалари жамланган. Бу рисолалар асосан руҳий таълимотларни ўз ичига олиб, ҳар бир рисола бу соҳанинг етук мутахассиси, руҳшунос-психолог томонидан жуда нозиклик билан ҳамда юксак дид ва савияда берилган жавоб, йўл-йўриқ ва кўрсатмалардир"[15], деб ёзади.

---

[12] Қаранг: Ўша манба. – Б. 89.

[13] Бернд Рудольф Радки. Саласу мусаннафот лил-Ҳаким ат-Термизий. – Байрут: Ал-Маъҳад ал-Алмоний лил-абҳос аш-Шарқия, 1992. – 381 б.

[14] Доктор Муҳаммад Иброҳим Жуюший. Ал-Ҳаким ат-Термизий: Дироса лиосориҳи ва афкориҳи. – Қоҳира: Дор ан-наҳда ал-арабия, 1980. – Б. 54-61.

[15] Тузувчилар: Т.ф.н., доц. И.Усмонов ва бошқалар. Муҳаммад ибн Али ал-Ҳаким ат-Термизий. Наводир ал-усул (илмий-танқидий матн) муқаддимаси. – Тошкент: "Ўзбекистон халқаро ислом академияси" нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2020. – Ж.1. – Б. 11.

И.Усмоновнинг бу фикри бир мунча изоҳ талаб қилади. Чунки, бундан Ҳаким Термизийнинг "Масоил" номли турли ҳажмдаги 200 га яқин мустақил рисоласи борлиги тушунилади. Аслида, бу туркумдаги мустақил рисолалари бу даражада кўп дейиш, тўғри эмас. Чунки, Ҳаким Термизийнинг "Масоил" номли тўпламларидаги ҳар бир масалани алоҳида рақамда қайд этиш ва уни мустақил мавзу сифатида кўрсатиш ҳолатлари ҳам учрайди. Масалан, доктор М.Жуюший Германиянинг "Лейпциг" кутубхонасида инв.№212 рақам остида сақланувчи биргина мажмуанинг саккизта ўрнида 115 та масаланинг айрим олимлар томонидан мустақил мавзу сифатида саналганини қуйидагича ёзган:

"Лейпциг" фондидаги мажмуада кўп сонли масалалар тарқоқ ҳолда ўрин олган бўлиб, айримлари "Исмоил Соиб", "Зоҳирия" ва "Валиюддин" номли фондлардаги мажмуаларда ҳам учрайди. Америкалик манбашунос Николас Ҳир (1928 туғилган) мазкур масалаларнинг ҳар бирини алоҳида рақамлаб, "1 рақамли масоил", "2 рақамли масоил" шаклида қайд қилган. Бу масалаларни диққат билан ўрганилганда, уларнинг "Лейпциг" мажмуасининг 8 та жойида тарқоқ ҳолда ўрин олганини аниқланди. Улар қуйидаги тартибга эга: Биринчи қисми мажмуанинг 55-68 варақларидан ўрин олган бўлиб, улар 10 масалани ташкил этади. Иккинчи қисми "Сабрнинг турлари" номли битта масала 100 варақда, учинчи қисми 131-149 варақларида жойлашиб, ўзида 29 та масалани қамраган. Тўртинчи қисм 32 та масалани таркибига олган 162-178 варақлардан иборат. Бешинчи қисмда 13 та масала 185-195 варақлардан ўрин олган. Олтинчи қисмдаги 17 та масала 195-208 варақларда, еттинчи қисмда 11 та масала 208-226 варақларда, саккизинчи қисмда эса, 2 та масала 226-228 варақлардан ўрин олган[16].

Ушбу қисмларнинг илк тўрттаси мажмуанинг турли варақларида тарқоқ шаклда ўрин олган. Қолган тўртта 5-6-7-8 қисмлари эса, мажмуанинг 185-228 варақларида кетма-кетликда муттасил тартибланган. Шунга қарамай, уларни алоҳида тақсимланганига айрим сабабларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Масалан, бешинчи қисм билан олтинчисини ажратиб турувчи жиҳати шуки, олтинчи қисмдаги масалаларда фақат оятлар тафсири баён этилган. Еттинчи қисмда эса, тафсир мавзусидан буткул фарқли мавзуларга ўтилган. Бу билан сўнги қисм орасини эса, 225 варақда нусха кўчирувчи котиб Муҳаммад ибн Ҳибатуллоҳнинг айрим тарихий қайдлари ажратиб туради.

Ушбу кўрсаткичларга асосланиб, Ҳаким Термизийнинг асарлари сони бу даражада ортиб кетишига унинг "Масоил" туркумидаги тўпламлари сабаб бўлган. Хусусан, улардаги ҳар бир мавзунинг алоҳида аҳамиятга эга, комил инсон тарбияси бўйича долзарб тасаввуфий мавзулар ва муаммолар ечимини ёритишга бағишлангани юзасидан уларнинг ҳар бирига мустақил бир рисола даражасида қараш шу кўп сонликни келтириб чиқарган. Масалан, "Масъала фил-жиҳод" (Жиҳод ҳақида масала), "Масъала фис-сабр" (Сабр ҳақида масала), "Масъала фил-фарқи байнал-илми вал-фиққи" ("Илм" ва "фиқҳ" сўзларидаги фарқларга оид масала) каби рисолалари фақат бир бетдан иборат бўлса, "Масъала фид-дунё" (Дунё ҳақида масала), "Масъала фис-

[16] Доктор Муҳаммад Иброҳим Жуюший. Ал-Ҳаким ат-Термизий: Дироса лиосориҳи ва афкориҳи. – Қоҳира: Дор ан-наҳда ал-арабия, 1980. – Б. 123-128.

солати алан-Набий" (Набий (с.а.в) га саловат айтиш ҳақида масала), "Масъала фил-вилоя ват-тақво" (Валийлик ва тақво борасидаги масала) номли рисолалари икки бетдан ташкил топган рисолалар ҳисобланади. Буларнинг барчаси ҳам қўлёзма ҳолида сақланади[17].

Дарҳақиқат, "Лейпциг" кутубхонасидаги инв.№212 рақамли биргина мажмуанинг саккизта жойида умумий 94 варақда 115 та масала мавзуси ўрин олган. Бу жойлашув тартибни кодикологик таҳлил этилса, у ерда саккизта кичик ҳажмли рисола ўрин олган, деб хулоса қилинади. М.Жуюший ёки Н.Ҳир каби олимлар ҳар бир сарлавҳани алоҳида масала шаклида кўрсатиши уларнинг мавзусидан келиб чиққан ҳолда ёндашув ҳисобланади. Акс ҳолда, 94 варақли қўлёзмани 115 та тўплам сифатида қайд этилиши нотўғри бўлади.

Шу маънода Ҳаким Термизий асарларининг сони 400 та ва ундан ортиқ деб кўрсатилган маълумотларни алломанинг мустақил китоб ва рисолалари саноғи сифатида қабул қилмаслик лозим.

Бу фикрни Ҳаким Термизий асарлари библиографиясига бағишланган тадқиқотлар мисолида англаш осон бўлади. Зеро, бундай илмий ишларларда алломага нисбатланган китоб ва рисолалар ҳақида батафсил маълумотлар берилади. Айрим асарлар нотўғри нисбат берилган бўлса-да, библиографик тадқиқотларда улар ҳақида тўхтаб ўтилади. Жумладан, Ҳаким Термизийнинг илмий мероси чуқур тадқиқ этилган илмий ишлар ичида икки тадқиқотнинг ўрни катта. Улардан бири, XX асрнинг сўнги чорагида мисрлик доктор Муҳаммад Жуюший, иккинчиси, XIX асрнинг бошида марокашлик олим Холид Заҳрий томонидан амалга оширилган. Ҳар икки тадқиқотни ҳам Ҳаким Термизий асарлари қўлёзма нусхалари, замонавий босма нашрлари ва йўқолгани қайд этилган китоблари ҳақида ўз давридаги мукаммал илмий иш деб баҳоланади. Улар Ҳаким Термизий илмий мероси бўйича тадқиқот олиб борувчиларнинг таянч манбасига айланиб улгургани бунга далилдир.

М.Жуюшийнинг "Ҳаким Термизий асарлари ва фикрларини ўрганиш" номли илмий иши илк библиографик манба ҳисобланади. Олим унда аллома қаламига мансуб асарлар сони ҳақида аниқ тўхтамга келиш ҳозирча имконсиз экани сабаблари сифатида, аввало, Ҳаким Термизийнинг ёзма мероси, ҳақиқатда, кўп сонли ва турфа хиллиги, уларнинг деярли барчаси ҳануз қўлёзма ҳолатида сақланаётгани ва дунё фондларида алломага мансуб янги манбалар топилаётганини келтиради. М.Жуюший ўз тадқиқоти нашр этилган 1980 йилга қадар аниқланган асарлари дунёнинг, асосан, ўн иккита китоб фондида қўлёзма ҳолида сақланаётганини қайд қилган. Жумладан, Мисрнинг "Искандария миллий кутубхонаси" даги бир мажмуада 4 та, Қоҳирадаги "Дор ал-кутуб ал-Мисрия" (Миср китоблар уйи) фондидаги учта мажмуада 4 та, Туркиядаги "Эсад Эфенди" фондида икки мажмуада 11 та, Истамбулдаги "Аё София" фондидаги мажмуада 2 та, "Исмоил Соиб" даги мажмуада 15 та, "Харожий ўғлу" мажмуасида 4 та, "Қастамуни" дагисида 2 та, "Валийюддин" фонди мажмуасида 12 та,

[17] Доктор Холид Заҳрий. Ҳакиму Хуросон ва анисуз-замон. – Работ: Дор ал-Амон, 2013. – Б. 279-282.

Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳридаги “ал-Жамъия ал-асиявия” (Осиё жамияти) фондидаги мажмуада 3 та, Германия “Лейпциг” кутубхонасидаги мажмуада 18 та, Франция “Париж Миллий кутубхонаси” да мавжуд мажмуада 12 та, Суриядаги “Зоҳирия” жамғармаси мажмуасида 8 та қўлёзмаси асарлари сақланишини кўрсатган[18].

Айтиш керакки, мазкур мажмуалардаги асарлар ўзаро такрорланади. Бу ерда қайд этилган рақамлар бир-бирини такрорламайдиган қўлёзмалар адади эмас. Шунинг учун доктор М.Жуюший мазкур қўлёзмалар каталогидан сўнг Ҳаким Термизийга нисбатланган асарларнинг умумий рўйхатини тузиб, унда алломанинг 68 та асари номларини зикр қилиб, сўнг 50 та китоби ҳақида алоҳида илмий тавсиф ёзган[19].

Ушбу 68 та рўйхатни тадқиқотчи Мустафо Ато “Наводир ал-усул” асарининг замонавий нашри муқаддимасида[20], Иброҳим Шамсиддин “Риёзат ан-нафс” асарининг тадқиқида[21] келтириб, алломанинг бугунгача етиб келган асарлари шулардан иборат эканини айтиб ўтишган.

Жуюшийнинг мазкур 68 та асардан фақат 50 тасига илмий тавсиф ёзиши шуни кўрсатадики, унинг хулосасига кўра, 68 та номлардан айримлари бир асарнинг икки хил номланиб қолгани сабаб, турли манбаларда уларни иккита алоҳида асар шаклида кўрсатиб юборилган. Қўлёзмалардан нусха кўчирувчи котибларда бундай ҳолатлар учраб туриши алломанинг бир неча китоблари мисолида ёритилди. Шунингдек, айрим асарлар номлари алломага нотўғри нисбатланган ҳоллари учрайди. М.Жуюший илмий тавсифида бу каби ҳолатларга тўхталиб, ўз ўрнида баён қилиб ўтган[22].

Доктор Холид Заҳрий ўзининг “Ҳакиму Хуросон” (Хуросон ҳакими) номли библиографик асарида Ҳаким Термизийнинг асарларини тўрт қисмга ажратиб баён қилган. Биринчи фаслда нашр этилган асарлари, иккинчисида, қўлёзма ҳолидаги китоблари, учинчи қисмда, Ҳаким Термизийга нисбати аниқ бўлмаган, унинг асари эканида шак ва гумон бўлган асарлар, охирида эса, йўқолган китобларини баён қилган. Х.Заҳрийнинг ушбу китоби 2013 йил нашрдан чиққан. Шунинг учун у Ҳаким Термизийнинг 2013 йилга қадар чоп этилган 78 та асарларини санаб ўтган. Қўлёзма ҳолидаги китоблари сонини 47 та, нисбати аниқ бўлмаган манбаларни 4 та, йўқолган рисолаларини 25 та деб кўрсатган[23].

---

[18] Доктор Муҳаммад Иброҳим Жуюший. Ал-Ҳаким ат-Термизий: Дироса лиосориҳи ва афкориҳи. – Қоҳира: Дор ан-наҳда ал-арабия, 1980. – Б. 55-61.

[19] Қаранг: Ўша манба. – 62-159.

[20] Мустафо Абдулқодир Ато тадқиқоти. Наводир ал-усул фи маърифати аҳодис ар-расул. Муҳаммад ибн Али ал-Ҳаким ат-Термизий. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1992. – 904 б.

[21] Иброҳим Шамсуддин тадқиқоти. Риёзат ан-нафс. Лил-Ҳаким ат-Термизий. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2005. – Б. 11-16.

[22] Доктор Муҳаммад Иброҳим Жуюший. Ал-Ҳаким ат-Термизий: Дироса лиосориҳи ва афкориҳи. – Қоҳира: Дор ан-наҳда ал-арабия, 1980. – Б. 62-159.

[23] Доктор Холид Заҳрий. Ҳакиму Хуросон ва анисуз-замон. – Работ: Дор ал-Амон, 2013. – Б. 59-306.

Ушбу кўрсаткичлар йиғиндиси алломага нисбат берилган умумий китоб ва рисолалар 161 та бўлганини кўрсатади. Бундан нисбати аниқ бўлмаган 4 та асар ва манбаларда йўқолгани айтилган 25 китобни чиқариб юборилса, алломанинг бизгача етиб келган – қўлёзма ва нашр этилган катта-кичик ҳажмга эга китоб ва рисолалари саноғи 132 та қолади. Шуни ичида "масоил" туркумидаги тўплам ва китоблар ҳам ўрин олган ҳисобланади.

Мазкур икки олимнинг библиографик асарлари нашр этилиши орасида 33 йил борлигини инобатга олиш зарур. М.Жуюший 1980 йилда тақдим этган маълумотлар билан Х.Заҳрийнинг 2013 йилдаги тадқиқот натижалари кескин фарқ қилиши табиий ҳол.

Ушбу маълумотлар таҳлилига кўра, Ҳаким Термизийнинг 400 ва ундан зиёд асар ёзгани қайд этилган маълумотлар ҳақиқатдан йироқ. Чунки, бу каби катта сонлар кўрсатилган қайдларнинг асосан, унинг "Масоил" туркумидаги савол-жавоб ёзишмамактубларини мустақил асарлар қаторида санашдан юзага келган натижалар экани айтиб ўтилди. Қолаверса, доктор Х.Заҳрий китобида юқорида санаб ўтилган 161 та китоб ва рисола ҳақидаги маълумотлар ишончли манбаларга таянган ҳолда асослаб берилган. Шунга кўра, Ҳаким Термизийга мансуб асарларнинг умумий сони 150 дан ортиқ бўлиб, улардан бугунгача етиб келган қўлёзма ва нашр этилганлари 130 дан зиёд, деб хулоса қилиш мумкин.

2013 йилдан бугунга қадар Ҳаким Термизийнинг айрим асарлари нашр этилган. Жумладан, 2023 йилда тарихий манбаларда номи қайд этилиб, ўзи кейинчалик йўқолиб кетгани зикр этилган тафсири топилиб, доктор Х.Заҳрий раҳбарлигида т.ф.н., Ж.Чўтматов томонидан тадқиқ этилиб, нашр қилинди[24].

Бу асар ҳақида Али ибн Усмон Ҳужвирий (1009-1072) "Ҳаким Термизий тафсир ёзишни бошлаб, бироқ якунига етказа олмай вафот этган. Ёзиб бўлган қисми олимлар орасида кенг тарқалган эди"[25], деб зикр этган. Ушбу тафсир кўплаб машҳур манбалар хазиналари каталогларида учратилмагани сабабли, нашр этилгунга қадар тадқиқотчилар томонидан унинг йўқолиб кетгани ёзиб келинар эди. Бу асарнинг ўзбекистонлик тадқиқотчи томонидан аниқланиб, матн тадқиқи билан араб тилида нашр қилиниши катта илмий янгилик бўлди.

Ҳаким Термизийнинг барча асарларида тасаввуфий ёндашув ғолиблиги кўзга ташланади. У барча мавзуларни ёритишда фақат зоҳирий жиҳати билан кифояланмай, ҳамиша масаланинг ботиний маънолари таҳлилига эътибор қаратади. Шундай бўлсада, уларни мавзуларига кўра, тафсир ва ҳадис илми, фиқҳ-ислом ҳуқуқи, шариат мақсадлари, ақида ва калом, тасаввуф тарихи ва сўфийлар табақалари, тасаввуф асослари каби фанларга таснифлаш мумкин.

---

[24] Доктор Жўрабек ибн Омон таҳқиқи. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ал-Ҳаким ат-Термизий. Китобу тафсир ал-Қуръон ал-мусамма Баҳр ат-тафсир. – Истанбул: Дар ал-кутуб ал-арабия, 2023. – 776 б.

[25] Усмон Абдулҳодий таржимаси ва тадқиқоти. Абулҳасан Али ибн Усмон Ҳужвирий. Кашф ал-маҳжуб. – Қоҳира: Ал-Мажлис ал-аъло лис-сақофа, 2008. – Ж. I. – Б. 353.

Қуръон илмлари ва тафсир фанига оид асарлари сифатида "ал-Амсол мин ал-китоб вас-сунна", "Таҳсилу назоир ал-Қуръон"[26] (Қуръондаги ўзаро ўхшаш калималарни ўрганиш) ва Ҳужвирий зикр этган, 2023 йилда "Китобу тафсир ал-Қуръон ал-мусамма Баҳр ат-тафсир" (Қуръони каримнинг "Тафсир уммони" деб аталган тафсири) номли асари ва "Масоил" туркумидаги оятлар тафсирига бағишланган тўпламларини келтириш мумкин.

Ҳадис фанига оид асарларига эса, "Наводир ал-усул фи маърифати аҳодис ар-Расул" (Пайғамбар ҳадисларини англашда Нодир асллар) номли ҳадислар шарҳига оид асари, "ал-Манҳийёт" (Қайтарилган амаллар) номли ҳадислар тўпламини ташкил этади. Доктор М.Жуюший ушбу китобларга "ал-Амсол мин ал-китоб вас-сунна" асарини ҳам қўшган[27]. Дарҳақиқат, ушбу асарни алломанинг тафсир ва ҳадис илмига оид китоблари қаторида санаш мумкин. Зеро, муаллиф унда ҳар икки манбадаги бир неча зарбулмасалларни ёритган. Хусусан, унда 74 та ҳадисни зикр қилган.

Ислом фиқҳи ва ҳуқуқшунослигига оид асарлари "ал-Жомеъ фи-л-фиқҳ" (Фиққа доир тўплам), "Кайфиятул-вузуъ вас-сивок" (Таҳорат қилиш ва мисвок ишлатишнинг кўриниши), "ал-Масоил ал-аффаҳ" (Тўғри ечилган масалалар) номли рисолалари ҳисобланади. Улардан биринчиси алломанинг йўқолган асарлари қаторида саналади[28]. Шундай бўлса-да, номидан унинг фиққа оид асарлиги билинади. Қолган иккисининг замонавий нашрлари аниқланмади. Доктор Х.Заҳрий уларнинг қўлёзма ҳолида эканини айтган[29].

Ўрни келганда айтиб ўтиш керакки, Ҳаким Термизий асарлари орасида фиқҳий масалалар ечимига фақиҳлар услубида ёндашилган асарлар жуда кам учрайди. Чунки, у кўпроқ эътиборини амалларнинг фиқҳий ҳукмларини баён қилишга эмас, балки уларнинг ҳикмати ва уларга буюрилишдан кўзланган мақсад нима эканини очиб беришга йўналтирган. Шу маънода унинг айрим китоб ва рисолалари номидан уларни фиқҳий асарлар деб ҳисоблаш мумкин. Лекин, уларнинг туб мазмун-моҳияти ўрганилса, фиқҳий масалалар ечимига мутлақо алоқаси йўқлиги маълум бўлади. Айрим тадқиқотчилар "ал-Ҳаж ва асроруҳу" (Ҳаж ва унинг сирлари), "Сабаб ат-такбир фис-солат" (Намозда такбир айтиш сабаби), "ас-Солат ва мақосидуҳа" (Намоз ва унинг мақсадлари), "Исботу илал аш-шариъа" (Шариат ҳукмлари ҳикматларини исботлаш) каби асарлари номида "ҳаж", "намоз", "шариат" каби фиқҳ фанининг объекти бўлган атама ва иборалар қўлланган сабабли, ушбу асарларни фиқҳий манбалар қаторида санаш ҳоллари кузатилади. Жумладан, И.Уватов[30] ва И.Усмонов[31] тадқиқотларида шу тарзда таснифланган.

---

[26] Ҳусни Наср Зайдон тадқиқоти. Ал-Ҳаким ат-Термизий. Таҳсилу назоир ал-Қуръон. – Қоҳира: Мактабат ас-саода, 1969. – 176 б.

[27] Доктор Муҳаммад Иброҳим Жуюший. Ал-Ҳаким ат-Термизий: Дироса лиосориҳи ва афкориҳи. – Қоҳира: Дор ан-наҳда ал-арабийя, 1980. – Б. 176.

[28] Доктор Холид Заҳрий. Ҳакиму Хуросон ва анисуз-замон. – Работ: Дор ал-Амон, 2013. – Б. 299.

[29] Қаранг: Ўша манба. – Б. 278-284.

[30] У.М.Уватов, И.С.Усмонов Термизлик икки аллома. – Тошкент: "ЎзХИА" нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2022. – Б. 82.

[31] Иброҳим Усмонов. Наводир ал-усул ҳикматлари. – Тошкент: Фан, 2009. – Б. 77.

Аслида ушбу асарларни шариат мақсадлари ёки шариат фалсафаси деб аталувчи фанларга оид манбалар қаторида таснифлаш тўғри бўлади. Зеро, бу китоблар номларида асосий урғу шу жиҳатга қаратилганини англаш мумкин. Шу маънода ушбу тадқиқотда алломанинг “ал-Ҳаж ва асроруҳу”, “Сабаб ат-такбир фис-солат”, “ас-Солат ва мақосидуҳа”, “Исботу илал аш-шариа” каби асарларини алломанинг шариат мақсадлари фанига оид китоб ва рисолари қаторида ҳисобланади.

Ақида ва калом илмига доир асарлари қаторида “ар-Радду алар-рофиза” (Рофизийларга раддия) асари тилга олинади. Унда муаллиф шиа-рофизийлик фирқасининг “Расулуллоҳ (с.а.в.)дан сўнг халифаликка энг ҳақли шахс Али бўлган” деган даъволарига раддия бериб, илк халифа бўлишга ҳақли киши Абу Бакр, Умар, сўнг Усмон ва Али розияллоҳу анҳу эканини исботлаб берган. Асарни тадқиқотчи А.С.Турат 1966 йили таҳрир қилинган замонавий нашрини чоп эттирган[32]. Шунингдек, “Масъалатун фил-иймон вал-ислом вал-иҳсон” (Иймон, ислом ва эҳсон ҳақидаги савол-жавоб) номли асарида ҳам иймон ва ислом мавзулари ёритилган. Шу маънода уни ҳам ақида фанига оид дейиш мумкин. “Ал-Калом ала маъно Ла илаҳа иллаллоҳ” (“Ла илаҳа иллаллоҳ” калимаси маъноси ҳақидаги гаплар) номли асари ҳам ушбу фанга тегишли.

“Ар-Радду алал-муаттила” (Муаттила фирқасига раддия) асарида ҳам мўътазила фирқасининг хато эътиқодларига қарши ўлароқ аҳли суннанинг эътиқодини қувватловчи ҳадислар зикр этилган. “Ал-Фарқу байнал-Оёт вал-каромот” (Мўъжизалар ва карометлар орасидаги фарқ) асари мавзуси калом илми масалаларидан ҳисобланади. Буларнинг ақида фанига оидлигига доктор М.Жуюшийнинг “Ҳаким Термизий ва калом илми масалалари” номли илмий мақоласида ишора қилиб ўтилган[33]. Манбаларда йўқолган деб қайд этилувчи “Китоб ат-тавҳид”[34] (Тавҳид китоби) номли асар калом илмига бағишланган рисолаларидан бири эди.

Тасаввуф тарихи, сўфийлар табақаларига оид асарлари қуйидагилар:

“Китобу тарих ал-машойих” (Машойихлар тарихи китоби), “Табақот ас-Сўфийя” (Сўфийларнинг табақалари). Абдулмуҳсин Ҳусайний бу иккала асарни асли битта китоб деган фикрни илгари сурган[35]. Ушбу фикрни доктор Х.Заҳрий тадқиқотида рад этиб, “У қандай қилиб ушбу икки асарни битта деб қатъий қарор қабул қилганини

---

[32] Холид Заҳрий тадқиқоти. Ҳаким Термизий. “Китобу исбот ал-илал” асарининг кириш қисми. – Ар-Работ: Матбаат ан-Нажоҳ ал-жадида – Дор ал-байзоъ, 1998. – Б. 32.

[33] Доктор Муҳаммад Иброҳим Жуюший. Ал-Ҳаким ат-Термизий ва қазоя илми-л-калом. – Қоҳира: Вақфлар вазирлигининг “Минбар-у-л-ислом” номли илмий журналининг № 2 сони, 1980. – Б. 106.

[34] Холид Заҳрий тадқиқоти. Ҳаким Термизий. “Китобу исбот ал-илал” асарининг кириш қисми. – Ар-Работ: Матбаат ан-Нажоҳ ал-жадида – Дор ал-байзоъ, 1998. – Б. 299.

[35] Абдулмуҳсин Ҳусайний. Ал-Маърифа индал-Ҳаким ат-Термизий. – Қоҳира: Дор ал-Котиб ал-арабий, 1963– Б. 21

била олмадим. Чунки, ушбу асарлар йўқолиб кетган бўлса, уларни ўрганиш имкони йўқ-ку!"[36], деб ҳайратини изҳор этган.

Франциялик манбашунос Л.Массиньон: "Бу асар мусулмон авлиёлар таржимаи ҳолига оид илк таълиф этилган китоб саналади"[37], деган.

И.Усмонов алломанинг "Анвоул-маориф" (Маърифатнинг турлари) ва "Рисола фил-футувва" (Футувватга оид рисола) номли асарларини тасаввуф тарихига оид асарлари қаторидан келтирган[38].

Тасаввуфий қараш ва назарияларига оид асарлари қаторида биринчи ўринда алломанинг "Хатм ал-авлиё" (Валийлар муҳри) номли асарини қайд этиш керак бўлади. Чунки, бу асарнинг тасаввуф назариялари бўйича таълиф этган барча муаллифларнинг таянч манбасига айлангани аввал баён этилган.

Унинг "Манозил ал-ибод минал-ибода" (Бандаларнинг ибодатлардаги даражалари), "Рисолату макрин-нафс" (Нафснинг макрларига оид рисола), "Ғовр ал-умур" (Ишларнинг туб моҳияти), "Маърифат ал-асрор" (Сирларни англаш) каби асарларини тасаввуфий назарияларини ёритишга бағишланган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ҳаким Термизий асарларининг барчасида ўз тасаввуфий қарашлари катта ўрин эгаллайди. Юқорида номлари санаб ўтилган барча асарларида ҳам тасаввуфий ёндашув акс этган бўлса-да, йўналиши ва мазмуни эътиборидан уларни фанлар кесимида саккизга тасниф этиш мумкин. Аллома асарларининг умумий саноғи кўпайиб кетишига унинг "Масоил" туркумидаги асарларидан ўрин олган ҳар бир масаланинг алоҳида рисола сифатида саналиши сабаб бўлган. Шунга кўра, Ҳаким Термизийга мансуб асарларнинг умумий сони 150 дан ортиқ бўлиб, улардан бугунгача етиб келган қўлёзма ва нашр этилганлари 130 дан зиёд, дейиш тўғри бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Доктор Али Муҳаммад Бажовий тадқиқоти. Ҳаким Термизийнинг "ал-Амсол минал-Китоб вас-сунна" асарининг кириш қисми. – Қоҳира: Мактабату Дор ат-турос, 1975.
2. Абдулхусайн Зарринкуб. Жустужу Дор тасаввуфи. – Душанбе: Ирфон, 1992.
3. Доктор Муҳаммад Иброҳим Жуюший. Ал-Ҳаким ат-Термизий: Дироса лиосориҳи ва афкориҳи. – Қоҳира: Дор ан-наҳда ал-арабийя, 1980.
4. Доктор Холид Заҳрий. Ҳакиму Хуросон ва анисуз-замон. – Работ: Дор ал-Амон, 2013.
5. Профессор Убайдулла Уватов. Икки буюк донишманд. – Тошкент: "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2005.
6. Шайх Комил Муҳаммад Муҳаммад Увайда. Ал-Ҳаким ат-Термизий ал-фақиҳ ан-ноқид. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1993.
7. Иброҳим Усмонов. Наводир ал-усул ҳикматлари. – Тошкент: Фан, 2009.

---

[36] Доктор Холид Заҳрий. Ҳакиму Хуросон ва анисуз-замон. – Работ: Дор ал-Амон, 2013. – Б. 296.

[37] Massignon (Louis). Essai sur les origines du lexique technique de la mystique musulmane. – Paris, 1954. – P. 288.

[38] Иброҳим Усмонов. Наводир ал-усул ҳикматлари. – Тошкент: Фан, 2009. – Б. 77.

8. Жўрабек Чўтматов. Термизнинг безавол қалъалари ёхуд Термиз тарихи. – Тошкент: “Янги нашр” нашриёти, 2017.
9. Бернд Рудольф Радки. Саласу мусаннафот лил-Ҳаким ат-Термизий. – Байрут: Ал-Маъҳад ал-Алмоний лил-абҳос аш-Шарқия, 1992.
10. Тузувчилар: Т.ф.н., доц. И.Усмонов ва бошқалар. Муҳаммад ибн Али ал-Ҳаким ат-Термизий. Наводир ал-усул (илмий-танқидий матн) муқаддимаси. – Тошкент: “Ўзбекистон халқаро ислом академияси” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2020.
11. Мустафо Абдулқодир Ато тадқиқоти. Наводир ал-усул фи маърифати аҳодис ар-расул. Муҳаммад ибн Али ал-Ҳаким ат-Термизий. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1992.
12. Иброҳим Шамсуддин тадқиқоти. Риёзат ан-нафс. Лил-Ҳаким ат-Термизий. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2005.
13. Доктор Жўрабек ибн Омон таҳқиқи. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ал-Ҳаким ат-Термизий. Китобу тафсир ал-Қуръон ал-мусамма Баҳр ат-тафсир. – Истанбул: Дар ал-кутуб ал-арабия, 2023.
14. Абулҳасан Али ибн Усмон Ҳужвирий. Кашф ал-маҳжуб. Усмон Абдулҳодий таржимаси ва тадқиқоти. – Қоҳира: Ал-Мажлис ал-аъло лис-сақофа, 2008.
15. Ҳусни Наср Зайдон тадқиқоти. Ал-Ҳаким ат-Термизий. Таҳсилу назоир ал-Қуръон. – Қоҳира: Мактабат ас-саода, 1969.
16. У.Уватов, И.Усмонов Термизлик икки аллома. – Тошкент: “ЎзХИА” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2022.
17. Холид Заҳрий тадқиқоти. Ҳаким Термизий. “Китобу исбот ал-илал” асарининг кириш қисми. – Ар-Работ: Матбаат ан-Нажоҳ ал-жадида – Дор ал-байзоъ, 1998.
18. Абдулмуҳсин Ҳусайний. Ал-Маърифа индал-Ҳаким ат-Термизий. – Қоҳира: Дор ал-Котиб ал-арабий, 1963.
19. Massignon (Louis). Essai sur les origines du lexique technique de la mystique musulmane. – Paris, 1954. – P. 288.

3. ТЕРМИЗИЙ АЛЛОМАЛАРНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ

ТЕРМИЗИЙ АЛЛОМАЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ ДУНЁ ФОНДЛАРИДА

Зоҳиджон Исломов Маҳмудович*

Аннотация. Термиз ўзининг қадимий тарихи билан машҳур. Мазкур ҳудуддан кўплаб олимлар етишиб чиққан. Улар ўз даври илм-фанининг турли соҳаларига оид нодир асарлар ёзиб қолдирганлар. Термизийлар ислом илмлари борасида ҳам пешқадам бўлганлар. Жумладан, кўплаб машҳур муҳаддислар, фақиҳлар, шоирлар, адиблар шу ерда туғилиб, баракали ижод қилганлар. Термизлик олимларнинг асарлари бугун дунёнинг кўплаб мамлакатлари қўлёзма фондларида сақланмоқда.

Калит сўзлар: Қадимги Термиз, муҳаддис, суфий, қўлёзма, фонд, католог, термизийлар, “Наводиру-л-усул”, “Шамоилу-н-набий”, алломалар юрти, авлод.

Abstract. Termez is famous for its ancient history. Many scholars have emerged from this area. They wrote rare works in various fields of science of their time. The Termidis are the foremost in Islamic science. Today, the works of Termiz scientists are kept in manuscript funds in many countries of the world. This article provides information about the manuscripts of the works of the Termizi scholars stored in the world’s manuscript funds.

Keywords: Ancient Termiz, hadith scholar, Sufi, manuscript, collection, catalog, Termizians, “Navadir al-Usul,” “Shamail al-Nabi,” land of scholars, generations.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ҳудудида туғилиб дунё фани ва маданияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган алломалар илмий меросини ўрганиш учун катта имкониятлар яратилди. Дунё халқлари орасида она ватанимиз “Ўзбекистон - алломалар юрти” номи билан шуҳрат қозонган. Юртимизнинг қадимий илмий, маданий марказлари бўлмиш Самарқанд, Бухоро, Термиз, Насаф, Тошкент, Хива, Марғилон каби шаҳарларда туғилиб, дунё маданияти ва фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган юзлаб самарқандийлар, бухорийлар, термизийлар, насафийлар, шошийлар, хивақийлар, марғинонийлар ва яна кўплаб она замин алломалари жаҳон тарихи зарварақларидан муносиб ўрин олган.

Юртимизда алломалар ҳаёти ва бой маънавий илмий меросини ўрганиш ишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мана шундай хайрли ишларни амалга ошириш мақсадида қатор илмий тадқиқот марказлари жумладан, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий тадқиқот марказлари ташкил этилди ва улардаги мутахассислар

дунё илм-фанига хазина бўлиб қўшилган кенг қамровли қўлёзма меросни аниқлаш, таржима ва тадқиқ қилиш, нашр этиб зиё ихлосмандларига тарқатиш каби муҳим ишларни амалга оширишда иштирок этмоқдалар.

Қадимий тарихий илдизларга эга Термиз шаҳри ҳам ўзининг юксак салоҳият ва кенг қамровли илм соҳиблари бўлган, номлари дунёга танилган алломалари билан машҳур. Термизлик олимлар ҳақидаги маълумотлар даврimизгача етиб келган барча энциклопедик қомусий асарларда зикр этилган. Жумладан, Абдулкарим

---

* *Ўзбекистон халқаро ислом академияси илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, филология фанлари доктори, профессор.*

Самъонийнинг “Китобу-л-ансоб”, Ёқут Ҳамавийнинг “Муъжаму-л-булдон”, “Муъжаму-л-удабо”, Ҳожи Халифанинг “Кашфу-з-зунун”, Абдуллоҳ Абдулҳамид Сааднинг “Мавсуъат уламо Асия-л-Вуста” каби қатор асарларда термизлик олимлар ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган. Улардан 30 дан ортиқ термизлик олимларнинг номлари аниқланган. Муҳаддис Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Сура ибн Мусо ибн Даҳҳок Сулламий Зарир Буғий Термизий, валийтарош, суфий Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Башир Ҳаким Термизий, суфий Умар Термизий, муҳаддис Абу Исмоил Муҳаммад ибн Исмоил ибн Юсуф Сулламий Термизий, муҳаддис Абу Бакр Муҳаммад ибн Умар Варроқ Термизий, муҳаддис Абулҳасан Аҳмад ибн Жунайд Абулҳасан Термизий, муҳаддис, фақиҳ Холиб ибн Зиёд ибн Жорулаздий Термизий, Исҳоқ ибн Иброҳим Термизий, қози Усмон Саид ибн Холид Термизий, обид, муҳаддис Абу Муҳаммад Солиҳ ибн Муҳаммад Термизий, фақиҳи,муҳаддис Абу Жаъфар Муҳуммад ибн Аҳмад Фақиҳ Термизийлар шулар жумласидан.

Термизнинг қадимий ҳудуди таркибига Соғон, Шумон, Дорзанж, Рухшабуд, Сарминжин каби шаҳар ва қишлоқлар ҳам кирганлиги манбаларда зикр этилган. Шу нуқтаи назардан бу шаҳар ва қишлоқлардан етишиб чиққан олимлар ҳам манбаларда термизийлар сирасига киритилган. Абу Шуъайб Солиҳ ибн Мансур ибн Наср ибн Жарроҳ Дорзанжий Сағоний – муҳаддис, Абулҳусайн Муҳаммад ибн Исҳоқ Каробисий Рухшабудий – муҳаддис, Абу Муҳаммад Абдулвоҳид ибн Муҳаммад ибн Молик ибн Нусравия Сарминжиний – муҳаддис, Наср Муҳаммад Сарминжиний – муҳаддис, Абу Наср Аҳмад ибн Уҳайд Шайшақий – муҳаддис , Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Шумоний – муҳаддис, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Шумоний – муҳаддис, воиз, Абу Зар Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Молик ибн Исмоил Термизий Андаробий – муҳаддис, фақиҳ, Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ Сағоний, Солиҳ ибн Ҳиббон ибн Сулаймон Сағоний, Абулфазл Аббос ибн Жаъфар Сағоний, Абулаббос Фазл ибн Аббос ибн Яҳё Сағоний – муҳаддис, Абу Саъд Муҳаммад ибн Муяссар Сағоний Зарир – муҳаддис, Абусавра Саҳл ибн Абдулазиз ибн Савра Сағоний – муҳаддис, Абу Али Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Савра Сағоний – муҳаддис, Ҳайдар ибн Умар ибн Ҳасан ибн Хаттоб Сағоний – фақиҳ, Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Умар ибн Саид Маккий Амирий Ҳанафий Сағоний – фақиҳ, Абу Шуъайб Солиҳ ибн Мансур Дорзанжий Сағоний – муҳаддис, Абулҳусайн Муҳаммад ибн Исҳоқ Каробисий Рухшабудий – муҳаддис, Абу Муҳаммад Абдулвоҳид ибн Муҳаммад Сарминжиний – муҳаддис, Абу Наср Аҳмад ибн Уҳайд Шайшақий – муҳаддис, Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ Сағоний – муҳаддис, Солиҳ ибн Ҳиббон ибн Сулаймон Сағоний – муҳаддис, Абулфазл Аббос ибн Жаъфар Сағонийлар ҳам термизийлар рўйхатидан муносиб ўрин олган. Маълумотлар илк ўрта асрлардаги аксарият термизлик олимларнинг аксарияти ҳадисшунослик билан шуғулланганлиги ва шу соҳага оид асарлар ёзганлигини кўрсатади. Юртимиздан айнан дунё эътироф этган буюк муҳаддисларнинг етишиб чиқиши ҳам бежиз эмас. Айнан шу боис Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Доримий каби юзлаб олимлар ҳадисшунослик илмининг ривожига улкан ҳисса қўшганлар.

Термизлик олимлар, уларнинг илмий меросини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг дастлабки натижаларига қараганда Ўзбекистон, Миср, Туркия, Ҳиндистон, Англия, Германия, Франция, Испания, Саудия Арабистони, Эрон, Ливия, Тунис каби мамлакатлар қўлёзмалар фондларида термизлик алломаларнинг асарлари мавжуд. Дунё фондлари ҳақидаги фиҳрест ва каталогларда термизлик олимлар илмий меросига оид 179 та асар номи зикр этилган. Улар дунёнинг турли қўлёзма фондларида авайлаб сақланмоқда.

Ўзбекистондаги йирик қўлёзмалар фондларида ҳам Термиздан етишиб чиққан алломалар асарларининг нодир нусхалари мавжуд. Тошкент ислом университети Манбалар хазинаси, Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалари фонди, Самарқанддаги Имом Бухорий халқаро маркази манбалар хазинаси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонаси, Ўзбекистон Миллий университети кутубхонаси, Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи қўлёзмалар хазинасида термизлик олимларнинг элликдан ортиқ нодир қўлёзмалари рўйхатга олинган.

Миср Араб Республикасидаги Искандария кутубхонаси, Искандария муниципал кутубхонаси, Миср матбуот уйи кутубхонаси, Талъат кутубхонаси, Қоҳира кутубхонаси, Ал-Азҳар университети кутубхонаси фондларида термизийларга мансуб йигирмадан ортиқ қўлёзмалар сақланмоқда.

Термизлик олимлар илмий мероси Туркия қўлёзма фондларида ҳам мавжуд. Жумладан, Истанбулдаги Сулаймония кутубхонасининг Ашур Афанди фонди, Файзуллоҳ афанди фонди, Атиф афанди фонди, Мурод Бухорий фонди, Тўпқопи кутубхонаси Султон Аҳмад Ш фонди, Мурод Мулло кутубхонаси, Боязид кутубхонасининг Валиуддин фонди, Янги Жоми кутубхонаси, Ҳамидия кутубхонаси, Куприли кутубхонаси, Текли ўғли кутубхонаси, Исмоил Ҳаққий Измирлий кутубхонаси, Юсуфия кутубхонаси, Салим Оға кутубхонаси, Ҳасан Ҳусний кутубхонаси, Шаҳид Али Пошша кутубхонаси, Миллат кутубхонаси, Ваҳид Пошо миллий кутубхонаси, Мавлоно музейи кутубхонаси, Асъад Афанди кутубхонаси, Аё София кутубхонаси, Хирожчи ўғли кутубхонаси, Язжат кутубхонаси, Анқара университети Тил, тарих ва география факультети кутубхонасидаги Исмоил Соиб Санжар фонди, Фотиҳ миллат кутубхонаси, Кастамону кутубхонаси, Сулаймония Лолали бўлими, Ускудар Салим Оға кутубхонаси, Истанбул кутубхонаси фондларида термизийларнинг юзга яқин қўлёзмалари мавжуд.

Ҳиндистондаги Тонк араб ва форс тадқиқотлари институти кутубхонаси фондида Абу Абдуллоҳ Ҳаким Термизийнинг XYII асрда кўчирилган “Наводиру-л-усул” асари қўлёзмаси, Калькутта Ал-Жамъия ал- асиявия кутубхонасида XYIII асрга мансуб “Амсал мина-л-китаб ва-с-сунна” асари нусхаси, Бенгал кутубхонасида Ҳаким Термизий “Китабу-т-тавҳид” асарининг ягона қўлёзмаси, Калькутта университети кутубхонасида “Китаб фиҳи сифату-л-илми фи-л-асмаи ва ҳуруфи-л-муъжама” асари қўлёзмаси, Мулла Феруз кутубхонасида Жалолиддин Термизий “Девон”ининг нусхаси ва қатор қўлёзмалар бор.

Буюк Британиянинг Лондон университети кутубхонасида Ҳаким Термизий “Наводиру-л-усул” асарининг 584/1189 йили китобат қилинган қўлёзмаси, Манчестер

қўлёзмалар фондида “Фарқ байна-л-аяати ва-л-карамат” асари нусхаси, Индия Оффис кутубхонасида Собир Термизий “Девон”ининг XIY аср қўлёзмаси, Британия музейи фондида ҳам мазкур девоннинг XYI аср қўлёзмаси сақланмоқда.

Эрон Ислом Республикасидаги бой қўлёзмалар фондларида термийларнинг асарлари мавжудлиги аниқланган. Қум Ҳазрат Оятуллоҳ Азимий Маръаший Нажафий номидаги кутубхонада Абу Исо Термизий “Шамоилу-н-набий” асарининг 838/1424 йили китобат қилинган қадимий қўлёзмаси, Миллий кутубхона фондида Абу Исо Термизий “Жомеъу-л-кабир” асари нусхаси, Мажлис Шўройи Исломий кутубхонаси ҳамда Оли Сипоҳсолор мадрасаси фондларида Собир Термизий “Девон”ининг турли даврларга мансуб нодир нусхалари мавжуд.

Германиядаги Лейпциг ва Готтингем кутубхоналаридаги термизийлар асарлари киритилган иккита қўлёзма – мажмуа алоҳида аҳамият касб этади. Улардан Лейпциг миллий кутубхонасидаги қўлёзмадан Ҳаким Термизий асарларининг 131 та қўлёзмаси, Готтингем университети кутубхонасидаги қўлёзмадан 50 дан ортиқ асарлар ўрин олган. Бу қўлёзмалар термизлик олимлар илмий меросини мукаммал ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади. Шунингдек, Берлин давлат кутубхонасида ҳам Ҳаким Термизий “Наводиру-л-усул” асарининг нодир қўлёзмаси сақланмоқда.

Саудия Арабистонидаги Имом Муҳаммад ибн Сауд университети фондида Ҳаким Термизий қаламига мансуб “Наводиру-л-усул” асарининг XYI аср қўлёзмаси, Қирол Файсал номидаги ислом илмлари тадқиқот маркази фондида “Шамоилу-н-набий” асарининг бир қатор нодир қўлёзмалари рўйхатга олинган.

Дунёнинг яна қатор давлатлари фондларида жумладан, Тунисдаги Зайтуна кутубхонаси, Ливиядаги Қорюнус университети кутубхонаси, Шимолий Ирландиядаги Дублин Честер Бити кутубхонаси, Марокаш Работ Каттония кутубхонаси, Испания Мадрид кутубхонаси, Сурия Араб Республикаси Дамашқ Зоҳирия кутубхонаси, Франция Париж миллий кутубхонаси, Австрия Вена кутубхонаси, Марокко Татвон кутубхонаси, Тожикистон ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондидаги профессор Стариков коллекцияси, Озарбайжон ФА қўлёзмалар фондларида термизлик олимлар илмий меросига оид нодир қўлёзма асарлар сақланмоқда.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, юртимиз алломаларининг дунё фондларидаги бебаҳо маънавий, илмий меросининг кўлами тўлиқ аниқланган ва ўрганилган эмас. Айниқса, термизийларнинг асарларини аниқлаш муҳимлик касб этмоқда. Шу кунга қадар аниқланган маълумотлар ҳам термизийлар асарлари дунёнинг турли қўлёзма хазиналарида сақланаётганлигини кўрсатмоқда. Бу зарур хайрли ишни давом эттириш аллома боболаримиз маънавий меросини аниқлаб келгуси авлодларга етказиш бугунги куннинг энг долзарб вазифалардан саналади, зеро буюк аждодларимизнинг бебеҳо мероси ўз тадқиқотчи ватандошларини кутмоқда.

ИМОМ АБУ ИСО МУҲАММАД ТЕРМИЗИЙ МЕРОСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎРГАНИЛИШИ

Жалолиддин Мирзаев*

Аннотация. Имом Абу Исо Муҳаммад Термизий (824-894) меросининг Ўзбекистонда ўрганилиши жараёнини уч босқичга ажратиш мумкин. Биринчи босқич мустақилликкача бўлган даврни ўз ичига олиб, унинг натижаси 1990 йил центабрида бўлиб ўтган, Имом Термизий таваллудининг ҳижрий ҳисобда 1200 йиллигига бағишланган «Имом Термизийнинг маънавий мероси ва ҳозирги замон» мавзусидаги халқаро анжуман ҳисобланади. Имом Абу Исо Муҳаммад Термизий меросини ўрганишнинг иккинчи босқичи Ўзбекистон мустақил давлат бўлиши билан боғлиқ. Юртимиз мустақилликка эришгандан буён мамлакатимизда ўтмишдаги алломалар ижодини ўрганиш орқали миллий қадриятларни тиклашга катта эътибор берилди. Илгари ўрганилмаган олимлар ҳаёти ва ижоди, асарлари тадқиқ этила бошлади. Имом Абу Исо Муҳаммад Термизий меросини ўрганишнинг учинчи босқичи 2017 йил 14 февралида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан боғлиқ бўлиб, айнан ушбу қарор аллома меросини ўрганишда ва тарғиб этишда янги даврни бошлаб берди. «Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори қабул қилинганлиги изчиллик билан амалга оширилаётган тарихимизни қайта тиклаш, уни илмий, тарихий ва ҳаётий ҳақиқат нуқтаи назаридан туриб янгитдан талқин этиш жараёнининг мантиқий давомидир.

Калит сўзлар: Термизийлар мероси, Имом Термизий, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ш. Бобохонов, У.Уватов, Мирзо Кенжабек, Ж. Чўтматов.

Abstract. The process of studying the legacy of Imam Abu Isa Muhammad Tirmidhi (824-894) in Uzbekistan can be divided into three stages. The first stage includes the period before independence, and its result is the international conference on the topic «Spiritual heritage of Imam Termizi and the present time» dedicated to the 1200th anniversary of the birth of Imam Termizi in September 1990. The second stage of studying the legacy of Imam Abu Isa Muhammad Tirmidhi is related to Uzbekistan becoming an independent state. Since the independence of our country, great attention has been paid to the restoration of national values by studying the works of scholars of the past. The lives and works of previously unstudied scientists began to be studied. The third stage of studying the heritage of Imam Abu Isa Muhammad Tirmidhi is related to the decision of the President of the Republic of Uzbekistan on February 14, 2017 «On the measures to establish the Imam Termizi International Scientific Research Center», and this decision marked a new era in the study and promotion of the legacy of the scholar. The adoption of the decision of the President of the Republic of Uzbekistan «On celebrating the 1200th anniversary of Imam Termizi's birth»

* *Термиз давлат университети, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими*

is a logical continuation of the ongoing process of restoring our history and reinterpreting it from the point of view of scientific, historical and real life reality.

Keywords: Legacy of Tirmidhi, Imam Tirmidhi, Imam Tirmidhi International Research Center, Sh. Bobokhanov, U. Uvatov, Mirzo Kenjabek, J. Chotmatov.

Ўзбекистон бутун тарих жараёнида инсоният тафаккури маҳсулоти бўлган турли маданиятлар юзма-юз бўлган, уларннинг ўзаро уйғунлашган макондир. Юртимиз тарихининг ибтидоси асрлар қаърига сингиб кетган бўлиб, халқимизнинг қадимий мероси дунё афкор оммасининг ақлини шошириб қўймоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқида таъкидлаганидек, “Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир”[1].

Тарихий ўтмишни янгидан талқин этишнинг Ўзбекистонда кечаётган фаол жараёни мобайнида олиб борилаётган тадқиқотлар, барча мавзулар борасида бўлганидек, аждодларимиз мероси ҳақидаги билимларимизни бойитишга, унинг янги қирраларини кашф этишга имкон бермоқда. Совет даврида тарихий меросимизга иккиёқлама муносабат айниқса, ислом даври мероси мисолида ёрқин намоён бўлади. Албатта, кўплаб тадқиқотчиларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли, йигирманчи асрда бутун Марказий Осиё тарихи ва маданиятини ўрганиш борасида катта муваффақиятларга эришилди. Лекин, таъкидлаш лозимки, бу тадқиқотларнинг натижалари тарихий меросимизнинг Ислом даври маънавий ҳаёти билан белгиланадиган қисмини талаб даражасида қамраб олган эмас. Тадқиқотчилар ёндашуви шу даврда жамиятда ҳукмрон мафкуравий қарашлар билан белгиланган, собиқ Иттифоқда исломга бўлган ғайриилмий ёндашув Марказий Осиёнинг ўрта аср тарихи ва маданиятини ўрганишнинг методологик хусусиятини белгилаб берди. Натижада, масалан, Имом Термизий билан боғлиқ мероснинг фақатгина унинг мажмуаси билан боғлиқ меъморий жиҳатлари қисман ўрганилди. Шўро даврида тадқиқотчилар қанчалик холис бўлишга интилмасин, даврнинг мафкуравий асосларидан, улар томонидан белгиланган чегара ва қолиплардан чиқиб кетиши мумкин эмас эди, замона зайлига тўғри келмаган меросимизнинг катта қисми эса бир чеккага суриб қуйиларди. Натижада аждодларимиз меросини сохталаштириш, уни замона мафкурасига мослаштириш расм бўлади.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқидан (18.10.2016й.). https://kun.uz/news/2016/10/18/savkat-mirzieevning-it-tivk-43-sessiasining-ocilis-marosimidagi-nutki

Ана шундай мавзулардан бири Ислом даври тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлган муҳаддислар ҳаёти ва фаолиятини, уларнинг маънавиятимиз равнақига қўшган ҳиссасини ўрганиш билан боғлиқ. Мустабид мафкура шароитида бу борада кенг қамровли илмий тадқиқотларни амалга ошириш давр талабларига жавоб бермас эди. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида мавзу юзасидан кўплаб нашрлар дунё юзини кўрди. Уларнинг аксарияти асрлардан буён авлоддан авлодга ўтиб келган қўлёзмаларга хорижда нашр этилган асарларга асосланади.

Имом Абу Исо Муҳаммад Термизий меросини Ўзбекистонда ўрганилиши жараёнини хозирги пайтга келиб икки босқичга ажратиш мумкин. Биринчи босқич мустақилликкача бўлган даврни ўз ичига олиб, унинг натижаси сифатида 1990 йил сентябрида бўлиб ўтган, Имом Термизий таваллудининг1200 йиллигига бағишланган "Имом Термизийнинг маънавий мероси ва хозирги замон" мавзусидаги халқаро анжуман хисобланади. Мазкур анжуманнинг ташкил этилиши осон бўлмаган. 1982 йилнинг декабр ойида Имом Бухорий номли Тошкент олий маъҳадининг талабаси шерободлик Нормуҳаммад Жўраевни таътилга кетиш олдидан САДЎМ раиси муфтий Шамсуддинхон Бобохонов ўз хузурига чақириб олиб, унга Имом Абу Исо Термизий мақбарасининг замонавий аҳволини ҳар томонлама суратга тушириб келишни топширади. Ш.Бобохонов зиёротгоҳни ободонлаштириш отаси Зиёвуддин Бобохоннинг(1908-1982) орзуси бўлганлигини, уни амалга ошириш учун ЮНЕСКОга мурожаат қилмоқчи эканлигини айтади. 1983 йилнинг 2 январ куни тонгида Н.Жўраев ташландиқ аҳволга келиб қолган Имом Термизий зиёратгоҳига ташриф буюриб, фотосуратчи Шосаид Хушбоқов билан мажмуанинг турли томонларидан расмга тушириб олади. Бу воқеага батафсил тўхталишимнинг сабаби, яна бир бор ўша давр муҳитини эсга солишдир. Айнан 1982 йилда Сурхондарё ҳудудида 2500 дона эски қўлёзмалар йиғиб олиниб, йўқ қилиб ташланган эди. Шунинг учун ҳам, аждодларимиз меросини ўрганиш борасидаги хар қандай қадам инсондан қаҳрамонлик талаб этишини унитмаслигимиз керак. Фақатгина Имом Термизийнинг 1200 йиллик юбилейи муносибати билан унинг вайрона холиги тушиб қолган мақбарасида халқ томонидан хашар ишлари 1989 йилнинг февралидан бошлаб юборилган. 1989 йил март ойида Тошкентда бўлиб ўтган Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диний бошқармасининг IV қурултойида конференция ҳақида хабар берилади.

1990 йил сентябрь ойида, конференция арафасида Низомжон Парда ва Асомиддин Темурларнинг "Термиз ота" рисоласи босилиб чиқади[2]. Муаллифлар ушбу китобда буюк аллома Абу Исо Муҳаммад Термизий яшаган давр, унинг ҳаёти, таълим олиши, шогирдлари, илмий мероси, унинг ҳадис илмида тутган йўли борасида маълумотлар берган. Шунингдек, рисолада Ибодулла Абдуллаев, Шамсиддин Бобохонов, А. Ирисметов, А. Зокиров таржималарида муҳаддиснинг ҳадисларини келтиришади. Айни бир вақтда, 1990 йилда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлар диний идораси бошқармаси томонидан Имом Термизийнинг "*Шамоил ун-набавийя ва*

[2] Низомжон Парда. Асомиддин Темур. Термиз ота. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси.Денов,1990. 58 бет.

хасоис ул-мустафавийя" асари Саййид Муҳаммад Тарозий таржимасида нашр этилди[3]. Албатта, бундан аввал ҳам турли муаллифлар Имом Термизий меросига бағишланган мақолаларни эълон қилишган эди. Лекин, аллома меросига бағишланган ва муҳими жамоатчилик орасида кенг ёйилган рисолалар том маънода Имом Термизийни танитишда дастлабки оммабоп нашрлар бўлди.

Имом Абу Исо Муҳаммад Термизий меросини ўрганишнинг иккинчи босқичи Ўзбекистон мустақил давлат бўлиши билан боғлиқ. Юртимиз мустақилликка эришгандан буён республикамизда маданий меросни, ўтмишдаги алломалар ижодини ўрганиш орқали миллий қадриятларни тиклашга катта эътибор берилмоқда. Илгари ўрганилмаган олимлар ҳаёти ва ижоди, асарлари тадқиқ этила бошлади. Термизийлар меросини яхлит тарзда умумлаштириш йўналишида ҳам ишлар давом эттирилди. Бу борада Сурхон воҳаси зиёлиларининг изланишлари алоҳида аҳамиятга эга. Жумладан, тарихчи Шониёз Сафаровнинг "Термиз ва Термизийлар" номли китобини дастлабки тўпламлардан бири сифатида баҳолаш мумкин.[4] Мазкур тўпламда жамланган маълумотлар тадқиқотчиларнинг Сурхондарёдаги янги авлодига катта таъсир кўрсатди.

Бошқа соҳалар намояндалари қатори муҳаддислар фаолияти ва уларнинг асарлари тадқиқ этилиб келинмоқда[5]. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда Имом Термизий хаёти ва фаолиятини ўрганишнинг етакчиси Убайдулло Уватов бўлиб қолмоқда. Устоз "Мовароуннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожида тутган ўрни (Ал-Бухорий, Муслим, Ат-Термизий)" мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаб, бир қатор асарларида муҳаддислар меросини ўрганишни юқори илмий савияга етказдилар[6].

Имом Термизий меросини тадқиқ этишда Мирзо Кенжабекнинг ҳиссаси алоҳида эътиборга лойиқ[7]. 2015 йилда Термизлик алломалар асарларининг қўлёзмалари каталоги нашрдан чиқди. Унда Имом Термизий асарлари қўлёзмаларининг 39 таси қайд этилган.

---

[3] Шамоилу Муҳаммадийя. Туркий таржима муаллифи Саййид Муҳаммад Тарозий. – Т.: Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлар диний идораси бошқармаси, 1411/1990.

[4] Сафаров Ш. Термиз ва Термизийлар. – Термиз.: "Жайҳун", 1993.

[5] Шамсиддин Бобохонов, Абдусодиқ Ирисов. Ҳадис илми пешволари.– Тошкент: "Нур", 1992.; Аш-Шамоил ан-Набавийя. Таржима ва кириш сўзи муаллифи Убайдулла Уватов.– Тошкент: "Чўлпон", 1993.

[6] Уватов У. Буюк муҳаддислар: Имом ал-Бухорий, Имом Муслим, Имом ат-Термизий. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 1998. – 63 б.;Уватов У. Икки буюк донишманд (Абу Исо ат-Термизий, ал-Ҳаким ат-Термизий). – Т.: Шарқ, 2005. – 80 б.; Уватов У. Мовароуннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожида тутган ўрни (Ал-Бухорий, Муслим, Ат-Термизий): тарих фанлари доктори... дис. автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2002.

[7] Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий. Сунани Термизий. Мирзо Кенжабек таржимаси. – Тошкент: "Адолат", 1999. I жилд."Сунани Термизий"нинг 2-жилди ҳам никоҳ китобигача ушбу таржимон муаллифлигида "Никоҳ китоби"гача таржима қилинди:– Т.: "Movarounnahr", 2017.

Муҳаддисларнинг фаолияти ва мероси ҳақида рус тилида ҳам тадқиқотлар бажарилди. Шамсуддин Бобохонов муҳаддисларнинг меросидан рус тилига таржима қилган ва «Буюк муҳаддислар халқларорасидаги дўстлик ва тинчлик ҳақида» асарида келтириб ўтган[8]. Убайдулла Уватов 1997 йилда "Ат-Термези и его творческое наследие" мақоласини "Ўзбекистонда ижтимоий фанлар" журналида чот этади[9]. Шамсиддин Камолиддин Марказий Осиёда хадисшунослик тарихига бағишланган тадқиқотини амалга оширди.[10]Мирзо Кенжабек томонидан ўзбек тилига таржима қилинган "*Сунанут Термизий*" рус тилига "Сборник хадисов: Сунан ат-Термизи" номи билан таржима қилинди[11].

Имом Термизий мероси нафақат исломшунос олимларнинг, балки турли соҳа мутахассисларининг хам эътиборини жалб этди[12]. Жумладан, аллома меросининг тарбиявий аҳамияти педагогика соҳаси мутахассисларининг диққат марказида турибди[13].

2017 йил 14 февралида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори алома меросини ўрганишда ва тарғиб этишда ҳал қилувчи қарор бўлди[14]. Мазкур Қарорнинг асосий мақсад ва вазифаларидан бири – Ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома, ватандошимиз Абу Исо Термизий ва термизий алломаларнинг беназир меросини илмий асосда чуқур ўрганиш, муқаддас юртимиз замини азал-азалдан улуғ алломалар, азиз-авлиёлар ватани бўлиб келганини юртдошларимиз ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, шу асосда ёш авлодни эзгу ғоялар руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтиришдир.

Қисқа муддатда марказ томонидан юртимиз алломаларига, жумладан Имом Термизий хаёти ва меросига бағишланган мақолалар, улар асосида китоблар нашр

---

[8] Бабаханов Ш. З. Великие мухаддисы о мире и дружбе между народами (из шести общепризнанных сборников хадисов). Ташкент, изд-во народного наследия им. А. Кадыри, 1998.

[9] Уватов У. Ат-Термези и его творческое наследие. "Ўзбекистонда ижтимоий фанлар" 1997.№1-2. С.43-45.

[10] Шамсуддин Камалиддинов. Становление и развитие хадисоведения в Центральной Азии. Свет из глубины веков. Ташкент: Шарк, 1998.

[11] http://muftiyat.kg/sites/default/files/books/al-dzhami-as-sahih._sunan_at-tirmizi_0.pdf

[12] Масалан, Термиз давлат университетида ташаббуси билан "Буюк муҳандис Абу Исо Термизий ва Термизийларнинг илмий-маънавий меросини ўрганиш". Ҳалқаро илмий анжуман мақолалар тўплами. Тошкент: "Тафаккур", 2017.

[13] Қодиров Қутлуғбек. Имом ат-Термизий асарларида тарбия масалалари. – Тошкент: Фан ва технология, 2007. – 69 б.; Қодиров Қутлуғ-Бек. Имом ат-Термизий ҳадисларида тарбия ва ислом маданияти.–Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011. – 120 б.

[14] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2774-сонли Қарори. "Халқ сўзи", 2017 йил 15 февраль.

этилди[15]. Уларда Имом Термизийнинг ислом илмига қўшган ҳиссасинибоис алла қайси олимлардан таҳсил олгани, ўша олимларнинг илмдаги даражаси, қандай шогирдлар етиштиргани, уларнинг илм оламида қанчаликбўлганларигтадқиқ этилган. Бундан -замон, ўша вақтдага ижтимоий ташқари, олимни етиштиргансиёсий вазиятлар ҳам кичик сарлавҳалар остида ёритилган. Устозлар билан, улуғ муҳаддислар билан учрашувлари, фиққий масалаларга оид қарашлари, асарлари ҳақида батафсилмаълумотлар берилган.

Амалга оширилган кенг кўламли тадқиқотларга қарамасдан, Термизийлар борасида қилинадиган ишлар ҳали анчагина эканлиги ҳам доимо эътироф этиб келинади. Масалан, Имом Термизийнинг мукаммал биографиясини кенг жамоатчиликка етказиш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Бу борада ҳозирги замон фанининг талабларига жавоб беришимиз учун дунёдаги етакчи илмий мактабларнинг тажрибасини ўрганишимиз, уларнинг ютуқларини илмий муомиламизга жорий этиш учун танқидий нуқтаи-назар билан ғалвирдан ўтказишимиз лозим.

Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази ходимлари томонидан Қувайтлик олим доктор Тоҳир Азҳар Хазирий қаламига мансуб «Имом Термизийнинг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» асарига кириш» рисоласи таржима қилиниб, нашр этилди. Ушбу китобда олим буюк муҳаддис Имом Термизийнинг ҳаёти, илмий фаолияти, устозлари, шогирдлари ва асарлари баёнига тўхталади. Шунингдек, китобда «ал-Жомеъ» (Сунан) асарининг таркибий тузилиши, унга ёзилган шарҳ ва мухтасарлар ҳамда Имом Термизийнинг ҳадисларни жамлаш, уларни турларга ажратиш услублари, ровийлар силсиласи, ишончли ёки ишончсизлиги, асарда қўлланилган ҳадис истилоҳлари шарҳи каби муҳим мавзулар ҳақида сўз юритилган.

Мутаффакирнинг ҳаёти ва мероси каби, унинг мақбараси тарихи ва архитектураси ҳам илмий изланишлар мавзусига айланади[16]. Ўрта асрлар маданиятининг бетакрор намунаси бўлган Имом Термизий мажмуаси нодир меъморчилик ёдгорлигидир. Мустақиллик йилларида Имом Термизий мажмуасини

---

[15] Мирзаев Ж., Чўтматов Ж.Аждодларимиз мероси – бебаҳо бойлигимиз. «Ma'naviyat gulshani», 30 март 2017, №6(540), 12 апрел 2017, №7(541), 20 апрел 2017, №8(542), 3 май 2017, №9(543). Абу Исо Термизий. Китоб ул илал.Таржимон: Ж. Чўтматов. Тошкент: «Movarounnahr» нашриёти, 2017.116 бет.; Имом Абу Исо Муҳаммад Термизий. Мусанниф Жалолиддин Ҳамроқулов. Тошкент: «Movarounnahr» нашриёти, 2017.216 бет.; Одилхон қори Юнусхонўғли. Муҳаддис ва фақиҳ аллома. Тошкент: «Movarounnahr» нашриёти, 2017.96 бет.; Термизий алломалардан олтин ўгитлар. Тўпловчи Баҳриддин Парпиев. Тошкент: «Movarounnahr» нашриёти, 2017.44 бет.

[16] Воронина В.Л. Неизвестные памятники Средней Азии. Материалы по истории и теории архитектуры Узбекистана. Москва; Изд. АН Архитектуры СССР. 1950.С.85-89.; Средневековые памятники Сурхандарьи. Ташкент:Издательство имени Гафура Гуляма, 1982.С.115.; Хмельницкий С.Г. Между Саманидами и монголами. Архитектура Средней Азии XI- начала XIIIвв. Часть I. Берлин-Рига: 1996. С.245-247.

ободонлаштириш ишлари билан ҳамоҳанг уни тарихини ва архитектурасини ўрганиш борасида тадқиқотлар амалга оширилмоқда[17].

Амалга оширилган ишлар билан танишар эканмиз улар келажакда амалга оширилиши лозим бўлган ишларга дебоча сифатида, мавзу юзасида асос бўлишини англайсиз. Мавзу юзасидан барча маълумотларни жамлашни, уларни таҳлил қилиш орқали Имом Абу Исо Термизий меросини янада кенгроқ ва чуқурроқ ёритиш тарихимизни ўрганишни янги босқичга кўтариши шак-шубҳасиздир.

Тарих бизга ўзлигимизни англаш, Ватанимиз давлатчилиги ва маданияти асосларини яратган, уларни ривожлантирган турли алломаларимизни йўлчи юлдуз қилиб, келажаги буюк давлат қуришимизга имкон яратди. Бундан унумли фойдаланишимиз, Ватан ва миллат, келгуси авлод олдидаги жавобгарликни бутун вужудимиз билан англамоғимиз керак. Алломаларимиз ҳақидаги изланишлар халқимиз тарихининг ва ҳозирги кунининг ўзига хос шукҳию ташвишлари, севинчу изтироблари яққол намоён этишга, кишини фикрлашга, ўтмишни идрок қилиб, келажакни ақл йўриғи билан белгилашга ёрдам бериши билан бирга, халқимизнинг яратувчилик ва бунёдкорлик ишларига хизмат қилиши лозим.

[17] Мирзаев Дж. К изучению мавзолея мечети Исы ат-Термези. Марказий Осиё санъати тарихи тараққётининг ўзига хослиги.Ташкент, 1997.С.58-59.

ТЕРМИЗИЙ АЛЛОМАЛАР ЗИЁРАТГОҲЛАРИНИНГ ЖАМИЯТ ДИНИЙ-МАЪНАВИЙ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ

Тохир Эвадуллаев*

Аннотация. Ушбу мақолада Сурхондарё вилоятидаги муқаддас зиёратгоҳлар ва зиёратгоҳларнинг жамият маънавий ҳаётидаги тутган ўрни ҳақида сўз юритилади. Жумладан зиёрат туризми ва уни ривожлантиришга оид маълумот ва тавсиялар мақолада ўз ифодасини топган.

Калит сўзлар: Зиёратгоҳ, Сурхондарё, Султон Саодат, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, туризм.

Abstract. This article talks about sacred shrines and their roles in the spiritual life of the community in Surkhandarya region. In particular, information and recommendations on pilgrimage tourism and its development are expressed in the article.

Keywords: Shrine, Surkhandarya, Sultan Saodat, Imam Tirmidhi, Hakim Tirmidhi, tourism.

Ислом илоҳиёти, тасаввуф, тафсир, фиқҳ ва ҳадис илми бўйича буюк аждодларимиздан қолган меросни изчил ўрганиш ва ижодий ўзлаштириш нақадар муҳим бўлса, бундай табаррук зотларнинг ҳаёти ва вафоти билан боғлиқ қадамжолар тарихини ўрганиш ҳам шунчалик катта аҳамият касб этади. Ислом маданияти ва тарихини акс эттирувчи тарихий обидалар Сурхондарё вилоятида ҳам асрлар мобайнида асраб-авайлаб келинмоқда. Термиз туманидаги ал-Ҳаким ат-Термизий, Кокилдор ота, Қирқ қиз, Султон Саодат, Шерободдаги Исо Термизий, Атоулло Саид Ваққос, Узун туманидаги Абу Ҳурайра, яъни Оқ Остона бобо ва бошқа зиёратгоҳлар шулар жумласидандир. Бу мақбаралар маҳаллий аҳоли доимий равишда зиёрат учун борадиган муқаддас қадамжолар, руҳий покланиш ҳамда маънавий юксалиш масканлари бўлиб ҳисобланади.

Юртимизда маданий меросимиз, миллий ва диний қадриятларимизни ўрганиш ва ривожлантириш борасида катта имкониятлар яратилди. Муҳими, кўҳна тарихимизга муносабат тубдан ўзгариб, унинг маънавий-руҳий илдизларидан бири – Ислом дини асослари тўғри талқин этилмоқда. Тарихимиз ва буюк аждодларимиз меросига бўлган қизиқиш кун сайин ортиб боряпти. Зеро, Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Ҳамма ўз тарихини улуғлайди. Лекин бизнинг мамлакатимиздагидек бой тарих, боболаримиздек буюк алломалар ҳеч қаерда йўқ. Бу меросни чуқур ўрганишимиз, халқимизга, дунёга етказа билишимиз керак[1].

2017 йилда Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан Термиз шаҳрида Имом Термизий халқаро илмий тадқиқот маркази ва Самарқандда Вазирлар Маҳкамаси

---

* *Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти проректори*

[1] Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 21 декабрь куни Ўзбекистон Ислом цивилизацияси маркази қуриладиган ҳудудга ташрифи давомидаги нутқидан.

ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисидаги Қарори чиқди.

Республикамизда маънавий-маърифий соҳага оид ишларнинг самарадорлигини ошириш, ёшларимизни диний ақидапарастлик ва экстремизм хатаридан ҳимоя қилиш мақсадида диний таълим ишларини такомиллаштириш бўйича кенг кўламда тадбирларни амалга оширишга эътибор қаратилмоқда. 2018 йил Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ҳадис илми мактаби, тарихий-меъморий аҳамиятга эга зиёратгоҳларни сақлаш, таъмирлаш, ободонлаштириш, уларнинг инфратузилмасини янада ривожлантириш, юртимиздаги муқаддас зиёратгоҳ ва қадамжоларнинг мусулмон дунёсидаги нуфузини янада ошириш, бу масканларга маҳаллий ва хорижий фуқароларнинг зиёратларини уюштириш, зиёратчилар учун зарур шароитлар яратиш мақсадида “Вақф” хайрия жамоат фонди ташкил этилди.

Ҳукуматимизнинг ушбу қарорлари ислом илмларини том маънода маърифат ва маданият даражасига олиб чиқиши ҳамда юртимиздан етишиб чиққан кўплаб алломалар ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан 2007 йилда Тошкент ва 2020 йилда Бухоро шаҳрини ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси тарихида алоҳида мавқеъга эга эканидан яна бир далолатдир.

Сурхон воҳасининг ўзига хос қадимий, тарихий обидалари қадимшунослар томонидан мукаммал ўрганилиб, муқаддас зиёратгоҳларнинг ҳудуди, географик жойлашуви, архитектураси ва меъморчилигини илмий ўрганиш масаласида бир қатор натижаларга эришилди. Чунки Сурхондарё ислом оламида алоҳида ҳурматга сазовор бўлган Ҳаким Термизий (ваф. IX а. охири), Варроқ Термизий, Юсуф Ҳаёт Термизий, Имом Термизий (824/825-892), Абул Музаффар Термизий, Саййид Бурҳониддин Ҳусайн Термизий (ваф. 1240 ёки 1275/76) ва бошқа юзлаб Термизий нисбаси билан танилган алломаларга бешик бўлган юрт дея эътироф этилади.

Қадимда Буюк Ипак йўлида жойлашган Сурхон воҳаси буддавийлик, зардуштийлик, христианлик, каби турли динларнинг шаклланишига ва тараққий этишига асос солган ҳудуд бўлиб[2], Сополлитепа, Жарқўтон, Айритом, Термиз, Далварзинтепа, Холчаён, Фаёзтепа, Қоратепа каби милоддан аввалги ва милоднинг бошларига оид қадимий археологик ёдгорликларида ўзига хос муқаддас диний обидалар, зиёратгоҳлар пайдо бўлганлиги фанда асослаб берилган[3].

Термиз Ўзбекистон ҳудудида энг қадимги шаҳар бўлиб, архитектура комплекслари шаклланган, буюк аллома ва авлиёлар дафн этилган муқаддас зиёратгоҳларни ўзида мужассам этган йирик маданият ўчоғи ҳисобланган. Мусулмон

---

[2] Хашимов М.А. Религиозные памятники Центральной Азии. – Алматы: Издательство «САГА», 2001. – С. 8–22.

[3] Марказий Осиё динлари тарихи / Масъул муҳаррир: Ёвқочев Ш.А. – Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2006. – Б. 69–73.

географлари, сайёҳлари ва элчилари ушбу қадамжолар ҳақида кўплаб маълумотлар келтирган[4].

Ҳаким Термизий зиёратгоҳи X–XIV асрларга тегишли меъморий ёдгорлик бўлиб, Термиз туманида жойлашган. IX асрда яшаб фаолият олиб борган, сўфийлик, ҳакимийлик жамоасининг ташкилотчиси, машҳур термизлик олим, қатор диний-фалсафий асарлар муаллифи, йирик зоҳид – Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳусайн Ҳаким Термизий номи билан боғлиқ. Ушбу қадамжо нафақат вилоятда, балки ислом оламидаги энг йирик зиёратгоҳлардан бири ҳисобланади[5].

Қирқ қиз мажмуи Термиз тумани "Намуна" жамоа хўжалигида жойлашган. IX–XIV асрларга оид бу ёдгорлик Ҳаким Термизийнинг қизи – Термиз тумани Қирқ қиз қалъаси маликаси Ҳурайда бинт Муҳаммад Ҳаким ва Варроқ Термизийнинг қизи – қалъа бошлиғи Руҳайда бинт Варроқларнинг мақбаралари ҳисобланади[6].

Кокилдор ота зиёратгоҳи XII асрга оид ва ушбу қадамжо Ҳаким Термизийга алоқадор ҳисобланади. Кокилдор ота –Ҳаким Термизийнинг куёви, яъни унинг қизи Ҳурайда бинти Муҳаммаднинг умр йўлдошидир. Асл исми Сомон Ашур (370/980-81) бўлган, ушбу машҳур хаттот олим ва кўплаб бебаҳо асарлар муаллифи ўзи учун қурилган "Кўшки Кокилдор"га қўйилган[7].

Манбаларда келган маълумотларга кўра, Шайбонийлардан бўлган Абдуллоҳхон 1573 йил Балхни қамал қилишда Саййид Абдуллоҳ Термизийнинг ўғли Мир Арабнинг уйида қўним топган. Абдуллоҳхон Термизда бўлганида Ҳаким Термизий ва Абу Бакр Варроқ Термизийнинг мазорларини зиёрат қилган[8].

Маълумки, ўлкага ислом дини кириб келгандан сўнг маҳаллий анъаналар исломий маданият билан уйғунлашиб, IX-X асрларда Сурхон воҳасида меъморчиликнинг янада ривожланиши туфайли муқаддас қадамжолар, масжид, мадрасалар қурилиши амалга оширилган. Термиз ва Чағаниёнда ўзига хос меъморчилик намуналари уламо-ю авлиёларнинг мазорлари устига мақбаралар қурилгани бундан далолат беради.

Шунингдек, вилоятда зиёратчилар билан гавжум Хўжаи Пирях (Қари муз хўжаси), Чашмаи дивонаҳо (Девоналар булоғи), Боғи Шайхо (Шайхлар боғи), Шаҳидон мазороти (Шаҳидлар мазори), Писта мазороти, Ҳовуз мазороти, Хўжамқара мазороти, Қўтирбулоқ зиёратгоҳи, Чашмаи Бибиҳур – Бибинур мазори, Чашмаи Соро, Мазори тўқ, Хўжаи Мурид, Дарвозаҳо, Қирқ қиз, Хўжаи Асмин каби зиёратгоҳлар ҳам бор. Муҳими, зиёратгоҳларнинг дарё, ариқ, булоқ, кон, ҳунармандчилик, деҳқончилик,

---

[4] Абу Са'д 'Абд ал-Карим ибн Муҳаммад ибн Мансур ат-Тамимий ас-Сам'оний. Ал-Ансоб: 1-жилд (6 жилдли). / Муҳаммад 'Абд ал-Қодир 'Ато' ҳошиялари билан. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийа, 1419/1998. – Б. 482–485.

[5] Усмонов И. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг «Наводир ал-усул» асари – ҳадис ва тасаввуф илмига оид муҳим манба: тар. фан. номз. ... дис. автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2007. – Б. 13–14.

[6] Аҳмад Устурлобий ас-Сағоний ат-Термизий. Илм ан-нужум. – ЎзР ФАШИ. – қўлёзма № 8147.

[7] Сомон Ашур Ҳамзаи Ҳофиз Кокилдор. Шажарот ал-калом. Тошкент, тошбосма. Хўжамшукурова Гулсумнинг шахсий кутубхонасида сақланмоқда. – Термиз шаҳри. – Б. 15.

[8] Мирзо Ж. Термиз тарихи. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 71.

чорвачилик, дарахт, турли доривор ўсимликлар ўсадиган ҳудудларда шаклланиши асосан географик ҳолат билан боғлиқлигини намоён қилади. Муқаддас жойларнинг ҳудудида қадимий дарахт ёки булоқ мавжудлиги, уларнинг тепаликлар, адирликларда, қадимий қалъалар атрофида жойлашганлиги аҳоли маънавий ҳаётида муҳим аҳамият касб этади.

Халқимиз орасида улуғланган аллома-ю авлиёларнинг қадамжоларига бориб, зиёрат қилиш ва шундай азиз масканда тоат-ибодат қилиб, улар орқали Яратгандан ўз ниятларини сўраш одатлари шаклланиб қолган. Шариатимиз кўрсатмаларига кўра қабрларни зиёрат қилиш суннат амаллардандир. Имом Термизий бобомиз ривоят қилган ҳадиси муборакда Пайғамбаримиз соллоллоҳу алайҳи ва саллам Мадинаи мунаввара ғижрат қилиб келганларидан кейин шундай марҳамат қилганлар:

"كُنْتُ نَهَيْتُكُمْ عَنْ زِيَارَةِ الْمَقَابِرِ أَلَا فَزُورُوهَا فَإِنَّهَا تُذَكِّرُكُمُ الْآخِرَةَ"
(رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ)

яъни: ***"Сизларга қабрлар зиёратини тақиқлаган эдим. Мана, энди қабрларни зиёрат этаверинг, зеро у сизларга охиратни эслатади"***.[9]

Термиз туманидаги Ҳаким Термизий (IX–X аа.) зиёратгоҳи бутун мусулмон олами, республикамиз ва вилоятимиздаги таниқли зиёратгоҳлардандир. Бу жойга араб давлатларидан, республикамизнинг турли вилоятлари, туманларидан жуда ҳам кўп зиёратчилар келишади.

Термиз туманидаги Султон Саодат мақбаралар мажмуи (XI–XIX аа.) нафақат вилоят ёки республикада, балки бутун мусулмон оламида таниқли зиёратгоҳдир. Зиёратчилар марҳумлар ҳаққига Қуръон тиловат қилишади, баъзилари жонлиқ олиб келиб, садақа қилишади.

Шеробод туманидаги Абу Исо Термизийнинг (824-892) зиёратгоҳи бутун мусулмон оламида машҳур олтита муҳаддислардан бирининг табаррук бўлган аждодимиз қабридир. Ушбу зиёратгоҳга республикамиз вилоятлари, туманларидан ташқари, Саудия Арабистони, Афғонистон, Покистон, Туркия, Индонезия, Малайзия ва қўшни Республикаларимиздан ҳам зиёратчилар келишади.

Қумқўрғон туманидаги Хожа Самандар Термизий (XVII–XVIII аа.) зиёратгоҳи вилоят миқёсида машҳур бўлиб, у ерда Термиз саййидлари авлодидан бўлган машҳур, ҳуқуқшунос, арбоб, қаҳрамон, тарихчи Хожа Самандар Термизийнинг қабри мавжуд.

Сурхондарё вилояти, Олтинсой туманидаги Катта Вахшивор деган тоғли қишлоқда Марказий Осиё Нақшбандия тариқатининг йирик намоёндаси, туркий тасаввуф адабиётнинг машҳур вакилларидан бири, мутасаввиф шоир, адиб, йирик аллома Сўфи Оллоёр зиёратгоҳи мавжуд.

Сўфи Оллоёр тахминан 1634 йилда Самарқанддаги Каттақўрғон мавзеъида, солиҳ-тақводор Оллоқули хонадонида дунёга келади. У ёш пайтиданоқ савод чиқаради, яъни олти ёшларидаёқ Қуръони Каримни ўқиб туширади. Дастлаб Шайхлар қишлоғида таълим олиб, сўнгра 12 ёшида Бухорога бориб "Жўйбор" мадрасида

[9] Абу Исо ат-Термизий. Сунани Термизий. Т. 1. – Т.: Адолат, 1999. Б.28.

ўқишни давом эттиради. Сўфи Оллоёр ўзининг иқтидори, қобилияти, донолиги туфайли мадрасани имтиёзли тугатиб, Бухоро хонининг эътиборига тушади, мақтов ёрлиғи билан мукофотланиб, 25 ёшида хонликнинг божхона-солиқ тўралиги лавозимига тайинланади. Бу лавозимда ҳалол ва фидоийлик билан ишлаб хонлик хазинасини бойитишга муносиб хисса қўшади. У халққа шариат ва тасаввуф таълимотини тушунтириш мақсадида Тожикистон ва Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларига (Панжикент, Ургут, Шаҳрисабз, Ғузор, Дехқонобод, Бойсун, Шеробод, Қабадиён, Қоратегин, Ҳисор, Деҳнов ва бошқа жойларга) сафар қилиб, у ерларда бир неча йиллар яшаб толиби илму ирфонларга шариат ва тариқат аҳкомларидан таълим беради. Сўфи Оллоёр забардаст шоиргина эмас, айни пайтда йирик мутафаккир, олим ҳамдир. У "Махзанул мутеъийн" асарини араб тилида, 2Маслакул муттақин" ва "Муродул орифин" асарларини форс тилида, "Саботул ожизин" китобини ўзбек тилида ёзиб, ислом оламига улуғ мерос қолдириб кетган.

Сўфи Оллоёр китоблари қадимда мадрасаларда, халқ орасида кенг ўқитилганлиги учун ҳам унинг номи ва китоблари машхур бўлиб кетган. Сўфи Оллоёрнинг "Саботул ожизин" китоби одамлар орасида "Мағзи Қуръон" сифатида эътироф этилган ва асарни баъзилар ёддан билишган. Сўфи Оллоёр асарлари жуда кўп марта қўлёзма сифатида кўчирилган ва нашр қилинган. Улуғ олимнинг "Маслакул муттақин" асари Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Эрон, Ироқ, Татаристон ва бошқа ўлкаларда бир неча бор чоп этилган.

Муқаддас жойларга дафн этилганларнинг кўпчилиги Сурхон воҳаси ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига, дунёвий ва диний билимларнинг ривожланишига ҳар томонлама муносиб ҳисса қўшиб, халқимизнинг ҳурматига сазовор бўлган шахслардир. Ушбу тарихий шахслар яратган дунёвий ва диний илмлар асрлар оша барҳаёт бўлиб, халқимизнинг маънавий-маърифий ҳаёти ривожидаги аҳамияти ҳамда маданиятимизнинг жаҳон цивилизацияси тарихига қўшган ҳиссаси билан ажралиб туради.

Шу туфайли буюк шахслар тарихини ўрганиш, муқаддас қадамжоларини ободонлаштириш, маънавий меросини ёш авлодга ўргатиш муқаддас бурчимиздир.

Қабрга бориб, қабрда ётган кишини тавоф қилиш, ундан ўз ниятларини сўраш динимиз таълимотида мумкин эмас. Қабристон зиёрати охиратни эслатади. Кишиларнинг кибрланиб, ҳаволаниб кетишига йўл қўймайди. Уларнинг Аллоҳдан қўрқишига ва ножўя ишлар қилмаслигига имкон яратади.

Зиёратгоҳларда фаолият юритаётган ходимлар ва зиёратчиларнинг ислом тарихидан хабардор бўлиши, диний мадраса, масжид билан бевосита боғланиши ҳамда мукаммал холисона диний билимни ўзлаштириши долзарб масаладир.

Хулоса қилиб айтгнда юртимизда бой меъморчилик ва ҳунармандчилик анъаналари тараққий этиб, моддий маданият ҳар томонлама ривож топган. Минтақага ислом дини кириб келгач, маҳаллий анъаналар исломий маданият билан уйғунлашган ҳолда юксалиб борган. Сурхон воҳасида ҳам бундай жойларда зиёрат этувчиларнинг сони кўп бўлганидан махсус бинолар, хонақоҳлар ҳам барпо этилгани тарихий манбаларда акс этган.

Сурхондарёдаги муқаддас зиёратгоҳларнинг шаклланиши илк даврлардан бошланиб, ўрта асрларгача давом этиб турган. Муқаддас зиёратгоҳларнинг шаклланишига маҳаллий халқнинг мифология олами, дунёқараши ва анъаналари, одатларининг тарихий жараёнлари ҳамда зиёратгоҳларнинг географик муҳити ўз таъсирини ўтказиб келган.

Сурхон воҳасида жойлашган муқаддас зиёратгоҳлар уларда дафн этилган маънавият қаҳрамонлари ўзларининг инсонпарварлиги, ватанпарварлиги, илму маърифатга бағишлаган умрлари жаҳон маънавияти ривожига муносиб қўшилган ҳиссадир. Бу мерос ёш авлодни юксак маънавий тарбиялашда чексиз имкониятлар яратади.

Муқаддас зиёратгоҳлар билан боғлиқ алломалар ва авлиёлар, уларнинг тарихи, жамият маънавияти ривожига қўшган ҳиссаси, илмий салоҳияти, башоратлари, карамотлари, устоз-шогирдлик мактаблари, давлатчилик ривожига таъсири ҳамда иқтисодий-маданий, маънавий жараёнларни акс эттириши кишилар ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди.

Юртимиздаги муқаддас зиёратгоҳлар, мақбаралар, қадамжолар ҳам диний, ҳам миллий қадриятлардан саналади. Шундай бўлгач, уларнинг диний-маърифий ва илмий-маънавий хулосаларга асосланган тарихини чуқур ўрганишимиз лозим. Шундагина ўсиб келаётган ёш авлод онггида соғлом эътиқод, алломаларимиз меросига нисбатан меҳр-муҳаббат уйғота оламиз.

Сурхондарё вилоятидаги бой тарихга эга қадамжолар, муқаддас зиёратгоҳлар ҳудудда зиёрат туризмини жорий этиб, нафақат маҳаллий балки, хорижлик сайёҳлар оқимини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида воҳанинг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиб, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини оширишга алоҳида эътибор қаратган эди. Шунга мувофиқ вилоятда туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури қабул қилиниб, ҳудуднинг янгиланган, замонавий қиёфасини яратиш, транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш, хориждан ташриф буюраётган сайёҳларга сифатли хизматлар кўрсатиш каби муҳим масалаларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу ўз ўрнида зиёрат туризми имкониятларидан унумли фойдаланишга қулай муҳит яратади.

Хулоса қилиб айтганда муқаддас қадамжолар жойлашган шаҳар ва туманларда савдо-сотиқ, ҳунармандчилик ва йўлларни ободонлаштириш каби хайрли ишларга асос бўлади. Азиз-авлиёларимиз муқаддас ҳоки қўйилган бу масканларни ободонлаштириб, зиёратчи сайёҳларнинг таҳорат қилиши, намоз ўқиши учун замонавий қулайликлар яратиш, “ҳалол” стандартини жорий этиш ҳудудда зиёрат туризмини янда ривожаланишига сабаб бўлади.

СЎФИ ОЛЛОЁРНИНГ “МУРОД УЛ-ОРИФИЙН” АСАРИДА “СЎФИ” СЎЗИНИНГ ТАЪРИФИ

Умарали Улжаев*

Аннотация. Мақолада Сўфи Оллоёрнинг “сўфи” сўзининг таърифига илмий ёндашуви ва бу атаманинг тасаввуфий жиҳатдан ёритилишига илмий таҳлилий ёндашилган. Айнан муаллифнинг ўзи “Сўфи” мақомидаги шахс бўлганлиги боис бу атама кенгроқ ва муфассалроқ ёритилган.

Калит сўзлар: Шариат, илм, ахлоқ, тарбия, тасаввуф, суфий, муҳаққиқ, атама, асар, тариқат.

Abstract. In the article, Sufi Olloyor's scientific approach to the definition of the word "Sufi" and the mystical explanation of this term are presented. It is precisely because the author himself was a person of the status of "Sufi" that this term is covered in a wider and more detailed way.

Keywords: Sufi Allahyar, «Murad ul-Arifin», mysticism, Sufi, sect, truth, enlightenment.

Сўфи Оллоёр (1644-1724) тасаввуф аҳлининг ёрқин намояндаси Нақшбандия тариқатининг давомчиси Мотуридия ақидасининг шориҳи сўфи мақомида сифатланган тасаввуфий шоир. Ўз асарларида Ислом ақидаси ва шаръий фиққни назмий ғазал жанрида баъзи ўринларда насрда баён қилган бетакрор аллома. Асарлари ўз замонасидаёқ дарслик қўлланма бўлиб, мадрасаларда ўқитилган ва бу жараён то XX аср бошларигача давом этган.

Унинг “Мурод ул-орифийн” (Орифларнинг мурроди) асарининг бошланишида “Сўфи” сўзи айнан ўзи томонидан орифона қарашлар ва исломий ақийдага юғрилган ҳолда тасвирланган. Айнан Мурод ул-орифийн асари мисолида олиб қарайдиган бўлсак, муаллиф мавзуларни ёритишда илмий жиҳатига эътибор қаратган. Биргина “Сўфи” сўзини ёритишда Қуръон ва ҳадис ва ўзигача ёзилган ишончли манбалардан иқтибос келтирган.

У иқтибос келтирган асарлар ичида Абубакр Муҳаммад Калобозий “Шарҳ ут-таарруф фи мазҳаб ит-тасаввуф” асари муҳим ўрин тутади.

Унда сўфиларнинг сифати шундай таърифланган: “Сўфиларнинг “сўфи” дейилишининг боиси шундаки, уларнинг сири соф ва покиза эрур. Уларнинг сирринининг зоҳирий ораста кўринишининг асари ва поклиги шундаки, улар қалбини Ҳақдан бошқасидан пок тутадилар. Худодан бошқасидан умид қилмайдилар, ундан бошқасидан қўрқмайдилар, ундан бошқасини севмайдилар, ундан бошқасидан ором топмайдилар, ундан бошқасига суянмайдилар. Улардан нимадир нобуд бўлса қалблари у билан машғул бўлмайди[1]”.

Сўфи Оллоёр “Сўфи” сўзини таърифида ўз қарашларини асосан Қурони карим ва ҳадислардан далил келтириш орқали сўфиларнинг ботиний сифатларини кенг шарҳлайди. Унинг шарҳлашича: “Сўфиларнинг сирлари софлиги ва унинг нишоналари

---

* *Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими*

[1] Абубакр Муҳаммад Калобозий. Шарҳ ут-таарруф фи мазҳаб ит-тасаввуф. – Б.11.

зоҳирий покликда намоён бўлади. Ҳамда сўфи шундай кишики, нимаики қилса ундан риёни хоҳламайди ва нафсида манманлик қилмайди, қилган ишида тамаъгирлик ҳам қилмайди. Қанча кўп хизмат қилмасин ўзини камтар тутади. Камтар киши ўзини тамаъгирликдан тийиши ҳамда биров қилган ишни ўзим қилдим дейишдан қўрқиши керак. Айнан шундай қилишлик бу кибр ҳисобланади ва у ширкка яқин ишдир. Айримлар айтадиларким, сўфи дейилишининг сабаби шундаки, улар биринчи сафдадирлар ҳамда сўфи шундай кишики, бир лаҳза ҳам ўзини қалбини Ҳақ таоло ёдидан ғофил қўймайди. Намоз бу хизмат бўлиб, қибла томон юзланмоқ керак. Каъба қибласидан юз ўгирмоқ намоз вақтида ҳаромдир. Юзни батамом қибладан олиб қочиш намознинг фасодига сабаб бўлади. Қалб мушоҳада ўрнидир ва унинг қибласи каъбанинг Худосидир. Қибладан юз буриш энг ҳаром ва энг фасод ишлардандир"[2].

Сўфи сўзи Пайғамбар алайҳиссалом давридаги "Аҳли суффа"дан олинганлигини Сўфи Оллоёр ҳам таъкидлайди: "Баъзилар айтадиларки, уларни сўфи дейилишининг сабаби шундаки, улар "Аҳли суффа"га яқинроқдир. Улар пайғамбар алайҳиссалом замонларида у зотга яқин жойда яшаб ўтганлар[3]". Айнан ушбу иқтибосдан маълум бўладики, Сўфи Оллоёр мавзуга чуқур ёндашган ва атрофлича ўрганган. Маккадан Мадинага ҳижрат қилган фақир муҳожирларни ҳам сўфи мақомида кўради ва Қуръон оятида келган муҳожирларни мисол тариқасида кўрсатади. Сўфи ва тасаввуф атамалари кейин пайдо бўлишига қарамасдан унинг асли Исломнинг аввалидан бошланганини таъкидлайди ва уларнинг сифати муҳожирларда борлигини баён қилиб ўтади. "Уларнинг сифатини Ҳақ таоло Қуръони каримда эслаб ўтган: **" Улар фақир муҳожирларки, ўз диёрларидан ва мол-мулкларидан жудо қилинган эдилар[4]"** дея ушбу оятни далил сифатида келтиради. Ҳамда сўфиларни дунёдан мосуво бўлиб касб-кор қилолмаслигини қуйидаги оят билан: **"Аллоҳнинг йўлида тутилган, ер юзида касб қилишга қодир бўлмаган[5]"** ва уларнинг тамаъгирлик қилмаслигини ушбу: **"Одамлардан хиралик қилиб сўрамаслар[6]"** ояти билан сифатлайди. Ҳамда оятлар асосида қуйидагича таърифлайди: "Ҳар ким ҳақиқатда сўфи бўлса, унинг сифатлари айнан шундай бўлади, токи бу номга лоиқ бўлсин. Уларким сўфиларни аҳли суффа сифати билан таърифлаб уларга мансуб дедилар, сабаби шулким улар ватанидан қувилиб, қорнилари оч, оғизлари чанқоқ, ялонғоч ҳолда юрдилар фақатгина очликни олдини олиш мақсадида едилар ҳамда сатри аврат ва қийинчиликни енгиш учунгина кийиндилар. Токи дунёда бор эдилар дунёсиз ўтдилар. Зеро дунё молни кўп йиғувчи ва фахрланувчи кишиларникидир[7]". Кейинги ўринда Сўфи Оллоёр сўфиларнинг айрим сифатларини оятлар орқали таъвил қилади: **"Улар тавба қилувчилар, ибодат қилувчилар, ҳамд айтувчилар, рўза тутувчилар, рукуъ қилувчилар, сажда қилувчилар, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарувчилар, Аллоҳнинг чегарасида**

---

[2] Сўфи Оллоёр. Мурод ул-орифийн. 7-бет.

[3] Сўфи Оллоёр. Мурод ул-орифийн. 7-бет.

[4] (Ҳашр,8)

[5] (Бақара, 273)

[6] (Бақара, 273)

[7] Сўфи Оллоёр. Мурод ул-орифийн. 8-бет.

турувчилардир[8]". Айнан оятда сўфиларга хос бўлган сифатлар мўминларда намоён бўлишини баён қилади.

Сўфиларнинг яна бир хислати шундаки, улар ер юзни саёҳат қилади. Бунга далил ўлароқ қуйидаги оятларни мисол келтиради: **"Ер юзида саёҳат қилинг[9]".** Макка мушриклари мўминларга озор берганда Аллоҳ таоло уларни саёҳатни тарк қилганлари сабаб итоб қилиб дейди: **"Аллоҳнинг ери кенг эди-ку, ҳижрат қилсангиз бўлмасмиди?![10]"**

Сўфи Оллоёр айнан бу оятларни ўз мақоми бўйича шарҳлар экан сафарга чиққан сўфилар қандай хислатларга эга бўлишини қуйидагича таърифлайди: "Сўфилар тоифасининг ватандан чиқишларининг сабаби шундаки, одамларнинг ватан билан улфатлиги бор. Сўфиларнинг Ҳақ таолодан бошқаси билан улфатлиги йўқ, ҳамда уларнинг ватандан узилиши Расул алайҳиссалом ва саҳобаи киром ҳаётига мувофиқлиги бор. Улар ватанларидан айро бўлиб, ғурбатда яшаб ғарибликда ўлдилар. Бунинг бир фойдаси борки, ғарибликда яшаган киши ўз ҳаддини билади ва бадахлоқлик қилолмайди. Ҳар ким Расул алайҳиссалом ва саҳобаи киром йўлидан боришни даъво қилса, уларга мувофиқ бўлиши лозим бўлади. Дўстлар ва қаридошлардан узилиш сабаби шундаки, уларга суяниш мумкин. Бандаларга суяниш дуруст эмас. Бандаларга суяниш қанақасига дуруст бўлсинки, ҳожат пайтида уларни тополмайсан. Сўфилар тоифаси бир жамоаки, иззатдан кўра хорликни, бойликдан кўра фақирликни ихтиёр қилганлар[11]".

Сўфи Оллоёр сўфи сўзининг таърифида давом этар экан сўфиларнинг мақоми зоҳидларнинг мақомидан устун эканини Ҳотами Асамм ҳикояси билан давом эттиради: "Бир ҳикоятда келганки, Ҳотами Асам Бағдодга келди. Халифага фалончи келди деб айтишди. Халифа уни кўриш учун одам юборди. Ҳотам келиб деди: "Ассалому алайкум эй зоҳид!" Халифа айтди: "Мен зоҳид эмасман дунё менинг фармоним остидадир, зоҳид сенсан!" Ҳотам деди: "Йўқ! Балки, зоҳид сесан". Аллоҳ таоло айтганки: **"Дунё матоҳи оздир[12]"** Зоҳид шундай кишики, озга қаноат қилади. Мен токи асл мақсадимни ҳосил қилмас эканман қаноат қилмайман. Модомики шундай экан қандай зоҳид бўлишим мумкин[13]".

Сўфиларнинг яна бир сифати таваккул бўлиб, Қуръони каримнинг қуйидаги оятини далил келтиради: **"Ва барҳаёт, ўлмайдиган Зотга таваккул қил[14]"** Ҳамда таваккул қилиш қандай бўлишини баён қилади: "Тирик бўлган Зотга таваккал қилиш керакки, у ҳеч қачон ўлмасин ва ўзгармасин. Сен ким билан суҳбат қурсанг ўзини муродини излайди сендан тополмагач юз ўгиради[15]".

---

8 (Тавба, 112)

9 (Тавба, 2)

10 (Нисо,97)

11 Сўфи Оллоёр. Мурод ул-орифийн. 9-бет.

12 (Нисо, 77)

13 Сўфи Оллоёр. Мурод ул-орифийн. 9-бет.

14 (Фурқон, 58)

15 Сўфи Оллоёр. Мурод ул-орифийн. 9-бет.

Сўфи Оллоёр сўфиларнинг таърифида давом этар экан уларнинг бироз дунё излаши жоиз эканлигини ўқтиради. Сўфиларнинг дунёга бўлган муносабатини қуйидагича шарҳлайди: “Сўфиларнинг дунёни ихтиёр қилмаганининг сабаби шундаки, дунё мазаммат қилинган. Очликнинг олдини олиш ва авратни беркитиш миқдорида дунё излаш жоиз бўлади. Уч сабабга кўра дунё олинади. Бир сабабга кўра дунё йиғиш ҳаром бошқа бир сабабга кўра мубоҳ яна бир сабабга кўра фарз ҳисобланади. Охират азобидан қўрқиш сабабидан дунё ҳаром бўлади. Ҳисобни ўйлаб дунёдан юз ўгириш мубоҳдир. Очлик ва авратни беркитиш сабабидан бироз дунё излаш фарздир. Бунинг учун азоб ҳам ҳисоб ҳам йўқ балки савоб бордир”.

Сўфи сўзи аслида “сувф” (жун) сўзидан олинган деган қарашга Сўфи Оллоёр ҳам тўхталиб ўтади: “Айрим уламолар айтадики, уларнинг “сўфи” деб аталишига жунли кийим кийиб юришлари сабаб бўлган. Пайғамбар алайҳиссаломдан шундай хабар келган: **“Ким жунли либос кийса, қалби юмшайди”.** Уларнинг қадимда жун кийиши бугунги кундаги жун кийиб юрганларга ўхшамайди. Бу исм билан аталишларининг сабаби кўпдир. Биз бу ўринда қисқа баён қилдик”. Бу ўринда муалиф мазкур сўзнинг таърифида манбаларни обдон ўрганиб, мавзуга доир бўлган барча маълумотни жамлаганини кўриш мумкин.

Сўфилар ҳар доим ҳам муқим бўлиб яшамаслиги баъзи ҳолларда сафарга чиқиши ҳам уларнинг бир кўриниши эканлигини ҳам таъкидлайди: “Ҳамда бу китобларда келганки, бу тоифанинг баъзи сайёҳлари қийинчилик пайтларида уларнинг саҳроларда кезиб ғорларга киришларининг маъноси шуки улар ўзларини динини асраб қолганлар. Пайғамбар алайҳиссалом айтадиларки: **“Инсонларга бир замон келадики, чўққидан чўққига тоғдан тоғга қочмаса дини саломат қолмайди[16]”.** Шунингдек, ғорни ихтиёр қилишликнинг аслини “Асҳоби каҳф”дан олганлар. Улар ўз қавмидан кўнгли қолиб қочиб бориб ғорга кирдилар. Ҳақ таоло уларни қуйидаги оятда “мардлар” деб атади. **“Албатта, улар Роббиларига иймон келтирган мардлардир[17]”.** Ҳамда бунинг аслини Пайғамбар алайҳиссаломдан ҳам олдилар. У зот Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу билан бирга ғорга бордилар. Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай дейди: **“Улар икковлон ғорда турганларида, у шеригига, хафа бўлма, Аллоҳ, албатта, биз билан, деди[18]”.**

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Сўфи Оллоёр ўзи сўфи мақомида бўлган тариқат пешвоси бўлган. Сўфилик мақоми ва унга қандай амалда эришиш мумкинлигини кўрсатиб берган тасаввуф раҳнамоси эди. Унинг қарашларидан шуни тушуниб етамизки, “сўфи” ва “тасаввуф” сўзлари Ислом ёйилиш давридаги манбаларда учрамасдан кейинчалик пайдо бўлишига қарамасдан сўфилар бор бўлган. Баъзи тасаввуф инкорчилари мазкур терминлар дастлабки ислом манбаларида учрамаслигини пеш қилиб буткул тасаввуф йўналишини инкор қилади. У сўфи деганда Пайғамбар алайҳиссаломга ваҳий келгандаги ҳолатдан бошлаб мўмин

---

16 .....

17 (Фурқон, 58)

18 (Тавба, 40)

мусулмоннинг ҳар бир эзгу амалини сўфиларнинг сифати деб баҳолайди. Бир сўз билан айтганда Ислом кўрсатмаларига оғишмай амал қилган ҳар бир мусулмон сўфий ҳисобланади. Сўфийлик сифатини тарғиб қилишдан мақсад инсонларни ҳалол-пок яшашга ундаш, маънавий баркамол қилиб тарбиялаш мақсад қилинган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Қуръони карим ва ўзбек тилидаги маънолар таржимаси. Туркия: “Диёнат ишлари бошқармаси”, 2021.
2. Абу Иброҳим Мустамлий Бухорий. Ҳасан Манучеҳр тадқиқи. Шарҳ ут-таарруф фи мазҳаб ит-тасаввуф. Теҳрон: “Донишгоҳи Теҳрон”, 1967.
3. Сўфи Оллоёр. Мурод ул-орифийн. Теҳрон: “Интишороти сухан”, 1965.
4. Мирзо Кенжабек. Буюк Термизийлар. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. 2017.
5. Абу Исо Термизий. Сунани Термизий. Байрут: Дор ул-кутуб ал-илмия. 1971.
6. Абдулмажид Онарбой. Ан-Наъйм ул-кабир. Арабча ўзбекча луғат. Тошкент: “Муҳаррир нашриёти” 2021.

“СУНАНИ АБУ ДОВУД” АСАРИ УСТИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ИЛМИЙ ИШЛАР

Махмуд Абдурахманов Аликулович*

Аннотация. Ислом оламида олтита саҳиҳ ҳадис китобларининг ўрни жуда ҳам баланд. Мусулмон уммати бу китобларни билиттифоқ қабул қилган. Шунинг учун уламолар ҳар даврда ушбу китобларга кўплар шарҳлар, ҳошия ва таълиқла ёзган, улар устида турли хил илмий изланишлар олиб борган. Олти саҳиҳ асарларнинг учинчиси бўлмиш “Сунани Абу Довуд” асари борасида ҳам мана шундай ишлар жуда кўп. Уларни ҳақли равишда иккига: қадимги ва замонавий илмий ишларга бўлишимиз мумкин. Енди қуйида ана ўша ишлар билан танишиб чиқамиз[1].

Калит сўзлар: Олти саҳиҳ, “Сунани Абу Довуд” асари, шарҳ, ҳошия, илмий ишлар, тадқиқот.

Abstract. Six authentic hadith books have a very high place in the Islamic world. The Muslim Ummah accepted these books unanimously. That’s why scholars have written many commentaries, notes and explanations on these books in every era, and have conducted various scientific researches on them. There are a lot of such things about Sunani Abu Dawud, the third of the six sahih works. We can rightfully divide them into two: ancient and modern scientific works.

Keywords: Six sahih, «Sunani Abu Dawud», explanation, margin, scientific works, research.

Биринчи бўлим: Қадимги илмий ишлар:

Ҳожи Халифа “Кашф аз-зунун”[2] асарида, Карл Броккелман “Араб адабиёти тарихи” асарида, Фуат Сезгин “Араб илмий мероси тарихи” асарида “Сунани Абу Довуд” асари устида олиб борилган ўттизга яқин илмий ишлар ҳақида айтиб ўтишган.

---

* *Ўзбекистон халқаро ислом академияси 2-курс докторанти, Ҳадис илми мактаби, “Ҳадис илмлари” кафедраси мудири*

[1] “Сунани Абу Довуд” асари борасида замонавий тадқиқотлар ва ижодий ишлар ҳақида қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манбааларга мурожаат қилинсин:

1. Муҳаммад Хойр Рамазоннинг “Ал-Муъжам ал-мусаннаф ли муаллафат ал-ҳадис аш-шариф” асари;
2. Муҳаммад Хойр Рамазоннинг “Ад-Далил ал-жадид ли муаллафат ал-ҳадис аш-шариф” асари;
3. Доктор Холдун ал-Аҳдабнинг “Ат-Тасниф фи ас-сунна ан-набавийя ва улумиҳа мин 1351-1425 ҳ” асари;
4. Идрис ибн ал-Маҳийнинг “Ал-Муъжам ал-матбуъат ал-мағрибийя” асари;
5. “Усул ад-дин” факултети “Суннат” бўлимининг докторлик ва магистрлик ишлари индекси. Факултет сайтида мавжуд.
6. “Дар ал-қалам”да чоп этиладиган “Силсилат аълам ал-муслимин” ва “Дар ас-салом”да чоп этиладиган “Силсилат аъламина” китоблари;

[2] Хожи халифа. Кашфу аз-зунун. – Ж: 2. – Байрут, Дару иҳё ат-турос ал-илмийя, 2021. – Б: 1004.

Тадқиқотчи профессор Абу Яъло ал-Байзовий ал-Мағрибий “Ат-таълиқот ал-мустазрифа ъала ар-рисала ал-мустатрифа” асарида “Сунани Абу Довуд” асари борасида қилинган ўттиз олтита илмий ишни келтирган.

“Сунани Абу Довуд” асари устида олиб борилган илмий ишлар тўплами номлари орасида қуйидагилар мавжуд:

“Сунани Абу Довуд”га ёзилган шарҳлар ва ҳошиялар[3]:

1. **“Маъалим ас-сунан”** – Абу Сулаймон Ҳамд ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Хаттобий (ҳижрий 388-йилда вафот этган). У китоб билан бирга Ибн Қоййимнинг “Мухтасар ал-Мунзирий”га ёзган ҳошияси ҳам чоп этилган. Кейинроқ “Маъалим ас-сунан”нинг ўзи алоҳида нашр қилинган.

Бу китобга Ҳофиз Абу Тоҳир бир “Жуз”да мқаддима ёздирган. Бу муқаддима “Маъалим ас-сунан” асарининг охирига қўшиб нашр қилинган.

Асарнинг қисқача мазмунини ифодалаб Ҳофиз Шиҳобуддин Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Мақдисий (ҳижрий 765-йилда вафот этган) хулоса ёзган ва уни “Ажалат ал-ъалим мин китаб ал-маъалим” деб номлаган. “Кашф аз-зунун” муаллифи бу ҳақида айтиб ўтган[4].

2. **“Ал-ийжаз фи шарҳи Сунани Абу Довуд”** – Абу Закариё Яҳё ибн Шараф ан-Нававий аш-Шофеъий (ҳижрий 670-йилда вафот этган).

Имом Суютий: “Унинг жуда оз қисминигина ёзган холос”, деган.

Асар Риёздаги “Дар ал-киён” нашриёти ва “Ибн Таймия” шарқий кутубхонасида Ҳусайн ибн Уккошанинг тадқиқи билан бир жилд ҳолда нашр қилинган. Китобда “Таҳорат боблари”нинг бир қисми мавжуд. Китоб “Шомила”да мавжуд.

3. **“Шарҳи Сунани Абу Довуд”** – Масъуд ибн Аҳмад ибн Масъуд ибн Зайд ал-Ҳарисий Саъдиддин ал-Ироқий кейин ал-Мисрий. У ҳанбалий мазҳаби фақиҳи (ҳижрий 711-йилда вафот этган).

Бу китоб ҳақида аз-Заркалий “Ал-аълам” китобида айтиб ўтган ва “Китобни охирига етказолмаган”, деган[5].

4. **“Таҳзибу Сунани Абу Довуд”** – Ҳофиз, аллома Шамсиддин ибн Қоййим ал-Жавзий (ҳижрий 751-йилда вафот этган). Бу Мунзирийнинг “Мухтасар ас-сунан” асари устида олиб борилган ишдир. У Шайх Аҳмад Шокир таҳқиқи билан “Мухтасар ал-Мунзирий” асари билан бирга нашр қилинган. У билан Хаттобийнинг “Маъалим ас-сунан” асари ҳам бор эди. Кейинги сафар “Таҳзиб” асари “Авн ал-маъбуд” билан бирга нашр қилинган.

Алоҳида ҳолда “Мажмуъат осори ибн Қоййим” асари билан бирга ҳам чоп этилган.

Имом Ибн Қоййим бу нодир китобда аввалги танқидчи олимларнинг танқид ва камчиликларни кўрсатиш борасидаги услубларини ёритиб берган.

---

[3] Маълумотларни қамраб олиш осонроқ бўлиши учун қадимги ва замонавий шарҳ ва ҳошиялар бир ер, мана шу ерда айтиб ўтилди.

[4] Хожи халифа. Кашфу аз-зунун. – Ж: 2. – Байрут, Дару иҳё ат-турос ал-илмийя, 2021. – Б: 1005.

[5] Хайруддин Заркалий. Ал-Аълам. – Ж: 7. – Байрут: Дарул илм, 2002. – Б: 216.

5. **“Шарҳи Сунани Абу Довуд”** – Абу Бакр ибн Аҳмад ибн Али ал-Қуроший (Даъсайн лақабини олган. Ҳижрий 752-йилда вафот этган). Тахминан тўрт жилдли китоб.

У ҳақида Аз-Заркалий “Ал-Аълам” китобида айтиб ўтган[6].

6. **“Шарҳи сунан”** – Алоуддин Муғултой ибн Қолиж (ҳижрий 762-йилда вафот этган). Ниҳоясига етмаган. Ибн Ҳажар

7. **“Инҳау ас-сунан ва иқтифау ас-сунан” –** Шиҳобиддин Абу Муҳаммад Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Ҳилол ал-Мақдисий (ҳижрий 765-йилда вафот этган).

Бу китоб ҳақида “Кашф аз-зунун” муаллифи гапириб ўтган[7].

8. **“Шарҳи заваидиҳи ъала ас-саҳиҳайн” –** Сирожиддин Умар ибн Али ибн Мулаққин (ҳижрий 804-йилда вафот этган).

Имом Саховий “Аз-зовъу ал-ламиъ” асарида: “Бу китоб икки жилдли”, деб айтган[8].

9. **“Ат-тавассут ал-маҳмуд фи шарҳи Сунан Абу Довуд” –** Абу Зуръа Аҳмад ибн Абдураҳим ал-Ироқий (ҳижрий 826-йилда вафот этган).

Имом Саховий айтади: “Абу Довуднинг сунанига ушбу шарҳни муаллиф “Саждаи саҳв” бобигача етти жилд ёзган. Бу аввалги асарларидан бири бўлиб, охирига етмаган. Яхши тартибланмаган”.

Имом Суютий айтади: “Бу китоб жуда батафсил шарҳ бўлиб, бошидан то “Саждаи саҳв” китобигача етти жилд ёзилган. Агар охирига етганда қирқ жилддан ортиқроқ бўларди”.

Китобнинг фақат икки жилди нашр қилинган. Бу нашр ҳижрий 1440-йилда Абдулъатий аш-Шарқовий ва бошқалар тадқиқи билан 91-рақамли ҳадисгача нашрдан чиққан. Тадқиқотчилар муаллиф ва китоб ҳақида ўрганиш ортидан бу китобнинг қўлёзма нусхаси жойини, қайси кутубхонада эканлиги аниқлай олишмаган ва қолган жузларини нашр қилишга ваъда беришган.

10. **“Ҳаваши ала сунан Абу Довуд”** – Иброҳим ибн Муҳаммад Баст ибн ал-Ажмий (ҳижрий 841-йилда туғилган).

Бу асар ҳақида Ибн Фаҳд “Лаҳз ал-алҳаз” китобида айтиб ўтган[9].

11. **“Шарҳи сунан Абу Довуд” –** Шиҳобиддин Аҳмад ибн Ҳусайн ар-Ромлий аш-Шофеъий “Ибн Рослан” исми билан машҳур (ҳижрий 844-йилда туғилган).

Имом Саховий “Аз-зовъ ал-ламиъ” китобида айтади: “Бу китоб ўн бир жилдли. Баъзида шайхимиздан сўралган айрим саволлар ҳам унга киритилган. Муаллиф “Танзил ан-наси маназилаҳум мин ал-адаб” бобида “Шайхимиз Ибн Ҳажар айтади”, деб саволларга жавобларни нақл қилиб келтирган”.

Бу китоб ҳижрий 1410-1418 йилларда “Имом” университети (Имом Муҳаммад ибн Саъуд Ислом университети) “Усул ад-дин” факултети “Суннат” бўлимининг еттита докторлик диссертатсияларида тадқиқ қилинган.

---

[6] Хайруддин Заркалий. Ал-Аълам. – Ж: 2. – Байрут: Дарул илм, 2002. – Б: 61.

[7] Хожи халифа. Кашфу аз-зунун. – Ж: 2. – Байрут, Дару иҳё ат-турос ал-илмийя, 2021. – Б: 1005.

[8] Шамсиддин Саховий. Аз-Завъу ал-ламиъ. – Ж: 6. – Байрут: Дару ал-Жийл, 2003. – Б: 102.

[9] Ибн Фаҳд Ҳашимий. Лаҳзул алҳаз. – Байрут: Дару кутуб ал-илмийя, 1998. – Б: 205.

Китобнинг бир қисми Даммам университети (ҳозирги Имом Абдураҳмон ибн Файсал университети)да, яна бир қисми Қиролича Нура университетида тадқиқ қилинган.

Асар яқинда Мисрдаги "Дар ал-фалаҳ" нашриётида йигирма жилдда нашр қилинди.

12. **"Ал-минан фи шарҳи сунан" –** Абу Ёсир Шамсиддин Муҳаммад ибн Аммор ал-Мисрий ал-Моликий (ҳижрий 844-йилда вафот этган).

13. **"Шарҳи Сунани Абу Довуд" –** Бадриддин Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Айний ал-Ҳанафий (ҳижрий 855-йилда вафот этган). Асар Риёздаги "Дар ар-рушд" нашриётида Абул Мунзир Холид ибн Иброҳим ал-Мисрий тадқиқи билан етти жилдда нашр қилинган.

14. **"Мирқот ас-суъуд ила сунан Аби Довуд" –** Жалолиддин Абдураҳмон ибн Абу Бакр ас-Суютий (ҳижрий 911-йилда вафот этган). Яқинда доктор Муҳаммад Исъҳоқ Иброҳим тадқиқи билан беш жилдда нашр қилинди.

"Дар Ибн Ҳазм" нашриётида Муҳаммад Шайиб тадқиқи билан чиққан бошқа нусха уч жилддан иборат.

15. **"Фатҳ ал-вадуд ала сунани Абу Довуд" –** Абул Ҳасан Нуриддин Муҳаммад ибн Абдулҳодий ас-Синдий (ҳижрий 1138-йилда вафот этган). Бу мўжаз шарҳ бўлиб, Ҳиндистонда нашр қилинган.

16. **"Ҳашияҳ ала сунан Абу Довуд"** – Муҳаммад ат-Тавудий ибн Муҳаммад ат-Толиб ибн Муҳаммад ибн Али ибн Савда ал-Муррий ал-Фарисий, ўз асрининг моликий фақиҳи (ҳижрий 1209-йилда вафот этган).

Асар ҳақида Заркалий "Ал-аълам" китобида айтиб ўтган[10].

18. **"Ҳашият ала сунан Абу Довуд"** – Аҳмад Али ас-Саҳаронфурий (ҳижрий 1297-йилда вафот этган). Деҳлидаги "Аҳмадий" нашриётида ҳижрий 1271-йилда нашр қилинган.

19. **"Дарожати мирқот ли суъуд ила сунан Аби Довуд"** – Али ибн Сулаймон ад-Димнатий ал-Бажамъавий (ҳижрий 1306-йилда вафот этган). Марокашнинг Димнат шаҳрида туғилиб, Марокашда вафот этган. Бу китоб имом Суютийнинг "Сунани Абу Довуд"га ёзган шарҳининг қисқартмаси ҳисобланади.

20. **"Ғоят ал-мақсуд фи ҳалли сунан Абу Довуд"** – Абут Тойиб Муҳаммад Шамсулҳақ ал-Азимободий (ҳижрий 1329-йилда вафот этган). Бу жуда катта ва кенг шарҳ бўлиб, муаллиф китобни "Маййит қабрга қўйилганда унинг ҳаққига дуо қилиш" бобигача шарҳлаган. Китобнинг биринчи жузи нашр қилинган. Кейинроқ ҳижрий 1417-йилда иккинчи марта нашр қилинган.

Муаллиф бир неча баҳсларни қамраб олувчи муқаддима ёзган. Улардан: Биринчиси: "Сунани Абу Довуд" асари фазилатлари;

Иккинчиси: Абу Довуд роҳимаҳуллоҳнинг таржимаи ҳоли;

Учинчиси: "Сунан"нинг нусхалари ва улар ўртасидаги фарқлар;

Тўртинчиси: "Сунани Абу Довуд" асарига уламоларнинг эътибори;

---

[10] Хайруддин Заркалий. Ал-Аълам. – Ж: 6. – Байрут: Дарул илм, 2002. – Б: 62.

21. **“Авн ал-маъбуд шарҳи сунан Абу Довуд”** – Муҳаммад Ашраф ал-Азимободий, Абут Тойиббнинг акаси. Китоб Абут Тойиб Муҳаммад Шамсулҳақ ал-Азимободийга ҳам нисбат берилган.[11]

Асар ҳижрий 1313-йилда Ҳиндистонда тўрт жузда нашр қилинган. Кейинроқ “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриётида етти жилдда нашр қилинган. Ҳижрий 1417-йилда Қоҳирадаги “Ибн Таймия” кутубхонасида Абдураҳмон ибн Муҳаммад Усмон тадқиқи билан чоп этилган.

22. **“Базл ал-мажҳуд фи ҳалли Абу Довуд” –** Халил Аҳмад ас-Саҳаронфурий ал-Ҳиндий (ҳижрий 1346-йилда вафот этган). Китобни ёзишда унга шогирди Муҳаммад Закариё ал-Кандиҳлавий (ҳижрий 1402-йилда вафот этган) ёрдам берган. Байрутдаги “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриётида ўн жилдда нашр қилинган. Китобда Ал-Кандиҳлавийнинг изоҳлари ҳам бор. “Дар ал-башаир” нашриётида ўн тўрт жилдда нашр қилинган.

Шайх Муҳаммад ибн Абдураҳмон бешинчи (Аллоҳ умрларини узоқ қилсин) бу шарҳга нисбатан эътиқодий жиҳатдан айрим танқидлар билдириб, кичик ҳажмли китобни “Фатҳ ал-маъбуд фи баян ал-ҳафават фи китаб базл ал-мажҳуд” деб номлаган. Бу китоб ҳижрий 1416-йилда Риёзнинг “Дар ас-Сомиъий” нашриётида чоп этилган.

23. **“Ал-манҳал ал-мавруд шарҳ сунани Абу Довуд” –** Маҳмуд ибн Муҳаммад Хаттоб ас-Субкий ал-Мисрий (ҳижрий 1352-йилда вафот этган). Бу китоб ўн жилдли катта шарҳ бўлиб, якунига етмаган. Муаллиф китобни “Ҳаж китоби”нинг “Талбид боби”гача шарҳлаган. Асар ҳижрий 1353-йилда Мисрнинг “Ал-истиқома” нашриётида чоп этилган.

24. **“Фатҳ ал-малик ал-маъбуд такмилат ал-манҳал ал-азб ал-мавруд” –** Амин Маҳмуд Хаттоб ас-Субкий (ҳижрий 1383-йилда вафот этган). Асар ҳижрий 1359-йилда тўрт жилдда нашр қилинган.

25. **“Анвар ал-маҳдуд ала сунан Абу Довуд” –** Муҳаммад Сиддиқ ан-Нажиб. Каратчи, “Дар ал-қуръан ва ал-улум ал-исламийя” нашриётида ҳижрий 1421-йилда икки жилдда нашр қилинган.

Сунани Абу Довуд устида олиб борилган, шарҳлардан бошқа илмий ишлар:

1. **“Тасмият шуюхи Абу Довуд ас-Сижистоний” –** Абу Али Ҳусайн ибн Муҳаммад ал-Ғассоний (ҳижрий 498-йилда вафот этган). Бу китоб ҳақида Ибн Хойр ал-Ишбилий

---

[11] Бу китобнинг муаллифи кимлиги борасида турли гаплар айтилган. Энг машҳур гап бу китоб Абут Тойиб Шамсулҳаққа тегишли эканидир. Баъзи гапларга қўра китоб унинг туғишган акаси Абу Абдураҳмон Шарафулҳаққа тегишли. Бу гап китобнинг Ҳиндистон тошбосма нусхаси баъзи жузларига ҳам ёзиб қўйилган. Китоб олимлар гуруҳига ҳам тегишли деган гап бор. Бу гапни Аллома Тақиюддин Ҳилолий айтган. Шайх Машҳур Ҳасан ўзининг тадқиқотида китоб Шарафулҳаққа тегишли дейишни афзал кўрган.

Доктор Абдуллоҳ Баррок (Аллома Тақиюддин Ҳилолийдан аввал) шарҳ Шарафулҳақники экани, шайх Шамсулҳақ ал-Азимободийнинг йўналиш бериш ва такрорлаш дарси борлиги ва “Ғоят ал-мақсуд” китобини ёзишда катта шайхи бўлган акасининг шарҳидан фойдаланганини айтган.

Шайх Муҳаммад Азиз Шамснинг “Ҳаят аш-шайх Шамсулҳақ ва аъмалуҳу” китобига қаралсин.

ўзининг “ Фиҳрис” асарида гапириб ўтган[12]. Китоб ҳижрий 1420-йил Байрутда “Дар ибн Ҳазм” нашриётида чоп этилган.

2. **“Ҳашият ала тасмияти шуюхи Абу Довуд ас-Сижистоний” –** “Ибн ал-Даббоғ” номи билан машҳур Абул Валид Юсуф ибн Абдулазиз (ҳижрий 546-йилда вафот этган). Аввалги китоб билан бирга чоп этилган.

3. **“Мусаннаф” –** Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдулмалик ибн Айман (ҳижрий 330-йилда вафот этган). У сунан асарларни яхши тушунган. Муаллиф бу асарни “Абу Довуд” китоби борасида ёзган.

Бу тўғрисида Ибн Хойр ал-Ишбилий ўзининг “ Фиҳрис ” китобида айтиб ўтган ва “У мукаммал ва яхши китоб”, деган[13].

4. **“Мусаннаф” –** Абу Муҳаммад Қосим ибн Асбағ (ҳижрий 340-йилда вафот этган). Муаллиф бу асарни “Абу Довуд” китоби борасида ёзган. Бу китоб ҳақида Ибн Хойр ал-Ишбилий ўзининг “ Фиҳрис” асарида гапириб ўтган[14].

5. **“Мухтасар сунани Абу Довуд” –** Абдулазим ибн Абдулқовий ал-Мунзирий (ҳижрий 656-йилда вафот этган). Бу асар Имом Хаттобийнинг “Маъалим ас-сунан” асари билан бирга чоп этилган.

6. **“Базл ал-мажҳуд фи хотми сунани Абу Довуд” –** Шамсиддин Муҳаммад ибн Абдураҳмон ас-Саховий (ҳижрий 902-йилда туғилган). Асар нашр қилинган.

7. **“Хотми сунан Абу Довуд” –** Абдуллоҳ ибн Салим ал-Басрий (ҳижрий 1134-йилда вафот этган). Риёздаги “Авзоу ас-салаф” нашриётида нашр қилинган.

Иккинчи бўлим: Замонавий илмий ишлар ва тадқиқотлар

1. **“Фазл ар-роҳим ал-вадуд фи тахрижи сунан Абу Довуд” –** Ёсир Муҳаммад Оли Ийд. Бу “Сунани Абу Довуд” ҳадислари манбааларини излаш ва ўрганишдаги энциклопедик иш ҳисобланади. Бу иш "Сунани Абу Довуд" асарига ёзилган мақтовга арзирли замонавий илмий ишлардан бири ҳисобланади. Асарнинг бир қисми алоҳида шаклда о'н беш жилдда “Дар Ибн ал-Жавзий” нашриётида нашр қилинган. Агар нашр якунига етганда тахминан о'ттиз жилдга етарди. Аллоҳ якунига етишини насиб этсин.

2. **“Ал-имам Абу Довуд ҳаятуҳу ва сунануҳу”** – Муҳаммад Лутфий ас-Соббағ.

3. **“Абу Довуд ас-Сижистоний ва асаруҳу фи илм ал-ҳадис”** – Муъавваз ибн Билол ал-'Авфий. Магистрлик диссертатсияси. "Умм ал-қуро" университети. (Ҳижрий 1400-йил).

4. **“Ал-имам Абу Довуд ва китабуҳу ас-сунан” –** Абдуллоҳ ибн Солиҳ ал-Баррок, ҳижрий 1414-йилда нашр қилинган.

5. **“Ал-имам Абу Довуд ва сунануҳу” –** Ҳуда Холид. Ҳижрий 1413-йилда ўттиз икки бетда нашр қилинган[15].

6. **“Абу Довуд ва жуҳудуҳу фи ал-ҳадис” –** Абдулваҳҳоб ас-Самироий.

---

[12] Ибн Хайр Ишбилий. Фиҳрис. – Тунус: Дарул араб ал-исламий. – Б: 190.

[13] Ибн Хайр Ишбилий. Фиҳрис. – Тунус: Дарул араб ал-исламий. – Б: 103.

[14] Ибн Хайр Ишбилий. Фиҳрис. – Тунус: Дарул араб ал-исламий. – Б: 103.

[15] Д. Абдулазиз ибн Абдуллоҳ. Ал-Кутуб ас-ситта. – Риёз: Матбаъа ал-китоб ал-арабийя. – Б: 314.

7. **“Ал-мадхал ила сунан ал-имам Абу Довуд” –** Муҳаммад Муҳаммадий ан-Нуристоний. Китоб ҳижрий 1329-йилда Қувайтда, “Вақфлар” вазирлиги қошидаги “Аш-шуъун ал-фанния” нашриётида нашр қилинган.

8. **“Сунан Абу Довуд фи ал-диросат ал-мағрибийя риваятан ва дироятан” –** Идрис Харшафий. “Муҳаммад В” университети, “Адабиёт” факултети. Ҳижрий 1429-йил.

9. **“Ал-аҳадис аллати ашаро Абу Довуд ила таъаруз ал-васл ва ал-ирсал фиҳа” –** ҳадислар манбаасини излаш ва ўрганиш тўғрисида. Доктор Туркий ал-Ғомиз. Магистрлик диссертатсияси. “Имом” университети. Ҳижрий 1418-йил.

10. **“Ал-аҳадис аллати ашаро Абу Довуд ила таъаруз ар-рофъи ва ал-вақфи фиҳа” -** ҳадислар манбаасини излаш ва ўрганиш тўғрисида. Доктор Муҳаммад ал-Фаррож. Магистрлик диссертатсияси. “Имом” университети. Ҳижрий 1418-йил.

11. **“Ал-аҳадис аллати интақодаҳа ал-имам Абу Довуд фи сунаниҳ” –** Иймон Муҳаммад Али Изом. Магистрлик диссертатсияси. “Ум ал-қуро” университети, “Шариат ва исломий тадқиқотлар” факултети. Ҳижрий 1416-йил.

12. **“Ал-аҳадис аллати ашаро Абу Довуд ила ал-ихтилаф фи асанидиҳа би зиядати ровин ав аксар” –** ҳадислар манбаасини излаш ва ўрганиш тўғрисида. Доктор Иброҳим ал-Абийкий. Магистрлик диссертатсияси. “Ал-қосим” университети. Ҳижрий 1430-йил.

13. **“Ихтилаф ар-риваяҳ фи ал-ҳадис мин хилали сунан Абу Довуд” –** Муҳаммад Муҳаммад. Қоҳира, “Ал-Азҳар” университети, “Араб тили” факултети. Ҳижрий 1422-йил.

14. **“Базл ал-мажҳуд фима ҳакама алайҳи Ибн ал-Жавзий би ал-вазъи мин сунани Абу Довуд” –** Муҳаммад Закий Абдулмажид. Қоҳирадаги “Дар ат-тибаъа ал-муҳаммадийя” нашриёти. Ҳижрий 1416-йил. 45 саҳифа.

15. **“Ма саката анҳу Абу Довуд мимма фи иснадиҳи зўфун” –** Муҳаммад ибн Ҳодий Махладий. Магистрлик диссертатсияси. “Ислом университети”. Ҳижрий 1413-йил.

16. **“Ма саката анҳу Абу Довуд” –** Абдулҳамид Азҳар ал-Ҳиндий.

17. **“Китаб ас-сунан мин сунан Абу Довуд диросатан ва шарҳан” –** Доктор Абдуллоҳ ал-Баррок. Магистрлик диссертатсияси. “Имом” университети. Ҳижрий 1413-йил. Икки жилд.

18. **“Ал-мустахраж мин мусаннафат Абу Довуд” –** Абу Муҳаммад Фалиҳ аш-Шиблий. Бу мўжаз китоб бўлиб, унда Абу Довуднинг “Сунан”даги жарҳ ва таъдилга оид гапларини келтирган. Китоб Ҳаса шаҳрида “Дар фаваз” нашриётида чоп этилган.

19. **“Рубаъийят Абу Довуд фи сунаниҳ ва муқоранатуҳа би рубаъийят ал-Бухорий” –** Муҳаммад ан-Нуристоний. Риёздаги “Дар азваи ас-салаф” нашриёти.

20. **“Мухтасар сунан Абу Довуд” –** Мустафо Диб ал-Буғо. Қисқартириб, айрим сўзларини шарҳлаган. “Дар ал-ямома лит тобъати ва ан-нашр”. Ҳижрий 1417-йил.

21. **“Ал-муаллақот фи сунан Абу Довуд – диросатан ва васлан” –** Али Ажин. Докторлик диссертатсияси. “Ум дарман” Қуръони карим университети. Ҳижрий 1421-йил. “Тағлиқ ат-таълиқ ала сунан Абу Довуд” номи билан нашр қилинган. Риёздаги “Ар-рушд” кутубхонасида тўрт жилдда нашр қилинган.

22. **“Мақулат Абу Довуд ан-нақдийя фи китабиҳи ас-сунан” –** Муҳаммад Саид Ҳава. Магистрлик диссертатсияси. Иордания университети. Ҳижрий 1411-йил[16].

23. **“Фиқҳу Абу Довуд мин хилали сунаниҳ” –** Муфаззал Бузрҳун. Диплом. Работдаги “Муҳаммад В” университети. Ҳижрий 1412-йил.

24. **“Маросил ат-табиъийн фи сунан Абу Довуд” –** Жамол Шавкат Аҳмад Даллол. Магистрлик диссертатсияси. Иордания университети. Амман. Ҳижрий 1414-йил.

25. **“Ал-матрукун ва ал-мажҳулун ва марвийятуҳум фи сунан Абу Довуд ас-Сижистоний” –** Муҳаммад Соброн Афанди ал-Индонизий. Магистрлик диссертатсияси. “Ум ал-қуро” университети. Ҳижрий 1396-йил.

[16] Д. Абдулазиз ибн Абдуллоҳ. Ал-Кутуб ас-ситта. – Риёз: Матбаъа ал-китоб ал-арабийя. – Б: 316.

ТЕРМИЗ МУҲАДДИСЛАРИНИНГ ФИҚҲ ИЛМИДАГИ ЎЗИГА ХОС АҲАМИЯТИ

Бекназар Мамашикуров Бобомуродович*

Аннотация. VIII асрда Термизда ҳам ҳанафий мазҳабининг тасири устун кела бошлади. Холид ибн Зиёд ат-Термизий (VIII аср) даслаб ҳанафий мазҳабини Термиз атрофларига ёйган шахс сифатида тан олинади. У Абу Ҳанифадан сабоқ олиб, бир муддат Термиз ва Чағониёнда қози бўлади ва бу улкаларга ҳанафий мазҳабининг тарқалишига ҳисса қўшган. Термиз олимлари ҳадис билан фиқҳ илмини ўзларида жамлай олганлар. Зероки, ҳадис билан фиқҳ илми бир бирига боғлиқдир. Мисол тариқасида Ҳаким Термизий ва Абу Исо Термизийларни келтириш мумкин. Ҳаким Термизийнинг фиққига оид ўзига хос қарашларини ҳанафий фиққида муносиб ўринни бор. Ҳаким Термизий фиқҳ мавзусига доир бир қанча асарлар таълиф этган. Термизийнинг фиққий асарлари тасаввуф билан қоришган бўлиб, уларда маънавий камоллик ва руҳий соғломлик устун туради.

Калит сўзлар: Термиз, Термизий, Абу Ҳанифа, Балх, Мовароуннаҳр, Ҳаким Термизий, Абу Исо Термизий, мужтаҳид, ижтиҳод, ҳадис, фиқҳ, тасаввуф, мақосид аш-шариа, усули ал-фақиҳ, Қуръон, суннат.

Abstract. In the 8th century, the influence of the Hanafi school began to prevail in Termez. Khalid ibn Ziyad at-Tirmizi (8th century) is recognized as the person who spread the Hanafi sect around Termez. He took lessons from Abu Hanifa, became a judge for some time in Termez and Chaganyan, and contributed to the spread of the Hanafi school in these regions. The scholars of Termez managed to combine hadith and jurisprudence. Because hadith and jurisprudence are related to each other. Examples include Hakim Termizi and Abu Isa Termizi. Hakim Termizi's unique views on jurisprudence occupy a worthy place in Hanafi jurisprudence. Hakim Tirmizi wrote several works on fiqh. Tirmizi's legal works are mixed with Sufism, which emphasizes spiritual maturity and mental health.

Keywords: Termiz, Termizi, Abu Hanifa, Balkh, Movarunnahr, Hakim Termizi, Abu Isa Termizi, mujtahid, ijtihad, hadith, jurisprudence, mysticism, maqasid al-sharia, usuli al-faqih, Koran, sunnah.

Имом Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ ўз мазҳабига асос солганидан сўнг, шогирдлари устозларининг мазҳабини тарқатиш ва ривожлантириш йўлида кўплаб ишларни амалга оширишган[1]. Кейинчалик Абу Ҳанифанинг шогирдларининг шогирдлари турли диёрларга тарқаб кетишди. Улар кўпроқ ўша вақтнинг илм ва сиёсат марказларидан бўлмиш шаҳарларга боришди.

Ҳанафий мазҳабининг тарқалишини дастлаб, Балхда ҳам кўриш мумкин. Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳнинг ўзидан ёки шогирдларидан кўплаб балхлик уламолар

* *ЎзР ФА шарқшунослик институти мустақил тадқиқотчиси, Самарқанд Ҳадис илми мактаби катта ўқитувчиси*

[1] Хузарий. Тарихи ташреъ. 234-б. Зарқо. Ал-Фиқҳул Исламий фи савбиҳи ал-жадид. 1-жилд, 183. Аҳмад ибн Насириддин Нақиб. Ал-Мазҳаб ал-ҳанафий. 1-жилд, Б. 125.

таълим олдилар. Абу Али Умар ибн Маймун ибн Баҳр ибн Саъд ибн Раммоҳ[2] (ваф. 171/787 й.), Абу Мутиъ Ҳакам ибн Абдулоҳ ибн Маслама ибн Абдурраҳмон ал-Балхий[3] (ваф. 199/814 й.) ва Абу Муоз Холид ибн Сулаймон Балхий[4] (ваф. 199/814 й.). Бу уламолар Абу Ҳанифанинг мазҳабини Балх ва унинг атрофидаги улкаларга тарқатдилар.

Абу Али Умар ибн Маймун ибн Баҳр ибн Саъд ибн Раммоҳ (ваф. 171/787 й.) 142/759-60 йилда Балх шаҳри қозиси этиб таинланиб, йигирма йилдан ортиқ қозилик қилади. Абу Ҳанифа қўлида фиқҳ илмини ўрганган. Имом Термизий ундан бир ҳадис ривоят қилган. Ишончли сеқа. Балхда 171 ҳ.й. вафот этган[5]. Ўғли Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Умар[6] ундан таълим олган. Ўғли ҳам Найсабур қозиси бўлган. Унинг вафотидан кейин ҳам ҳанафийлар у ерда ўз таъсирини сақлаб турдилар. Мисол учун Абу Мутиъ Ҳакам ал-Балхий (ваф. 196/811 й.) Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳнинг дўсти ва етук шогирди бўлиб, “ал-Фиқҳ ал-авсат” асарини ривоят килган. У Абу Али Умар ибн Маймун ибн Раммоҳдан (ваф. 171/787 й.) кейин ўн олти йил қозилик қилган ва ҳанафий фиқҳини таълим бериб, ёйган[7]. Абу Мутиъ ал-Балхий устози Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳнинг эътиқодий масалаларга бағишланган “Китабул олим вал-мутааллим (Устоз ва шогирд)” асарини Абу Муқотил Самарқандийдан ривоят қилган.

Дастлаб Балхда қабул қилинган ҳанафий мазҳаби қисқа вақтда ўлкадаги бошқа шаҳарларда ҳам ёйилди. Термизнинг Балх билан бевоста алоқаси сабабли Термизда

---

[2] Ал-Қураший. Ал-Жаваҳир ал-музиййа. 2-ж, Б. 672, 673. Ат-Тамимий. Ат-табақот ас-саниййа. Б. 1663-рақам. Ал-Ансоб, Б. 258.

[3] Абу Мутиъ Ҳакам ибн Абдулоҳ ибн Маслама ибн Абдурраҳмон ал-Балхий (ваф. 196/811 й.) қози, фақиҳ. Имом Абу Ҳанифадан “Ал-фиқҳ ал-акбар” китобини ривоят қилган. Абдуллоҳ ибн Авн, Ҳишом ибн Ҳассон, Молик ибн Анас ва Иброҳим ибн Тоҳмонлардан ривоят қилади. Ундан эса Аҳмад ибн Маниъ, Халлод ибнАслам ас-Саффор ва бошқалар ривоят қилганлар. Балх ва унинг отрофидаги улкалардаги инсонлар ундан фиққни таълим олганлар. Абдуллоҳ ибн Муборак уни тақвоси ва илми туфайли кўп улуғларди. Балхда 196/811 йили 84 ёшида вафот этган. Маҳмуд Сулайман ал-Кафавий. Катаиб аълам ал-ахйар мин фуқаҳои мазҳаби ан-нуъман ал-мухтар. Иршад, Истанбул 2017. 1-ж, Б. 432-435. Ал-Қураший. Ал-Жаваҳир ал-музиййа. 4-ж, Б. 87. Ат-Тамимий. Ат-табақот ас-саниййа. 3-ж. Б. 178, 179. Ал-Лакнавий. Ал-фавоид ал-баҳиййа. Б. 117-118.

[4] Абу Муоз Холид ибн Сулаймон Балхий (ваф. 199/814 й.) Имом Абу Ҳанифа уни фатво беришга лоиқ деб мақтаган. Жума куни 26 муҳаррамда 199 йили вафот этган. Ал-Қураший. Ал-Жаваҳир ал-музиййа. 2-ж, Б. 162, 4-ж, Б. 87. Ат-Тамимий. Ат-табақот ас-саниййа. 3-ж. Б. 197. Ал-Лакнавий. Ал-фавоид ал-баҳиййа. Б. 236.

[5] Ал-Қураший. Ал-Жаваҳир ал-музиййа. 2-ж, Б. 672, 673. Ат-Тамимий. Ат-табақот ас-саниййа. Б. 1663-рақам. Ал-Ансоб, Б. 258

[6] Ал-Қураший. Ал-Жаваҳир ал-музиййа. 2-ж, Б. 319. Ат-Тамимий. Ат-табақот ас-саниййа. 4-ж. Б. 177.

[7] Маҳмуд Сулайман ал-Кафавий. Катаиб аълам ал-ахйар мин фуқаҳои мазҳаби ан-нуъман ал-мухтар. Иршад, Истанбул 2017. 1-ж, Б. 432-435. Ал-Қураший. Ал-Жаваҳир ал-музиййа. 4-ж, Б. 87. Ат-Тамимий. Ат-табақот ас-саниййа. 3-ж. Б. 178, 179. Ал-Лакнавий. Ал-фавоид ал-баҳиййа. Б. 117-118.

ҳам ҳанафий мазҳаби тасири устун кела бошлади. Холид ибн Зиёд ат-Термизий (VIII аср) даслаб ҳанафий мазҳабини Термиз атрофларига ёйган шахс сифатида манбаларда келтирилади. Абу Ҳанифадан сабоқ олиб, бир муддат Термиз ва Чағониёнда қози бўлганида Мовароуннаҳрга ҳанафий мазҳабининг тарқалишига ҳисса қўшган. Термизнинг пешқадам олимларидан бўлган. Ундан Қутайба ибн Саъид ва Ҳабаш ибн Ҳарб ал-Пайкандийлар таълим олган. 100 ёшига кириб вафот этганлар[8].

Ўғли Абдулазиз ибн Холид ибн Зиёд ат-Термизий (VIII аср) ҳам Марв қози бўлган.

Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Фақиҳ ат-Термизий. Термиз аҳлидан. Муҳаммад ибн Наср ат-Термизийдан ҳадис ривоят қилган. 200/816 йилда таваллуд топиб, 295/909 йилда вафот этган.

Абу Муҳаммад Абдулвоҳид ибн Муҳаммад ас-Сарминжий имом хатиб. Фақиҳ Абу Бакр Аҳмад ибн Муслимдан ҳадис ривоят қилган. Ундан Абу Муҳаммад Абдулазизи ибн Муҳаммад ан-Наршахий ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилган. Булардан бошқа кўплаб фақиҳлар ўша даврларда Термиз ва унинг атрофида фаолият олиб борганлар ва шогирларини тарбиялаб ўз мактабларини ярата олганлар.

Шуниси аҳамиятга моликки, Термиз уломолари ҳанафий фиққини Мовароуннаҳр улкасига кириб келишига дарвоза вазифасини ўтаганлар, шу билан биргаликда Термиз олимлари ҳадис билан фиқҳ илмини ўзларида жамлай олганлар. Зероки, ҳадис билан фиқҳ илми бир бирига боғлиқ. Уламолар бу икки илмни пухта эгаллашга ҳаракат қилган. Бу икки илмни бирга ўзлаштирган муҳаддислар шуҳрат топдилар.

Мисол тариқасида Ҳаким Термизий ва Абу Исо Термизийларни келтириш мумкин. Ҳаким Термизийнинг фиққига оид ўзига хос қарашлари ҳанафий фиққида муносиб ўринни бор.

Ҳаким Термизийнинг фиқҳ мавзусига доир бир қанча асарлар таълиф этган. Термизийнинг фиққий асарлари ҳам тасаввуф билан қоришган бўлиб, уларда маънавий камоллик ва руҳий соғломлик устун туради. Бошқача айтганда, алломанинг фиққа доир қарашлари анъанавий фиқҳдан мақсад жиҳатидан фарқ қилади. Аллома ўз асарларида шариат талаблари доирасида бирор амални бажаришда банда оладиган руҳий фойдаларга кўп аҳамият беради, иккинчидан, ибодатларнинг буюрилиш сабабларини очиб беради, учинчидан, бажарилган ибодатни бекор қиладиган маънавий иллат ва нуқсонларнинг муолажасига эътибор қаратади[9].

Киши бирор амални фақатгина зоҳиран бажариб қўйибгана эмас, балки шу амални бажариш вақтида унинг маънавий ҳолатини ислоҳ қилиш ёки бирор амали билан қилинган амал савобини йўққа чиқариши мумкинлигини Термизий мисоллар билан ўз асарларида тасвирлаб беради.

Ҳаким Термизийга кўра ҳақиқий фиқҳ – қалб фиққидир. Диндаги фиқҳ эса, Аллоҳнинг мўмин бандаси қалбига солган нурдир. Бу гўёки йўл кўрсатувчи фонусга

---

[8] Абдулкарим ас-Самъоний. Насабнома. Т: Ҳилол нашриёти; Б. 143, 144.

[9] Жуюший М. Ал-Ҳаким ат-Термизий: дироса ли осориҳи ва афкориҳи. – Қоҳира: Дар ан-Наҳда ал-арабийя, 1981. – Б. 179.

ўхшайди. Аллоҳ қалбини мунаввар қилган фақиҳ ҳақида Пайғамбар алайҳиссалом ишора қилганлар: “Аллоҳ бандасига яхшиликни хоҳласа уни динда фақиҳ қилади”[10].

Ҳаким Термизийнинг “Исбот ал-илал”, “ал-Ҳажж ва асроруҳу”, “Сабаб такбир ли-с-солат”, “Шарҳ ас-солат ва мақосидиҳо”, “Кайфийят ал-вудуъ”, “ал-Масаил ал-афина” асарлари айнан фиққий масалаларга бағишланган бўлса, яна “ал-Фуруқ”, “Баён ал-фарқ”, “ал-Акёс ва-л-муғаррун”, “ал-Ҳуқуқ” ва бошқа асарлари ҳам мавжуд.

Ҳаким Термизийнинг “Шарҳ ас-солат ва мақосидиҳа” китоби Исломдаги ҳикмат, мақсадлар, ғоялар, сабабларни баён қилади. Бугунги кунда бу фанга “мақосид аш-шариа” деб аталади. “Мақосид аш-шариа” фани Ислом ҳукмлари ортида турган ҳикмат, мақсадлар, ғоялар, сабабларни баён қилади[11]. “Ал-Ҳаж ва асроруҳу”, “Сабаб ат-такбир фи-с-сола”, “Илал аш-шариа” каби асарлари бу фаннинг илк асарларидан саналади.

Ҳаким Термизийнинг тасаввуфга йўғрилган шариат мақсадлари ҳақидаги қарашлари Имом Жувайний, Ғаззолий, Иззуддин Абдуссалом, Қарофий, Шотибий каби мутасаввуф мутафаккир уламоларига шариат мақсадларини чуқур таҳлил қилишга ундади.

Ҳаким Термизий усулий фақиҳ ҳам бўлиб, шариатни мукаммал билиш унинг иллатларини (сабаби, моҳияти билан) аниқлаш орқалигина амалга ошишини “Исботул илал” асарида таъкидлаган. У фиққий қарашларини баён қилишда Қуръон, суннат, ижмо, қиёс, саҳобийнинг йўли, истиҳсон ва урфга ўрин беради[12].

Аллома айтиб ўтганимиздек, ҳадис имлида ҳам моҳир бўлиб, “Наводирул усул” асарида ҳадисларнинг саҳиҳини фақат ҳакимлар ажрата олишини, уларнинг услуби ҳадиснинг маъносини тафсилотларигача ўрганиш, сўзларнинг зоҳирий ва ботиний мазмунини таҳлил қилиш, Қуръон ва суннатга мувофиқлигини текшириш орқали тўғри хулосага келишдан иборатлигини айтади[13]. Матн танқиди эса, ўта машаққатли бўлиб, унинг учун катта салоҳият талаб этилади[14].

Ҳадис билан фиқҳ илми бир бирига боғлиқдир. Уламолар бу икки илмни пухта эгаллашга ҳаракат қилган. Бу икки илмни бирга ўзлаштирган муҳаддислар албатта шуҳрат топдилар.

Имом Абу Исо Термизий ижтиҳод йўлини тутган, унинг ўзи фиққий масалада ҳукм чиқара оладиган мужтаҳид эди. Унинг мужтаҳидлиги ва ижтиҳод йўлини тутгани “Сунан” асарида яққол кўринади.

---

[10] Ал-Ҳаким ат-Термизий. Баён ал-фарқ / Юсуф Маръий нашри. – Аммон: Муассаса Оли ал-байт, 2009. – Б.30.

[11] Жасер Авда. Мақосид аш-шариа ка-фалсафа ли-т-ташриъ ал-исламий. Лондон, Вашингтон: The international Institute of Islamic Thought, 2011. –Б.30.

[12] Холид Заҳрий. Таълилуш шариа байнас сунна ваш шиа. –Байрут: Дорул ҳадй, 2003. Б. 245 - 250.

[13] Ҳаким Термизий. Наводирул усул. – Жидда: Дорул минҳож, 2015. Т.4. Б. 536, 537.

[14] Жузжоний А. Қавоид фи улумил ҳадисин набавий ала манҳажис садаил ҳанафийя. – Девбанд, 2018. Б. 16, 17.

Абу Исо Термизий бир фиқҳий мазҳабни лозим тутмаган бўлсада, илм эгаларининг барчасини ҳурмат қилар эди. У аҳли рай ҳақида гапирса, уларни "Кўфа аҳли" ёки "айрим Кўфа аҳли" каби ибораларни кўп ишлатади[15]. Бу ибора билан Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳдан ташқари, у зот барча мужтаҳид олимларни назарда тутган. Бундан ташқари Вакиъ, Суфён Саврий, Суфён ибн Уйайна, Абу Юсуф, Муҳаммад ибн Ҳасан, Зуфар ва бошқаларни ҳам номма-ном айтиб ўтган.

Имом Ҳаким Термизий бўлсин, Абу Исо Термизий бўлсин ёки ўша замонда яшаган муҳаддислар бўлсин, улар ҳадислардан шаръий ҳукмларни чиқариб олиб фиқҳ илми ривожига катта ҳисса қўшдилар.

Имом Ҳаким Термизий ва Имом Ҳаким Термизий каби аждодларимиз фақатгина фақиҳ бўлиб, ёки ҳадис билан чикланган муҳаддис бўлиб қолмасдан ҳадис, фиқҳ ва ижтиҳод илмларини жамлаган, ҳадислардан шаръий ҳукмларни чиқариб олган ва уларни кийнги авлодга қолдирган олимлардан эдилар.

Буюк аждодларимизнинг қолдирган илмий меросини тадқиқ қилиш жараёнида уларнинг ҳар бирининг асарларидан янги-янги маълумотлар юзага чиқмоқда, ҳамда ҳадис, фиқҳ ва бошқа илмларга тааллуқли маълумотларни топиш мумкин.

Улар қолдирган илмий мерослар халқимизнинг маънавий мулки ҳисобланади. Алломаларимизнинг бизга қолдирган бундай бой меросини асраб-авайлаб, оқилона фойдаланиш, ўрганиб, авлодларга етказиш бугунги кундаги мажбуриятимиз ва бурчимиздир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Хузарий. Тарихи ташреъ. 234-б. Зарқо. Ал-Фиқҳул Исламий фи савбиҳи ал-жадид. 1-жилд, 183. Аҳмад ибн Насириддин Нақиб. Ал-Мазҳаб ал-ҳанафий. 1-жилд, Б. 125.
2. Ал-Қураший. Ал-Жаваҳир ал-музиййа. 2-ж, Б. 672, 673. Ат-Тамимий. Ат-табақот ас-санииййа. Б. 1663-рақам. Ал-Ансоб, Б. 258.
3. Маҳмуд Сулайман ал-Кафавий. Катаиб аълам ал-ахйар мин фуқаҳои мазҳаби ан-нуъман ал-мухтар. Иршад, Истанбул 2017. 1-ж, Б. 432-435. Ал-Қураший. Ал-Жаваҳир ал-музиййа. 4-ж, Б. 87. Ат-Тамимий. Ат-табақот ас-санииййа. 3-ж. Б. 178, 179. Ал-Лакнавий. Ал-фавоид ал-баҳиййа. Б. 117-118.
4. Ал-Қураший. Ал-Жаваҳир ал-музиййа. 2-ж, Б. 162, 4-ж, Б. 87. Ат-Тамимий. Ат-табақот ас-санииййа. 3-ж. Б. 197. Ал-Лакнавий. Ал-фавоид ал-баҳиййа. Б. 236.
5. Абдулкарим ас-Самъоний. Насабнома. Т: Ҳилол нашриёти; Б. 143, 144.
6. Жуюший М. Ал-Ҳаким ат-Термизий: дироса ли осориҳи ва афкориҳи. – Қоҳира: Дар ан-Наҳда ал-арабийя, 1981. – Б. 179.
7. Ал-Ҳаким ат-Термизий. Баён ал-фарқ / Юсуф Маръий нашри. – Аммон: Муассаса Оли ал-байт, 2009. – Б.30.
8. Жасер Авда. Мақосид аш-шариа ка-фалсафа ли-т-ташриъ ал-исламий. Лондон, Вашингтон: The international Institute of Islamic Thought, 2011. –Б.30.

[15] Муҳаммад Муборакфурий. Туҳфатул аҳвазий шарҳ жомиъит Термизий. Ж. 1. –Риёз. Б. 173.

9. Холид Заҳрий. Таълилуш шариа байнас сунна ваш шиа. –Байрут: Дорул ҳадй, 2003. Б. 245 - 250.
10. Ҳаким Термизий. Наводирул усул. – Жидда: Дорул минҳож, 2015. Т.4. Б. 536, 537.
11. Жузжоний А. Қавоид фи улумил ҳадисин набавий ала манҳажис садаил ҳанафийя. – Девбанд, 2018. Б. 16, 17.
12. Муҳаммад Муборакфурий. Туҳфатул аҳвазий шарҳ жомиъит Термизий. Ж. 1. –Риёз. Б. 173.
13. Иброҳим Усмонов. Ҳаким Термизийнинг фиқҳ илми ривожига қўшган ҳиссаси. https://www.bukhari.uz/?p=25130
14. Иброҳим Усмонов. Ҳаким Термизийнинг усулул фиққға оид қарашлари. https://www.bukhari.uz/?p=34812

ТЕРМИЗЛИК МУТАСАВВИФ ОЛИМ – БУРҲОНИДДИН МУҲАҚҚИҚ ТЕРМИЗИЙ

Олим Джураев*

Аннотация. Ушбу мақолада Бурҳониддин Термизийнинг ҳаёти, илмий фаолияти ва ўз замонининг буюк адиби, шоири, машҳур тасаввуф олими Мавлоно Жалолиддин Румийга қилган устозликлари ҳақида ишончли маълумотлар баён қилинган.

Калит сўзлар: тасаввуф, саййид, сирдон, Бурҳониддин Термизий, Султонул уламо, Жалолиддин Румий, Маъориф, нафс, риёзат.

Abstract. This article contains reliable information about Burkhaniddin Termizi's life, scientific activities, and his mentorship to the great writer, poet, and famous mystic of his time, Maulana Jalaluddin Rumi.

Keywords: Sufism, Sayyid, Sirdon, Burkhaniddin Termizi, Sultanul Ulama, Jalaluddin Rumi, Ma'arif, nafs, riyazat.

Мамлакатимизнинг жанубий ўлкаларидан бири Сурхон воҳасида кўплаб қадимий кўҳна шаҳарлар жойлашган. Бу шаҳарлардан бири Термиз бўлиб, у қадимдан Бақтрияда шаклланган цивилизациялар бағрида ташкил топган ва равнақ топган кўҳна шаҳарлардан бири ҳисобланган. Термиз шаҳри Амударё дарёси соҳилида ташкил топган. Термиздан кўплаб мутасаввифлар, мутакаллимлар, муҳаддислар ва олимлар яшаб ижод қилганлар. Бу олимлар ўзларининг илмий мерослари билан бутун дунёга танилганлар. Шунингдек Термиз Абу Исо Муҳаммад Термизий, Ҳаким Термизий, Бурҳониддин Термизий ва Абу Бакр Варроқ Термизий каби муҳаддис ва мутасаввиф олимларлари билан ҳам машҳур.

Ана шундай алломаларимиздан бири – мутасаввиф олим Абу Бакр Варроқ Термизийдир. Абу Бакр Варроқ Термизий тахминан IX асрда Балхда илмий фаолиятини олиб борган. Туғилиши ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Аллома асли Термиздан бўлиб, Балх шаҳрининг Аёз қишлоғида яшаган. Балхда бетоб бўлиб қолгандан кейин Термизга олиб келинган.

Олимнинг тўлиқ исми Абу Бакр Муҳаммад ибн Умар Ҳаким Термизий Балхий бўлиб, исми Муҳаммад, унвони Ҳаким, куняси Абу Бакр, тахаллуси Варроқ, нисбаси Термизий бўлган. Қадимий ва кўҳна китобларни қайта кўчириш ва муқовалаш билан шуғулланган кишиларга “варроқ” дейилган. Кейинчалик бу истилоҳ шоир ва адибларга нисбатан ҳам қўллана бошлайди. “Варроқ” сўзи арабча “вароқ” сўзидан олинган.

Абу Бакр Варроқ Термизий ҳам қадимий ва кўҳна китобларни қайта кўчириш ва муқовалаш билан ҳам шуғулланган бўлиши мумкин.

Абу Бакр Варроқ Термизий Балх билан Термиз орасидаги Сияхжирд[1] йўлида тахминан 294/907 – йилда вафот этган. Ибн Ҳурдазбеҳ Сияхжирд ҳақида асарида шундай келтиради: “Балхнинг орқасидан Сияхжирд деган ўтроқ ер олдимиздан чиқди.

---

* *Имом Термизий халқаро маркази “АРМ” бўлими бошлиғи.*

[1] Бартольд В.В. Сочинения. – Т. I. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. – М.: Издательство Восточной литературы, 1963. – Б.76.

Балхдан Сияхжирдгача бўлган масофа 5 фарсахни ташкил қилади. Бу ердан Балх дарёси билан Жайҳун (Амударё) дарёсининг бирлашган жойигача бўлган масофа 7 фарсах. Икки дарёнинг бирга оққан йўлининг ўнг соҳилида Ҳулм минтақаси ва бу атрофда оққан Дарриғом дарёси бор. Чап соҳилида эса Марв ва Ҳазим шаҳарлари бор"[2]. Термиздаги мақбарасига XII асрда катта хурмат кўрсатилди. Муаллиф Воизи Балхий, уни бир неча бор зиёрат қилган[3].

Муҳаддис Имом Термизий, Абу Бакр Варроқ Термизийниг тоғаси бўлган. Замонасининг буюк олимларидан ва авлиёнинг машҳурларидан бўлган Аҳмад ибн Ҳадравайҳ (ваф.240/855) ва Муҳаммад ибн Али Ҳаким Термизийларга (ваф. 892) шогирд тушиб, дарсларида ва суҳбатларида бўлганлар[4].

Олим Аллоҳ таолонинг севимли бандаларидан бўлиб, доим ибодат қилар, гуноҳлардан қаттиқ сақланарди. Авлиёларнинг машҳурларидан бири бўлган. Дунёга берилмаган эди. Шу сабабли, авлиё тайёрлаш маъносида "Муаддибу-л-авлиё" лақабига сазовор бўлган.

Абу Бакр Варроқ Термизий, ўша даврнинг машҳур сўфиларидан бўлган Аҳмад ибн Ҳадравайҳнинг шогирди бўлган ва устозининг тасаввуфнинг йўлини 10 қисмга бўлганини айтади. Булардан бештаси инсонларга оид ҳаракатлар, қолган бештаси эса, илоҳий меҳрни қўлга киритишга оид. Инсонларга оидлари ушбулар: 1. Тавба; 2. Нафий ал-манаҳий ва малаҳий; 3. Зуҳд; 4. Ҳилм; 5. Иҳтимал ал-ада ва-заҳмат ал-ағяр. Илоҳий меҳрга оидлари ушбулар: Минна, шукр, омана, маҳабба, валаҳ: ва ан ғаят-и даражат аст ва ҳар ки дар маҳаббат валиҳ шуд ҳама аз маҳбуб андишад.

Воизи Балхий, Абу Бакр Варроқ Термизийнинг 9 та асарлари борлигини айтади: "Ал-Алим ва-л-мутааллим" ("Устоз ва шогирд китоби")[5], ""Китоб ал-ихлос" ("Ихлос ҳақида китоб"), "Китоб ал-ҳуруф" ("Ҳарфлар ҳақида китоб"), "Китоб ал-ъитқ ва-л-фикак" ("Озод бўлиш ҳақида китоб"), "Китоб ал-дарожат" ("Даражалар ҳақида китоб"), "Китобу ал-аҳд" ("Аҳд ҳақида китоб"), "Китоб ас-сафа" ("Танлаган китоб"), "Китоб ал-ъужб" ("Ужб ҳақида китоб"). Шунинг билан бирга "Китоб ҳизмад ал-батин" ва "Китоб ал-фавоид" ("Фойдалар ҳақида китоб") каби асарлари ҳам борлиги аниқланган.

Алишер Навоий "Насойим ул-муҳаббат" ("Муҳаббат шабадалари") асарида Абу Бакр Варроқ Термизийнинг шеърий девони борлиги ҳақида келтириб ўтган[6]. Шунингдек, Абу Бакр Варроқ Термизийнинг "Риёзиёт"[7] ва "Муомала" ("Муносабат")[8] ҳақида асарлари ҳам мавжуд.

---

[2] Ибн Ҳурдазбеҳ. Йўллар ва мамлакатлар. Байроқ нашриёти. Истанбул. 2008. – Б. 41.

[3] Фритз Меиэр (Fretz Meier). Абу Саиди Абу-л-Хайр. Лейдин. 1976 (Leiden). – Б.201.

[4] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Т.17. Насойим ул-муҳаббат. –Тошкент: Фан, 2001. – Б.88.

[5] Самъоний. Ансоб. Ж. 4. - Байрут. Дору-л-фикр, 1998. – Б.129; Аммор Жийдал. Шайх ал-улами-л-ислам Муҳаммад Зоҳид ал-Кавшарий. Ж. 1. – Б.38.

[6] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Т.17. Насойим ул-муҳаббат. –Тошкент: Фан, 2001. – Б.88.

[7] Қушайрий. "Ар-рисалату ал-Қушайрий". Ж. 1. – Б.22.

[8] Муҳаммад Калобозий АбуБакр. Ат-таъриф ли-мазҳаби аҳли-т-тасаввуф. Ж. 1. – Б.21,32.

Варроқ Термизий қўплаб шогирдлари бўлган. Улар орасида Ҳомид Термизий, Абулқосим Ҳаким Самарқандий, Бакр Суғдий, Солиҳ ибн Мактуб, Ҳошим Суғдий, Хожа Муҳаммад Ҳамид ва **Абулмузаффар Тирмизий** сингари олимлар борлиги қатор манбаларда қайд этилган[9]. Мотрудия мазҳабига оид "ас-саваду-л-Аъзам" асарининг муаллифи Ҳаким Самарқандий ҳам машҳур шогирдаларидан бири бўлган.

Варроқ Термизийнинг фикрларининг шаклланишида "валоят" мавзусидаги қарашлари билан танилган Ҳаким Термизийнинг таъсири кучли бўлган. Унинг устози каби "Ҳаким" сифати билан танилишига сабаб ҳам шу бўлиши мумкин. Асосан Ҳаким Термизийга доир барча маълумотлар Варроқ Термизий ривояти орқали бизгача етиб келган.

Варроқ Термизий одамларни уч гуруҳга ажаратиб, уларнинг фойда ва зарарларини келтириб ўтади: амирлар (давлат одамлари), олимлар ва фақирлар (сўфилар, зоҳидлар). Бу тоифадагиларнинг ҳар бири ўзларининг вазифаларини маъсулиятли бўлган ҳолда бажарганларида, жамият соғлом бир шаклда ривожланишида. Унга кўра олимларнинг маъсулияти ибодатлари билан, сўфийларнинг масъулияти ахлоқлари билан, амрларнинг масъуляти халқни адолатли идора этиши билан бўлади. Амрларнинг бузилиши халқнинг ҳаловати (хузури) бузилишига, олимларнинг бузилиши шариатнинг бузилишига, зоҳидларнинг бузилиши ахлоқнинг заифлашишига сабаб бўлади. Буларнинг ҳар бири ўзига тегишли бўлган ишлар билан ҳаракат қилишлари ва бир-бирлари билан алоқларни мустахкамлашлари керак. Акс ҳолда бу жамиятнинг бузилишига олиб келади.

Давлат одамларининг ёмонлиги зулм билан, олимларнинг бузуқдиги ҳирс (эҳтирос) ва таъмагирлик (очкўзлик) билан, дунёга берилмаганларнинг, зоҳидларнинг бузилиши эса риё (иккиюзламачилик) ва хўжакўрсин билан бўлади.

Абу Бакр Варроқ Термизий, сўфийларнинг орасидаг кенг тарқалган "зуҳд" сўзини уни ташкил қилган ҳарфларга таяниб шундай дейди: "Зуҳд" (з ҳ д) – з ҳарфи зийнатни тарк қилишни, ҳ харфи ҳавони тарк қилишни ва д ҳарфи дунёни тарк этишдан иборат".

Абу Бакр Варроқ Термизийнинг "валоят" мазусидаги қарашларини Ҳаким Термизийнинг "валоят"даги қарашларига таяниб айтади. Варроқ Термизий ҳам унинг каби "ҳаким" сўзини "вали" (авлиё), "ҳикмат"ни эса "маърифат" маъносида қўллайди. Варроқ Термизийга кўра ҳакимлар набийларнинг халифасидир (ўринбосаридир). Ҳикматнинг илк аломати (белгиси) жим бўлиш ва керагича гапиришдир. Маърифатга эришишни истаган киши,аввало, нафсини мавқеъ ва мақом ҳирсидан тозалаши керак.

Абу Бакр Варроқ Термизийнинг "узлат" ҳақидаги қарашлари шундай тушунтиради: "Дунё ва охират яхшилигини узлат (ёлғизлик) ва хилватда топдим. Дунё

---

[9] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Т.17. Насойим ул-муҳаббат. –Тошкент: Фан, 2001. – Б.88.

ва охират ёмонлигини халқ орасига аралашиб халқ билан бирга бўлишдан топдим", деди[10].

Термизда Абу Бакр Варроқ Термизийга ўхшаган кўплаб олимлар етишиб чиққан. Келажакда термизлик алломаларимизнинг илмий меросларини янада кўпроқ тадқиқ этиш ва уларни ёшларимизга етказиш елкамизда бурчларимиздан бири деб ҳисоблайман.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Бартольд В.В. Сочинения. – Т. I. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. – М.: Издательство Восточной литературы, 1963
2. Ибн Ҳурдазбеҳ. Йўллар ва мамлакатлар. Байроқ нашриёти. Истанбул. 2008.
3. Фритз Меиэр (Fretz Meier). Абу Саиди Абу-л-Хайр. Лейдин. 1976 (Leiden).
4. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Т.17. Насойим ул-муҳаббат. – Тошкент: Фан, 2001.
5. Самъоний. Ансоб. Ж. 4. - Байрут. Дору-л-фикр, 1998.
6. Аммор Жийдал. Шайх ал-улами-л-ислам Муҳаммад Зоҳид ал-Кавшарий. Ж. 1.
7. Қушайрий. "Ар-рисалату ал-Қушайрий". Ж. 1.
8. Муҳаммад Калобозий АбуБакр. Ат-таъриф ли-мазҳаби аҳли-т-тасаввуф. Ж. 1.
9. Мавсуату-л-кустанзон ан фийма истилаҳ аълайҳи аҳли-т-тасаввуф ва-л-ирфон. Ж. 14. – Байрут. Мактаба, 2005.

[10] Мавсуату-л-кустанзон ан фийма истилаҳ аълайҳи аҳли-т-тасаввуф ва-л-ирфон. Ж. 14. – Байрут. Мактаба, 2005. – Б. 252.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ИМОМ АБУ ИСО ТЕРМИЗИЙ ВА ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙГА ОИД ҚИЛИНГАН ИЛМИЙ ИШЛАР (КИТОБ, МАҚОЛА ВА ТАРЖИМАЛАР)

Абдулвоҳид Ўрозов*

Аннотация. Ушбу кичик мақоламизда Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида Имом Абу Исо Термизий ва Абул Ҳаким ат-Термизийнинг ҳаёти, ижоди ва асарлари устида қандай ишлар қилингани борасида сўз боради. Жумладан, илмий тадқиқотлар, тайёрланган мақолалар, рисолалар ҳамда асарларининг таржималари тўғрисида маълумот берилади. Имом Термизий ижодини ўрганиш бўйича Ўзбекистон олимларидан марҳум устоз Убайдулла Уватов ҳамда ҳозирда ёш олимлардан Жўрабек Чўтматов, Махфуза Алимова ва Нодир Каримов икки буюк Термизий ва уларнинг илмий-маънавий мероси устида илмий изланишлар олиб бориб, докторлик диссертациясини ҳимоя қилишган. Шунингдек, Мирзо Кенжабек, Жамолиддин Ҳамроқулов, Одилхон қори Юнусхон ўғли, Жамшид Шодиев, У. Мирсодиқов, Ш. Сафаров, Ж. Мирзаев, С. Турсунов, Б. Муртазоев, О. Алланов, Ш. Бабаханов, Ш. Камалиддинов каби олимлар ва соҳа мутахассисларининг илмий китоблари ҳамда чоп этилган мақолалари таҳсинга лойиқдир.

Калит сўзлар: Ҳаким ат-Термизий, Абу Исо, фиқҳ, Куфа, Сунани Термизий.

Abstract. This small article talks about the life, work and works of Imam Abu Isa at-Tirmizi and Abul Hakim at-Tirmizi during the years of independence of the Republic of Uzbekistan. In particular, information is provided about scientific researches, prepared articles, brochures and translations of works. Ubaydulla Uvatov, the late Ubaidulla Uvatov, among the scholars of Imam al-Tirmizi, and Jorabek Cho'tmatov, Makhfuza Alimova, and Nadir Karimov, the young scientists, conducted scientific research on the two great Termizis and their scientific and spiritual heritage and defended their doctoral dissertations. Also, Mirzo Kenjabek, Jamoliddin Hamrokulov, Odilkhan Qori Yunuskhan Ogle, Jamshid Shodiev, U. Mirsodikov, Sh. Safarov, J. Mirzaev, S. Tursunov, B. Murtazoev, O. Allanov, Sh. Babakhanov, Sh. Scientific books and published articles of scientists and specialists like Kamaliddinov deserve praise.

Keywords: Hakim al-Tirmidhi, Abu Isa, fiqh, Kufa, Sunani Tirmidhi.

Ҳаким ат-Термизий ва Имом Абу Исо Термизий асарларини ўрганган сайин янги-янги қирралари очилиб, инсон руҳияти, маънавияти янада юксалиб боради. Устозлар тили билан айтганда асрлардир, икки донишманд асарларининг қиммати зиёда бўлгандир, аммо камайган эмас. Имом Термизийнинг «ал-Жомиъ ас-саҳийҳ», «аш-Шамоил ан-набавиййа», Ҳаким ат-Термизийнинг "Наводирул-усул фи маърифат ахборур-Расул", "Адабун-нафс", "Китобу манозилил-ибод минал-ибода" асарларида келтирилган ҳадиси шарифлар катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб инсонларни ҳалол, адолатли, иймон-эътиқодли, диёнатли, меҳнатсевар, мурувватли, раҳм-шафқатли, ота-она ва аҳлига нисбатан ҳурмат-эътиборли бўлишга чақиради. Ибратли

* *Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси халқаро маркази Халқаро алоқалар ва протокол бўлими ходими*

панд-насиҳат ва ўгитлар халқимизни, айниқса ёш авлодни тарбиялашда беқиёс аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Имом Термизийнинг асарлари фақат диний илмларнигина қамраб қолмасдан, балки дунёвий илмларга оид маълумотларни ҳам ўз ичига олган. Масалан, «Ал-Жомиус саҳиҳ» асарида тарих, мантиқ ҳуқуқшунослик, табобат ва зироатга доир бўлган қимматли маълумотларни ҳам учратиш мумкин.

Мовароуннаҳр диёрида Ислом дини VII асрда ёйилган бўлса, аждодларимиз уни таълимот сифатида қабул қилибгина қолмай, у билан боғлиқ илмларни ҳам янги поғоналарга кўтариб, дунё тамаддунига беқиёс ҳисса қўшишди. Жумладан, фиқҳ, ҳадис, илмлари Ҳаким ат-Термизий ва Имом Термизий яшаган давр, яъни ҳижрий III асрда ривожланди.

Имом Термизий, Имом Бухорий, Имом Муслим, Абу Довуд каби машҳур муҳаддислар Имом Аҳмад раҳматуллоҳи алайҳнинг ҳадис илмидаги шогирдлари бўлишган. Бироқ, уларнинг ҳар бирлари устозлари каби мустақил ижтиҳод эгалари эди. Турли мазҳаб ва ғояларга муносабат масаласида икки аллома ҳам далил-исботлар билан хулоса чиқаришга асосланган зотлардир. Яъни, Қуръон ва саҳиҳ ҳадисларга таянилган кучли далиллар уларнинг ижтиҳодларида асосий ўрин тутган.

ИМОМ АБУ Исо Термизий

Алломанинг тўлиқ исми, Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Заҳҳок Суламий Термизий, куняси эса Абу Исодир. Имом Термизийнинг оиласи ва ота-онаси ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар келмаган. Баъзи тарихчилар муҳаддиснинг «Бобом асли марвлик эди, у киши Лайс ибн Сайёр замонида яшаган, сўнг у ердан Термизга кўчиб келган», – деган сўзларини келтириб ўтишган.[1]

Имом Термизий 209/824 йили Мовароуннаҳрнинг қадимий шаҳарларидан бири – Термизда таваллуд топган. Имом Термизий Имом ал-Бухорийни устоз деб билса-да, баъзи ҳадис шайхларидан у зот билан тенгма-тенг ҳадислар ривоят қилган. Муҳаддис Хуросон, Ироқ ва Ҳижозга илмий сафарлар қилган, Аҳмад ибн Ҳанбал ва Абу Довуд Сижистоний каби олимлардан таҳсил олган. Аллома ҳадис илмини эгаллашда ўз даврининг машҳур муҳаддисларидан – Имом Бухорий, Имом Муслим ибн Ҳажжож, Абу Довуд, Қутайба ибн Саъид, Исҳоқ ибн Мусо, Маҳмуд ибн Ғийлон, Саъид ибн Абдурраҳмон, Муҳаммад ибн Башшор, Али ибн Ҳажар ал-Марвазий, Аҳмад ибн Муний, Муҳаммад ибн Мусанно, Суфён ибн Вақиъ каби таниқли муҳаддислардан таълим олган, ҳадислар ривоят қилган.[2]

Имом Термизий устози – Имом Бухорийнинг ва бошқа ҳадис илми уламоларининг таъсирида аҳли райдан ташқари кўпроқ аҳли ҳадис йўлидан борган муҳаддислардан биридир. Аллома Абу Ҳусайн Надавий бундай дейди: “Имом Термизий бугунги кунда одамларнинг қиёсий фиқҳ номли тушунчаси мавзусининг

---

[1] “Совет Шарқи мусулмонлари”, журнали, Тошкент: 1990 йил, 3-сон, 1-бет.

[2] Аҳмад Фарғоний номидаги Фарғона вилоят ахборот-кутубхона маркази (http://www.ferlibrary.uz/abu- iso-muammad-at-termiziy).

эшигини қоққан кишидир. Уммат унга "ўз асрида фиқҳий ижтиҳод мактаби намояндаси", деб таъриф бериши лозим бўлган катта фазл эгаси эди".[3]

Имом Термизий илм донишмандларининг барчасига бир хил ҳурматда бўлган. У аҳли рай ҳақида гапирар экан, уларнинг мазҳабларини баён қилиш учун ўз асарида "Куфа аҳли" ёки "айрим Куфа аҳли" каби иборалар қўллаган.[4]

Баъзилар: "Абу Ҳанифани айтишга хижолат бўлганидан "Куфа аҳли" деган", деб ёзади. Аммо Имом Термизий фақат Абу Ҳанифани назарда тутиб, бундай демаган. Балки Куфадаги барча олимларни назарда тутиб шундай деган. Абу Ҳанифадан ташқари, Вакиъ, Суфён Саврий, Суфён ибн Уйайна, Абу Юсуф, Муҳаммад ибн Ҳасан, Зуфар каби фақиҳларни ҳам назарда тутган.[5]

Имом Абу Исо Термизий умрининг сўнги йилларини кўзи ожизликда ўтказган ва 279/892 йили 70 ёшида Термизда вафот этган.

"Сунани Термизий" асари

Имом Термизийнинг "Сунани Термизий" ("Сунан", "Саҳиҳи Термизий", «Жомеъ») асарининг ўзига хос жиҳатларидан бири, фақиҳларга манфаатининг кўплигидир. Яъни, алломанинг асарида аксарияти фиқҳ ҳукмларига оид бўлган ҳадислар зикр этилган, санадлари тўлиқ келтирилган, уни ривоят қилган саҳобаларнинг исми бирма-бир санаб ўтилган. Саҳиҳи ва заифини очиқлаш баробарида у ҳадисни фиқҳ олимларининг қайсиси қабул қилган ва ким қабул қилмагани ҳам тилга олинган. Шу боис Имом Термизийнинг "Сунан" ёки «Жомеъ» китоби бошқа «Сунан» асарларининг жамловчиси, фақиҳ ва муҳаддис учун энг манфаатлиси дея қайд этилган.[6]

Имом Термизий "ал-Жомеъ ас-саҳиҳ"дан ташқари "Шамоили Набавия", "Китобуз-зуҳд", "Асмоъус-саҳоба", "ал-Асмоъ вал-куна", "Китобул илал" каби асарлар ёзган. Уларда Имом Термизийдан ривоят қилинган "Ким сукут сақласа, нажот топади", "Яхшиликка сабабчи бўлган одам ўша яхшиликни қилганчалик савоб олади" каби ибратли ҳадислар ҳам келтирилган.

ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙ

Алломанинг тўлиқ исми, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Башир ал-Ҳаким ат-Термизийдир.[7] Соф ақидавий қарашлари ва соғлом тасаввуфий ғоялари билан танилган Ҳаким ат-Термизий 205/820 йили Термиз шаҳрида туғилган. Алломанинг асарларида жон, унинг ҳолатлари ва ҳаракатлари, инсоннинг ўзини такомиллаштириши, тубан туйғуларини жиловлаб, нафсни поклаш зарурлиги ҳақидаги фикрлар баён қилинган. Ҳаким ат-Термизийга кўра, ақл-заковат ўзлаштира

---

[3] Ийд Холид. ал-Имом ат-Термизий (Дамашқ. Дорул қалам нашриёти, 2001), 89.

[4] Муҳаммад Муборакфурий. Туҳфатул аҳвазий шарҳ жомиъит-Термизий (ар-Риёд: "Риёз"), 1/173.

[5] Қодирхон Маҳмудов. "Имом Термизий – фиқҳий ижтиҳод мактаби намояндаси сифатида", (Тошкент: 20/05/2022. https://www.bukhari.uz/?p=22011).

[6] Убайдулла Уватов. "Икки буюк донишманд" («Шарқ» НМАК, Тошкент, 2005), 25.

[7] Баъзи муаррихлар, масалан, аш-Шаъроний ўзининг «ат-Табақот ал-кубро» асарининг 78-саҳифасида алломанинг исмини "Али ибн Ҳасан" эмас, балки "Али ибн Ҳусайн" дея келтириб ўтган.

оладиган олий билим – маърифат ёки ҳикматдир. Бу эса инсон қалбини ёритувчи илоҳий нурдир. Турли илмларни ўқиб-ўрганиш жараёнида уни эгаллаш мумкин. Асл маърифат эса фақат Аллоҳ таъало ярлақаган кишиларгагина насиб этади. Ҳаким ат-Термизий авлиёларни айни шундай зотлар сирасидан санаб ўтади. У зот Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ҳадисларига бағишланган асарини "Наводирул-усул фи маърифат ахборур-Расул" (Расулуллоҳ хабарларини билишда нодир усуллар) дея номлаган. 291 ҳадис шарҳланган ушбу китобда Ҳаким ат-Термизийнинг ижтиҳоди, одоб ва ахлоққа қаратилган ғоялари кенг баён этилган. Олимлар томонидан олиб борилган тадқиқот ва изланишлар Ҳаким ат-Термизийни, жумладан, валийлик ва маърифат назариячиси, Ислом психологияси ва психология, "мақосид аш-шарийъа" йўналишлари асосчиси, шунингдек, муфассир, муҳаддис, мутакаллим, фақиҳ, муршид ва луғат олими сифатида намоён этади.[8]

Бундан ташқари алломанинг "Адабун-нафс" (Инсон одоби), "Китобу манозилил-ибод минал-ибода" (Бандаларнинг ибодатдаги даражалари), "ал-Ҳаж ва асроруҳу" (Ҳаж ва унинг сирлари) каби асарлари машҳурдир. Ўрта аср араб муаллифларидан Тожуддин ас-Субкий, ал-Хатиб ал-Бағдодий, Ибн Ҳажар ал-Асқалоний, ас-Сулламий ва бошқаларнинг асарларида Ҳаким ат-Термизий қаламига мансуб «Бадъуш-шаъни Абу Абдуллоҳ» («Абу Абдуллоҳ ишининг бошланиши») номли автобиографик бир рисоласи ҳам бор экани келтирилган.[9] Яна «Илмул-авлиё» («Валийлар (ёки авлиёлар) илми»), «Хатмул-авлиё» («Авлиёларнинг охиргиси») ва «Назоирул-Қуръон» («Қуръон ибратлари») каби асарлари ҳам келтириб ўтилган. Ҳаким ат-Термизий таваллуд топган санаси ҳам адабиётларда турлича келтирилган. Одатда, ўрта асрларга оид ёзма манбаларда аксар ҳолларда муаллифнинг туғилган йилига диққат этилмай, фақат вафот этган санаси кўрсатилган. Жумладан, таниқли олим Ҳожи Халифа ўзининг «Кашфуз-зунун» номли асарида Ҳаким ат-Термизий вафотини 255/869 йил дея қайд этган. Шунингдек, алломанинг Термиз шаҳри яқинида жойлашган мақбараси устида ўрнатилган қабртошдаги битикларда ҳам алломанинг вафот санасини 255/869 йил деб берган. Ҳаким ат-Термизийнинг узоқ – 116 ёинки 120 йил умр кўрганлигини эътиборга олсак, аллома саккизинчи асрнинг ўрталарида (тахминан 750-760 йиллар оралиғида) туғилган деб ҳисоблаш мумкин. Айни вақтда баъзи замонавий тадқиқотларда фарқли маълумотларни кўриш мумкин. Жумладан, мисрлик таниқли олим Абдулфаттоҳ Абдуллоҳ Барака Ҳаким ат-Термизийни 205/820 йили Термиз шаҳрида туғилиб, 320/932 йили 112 ёшида вафот этганлигини ёзиб қолдирган.[10] Алломанинг мақбараси Амударёнинг Термиз шаҳрига жуда яқин қисмида жойлашган.

---

[8] Жўрабек Чўтматов. "Муҳаммад Ҳаким Термизий – исломий ҳикмат назарияси асосчиси", Исломшунослик фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, (Тошкент: Тошкент Ислом Академияси, 2024), 10-бет.

[9] Ҳаким ат-Термизийнинг «Хатм ул-авлиё» асарини нашр этган доктор Усмон Яҳё унинг муқаддима қисмига ушбу рисолани ҳам қўшиб чоп этган.

[10] ал-Ҳаким ат-Термизий ва назариятуҳу фил-вилойа, 35-бет.

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР

Ҳозир пайтда Ислом оламида VII-IX асрларда яшаб, ижод этган Термизийлар мероси тадқиқи доирасида Термизийларни алоҳида ўрганиш ишлари изчил давом этмоқда.

XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошларида Ҳаким ат-Термизий ва Абу Исо Термизий меросининг жаҳон илм-фани ривожидаги ўрнини очиб беришда бир қатор ишлар амалга оширилди. Шулар қаторида икки буюк Термизий фаолиятини илмий ўрганишда марҳум олим Проф. Убайдулла Уватов бошлаб берган ишни Док. Жўрабек Чўтматов ва Док. Нодир Каримовнинг изланишлари изчил давом эттирмоқда. Ҳаким ат-Термизий ва Абу Исо Термизий ёзма меросига оид хорижий адабиётларнинг тарихийлик, холислик, тизимлилик йўлларини белгилаш принциплари асосида ёритилишидан мавзуга доир услубий ёндашувлар ва назарий, таҳлилий хулосаларни кўришингиз мумкин. Бу диссертациялардан алломаларнинг ижодининг хорижий мамлакатларда ўрганилишига оид кенг маълумотлар бериб ўтилган. Ўзбекистон Республикасида Мустақиллик йилларининг сўнги 5-6 йили давомида алломалар меросининг тадқиқ этишга жадал киришилди. Айни пайтда биздагидан кўра чет эл илмий тадқиқотчиларининг самарали изланишларини ҳам таъкидлаб ўтишимиз ўринлидир. Хусусан, Туркиядаги Улудағ университетида Ҳаким Термизийнинг ҳаёти ва асарларини ўрганиш бўйича илмий мактаб шаклланган. Бу муассасада дастлаб Селаҳаттин Йилмаз томонидан "ал-Ҳаким ат-Термизий ва ал-амсол минал-Китаб вас-сунна" номли докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш билан бошланган. Ҳаким ат-Термизийнинг тасаввуф илмига оид қарашлари эса унинг ривожига қўшган ҳиссаси университет профессори Салиҳ Чифт асос солган илмий мактабда ўрганилмоқда. Шунингдек, Салжуқ университетида фаолият юритган шарқ мактаби вакилларидан бири Фикрет Карапинар ҳамда Бартин университетининг вакили Воҳит Желал ҳам Ҳаким ат-Термизий ҳаёти ва ижодини тадқиқ этишган.[11] Ибн Ҳалдун ва Мармара университетлари қошида ташкил этилган марказ тадқиқотчилари ҳам алломаларнинг илмий фаолиятини чуқур ўрганишмоқда. Термизий алломаларнинг ижодини ўрганишда Суданнинг Омдурман университетида ташкил этилган марказ алоҳида ўрин тутади. Унинг ходимлари ўз тадқиқотларида Абу Исо Термизийнинг илмий мероси ёритилган асарларнинг хусусияти, аҳамияти, ислом илмидаги ўрни каби масалаларга алоҳида эътибор қаратишган. Хусусан, университет тадқиқотчиси ан-Ноқиб Саид Аҳмаднинг изланишида Абу Исо Термизийнинг "аш-Шамоил ан-набавийа" китобининг тўрт қўлёзма нусхасини топган Иброҳим ал-Масрий ижоди таҳлил қилинган.[12] Ҳаким ат-Термизий ва Абу Исо Термизийнинг илмий мероси Иорданиянинг ал-Байт университетида ҳам тадқиқ этилган бўлиб, унда

---

[11] Ф. Карапинар. "Ҳаким ат-Термизий ва унга оид бир тўплам" Туркия: Marife Dini Araştırmalar Dergisi, 2005. 229-243 б.

[12] Нодир каримов. "XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошлари хориж тарихшунослигида Ҳаким ат-Термизий ва Абу Исо Термизий илмий меросининг ўрганилиши" докторлик (PhD) диссертацияси, (Тошкент: Тошкент Давлат шарқшунослик университети, 2023), 21.

алломаларнинг илмий меросини ўрганиш давомли йўлга қўйилгани ва ушбу жараёнда ёш тадқиқотчилар ҳам катта қизиқиш билан иштирок этаётгани аҳамиятлидир. Шарқда фаолият юритаётган Фаластиндаги Ислом университети қошида ташкил этилган Марказда ҳам Абу Исо Термизий асарлари илмий ўрганилган.[13] Хусусан, Ал-Баршу Марйам Анан Муҳаммаднинг 2017 йилда ҳимоя қилган "Сунани Термизий асарида ҳасан, саҳиҳ ва ғариб ҳадисларнинг тадқиқ этилиши" мавзусидаги диссертацияси шулар жумласидандир.[14]

Шарқда Термизий олимларнинг ижодини ўрганишга ихтисослашган алоҳида марказлар ҳам мавжуд. Улар орасида Малайзияда фаолият юритаётган "Тирмидҳи Сентре" номли илмий марказ алоҳида ўрин тутади. Табиийки, Марказнинг асосий мақсади, алломаларнинг илмий меросига таянган ҳолда бугунгача ислом динига оид илмларни тизимли равишда таҳлил қилиш, бу борада қўлга киритилган натижаларни сақлаб қолиш ва кенг жамоатчиликка тарғиб қилишдир.[15]

Ўзбекистонда Ҳаким ат-Термизий қарашларини ўрганиш мустақиллик арафасидан бошланди.[16] Кейинчалик ушбу йўналишни бирламчи манбалар асосида тадқиқ этишда Убайдулло Уватов, Иброҳим Усмонов, Зафар Фахритдиновнинг тадқиқот ва таржималари мавжуд.[17] Жўрабек Чўтматовнинг изланишларида Ҳаким ат-Термизийнинг ҳикмат тушунчаси ҳақида сўз юритиб, уни яхлит ва тизимли таҳлил этмаган бўлса ҳам алломанинг валийлик ва маърифат назарияси, ислом психологияси ва "мақосидуш- шарийъа" йўналишлари асосчиси, шунингдек, тасаввуф услубидаги муфассир, муҳаддис, фақиҳ, муршид ва луғат олими сифатида кенг тушунчалар берган.[18] Нодир Каримовнинг Диссертацияда эса IX–XII асрлардаги Мовароуннаҳр диний қиёфаси, Марказий Осиё олимларининг Ислом тамаддунига, жумладан Ҳаким ат-Термизийнинг диний ва дунёвий фанларни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси кенг баён этилган. Имом Термизийнинг ҳадисшунослиқдаги ўзига хос қарашлари ва ўрта асрлар маънавий муҳитини тадқиқ этиш баробарида диний ва тарихий билимларнинг такомиллашувини юзага чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларни кўриш мумкин. Олимнинг ҳозирда мазкур мавзу устидаги илмий

---

[13] البرش، مريم عنان محمد. حسن صحيح غريب عند الترمذي : دراسة تطبيقية على جامع الترمذي.)أطروحة ماجستير(. الجامعة الإسلامية. 20.

[14] Нодир Каримов. "XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошлари хориж тарихшунослигида Ҳаким ат-Термизий ва Абу Исо Термизий илмий меросининг ўрганилиши" докторлик (PhD) диссертацияси, 19.

[15] Жўрабек Чўтматов. Муҳаммад Ҳаким Термизий – исломий ҳикмат назарияси асосчиси", Исломшунослик фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация(Тошкент: Тошкент Ислом Академияси, 2024).

[16] Шайх Абдуғани Абдулло. ал-Ҳаким ат-Термизий // Совет Шарқи мусулмонлари. Тошкент, 1990. №4.– Б. 14-17. Сафаров Ш. Термиз ва Термизийлар. (Термиз: Жайҳун, 1993), 126 б; Омонтурдиев Ж. ал-Ҳаким ат-Термизий таълимоти (Тошкент: Университет, 2000), 95 б.

[17] Жўрабек Чўтматов. Муҳаммад Ҳаким Термизий – исломий ҳикмат назарияси асосчиси", Исломшунослик фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, 10.

[18] Ўша диссертация, 61, 212-бетлар.

изланишлари давом этмоқда. Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказининг илмий ходими Олим Джураев шу йил "Имом Термизийнинг "Илал ал-кабир" асарининг тарихий-илмий аҳамияти" мавзусида магистрлик илмий ишини ҳимоя қилди.

Шунингдек, мустақиллик йилларида Имом Термизий илмий фаолияти устида қилинган энг катта ишлардан бири, "Сунан" китобининг ўзбек тилига қилинган изоҳли таржимасидир. Таржиманинг биринчи жилди 2012 йили моҳир адиб ва мутасаввиф олим Мирзо Кенжабек томонидан амалга оширилди. Таржиманинг китобхонлар учун ўқиб фойдаланишларига қулайлиги, содда ва тушунарли, баъзи ўринларига шарҳ, изоҳлари бериб кетилганидир. Асарнинг бошига муаллиф Абу Исо Термизий ҳаёт фаолияти ҳақидаги 34 саҳифалик илмий изланишларини бериб ўтган.[19] Унда алломанинг таржимаи ҳоли баробарида устозлари ва талабалари, уламоларнинг у зот ҳақидаги фикрлари, "Сунани Термизий"нинг ўзига хос хусусиятлари, аҳамиятидан сўнг ҳадис истилоҳларига ҳам тўхталинган.[20]

Имом Термизий ижодини ўрганиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг истиқлол йилларида яна Ж. Ҳамроқулов[21], Одилхон қори Юнусхон ўғли[22], Ж. Шодиев, У. Мирсодиқов[23], Ш. Сафаров[24], М. Азимов[25], Ж. Мирзаев[26], С. Турсунов, Б. Муртазоев, О.

---

[19] Мирзо Кежабек. Сунани Термизий, (Тошкент: "Sharq" нашриёти, 2012), 1/34.

[20] Ўша асар, 24-32 бетлар.

[21] Ҳамроқулов Ж. Имом Абу Исо Муҳаммад Термизий (Тошкент: Мовароуннаҳр, 2017) 218.

[22] Муҳаддис ва фақиҳ аллома. Мусанниф Одилхон қори Юнусхон ўғли, Тошкент; Мовароуннаҳр, 2017. - 96 ;

[23] Доктор Тохир Азҳар Хазирий. Имом Термизийнинг "Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ" асарига кириш. Тарж. Ж. Шодиев, У, Мирсодиқов (Тошкент: Мовароуннаҳр, 2017), 136 .

[24] Сафаров Ш. Термиз ва Термизийлар (Термиз: Жайкун, 1993), 126.

[25] Азимов М. Термиз тарихи (Қарши: Насаф, 2001), 110.

[26] Жалолиддин Мирзо. Термиз тарихи (Тошкент: Шарқ, 2001), 127; Мирзаев Дж.З. Термез — первый мусульманский город Мавараннахра // Uzbekistan's contribution to the development of ls1amic civilization. Abstracts of the papers and addresses to the lnternational Conference devoted to devoted to announcement of Tashkent as a capital of Islamic Culture for 2007 by the lSESCO. (Tashkent-Samarqand: Publishing Center of al-lmam al-Bukhari, 2007), 173-175; Мирзаев Ж, Термиз — ўзбек давлатчилиги ва маданияти тимсоли сифатида // Ў'zbekiston tarixi. Тошкент, 2001. №4. — Б.13-20; Мирзаев Ж. Термиз — маънавия ва маърифат маркази // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. Тошкент, 2001. №4. — Б. 67-71; Мирзаев Ж. Термиз саййидлар шажараси тарихий манба сифатида // Бақтрия-Тохаристон қадимда ва Ўрта асрларда. Сурхондарё вилоят ўлкашунослик музейининг 60 йиллигига бағишланган илмий анжуман маърузалари баёни. – Самарқанд, 1993, – Б, 70;

Алланов[27], Ш. Бабаханов[28], Ш. Камалиддинов[29] каби соҳа мутахассисларининг илмий изланишлари, таржима ва шарҳларини ҳам тилга олиш мумкин.

Истиқлол йилларида Имом Термизий ва Ҳаким ат-Термизий ҳаёти ва ижодига оид ёзилган асарлар

1. Жалолиддин Ҳамроқулов. Имом Абу Исо Муҳаммад Термизий. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2017. – 218 б.

2. Мирзо Кенжабек. Буюк Термизийлар, Термиз тазкираси. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2017. – 528 б.

3. С. Турсунов, Б. Муртазоев, О. Алланов. Термизий алломалар. – Тошкент: Yangi nashr, 2015. – 272 б.

4. С. Турсунов, Р. Чориев, Б. Муртазоев, Ж. Чўтматов. Имом Абу Исо Термизий ва термизий алломалар. – Тошкент: Yangi nashr, 2019. – 288 б.

Истиқлол йилларида Имом Термизий ва Ҳаким ат-Термизийга оид асарларнинг таржималари рўйхати

5. Абу Исо Термизий. Саҳиҳи Термизий. Танланган ҳадислар. Абдуғани Абдулло таржимаси, – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1993. – 208 б.

6. Доктор Тоҳир Азҳар Хазирий. Имом Термизийнинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарига кириш. Тарж. Ж. Шодиев, У. Мирсодиков. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2017. – 136 б.

7. Жўрабек Чўтматов ва бошқа ҳаммуаллифлар. Термизлик алломалар асарларининг жаҳон фондларидаги қўлёзмалари каталоги. – Тошкент: Фан, 2018. – 544 б.

8. Ҳаким ат-Термизий. ал-Ақл вал-ҳаво (Таржима): маънавий–маърифий / Чўтматов Ж. – Термиз: “Kitob nashr” нашриёти, 2024. – 48 б.

9. Ҳаким Термизий рисолалари. (“Ҳаким Термизий йўлининг бошланиши”, “Нафс одоби”, “Нафс риёзати” ва “Касб–тирикчилик баёни”) маънавий–маърифий / Ж. Чўтматов. – Тошкент: “Мовароуннаҳр” нашриёти, 2017. – 456 б.

10. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ҳаким Термизий. Намоз ва унинг мақсадлари [Матн] Жониев М. – Термиз: Kitob nashr, 2022. – 197 б.

11. ат-Термизий. “Китабул илал (ҳадис иллатлари ҳақида рисола) маънавий–маърифий / Ж. Чўтматов. – Тошкент: “Мовароуннаҳр” нашриёти, 2017. – 90 б.

12. аш-Шамоил ал-Муҳаммадийя У. Уватов, М. Кенжабек. – Тошкент: “Шамсиддин Бобохон” нашриёти, 2017. – 438 б.

---

[27] Турсунов С., Муртазоев Б., Алланон О. Термизий алломалар. — Тошкент: Yangi nashr, 2015. - 272 б; Турсунов С, Муртазоев Б. Термизийлар илмий тафаккури. Тошкент; 2016. – 280.

[28] Бабаханов Ш.З. Становление хадисовеленння и выдающиеся мухатшсь: Средней Азии И Исследования по истории. и истории науки и культуры народов Средней Азии! Под редакцией П.Г.Булгакова и У.И.Каримова. – (Тошкент: Фан нашриёти, 1993); Ўша муаллиф. Великие мухаддисы о мире и дружбе между народами. – (Ташкент: А. Кадыри, 1998), 126.

[29] Камалиддинов Ш. С. «Китаб Абу Саъда Абдалкарима ибн Мухаммада ас-Самъоний как источник по истории и истории культуры Средней Азии (Ташкент: «Фан» АНРУзу 1993), 128.

13. Имом Термизий. Илм ҳақида 40 ҳадис. Таржима ва изоҳлар муаллифлари: О. Жўраев, У. Улжаев, А. Абдуллаев, Ф. Худойназаров. – Термиз: Kitob nashr, 2023. – 152 б.

14. Баён ал-фарқ байн ас-садр вал-қалб вал-фуад вал-луб. Абулҳусайн Нурий, Мақомот ал-қулуб, (Таржима): маънавий маърифий / Ж. Чўтматов. – Т.: "Kitob nashr", 2024. – 160 б.

15. Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий. Сунани Термизий таржимаси. 1-жилд (Таржима): маънавий маърифий / М.Кенжабек Тошкент: "Мовароуннаҳр", 2017. – 528 б.

16. Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий. Сунани Термизий таржимаси. 2-жилд Таржима: маънавий маърифий / Мирзо Кенжабек. – Тошкент: "Мовароуннаҳр", 2017. – 448 б.

17. Абу Исо Муҳаммад Ибн Исо Термизий. Жомеъус-сунан. Таржима ва изоҳлар муаллифлари Ҳ. Аминов, М. Исмоилов, Б. Абдуллаев. – Т.: "Movarounnahr", 2018. – 320 б.

18. Абу Исо Термизий. Расулуллоҳ сафдошлари ("Тасмияту асҳоби расулиллоҳ) Таржима: маънавий маърифий / Ҳ. Аминов, М. Исмоилов, Б. Абдуллаев. Тошкент: "Наврўз", 2017. – 320 б.

19. Ҳаким Термизий. Баҳрут-тафсир. Нашрга тайёрловчи: Жўрабек Чўтматов. – Истанбул: "Дорул-кутубул-арабийя", 2023. – 773 б.

20. Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизий. Жомеъ алайҳиссалом-сунан. Сайланма ҳадислар Таржима ва изоҳлар муаллифлари: Ҳ. Аминов, М. Исмоилов. – Тошкент: "Мовароуннаҳр", 2018. – 320 б.

21. Ҳаким ат-Термизий. "Эҳтиётлар" (ал–Эҳтиётот"), "Тариқат одоби" ("Кайфият алайҳиссалом-сулук"). Таржима ва нашрга тайёрловчи: Ҳ. Аминов Тошкент: "Фан", 2018. – 104 б.

22. Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий. Шамоили Муҳаммадийя. 1-китоб. Зиёвуддин Раҳим. – Тошкент: Sharq, 2020. – 304 б.

23. Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий. Шамоили Муҳаммадийя. 2-китоб. Зиёвуддин Раҳим. – Тошкент: Sharq, 2020. – 304 б.

Истиқлол йилларида "Сунани Термизий" асарига ёзилган шарҳлар

1. Абу Исо Термизий. Сунан Термизий шарҳи. Муқаддима. 1-жилд. М. Исмоилов, Х. Абиев, Х. Аминов, А. Абдуллаев. – Тошкент: Irfonnashr, 2022. 400 б.

2. Абу Исо Термизий. Сунан Термизий шарҳи. Поклик китоби. 2-жилд. М. Исмоилов, Х. Абиев, Х. Аминов, А. Абдуллаев. – Тошкент: Irfonnashr, 2022. 400 б.

3. Абу Исо Термизий. Сунан Термизий шарҳи. Поклик китоби. 3-жилд. М. Исмоилов, Х. Абиев, Х. Аминов, А. Абдуллаев. – Тошкент: Irfonnashr, 2022. 400 б.

4. Абу Исо Термизий. Сунан Термизий шарҳи. Поклик китоби. 4-жилд. М. Исмоилов, Х. Абиев, Х. Аминов, А. Абдуллаев. – Тошкент: Irfonnashr, 2022. 400 б.

Истиқлол йилларида нашр қилинган "Буюк термизийлар" рукни остидаги кичик ҳажмдаги рисолалар

1. Муҳаддис ва фақиҳ аллома. Мусанниф Одилхон қори Юнусхон ўғли, Тошкент: Мовароуннаҳр, 2017. – 96 б.

2. Ҳаким Термизийнинг “Таҳсилу назоирул-Қуръон” асари ҳақида / Ж. Чўтматов. – Термиз: Kitob nashr, 2022. – 24 б.

3. У. Уватов, И. Усмонов. Термизлик икки аллома. Абу Исо Муҳаммад Термизий, Ҳаким Термизий. – Тошкент: Ислом университети, 2017. – 144 б.

4. Убайдулла Уватов. “Икки улуғ донишманд” (Ҳаким Термизий, Абу Исо Термизий). – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2017. – 112 б.

5. Имом Абу Исо Термизий ҳаёти ва ижодий саҳифалари. Ж. Чўтматов. – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёти, 2019. – 176 б.

6. Шахриёр Сафаров. Термиз ва Термизийлар. – Термиз: Жайкун, 1993. – 126 б.

7. Ҳаким Термизий [Матн]: маънавий-маърифий / У. Уватов, Ж. Чўтматов. – Тошкент: Shamsuddinxon Boboxonov, 2021. – 104 б.

8. Термизийлар калом мактаби [Матн] / Жўрабек Чўтматов. – Термиз: “Kitob nashr” нашриёти, 2024. – 60 б.

9. Термизийлар тасаввуф мактаби [Матн] / Жўрабек Чўтматов. – Термиз: “Kitob nashr” нашриёти, 2024. – 52 б.

10. Термизийлар тафсир мактаби [Матн] / Жўрабек Чўтматов. – Термиз: “Kitob nashr” нашриёти, 2024. – 60 б.

11. Термизийлар фиқҳ мактаби [Матн] / Жўрабек Чўтматов. – Термиз: “Kitob nashr” нашриёти, 2024. – 60 б.

12. Термизийлар ҳадис мактаби [Матн] / Жўрабек Чўтматов. – Термиз: 2021. – 64 б.

Ўзбекистонга оид хориждаги қўлёзма асарлар катологи

2017-2022 йилларда олиб борилган тадқиқотларда кўҳна Термиз диёридан ўрта асрлар ва ундан кейинги даврларда етишиб чиққан алломалар – Термизийлар қаламига мансуб қўлёзмаларнинг кўплаб нусхалари жаҳон китоб фондларида сақланаётганига аниқлик киритилди. Ўрганишларга кўра, 3166 та қўлёзмадан 314 таси термизлик олимларнинг илмий-ижодий меросларидан иборат экани ойдинлашди. Улар орасидаги энг машҳур бўлганлари ҳам Имом Термизий ва Ҳаким ат-Термизийдир. Яъни, 2017 йилда Президентимиз ташаббуси билан юртимизда термизлик алломаларнинг ижодини ўрганишга бўлган эътибор янада кучайди. Шу жумладан, 2018 йилда шарқшунос олим С. Муҳаммадаминов томонидан дунё фондларида сақланаётган Термизийлар қаламига мансуб қўлёзмалар каталоги чоп этилди.[30]

Ўзбекистонга оид хориждаги қўлёзма асарлар катологларида термизлик алломалар қаламига мансуб 314 та қўлёзма асарнинг маълумотлари

[30] Термизлик олимлар асарларининг жаҳон фондларидаги қўлёзмалари каталоги Нашрга тайёрловчилар: Тарих фанлари номзоди С.А.Муҳаммадаминов (лойиҳа раҳбари), кичик илмий ходим О.Р.Мадалиева. Масъул муҳаррир: тарих фанлари доктори Б.А.Абдуҳалимов. – Тошкент: Фан, 2018. – Б. 544.

жамланган.[31] Хусусан, Имом Термизийнинг қаламига мансуб олтита асарнинг 152 та қўлёзма нусхаси ҳақидаги маълумотлар катологлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ2995-сон "Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида кенг кўламли ишлар изчил давом этмоқда.[32] Жумладан, икки буюк Термизий ҳақида бир қанча асарлар, рисола ва таржималар тайёрланди. Мақолалар ҳозирланиб, анжуманлар ўтказилиб келинмоқда. Жумладан, марҳум тарих фанлари доктори, профессор Убайдулла Уватовнинг "Икки улуғ донишманд" асари ва «Мовароуннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожида тутган ўрни (Ал-Бухорий, Муслим, Ат-Термизий)» мавзуидаги докторлик диссертацияси бунинг яққол мисолидир. Ҳадис илмларида профессор марҳум Убайдулла Уватов олиб борган изланишлар натижасида чоп этилган кўплаб китоб, рисола ва мақолалар улуғ боболаримизнинг шарафли хизматларини ёритишда ўзига хос манбага айланди. Бу ишларнинг давоми ўлароқ Мирзо Кенжабек, Жўрабек Чўтматов, Нодир Каримов, Аминов Ҳамидуллоҳ, Исмоилов Масъудхон, Адиев Ҳикматуллоҳ, Абдуллаев Ботиржон ва бошқа олимларнинг илмий фаолиятлари ёш тадқиқотчи талаба ва китобхонлар учун аҳамиятли манбаларга айланди. Зеро бу алломаларнинг илмий фаолияти, изланишлари ҳақидаги қизиқарли маълумотлар ёшларнинг ҳам илмга бўлган муҳаббатини янада оширади. Масалан, Имом Термизий ва Ҳаким ат-Термизий Самарқанд, Бухоро, Марв ва бошқа шаҳарлардаги машҳур уламо ва муҳаддислар асарларини чуқур ўрганган. Имом Термизий ҳадис ўрганиш ва уларни ёйиш учун 20 йил ўзга юртларда бўлган. Нишопурда Имом Бухорий билан учрашиб, кўп ҳадислар хусусида фикр алмашган. Бу учрашув ва буюк аллома билан беш йил биргаликда яшаши Термизий ҳаётида катта ўрин тутган. Ёки Ҳаким ат-Термизийнинг онасини хизматини қилиб дуосини олиш учун тенгдошлари билан илм сафарига чиқишдан воз кечиши ва бунинг баракотидан улардан кўра олимроқ бўлиб етишиши ҳақидаги ривоятлар таълим ва тарбияда буюк ўрнаклардир.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Туркия, Миср, Малайзия каби баъзи хорижий ўлкаларда Термизийларга оид кўплаб тадқиқотлар олиб борилган, асарларининг таржималари нашр этилган, мақолалар эълон қилинган. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси истиқлол йилларининг яқин 5-6 йиллик ўтган даврида икки буюк Термизий илмий мероси доирасида қилинган ишларнинг кўлами каттадир. Ҳозирги пайтда икки аллома илмий меросини ўрганиш ишлари жадал давом этмоқда. Жумладан, устоз Мирзо Кенжабек, Жўрабек Чўтматов, Ҳамидуллоҳ Аминов, Масъудхон Исмоилов, Ҳикматуллоҳ Адиев, Ботиржон Абдуллаев каби олимлар томонидан асарларининг таржима ва шарҳлари устида ишланмоқда. Аминмизки, яқин келажакда Термизийлар ва қадим Мовароуннаҳрда етишиб, чиққан, фаолият

---

[31] Ўзбекистонга оид хориждаги қўлёзма асарлар реестри. 2 том. Қўлёзма ҳуқуқида; Ўзбекистонга оид хориждаги қўлёзма асарлар реестри. 3 том. Қўлёзма ҳуқуқида.

[32] Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш ҳақида // Халқ сўзи. – 2017. – 15 февр.

олиб борган бошқа алломалар илмий меросининг очилмаган қирралари, топилмаган қўлёзма асарлари юзага чиқади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Мирзо Кежабек. Сунани Термизий таржимаси (шарҳ ва изоҳи). Тошкент: “Sharq” нашриёти, 2013, 528 б.
2. Термизлик олимлар асарларининг жаҳон фондларидаги қўлёзмалари каталоги Нашрга тайёрловчилар: Тарих фанлари номзоди С.А.Муҳаммадаминов (лойиҳа раҳбари), кичик илмий ходим О. Р. Мадалиева. Тошкент: Фан, 2018.
3. Иёд Холид. ал-Имом Термизий. Дамашқ. Дорул қалам нашриёти, 2001.
4. Жўрабек Чўтматов. “Муҳаммад Ҳаким Термизий – исломий ҳикмат назарияси асосчиси”, Исломшунослик фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент: Тошкент Ислом Академияси, 2024.
5. Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликлар – маданиятимизнинг ажралмас қисми / Таҳрир ҳайъати: Р.Баҳодиров (бош муҳаррир), Ў.Султонов, А. Эркинов, Ж. Ильясов, А. Мусакаева, Д. Расулов, О. Мадалиева. – Тошкент: Zabarjad media, 2020.
6. Термизлик олимлар асарларининг жаҳон фондларидаги қўлёзмалари каталоги Нашрга тайёрловчилар: Тарих фанлари номзоди С.А.Муҳаммадаминов (лойиҳа раҳбари), кичик илмий ходим О.Р.Мадалиева. – Тошкент: Фан, 2018. 544 б.
7. Ҳаким ат-Термизий. Баҳрут-тафсир. Нашрга тайёрловчи: Жўрабек Чўтматов. Истанбул: “Дорул-кутубул-арабийя”, 2023.
8. Имом Термизий [Матн]: маънавий-маърифий / У. Уватов, О. Жўраев. Тошкент: “Shamsuddinxon Boboxonov” НМИУ, 2021.
9. Абу Исо Термизий. Сунан Термизий шарҳи. Муқаддима. 1-жилд. М. Исмоилов, Х. Абиев, Х. Аминов, А. Абдуллаев. – Тошкент: Irfonnashr, 2022. 400 б.
10. Қодирхон Маҳмудов. “Имом Термизий – фиққий ижтиҳод мактаби намояндаси сифатида”, Самарқанд: 20/05/2022. https://www.bukhari.uz/?p=22011.
11. Жалолиддин Мирзо. Термиз тарихи. Тошкент: Шарқ, 2001, 127 б.
12. Камалиддинов Ш. С. «Китаб Абу Саъда Абдалкарима ибн Мухаммада ас-Самъоний как источник по истории и истории культуры Средней Азии. Тошкент «Фан» АНРУзу 1993. - С. 128.
13. Ўзбекистонга оид хориждаги қўлёзма асарлар реестри. 1 том // Тузувчилар: фал.ф.д., проф. Р. Баҳодиров, фил.ф.д. А. Эркинов, т.ф.д. Ў. Султонов, т.ф.н. С. Муҳаммадаминов, т.ф.н. Д. Расулов, С. Ғуломов, К. Бекова, О. Мадалиева, Ф. Хуснутдинов. – Тошкент: Tasvir nashriyot uyi, 2020. – 496 б.
14. Муҳаддис ва фақиҳ аллома. Мусанниф Одилхон қори Юнусхон ўғли, Тошкент; Мовароуннаҳр, 2017. – 96.

15. Доктор Тоҳир Азҳар Хазирий. Имом Термизийнинг “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарига кириш. Тарж. Ж. Шодиев, У. Мирсодиқов. Тошкент: Мовароуннаҳр, 2017. – 136.
16. Ф. Карапинар. “Ҳаким ат-Термизий ва унга оид бир тўплам”. Туркия: “Marife Dini Araştırmalar” журнали, б. 229-243, 2005.

ТЕРМИЗИЙ АЛЛОМАЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ ВА УЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ

Нилуфар Бердиева Ахатовна*

Аннотация. Термизий алломаларнинг илмий мероси ислом цивилизациясида муҳим ўрин тутади. Имом Термизий ва Ҳаким Термизий каби алломаларнинг асарлари ҳадис илми ва исломий илмлар ривожига катта ҳисса қўшган. Улар томонидан ёзилган асарлар нафақат ислом оламида, балки жаҳон илм-фанида ҳам юқори баҳоланади. Бугунги кунда уларнинг илмий мероси Ўзбекистонда ва бутун дунёда ўрганилмоқда.

Термизий алломаларнинг асарлари ҳадис илми, тасаввуф, фиқҳ ва бошқа исломий илмлар соҳасида муҳим манба ҳисобланади. Улар томонидан ёзилган асарлар исломий илмларнинг ривожига катта таъсир кўрсатган. Ҳозирги кунда уларнинг асарлари илмий тадқиқотлар ва таълим жараёнларида кенг қўлланилмоқда.

Термизий алломаларнинг илмий мероси миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Улар томонидан ёзилган асарлар инсонларнинг маънавий ва ахлоқий тарбиясида муҳим ўрин тутади. Шунингдек, уларнинг асарлари ёш авлодни миллий қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Калит сўзлар: Термизий алломалар, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, илмий мерос, ҳадис илми, ислом цивилизацияси.

Abstract. The scholars of Termez play an important role in Islamic civilization. The works of such scholars as Imam Tirmidhi and Hakim Tirmidhi have made a significant contribution to the development of the science of hadith and Islamic sciences. Their works are highly valued not only in the Islamic world but also in world science. Today, their scientific heritage is studied in Uzbekistan and around the world.

The works of the scholars of Termez are an important source in the field of hadith science, Sufism, fiqh, and other Islamic sciences. Their works have had a significant impact on the development of Islamic sciences. Currently, their works are widely used in scientific research and educational processes.

The scientific heritage of the scholars of Termez also has important significance for ensuring interethnic harmony and tolerance. Their works play an important role in the spiritual and moral education of people. In addition, their works are important in educating the younger generation in the spirit of respect for national values and love for the Motherland.

Keywords: Tirmidhi scholars, Imam Tirmidhi, Hakim Tirmidhi, scientific heritage, hadith science, Islamic civilization.

Термиз, қадимги Сурхондарё водийсининг маркази, Ислом дунёсида етук алломаларни вояга етказган илмий марказлардан бири ҳисобланади. Бу ердан чиққан уламолар ўз замонасида нафақат Ислом илмларида, балки фан, маданият ва фалсафа

* *Хожа Бухорий ўрта махсус ислом таълим муассасаси ўқув-услубий бўлим бошлиғи*

соҳаларида ҳам жаҳон миқёсида танилган. Уларнинг илмий мероси, асарлари ва фаолияти нафақат ўша даврда, балки ҳозирги кунда ҳам илмий-тадқиқот соҳасида муҳим аҳамиятга эга. Ушбу мақолада Термизий алломаларининг илмий мероси ва уларнинг ҳозирги кундаги аҳамияти ҳақида сўз юритилади.

Термизий алломаларнинг илмий мероси Ислом илмлари, табиий фанлар ва фалсафа соҳаларида муҳим аҳамият касб этган. Улар орасида энг машҳури Имом Абу Исо Термизий бўлиб, у ҳадис илми бўйича танилган ва унинг "Жомеъ ас-саҳиҳ" асари мусулмон оламида ҳадис тўпламлари орасида муҳим ўрин эгаллайди. Имом Термизийнинг “Жомеъ ас-саҳиҳ” асари ҳадис илмининг асосий манбаларидан бири ҳисобланса, Ҳаким ат-Термизийнинг тасаввуфий асарлари маънавият ва ички юксалиш масалаларида ҳозирги кунда ҳам катта аҳамиятга эга.[1] Термизий алломалари фиқҳ, ақийда ва ахлоқ соҳаларида ҳам бир қатор асарлар ёзиб, ўз даврининг илм-фан ривожига катта ҳисса қўшган. Улар ёзган асарлар бугунги кунда ҳам диний таълим ва илмий тадқиқотларда асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилади.

Термизий алломаларининг илмий мероси ва уларнинг ҳозирги кундаги аҳамияти мавзусининг долзарблиги бир неча муҳим сабаблар билан боғлиқ:

1. Ислом таълимоти ва анъаналарига бўлган эҳтиёж: Бугунги кунда Ислом илмлари, хусусан, ҳадис ва фиқҳ соҳаларида янги изланишлар ва таҳлиллар талаб этилмоқда. Термизий алломаларининг асарлари Ислом қонуншунослиги ва ахлоқий таълимотларини кенгроқ тушуниш ва уларни амалиётга татбиқ этиш учун муҳим манбалар ҳисобланади.

2. Маънавий ва ахлоқий тарбиянинг аҳамияти: Жамиятда маънавий қадриятлар ва ахлоқий тарбияга бўлган эҳтиёж ортиб бораётган бир пайтда, Термизий алломалари ёзган асарлар ахлоқ-одоб, инсонпарварлик ва маърифатга оид билимларни беришда муҳим ўрин тутади. Бу асарлар ёш авлод тарбиясидаги долзарб масалаларга ҳам ечим бўлиши мумкин.

3. Илм-фан ва маданиятнинг ривожи: Термизий алломаларининг илмий методлари ва ютуқлари замонавий тадқиқотлар учун ҳам қимматлидир. Улар табиий фанлар ва ижтимоий фанларда қўллаган методлар бугунги кун тадқиқотчилари учун илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади.

4. Ҳадис ва фиқҳ соҳаларидаги изланишлар: Имом Термизий каби алломалар ҳадис илмидаги ишланмалари билан ҳозирги кун исломшунослик тадқиқотлари учун асос бўлиб келмоқда. Улар яратган илмий классификациялар, таҳлил ва ҳадисларнинг ишончлилигига оид услублар замонавий тадқиқотлар учун муҳим манба сифатида қўлланмоқда.

5. Маданий меросни тиклаш: Термизий алломаларининг илмий мероси нафақат диний, балки маданий аҳамиятга ҳам эга. Бугунги кунда уларнинг асарларини қайта

---

[1] Ҳайдаров, Абдулҳаким. “Ҳаким ат-Термизий ва унинг тасаввуфий мероси”. Тошкент: Тасаввуф маркази нашриёти, 2005

тиклаш, ўрганиш ва жамиятга етказиш миллий ва диний меросимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш йўлида муҳим вазифалардан биридир.

Шу сабабли, Термизий алломаларининг илмий мероси бугунги кунда нафақат диний, балки умуммаънавий ва маданий ривожланиш учун ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда Термизий алломаларининг асарлари кенг тадқиқ қилинади ва Ислом таълим муассасаларида асосий манбалардан бири сифатида қўлланилади. [2]

Имом Абу Исо Термизий ва Ҳаким ат-Термизий Термиз шаҳрида туғилган буюк алломалар ҳисобланади. Иккиси ҳам Ислом илмларига улкан ҳисса қўшган, аммо уларнинг илмий фаолияти турли йўналишларда бўлган. Қуйида уларнинг ҳаёти, асарлари ва уларнинг мазмуни ҳақида тўлиқ маълумот келтирилади.

Имом Абу Исо Термизий (824-892). Имом Абу Исо Термизий 824 йилда Термиз яқинидаги Буг қаласида туғилган. У Ислом илмларига алоҳида қизиққан ва ёшлигидан бу илмларни ўрганишга интилган. У ҳадис, фиқҳ ва ақийда соҳаларида билим олиш учун турли шаҳарларга сафарлар қилган. Имом Бухорий, Имом Муслим, Абу Довуд каби буюк муҳаддислардан таълим олган ва улар билан илмий мулоқотда бўлган. Ат-Термизийнинг ҳаётининг асосий қисми ҳадис илми ва унинг ривожига бағишланган.

Асарлари ва уларнинг мазмуни. "Жомеъ ас-саҳиҳ" – Бу Имом Термизийнинг энг машҳур ҳадис тўплами. Асарда 4,000 дан ортиқ ҳадислар тўпланган ва улар турли мавзуларга бўлинган. Ҳадислар мазмунига кўра турли рукнларга ажратилган ва ҳар бир ҳадиснинг ишончлилиги таҳлил қилинган. Асар ҳадис илмдаги тўрт муҳим тўпламдан бири бўлиб, мусулмон уламолари томонидан юксак баҳоланади.

"Шамоил ан-Набавийя" – Бу асарда Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шахсий ҳаёти, одоб-ахлоқи, кийиниш ва кундалик фаолияти баён қилинган. У Пайғамбарнинг жамият билан муносабатлари, ахлоқий қоидалари ва ижтимоий фаолияти ҳақида ҳадислардан келиб чиқиб маълумотлар келтиради.

"Китоб ал-илал" (Иллатлар китоби) – Имом Термизий бу асарида ҳадисларнинг иллатларини, яъни уларнинг баъзи камчиликлари ёки ноаниқликларини тушунтириб берган. Бу китоб ҳадисларни таҳлил қилиш, уларнинг саҳиҳ ёки заиф эканлигини аниқлашда муҳим қўлланма бўлиб ҳисобланади.

Ҳаким ат-Термизий (820-932). Ҳаким ат-Термизий, тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ат-Термизий, тасаввуф, ақида ва фиқҳ соҳаларидаги йирик олимлардан бири бўлиб, у суфийлик (тасаввуф) мактабининг асосчиларидан бири сифатида танилган. У Термизда туғилиб ўсган ва турли шаҳарларда илм олиш учун сафар қилган. У фиқҳ, калом, тасаввуф ва фалсафа каби фанлар бўйича чуқур билим олган. Унинг фаолиятининг асосий қисми инсон маънавияти, руҳий тарбия ва Аллоҳга яқинлашиш йўлларини ўрганишга бағишланган.

Асарлари ва уларнинг мазмуни. "Хатмул авлиё" – Бу асарда авлиёлар мақоми ва уларнинг аҳамияти ҳақида батафсил тушунтириш берилган. Ат-Термизий суфийлар орасида авлиёликнинг мақоми, инсоннинг маънавий юксалиши ва Аллоҳга

---

[2] Назаров, Муҳаммад Юсуф. "Термизий алломаларининг ҳадис илмидаги ўрни". Исломшунослик журнали, 2010, №5, 56–65-бетлар.

яқинлашишдаги йўллар ҳақида сўз юритган. Бу асар тасаввуфий йўналишда муҳим манбалардан бири бўлиб ҳисобланади.

“Китаб ал-фурқон” – Асарда Аллоҳнинг олий зотлиги ва унинг хилқати орасидаги тафовут баён этилган. Бу китобда Аллоҳнинг зоти ва сифати ҳақидаги каломий ва фалсафий тушунчаларни изоҳлашга урғу берилган.

“Китоб ал-иршод” – Бу асар инсон маънавияти ва унинг руҳий камолотга етиши учун керак бўлган йўлларни кўрсатади. Асар суфийлик таълимоти бўйича йўл-йўриқлар ва тавсияларни ўз ичига олади, инсоннинг маънавий юксалиши ва тарбиясига оид масалаларни ёритади.

Имом Абу Исо Термизий ва Ҳаким ат-Термизий иккиси ҳам Ислом илмлари ва тасаввуф соҳаларида чуқур из қолдирган алломалардир. Имом Термизий асосан ҳадис ва фиқҳ соҳаларида машҳур бўлган бўлса, Ҳаким Термизий суфийлик ва маънавий тарбия соҳаларида катта обрўга эга бўлган. Улар ёзган асарлар, хусусан, “Жомеъ ас-саҳиҳ” ва “Хатмул авлиё” бугунги кунда ҳам Ислом илмлари ва маънавий тарбия соҳаларида муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг ҳадисларни саҳиҳликка кўра саралаш, фиққий масалаларни ҳал қилиш ва маънавиятга оид таълимотлари замонавий жамиятнинг маънавий ва ахлоқий юксалишига хизмат қилади. [3]

Термизий алломаларининг ҳадис илмидаги ҳиссаси жуда катта бўлиб, уларнинг асарлари Ислом оламида фундаментал аҳамиятга эга. Хусусан, Имом Абу Исо Термизий ва унинг ҳадислар бўйича ёзган асарлари исломий ҳуқуқ, ахлоқ, фиқҳ ва диний амаллар асосини шакллантиришда муҳим роль ўйнаган. Термизий алломаларининг ҳадис илмига қўшган ҳиссаси ва асарларининг аҳамияти қуйида баён этилади.

Имом Абу Исо Термизийнинг ҳадис илмидаги ҳиссаси. Имом Термизий ҳадис илмидан ташқари фиқҳ, ақийда ва бошқа исломий фанларда ҳам етук олим бўлган. Аммо унинг ҳадис илмидаги асосий ҳиссаси унинг тўплаган ва саҳиҳ ҳадисларни саралаш ва таърифлашга оид ишларидир.

Асарлари ва уларнинг ҳадис илмидаги аҳамияти. “Жомеъ ас-саҳиҳ” (Сунанут Термизий) – Бу асар ҳадис илмидаги тўрт машҳур ҳадис тўплами — “Кутуби ситта”нинг бири ҳисобланади. Асарда Ислом ҳуқуқи (фиқҳ)га оид турли мавзуларга мансуб ҳадислар тўпланган. Имом Термизий ҳадисларнинг саҳиҳлигини аниқлашда махсус илмий усулларни қўллаган, ҳадисларнинг иллатларини кўрсатган ва уларнинг ривоятчилари ҳақида маълумотлар берган.

Аҳамияти: Бу асар ҳадис илмнинг асосий манбалари қаторига киради. У фақат ҳадислар тўплами эмас, балки ҳадисларнинг ишончлилигига кўра таснифланган манба бўлиб, Ислом ҳуқуқий тизимини ўрганишда ва шариат қоидаларини тўғри тушунишда муҳим ўрин тутади. Имом Термизий ҳадисларнинг заиф ёки кучли эканини баён қилиб, уларнинг амалий аҳамиятини тушунтириб берган.

---

[3] Юнусов, Салим. “Термизий алломалари асарларининг ҳозирги кундаги ўрганилиши”. Ҳадис илми тадқиқотлари, Тошкент: Зиё нашриёти, 2015.

“Шамоил ан-Набавийя” – Бу асарда Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шахсий ҳаёти, ахлоқи ва одатлари ҳақида ҳадислар тўпланган. Унда Пайғамбарнинг кийиниши, овқатланиши, гапириш одоби, намоз ва ибодатлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Аҳамияти: Бу асар мусулмонлар орасида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни таниш ва у кишининг ҳаётини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. У ахлоқ-одобни шакллантиришда ва Пайғамбарни идеал шахс сифатида намуна қилишда катта роль ўйнайди.

“Китоб ал-илал” (Иллатлар китоби) – Бу асар ҳадисларнинг иллатларини, яъни улардаги камчилик ёки шубҳаларни аниқлаш учун ишланган. Имом Термизий ҳадисларнинг нақл қилинган занжирларидаги заиф нуқталар ва уларни қайси ҳолатларда ишлатиш мумкинлигини тушунтириб берган.

Аҳамияти: Бу асар ҳадисларнинг саҳиҳлигини аниқлаш ва улардан қандай фойдаланиш кераклигини ўрганишда муҳим қўлланма ҳисобланади. Бу ишлар ҳадис илмидаги таҳлил ва танқидий ёндашувнинг ривожига йўл очган.

Ҳаким ат-Термизийнинг ҳадис илмидаги ҳиссаси

Ҳаким ат-Термизий асосан тасаввуф ва маънавий тарбия соҳасида машҳур бўлса-да, у ҳам ҳадис илмига маълум даражада ҳисса қўшган. Унинг ҳадислар ва исломий таълимотлардан келиб чиқиб ёзган асарлари маънавият ва ички тозаланиш масалаларига бағишланган.

Асарлари ва уларнинг аҳамияти:

“Хатмул авлиё” – Бу асар авлиёларнинг мақоми ва уларнинг Аллоҳга яқинлик йўли ҳақидаги тасаввуфий назарияни баён қилади. Унда исломий руҳият, авлиёлар амаллари ва тарбия усуллари ҳақида ҳадисларга асосланган маълумотлар келтирилган.

Бу асар тасаввуфий илмда катта аҳамиятга эга бўлиб, мусулмонлар орасида маънавий камолотга эришиш йўлларини тушуниш ва амалий йўналишларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

“Китоб ал-фурқон” – Бу асар Аллоҳнинг зоти ва унинг атрибутлари ҳақидаги каломий ва фалсафий баҳсларни ўз ичига олади. Унда Аллоҳнинг улуғлиги ва инсоннинг маънавий вазифалари ҳақида ҳадислар келтирилган.

Аҳамияти: Бу асар Исломдаги калом ва тасаввуф соҳаларига мансуб бўлиб, Аллоҳга бўлган ишонч ва уни тушуниш йўлларини баён қилади.

Термизий алломаларининг ҳадис илмидаги ҳиссаси Ислом оламида жуда катта аҳамиятга эга. Имом Абу Исо Термизий ҳадис илмининг ривожига улкан ҳисса қўшган бўлиб, унинг “Жомеъ ас-саҳиҳ” асари ҳадис илмдаги энг муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Бу асарлар мусулмонлар орасида ҳадисларнинг саҳиҳлигини аниқлаш, уларни тўғри тушуниш ва амалга тадбиқ қилишда асосий йўлланмалардан бири ҳисобланади.

Ҳаким ат-Термизийнинг ҳадис илмига қўшган ҳиссаси асосан маънавият ва тасаввуф йўналишида намоён бўлган. У ҳадислар орқали инсон маънавиятини шакллантириш ва Аллоҳга яқинликка эришишга оид таълимотларни ривожлантирган.

Термизий алломаларининг асарларини ўрганиш ва уларнинг бугунги кундаги аҳамияти Ислом илмий тадқиқотлари ва маънавий тараққиётда муҳим ўрин тутади. Уларнинг ҳадис, фиқҳ, тасаввуф ва исломий таълимот соҳасида ёзган асарлари наинки ўтмишда, балки бугунги кунда ҳам кенг ўрганилмоқда ва Ислом оламида муҳим аҳамиятга эга. Қуйида Термизий алломаларининг асарларини ўрганиш ва уларнинг бугунги кундаги илмий аҳамияти ҳақида маълумот келтирилади.

Термизий ҳамда Абу Исо Термизий алломаларининг асарларини ўрганиш: "Жомеъ ас-саҳиҳ" (Сунанут Термизий) асари бутун ислом оламида ҳадис илми бўйича муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Асар нафақат Ўзбекистонда, балки бутун мусулмон оламида ҳадис илмни ўрганувчи тадқиқотчилар томонидан чуқур ўрганилган ва ўрганилмоқда. Заманавий тадқиқотларда Имом Термизийнинг ҳадисларнинг ишончлилиги, уларнинг иллатлари ва ҳадис ривоятчилари ҳақидаги билимлари асосий тадқиқот йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда.

"Шамоил ан-Набавийя" асари ҳозирги кунда Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шахсий ҳаётини ўрганишда муҳим манба сифатида кўриб чиқилмоқда. Асар мусулмонлар учун одоб-ахлоқ, ахлоқий тарбия ва Пайғамбарни намуна сифатида қабул қилишда ўрганилади.

"Китоб ал-илал" асари ҳадисларнинг иллатлари ва заифликларини ўрганишда тадқиқотчилар томонидан муҳим қўлланма сифатида қўлланилади. Асарнинг замонавий ҳадисшунослик ва ҳадисларни танқидий таҳлил қилиш соҳасидаги аҳамияти катта.

Ҳаким ат-Термизий асарларининг ўрганилиши: "Хатмул авлиё" ва "Китоб ал-фурқон" каби асарлари Исломдаги тасаввуф ва маънавий тарбия йўналишларида жуда муҳим. Бу асарлар инсон маънавий юксалиши, авлиёлар мақоми ва Аллоҳга яқинлашиш йўлларини ўрганишда тадқиқ этилмоқда. Ҳаким Термизийнинг бу асарлари суфийлик мактаблари ва исломий фалсафа йўналишларида тадқиқ қилинади.

Тасаввуф соҳасидаги тадқиқотлар орқали Ҳаким Термизийнинг инсоннинг ички дунёсига, маънавиятига бўлган эътибори ва унинг маънавий етакчилик ғоялари, суфийчилик таълимотларини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси катта қизиқиш уйғотмоқда.

Илмий тадқиқотлар ва уларнинг натижалари. Термизий алломаларининг асарлари замонавий исломий илм-фан ва тадқиқотларда катта ўрин эгаллайди. Қуйида уларнинг бугунги кунда ўрганилаётган йўналишлари ва тадқиқотлар натижалари ҳақида маълумот келтирилади:

Имом Термизийнинг "Жомеъ ас-саҳиҳ" асари асосида ҳадисларнинг туркумланиши, ҳадисларнинг илмий баҳоси ва уларнинг шариат қоидаларига таъсири бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Муҳаддис олимлар ва замонавий исломшунослар ҳадисларнинг илмий даражасини аниқлашда Имом Термизийнинг методологиясини ўрганиб чиқмоқда. Бу тадқиқотлар ҳадисларни тушуниш ва уларни ҳаётга татбиқ этишни енгиллаштиришга хизмат қилади.

Ҳаким Термизийнинг тасаввуфий асарлари маънавият ва ички тозаланишга қаратилган мукаммал тадқиқотларга сабаб бўлмоқда. Бугунги кунда суфийлик мактабларида унинг ғоялари кенг ўрганилиб, инсоннинг маънавий тарбияси ва ички юксалиши йўллари тушунтирилмоқда. Бу тадқиқотлар орқали инсоннинг маънавий камолотга эришиши йўллари аниқланиб, ижтимоий ва диний ҳаётда маънавиятга эътибор кучайган.

Имом Термизийнинг ҳадис илмидаги фаолияти Ислом фиқҳи ва шариат ҳуқуқида катта таъсирга эга бўлган. Замонавий тадқиқотларда унинг ҳадислар асосида фиқҳий масалаларни ҳал қилиш услублари ва уларнинг замонавий ижтимоий масалаларга татбиқи ўрганилмоқда. Бу тадқиқотлар ҳадислар ва шариат қоидаларини янги шароитларга мослаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

“Шамоил ан-Набавийя” асари асосида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ахлоқ-одоби ҳақида замонавий тарбиявий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу тадқиқотлар замонавий жамиятда ахлоқий ва маънавий қадриятларнинг тикланишида муҳим манба сифатида хизмат қилмоқда.

Термизий алломаларининг асарларининг бугунги кундаги аҳамияти. Термизий алломаларининг асарлари бугунги кунда Ислом таълим муассасаларида кенг ўрганилади. Улар ҳадисшунослик, фиқҳ ва тасаввуф илмига киришда асосий дарсликлардан бири сифатида ўқитилади. Асарлар инсоннинг маънавий тарбияси ва диний билимларини бойитишда муҳим манбалар ҳисобланади.

Тасаввуф ва маънавий тарбия бўйича ёзилган асарлар жамиятда ахлоқий ва маънавий қадриятларни тиклашда муҳим аҳамиятга эга. Ҳаким Термизийнинг тасаввуфга оид асарлари инсоннинг ички дунёсини шакллантиришда, маънавий етакчиликнинг назарий асосларини тушунишда аҳамиятли.

Имом Термизийнинг ҳадис илмидаги ишлари ҳадисларнинг саҳиҳлигини аниқлаш ва ҳадис илмнинг принципларини шакллантиришда катта аҳамиятга эга. Ҳадислар Ислом ҳуқуқининг манбалари сифатида турли масалаларни ҳал этишда муҳим восита бўлиб қолмоқда.

Хулоса қилиб айтганда Термизий алломаларининг илмий мероси нафақат тарихий аҳамиятга, балки бугунги кунда ҳам долзарб аҳамиятга эга.[4] Уларнинг асарлари Ислом илм-фани ривожи ва мусулмон жамиятининг маънавий камолоти учун муҳим йўлланма бўлиб қолмоқда.

Термизий алломаларнинг илмий мероси ва унинг ҳозирги кундаги аҳамияти ҳақида умумий хулоса қилганда шуни таъкидлаш лозимки, Термизий алломаларининг илмий мероси Ислом таълимоти, ҳадисшунослик, фиқҳ, тасаввуф ва маънавият соҳаларида жуда муҳим ўрин тутади.[5] Улар, хусусан, Имом Абу Исо Термизий ва Ҳаким ат-Термизий, ўз асарлари орқали Ислом илм-фанига улкан ҳисса қўшганлар. Имом Термизийнинг “Жомеъ ас-саҳиҳ” асари ҳадис илмининг асосий

---

[4] Аъзамов, Умид. “Термизий алломаларининг маънавий мероси ва унинг ҳозирги кундаги аҳамияти”. Жаҳон Исломшунослик тадқиқотлари, 2021, №3, 12–23-бетлар.

[5] Абу Исо ат-Термизий. “Жомеъ ас-саҳиҳ”. Ҳадис тўплами. Ал-Қоҳира: Дор ал-ҳадис нашриёти, 1987.

манбаларидан бири ҳисобланса, Ҳаким ат-Термизийнинг тасаввуфий асарлари маънавият ва ички юксалиш масалаларида ҳозирги кунда ҳам катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунда Термизий алломаларининг асарлари кенг тадқиқ қилинади ва Ислом таълим муассасаларида асосий манбалардан бири сифатида қўлланилади. Уларнинг ҳадисларни саҳиҳликка кўра саралаш, фиққий масалаларни ҳал қилиш ва маънавиятга оид таълимотлари замонавий жамиятнинг маънавий ва ахлоқий юксалишига хизмат қилади.

Термизий алломаларининг илмий мероси нафақат тарихий аҳамиятга, балки бугунги кунда ҳам долзарб аҳамиятга эга. Уларнинг асарлари Ислом илм-фани ривожи ва мусулмон жамиятининг маънавий камолоти учун муҳим йўлланма бўлиб қолмоқда.

Термизий алломаларининг илмий мероси Ислом олами ва умуминсоний фан-таълим соҳаларида муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг илмий асарлари нафақат диний таълимот ва қонун-қоидаларни ёритади, балки замонавий илмий-тадқиқот ишларига ҳам йўл кўрсатади. Шунингдек, бу меросни ўрганиш ва тадқиқ этиш келгуси авлодлар учун маънавий ва ахлоқий таълим-тарбия манбаи бўлиб хизмат қилади. Замонавий жамиятдаги билимларнинг такомиллашуви ва ижтимоий муаммоларга ечим топишда бу алломаларнинг илмий мероси муҳим ўрин тутади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абу Исо Термизий. “Жомеъ ас-саҳиҳ”. Ҳадис тўплами. Ал-Қоҳира: Дор ал-ҳадис нашриёти, 1987.
2. Ҳамидуллоҳ Муҳаммад. “Сунанут Термизий шарҳи”. Ислом уламоларининг ҳадисга оид изоҳлари. Тошкент: Имом Бухорий номидаги Исломшунослик маркази, 1999.
3. Ҳайдаров Абдулҳаким. “Ҳаким ат-Термизий ва унинг тасаввуфий мероси”. Тошкент: Тасаввуф маркази нашриёти, 2005.
4. Назаров Муҳаммад Юсуф. “Термизий алломаларининг ҳадис илмидаги ўрни”. Исломшунослик журнали, 2010, №5, 56–65-бетлар.
5. Юнусов Салим. “Термизий алломалари асарларининг ҳозирги кундаги ўрганилиши”. Ҳадис илми тадқиқотлари, Тошкент: Зиё нашриёти, 2015.
6. Азизов Мансур. “Ҳадисшунослик ва тасаввуф тарихида Термизий олимларининг аҳамияти”. Ислом маданияти тадқиқотлари журнали, 2017, №8, 34–49-бетлар.
7. Камолиддинов Абдуллоҳ. “Имом Термизийнинг ҳадис илмига қўшган ҳиссаси”. Тошкент: Имом Бухорий халқаро маркази, 2020.
8. Аъзамов Умид. “Термизий алломаларининг маънавий мероси ва унинг ҳозирги кундаги аҳамияти”. Жаҳон Исломшунослик тадқиқотлари, 2021, №3, 12–23-бетлар.

ИМОМЛАРГА ТАҚЛИД МАСАЛАСИ

Ботиржон Абдуллаев*

Аннотация. Мақолада Ислом динида мавжуд мазҳабларга эргашишнинг вожиблиги тўғрисида баҳс юритилади. Тақлиднинг далил ва асослари баён этиб ўтилади.

Калит сўзлар: Қуръон, ҳадис, саҳиҳ, саҳоба, тақлид, мазҳаб, имом, муоз ибн жабал, Бухорий, Деҳлавий.

Abstract. The article discusses the necessity (wajib) of following the existing theological schools (madhhabs) in Islam. The facts and grounds of following are explained.

Keywords: Qur'an, hadith, sahih (true), companion, following, madhhab, imam, Muaz ibn Jabal, Bukhari, Dehlavi.

Мусулмонлар минг йилдан ортиқ даврлардан бери мазҳабларга тақлид қилиб келганлар. Ваҳоланки, Қуръон ва ҳадисларда ҳозирги мавжуд тўрт мазҳаб ҳақида ҳеч нарса айтилмаган. Унда қандай қилиб бу мазҳабларга эргашилади?

Бу масаланинг ечимини қуйида бақадри ҳол баён этсак.

Ҳадис ва тақлид

Ҳадисдан тақлиднинг жоизлигига биринчи далил "Жомеъ ат-Термизий", "Сунани Ибн Можа", "Муснади Аҳмад" ва бошқа ҳадис китобларида Ҳазрати Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадис:

عن حذيفة قال: "كنا جلوسا عند النبي صلى الله عليه وسلم فقال إني لا أدرى ما بقائي فيكم ، فاقتدوا بالذين من بعدى وأشار إلى أبى بكر وعمر

"Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида ўтирган эдик. "Сизларнинг олдингизда яна қанча муддат қолишимни билмайман. Мендан кейин буларга иқтидо қилинглар", деб марҳамат қилиб, Абу Бакр ас-Сиддиқ розияллоҳу анҳу ва Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳуга ишора қилдилар"[1].

Бунда иқтидога ҳукм қилиняпти. "Иқтидо" сўзи бирор бир кишига интизомий ишларда итоат қилишга айтилмайди, балки ундан айнан диний ишларда итоат назарда тутилади. Демак, мазкур ҳадисда "Иқтидо қилинглар" сўзидан диний ишларда эргашинглар деган ҳукм айтиляпти.

Иккинчиси, "Саҳиҳ Бухорий"да "Киши имомга эргашиши, одамлар эса эргашган кимсага эргашиши ҳақидаги боб"да бир ҳадис ривоят қилинган. Баъзи саҳобалар жамоатда орқа сафларда қола бошладилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни тез келишга, аввалги сафда намоз ўқишга чақирдилар. Қўшимчасига мана бунга ҳам иршод қилдилар: ائتموا بي وليأتم بكم من بعدكم – "Менга иқтидо қилинглар, сизларга сизлардан кейингилар иқтидо қилсин"[2].

Буни маъноси шуки, олдинги сафдагилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўриб-кўриб иқтидо қиладилар, улардан ортдаги сафда турганлар олдинги сафдагиларга қараб эргашадилар. Мазкур кўрсатманинг яна бир маъноси бор:

---

* *ЎзР ФИ ШИ кичик илмий ходими*

1 Термизий, 5/3663; Ибн Можа, 1/97; Аҳмад, 5/23467.

2 Бухорий, 1/713 ҳадис олдидан таълиқ қилиб келтирилган.

саҳобалар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намозларини яхши кўриб олсинлар, чунки кейин келадиган насллар – тобеъин ва табаъа тобеъинлар саҳобаларга тақлид қиладилар ва уларга эргашадилар. Чунончи, Ҳофиз Ибн Ҳажар ал-Асқалоний раҳимаҳуллоҳ “Фатҳ ал-Борий”да бу ҳадисни шарҳ қилиб бундай деганлар:

و قيل معناه تعلّموا منّى أحكام الشريعة و ليتعلم منكم التابعون بعدكم و كذلك أتباعهم إلى انقراض الدنيا

“Унинг маъноси ҳақида бундай дейилган: “мендан шариат ҳукмларини таълим олинглар. Кейинги тобеъинлар эса сизлардан ўрганадилар. Шунингдек, уларнинг табаъа тобеъинлари то дунё тугагунча (бир-биридан ўрганиб бораверадилар)”[3].

Учинчи далил, “Мишкот ал-масобиҳ”да “Китоб ал-Илм”нинг учинчи фаслида Имом Байҳақий раҳимаҳуллоҳнинг “Мадхал”ларининг ҳаволаси билан бир ривоят келтирилган. Бу Иброҳим ибн Абдурраҳмон ал-Азарий раҳимаҳуллоҳдан қилинган ривоят. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилганлар:

عن إبراهيم بن عبد الرحمن العذري قال : قال رسول الله صلى الله عليه و سلم : " يحمل هذا العلم من كل خلف عدوله ينفون عنه تحريف الغالين وانتحال المبطلين وتأويل الجاهلين " . رواه البيهقي

“Бу илмни ҳар бир кейинги одам уни адолат билан кўтариб олади, токи ундан ғулувга кетганларнинг ўзгартиришини, ботилга чиқарувчиларнинг ечимларини, жоҳилларнинг таъвилларини даф қиладилар”[4].

Бу ҳадисда жоҳилларнинг таъвили қораланмоқда. Демак, уларнинг таъвилларини рад қилиб туриш уламоларнинг вазифасидир. Бундан маълум бўладики, қайси инсонларнинг Қуръон ва суннат илмларидан мужтаҳидона басийрати бўлмайдиган бўлса, улар ўзларининг фаҳмига таяниб, Қуръон ва суннатда таъвиллар қилмасликлари керак. Балки уламоларга мурожаат қилиб, улардан диннинг масалаларини билиб олишлари лозим. Бунинг номи “тақлид” дейилади.

Қуръон ва суннатдаги таъвилларни Қуръон ва суннат ҳақида унча-мунча илми бўлган одамлар ҳам қила олади. Лекин, бундай инсонларни жоҳил дейиляпти. Бундан маълум бўляптики, Қуръон ва суннатдан истинботи аҳком – ҳукмларни чиқарувилар учун озгина маълумот кифоя қилувчи эмас. Илм тўлиқ бўлсин.

Саҳобалар замонасида тақлиди мутлақ

Саҳобаларнинг замонларида ижтиҳоднинг жуда кўплаб мисоллари учрайди. Шу ўринда иждиҳод билан бирга тақлиднинг ҳам кўп мисоллари мавжуд. Яъни, қайси саҳобалар тўғридан-тўғри Қуръон ва суннатдан ҳукм чиқара олмаган бўлса, улар фақиҳ саҳобаларга мурожаат қилиб, улардан масалаларни билиб олиб, уларнинг гапларига амал қилиб кетаверардилар. Фақиҳ саҳобалар уларнинг саволларига икки хил суратда жавоб беришарди. Баъзида далилларини баён қилиб, баъзида далилсиз баён қилиб кетардилар.

Албатта, саҳобаларнинг замонасида тақлиди шахсийга зарурат бор, деб билинмасди. Балки тақлиди мутлақнинг ҳам, тақлиди шахсийнинг ҳам ривожи бор эди.

---

[3] Ибн Ҳажар ал-Асқалоний. Фатҳ ал-Борий. 2-жилд. – Риёз: Дору Таййиба, 2005. – Б. 601.

[4] “Мишкот ал-Масобеҳ”, 1/248.

Тақлиди мутлақнинг мисоллари саҳобаларнинг даврида ниҳоятда кўп. Чунки, ҳар фақиҳ саҳоба ўзининг халқасида фатво берарди. Бошқа саҳобалар эса уларга тақлид қилишарди. Масалан, бу саҳобага амал қиларди-да, бошқа саҳобанинг мажлиси бўлса, унга ҳам иштирок қилардилар, унинг гапларига ҳам амал қилиб кетаверардилар. Аллома Ибн Қаййим ўзларининг "Эълом ал-муваққиъин" номли китобларида бундай деганлар:

والذين حفظت عنهم الفتوى من أصحاب رسول الله صلى الله عليه وسلم مائة ونيف وثلاثون نفسا ما بين رجل وامرأة

"Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан фатво ёд олинадиган зотлар эркагу аёл бир юз ўттиз нафарча бўлганлар"[5].

Аёлу эркак бўлиб бир юз ўттиздан ошиқроқ фатво берадиган саҳобалар бўлган, холос. Қолган барча саҳобалар уларнинг гапларига ва чиқарган фатволарига амал қилар эдилар. Демак, қолган барча саҳобалар мана шу фатво бера оладиган саҳобаларга тақлид қилар эдилар, динда эргашар эдилар. Бу зотларнинг барча фатволари тақилиди мутлақнинг мисолидир.

Бир неча ривоятлардан шу нарса ҳам маълум бўладики, саҳобаларнинг фақат гапига эмас, балки амалига ҳам тақлид қилардилар. Яъни, ўзаро амалий тақлид ҳам қилардилар. Масалан, "Муваттои Имом Молик"да бир ривоят бор. Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу Ҳазрати Талҳа розияллоҳу анҳунинг эҳром ҳолатида рангли кийимни кийиб юрганини кўриб қолиб, унга эътироз қилдилар. У зот: "Бу рангли кийимда хушбўйлик йўқ-ку?!" дедилар. Унга Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу бундай деганлар:

فَقَالَ عُمَرُ إِنَّكُمْ أَيُّهَا الرَّهْطُ أَئِمَّةٌ يَقْتَدِي بِكُمُ النَّاسُ فَلَوْ أَنَّ رَجُلًا جَاهِلًا رَأَى هَذَا الثَّوْبَ لَقَالَ إِنَّ طَلْحَةَ بْنَ عُبَيْدِ اللَّهِ قد كَانَ يَلْبَسُ الثِّيَابَ الْمُصَبَّغَةَ فِي الْإِحْرَامِ فَلَا تَلْبَسُوا أَيُّهَا الرَّهْطُ شَيْئًا مِنْ هَذِهِ الثِّيَابِ الْمُصَبَّغَةِ

"Эй, имомлар жамоаси! Одамлар сизларга эргашади. Агар бирор жоҳил киши бу кийимни кўрса, Талҳа ибн Убайдуллоҳ эҳромда рангли кийимни кийиб юрибди экан, дейди. Эй, жамоа! Бундай рангли кийимлардан бирортасини кия кўрманглар!"[6].

Саҳобалар даврида тақлиди шахсийнинг баёни

Саҳоблар замонасида тақлиди шахсийнинг ҳам кўп мисоллари учрайди. Яъни, одамлар ўзлари тан олган маълум бир шахсларга тақлид қилар эдилар. Улардан қуйидаги бир нечасини келтириб ўтамиз:

1) "Саҳиҳ Бухорий"да "Агар ифоза тавофидан кейин хотин ҳайз кўрса" деб аталган бобда Ҳазрати Икрима розияллоҳу анҳудан бир ривоят келтирилади:

عن عكرمة: أن أهل المدينة سألوا ابن عباس رضي الله عنهما عن امرأة طافت ثم حاضت قال لهم تنفر قالوا لا نأخذ بقولك وندع قول زيد....

"Мадина аҳли Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан (ифоза) тавоф қилган, сўнг ҳайз кўрган аёл ҳақида сўрашди. Ибн Аббос розияллоҳу анҳу уларга аёлнинг (видо тавофини қилмасдан) ортга қайтаверишини айтдилар. Шунда улар: "Сизнинг гапингизни олмаймиз, Зайднинг гапига суянамиз!" дейишди"[7].

---

[5] Ибн Қаййим ал-Жавзия. Эълом ал-муваққеъин. 2-жилд. – Риёз: Дор Ибн ал-Жавзий, 2003. – Б. 18.

[6] Молик, 1/710; Байҳақий, 5/8899.

[7] Бухорий, 2/1758; Байҳақий, 5/9542.

Бу ерда “Сизнинг гапингизни олмаймиз, Зайднинг гапига суянамиз!” дейилгани зикр қилинди. “Мўъжами Исмоил ибн Абдулваҳҳоб Сақафий”да мадиналиклар: “Сиз бизга фатво берсангиз ҳам, бермасангиз ҳам парво қилмаймиз. Зайд ибн Собит кетмайди деганлар. Шуни оламиз”, деганлари нақл қилингани “Саҳиҳ ал-Бухорий”нинг барча шарҳларида қайд қилиб ўтилган.

“Муснади Абу Довуд ат-Таёлусий”да мана бу лафз келтирилган:

فقالت الأنصار لا نتابعك يا بن عباس وأنت تخالف زيدا

“Ансорийлар: “Эй, Ибн Аббос! Биз сизга эргашмаймиз. Сиз Зайдга хилоф қилмоқдасиз” деганлар”[8].

Бундан очиқ маълум бўляптики, бу зотлар Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳуга тақлиди шахсий қилардилар. Шунга биноан улар бу борада Ибн Аббос розияллоҳу анҳудек саҳобанинг ҳам фатвосини қабул қилмаяптилар. У зотнинг қавлини рад қилишларининг сабабини “Зайд ибн Собитнинг гапига тескари иш қилмаймиз”, деган сўздан бошқаси билан баён қилмаяптилар. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу ҳам уларга эътироз қилмадилар. “Сизлар тақлиди шахсий қилиб гуноҳкор бўлдингизлар ёки ширк қилдингизлар”, демадилар. Балки уларга шундай йўлланма бердилар: “Сизлар бу масалани Умму Сулайм розияллоҳу анҳодан аниқлаб, сўнг Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳунинг олдига қайтадан мурожаат қилинглар. Шунда, масала ойдинлашади”, дедилар.

Мадина аҳли Ибн Аббос розияллоҳу анҳунинг айтганини қилдилар. Ҳазрати Зайд розияллоҳу анҳу ҳадисларни таҳқиқ қилиб, ўзларининг олдинги фатвосидан қайтдилар. Бу “Саҳиҳи Муслим”да очиқ- равшан қайд қилинган[9].

Қисқаси, бу воқеадан шу нарса очиқ равшан бўляптики, аҳли Мадина Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳу ҳазратларига тақлиди шахсий қилардилар.

2) “Саҳиҳ Бухорий”да мерос ҳуқуқи китобида “Қиз билан бирга ўғилнинг қизи мероси” бобида Ҳузайл ибн Шурайҳбил розияллоҳу анҳудан ривоят бор. Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анҳудан баъзи одамлар бир масалани сўрашди. У киши жавоб бердилар. Шуни ҳам қўшимча қилиб, “Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ҳам сўранглар”, деб айтиб қўйдилар. Чунончи, улар Ибн Масъуд розияллоҳу анҳунинг ҳузурларига бордилар. Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анҳунинг фикрини зикр қилдилар. Ибн Масъуд розияллоҳу анҳунинг берган фатвоси Абу Мусо ал-Ашаърий розияллоҳу анҳунинг фатвосига тескари эди. Одамлар Абу Мусо розияллоҳу анҳуга Ибн Масъуд розияллоҳу анҳунинг фатвосини айтиб бердилар. Абу Мусо ал-Ашаърий розияллоҳу анҳу: لا تسألوني ما دام هذا الحبر فيكم – “Бу донишманд сизнинг ичларингизда бўла туриб мендан масала сўрамангланр”, дедилар[10]. Бошқа ривоятда: لا تسألوني عن شيء ما دام هذا الحبر بين أظهركم – “Бу донишманд сизнинг орангизда бўлганда, мендан бирор нарса сўрамангланр”, дейилган[11].

---

[8] Таёлисий, 1/1651; Аҳмад, 6/27472.

[9] Муслим, 2/1328.

[10] Бухорий, 8/6736; Байҳақий, 6/12090.

[11] Табароний, 10/9871; Дорақутний, 4/4408; Аҳмад, 1/4420; Молик, 4/2249.

Абу Мусо Ашаърий розияллоҳу анҳу бу маслаҳатни беряптилар: “Ҳар қандай масалани Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан сўранглар, шунгагина эргашинглар!”. Мана шунинг номи тақлиди шахсий бўлади. Таниқли, олим саҳоба одамларни бир шахсга тақлид қилишга буюрмоқда.

3) Абу Довуд раҳимаҳуллоҳ, Имом Термизий раҳимаҳуллоҳ ва бошқаларнинг тўпламларида машҳур воқеа бор. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳуни Яманга юбордилар. Унга шариатнинг ҳукмларини қаердан олиш кераклиги борасидаги кўрсатмаларини бергандилар. Аслини олганда, Ҳазрати Муоз розияллоҳу анҳу Яман аҳолиси учун фақат волий қилиб юборилмаган эди, балки қози ва муфтий қилиб юборилган эдилар. Шунинг учун Яман аҳли учун фақат унга тақлиддан бошқа йўл йўқ эди. Ҳақиқатда, яманликлар у зотга тақлиди шахсий қилардилар.

Бу далилга баъзи ғайри муқаллидлар, яъни бемазҳаблар: “Ҳазрати Муоз розияллоҳу анҳу қози эдилар, муфтий эмасдилар”, дейишади. Уларнинг бу фикри хато эканлиги “Саҳиҳи Бухорий”да “Қизларнинг мероси” бобидаги Асвад ибн Язид раҳимаҳуллоҳнинг ривояти билан исботланади:

عن الأسود بن يزيد قال : أتانا معاذ بن جبل باليمن معلما وأميرا فسألناه عن رجل توفي وترك ابنته وأخته فأعطى الابنة النصف والأخت النصف

“Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳу бизнинг олдимизга – Яманга келганида муаллим ёки амир бўлиб келгандилар. Биз ундан бир қиз ва бир сингил қолдириб вафот этган кишининг мероси тўғрисида сўрагандик. У зот қизга ярим, сингилга ярим мерос берилади, дегандилар”[12].

Бундан очиқ ойдин маълум бўляптики, Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳу муфтий ўрнида фатво беряптилар. Бу масалада эса у зот ўз фатволарига бирор бир далилни айтиб бермаяптилар. Яманликлар ҳам у зотдан фақат тақлид эътиборидан қабул қиляптилар. Далил сўрамасдан, у зотнинг гапларига ишониб, амал қилиб кетяптилар. Мана шу бир муайян шахсга динда тақлид қилиш ҳисобланади.

Уламолар тўртинчи ҳижрий асрга келиб тақлиди шахсийни вожиб деган қарорга келганлар.

Шоҳ Валиййуллоҳ ад-Деҳлавий “Ҳужжатуллоҳ ал-болиға” асарида уламоларнинг бу ҳукмларини зикр қилиб, “Бу ўша замонда вожиб бўлди”, деб ёзадилар. Бунга бир эътироз юзага келади: саҳобаларнинг замонида вожиб бўлмаган нарса, кейин қандай вожиб бўлиши мумкин? Бунга жавоб шуки, Шоҳ Валиййуллоҳ ад-Деҳлавий “ал-Инсоф фий баёни сабаб ал-ихтилоф”да бундай ёзадилар: “Вожибнинг икки қисми бўлади: вожиб ли-айниҳи ва вожиб ли-ғайриҳи. Вожиб ли-айниҳига рисолат даврида вожиб қилинган нарсалар киради. Ундан кейин бу вожибга ҳеч нарса қўшила олмайди. Лекин, вожиб ли-ғайриҳида қўшила олади. У бир вожибни адо қилиш мақсадида унга олиб борадиган амал ҳам вожиб бўлади, қоидасига кўра шаклланган. Бирор вожибни амалга ошириш учун бошқа бир ишни қилиш зарурати бўлса, ўша иш ҳам вожиб саналади. Уни вожиб ли-ғайриҳи дейилади. Агар вожибнинг адоси учун қайсидир замонда фақат битта йўл қоладиган бўлса, ўша йўл ҳам вожиб бўлади.

---

[12] Бухорий, 8/6734.

Масалан, рисолат даврида ҳадиси шарифларни ёд олиш вожиб эди. Лекин, китобат вожиб эмасди. Чунки, ёд олиш ва хотирада сақлаш билан ҳадиснинг фарзини адо қилинган эди. Лекин, кейинчалик хотираларга ҳам ишонч бўлмай қолиши бошланди. Ҳадисларни асраб-авайлаш ва келажак авлодга етказишнинг китобатдан бошқа йўли қолмади. Китобат ҳам вожиб бўлди. Худди шу хилда рисолат даврида ва саҳоба-ю тобеъинлар замонида мужтаҳид бўлмаган шахслар учун мутлақ тақлид вожиб эди. Лекин, тақлиди мутлақни йўлига хатар пайдо бўлган эди, фақат тақлиди шахсийнинг вожиб эканига қарор қилинди.

Тақлиди шахсийнинг вожиблик ҳукми бирон бир шаръий ҳукм эмас, балки бир интизомий фатво ҳисобланади. Бу эса вожиб ли-ғайриҳи эканлигига далил бўлади.

Бунинг очиқ бир мисоли Ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳудан олдин Қуръонни қандайдир хатда ёзиш жоиз эди, қайси хатда бўлса ҳам бўлаверарди. Лекин, Ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳу қаттиқ бир фитнанинг эшигини тўсиш учун бутун умматни битта расмий хатга – ёзув турига жамладилар. Қолган хатларни ёзишни ножоиз деб қарор қилдилар. Бунга умматнинг ижмоъси ҳам вужудга келди. Бу мажбуриятни ҳеч ким инкор қилмади. Бунинг борасида ҳеч ким бирорта эътироз қила олмади. Вожиб бўлмаган иш қандай вожиб бўлди, дея олмади. Масалан, ҳеч ким Қуръони каримни энди бутун дунё инглизчада ўқийди ёки ўрисчада ўқийди дея олмайди.

Бирор бир шахсга динда тақлид қилиш масаласи ҳам худди шундай. Улуғ бир фитнанинг эшигини тўсиш учун уни вожиб қарор берилди.

Албатта, муқаллиднинг илмий салоҳиятининг эътиборидан тақлиднинг турли даражалари ҳам бўлади. Бу даражаларни тушунмаганлик сабабидан баъзида ифрот ва тафрит ҳам бўлиб қолади. Яъни, тақлидни қоралаб ҳаддан ошилади ёки тақлидга қаттиқ ёпишиб олиб ғулувга кетиб қолинади. Ғайри муқаллидларнинг – бемазҳабларнинг кўп эътирозлари мана шу мартабаларнинг фарқига етмаганидан келиб чиқади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Язид ал-Қазвиний Ибн Можа. Сунан Ибн Можа. 2 жилд. – Байрут: Дор эҳё ал-кутуб ал-арабий, 2000.
2. Абу Бакр Аҳмад ибн ал-Ҳусайн ал-Байҳақий. Маърифат ас-сунан ва-л-асор. 15 жилд. – Қоҳира: Дор ал-вафо, 1991.
3. Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизий. ал-Жомеъ ал-сунан. – Байрут: Дор ғарб ал-исломий, 1998.
4. Абу-л-Қосим Сулаймон ибн Аҳмад ат-Табароний. ал-Мўъжам ал-авсат. 10 жилд. – Қоҳира: Дор ал-ҳарамайн, 1995.
5. Абу-л-Ҳусайн Муслим ибн Ҳажжож ал-Қушайрий. Саҳиҳ Муслим. 1 жилд. – Риёз: Дор Таййиба, 2006.
6. Али ибн Умар ад-Дорақутний. Сунан ад-Дорақутний. 6 жилд. – Байрут: ар-Рисола, 2004.
7. Аҳмад ибн Ҳанбал. ал-Муснад. 20 жилд. – Қоҳира: Дор ал-ҳадис, 1995.
8. Ибн Қаййим ал-Жавзия. Эълом ал-муваққеъин. 2-жилд. – Риёз: Дор Ибн ал-Жавзий, 2003. – Б. 18.

9. Ибн Ҳажар ал-Асқалоний. Фатҳ ал-Борий. 2-жилд. – Риёз: Дору Таййиба, 2005. – Б. 601.
10. Молик ибн Анас. ал-Муватто ривоят Яҳё ал-Лайсий. 1 жилд. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1984.
11. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Хатиб ат-Табризий. Мишкот ал-Масобеҳ. Байрут: Дор эҳё ал-кутуб ал-арабий, 2004.
12. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳ ал-Бухорий. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия. 2011.
13. Сулаймон ибн Довуд ибн ал-Жоруд ат-Таёлусий. Муснад Абу Довуд ат-Таёлусий. 4 жилд. – Мадина: Дор Ҳижр, 1999.

ИМОМ БАЙКАНДИЙНИНГ ҲАДИС ИЛМИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Ҳасан Расулов*

Аннотация. Ҳадис илмининг олтин асри ҳисобланган ИХ асрда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан кўплаб муҳаддислар етишиб чиққан. Улар орасида, шубҳасиз, Имом Бухорий алоҳида ўрин тутади. У зот мусулмон уммати томонидан бир овоздан «муҳаддислар султони» деб тан олинган. Унинг шу даражага етишида устозларининг ўрни катта. Бухорийнинг устозларидан бири Имом Муҳаммад ибн Салом Байкандийдир. У 769 йилда қадимий Бухоро ноҳияларидан бири Байкандда таваллуд топган. 839 йилда вафот этган. Ушбу мақолада Имом Байкандийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти, Имом Бухорий билан алоқалари, асарлари, ҳадис илмида тутган ўрни очиб берилади.

Abstract. In the 9th century, which is considered the golden age of hadith sciyence, many muhaddis came from the territory of present-day Uzbekistan. Undoubtedly, Imam Bukhari has a special place among them. He was unanimously recognized as the “Sultan of Muhaddis” by the Muslim community. His teachers played a big role in him reaching this level. One of Bukhari’s teachers is Imam Muhammad ibn Salam Baykandi. He was born in 769 in Baikand, one of the districts of anciyent Bukhara. He diyed in 839. This article reveals the life and sciyentific activity of Imam Baykandi, his relations with Imam Bukhari, his works, and his place in the sciyence of hadith.

Буюк муҳаддис, Ислом оламида машҳур Абу Абдулло Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизий, Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол аш-Шоший ва бошқа кўплаб машҳур юртдошларимизнинг муборак номлари тарих зарварақларидан муносиб ўрин олган. Умуминсоний маданият ва билимларнинг юксалишида бу алломаларнинг хизматлари беқиёсдир. Уларнинг китобларида келтирилган ҳикматларни изчил ўрганиш ва ижтимоий, маънавий ҳаётимизга татбиқ этиш, халқимиз онгига чуқур сингдириш – долзарб вазифа. Илму маърифат, маънавий қадриятларимиз, тарихий, маданий меросимиз, ўтмишда яшаб ўтган буюк алломаларимиз ҳаёти ва фаолияти, илмий мероси ҳақида тўла маълумот беришимиз ҳозирги давримиз учун жуда муҳимдир. Бу борада буюк бобокалонимиз Имом Бухорий ҳазратларининг серқирра фаолиятлари, бой илмий меросларини, у кишининг шу даражага етишида муҳим ўрин тутган муҳит, у зотнинг устозлари ҳаёти ва фаолиятини, илмий меросини пухта ўрганиш ва ёшлар тарбиясига йўналтириш муҳим аҳамият касб этиб, жамиятимиз маънавий соғломлигининг янада ошишига хизмат қилади.

Ҳадис илмининг олтин асри ҳисобланган IX асрда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан кўплаб муҳаддислар етишиб чиққан. Буюк муҳаддис, Ислом оламида машҳур Абу Абдулло Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизий, Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол аш-Шоший ва бошқа кўплаб машҳур юртдошларимизнинг муборак номлари тарих зарварақларидан

* *Тошкент шаҳар Чилонзор тумани "Муҳсинхон Тўра Эшон" жоме масжиди имом ноиби*

муносиб ўрин олган. Умуминсоний маданият ва билимларнинг юксалишида бу алломаларнинг хизматлари беқиёсдир. Уларнинг китобларида келтирилган ҳикматларни изчил ўрганиш ва ижтимоий, маънавий ҳаётимизга татбиқ этиш, халқимиз онгига чуқур сингдириш – долзарб вазифа. Илму маърифат, маънавий қадриятларимиз, тарихий, маданий меросимиз, ўтмишда яшаб ўтган буюк алломаларимиз ҳаёти ва фаолияти, илмий мероси ҳақида тўла маълумот беришимиз ҳозирги давримиз учун жуда муҳимдир. Бу борада буюк бобокалонимиз Имом Бухорий ҳазратларининг серқирра фаолиятлари, бой илмий меросларини, у кишининг шу даражага етишида муҳим ўрин тутган муҳит, у зотнинг устозлари ҳаёти ва фаолиятини, илмий меросини пухта ўрганиш ва ёшлар тарбиясига йўналтириш муҳим аҳамият касб этиб, жамиятимиз маънавий соғломлигининг янада ошишига хизмат қилади.

2017 йилнинг 19 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлаб, жумладан шундай деди: ***“Марказий Осиё Уйғониш даврининг кўплаб ёрқин намояндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида қайд этмоқчиман. Ана шундай буюк алломалардан бири Имом Бухорий ўз аҳамиятига кўра ислом динида Қуръони каримдан кейинги энг мўътабар китоб ҳисобланган "Саҳиҳи Бухорий"нинг муаллифи сифатида бутун дунёда тан олинган. Бу улуғ зотнинг ғоят бой меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш, маърифий ислом тўғрисидаги таълимотини кенг ёйиш мақсадида биз Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилдик. Тошкентда ташкил этилаётган Ислом цивилизацияси марказининг фаолияти ҳам шу мақсадга хизмат қилади”***. Ўз навбатида муҳтарам юртбошимизнинг бу чиқишларини барча мусулмон аҳолиси диққат билан кузатди ва катта қизиқиш билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига асосан ислом дини ва ҳадис илми ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг бой меросини чуқур ўрганиш, улар томонидан асос солган ҳадис мактаблари фаолиятини қайта тиклаш ва ривожлантириш, ҳадис ва унга доир илмларни чуқур ўзлаштирган етук мутахассисларни тайёрлаш мақсадида Самарқанд вилоятида Ҳадис илми мактаби ташкил этилди.

Аждодларимизнинг миллий қадриятлар сарчашмаси бўлган бой тарихий меросни келажак авлодга чуқур ўргатиб, ёшлар онгига сингдирмоқ керак. Чунки тарих ёшларни ҳаёт воқеа-ҳодисаларига онгли муносабатда бўлишга ундайди. Болаларнинг мурғак қалбида Ватанга меҳр туйғуларини, бугунги кун қадрига етиш ҳиссини уйғотади. Ёшларни она-Ватанга садоқатли қилиб тарбиялашда, аввало, имон-эътиқод, меҳр-оқибат, диёнат, адлу инсоф, орият ва ғурур каби эзгу фази латларни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Ёшларимиз ана шундай буюк зотларнинг авлодлари эканларини унутмаган ҳолда, боболар бошлаган қутлуғ ишларнинг давомчиси, Ватанимизга муносиб фарзандлар бўлишлари лозим.

Ислом оламида маданиятни ёйишда ҳадис илми катта из қолдирган. Инсонлар ҳадис ўрганишга саъй-ҳаракат қилишган. Илм юртлари гўёки ҳадис атрофида шаклланган дек эди. У юртларга толиби илмлар узоқ ислом давлатларидан келишар эди. Улар уламо ва машойихлардан илм ўрганиб, барча ислом мамлакатларини айланиб чиқар эдилар. Агар бирор муҳаддис олимнинг таржимасини ўқисангиз, унинг илм йўлидаги сафарини ўз ичига олган ҳаётининг катта қисмини кўрмасликнинг иложи йўқ. Бунинг ажабланарли жойи йўқ. Ислом маданияти тарихида ровийлар кам бўлмаган, улар илмли ва мутафаккир инсонларнинг олтмиш фоизидан ортиғини ташкил қиладилар.

Шуни айтиш мумкинки, дарҳақиқат, узоқданми ёки яқинданми ҳадис етказиш ва уни ривоят қилишда иштирок этмаган бирор бир олимни топиш мушкулдир. Бу илмий фахр ҳисобланиб, камдан-камлари буни қилмаганлар холос. Олимни ўзига хос (ҳофиз) лақаблар билан аталган. Шундай қилиб, ҳадис мусулмон халқларида илмда, маънавиятда ва қонунлар тузишда энг катта манба бўлиб хизмат қилган.

Дарҳақиқат, бу юртни зафарёр саркарда Қутайба бин Муслим Ал-Боҳилий (мил. 669-715/ ҳиж.46-96) Валид бин Абдулмалик (мил.705-715/ ҳиж. 86-96) халифалиги даврида фатҳ қилган. Умавийлар давлати аҳоли ўртасида ислом динини ёйишда муваффақиятга эришди. Шунингдек, Аббосийлар давлати ҳам исломни ёйишни янада чуқурлаштиришда бу ўлкада муваффақият қозонибгина қолмай, ҳижрий учинчи/ милодий тўққизинчи асрда аниқ равшан ислом табиатини тус олдирди. Шундай қилиб, бу юрт ислом давлати таркибининг дарё ортидаги бир бўғинига айланди[1].

Имом Бухорийнинг «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» китоблари бутун Ислом оламида Қуръондан кейинги энг ишончли китоб деб тан олинган. Албатта, бундай натижага эришиш ўз-ўзидан бўлмаган. Ўша вақтдаги илмий муҳит, турли ҳадис мактаблари орасидаги ўзаро мусобақа, устоз ва толиби илмларнинг кўплиги тараққиётга ўз ҳиссасини қўшган. Бу қадар буюк имомнинг етишиб чиқиши ўз-ўзидан, яъни пойдеворсиз, асоссиз, керакли омилларсиз бўлмайди. Бу қадар мўътабар китобларнинг пайдо бўлиши тасодифан эмас.

Имом Бухорийнинг “Муҳаддислар имоми” даражасига етишишида у зотнинг устозлари – улуғ муҳаддислар Муҳаммад ибн Салом Байкандий, Муҳаммад ибн Юсуф Байкандий, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Маснадий, Иброҳим ибн Ашъасларнинг ўрни катта бўлган. Мазкур муҳаддислардан Мовароуннаҳр муҳаддисларининг энг қадимгиларидан бири Имом Муҳаммад ибн Салом Байкандий ҳисобланади.

Манбаларда Мовароуннаҳрга 55/674-675 йилда кириб келган тўққиз кишининг номини келтиради. Улар: Саъид ибн Усмон ибн Аффон; Қусам ибн Аббос; Абулъолийа Руфайъ ибн Миҳрон; Муҳаммад ибн Восиъ; Бард (Молик ибн Анаснинг мавлоси); Заҳҳок ибн Музоҳим; Лайс ибн Аби Сулайм; Зиёд ибн Миҳрон; Хулайд ибн Ҳассон. Шу сабабли ҳам бу ўлканинг турли жойларидан буюк муҳаддислар етишиб чиқдилар.

Шу асрнинг иккинчи ярмига келиб Хуросондаги ҳадис мактаблари орқали Исҳоқ ибн Роҳавайҳ Марвазий ва Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марвазийнинг (118/736 -181ҳ.й.)

---

[1] Д. Маҳмуд Муҳаммад Халаф. Аббосийлар замонида Мовароунаҳр диёри. Қоҳира, Алҳаятул Омма. 2014, с 15.

ҳамда Абдулҳамид ибн Ҳумайд ибн Наср Абу Муҳаммад Ҳофиз Кешийнинг (170ҳ/786м-249ҳ/863м) Мовароуннаҳрлик шогирдларидан маҳаллий ислом уламолари етишиб чиқа бошладилар.

Илк ҳадис мактаблари яратиб, ҳадис илмини Мовароуннаҳрда ривож топишига ҳисса қўшган муҳаддис алломалар: Имом Дохилий ал-Бухорий, Муҳаммад ибн Салом Байкандий, Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғийра ал-Бухорий, Муҳаммад ибн Юсуф Байкандий, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Маснадий Бухорий, Иброҳим ибн Ашъас Бухорий, Салим ибн Мужоҳид Бухорий, Абу Абдураҳмон Шайбоний Бухорий (ваф. 919 й.) ва Абу Ҳафс Аҳмад Сикижкасий Бухорий (ваф. 927 й.), Имом Абдуллоҳ Субазмуний (872м-?), Абу Аҳмад Толиб ибн Али ибн Ҳасан ибн Турхор аш-Шийракасий, Абу Касир Сайф ибн Ҳафс Зоҳид аз-Зоминий, Абу Саҳл Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Яздоз ар-Розий аз-Зоминий, Абу Муҳаммад Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ад-Дабусий ар-Роғиний, Абдулғушайм Зулайм ибн Ҳатит ал-Жаҳзамий ад-Дабусий Самарқандий, Абу Саъийд ал-Ҳайсам ибн Кулайб Шоший, Сурайж ибн Маъқил аш-Шоший, Жаъфар ибн Шуайб Шоший, Макҳул ибн Фазл, Муҳаммад ибн Маҳмуд Анбар, Ҳамад ибн Шокир, Абд ибн Муҳаммад Насафий, Ҳайсам ибн Кулайб Шоший, Аҳмад ибн Юсуф Насафий ва Абул Аббос Муҳаммад ибн Маҳбуб Маҳбубий.

Мовароуннаҳрдаги ҳадис мактаблари ривожи асосида етишиб чиққан дунёга машҳур муҳаддис алломалар:

Абдулҳамид ибн Ҳумайд ибн Наср Абу Муҳаммад Ҳофиз Кеший, “Муснад” ҳадис тўплами муаллифи;

Имом Бухорий Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғийра ибн Бардазбеҳ ал-Жуъафий (810—870), “Ал-Жомиус саҳиҳ” ҳадис тўплами муаллифи;

Имом Абу Исо Муҳаммад ибн Савра ибн Мусо Даҳҳок Суламий Термизий (824–892), “ас-Сунан” ҳадис тўплами муаллифи;

Имом Абу Мухаммад Абдуллох ибн Абдуррахмон ибн Баҳром ибн Абдуссамад ад-Доримий ал-Хофиз ас-Самарқандий ад-Доримий (181ҳ/797м-255ҳ/869м), “ас-Сунан” ҳадис тўплами муаллифи;

Абу Саъид Ҳайсам ибн Кулайб ибн Сурайж (баъзи манбаларда Шурайҳ деб келтирилган) ибн Маъқил аш-Шоший (335ҳ/947-335/947), “Муснад ал-Кабир” ҳадис тўплами муаллифи;

Абу Ҳафс Нажмиддин Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий, ас-Самарқандий (461ҳ/1069 м), “ал-Қанд фий зикри уламои Самарқанд” тўпламининг муаллифи.

Манбаларда келтирилишича, 8-асрнинг ўрталаридан 15-асрнинг ўрталаригача ҳадис илми билан Мовароуннаҳрнинг турли шаҳарларида мингдан зиёд ровий муҳаддислар шуғулланган.

Юртимиздан етишиб чиққан буюк ҳадисшунослар Имом Байкандий, Имом Бухорий ва бошқаларнинг ислом оламидаги мавқелари жуда баланд. Уларнинг асарлари ҳамон ўрганилади, тадқиқотлар олиб борилади. Юртимизда ҳам уларнинг бой меросини ўрганиш, тарғиб қилиш ишлари доимий эътиборда.

IX асрнинг бошларида ислом дунёсида турли кўринишдаги ҳадис тўпламларини ёзиш авж олди. Бу борада Мовароуннаҳр ва Хуросондан етишиб чиққан буюк олти муҳаддислар пешқадам бўлдилар.

Маданият, маънавият ютуқлари маданий юксалиш жараёнида вужудга келувчи ва уни ифодаловчи олим-фозил, донишманд, адиб, дин арбоблари ва улар фаолияти, ёзиб қолдирган мероси кабиларда акс этиб, муҳрланиб қолади. Албатта турли анъаналар, археологик ёдгорликлар, буюмлар ва бошқаларда ҳам халқ маънавияти ютуқлари ифодаланади, лекин ёзма адабиёт, қўлёзмалар бу жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ўтмишдаги буюк сиймолар, алломалар, адибларнинг фаолияти, асарларини ўрганиш, уларни ҳозирда нашр этиш, тарғиб қилиш, юбилейларини ўтказиш, маданият тарихини, маънавий бойлигимизни чуқур билиш ишида ниҳоятда муҳим ва катта роль ўйнайди.

Алломалар, сиймолар мероси Марказий Осиёда ўтмишда илм-фан, маданиятнинг барча соҳалари, тармоқлари ривожлангани, уларнинг ижодлари кўпқиррали бўлганлиги, фаолиятида илм-фан билан бир қаторда дин, ахлоқ, инсоннинг маънавий дунёси, жамоанинг ҳамжиҳатлиги, уни одилона бошқариш, саодати масалалари муҳим ўрин тутганлигидан далолат беради. Уларнинг мероси ва маданият тарихи яна илм-фан ва диний қоидаларнинг бир бутунлигини ташкил этиб, умумий маънавият ривожи учун хизмат қила олишини, фойдали бўлишини исботлайди. Фан ва дин халқ маданиятининг турли соҳалари, қисмлари бўлиб, ягона мақсадга қаратилган ҳолда бир-бирини тўлдириши, халқни шу ягона мақсадга йўналтиришга хизмат қилиши мумкин.

Жонажон юртимиз Аллоҳ назар қилган юрт, бу миллат қанча – қанча олиму уламоларни, неча – неча жасорат соҳибларини ва буюк подшоҳу султонларни тарбия қилган миллатдир. Шундай экан бу халқ, бу миллат буюк аждодлар йўлидан юрса, ҳеч қачон ёвга ем, душманга таслим бўлмайди. Чунки аждодларимиз қолдирган бебаҳо маънавий меросимизни ихлос билан ўрганиш, халқимиз қалбида ватанга муҳаббат, миллатга садоқат ва динга ихлосни ўргатади. Имом Бухорий, имом Термизий, ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбек ва Абу Али ибн Сино каби зиё соҳибларининг бизга қолдирган маънавий меросларини халқимизнинг саодатли йўлини ёритишга хизмат қилади.

Маданий ривожланишда миллий маънавий бойликни бошқа халқлар, мамлакатлар маданияти ютуқларидан баҳраманд бўлиш, маданий алоқаларни кучайтириш, миллий қобиқда ўралиб, умумий халқаро алоқалар тизмасидан четда ажралиб қолмаслик, миллий маданиятнинг умумжаҳон маданият ютуқлари билан доимо бойиб боришида ниҳоятда катта роль ўйнайди.

Дарё орти муҳаддисларининг энг қадимгиларидан бири Имом Ал-Байкандий ҳисобланади. У Мисрга сафар қилиб у ерда бир муддат яшаган. Унинг исми Муҳаммад ибн Салом ибн Фараж Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Ал-Байкандийдир. У ҳижрий 162, милодий 769 йилда Жайҳун дарёси атрофидаги Байканд шаҳрида таваллуд топган.

Байкандий умрининг дастлабки йилларида тижорат билан шуғулланган. Сўнг у илм талабига хусусан ҳадис илмини ўрганишга рағбат қилади. Илм талаби йўлида у ислом олами юртларига сафар қилган. У сафарини Бухоро юртига қўшни бўлмиш

Хоразм юртидан бошлади. У ерда Абдулкарим ибн Ал-Асвад Ал-Басрий ва Муғийра ибн Мусодан[2] илм ўрганди. У дарё орти мамлакатларида барча илмларни эгаллаганидан сўнг ислом оламининг маркази Боғдодга йўл олади. У ерда эса, Абу Ал-Аҳвас Салом ибн Салим, Абу Исҳоқ Ал-Фазорий, Суфён ибн Уяйна ва бошқа уламолар суҳбатида бўлди.

Ибн Салом Ҳижоздан Мисрга сафар қилган ва у ерда Али ибн Жаъд, Ҳасан ибн Сувари ва бошқалардан илм ўрганган. Шуни эслаб ўтиш лозимки, дарҳақиқат, Ибн Салом илм олишга жуда ҳарис бўлган. Қизиқарлиси шундаки, у илм мажлисида қаламини синдириб қўяди ва у бир динордан қалам олишини айтиб жар солишларини буюради, шундай унга қаламлар учиб келади. У ўзи ҳақида шундай дейди: “Илм олиш йўлида қирқ минг ва уни тарқатиш учун яна қирқ минг сарфладим”.

Ибн Салом талаби илм йўлига муҳаббат билан кириб келди ва унга бу йўлда дунёсининг қизиғи йўқ эди. У шундай дейди: “Қирқ йил ичида Байканднинг бозорида ўтирмадим.” Шу билан бирга, у Заҳабий айтганидек: “Молк-мулк эгаси бўлган камтар инсон” эди.

Юқоридагилардан хулоса қилишимиз мумкинки, дарҳақиқат Ибн Салом ислом оламининг улуғ масканларида бўлди ва ўз замонасининг кўплаб машойих уламоларидан дарс олди. Ҳаттоки, Заҳабий айтганидек, унинг устозларининг сони 400 тага етди. У дарё орти мамлакатларидан тортиб Мисргача бўлган узоқ давом этган дунё бўйлаб сафарида кўплаб ҳадислар тўплашга муваффақ бўлди. У “ беш мингта атрофида ҳадис ёдлар эди”. Самъоний дейди: “Фақиҳ ва ишончли муҳаддис эди”. Сафадий дейди: “У кўп дунё кезган ва кўп ёзган”. Суютий дейди: “У катта муҳаддислардан бири бўлиб, унинг ҳадислари ва сафарлари кўп бўлган”. Ибн Салом Хуросон минтақасининг хазиналаридан бир хазина бўлган. Аҳмад ибн Ҳайсам Аш-Шоший шундай дейди: Хуросонда хазина иккитадур: бири Муҳаммад ибн Саломдаги хазина бўлса, иккинчиси, Исҳоқ ибн Роҳавайҳдаги хазинадир”. Яна шуни таъкидлаш лозимки, мазҳаблар ўртасида фиқҳий масалалардаги ихтилофларга қарамасдан Ибн Саломнинг замонасидаги уламолар билан алоқаси яхши бўлган. Бунга Шайх Ал-Аҳнаф Бухорий ва Ал-Имом Аҳмад ибн Ҳафслар билан бўлган алоқасини мисол қилиб келтириш мумкин. Заҳабий шундай дейди: “У билан Аҳмад ибн Ҳафс ўртасида биродарлик ва меҳр оқибат бўлган. Лекин, уларнинг ҳар иккиси ҳам турли хил мазҳабларда эдилар.

Ибн Салом Ал-Байкандий ислом оламида ишончли муҳаддис сифатида шуҳрат қозонди. Унга талаби илмлар келдилар. Унинг илмидан сипқордилар ва хулқидан ўргандилар. Шуни айта оламанки, дарҳақиқат, Ибн Салом Бухоро шаҳрида илмий фаолиятни амалга оширишда муваффақиятга эришди. Талабаларда ҳадис илми ва бошқа илмларини ўрганишга меҳр муҳаббат уйғотди. Бу ҳаракат бизда ҳадис илмини ўрганишга катта қизиқиш уйғотди. Ал-Имом Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий устози Ибн Саломдан ривоят қилган китобларининг муқаддималарида келтирилади. (Ал-Жоме Ас-Саҳиҳ) (24), Муҳаммад ибн Иброҳим Ал-Бакрий, Абдуллоҳ ибн Восил, Абу

---

[2] Заҳабий. Тарихул ислом, 16-жилд, 361-б. ва “Сияру аъломин нубало”, 10-жилд, 628-б.

Умар Муҳаммад ибн Бужайр Ас-Самарқандий, Туфайл ибн Зайд Ан-Насафий, Абдуллоҳ ибн Абдурроҳман Ад-Доримий ва бошқа ҳадис илми билан шуғулланганлар.

Муҳаммад ибн Салом Байкандийнинг **у**шбу сўзлари ҳам ал-Бухорий ёшлигидан бошлаб катта обрў-эътиборга эга бўлганлигига далилдир. Унинг «Муҳаммад ибн Исмоил қачон менинг ҳузуримга кирса, ҳар доим мен ўзимни йўқотиб қўйиб, доим ундан хавотирда тураман»-деган эътирофига, Ҳофиз Ибн Ҳажар «унинг (Бухорийнинг) ҳузурида хато қилиб қўйишдан у қўрқар эди», деб бу фикрни бир қадар ойдинлаштиради. Муҳаммад ибн Салом Байкандийга доир бу фикр-мулоҳазалар айтилган пайтда Бухорийнинг илми Бухородаги ўз устозлари илмидан ҳали ортиқ бўлмаган пайтда содир бўлган, чунончи Бухородан жўнаб кетгандан кейин имом ал-Бухорий Байкандий билан сира учрашган эмас.

Абу Яъло Халилий "Ал-иршод фи маърифати уламоил ҳадис" асарида ёзади: "Муҳаммад ибн Салом Байкандий сиқа (ишончли), Ибн Уяйна, Абдуллоҳ ибн Язид Муқриъ ва уларнинг Маккадаги тенгдошларидан, Куфада Абу Усомадан, Вакиъ, Абда ибн Сулаймондан ҳадис эшитган. Ундан Бухорий кўп ҳадис ривоят қилган. Ундан энг охирги ривоят қилган киши Муҳаммад ибн Абд ибн Омир Самарқандий заифдир".

Ибн Ҳажар Асқалоний "Тағлиқут таълиқ" асарида келтиради: "Имом Бухорий айтди: "Менга Муҳаммад ибн Салом Байкандий: "Ёзганларимга қара, унда хато кўрсанг, устидан чиз", деди". Айтишларича, Муҳаммад ибн Салом шундай дер экан: "Ҳар сафар Бухорий олдимга кирса, иккиланиб қолардим. Ундан чўчиб турардим".

Бадриддин Айний Ҳанафий "Умдатул Қорий шарҳу Саҳиҳил Бухорий" китобида айтади: "Билгинки, "Саҳиҳи Бухорий"да "Ироқ аҳлидан Абу Муовия, Абда, Язид ибн Ҳорун, Фазорийлардан Бизга Муҳаммад хабар берди" деб айтилса, ушбу Муҳаммад Муҳаммад ибн Салом Байкандийдир".

Ибн Ҳажар Асқалоний "Табсирул мунтабиҳ би таҳририл муштабиҳ" китобида ёзади: "Муҳаммад ибн Салом Байкандий ҳофиз. Бухорийнинг шайхи. Хатиб ҳам, Ибн Мокуло ҳам уни фақат "ибн Салом" деб битта "л" билан зикр қилган. "Матолиъ" китоби муаллифи: "Уни кўпчилик икки "л" билан зикр қилган", деган. Лекин унга эргашилмаган. Ғунжор "Тариху Бухоро"да битта "л" билан зикр қилган. Унга таянилади".

Имом Заҳабий "Ал-ибар фи хабари ман ғабар" китобида айтади: "Унда (Бухорода) ҳофиз Муҳаммад ибн Салом Байкандий Бухорий бор. У эллиқ минг ҳадисни ёддан билар эди. У: "Илм олиш йўлида қирқ минг сарфладим, илм ёйишда ҳам шунча сарфладим", деган".

Бадриддин Айний Ҳанафий "Мағонил ахёр фи шарҳи асоми рижоли маъонил осор" китобида айтади: "Байкандий" Байкандга нисбатан. Бухородаги шаҳар. Бухорийнинг устозларидан бири Муҳаммад ибн Салом Байкандий улардан".

Жамолиддин Абул Ҳажжож Миззий "Таҳзибул камол" китобида айтади: "Муҳаммад ибн Салом ибн Фараж Суламий, Абу Абдуллоҳ Бухорий Байкандий (Бокандий ҳам дейилади. "Ф" билан ҳам айтилади).

У Иброҳим ибн Абдурраҳмон Хоразмийдан, Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад Фазорийдан, Аҳмад ибн Башир Кўфийдан, Исмоил ибн Жаъфардан, Исмоил ибн Улайядан, Исмоил ибн Айёшдан, Абу Дамра Анас ибн Иёздан, Жарир ибн Абдулҳамид,

Ҳотим Абу Абдурраҳмон Марвазий, Ҳасан ибн Меҳрон Кирмоний, Ҳумайд ибн Абдурраҳмон Руосий, Холид ибн Абдуллоҳ Воситий, Рибъий ибн Улайя, Зоида ибн Абу Раққод, Суфён ибн Уяйна, Абу Холид Сулаймон ибн Ҳайён Аҳмар, Абул Аҳвас Салом ибн Сулайм, Аббод ибн Аббод Муҳаллабий, Абдуллоҳ ибн Идрис, Абдуллоҳ ибн Ҳорис Махзумий, Абдуллоҳ ибн Холид Бажалий, Абдуллоҳ ибн Ражо Ғаддоний, Абдуллоҳ ибн Муборак, Абдуллоҳ ибн Нумайр, Абдулаъла ибн Абдулаъла, Абдурраҳмон ибн Муҳаммад Муҳорибий, Абдулваҳҳоб Сақафий, Абду ибн Сулаймон, Убайдуллоҳ ибн Саид Кўфий, Абу Абдурраҳмон Убайд ибн Умар Басрий Дарир, Убайда ибн Ҳумайд, Аттоб ибн Башир, Усмон ибн Абдурраҳмон Тароифий, Уқба ибн Холид Сукуний, Умар ибн Убайд Танофисий, Амр ибн Муҳаммад Анқазий, Исо ибн Мусо Ғунжор, Молик ибн Анас, Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний, Муҳаммад ибн Ҳасан Музаний Воситий, Абу Муфовия Муҳаммад ибн Хозим Дарир, Муҳаммад ибн Салама Ҳарроний, Муҳаммад ибн Фузайл ибн Азвон, Муҳаммад ибн Марвон Уқайлий, Мухаллад ибн Язид Ҳарроний, Марвон ибн Муовия Фазорий, Муътамир ибн Сулаймон, Маъмар ибн Сулаймон Раққий, Абул Валид Муғаллис ибн Зиёд Омирий Кўфий, Ҳушайм ибн Башир, Вакиъ ибн Жарроҳ, Яҳё ибн Абдулмалик ибн Абу Ғуня, Абу Муҳаммад Яҳё ибн Муҳаммад Басрий, Абу Тамила Яҳё ибн Возиҳ, Язид ибн Ҳорунлардан ривоят қилган.

Муҳаммад ибн Салом катта муҳаддислардан эди. Унинг кўп ҳадислари бор. Кўп сафар қилган. Ҳадис илмида машҳур бўлган. Илмнинг ҳар бобида унинг асарлари бор. У билан Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс ўртасида қалин дўстлик ва биродарлик бор эди. Лекин улар бир-бирига мазҳабда мухолиф эди. Буни Ибн Ҳиббон “Сиқот” китобида зикр қилган. Яҳё ибн Жаъфар Байкандий айтди: “Муҳаммад ибн Салом Байкандий Суфён Саврий вафот этган йили туғилган”. Бухорий ва бошқалар: “У 225 йил Сафар ойининг еттинчисида вафот этган”, дейишган. Уларнинг яна бир устозлари бўлиб, унинг исми Муҳаммад ибн Салом ибн Сакан Байкандийдир, у Сағир, яъни кичикдир. У Абул Ало Ҳасан ибн Сивор Бағавийдан ва Али ибн Жаъддан ривоят қилган. Ундан Убайдуллоҳ ибн Восил Байкандий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Шурайҳ ибн Мусо ибн Динор Бухорийлар ривоят қилишган. Айтишларича, у Мисрда вафот қилган. Буни икковларини ажратиш учун ёздик”.[3]

Ҳижрий 225/ милодий 839 – йилининг декабр ойида якшанба куни вафот этганлар. Аллоҳ у кишини раҳмат қилсин. Ғунжор йўқолган китоби (Тарихи Бухоро)да шундай деб эслайди: Дарҳақиқат у Мисрда вафот этди. Хулоса қилиб айтганда, Ибн Салом Ал-Байкандий Мисрга илм талабида борганларнинг биринчиларидан бири ҳисобланади ва у Бухорода илмий катта кенгаш тузишда муваффақиятга эришди. Бу кенгаш бизларга ҳадис илмини ўрганишимизга янада катта қизиқиш берди. Бу айни вақтда суннати набавийя бўйича катта асарларнинг пайдо бўлиши учун асос эди. Масалан: Саҳиҳ ул-Бухорий, Сунани Ад-Доримий ва бошқалар.

Тарихий манбаларда айтилишича, Ибн Салом Ал-Байкандий: “Илм бобларининг барчасида китоб ёзган”. Биз изланишларимиз давомида Имом Байкандийга нисбат берилган “Таълиқот” номли китоб қўлёзмасининг электрон нусхасини топишга

---

[3] Жамолиддин. Абул Ҳажжож Миззий “Таҳзибул камол”. 25/340-344 б.

муваффақ бўлдик. Ушбу китоб ҳадисшуносликка оид бўлиб, қўлёзма Суриянинг Зоҳирийя кутубхонасида сақланади. Ҳозир ушбу асарни тадқиқ қилмоқдамиз. Шунингдек, баъзи олимлар Имом Байкандийнинг "Ас-сунна вал жамоа" номли китобидан иқтибос келтиради. Биз бу асарнинг бирор нусхасини топа олмадик. Ундан ташқари бизга номаълум бўлган асарлари ҳам бўлган.

Умуминсоний маданият ва билимларнинг юксалишида бу алломаларнинг хизматлари беқиёсдир. Уларнинг китобларида келтирилган ҳикматларни изчил ўрганиш ва ижтимоий, маънавий ҳаётимизга татбиқ этиш, халқимиз онгига чуқур сингдириш – долзарб вазифа. Илму маърифат, маънавий қадриятларимиз, тарихий, маданий меросимиз, ўтмишда яшаб ўтган буюк алломаларимиз ҳаёти ва фаолияти, илмий мероси ҳақида тўла маълумот беришимиз ҳозирги давримиз учун жуда муҳимдир. Бу борада буюк бобокалонимиз Имом Бухорий ҳазратларининг серқирра фаолиятлари, бой илмий меросларини, у кишининг шу даражага етишида муҳим ўрин тутган муҳит, у зотнинг устозлари ҳаёти ва фаолиятини, илмий меросини пухта ўрганиш ва ёшлар тарбиясига йўналтириш муҳим аҳамият касб этиб, жамиятимиз маънавий соғломлигининг янада ошишига хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Хожи халифа. Кашфу аз-зунун. – Ж: 2. – Байрут, Дару иҳё ат-турос ал-илмийя, 2021. – 1004 б.
2. Хайруддин Заркалий. Ал-Аълам. – Ж: 7. – Байрут: Дарул илм, 2002. – 352 б.
3. Хайруддин Заркалий. Ал-Аълам. – Ж: 2. – Байрут: Дарул илм, 2002. – 336 б.
4. Шамсиддин Саховий. Аз-Завъу ал-ламиъ. – Ж: 6. – Байрут: Дару ал-Жийл, 2003. – 351 б.
5. Ибн Фаҳд Ҳашимий. Лаҳзул алҳаз. – Байрут: Дару кутуб ал-илмийя, 1998. – 220 б.
6. Ибн Хайр Ишбилий. Фиҳрис. – Тунус: Дарул араб ал-исламий. – 672 б.
7. Д. Абдулазиз ибн Абдуллоҳ. Ал-Кутуб ас-ситта. – Риёз: Матбаъа ал-китоб ал-арабийя. – 448 б.

ТЕРМИЗ – УЛАМОЛАР ШАҲРИ

Аваз Жумабоев Алижон ўғли*

Аннотация. Ушбу мақола юртимизда яшаб, ижод қилган ислом уламолари ҳаёти тўғрисида. Хусусан, Термиз диёрида фаолият кўрсатган олимлар мероси ҳақида маълумотлар келтирилади. Уларнинг илмий сафарлари ва асарлари баён қилинади. Маълумотлар даврларга ажиратиб келтирилади. Ушбу маълумотлар ишончли манбалардан олинган.

Калит сўзлар: Термиз, Мовароуннаҳр, Темурийлар, илм, фан, маърифат, дин, мерос, асар, тарбия, ҳадис, тафсир, олим, муҳаддис, фақиҳ, муфассир, тақводор, солиҳ, зоҳид, шайх, машойих, ҳофиз, анъана.

Abstract. This article is about the life of Islamic scholars who lived and worked in our country. In particular, it provides information on the heritage of scholars operating in Termiz. Their scientific journeys and works are described. The information is periodically separated. This information comes from reliable sources.

Keywords: Termiz, Maveraunnahr, Temurids, science, enlightenment, religion, inheritance, works, teaching, hadith, tafsir, scholar, hadith scholar, faqih, mufassir, pious, righteous, zahid, sheikh, mashaikh, hafiz, tradition.

Термиз Ўзбекистоннинг Бухоро, Самарқанд, Насаф ва Тошкент шаҳарлари каби илм-маърифатнинг юксак марказларидан бири бўлган. Термизлик олимлар бошқа илмий марказ олимлари каби Мовароуннаҳр ва умуман мусулмон оламининг илмий-ижтимоий ҳаётига ижобий таъсир ўтказиб, соғлом диний-маънавий муҳит, ҳанафийлик мазҳаби ва мотуридийлик таълимотини шакллантиришга улкан замин яратган.

Термиз шаҳри Сурхондарё вилоятининг маркази ҳисобланиб, Амударёнинг ўнг соҳилида, Афғонистон чегарасига яқин жойда жойлашган. Ушбу шаҳар Ўзбекистонимизнинг шонли тарихидан гувоҳлик беради. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу диёрда ислом ва унинг илмлари равнақ топиб, кўплаб уламоларни дунёга тақдим қилди. Сурхондарё ва унинг атрофида етишиб чиққан алломалар айнан “Термизий” нисбати билан танилди. Улар қолдирган бой илмий, маданий меросларидан ҳозиргача фойдаланиб келинмоқда.

Термиз шаҳри дейилганда кўз олдимизга Термизий уламолар келмасдан илож йўқ. Уларнинг шахсиятини ва қолдирган илмий меросларини ўрганиш биз кейингиларга лозим бўлган ишлардандир. Шундай экан, биз мазкур аждодларимизнинг ҳаёти ва илмий меросини теран ўрганишимиз, уларнинг буюк хизматлари олдида ўзимизни муносиб тутган ҳолда, жамиятимизда кузатилаётган бидъат-хурофотларни бартараф қилиш барчамизнинг олий бурчимиздир. Шуни назарда тутилса, ҳозирги глобаллашув замонида юз бераётган турли хил диний-

* *“Кўкалдош” ўрта махсус ислом таълим муассасаси ўқитувчиси.*

ақидавий хуружлар ва бузғунчи ғоялардан сақланиш ва бу борада аждодларимиз томонидан ёзиб қолдирилган бой илмий меросларбилан яқиндан танишиш, уларни чуқур ўрганиш устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг: “Элимизга ислом динини тўғри тараннум этиш – жуда катта тарбия[3]”, - дея билдирган фикрларида мана шу вазифанинг нақадар устувор масала эканлигини ҳис қилиш қийин эмас.

Мовароуннаҳр шаҳарларидан бири бўлган қадим Термизнинг илму маърифатда Бухоро, Самарқанд ва Тошкент каби шаҳарлардан қолишмайдиган жиҳатлари кўп бўлгани боис “Термизий” нисбатли олимлар ўз асарлари билан нафақат Мовароуннаҳр, балки бутун ислом оламида шуҳрат қозонган десак муболаға бўлмайди. Уларнинг бой илмий меросини ўрганиш, улар устида тадқиқотлар олиб бориш борасида юртимизда муҳим ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Абу Исо Термизий ва термизий алломаларнинг ҳаёти ва маънавий меросини ўрганиш, ҳаётга кенг тадбиқ этиш, ислом динининг асл моҳиятини ҳамда ҳадис илми тарихи ва унинг эзгу ғояларини тарғиб этиш мақсадида Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги ПҚ-2774-сонли “Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Имом Термизий халқаро илмий тадқиқот маркази ташкил этилиб, ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Марказнинг фаолият тури халқаро миқёсда бўлиб, фаолиятининг асосий мақсади ислом динининг, Қуръони карим ва ҳадис илмининг асл моҳиятини, ҳадисшунослик мактабининг илмий-маънавий асосларини, Имом Термизий ҳамда термизий алломалар, юртимиздан етишиб чиққан мутафаккир зотлар меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этишдан иборат бўлиб, бу борада салмоқли илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Абу Исо Термизий ва Термизий алломаларнинг маънавий меросини ўрганиш ва улар устида кенг тадқиқотлар олиб бориш хусусида Президентимиз Ш.Мирзиёев: **“Ислом дини ривожига ҳисса қўшган буюк аллома, ватандошимиз Абу Исо Термизий ва Термизий алломаларнинг беназир меросини илмий асосда чуқур ўрганиш ва халққа етказиш ўта муҳим ишдир”** деб таъкидлаганлар. Тарихда Термиз шаҳри ва термизий алломаларнинг муносиб ўрни бор. Термиз шаҳридан етишиб чиққан улуғ муфассир, муҳаддис, мутакаллим, мутасаввуф ва фақиҳларнинг буюк хизматлари натижаси ўлароқ, бу шаҳар ҳақида тарихий манбаларда юксак эътирофлар битилган. Тўққизинчи асрда яшаб ўтган муаррих Абул Аббос Яъқубий **“Термиз – шаҳарларнинг оналаридан бўлган шонли шаҳардир”**,- деб таъкидлаганлиги ёки **“Термиз – мадинату-р-ризқ” (Термиз – мардлар (олимлар) шаҳридир),** - деб эътироф этилиши бу заминдан қанча-қанча улуғ алломалар етишиб чиққанлигига далолат қилувчи ҳақли эътироф. Бугунги даврнинг етук ҳанафий олимларидан, Покистонлик муҳаддис Шайх Тақий Усмоний ўзининг суҳбатида: **“Саҳиҳи Бухорий” ва “Жомий Термизий” асарларини ўқимай олим бўлиш мумкин эмас. Мовароуннаҳр диёридан етишиб чиққан бир қанча ислом намояндалари бор. Бу диёр уламоларининг сўзлари ҳаммага ҳужжат бўлиб келган ва ҳанузгача уларнинг асарлари энг мўътабар манбалар қаторидан жой олган.**

Буларнинг барчаси сизлар учун фахрдир. Буларнинг меросини ўрганиш ва ўргатиш, бутун дунёга тарқатишга сиз ҳақлисиз ва сизлар масъулсизлар", - деб юртимизга қилган ташрифлари чоғида таъкидлаган эдилар[4].

Термиз ва термизий алломаларнинг тарихи ҳамда маънавий меросини ўрганиш ва кенг тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Термиздан тарихда улуғ мутафаккир алломалар етишиб чиққан ва уларнинг буюк хизматлари боис, Термиз шаҳрида ислом динининг барча йўналишларида илмий мактаблар фаолият олиб борган. Жумладан, ҳадис, фиқҳ, тафсир, тасаввуф илмлари кенг ривожланган.

Имом Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Заҳҳок Суламий Термизий Буғий Зарир (824-892) тимсолида ҳадис илми ривож топган. Бу мактабнинг муносиб вакиллари сифатида Абулҳасан Аҳмад ибн Ҳасан ибн Жунайдиб Термизий(вафоти 864 йилдан олдин), Солиҳ ибн Абдуллоҳ Термизий (вафоти 231/845 ёки 239/853 йилда), Абу Зарр Муҳаммад ибн Иброҳим Термизий (IX-X аср) ва бошқа кўплаб муҳаддислар воҳадан етишиб чиққан. Шунингдек, шошлик буюк муҳаддис Абу Саъид Ҳайсам ибн Кулайб ибн Шурайҳ ибн Маъқил Шоший Бинкатий (ваф. 946) ҳам асли термизлик муҳаддислардан бўлганлигини тарихчилар Самъоний ва Ёқут Ҳамавийлар таъкидлашган. Бу муҳаддис Имом Термизийнинг асосий шогирдларидан бири бўлиб, у зотдан "Ал-Жомеъ ал-кабир" ва "Аш-Шамоил" каби асарларни ривоят қилган [4].

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Бишр ибн Ҳорун Ҳаким Термизий (тахм. 820-932) мисолида исломий ҳикмат ва тасаввуф мактаби назарияси воҳада ривожланган. Бу мактабнинг муносиб вакиллари сифатида эътироф этилган кейинги алломалар хизмати бу мактабни янада ривож топишида асос бўлиб хизмат қилган. Улардан: Абу Бакр Муҳаммад ибн Умар ибн Фазл Ҳаким Варроқ Термизий Балхий (ваф.932 ёки 907 йил), Абулқосим Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Исмоил Ҳаким Самарқандий (ваф. 342/953), Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳомид ибн Муҳаммад ибн Исмоил ибн Холид Термизий (IX-X аср, Абулмузаффар Ҳаббол ибн Аҳмад Термизий (X-XI аср) ва бошқаларни келтириб ўтиш мумкин.

Воҳада яна бир йўналиш калом илми Сўфи Оллоёр (тахм. 1644-1724) нинг маънавий мероси асосида ривожланган.

Нақшбандия тариқатининг етук намояндалари Хожа Алоуддин Аттор (ваф. 1400), Муҳаммад Зоҳид Вахшуворий (тахм. 1450-1530), Дарвеш Муҳаммад Имканагий Вахшуворий (тахм. 1475-1563), Шайх Абдулҳай Чағониёний (XVII аср) каби тариқат силсиласи вакилларининг яшаб фаолият олиб боришлари ҳам бу воҳада нақшбандийлик тариқатини кенг ривожланганлигидан ёрқин далолатдир.

Термиз шаҳрида ҳанафийлик фиқҳининг ривож топиб кенг ривожланиши Холид ибн Зиёд Термизийнинг маънавий мероси асосида бўлган. Бу аллома Термизнинг VIII аср бошидаги илк қозиси ҳисобланиб, Абу Ҳанифанинг дўсти ва сабоқдоши даражасидаги шахс бўлганлиги манбаларда келтириб ўтилган. Унинг ўғли Абулазиз ибн Холид Термизий эса Абу Ҳанифанинг бевосита шогирди бўлиб, Термиз, Чағониён ва Вашгирдгача бўлган ҳудудлар қозиси бўлган. Ҳанафийлик фиқҳининг воҳада кенг ёйилиши ва тараққий этишида Абдулазиз ибн Холид Термизий (VIII-IX

аср), Исроил ибн Зиёд Термизий (VIII-IXаср), Суфён ибн Омир Термизий (VIII аср), Солиҳ ибн Муҳаммад Термизий (IX аср), Абулфазл Муҳаммад ибн Амр ибн Миҳрон Хатиб Термизий (X аср) каби фақиҳларнинг ҳам катта хизматлари бўлган [4].

Термиздан етишиб чиққан уламолар ҳаёти ва маънавий меросини ўрганиш бўйича Имом Термизий халқаро илмий тадқиқот марказида "Ҳадисшунослик" ва "Манбашунослик" каби илмий бўлимлар ташкил этилган. Бугунги кунгача Марказ илмий ходимлари томонидан Абу Исо Муҳаммад Термизийнинг шоҳ асари бўлган "Сунани Термизий"ни ўзбек тилидаги таржимаси тўлдирилган ва қайта нашри шунингдек, "Буюк Термизийлар", "Термизнинг безавол қалъалари ёхуд Термиз тарихи", "Имом Абу Исо Муҳаммад Термизий", "Термизий алломалардан олтин ўгитлар", "Муҳаддис ва фақиҳ аллома", "Икки улуғ донишманд", "Китобул илал", "Муҳаммад Ҳаким Термизий рисолалари", "Буюк юрт алломалари", "Имом Абу Исо Термизий: ҳаёти ва ижоди саҳифалари", "Мотуридия таълимоти ва Абу Муъин Насафий илмий мероси", Ҳаким Термизийнинг Қуръон тафсирига бағишланган "Китаб фийҳи тафсиру суроти-л-Фатиҳа ва аятин мин суроти-л-Бақара" қўлёзма тафсирини таҳқиқи ҳамда Абу Жаъфар Термизийнинг "Тафсир" асари каби 30 та китоб ва рисолалар нашр этилди. Айни вақтда, Марказ илмий ходимлари томонидан Имом Термизийнинг "Сунан" асарини ўн жилдлик ҳанафийлик йўналишидаги шарҳи ўзбек тилига изоҳли академик таржима қилинмоқда. Шунингдек, Сурхондарё вилоятига мос тарзда буюк аллома аждодларимиз илмий меросига бағишланган кичик ҳажмдаги, халқчил ва ёшларнинг психологик жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда "Имом Термизий", "Ҳаким Термизий", "Хожа Алоуддин Аттор", "Абу Бакр Варроқ Термизий", "Бурҳониддин Термизий", "Сўфи Оллоҳёр", "Хожа Самандар Термизий", "Розиюддин Чоғоний", "Адиб Собир Термизий" ва "Абу Жаъфар Термизий" каби 10 дона рисола нашр этилди. Республикамиз ва хорижда сақланаётган қўлёзма асарларни ўрганиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти билан ҳамкорликда дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатда сақланаётган 1400 дан зиёд қўлёмалар тавсифини ўз ичига олган "Термизлик олимлар асарларининг жаҳон фондларидаги қўлёзмалари каталоги" нашр этилди [4].

Марказ томонидан таълим муассасалари, давлат ва жамоат ташкилотларида "*Ўзбекистон – буюк алломалар юрти", "Жаҳолатга қарши – маърифат"* шиори остида тарғибот учрашувлари ва маънавий-маърифий тадбирлар мунтазам ўтказилмоқда.

Президентимиз Ш.Мирзиёев Марказга ташрифлари чоғида: **"Бу Марказ ёшларнинг билимини оширишда маърифат марказига айланиши керак",** - деб таъкидлаган эдилар. Мазкур таклиф асосида ўтган вақтда Марказнинг мажлислар залидан мақсадли фойдаланиш бўйича ёшлар, талабалар билан 200 дан зиёд маънавий-маърифий тадбирлар ташкил қилинди. Шунингдек, Сурхондарё вилоятининг барча туманлари кесимида таълим муассасалари ўқувчилари билан илмий учрашув ва маърифий суҳбатлар ташкил этилди. Зеро, маърифатни инсон учун манфаати ҳақида Ҳаким Термизий **"Маърифат инсоннинг асосий бойлигидир",** - деб айтганлар [4].

Дарҳақиқат, Марказ томонидан олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари ва маънавий-маърифий тадбирлар негизида Ислом дини ривожига улкан хисса қўшган буюк аллома, ватандошимиз Абу Исо Термизий ва термизий алломаларнинг беназир меросини илмий асосда чуқур ўрганиш, муқаддас юртимиз азал-азалдан улуғ алломалар ва азиз авлиёлар ватани бўлиб келганини юртдошларимиз ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, шу асосда ёш авлодни эзгу ғоялар руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтиришга кўмаклашишдан иборат бўлган олий мақсадимиз бор.

Хулоса ўрнида шундай дейиш мумкин, инсоният тараққиёти тарихида шундай шахслар бўлганки, уларнинг фаолияти маҳаллий, маданий ҳудуд чегарасидан ташқарига чиқибгина қолмай, балки даврлар чегарасини ёриб ўтиб, ғоялар ривожланишида умумжаҳон жараёнининг бир қисмига ҳам айланган. Уларнинг асарлари барча нодир ҳодисалар сингари аввал ўтганлар тажрибаларни энг қимматли томонларини ўзида гавдалантиради, жамият илмий фикри ҳамда маънавий маданиятнинг кейинги кўп асрларда содир бўладиган олға ҳаракатини белгилаб беради.

Юқорида зикр қилинганидек, юртимизда ислом шариати ҳанафий мазҳаби ва мотуридия таълимоти асосида ривожланди. Шу қатори ҳанафий олимлари, имом Мотуридий издошлари шаклланди ва фаолияти ривожланди. Бунда Термизлик олимларнинг ўрни жудда катта десак муболаға бўлмайди. Зеро, ислом илмини келажак авлодга етказишда уларнинг жонбозлик кўрсатгани ҳеч кимга сир эмас.

Мақола материяллари ва хулосасига биноан қўйидагича таклифлар бериш мумкин:

1. Мотуридия таълимотини шаклланиб, ривожланишида муҳим ўрин тутган уламолар, хусусан, бу борада Термизлик олимларнинг ҳам ҳиссасини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.
2. Мазкур уламоларнинг илмий фаолияти ва меросини ўрганиш ва маълум муаммоларни бартараф қилишда аҳамиятини кўрсатиб бериш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний. ал-Ансоб (Насабнома). Таржимонлар: Абдулғафур Раззоқ Бухорий, Комилжон Раҳимов. – Т.: “Ҳилол” нашриёт-матбааси, 2017й.
2. Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017й.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг кино саноатини ривожлантириш ва соҳани тубдан ислоҳ қилиш масалаларига бағишланган йиғилишдаги нутқидан. 30.12.2017й. / www.daryo.uz.

4. Умаров Ш. Ислом цивилизацияси ривожида Термизий алломаларнинг тутган ўрни; мақоласи. 14.10.2021й. / www.termiziy.uz.

4. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИМОМ ТЕРМИЗИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИГА МУНОСАБАТ

МАРКАЗИЙ ОСИЁЛИК МАШҲУР МУҲАДДИСЛАР

Шукурилло Умаров (PhD)*

Аннотация. Ушбу мақолада Марказий Осиё заминида яшаб ижод қилган ҳамда ислом илм-фан ривожида, хусусан тафсир, ҳадис, фиқҳ каби соҳаларда беназир асарлар ёзган муҳаддис ва муфассирларнинг маънавий мероси борасида сўз юритилади. Жумладан, ушбу заминнинг илм-фан ривожланган масканларидан бири бўлмиш қўҳна Кеш заминида яшаган муҳаддис олим Абдулҳамид Кеший илмий меросининг бугунги кундаги аҳамияти очиб берилади.

Калит сўзлар: Марказий Осиё, «Сиҳоҳу ситта», ҳадис, тафсир, фиқҳ, фалсафа, Кеш, Насаф, Абдулҳамид Кеший.

Abstract. This article talks about the spiritual heritage of muhaddith and commentators who lived and created in the land of Central Asia and wrote unique works in the development of Islamic science, especially in fields such as tafsir, hadith, and fiqh. In particular, the importance of the scientific heritage of Abdulhamid Keshii, a scientist who lived in the ancient land of Kesh, which is one of the most developed places of science in this land, will be revealed today.

Key words: Central Asia, «Sihahi sitta», hadith, tafsir, fiqh, philosophy, Kesh, Nasaf, Abdulhamid Keshi.

Буюк муҳаддислар ватани бўлган Мовароуннаҳрдан етишиб чиққан улуғ олиму-фозиллар, муҳаддису-муфассирлар, фақиҳу-мутакаллимлар, муарриху-мутасаввуфлар ҳаёти ва илмий мероси тарихда ўз ўрнига эга.

Алломаларимиз қолдирган бой илмий-маънавий меросни ўрганиш ва уларни кенг тадбиқ этиш хусусида Ўзбекистон Республикаси **Президенти Ш.Мирзиёев** шундай таъкидлаганлар: “Имом Бухорий ва Бурҳониддин Марғиноний, Исо ва Ҳаким Термизийлар, Маҳмуд Замахшарий ва Қаффол Шоший, Баҳоуддин Нақшбанд ва Хожа Аҳрор Валий, Муҳаммад Хоразмий ва Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва Алишер Навоий каби кўплаб даҳолар номи жаҳон цивилизацияси тарихида олтин ҳарфлар билан битилган... Уларнинг ҳаёти ва маънавий меросини кенг ўрганиш ва ҳаётга тадбиқ этишда бугунги кунда ҳам инсоният катта **эҳтиёж сезмоқда”**[1].

VIII-X асрларда Мовароуннаҳрда барча диний илмлар ривожланганлиги каби, ҳадис илми ҳам тараққий этган. Бу даврдаМовароуннаҳрнинг ўзида 3000 дан ортиқ таниқли муҳаддислар фаолият олиб боришган. Айнан бу даврларда Самарқанд, Шош, Кеш, Бухоро ва Насаф шаҳарлари ислом оламидаги нуфузли илм марказлари қаторидан саналган. Тарихий манбаларда юртимиз алломалари ва муҳаддислари

---

* *Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази бўлим бошлиғи*

[1] Президент Ш.М. Мирзиёевнинг 2016 йилнинг 18-19 октябрь кунлари Тошкентдаги Симпозиумлар саройида “Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик йўли” мавзуида бўлиб ўтган Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессиясида сўзлаган нутқи. Халқ сўзи, 2016 йил, 19 октябрь.

ўртасида яқин илмий алоқалар, ижодий ҳамкорлик ва устоз-шогирдлик муносабатлари яхши йўлга қўйилганлигини кўриш мумкин.

Мовароуннаҳр ва Хуросонга ҳадис илмини кириб келиши ва кенг тарқалишида бу юртдан етишиб чиққан машҳур муҳаддислар Абдуллоҳ ибн Муборак (в. 181/797 й.) ва Абдулҳамид Кеший (786-863)лар томонидан тасниф этилган муснад асарларини аҳамияти катта бўлган.Айниқса, Мовароуннаҳр ҳадис илми ривожида Абдулҳамид Кешийнинг илмий-маънавий хизмати алоҳида аҳамият касб этади. Дунё ҳадис илми устозлари саналган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Доримий, Имом Муслим каби муҳаддисларни етишиб чиқишида ҳам Абдулҳамид Кешийнинг буюк хизматлари, муҳаддислар билан ҳамкорликда олиб борган катта илмий-амалий ишлари ҳамда устоз-шогирдлик анъаналари йўлга қўйилганлиги ҳам бу илмнинг юртимизда тараққий этишида муҳим омил бўлган.

Мовароуннаҳрда ҳадис илмининг кенг ривожланиши юртимиздан етишиб чиққан буюк муҳаддислар томонидан олиб борилган илмий-маърифий хизматлари самараси бўлиб, ҳадис илми босқичма-босқич ривожланиб борган ва ҳар бир даврда ўзига хос ҳадис асарлари тасниф этилган. Ҳадис илми борасида илк тасниф этилган асарлар муснад кўринишида бўлган ва Мовароуннаҳрда бу йўналишда илк асар тасниф этган муҳаддислардан Абдулҳамид Кеший бўлади.

Тарихий асар ҳисобланган “*Зафарнома*”да дунёга машҳур муҳаддисларнинг бир вақтда жам бўлиб, ҳадис, тафсир, Қуръон, араб тили ва бошқа фан соҳалари билан машғул бўлганлиги келтирилади. ИмомКеший, Имом Бухорий, Имом Доримий, Имом Муслимкаби машҳур муҳаддисларучрашиб, Кешда бир муддат яшаб, ҳамкорликда фаолият олиб боришган ва шу даврда дунёнинг кўплаб ислом динига эътиқод қиладиган давлатларидан талабалар келиб, мазкур муҳаддислардан илм ўрганишган[2].

Имом Бухорий билан Абдулҳамид Кеший ўртасида устоз ва шогирдлик муносабати бўлган. Бу ҳақда қўйидаги манбаларни келтириб ўтиш мумкин. “*Сийар аъломи-н-нубало*” асарида Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Муслим Абдулҳамид Кешийдан ҳадис ривоят қилганликлари келтирилган.[3]

Шарқшунос С.Прозоров: “Абдулҳамид Кеший Кешда яшаган муҳаддис. У Имом Бухорийнинг устозларидан бири бўлган. Кеший кунларини масжидда ибодат билан ўтказиб, фақат кечасигина масжидни тарк этишни одат қилиб олган тақволи муҳаддислардан саналган”[4] деб келтиради.

Абдулҳамид Кеший ҳақида Имом Бухорий “*Аълому-н-нубувват*” асарида қўйидаги маълмотни келтириб ўтади: “Абд ибн Ҳумайд, у Абдулҳамид Абу Муҳаммад бўлиб, Муслим ибн Ҳажжожнинг улуғ устозларидан бўлган”[5].

---

[2] Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. Нашрга тайёрлаш, сўз боши, изоҳ ва кўрсаткичлар А.Ўринбоевники. Масъул муҳаррир ф.ф.д. А.К.Арендс. –Т.: Фан, 1972. –Б. 345/163 а.

[3] Қаранг: Шамсуддин Заҳабий. Сийар аъломи-н-нубало. Ж. 12. –Б. 235.

[4] Прозоров С. Ал-Бухари //Ислам на территории бывшей Российской империи. Энцеклопедический словарь. Вып. 3. –Москва: Восточная литература, 2001. –С. 26.

[5] Жайёний Андалусий. Алқобу-л-саҳобати ва-т-тобиин фи муснадайни саҳиҳайни. Ж.1. –Б. 10.

Икки муҳаддис Имом Доримий ва Имом Кешийлар улуғ муҳаддис ва муфассир бўлиб, бирга яқин илмий-амалий алоқада бўлишган. Икки муҳаддис китобларни хаттотлик йўли билан кўпайтириш, ҳадисларни ёзиб сақлаб қолиш ишларида ҳамкорлик қилишган. Имом Доримий ўзининг "Сунан" асарида Абдулҳамид Кешийдан ҳадис ривоят қилган[6]. Бу илмий ҳамкорликлар ҳақидаСамарқанд қозиси Абу Ҳафс Умар ибн Ҳафс ибн Салим СамарқандийнингАбдулҳамид Кеший ҳамда Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон ад-Доримийлар билан ҳамкорликда китобларни қўлёзма шаклга келтириб, тасниф этишга ҳомийлик қилиб турганлиги тарихий манбаларда таъкидлаб ўтилган[7].

"Сиҳоҳу ситта" (олти саҳиҳ)асарлари муаллифларининг барчасимуштарокликда кўплаб ровийлардан ҳадис ривоят қилган. Машҳур муҳаддисларданАбдулҳамид Кеший, Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Термизий, Ибн Можжа, Абу Довуд ва Имом Насоийлар шерикликда 47 нафар машҳур муҳаддис ва ровийлардан ҳадис келтирган бўлиб, улар ўртасида кучли илмий-амалий алоқалар бўлган[8].

Имом Бухорий ўзидан кўп ҳадис тинглаб истифода олган шогирди Термизийга қараб: "Сен мендан фойдаланганингдан кўра, мен сендан кўпроқ фойдаландим"-деб айтган эканлар. Улуғ муҳаддислардан Имом Муслим ҳар қачон Бухорийни ҳузурларига кирган вақтда: "Эй ҳадислар табиби! Эй ҳадис уламоларининг саййиди! Ижозат берсангиз оёғингизни ўпсам"-дебҳурмат кўрсатар эканлар. Бу каби муносабатлар буюк муҳаддисларнинг бир-бирига нисбатан юксак эҳтироми сабабидан бўлган.

VIII-IX асрларда Мовароуннаҳрнинг Шош, Кеш, Самарқанд, Насаф, Бухоро, Термиз ва бошқа шаҳарларида илм-маърифат марказлари бўлган бунга асос тариқасида қуйидаги тарихий манбани келтириб ўтиш мумкин. Абдулҳамид Кешийнинг ўғли Муҳаммад ибн Абддан Ҳусайн ибн Исмоил ушбу маълумотни эшитганлигини келтириб ўтади.

Қутайба ибн Саъд: "Агар Термизга борсангизлар, Аҳмад ибн ал-Ҳасандан, Кешга борсангизлар, Абд ибн Ҳумайд Кешийдан, Самарқандга борсангизлар, Абдуллоҳ ибн Абдураҳмондан ва агар Шошга борсангизлар, Абдуллоҳ ибн Абу Аробанинг суҳбатини ўзларингизга лозим тутингизлар, яъни улар айтган ҳадисларни маҳкам тутингизлар"дедилар[9].

Мазкур манбада келган кишиларнинг барчаси етук муҳаддислар силсиласига киритилган. Ушбу манба бу муҳаддисларнинг ҳадис илмида тенги йўқ муҳаддис эканлигини эътироф этиш билан бирга, айнан манбада зикр қилинган

---

[6] Доримий. Сунан. Байрут, Доу-л-Китоб. 1408 ҳ. 311-ҳадис.

[7] Нажмиддин ан-Насафий. Ал-қанд фий зикри уламои Самарқанд. / Самарқанд уламолари хотирасига доир қанд(дек ширин китоб)/. У. Темирхон ўғли ва Б.Набихон ўғли таржимаси. Т.: "ЎМЭ". 2001.– Б.132.

[8] Умаров Ш. Абдулҳамид Кеший ҳаёти ва илмий мероси. Т.: Имом Бухорий нашриёти, 2013. – Б. 89.

[9] Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдулғани Бағдодий. ат-Тақйид ли-л-маърифати равоти-с-сунани ва -л-асонид. Ж.1. –Б. 83.

маконларТермиз, Кеш, Самарқанд ва Шошнинг ўша даврдаги илм-маърифат марказига айланганлигига ҳам ёрқин бир ишорат ҳисобланади. Шу билан бирга, ҳадис илми олимларини бир-бирларини яхши эътироф этиб, бошқаларни улардан илм ўрганишларига жалб қилишдаги илмий-амалий ҳамкорликларни ҳам кўриш мумкин. Мазкур шаҳарларда асос солинган ҳадис мактабларидан кўплаб машҳур муҳаддислар етишиб чиққан.

«Китоб ал-Ансоб» асарида Мовароуннаҳрдаги ҳадис мактаблари ҳақида: «IX-X асрда Самарқанд вилоятларидан бири Иштихон шаҳрида Аҳмад ибн Ҳишом ан-Навқадакий ҳамда Довуд ибн Амр ар-Рустуғфарий ҳадис мактаблари, Нисо шаҳрида Аҳмад ибн Шуайб ан-Нисаий мактаби, Хўжандда – Яҳё ибн ал-Фадл ал-Хўжандий ҳадис мактаблари мавжуд бўлган ва улар ўз фаолиятларини олиб борган»[10] деб келтириб ўтган.

Самарқандда мавжуд бўлган ҳадис мактабларинингҳам ўрни бўлиб, бу ерга илм талабида турли ўлкалардан олим ва талабалар келишган. Самарқанддаҳадис илмининг ривожланиши тарихига назар солинса, бу соҳа анча олдин бошланганлигини кўришимиз мумкин бўлади. Бунга илк ҳадис илми намояндалари сифатида Абу Муқотил ас-Самарқандий, унинг шогирди Абу Бакр Аҳмад ибн Наср ал-Атакий ҳамда унинг икки ўғли – Салм ибн Ҳафс (ваф. 826 й.) ва Умар ибн Ҳафс (ваф. 834 й.)ларни алоҳида зикр этилади.

Абу Ҳафс Умар ибн Ҳафс ибн Салим Самарқандий Самарқанд қозиси бўлган ва кўплаб муҳаддислардан ҳадис ўрганган, у ҳанафий йўналишида улуғ фақиҳ ва муҳаддислардан бўлган[11]. Ҳафс ибн Салим Самарқандий Имом Мотуридийнинг учинчи силсиладаги устозларидан саналган[12]. Имом Аъзамнинг “Фиқҳу-л-акбар” китоби Имом Мотуридийга қуйидаги иснод тартибида етиб келган: Абу Ҳанифадан ўғли Ҳаммод ибн Нуъмон ундан Иъсом ибн Юсуф ундан Ҳафс ибн Салим Самарқандий (Абу Муқотил) ундан Наср ибн Яҳё ундан Алий ибн Аҳмад Форсийлар орқали Имом Мотуридийга етган[13]. Абу Ҳафс Умар ибн Ҳафс ибн Салим Самарқандий икки улуғ муҳаддислар Абдулҳамид Кеший ва Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон ад-Доримийлар билан ҳамкорликда китобларни қўлёзма шаклга келтириб, тасниф этишга ҳомийлик қилиб турганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим бўлади[14]. Мазкур муҳаддис Самарқанддан чиққан илк муҳаддис сифатида эътироф этилган ва Самарқандда ўз ҳадис мактабига асос солган шахс ҳисобланади. Абу Муқотил Самарқандий, унинг шогирди Абу Бакр Аҳмад ибн Наср Атакий, икки ўғли – Салм ибн Ҳафс (ваф. 211/826 й.)

---

[10] Камалиддинов Ш.С. Китоб ал-ансаб. - Б. 155.

[11] Абу Мансур Мотуридий. Китобу-т-тавҳид / Таҳқиқ Фатҳуллоҳ Халиф. – Искандария: Дору-л-жомияти Мисрия, 2008. – Б. 8. 383. (Бундан кейин: Мотуридий. Китобу-т-тавҳид.).

[12] Ўша асар. – Б. 10.

[13] Имом Аъзам. “Фиқҳу-л-Акбар” қўлёзма асарининг № 226 рақам остида Мадина шаҳри “Шайху-л-ислом” мактабасида сақланадиган нусхаси.

[14] Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Насафий. Ал-қанд фий зикри уламои Самарқанд (Самарқанд уламолари хотирасига доир қанд(дек ширин китоб). – Б. 132.

ва Умар ибн Ҳафс (ваф. 219/834 й.)лар Самарқандда фаолият олиб борган улуғ муҳаддислар сифатида зикр этилади.

Имом Мотуридий таълимотининг устозларидан бўлган фақиҳ ва қози Абу Ҳафс Умар ибн Ҳафс ибн Салим Самарқандий ва Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон Доримийларнинг Самарқанд ҳадис мактабида ва Абдулҳамид Кешийнинг Кешда ҳадис мактабида фаолият олиб бориб ўзаро илмий-амалий муносабатларни олиб боришлиги икки мактаб ўртасидаги яқинлик ва ҳамкорликда иш олиб борган деб хулоса чиқаришга асос бўлади. Шунингдек, Самарқанддаги мотуридийлик таълимотининг тарихий илдизи ҳам шу даврда ташкил топган мазкур мактаблар фаолияти билан боғлиқ. Имом Мотуридий ҳам ўзининг ақидавий масалаларини ёритиш ҳамда далиллар билан исботлашда Имом Бухорий, Абдулҳамид Кеший ва Имом Доримийлар келтирган ҳадислардан кенг фойдаланган[15].

Самарқанд ҳадис ва калом илми ривожланган марказ сифатида эътироф этилган. Имом Бухорий Самарқандга келган вақтда тўрт юз ҳадис уламолари бор бўлиб, муҳаддисни имтиҳон қилиш учун тўпланишган. Ҳадис матни ва исноди чалкаштириб саволлар беришган аммо улар ҳарчанд ўринишмасин на иснод ва на матн хусусида муҳаддисни заррача чалкаштира олишмаган[16]. Имом Бухорий Самарқандга келган вақтда бу шаҳарда Имом Бухорийни имтиҳон қилиб, буюк муҳаддис билан тенглаша оладиган, ёки тенглашишга ҳаракат қилган тўрт юз муҳаддиснинг Самарқандда истиқомат қилишининг ўзи ҳам бу жойда ҳадис илмининг ривожланганлигига ишончли мисол бўла олади.

Юқоридаги маълумотлардан илмий хулоса оладиган бўлсак, ўрта асрларда Мовароуннаҳр диёрида ўзига хос ҳадис мактабига асос солиниб, ҳадислар матни, санади ва ровийлари тарихи кенг ўрганилган. Буюк муҳаддислар Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Доримий, Имом Муслим, Имом Кешийлар ўртасида доимий илмий ва амалий алоқалар яхши йўлга қўйилганва уларнинг илм-маърифати сабаб, Мовароуннаҳрда ҳадис илми кенг ривожланган. Бунинг натижасида диёримиздан кўплаб муҳаддис, муфассир, фақиҳ, олиму мутафаккирлар етишиб чиқиб, дунё илм-фан равнақига катта ҳисса қўшган.

Муҳаддислар ўртасидаги алоқаларни ўрганиш, юртимиздан етишиб чиқиб, бир даврда яшаган буюк мутафаккир ҳамда алломалар ҳаёти ва маънавий меросини тадқиқ этиш бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга. Шунингдек, алломаларимиз ҳаёти ва маънавий меросини кенг ўрганиб, ижтимоий ҳаётга тадбиқ этиб бориш, на фақат ўзбек халқи ва ёшлари қолаверса, дунё мусулмон олами учун муҳим аҳамият касб этади.

---

[15] Uluslerarasi Sheyh Shaban Veli simpozyumu. Hanafeylik-Maturidiylik. – Turkey, Kastsmonu universiteti. 05-07 Mayis, 2017. Cilt 1. – S. 564.

[16] Алимов У. Имом ал-Бухорий баракоти. Мовароуннаҳр 2007. –Б.26-27.

ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ “АЛ-АМСОЛ МИНАЛ-КИТОБ ВАС-СУННА” АСАРИ МУҲИМ МАНБА

Абдушукуржон Муратов*

Аннотация. Ҳаким Термизийнинг мазкур **“Ал-амсол минал-китоб вас-сунна”** асари Қуръон ва хадисда келган масалларга бағишлаган бўлиб, инсонга ўзилигини англаш, ҳаётдан мақсад нима эканлигини тушуниш, дунёда инсоний сифатлар билан яшаб, доимо гўзал ахлоқлар билан ўзига ва ўзгаларга ҳам манфаат етказишга, илм-маърифат асосида икки дунё саодатини қўлга киритишга доир эзгу ғояларга чорлайди.

Калит сўзлар: Қуръон, ҳадис, масал, қиссалар, ҳодисалар, тафсир, тасаввуф, илм-маърифат, уламолар, мақол, ҳикматли сўз ва иборалар

Abstract. The work of Hakim Termizi «Al-amsal minal-kitab wa-sunna» is dedicated to the parables found in the Quran and hadiths, which helped people to know themselves, to realize the essence of life, to live in the world with human dignity, and also always with beautiful morals to benefit themselves and others and to call for noble ideas to achieve the happiness of two worlds based on knowledge.

Keywords: Quran, hadith, parables, stories, events, interpretation, Sufism, knowledge, scholars, proverbs, wise words and phrases.

Етук тасаввуф намояндаси ва машҳур муҳаддис ва фақиҳ сифатида танилган Ҳаким Термизийнинг тўлиқ исм-шарифи Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Баширдир. Алломанинг таваллуд ва вафот саналари тўғрисида тарихий манбаларда турли маълумотлар учрайди. Жумладан, Абдулфаттоҳ Абдуллоҳ Барака Ҳаким Термизийнинг “Одобул муридин ва баёнил касб” китоби муқаддимасида шундай дейди: “Тарих китоблари бу зотнинг туғилиб, вафот этган йилларини аниқ кўрсатмаган. Лекин тадқиқотчилар Ҳаким Термизий тахминан ҳижрий 205/820 йиллар атрофида туғилган ва 115 йил ҳаёт кечириб, 320/932 йиллар атрофида вафот этган, деган фикр аниқроқ дейди” [1:25].

Ҳаким Термизий Жайҳун дарёси қирғоғида жойлашган Термиз шаҳрида дунёга келган. Термиз шаҳри ўз вақтида катта олимлари, муҳаддислари ва фақиҳлари билан машҳур эди. У зотнинг биринчи устози отаси Али ибн Ҳасан Термизий эди. Буни Хатиб Бағдодий ўзининг “Тариху Бағдод” номли асарида келтирган [2:373]. У зот ўз юртидаги олимлардан дастлабки илмларни олгач, ўз илмий салоҳиятини юксалтириш ва илмни зиёда этиш мақсадида турли ўлкаларга сафар қилиб, дунёга машҳур кўплаб олимлардан турли фанлар бўйича таҳсил олган. Биринчи бўлиб Балх шаҳрига келиб, у ерда икки соҳада илм ўрганишга киришади. Биринчидан ҳадис илмини ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйса, иккинчидан, тасаввуфни ўрганиш ва тасаввуф намоёндалари билан учрашишга эътибор қаратади. Шундан сўнг муҳаддис олимлардан ҳадис илмлари ва тасаввуф илмини чуқурроқ эгаллаш ниятида Бағдод

* *Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази катта илмий ходими, исломшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори*

шаҳрига йўл олади. Бу шаҳарда бир қанча таниқли олимлар билан кўришиб, имкони етганича илм олишга мушарраф бўлади[3:24].

Ҳаким Термизий қаламига мансуб асарлар ҳақида ёзган муаллифлар унинг асарларининг сони ҳақида турли рақамларни келтирганлар. Баъзиларининг фикрига кўра, унинг асарлари сони тўрт юзтага яқин бўлса, яна бошқалар саксонта ёки қирқта асар яратганлиги ҳақида ёзган. Жумладан, мисрлик олим шайх Абдулфаттоҳ Абдуллоҳ Бараканинг ёзишича, Ҳаким Термизий тўрт юздан ортиқ асар яратган бўлиб, улардан олтмишга яқини бизгача етиб келган. Энг муҳими, алломанинг бизгача етиб келган асарлари унинг илмий меросининг муҳим қисмини ташкил қилади[4:10]. Мана шу асарлардан, аввало, Қуръони карим ва суннати мутаҳҳарада келган масалларга бағишланган ва айни дамда таржимаси нашрга тайёрланган “Ал-амсол минал-китоб вас-сунна” асарига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим.

Масал жанри ҳақида қисқача маълумот. “Масал” ва “мисл” арабча сўзлар бўлиб, луғатда “ўхшаш”, “тенглик”, “васф-сифат” маъноларини англатади. Улар ўзбек тилидаги “мисоли”, “бамисоли-ўхшаши” сўзлари каби маъноларда қўлланади. “Аллоҳ таолонинг мисли йўқ” иборасида бу сўз “ўхшаши, тенги йўқ” маъносида, “Жаннатнинг масали” бирикмасида эса “васфи-сифати”, “мисоли” маъносини ифодалайди. “Тамсил” эса “ўхшатиш”, “бирор нарсани тасвирлаб бериш” маъносини билдиради. Мақол ҳам араб тилида масал дейилади[5:218].

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да масалнинг луғавий маъноси, мазмун-моҳияти, масал жанри ва унинг турлари ҳақида бундай ёзилган: “Масал (араб. – намуна, мисол) – дидактик адабиёт жанри бўлиб, таълимий характердаги, аксарият кичик шеърий, баъзан насрий шаклдаги асардир. Масалда инсонга хос хусусиятлар, жамиятга оид ижтимоий ҳодисалар, муносабатлар қушлар, ҳайвонлар орасидаги муносабатлар ва табиат ҳодисалари воситасида акс эттирилади. Мазмуни асосига қуриладиган масалда комиклик ва киноянинг, ижтимоий танқид мажоз мотивининг устун бўлиши айрим ҳолларда унга ҳажвий руҳ бағишлайди. Масалнинг ҳикоя қисми ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар, новелла ёки латифаларга яқин бўлиб, хотимаси, таълимий хулосаси мақол, ҳикматли сўз ва иборалар тарзида тузилган бўлади[6:36].

Араб тили луғатида – ўзбек тилидаги – мақол, халқ оғзаки ижодига оид ибора ва ҳикматли сўзлар “масал” ёки “амсол” дейилади. Масалан, “Халқ мақоллари” деган ибора “Ал-амсол аш-шаъбийя” дея ифодаланади. Буни эса айнан шу ном билан чоп этилган арабий мақоллар тўпламларида ҳам кўриш мумкин. “Мақол” сўзининг асли ҳам арабча бўлиб, “гап”, “сўз” деганидир. “Масал”нинг ҳам “сўз” деган маъноси бор.

Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда ҳам масал жанри кенг қўлланган. Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда масалнинг келтирилишидан мақсад, ифода этилаётган маънони зеҳнга яқинлаштириб, осон тушунтириш билан бир қаторда тингловчининг онгига уни мустаҳкам ўрнатишдир, чунки одамзод ақли одатий ва мисоллар билан ифода қилинган маъноларни осон ва енгил қабул қилади.

Абдулқоҳир Журжоний ўзининг “Асрорул-балоға фий илмил-баён” асарида тамсил-масал келтириш услуби ўз ўрнида тўғри қўлланса, маънога жозибадорлик бахш этиши, унинг таъсирчанлигини кучайтириши, ҳиссиётларни қўзғатиши ва

қалбларни ўзига ром этиш кучига эга экани барча оқил кишилар – олимлар иттифоқ қилган тушунчалигини таъкидлаган[7:48].

Қуръони каримдаги масаллар мавзусининг ёритилиши. Араб шеърияти ва адабиётида масал жанрида ёзилган асарлар жуда кўп. Шунингдек, қадимда ҳам, ҳозирда ҳам Қуръони каримдаги масалларни баён қилувчи асарлар ёзилган. Шиалик оқимига мансуб тадқиқотчи Жаъфар Субҳоний "Ал-амсал фи-л-Қуръани-л-карим" асарида ушбу мавзуда араб ва форс тилларида асар таълиф этган қадимги ва замондош муаллифлардан ўн тўрттасини санаб ўтган. Жумладан, қадимги алломалар – Жунайд ибн Муҳаммад Қаворирий (298/910), Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Арафа ибн Муғира (323/935), Ҳамза ибн Ҳасан Исфаҳоний (351/962), Абу Али Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Жунайд Искофий (381/991), Шайх Абу Абдурраҳмон Муҳаммад ибн Ҳусайн Суламий Найсабурий (412/1021), Абулҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Ҳабиб ал-Мовардий шофиъий (450/1058), Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Қоййим (691/1292-751/1350) ушбу мавзуда асар ёзганлар. Шунингдек, яқин ўтмиш – бир аср илгари яшаб ижод қилган ҳамда бир неча замондош олимлар ҳам ушбу мавзуда асар ёзганлар. Жумладан, Абдурраҳмон ибн Ҳасан Ҳабаннака ал-Майдоний, Аҳмад ибн Абдуллоҳ Табризий (1327/1909), доктор Маҳмуд ибн Шариф, доктор Муҳаммад Жобир Фаёзий, доктор Муҳаммад Ҳусайн Али каби олимлар араб тилида, Али Асғар Ҳикмат ва доктор Исмоил Исмоилий каби олимлар форс тилида айнан ушбу мавзуда асар ёзганлар[8:26/27]. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ушбу асарларнинг барчаси бир хил мавзуга оид. Бу эса мавзунинг ҳар замон ва макон учун аҳмиятли эканини билдиради. Тадқиқот жараёнида кашф этилган фахрли натижа шундан иборатки, бу жанрда мазкур муаллифларнинг барчаларидан илгари буюк бобомиз Ҳаким Термизий раҳимаҳуллоҳ қалам тебратиб, уларнинг барчалари таълиф этган асарларидан кенг қамровли ҳамда батафсилроқ тарзда "Ал-амсол минал китаби вас-сунна" номли асар ёзган экан. Ҳаким Термизий нафақат, Қуръони каримдаги масаллар, балки Қуръони карим ва суннати набавиядаги кўплаб масаллар ва уларнинг чуқур маъноларини ёритиб берган. Бир сўз билан айтганда, Ҳаким Термизий бу жанрда асар ёзишга тамал тошини қўйган аллома, унинг асари эса бу мавзуда ёзилган ва ёзилажак асарларга асл манба сифатида эътироф этилади.

Асарнинг таркибий тузилиши ва мазмун-моҳияти. «Ал-амсол минал-китоб вас-сунна» асари уч қисмдан иборат:

1. Қуръони каримдаги масал-ўхшатишлар;
2. Ҳадиси шариф ва хабарлардаги масал-ўхшатишлар;
3. Ҳукамолар сўзларидаги масал-ўхшатишлар.

Ҳаким Термизий учинчи қисмда аксар ҳолларда ўз фалсафий мушоҳадасининг маҳсули бўлган масалларни келтирган. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, муаллиф бу асарида мазкур уч қисмга оид барча масалларни қамраб олмаган. Зеро, Қуръони карим ва ҳадиси шарифлардаги кўплаб масалларни келтирмагани бунинг далилидир. У зот ваъз ва ибрат, таълим ва фиқҳ, ҳикмат ва дин масалаларини ўзида мужассам этган масалларини жамлашни бош мақсад қилган[9:4]. Муаллиф икки юздан зиёд – оят-ҳадисларда келган масалларни ўзига хос услубда шарҳлаган. Асарда Қуръони карим ҳамда ҳадиси шарифлардаги бир неча тамсиллар алоҳида ажратиб олиниб,

мисол келтиришлар ва ўхшатишлар замиридаги ҳақиқатлар содда ва равон услубда баён этилган. Китобни Қуръони карим ва ҳадиси шарифларни ўрганишда энг мўтабар манбалардан бири сифатида баҳолаш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда Ҳаким Термизийнинг мазкур асари инсонга ўзилигини англаш, ҳаётдан мақсад нима эканлигини тушуниш, дунёда инсоний сифатлар билан яшаб, доимо гўзла ахлоқлар билан ўзига ва ўзгаларга ҳам манфаат етказишга, доимо илм-маърифат асосида икки дунё саодатини қўлга киритишга чорлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Усмонов И. Ҳаким Термизий. Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси. – 2014. – 143. Б.
2. Хатиб Бағдодий. “Тариху Бағдод”. Байрут: Дору-л-ғарб ал-исломий. – 2002. 2-ж, – 488. Б.
3. Уватов У. Икки улуғ донишманд. Тошкент: Моваройннаҳр. – 2017. –102. Б.
4. Аш-Шайх Комил Авайда. «Ҳаким Термизий». Байрут: – 1993. – 208. Б.
5. Муҳаммад Юсупов, Юнусхон Рахматуллаев. Ан-На’им ул-кабир: Арабча-ўзбекча луғат. Наманган. “Наманган” нашриёти. – 2014. – Б. 643.
6. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. “Ўзбекистон миллий энциколопедияси” Давлат илмий нашриёти. Тошкент. 1997-2005-йиллар. М ҳарфи.
7. Имом Абдулқоҳир Журжоний. Асрорул-балоға фий илмил-баён. Дорул-маърифа. Байрут. – 578. Б.
8. Жаъфар Субҳоний. Ал-амсал фил-Қуръанил-карим. Дорул-азваъ. 1999. – 282. Б.
9. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳаким Термизий Ал-Амсол минал-китоб вас-сунна. Али Муҳаммад Бажовий тадқиқоти. Мактабату дорит-турос. Қоҳира. 1975. – 387. Б.

БУРҲОНИДДИН МУҲАҚҚИҚ ТЕРМИЗИЙ ВА СУЛТОН ВАЛАД ЎРТАСИДАГИ МАЪНАВИ РОБИТАНИНГ АДАБИЙ ТАДҚИҚИ

Каромиддин Жамаҳматов Айнилло ўғли*

Аннотация. Ушбу мақолада Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизий ва Султон Валад ўртасидаги маънавий робита борасида тарихий-адабий манбалар асосида сўз юритилади. Шунингдек, Саййид Бурҳониддин Термизийнинг «Маориф» асари таркибий қисми билан Султон Валаднинг «Маориф» асари генезиси қиёсий-типологик анализ этилиб, мавзулар уйғунлиги ва ўзаро адабий таъсир доираси аниқланади. Бурҳониддин Термизий ва Султон Валад асарларидаги мавзулар моҳияти ва услубий қурилиши, манбалар генезиси, баёнлар ифодаси ўртасида ҳар томонлама яқинликни кўриш мумкин. Тасаввуфий, фалсафий, тарихий, фиққий, эътиқодий ва лисоний жиҳатдан икки асар ҳам Мавлавия тариқатининг сайру сулугини назарий жиҳатдан тушунтириб берувчи илмий-манбалардандир. Султон Валад устози – Бурҳониддин Термизийнинг тасаввуфий ғояларидан шунчалик таъсирланганки, унинг ҳар бир асарида Саййид Бурҳониддин Термизийнинг «Маориф» асарида қўлланилган баёнлар учрайди. Шу сабабли ушбу мақолада икки улуғ мутафаккирнинг маънавий робиталари ўрганиб чиқилган.

Калит сўзлар: Тасаввуф, услуб, манбашунослик, генезис, маърифат, фалсафа, тарих, Термиз, Қайсария, термизийшунос, адабиёт.

Abstract. This article discusses the spiritual relationship between Sayyid Burhoniddin Muhaqqiq Termizi and Sultan Walad based on historical and literary sources. Also, the genesis of Sayyid Burhoniddin Termizi's «Maarif» and the genesis of Sultan Walad's «Maarif» are analyzed comparatively and typologically, and the harmony of themes and the scope of mutual literary influence are determined. In the works of Burhoniddin Termizy and Sultan Valad, one can see the closeness in all aspects between the essence and methodical construction of the themes, the genesis of the sources, and the expression of the statements. In terms of Sufism, philosophy, history, jurisprudence, faith, and language, both works are scientific sources that theoretically explain the development of the Mavlaviya sect. Sultan Walad was so influenced by the mystical ideas of his teacher Burhoniddin Termizi that in each of his works there are statements used in Sayyid Burhoniddin Termizi's work Maarif. Therefore, this article examines the spiritual ties of two great thinkers.

Keywords. Sufism, metod, source studies, genesis, enlightenment, philosophy, history, Termiz, Caesarea, Termizian, literature.

Султон Валад ўзининг етук илмий салоҳияти, ақли, ташқи кўриниши, илмий салоҳияти, шахсий фазилати ва ижодий йўналишда отаси Мавлоно Жалолиддин Румий ва бобоси Баҳоуддин Валадга ўхшаса-да лекин бу зотнинг илмий-ижодий ва руҳий тарбияси такомилига Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизийнинг ўрни беқиёсдир. Биз ушбу фаслда Саййид Бурҳониддин Термизий асарлари билан Султон

* *Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори ўринбосари, филологияи фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).*

Валад асарларидаги адабий таъсир, бадиий ва тасаввуфий мотивларнинг орифона тасвриларидаги ўхшашлик, ижодкор ғояларининг ўзро мутаносиблиги, асарларининг манбалари генезиси, лисоний хусусиятлари ҳақида таҳлилий мулоҳазаларимизни баён этишни мақсад қилдик, чунки бу мавзуни очиб бериш орқали Термиз илмий адабий мактабининг намоянадалари меросинининг тарқалиш жуғрофиясига ойдинлик киритамиз. Термиз заминида яшаб ижод этган буюк Термизий олимлар ва шоирлар ўз давридан бутун дунёга бой илмий-адабий асарлари билан кенг шуҳрат қозонган. Бунинг ёрқин мисолини таниқли Термизийшунос олим Мирзо Кенжабек шундай таърифлайди: Жаҳондаги қадимий шаҳарлар, одат-да, ўз тарихий обидалари, қалъа деворлари билан машҳурдир... Аммо улуғ тарихий шаҳарларнинг асл безавол қалъалари – улуғ сиймолар, улар қолдирган ўлмас маънавий мерослар, валий зотлар, алломалар, нодир шахсиятлардир. Ўзбек диёридаги машҳур тарихий ёдгорликларнинг ҳаммаси азиз сиймолар, даҳо шахсиятлар номи билан боғлиқ.[1] Дарҳақиқат, бугунги кунда олимлар томонидан олиб борилган замонавий тадқиқотлар натижаасида 200 дан ортиқ Термизий мутафаккирлар дунёнинг турли мамлакатларда яшаб ижодий фаолият олиб борган. Бу борада термизийшунос олимлардан М. Кенжабек[2] ва Ж. Чўтматовнинг[3] тадқиқот ишлари таҳсинга сазовор. Бундан ташқари "Термизлик олимлар асарларининг жаҳон фондларидаги қўлёзмалари" каталогда ўрта асрларда фаолият кўрсатган 34 та термизлик мутафаккирнинг мамлакатимизда ва 43 та хорижий мамлакатда сақланаётган 300 га яқин асарининг 1419 ьа қўлзмаси тавсифи ўрин олган.[4]

Бу фактлар шуни кўрсатадики, Термизий мутафаккирларнинг бой илмий-адабий мероси дунёнинг 43 та мамлакатида сақланиб келаётган экан экан. Айниқса дунёда ўз бой мероси билан кенг шуҳрат қозонган Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Адиб Собир Термизий каби улуғ дарғаларнинг асарлари кўплаб нусхаларда сақланиб келиши илмий жамоатчиликка маълум. Булар қатори XII-XIII асрларда Термиз заминида яшаган – Саййид Бурҳониддин Термизий (1165-1241) нотакрор асарлари ва шахсий фазилати орқали кўплаб кишиларга устозлик қилгани айни ҳақиқат. Саййид Бурҳониддин Термизий ҳаёти ва илмий мероси борасида маҳаллий олимларимиз алоҳида мақолалар ёзган бўлса ҳам, бироқ муаллиф ҳаёти ва илмий меросини тўлиқ қамраб олувчи тадқиқот ишлари амалга оширилмаган. Хорижлик олимлар эса бу зот ҳақида бир илмий ишлар ёзганини кўриш мумкин. Жумладан туркиялик ва эронлик олимлар Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизий ҳаёти ва маънавий меросини кенг қамровда тадқиқ этиб келмоқда. Бу асар форс тилида ёзилган бўлиб, тасаввуфшунос

---

[1] Мирзо Кенжабек. Буюк Термизийлар. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2017. Б. 7-8.

[2] Мирзо Кенжабек. Буюк Термизийлар. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2017. Б. 3-513.

[3] Ж. Чўтматов. Термизнинг безавол қалъалари ёхуд Термиз тарихи. – Тошкент: Янги нашр, 2017. – Б. 4- 289.

[4] Термизлик олимлар асарларининг жаҳон фондларидаги қўлёзмалари. – Тошкент: Фан, 2018. Б. 3-26.

олим доктор Бадиуззамон Фурузонфар Истанбулдаги қўлёзма нусхаси асосида илк бор тадқиқ, таққиқ ва тасҳиҳ этиб, академик нашрини нашрга тайёрлаган. Бадиуззамон Фурузонфар тадқиқи асосида турк олими Али Риза Карабулут (1940–2018) 1995 йилда турк тилига таржима қилган. Жалолиддин Румий, Султон Валад ва Шамсиддин Афлокий каби зотлар Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизийнинг руҳий тарбиясидан камол топишган. "Маориф" номи билан танилган ушбу асар Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизийнинг турли хил сабаблар билан айтилган сўзлари ва ваъз-насиҳатларидан иборат. Мутафаккир асарни ёзишда қуйидаги манбалардан фойдаланганини кўриш мумкин:

1.Қуръони Карим;

2.Сиҳоҳи ситта;

3.Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустарийнинг тафсири;

4.Баҳоуддин Валад асарлари;

5.Тасаввуф аҳли томонидан ёзилган асарлар;

6.Мутасаввиф шоирларнинг шеърлари.

Муаллиф ўз асарида кўплаб далилларни Ҳасан Басрий, Ҳаким Термизий, Ҳорис Муҳосибий, Жунайд Бағдодий, Мансур Ҳаллож, Саҳл ибн Абдуллоҳ, Тустарий, Ибн Ато, Ҳомид Термизий, Баҳоуддин Валад, Саноий Ғазнавий, Шайх Аттор, Робияи Басрий, Жаъфар Хулдий ва Усмон Мағрибий каби улуғ зотлардан мисол келтиради.

Мутафаккир қаламига мансуб "Маориф" номли асари тасаввуфий мавзуларга бағишланган. "Маориф" асарининг мавзу мундарижасини ўрганар эканмиз, аллома ақоид, тасаввуф, тафсир, мантиқ, сийрат, ахлоқ каби мавзуларга ўзига хос услуб билан кириб боради. Ҳар бир мавзуни тушинтиришда ҳаётий воқеаларга асосланиб баён этади.

Бугунги кунга қадар мазкур асарнинг иккита қўлёзма нусхаси мавжуд. Биринчиси, Ускудор Салимоға кутубхонасининг №567 рақамли каталогида сақланса, иккинчиси эса Кўния шаҳридаги Мавлоно музейининг №2118 рақами остида сақланиб келинмоқда. Асарнинг энг қадимги нусхаси Мавлоно музейидаги №2118 рақамли нусхасидир. Ушбу нусха 1288 йилда Арғун ибн Айдемир ибн Абдуллоҳ номли котиб томонидан кўчирилган. Юқорида таъкидланган нусхалар асосида адабиётшунос олим Бадиуззамон Фурузонфар 1960 йилда "Маориф" асарини таққиқ, тадқиқ ва тасҳиҳ қилиб, Теҳрон университети босмахонасида нашр қилдирди. Турк олими Абдулбоқий Гулпинарли 1973 йили форс тилидан турк тилига таржима қилади. 1995 йили Анқарада Али Ризо Карабулут ушбу асарни тўлдирилган нашри сифатида иккинчи марта турк тилига таржима қилиб нашр қилди.

Шуни айтиш лозимки, Жалолиддин Румий "Фийҳи мо фийҳи" ("Ичиндаги ичиндадир") асарини ёзишда отасининг ва устозининг "Маориф" асаридан таъсирланган. "Фийҳи мо фийҳи" асарида Саййид Бурҳониддин Термизий билан боғлиқ айрим тасаввуфий қарашлар ва маноқиблар мавжуд. Бурҳониддин Термизий "Маориф" асарини ёзишда устози – Баҳоуддин Валаднинг "Маориф" асаридан кенг фойдаланган кўриш мумкин. Жалолиддин Румий ўз устози борасида "Маснавий маънавий" асарида шундай баҳо беради.

پخته گرد و از تغیر دور شو
رو چو برهان محقق نور شو[5]

“Пишгилу ўзгарма ҳеч, манзур бўл,
Сен чу Бурҳони Муҳаққиқ, нур бўл”.

Жалолиддин Румий Бурҳониддин Термизийни нафақат “Маснавий маънавий” асарида зикр этиб, унинг ғоявий қарашларидан таъсирланган балки, руҳий тарбия борасида дидактик услубда ёзилган, тасавввуфий ахлоқни тараннум этган “Фийҳи мо фийҳи” асарида ҳам кўп бора тилга олади. “Баҳоуддин Валад ва Хожагий Жавҳаргар ўртасидаги воқеа, шунингдек, устози баён этган “ўзликни англаш, нафс поклиги, фано ва боқо” борасида Саййид Бурҳониддин Термизийдан иқтибос келтиради. “Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ қаддасаллоҳу сирраҳул азиз шундай марҳамат этарди. “Бир киши келиб сен биров сени мақтаганини эшитдим, деди. Мен у қандай киши ва қандай маънавий мақоми борки, мени ҳолимни биларкан ва мени танир экан? Агар мени қол билан (ташқи кўриниш ва сўз билан) билган бўлса, мени яхши билмаган экан, зероки, бу сўз, бу ҳарф, бу овоз, лаб ва оғиз ҳам боқи қолмас. Булар зоҳир бўлувчи нарсалардир холос. Амалу феъл ҳам худди шундай. Агар менинг зотимни (аслиятимни) таниган бўлса, унинг мадҳи менинг ҳақимда тўғри эканлиги исботидир”.[6]

Бунда мутафаккир инсоннинг асл жавҳари Аллоҳнинг ҳузуридан олиб келтирилганлигини ишора этиб, бизни яратган Яратувчини инсон ўзлигини англаш билан танишлигини ишора қилган. Румийнинг “Фийҳи мо фийҳи” асаридаги бош консепция ҳам шу. Бурҳониддин Термизийнинг “Маориф” асаридаги ғоялар ҳам ўзликни, англашга, маънавий етукликка, илоҳий маърифатни англашликка чорлайди. Бурҳониддин Термизий тасаввуфдаги бош ғоя убудият эканлигини таъкидлаб, ибодатдан мақсад эса “нафсни тарбиялаш” эканлигини изҳор этади. Яъники, инсон ўз нафсини таниса, яратган Роббини танийди. “Ибодатнинг мағзи нафснинг мағлуб бўлишидир. Бошқа барчалари ибодатнинг қобиғидир. Нафсни ёқиб-эритмаган рўза ва бошқа ҳар қандай ибодат ибодат ҳисобланмайди. Ибодатда нафсга азият бериш ибодатнинг шартидир. Авлиёларнинг нафслари қалбдадир. Душманларнинг қалблари эса тўлиқ нафсдир. Мужоҳада – нафсдан Аллоҳ таолонинг розилиги йўлида фойдаланишдир. Мужоҳада – Аллоҳнинг йўлида, инсонларга садоқат сабабларини узиб қалб ойнасини Аллоҳнинг муҳаббати билан жиловлашдир”.[7]

Нафс доимо тарбияга муҳтож. Нафснинг тарбияси билан инсон соғлом ҳаётга эришади. Айниқса, тасаввуф намояндалари нафсни тарбиялашга оид минглаб асарлар ёзилшган. Нафс тарбияси борасида Ҳаким Термизий, Ҳорис Муҳосибий, Абу Бакр Варроқ, Бурҳониддин Термизий, Сўфи Оллоёр каби улуғ зотларни асарларини санаш мумкин. Бурҳониддин Термизий айнан нафсни ислоҳ қилиш орқали инсон қалби пок

---

[5] Жалолиддин Румий. Маснавий маънавий/ бо саъйу эҳтимоми Риналд Никольсон. – Теҳрон: Шаҳри китоб, 1380 ҳ.ш. – С. 246.

[6] Жалолиддин Румий. Фийҳи мо фийҳи. – С. 30.

[7] Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизий/ сўзбоши, таржима ва изоҳлар муаллифи К.Жамаҳматов. – Термиз: Китоб нашр, 2024. – Б. 41.

бўлиши, руҳият тазкия топиши, тавҳид борасидаги маърифати ошишини таъкидлагани бежиз эмас. Мутасаввиф шоирлардан Жалолиддин Румий нафс тарбиясини инсон учун энг мураккаб ва машаққатли ишлардан эканлигини ишора қилиб ўтади. "Нега танпарварлик, айшу ишрат ичра машғулсан, инсоний фитратни унутманг, доимий равшида абадий фаровонликка эришиш ва тан зиндонидан холос бўлиш учун нафсни истагига тескари иш қилинг.[8] Бу борада Румийнинг устози – Бурҳониддин Термизий шундай дейди: "Энди мақсадсиз аммора нафсингдан воз кеч ва мутмаинна нафсни тарбиялашга кириш".[9]

Аллоҳ таоло Қуръони каримда:

وَأَمَّا مَنْ خَافَ مَقَامَ رَبِّهِ وَنَهَى النَّفْسَ عَنِ الْهَوَىٰ

"Ва, аммо ким Роббисининг мақомидан қўрққан ва ўз нафсини ҳаволаниб кетишидан қайтарган бўлса..."[10], – Яратган зот унга валийлик мақомини беради. Саййид Бурҳониддин Термизий "Маориф" асарида Жалолиддин Румийни отасидек улуғ зот бўлишини тилайди. Саййид Бурҳониддин ҳазратлари Мавлоно Жалолиддин Румийга хитобан шундай деди: "Аллоҳ таоло сени отангнинг (Баҳоуддин Валад) мақомига етказсин. Зеро, отангнинг мақоми устун эди, Аллоҳ сенинг даражангни унинг мақомидан устун қилсин".[11] "Фийҳи мо фийҳи" асарининг бошқа бир ўрнида ибодат жараёнида ўқийдиган "ат-таҳийёт" дуосини шарҳини худди Бурҳониддин Термизий шарҳлагани каби сўфиёна шарҳини келтиради. Бурҳониддин Термизийнинг "Маориф" асарининг кўплаб жойларида Ҳаким Термизийнинг асарларидан фойдаланилгани ҳамда тасаввуфий қарашларидан кенг таъсирлангани кўриш мумкин. "Ат-таҳийёт" борасидаги шарҳларнинг ўзаро ҳаммазмунлиги Ҳаким Термизийнинг "Ас-солату ва мақосидуҳо" ("Намоз ва унинг мақсадлари" асарида шундай келтиради. "Жоҳилият даврида мушрикларнинг кичик бутлари бўлиб, қаерга борсалар, ўзлари билан олиб кетар ва уларнинг юзларини артиб қўйишиб: «Сенинг боқий ҳаётинг бор», дейишар эди".[12]

Бурҳониддин Термизий эса шундай келтиради: Ҳасан Басрий[13] розияллоҳу анҳу айтадилар: Жоҳилият даврида бир қанча бутлар бор эди. Улар бутларига: "Чексиз

---

[8] Жалолиддин Румий. Фийҳи мо фийҳи. – С. 76.

[9] Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизий/ сўзбоши, таржима ва изоҳлар муаллифи К.Жамаҳматов. – Термиз: Китоб нашр, 2024. – Б. 46.

[10] Нозиат сураси, 40-оят мазмуни.

[11] Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизий/ сўзбоши, таржима ва изоҳлар муаллифи К.Жамаҳматов. – Термиз: Китоб нашр, 2024. – Б. 46.

[12] Абу Абдуллоҳ Ҳаким Термизий. Ас-солату ва мақосидуҳо (Намоз ва унинг мақсадлари)/Таржимон, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи. М. Жониев. – Термиз: Китоб нашр, 2024. – Б. 22.

[13] Ҳасан Басрий ҳазратлари тобиъин наслининг улуғларидан бўлиб, зуҳд ва тақво билан машҳур бўлган авлиёлардандир. У 21 ҳижрий йилда Мадинада туғилиб, 110 ҳижрий йилда Басрада вафот этган. (Ҳилятул авлиё, 2/131-161; Табақотул кубро, 1/25)

ҳаёт сизлар учун бўлсин”[14], – дейишарди. Муаллиф ўз фикрини теранроқ баён этиш ҳамда тасдиқлаш мақсадида иқтибос ва дарж каби санъатлардан фойдаланган. Мутасаввиф шоирлар ва олимларнинг асарларида Қуръони карим, Ҳадиси шариф ва сўфийлар мақолларидан мисоллар келтириш тарихий анъана. Мутафаккир мана шу услуб асосида “Мориф” асарини ёзади. Асар мавзу мундарижаси бошқа тасаввуфий асарлар қатори одоб-ахлоққа қаратилган бўлиб, китобнинг иккинчи қисмида “Муҳаммад” ва “Фатҳ” сурасининг тасаввуф аҳлига хос тафсири келтирилади.

Умуман олганда, “Фийҳи мо фийҳи” асарининг генезиси Қуръон, Ҳадиси шариф, Баҳоуддин Валад ва Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизийнинг “Маориф” номли асарлари ташкил этади. Жалолиддин Румий асарни ёзишда тарихий шахслар, улуғ зотларнинг маноқиби хронлогияси, тасвирлар ўхшашлиги, иқтибосларнинг ўзаро мутаносиблиги ва ғоялар ҳаммазмунлигига алоҳида эътибор қаратган. Валий, муршид, мужоҳада, нафс, мушоҳада, ишқ, маҳбуб, мажзуб, ақл, муҳаббат, ғазаб, ғайбат, неъматлар, камолот, иймон каби тасаввуфга хос бўлган мавзулар ҳар икки мутафаккир асарида мазмунан ҳамоҳанглиги билан ажралиб туради.

Шамсидин Афлокий “Маноқибул орифин” асарида Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизий ҳаёти ва ижодий фаолия борасда алоҳида фаслда муҳим маълумотларни баён этади. Ушбу китобнинг биринчи фаслида Бурҳониддин Термизийнинг устози – Султонул уламо Баҳоуддин Валад маноқиби ҳақида ёзилган бўлса, иккинчи фасли (Саййидлар авлодининг фахри Бурҳониддин Муҳаққиқ Мудаққиқ Термизий роизяллоҳу анҳу ҳақида في ذكر مناقب فخر آل ياسين، برهان الحق و الدين المحقق المدقق الترمذي رضي الله عنه)[15], кейинги фасли Бурҳониддин Термизийнинг шогирдлари Мавлоно Жалолиддин Румий, Салоҳиддин Заркуб, Ҳисомуддин Чалабий, Султон Валад, Шамсиддин Соҳиб ва мавлавия тариқатининг муршидлари борасида маълумот беради. Аҳмад Афлокий Саййид Бурҳониддин Термизий руҳий ҳолати борасида тўхталар экан, у зотнинг шахсий фазилати, кароматлари, диний илмлардаги маҳорати ва шогирдларига кўрсатган лутфу марҳаматини таҳсинга лойиқ эканлигини таъкидлайди. Бурҳониддин Термизий унинг таъкидлашича “тиб илмида моҳир” зот бўлган экан. “Бир куни бир касалга хом шалғомни димлаб, истеъмол қилиш, кўз хиралигини равшан қилишини маслаҳат беради. Шу одам Саййиднинг айтганини қилиб, шифо топганини китобда келтиради”.[16] Жалолиддин Румий билан биргаликда Саййид Бурҳониддин Термизий Румийнинг ўғли – Султон Валадга маънавий тарбия берганлигини алоҳида қайд этиб ўтади. Шамсиддин Соҳиб нақл қилишича, Шайхул ислом Шаҳобуддин Умар Суҳравардий бир куни Саййидни зиёрат қилиш учун келади. Саййид узоқдан кўрган Суҳравардий жойида тўхтаб унга назар солади, Саййид ҳам

---

[14] Яъни жоҳилият давридаги араб мушриклари ўз бутларига сиғиниб, уларга ибодат қиларди. Шу билан бирга улардан нажот сўрарди. Аллоҳ таолога ҳамд айтиш, унга ибодат қилиш, нажот сўраш ўрнига, жоҳилликлари туфайли бутларини ўзларига илоҳ қилиб олганди.

[15] Шамсиддин Аҳмад Афлокий ал-Орифий. Маноқибул орифин. – Теҳрон: Дунёи китоб, 1362 ҳ.ш. – С. 5.

[16] Шамсиддин Аҳмад Афлокий ал-Орифий. Маноқибул орифин. – Теҳрон: Дунёи китоб, 1362 ҳ.ш. – С. 63.

унга таважжуҳ билан қараб бошлайди. Бир пас шу ҳол икки улуғ зот бир-бирига ҳеч бир сўзсиз термулиб қарайди. Сўнгра Суҳравардий яна қайтиб кетади. Ҳодисанинг гувоҳи бўлган муридлар, Саййиддан сўрайдики, нега бундай қилдингизлар. У зот шундай жавоб беради. "Пеши аҳли ҳол забони ҳол мебояд, не забони қол"[17] (Ҳол аҳли ҳузурида ҳол тили керак, қол тили керак эмас). Юқоридаги маълумот ва фактлардан англаш мумкинки, Бурҳониддин Термизий Термиз заминида тарбия топиб, Балхда мавлавия тариқатининг сайру сулугини Баҳоуддин Валад каби улуғ олимдан ўрганиб, йиллар давомида, талаб, мужоҳада, мушоҳада ва муроқаба билан қалб поклигиги эришиб, ботиний илмда "Мудаққиқ", зоҳирий илмларда "Муҳаққиқ," панд насиҳат қилишда "Воиз", асарлар ёзишда "Мутасаввиф", Қуръони карим тафсирида "Муфассир" каби фахрий унвонлар билан тилга олинади. Мазкур мавзуда юқорида бу зотнинг шогирдлари исмини зикр этдик, булар орасида Бурҳониддин Термизий асарларидан маънавий таъсирланган ва шу йўналишда асарлар ёзган икки улуғ зот – Жалолиддин Румий ва Султон Валадни тилга олдик. Қолаверса, Жалолиддин Румий асарларидлаги баъзи қарашлар ва мавзуларнинг Бурҳониддин Термизий асарлари билан ўзаро ўхшашлик жиҳтлари тўхталинди. Энди, эса Султон Валад қаламига мансуб "Валаднома", "Рубобонома", "Интиҳонома" ва "Маориф" асарларларнинг умумий мазмуни ва Бурҳониддин Термизий асарларидани таъсирланганлик даражасини қиёсий манбашунослик, манбалар генезиси асосида ўрганиб чиқиш орқали икки улуғ зотнинг бой илмий-адабий маҳорати кўрсатилади.

[17] Шамсиддин Аҳмад Афлокий ал-Орифий. Манoқибул орифин. – Теҳрон: Дунёи китоб, 1362 ҳ.ш. – С. 72

Султон Валад[18] ўз асарларида Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизийни مثل سلطان الواصلين سيد برهان الدين محقق ترمذى (Ҳақ васлини топганларнинг султони Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизий),[19] – унвони билан эслайди.

“Бу нодир илмларни Бурҳониддин Муҳаққиқ менга ўргатди. У улуғ устозларидан таълим олиб, Аллоҳ таолонинг мақбул бандасига айланганди. Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизий қулоғимга пичирлаб, оҳиста насиҳат қилди. Ҳеч ким айтмаган махфий сирни далил ва қатъий бурҳон билан менга ошкор қилди. Унинг жони сирлар маъдани эди, худди қуёш чашмасининг нурларидек ярқирарди. Ишқ ва ладуний илмида ягона бўлиб, ҳеч бир авлиё у зот каби (менга) насиҳат қилмади. Сўзини тинглаган киши доимо уни сидқ билан қабул қиларди. Таъсирли панд-насиҳатларидан тингловчилари, муридлари масту мажзуб бўлиб, ҳайратда қоларди. Қалблар у кишининг суҳбатларидан маҳзун бўларди. Унинг юзини узоқдан кўрган ҳар бир кишининг басират кўзлари очиларди. Унга орадаги парда кўтарилиб, кўп сирлар аён бўларди, бинобарин, дунёда бу зот каби валийлар кам эди. У, шак-шубҳасиз, Аллоҳнинг валийсидир, ғайб оламида барча валийларга раҳбардир. Халқ орасида ярқираган нурли юлдузлар каби порлайди. Бу сўзлар олти ёшлик болага ҳам маълум, чунки Рум мулкида унинг мислидек зот йўқ эди. У валийларнинг зубдаси (қаймоғи) эди. Ҳақ лутфидан кароматлари гоҳ ошкор, гоҳ яширин эди. Кўплаб муридлари унинг сўзи моҳиятини тўлиқ англамасдилар. Ҳар ким уни ўз мақоми даражасида тушунарди. Ҳолоти, мақоми ва сийрати шундай эдики, уни Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмасди. Шу сабабли у гоҳ ошкор, гоҳ махфий эди. У ботин оламида денгиз, зоҳир оламида дарё каби эди. Бизга Аллоҳнинг марҳамати ва карами билан шу сирлари маълум бўлди, холос. Тарбияси ила бу фақирнинг чироғи мойли бўлди. Лекин унда бундан ташқари мингта денгиз бор, аммо булар одамлар кўзида кўринмайди”.

---

[18] Жалолиддин Румийнинг муносиб вориси, ўғли Султон Валад Шарқ мумтоз шоирлари ичида “Мавлавия” тариқатини ёйишга салмоқли ҳисса қўшган. У 1226 йил Кўния шаҳрида дунёга келган. Жалолиддин Румий ёшлигидан ўғлини отаси Султонул уламо Баҳоувалад тарбиясига топширади. Бобосидан илм йўлида файзу футуҳ олган ёш Султон Валад, кейин Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизий илмий-ирфоний суҳбатларидан баҳраманд бўлади. Румий фарзанди тарбиясига бефарқ бўлмасдан, уни замонанинг кўплаб устозларига шогирдликка беради. Султон Валад “Маснавийи маънавий” ва “Маориф” асарларининг ирфоний қарашларидан таъсирланиб, “Валаднома”, Рубобнома”, “Ибтидонома”, “Интиҳонома” каби орифона маъноларга бой асарлар ёзади. Бундан ташқари илмий ва адабий аҳамиятга эга бўлган “Илмнома” асари ҳам бор. Султон Валад ўз асарларида Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизий ҳазратларини юксак ҳурмат билан тилга олади. Буюк мутафаккирнинг асарлари мавзу-мундарижаси исломий одоб-ахлоққа қаратилган. У “Мавлавия” тариқати қарашларини назарий жиҳатдан бутун китобхонга тушунтирган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам наъти, чаҳорёрлар мадҳи, авлиёлар сийрати ва панднома мазмунли шеърлари бугунги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган. Форс ва турк тилида ижод қилганлиги учун зуллисонайн шоир, деб қаралади. Бу зот умрининг охиригача тақво-парҳезни маҳкам тутиб, ижод қилишдан тўхтамади. Султон Валад 1312 йил Кўния шаҳрида вафот этади.

[19] Султон Валад. Валаднома/ Ба тасҳиҳи устод аллома Ҷалолиддин Ҳумоӣ. – Теҳрон: Интишороти Иқбол, 1376. – С. 21.

Султон Валад ушбу маноқиб мазмунли маснавийсида Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизий сийрати ҳақида сўз юритган. Муршиди комил ва кароматлари зоҳир бўлганлигини баён этиб, тариқат сайру сулукида уни "маънавий устоз", – деб билади. Унинг вафоти ҳақида шундай дейди:

ناگهـــان ســـید از جهـــان فنـــا
کـــرد رحلـــت ســـوی ســـرای بقـــا
مانـــد بـــی او جـــلال دیـــن تنهـــا
روز و شـــبکـــرد روی ســـوی خـــدا

"Саййид Бурҳониддин Термизий тўсатдан бу фоний дунёдан боқий дунёга риҳлат қилди. Жалолиддин Румий у сиз зору ёлғиз қолиб, кечалар Аллоҳга муножот этарди".

Мутафаккир "Валаднома" асарининг бошқа бир ўрнида маънавий пирининг мавлавия тариқатидаги сайру сулуки ва соликнинг бу йўлдаги босиб ўтадиган мақомлари ҳақида тўхталиб ўтган.

"Йўлнинг охири гарчи "илло"[20] *бўлса ҳам, лекин ундан ташқари ниҳоясиз бир йўл бор. Йўл иккига бўлинади, бири ўзини фано этмоқдир. Шунинг учун, фано йўлининг охири бор. Зероки, жисмнинг борлиғи чегараланган, борлиқ олами ҳам якун топувчидир. (Иккинчиси) қалб йўлини ниҳоясиз деб бил, бу манзилнинг охири йўқ. Бу фоний дунёдан сафар қилиб, ўзлигингдан кечмоғинг керак. Лекин дорул бақо бўлган манзилдан ўтишнинг имкони йўқ, чунки Аллоҳнинг васли ўша жойда амалга ошади. Саҳро йўлининг манзили аниқ. Дарё йўли эса нишони йўқдир. Васлдан сўнг сафар қилиш бошқа йўсинда бўлади. Восилнинг сайри махфий ва ўхшашсиздир. Восил йўл бошида иллаллоҳ сайрида эди, энди филлоҳ сайрига юзланди. Худбин киши бу сўзлардан узоқдир, зулматда қолган аммора нафс нурга тескаридир. Халқ олдида бу сўзлар тушунарсиздир, аммо ошиқ олдида бу сўзлар ҳол васфидир. Ошиқ киши бу сўзлардан огоҳдир. Оқил киши бу сўзлардан ғофилдир. Ақл бу дунё бундёдкоридир. Ишқ эса бу дўконни (дунёни) хароб қилишга келгандир. Ақл кун сайин илоҳий маърифатга тўсиқ қўяди, ишқ эса бу тўсиқдан ошиқни олиб чиқади. Ақл номус, мансаб, мақом билан овора бўлса, ишқ эса орият ва ҳақиқат билан ҳамнафасдир. Ақл доимо сарвар бўлишни хоҳласа, ишқ тупроқ ва маъшуқ эшигида хизматкор бўлишни хоҳлайди. Тупроқ сочиш ошиқларнинг динидир, улар қиммат либос кийишдан ва ортиқча зийнатланишдан йироқдир. Барча ошиқлар хожа бўлишдан йироқ бўлиб, дунё мол-у матоҳини қалб билан ёмон кўришади. Улар гоҳида илоҳий муҳаббатдан сархуш бўлиб, кўплаб нарсалардан ўзларини четга олишади. Фано бўлишни жон-у дил билан ошиқлар талаб қилишади. Жонон (Аллоҳ) томонга ҳам жилва қилиб боришади. Руҳ каби кўздан ғойиб бўладилар, бироқ осмонда малоикалар билан бирга сайр қилишади. Жисмлари одамлар кўзига кўринса ҳам, руҳлари қамардан ҳам ойдинроқдир. Ошиқ зотлар бир-бирининг ҳолини билишади, гарчи мингта жисмлар айри бўлса ҳам, аслида улар бир жон-у тандир. Гарчи халқ уларни бир ламъа (бир ярқираган нур) каби кўришса ҳам, аммо улуғ Аллоҳ наздида улар маҳбубдир ва порлоқдир. Улар бу ишқни жонлари билан сотиб олишган. Дунёни шу баҳо билан талаб этадилар, чунки улар ариқ сувини қидиришмайди, балки денгиз томон боришни хоҳлайди. Аллоҳнинг валийлари риё қилмасликлари туфайли, дунёнинг сибғаси (ранги) бўлишди".*

---

[20] "Аллоҳдан бошқа", – деган маънода келган. Бу калиманинг тўлиқ шакли لا اله الا الله محمد الرسول لله

Илоҳий муҳаббат қалбдан жой олсагина, инсон риёдан қутулади. Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизий қалбни поклаш учун инсонга биринчи ўринда илм-у тақво кераклигини таъкидлаган. Ўзидан фано бўлмоқ аслида ўзини кашф қилмоқдир. Борлиқда кечаётган барча жараёнлардан фано бўлган киши буни ҳис этади. Чунки у нафси амморани тарк этган. Қалб манзилига сафар қилиш эса чексиз бир уммондир, ҳар қанча сайр қилсанг, файзу-футуҳ топасан. Илоҳий қудрат ва маърифатни англайсан. Орифлар қалб манзилига сафар қилганлиги учун руҳнинг табиблари кабидир. Шайх фано манзилидан қалб манзилига сайр қилса, муршиди комил бўлади. Нафс истакларини фано этмасдан қалб манзилига йўл олиш имконсиздир. Шу сабабли барча валийлар илм ўрганиш билан бирга руҳий тарбия ҳам олишган. Тасаввуфнинг асл мақсади – руҳий тарбия беришдир. Умуман олганда, Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизийнинг маърифий қарашларини тушуниш учун “Валаднома” асари алоҳида илмий-адабий аҳамиятга эга.

Султон Валаднинг “Моариф” номли асари Баҳоуддин Валад, Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизий, Мавлоно Жалолидин Румийнинг пайравлигида ёзилган Мавлавия тариқатининг муҳим назарий манбаларидан саналади.

Султон Валад туркий ва форсий адабиётда ўзининг бой маънавий мероси билан ажралиб туради. Бу зот буюк мутасаввиф олим, зуллисонайн шоир, мавлавия тариқатининг муршиди ва олимиадир. Мутафаккир 1226 йили Туркиянинг Кармана шаҳрида Жалолиддин Румий оиласида дунёга келади. У дастлабки, илмларнинг бобоси – Баҳоуддин Валад, отаси – Жалолиддин Румий ва устози - Саййиб Бурҳониддин Термизийдан олади. Тасввуф, калом, мантиқ, исломий фиқҳ, ақоид, фалсафа, шеърият, балоғат, тафсир ва ҳадис илмларида ўз замонасининг кўзга кўринган олимларидан эди. Мавлавия тариқатининг ижозатини отасининг шогирди – Ҳисомуддин Чалабийдан олади. Унинг тарбиясида Саййид Бурҳониддин Термизий билан биргаликда Шамс Табрезийнинг таъсири кучли бўлган. Султон Валад қаламига мансуб асарлар гарчи аксарияти форс тилида ёзилган бўлса-да, шоирнинг девонида туркча-форсча, румча-форсча аралаш байтларни учратиш мумкин. Унинг “Ибтидонома” (1291 й), “Рубобнома” (1301 й), “Интиҳонома” каби маснавий жанрида ёзган асарлари маъно-мазмун жиҳатидан мавлавия тариқатининг қонун-қоидалари, рашҳалари, сайру сулугини ва шу тариқат арбобларининг маноқибини баён этиб беради. “Маориф” номли асари эса насрий баёнда ёзилган бўлиб, Бурҳониддин Термизий маънавий қарашлари кўпроқ кўзга ташланади. Шоирнинг “Рубобнома” асарида 156 байтни ташкил қилади. Мазкур асардаги туркча шеърлар 1301 йилда Кичик Осиёда ёзилган санаси аниқ бўлган туркий ёзма адабиёт намунасидир. Шоирнинг туркий девонини биринчи маротаба 19025 йилда Валад Чалабий Избудақ “Девони туркийи Султон Валад” номи остида шеърларини жамлаб девон ҳолига келтиради. Турк адабиётшуноси Маждут Мунсур ўғли 1958 йилда “Султон Валаднинг туркча манзумалари”ни тайёрлаб нашр эттиради. Ушбу асар адабиётшуносликда “илк салжуқий шеърлар” номи билан ҳам тилга олинади. Султон Валад туркий тилда ёзган ушбу асари туркий адабиётнинг Кичик Осиёда янада ривожланишига ҳамда Мавлавия тариқатининг кенг ёйиилишига сабабчи бўлди. Шоирнниг туркча ғазаллари кўпроқ

илоҳий муҳаббатни тараннум этади. Ғазаллари тили содда, равон, халқчил ва оҳангдошлиги юқоридир. “Қаро қошлар” номли ғазалида шоир такрор санъатидан фойдаланиб, содда сўзлар орқали ошиқнинг маъшуққа бўлган дарди дилини ошкор баёт этади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Бурҳониддин Термизий ва Султон Валад асарларидаги мавзулар моҳияти ва услубий қурилиши, манбалар генезиси, баёнлар ифодаси ўртасида ҳар томонлама яқинликни кўриш мумкин. Тасаввуфий, фалсафий, тарихий, фиҳий, эътиқодий ва лисоний жиҳатдан икки асар ҳам Мавлавия тариқатининг сайру сулугини назарий жиҳатдан тушунтириб берувчи илмий-манбалардандир. Султон Валад устози – Бурҳониддин Термизийнинг тасаввуфий ғояларидан шунчалик, таъсиланганки, унинг ҳар бир асарида Саййид Бурҳониддин Термизийнинг “Маориф”да қулланилган баёнларни учратасиз.

МУҲАММАД ЮСУФ МАЪЮСИЙ ХОНДИЗАГИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ

Сарвар Саидов*

Аннотация. Ушбу мақолада XX асрда тарихан Чағониён деб аталган заминда яшаб ижод қилган аллома, мутасаввиф шоир Муҳаммад Юсуф Маъюсий Хондизагийнинг ибратли ҳаёт йўли, устоз-шогирдлари, илмий-адабий мероси борасида фикр-мулоҳазалар келтирилган. Шоир ижодини, шеърларини ўрганиш, уларда яширинган ҳикматларни очиб бериш бугунги кунда ёш авлод маънавий қиёфасини шакллантиришда, уларни комил шахс қилиб тарбиялашда бебаҳо аҳамиятга эгадир. Шоирнинг тасаввуфий қарашларини жиддий, изчил ва мукаммал тарзда тадқиқ этиш инсониятнинг маънавий тараққиёти қонунларини, оламнинг асл ҳақиқатини, ўзлигимизни тушуниб етишимизга яқиндан ёрдам беради. Шу нуқтаи назардан мақолада аллома маънавий меросининг тасаввуф, хусусан Нақшбандия тариқатидаги ўрни асосланган.

Калит сўзлар: Чағониён, Хондиза, Муҳаммад Юсуф Маъюсий Хондизагий, тасаввуф, тариқат, Нақшбандия.

Abstract. This article contains views on the exemplary life path, his teachers and students, and scientific-literary legacy of Muhammad Yusuf Mayusi Khandizagi, a scholar and mystic poet who lived and worked in the land historically called Chaganiyan in the 20th century. Studying the work of the poet, his poems, revealing the wisdom hidden in them is of great importance in forming the spiritual image of the young generation today, in raising them to become perfect individuals. A serious, consistent and perfect study of the poet's mystical views will help us to understand the laws of spiritual development of humanity, the real truth of the universe, and our identity. From this point of view, the article focuses on the role of the spiritual heritage of Allama in Sufism, in particular, the Naqshbandi order.

Keywords: Chaganiyan, Khandiza, Muhammad Yusuf Mayusi Khandizaghi, Sufism, Tariqa, the Naqshbandi.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистонда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида юртимиздан етишиб чиққан алломаларнинг бой маънавий меросини ўрганиш ва уни ёшлар орасида кенг ташвиқ қилиш масаласига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Юртбошимизнинг бевосита ташаббуси билан ташкил этилган Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказида ҳам юртимиздан, хусусан Сурхон заминидан етишиб чиққан мутафаккир зотларнинг илмий-фалсафий асарларини тадқиқ этиш ва ушбу дурдона асарларда яширинган умуминсоний ғоялардан жамиятнинг маънавий камолоти йўлида фойдаланиш бўйича самарали ишлар олиб борилмоқда.

Сурхон воҳасининг шимолий ҳудудларидан ҳисобланган ҳозирги Сариосиё туманининг Хондиза қишлоғида яшаб ижод қилган шундай мутасаввиф шоирлардан бири Муҳаммад Юсуф Маъюсий Хондизагий ҳисобланади. Шоирнинг тўлиқ исми

* *Имом Термизий халқароилмий-тадқиқот маркази тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Муҳаммад Юсуф Маъюсий Хондизагий бўлиб, ул зот Муҳаммад Юсуф Маъюсий Чағоний номи билан ҳам машҳур бўлган. Унинг асл исми Муҳаммадюсуф бўлган.

Етук аллома ва санъаткор шоир бўлган Муҳаммад Юсуф Маъюсий 1871 йилда таваллуд топган. Шоир таваллуд топган Хондиза қишлоғи Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманида жойлашган бўлиб, ўзининг пурвиқор тоғлари, сўлим табиати билан кўплаб шоирлар учун илҳом манбаи бўлиб хизмат қилган. Шоирнинг "Хондизагий" тахаллуси у туғилиб ўсган ушбу қишлоқ номидан олинган. Хондиза ҳақида сўз кетганда, энг аввало сўфий олим ва алломаларни ислом оламига етиштириб берган маскан кўз олдимизга келади. Бу хушманзара гўшадан етишиб чиққан алломаларнинг номлари ҳозирги кунда ҳам нафақат ушбу қишлоқ аҳолиси ўртасида, балки шеърият, тасаввуф, ҳадис ва бошқа илмлар ихлосмандлари орасида ҳам юксак ҳурмат билан тилга олинади. Бу масканда яшаб ижод қилган, ҳозирги кунда ҳам эҳтиром билан тилга олинадиган бу каби шахслар орасида Муҳаммад Надир, Шайх Зиёратшоҳ, Эшони Сафар, Сўфий Ҳисорий, Мулло Айниддин, Муҳаммад Юсуф Маъюсий, Абдулҳомид, Айюб Тўқсабо,Исмоилбой, Қори Муҳаммад Шокир ва бошқа кўплаб шоир ва илм-фанга умрини бахшида қилган кишиларни келтиришимиз мумкин. Мазкур зотлар орасида Муҳаммад Юсуф Маъюсий Хондизагий ўзининг сўфиёна муножотлари билан шеърият ихлосмандлари томонидан эътироф этилган. Ҳозирги кунда ҳам шоир яшаб ижод қилган жойлардаги ҳар қандай илмий суҳбатлар, адабий кечалар, байрам ва тадбирларда унинг шеърларидан намуналар келтирилади.

Муҳаммад Юсуф Маъюсий Хондизагий ҳунарманд уста оиласида туғилган. Муҳаммад Юсуф Маъюсий туғилган оиланинг деярли барча аъзолари хат-саводли, ўз замонасининг барча илм соҳаларидан яхши хабардор бўлган инсонлар эдилар. У кишининг оналари Шамсия заковатли, илм-фанга муҳаббати баланд аёл бўлган, отаси Усто Муҳаммад Ражаб ҳам меҳнаткаш, маърифатли киши бўлиб, ушбу оилада олти нафар фарзанд туғилиб, вояга етди: Муҳаммад Мурод, Муҳаммад Шариф, Давлат Ғолиб, Муҳаммад Яъқуб, Биби Зуҳро ва Муҳаммад Юсуф. Ота-оналари уларнинг таълим-тарбиясига жиддий эътибор қаратдилар[1].

Муҳаммад Юсуф Маъюсийнинг отаси Муҳаммад Ражаб Қуръон ва ҳадиси шарифларга муҳаббати юксак, шеъриятни ниҳоятда севадиган инсон бўлиб, фарзандларининг таълим-тарбиясига, маърифатли бўлишига алоҳида аҳамият қаратган. Қуръон тиловатини канда қилмайдиган бу инсон кичик ўғли Муҳаммад Юсуфнинг зийраклиги, илмга бўлган иштиёқи ва истеъдодини пайқаб, уни тўрт яшарлигидаёк Хондиза қишлоғидаги машҳур олим ва шайх Эшони Сафар Халифага шогирдликка берди. Эшони Сафар Халифа соҳибкаромат шайх бўлиб, шариат ва тариқат илмларида комил бўлган. У зот тариқат ижозатини Халифа Чўян исмли валий зотдан олган. Эшони Сафар Халифа Муҳаммад Юсуф Маъюсий Хондизагийнинг амакизодаси бўлган. Кейинчалик эса бўлажак шоир Денов шаҳридаги Саййид Оталиқ мадрасасида таълим олди. Бу мадрасани атоқли Нақшбандия шайхи Хожа Алоуддин

[1] Мирзо Кенжабек. Буюк Термизийлар. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2017. – Б.383.

Атторнинг фарзандлари оталари шарафига қурган бўлиб, улкан шараф ва нуфузга эга таълим муассасаларидан эди.

Хусрав Саъдуллоҳнинг «Таҷаллои ишқ» (Ишқ тажаллоси) номли китобида Муҳаммад Юсуф Маъюсийнинг Шамсуллоҳ исмли шогирди ҳақида қисқача маълумот берилган[2]. Унга кўра, Шамсуллоҳ Муҳаммад Юсуф Маъюсийнинг энг севимли шогирдларидан бири бўлиб, ёшлик вақтида вафот этган. Шоир Маъюсий ушбу севимли шогирдига атаб марсия ёзган:

Куҷой Шамсатуллоҷон, ту будӣ ёри дилбандан,
Рафиқи арҷманди ман шуда бо ҷон пайвандам,
Ниҳоли қоматат сабзид, мегуфтӣ, ки хурсандам,
Чӣ бояд кард, ай ёрон, ки ин лаҳза ба ғам бандам,
Надорам тоқате бе Шамсатуллоҷон, ҷигарбандам.
Ту будӣ зиннаторои макону булбули боғам,
Чароғи шабфурӯзам, соҳиби ин мулку асбобам,
Намеёбам мисоли ту на дар бедориву хобам,
Шуда андар фироқат хоб ҳамчун гӯр ноёбам,
Надорам тоқате бе Шамсатуллоҷон, ҷигарбандам.

Мазмуни: Биродарим, дилбандим Шамсатулложон, қаердасан?! Сен менинг рафиқим, жонимга пайвандим, қоматинг ниҳоли кўкарганидан шодлигингни айтар эдинг. Не бўлди эй ёронлар, бу лаҳза ғамга асирман, жигарбандим – Шамсатулложоннинг йўқлигингга йўқдир тоқатим. Сен боғимнинг булбули, манзил-маконим зийнати, тунимнинг чироғи, мулкимнинг соҳиби эдинг. На уйқуда, на бедорликда сен каби бошқа инсонни тополмайман. Фироқингда на ухлай оламан, на гўр топа оламан, жигарбандим – Шамсатулложоннинг йўқлигингга йўқдир тоқатим.

Нақлга кўра, Муҳаммад Юсуф 12 яшарлигидаёқ Қуръони каримни хатм қилиб, қорилар имтиҳонидан ўтади. Сўнг 1891 йилда, яъни йигирма яшарлигида илм таҳсили учун Бухорога бориб, Марказий Осиёдаги энг нуфузли мадрасалардан бири ҳисобланган Мир Араб мадрасасига ўқишга киради ва илм толибларининг пешқадамларидан бирига айланади. 1895 йилда Муҳаммад Юсуф Маъюсийнинг акаси Муҳаммад Яъқуб укасининг ҳолидан хабардор бўлиш учун Бухорога боради. Муҳаммад Юсуф акасаининг ташрифидан илҳомланиб, шунингдек она соғинчи жўш уриб, қуйидаги мисраларни битади:

Хаёлам меравад ҳар дам, ба дидан орзу дорам,
Чапон дар китф гирам ман, сафар дар пеши рӯ дорам...

Мазмуни:

Хаёлим ҳар дам сенда, дийдор эрур орзуйим,
Чопоним елкамга олсам, сен томон сафар қилсам...

Бўлажак шоирнинг адабиётга, шеъриятга иштиёқи кучли эди. У шеър-ғазаллар машқ қилиб, устозлари ва мактабдошларининг эътиборини қозонди. Қисқа вақтда

---

[2] Муҳаммад Юсуф Маъюсий Хондизагий. Таҷаллои ишқ. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи: Хусрав Саъдуллоҳ. – Душанбе: Сорбон, 2003. – Б. 12 .

шоир сифатида танилади. Бу орада аввал шоирнинг отаси, сал вақт ўтиб, онаси хам вафот этади. Муҳаммад Юсуф Хондизага келиб, уларнинг кабрларини зиёрат килади. Сўнг ўқишини давом эттириш учун яна Бухорога қайтади. У йигирма йилдан сўнг, яъни 1911 йилда қишлоғига қайтиб келади. Бу ерда Иқлимой исмли қизга уйланади. Хондизада аёлининг ёнида бир муддат яшагач, илмий фаолият учун яна Бухорога жўнайди. 1915 йилда Мир Араб мадрасасини тамомлайди[3].

Муҳаммад Юсуф Маъюсий 1926 йилда Эшон Содик Самаркандий ва Мулло Бурҳон билан бирга ҳаж зиёрати учун йўлга чиқади. Улар Марига етганларида Шўро ҳукумати маъмурлари томонидан ҳибсга олинадилар. Маъюсий бир қанча муддат қамоқда ётиб, озод бўлгач, Хондизага қайтиб келди ва умрининг охиригача ижод билан машғул бўлди.

Шоир илм мутолааси, Қуръон тиловати ва ижодга қаттиқ берилганидан, 1948 йилдан бошлаб кўзлари кўрмай қолади. Уни фарзандсизлик дарди ҳам изтиробга солар эди. Шоир ўзининг бефарзандлик дардини қуйидаги мисралар орқали ифодалайди:

Рафт ин умри азиз, ман додгўён меравам,
Назди он Халлоқи Акбар розқўён меравам.
Солҳо бигзашт, чигарбанде наёмад бар дарам,
З-ин сабаб ёрон, ман ин дам додгўён меравам.
Як гул аз гулзори боғаш қодири қудратнамо,
Н-офарид бар ман зи боғаш, чашми гирён меравам.

Мазмуни:

Бу азиз умр ўтди, дод-войлаб ўтарман,
Халлоқи[4] Акбар олдига ризо излаб кетарман.
Неча йиллар бу эшигимга фарзанд келмади,
Шу сабабдин ёронлар, оҳ-фиғоним тинмади.
Қодиру, қудрат соҳиби гулзоридан бир гул бермади,
Шу сабабдин кўзда ёш, чашми гирён кетарман.

Шоир Қуръони каримнинг ёд олишга улгурмаган 14 порасини бошқаларнинг кўмагида ёд олади. У ўзининг аксарият шеърларини ҳам кўзлари кўрмай қолган йилларда ёзган. Ушбу шеърлар шоирнинг ихлосмандлари ва шогирдлари томонидан ёзиб олиниб, ҳозирги кунга қадар етиб келган.

Шоир қалбида шеър завқи жўш урганида Мавлоно Жалолиддин Румийдек бадиҳа тарзида шеър айтар, шогирдлари қоғоз-қалам олиб, айтганларини ёзиб олишар эди. Муҳаммад Юсуф Маъюсий кўп кулфату ғамлар чекканига карамай, узоқ умр кўрди ва 1967 йилнинг июнь ойи, жума кунида 96 ёшида оламдан ўтди.

Муҳаммад Юсуф Маъюсий ўз шогирдларининг таълим ва тарбиясига алоҳида аҳамият қаратган. Унинг шогирдлари орасида Ҳидоятулло, Абдулкабир, Абдулжамил,

---

[3] Азимов М. Сурхондарё ижодкорлари (IV асрдан XX аср бошларигача). – Қарши: Насаф нашриёти, 2006. – Б. 257.

[4] Халлоқ Аллоҳ таолонинг сифатларидан бири.

Ғиёсиддин, Мулло Маҳмуд кабилар ўз устозларининг илмий-адабий фаолиятини давом эттирганлар.

Хондизалик адабиёт фидойиси Хусрав Саъдуллоҳ шоир шеърларини тўплаб, 2003 йилда «Таҷаллои ишқ» (Ишқ тажаллоси) номи остида сермазмун сўзбоши билан Душанбе шаҳри, «Сорбон» нашриётида чоп эттирган[5]. Ушбу китобда шоирнинг ҳаёти, илмий-ижодий фаолияти, илм йўлидаги сафарлари, устоз-шогирдлари, оиласи, қариндош-уруғлари борасида батафсил маълумотлар келтирилган. Шунингдек, шоирнинг бетакрор ижодидан намуналар берилган.

Шоирдан шеърлар баёзи колган бўлиб, у «Гуфтори Маъюсий» («Маъюсийнинг айтган шеърлари») номи билан машҳурдир. Хусрав Саъдуллоҳ маълумотига кўра, баёзда «Асмо ул-ҳусно» («Аллоҳ таолонинг гўзал исмлари») маснавийси, 17 ғазал, 13 мухаммас, 4 мусаддас, 3 гуфтор (бахшиёна), масжид васфида айтилган 1 шеър, 2 муножот, бир уй сақфи хусусидаги 4 мисра шеър жамланган. Муҳаммад Юсуф Маъюсий шеърлари асосан шогирдлари Ҳидоятулло, Абулқосим ҳамда жияни (укасининг ўғли) Элмурод воситасида бизгача етиб келган. Шеърларининг бир қисми моҳир хаттот Убайдулло томонидан форсий шикаста хатида кўчирилган.

Хонжиза қишлоғи қабристонида забардаст аллома, санъаткор шоир Муҳаммад Юсуф Маъюсий Хондизагий абадий қўним топган. Унинг Хонжиза қабристонидаги мозори зиёратгоҳ бўлиб қолди. 2018 йилда зиёратгоҳга Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги “Вақф” хайрия жамоат фонди Сурхондарё вилоят бўлими томонидан эътибор қаратилиб, қабристон ёнидаги катта қишлоқ масжиди юқорисига Муҳаммад Юсуф Маъюсийга атаб фонд ҳисобидан олди айвонли, усти кичик гумбазли мақбара қурилди. Ичига рамзий қабр қўйилган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Муҳаммад Юсуф Маъюсий Хондизагий шеър санъатига янгича маъно-мазмун бахш этган шоир ҳисобланади. У серқирра ижодкор бўлиб, шеърларида исломий ифор билан бир қаторда, одоб-ахлоқ масалаларига ҳам алоҳида аҳамият қаратилган. Шоир ижодини, шеърларини ўрганиш, уларда яширинган ҳикматларни очиб бериш бугунги кунда ёш авлод маънавий қиёфасини шакллантиришда, уларни комил шахс қилиб тарбиялашда бебаҳо аҳамиятга эгадир. Зеро, шоир ижодини жиддий, изчил ва мукаммал тарзда тадқиқ этиш бизга дунёни, инсониятнинг маънавий тараққиёти қонунларини, оламнинг асл ҳақиқатини, ўзлигимизни тушуниб етишимизга яқиндан ёрдам беради. Бу олийқадр маънавий мерос ўтмишга ҳам келажакка ҳам бирдек тааллуқлидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Сано-стандарт, 2019.– Б. 624.
2. Азимов М. Сурхондарё ижодкорлари (IV асрдан XX аср бошларигача) Қарши: Насаф, 2006.
3. Аннаев Т., Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. –Тошкент: Мерос, 1997.

[5] Муҳаммад Юсуф Маъюсий Хондизагий. Таҷаллои ишқ. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи: Хусрав Саъдуллоҳ. – Душанбе: Сорбон, 2003. – 44 б.

4. Қодиров Б., Муртозоев Б. Чағониён адабиёти. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2002.
5. М.Азимов. Сурхондарё ижодкорлари (IV асрдан XX аср бошларигача). – Қарши: Насаф нашриёти, 2006. – 355 б.
6. Мирзо Кенжабек. Буюк Термизийлар. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2017. – 528 б.
7. *Муҳаммад Юсуф Маъюсий Хондизагий. Таҷаллои ишқ.* Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи: Хусрав Саъдуллоҳ. – Душанбе: Сорбон, 2003. – 44 б.

МУҲАММАД ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙДА “САВОДУЛ АЪЗАМ” ТАЛҚИНИ ВА МОВАРОУННАҲР ҲАКИМЛАРИ

Жўрабек Чўтматов Омонович*

Аннотация. Кўпинча Муҳаммад Ҳаким Термизийнинг тасаввуфий ғоялари таҳлилига кенг ўрин берилган ҳолда унинг зоҳирий илмлар доирасидаги муҳим қарашлари эътибордан четда қолади. Жумладан, Термизийнинг ақида илмига оид тадқиқлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Ҳаким Термизий Ислом ақидасида улкан маънони англатадиган марказий тушунча саналган ва «аҳли сунна вал-жамоа» тушунчаси билан маънодош бўлган «саводул аъзам» ҳақида атрофлича баҳс юритган. Олим унинг асл усуллари ва қоидаларини аниқ баён этар экан, соғлом ақидани сув турадиган идишга ҳам қиёслаган: сувнинг софлиги ва сақланиши учун маълум чегаралари мавжуд бўлган идиш лозим. Шу тарзда тасаввуфий ғояларнинг тўғри шаклланиши учун ақидавий ғоялар тўғрилиги шарт қилинади. Бу эса бугунги кунимизда кўплаб муаммоларга сабаб бўлаётган ақидавий ва тасаввуфий қарашларни мувофиқлаштириш нуқтаи назарини баҳсга тортади.

Калит сўзлар: Ҳаким Термизий, тасаввуф, зоҳирий илмлар, ақида илми, «аҳли сунна вал-жамоа», «саводул аъзам», соғлом ақида.

Abstract. Most of the time, the analysis of the mystical ideas of Muhammad Hakim Tirmidhi is given a lot of attention, but his important views in the field of external sciences are neglected. In particular, Termizi’s studies on the science of belief are also of special importance. Hakim Tirmidhi discussed in detail about «Sawadul Azam», which is considered a central concept with a great meaning in the Islamic creed and is synonymous with the concept of «Ahl al-Sunnah wal-Jamaa». While explaining its original methods and rules, the scientist compared a healthy belief to a container for water: a container with certain limits is necessary for the purity and preservation of water. In this way, the correctness of dogmatic ideas is necessary for the correct formation of mystical ideas. This calls into question the point of view of coordination of dogmatic and mystical views, which is causing many problems today.

Keywords: Hakim Tirmidhi, Sufism, occult sciences, knowledge of belief, «Ahli Sunnah wal-Jamaa», «Savodul Azam», healthy belief.

Кўпинча Муҳаммад Ҳаким Термизийнинг тасаввуфий ғоялари таҳлилига кенг ўрин берилган ҳолда унинг зоҳирий илмлар доирасидаги муҳим қарашлари эътибордан четда қолади. Жумладан, Термизийнинг ақида илмига оид тадқиқлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Ҳаким Термизий Ислом ақидасида улкан маънони англатадиган марказий тушунча саналган ва “аҳли сунна вал-жамоа” тушунчаси билан маънодош бўлган “саводул аъзам” ҳақида атрофлича баҳс юритган. Олим унинг асл усуллари ва қоидаларини аниқ баён этар экан, соғлом ақидани сув турадиган идишга ҳам қиёслаган: сувнинг софлиги ва сақланиши учун маълум чегаралари

* *Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази катта илмий ходими, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

мавжуд бўлган идиш лозим. Шу тарзда тасаввуфий ғояларнинг тўғри шаклланиши учун ақидавий ғоялар тўғрилиги шарт қилинади. Бу эса бугунги кунимизда кўплаб муаммоларга сабаб бўлаётган ақидавий ва тасаввуфий қарашларни мувофиқлаштириш нуқтаи назарини баҳсга тортади.

Маълумки, сомонийлар даврида диний асослар бирлигини ишлаб чиқишга давлат миқёсида алоҳида эътибор берилди ва бунда "саводул-аъзам"[1] тушунчасига диққат қаратилган ҳолда Абулқосим Самарқандий "Саводул-аъзам" китобини битди. Ушбу тушунча тамалини қўйганлардан бири эса устоз-шогирдлик силсиласи жиҳатидан ҳам, маъно жиҳатидан ҳам Ҳаким Термизий саналади. Ундан "Қачонки инсонлар ихтилоф қилсалар, ўзларингизга "саводул-аъзам"ни лозим тутинглар" ҳадиси борасида сўралганда шундай дейди: "Саводул-аъзам – Аллоҳнинг чақирувчисига (азон айтувчига) беш вақт намоз, жума ва ийд намозларида ижобат қилувчи, Рамазон рўзасини тутувчи, Байтни ҳаж қилувчи, закотни адо қилувчи ва омма билан бирга шариат йўлидан юрувчидир. Мана шу саводул-аъзам"[2].

Демак, бу уммат иттифоқ қилган ва унда ҳеч бир хилоф бўлмаган масалалардир. Термизий Ибн Умар розияллоҳу анҳудан санади билан ривоят қилади: "Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: "Аллоҳ бу умматимни (ёки: бу умматни) ҳеч қачон залолат узра жамламайди. Аллоҳнинг Қўли жамоат узра мана бундай. Сизлар саводул-аъзамга эргашингиз. Албатта, ким ундан ажралса, дўзахга ажралади". Термизий бунинг шарҳида дейди: "Бу дин имон ва исломни қамраб олади. Аллоҳнинг бирлиги ва шериги йўқлигига, пайғамбар алайҳимуссаломларга, барча китобларга, фаришталарга, охират куни, қайта тирилиш ва ҳисоб-китобга, қадарнинг яхши-ёмонига имон келтириш имон жумласига кирувчилардир. Беш вақт намозни таҳорат ва вақтига риоя қилиб ўқиш, жанобатдан ғусл қилиш, закот, рўза, ҳаж ҳамда Аллоҳ ҳалол қилган нарсаларни ҳалол, ҳаром қилган нарсаларни ҳаром санаш ислом жумласига кирувчилардир. "Саводул-аъзам" мана шу ихтилоф қилинмаган нарсалар узрадир. Ким шундан бирон нарсадан четга чиқса ва инкор қилса, дарҳақиқат, шариат доирасидан чиқади, исломдан умиди узилади, ҳидоят йўлидан тояди ва дўзахга ажралади". "Аллоҳ бу умматни ушбу шариат узра жамлади ва улар ўшани маҳкам тутишган". "Бу – диннинг ҳеч ким ихтилоф қилиши жоиз бўлмаган зоҳиридир".

Ушбу асосий қоидаларни баён қилгач, дейди: "Сўнгра олимларнинг ҳукмлар йўлига алоқадор ҳодисалар юзасидан сўз ва киришимлари бўлиб, булар юзасидан қилган ихтилофлари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам уммати учун Аллоҳ таолодан бўлган кенгу мўл раҳматдир. Мана шу йўл билан уларга оят ва Пайғамбар алайҳиссалом суннатларида топишмаган нарсалари йўлини раъй билан назар ва ижтиҳод қилиш орқали осон қилади"[3].

---

[1] "Саводул-аъзам" – "кўпчилик қора", яъни кўпчилик инсонлар. Роғиб Исфаҳоний. ал-Муфрадот. – Б. 432.

[2] Ҳаким Термизий. Манозил ал-қурба. – Б. 113.

[3] Ҳаким Термизий. Наводир ал-усул. III. – Б. 27-29.

Олий даражаларга ҳам тўғри ва соғлом эътиқоддан сўнг эришилади. Термизийга кўра, тавҳид (асл моҳиятига кўра) сирдир. Маърифат эса яхшилик (бирр)дир. Имон ўша сир муҳофазаси ва яхшилик мушоҳадаси. Ислом яхшиликка шукр ва қалбни сирга таслим қилиш. Чунки банда Унинг рубубийяти (Парвардигорлик сифатлари ва ишларининг асл) кайфиятига етолмайди. У фақат билдики, У – Воҳид. Айни вақтда банда ташбеҳ – Унга бирон нарсани ўхшатиш, таътил – Унинг сифатларидан бирортасини бекор қилиш, такйиф – кайфият бериш ва тажниф – ноўрин оғишдан четланди. Ислом ҳам нафсни Аллоҳ жорий қилган яхшиликларда ишлатиш, Унинг тоатида шукр ила бўлиш, истиқомат, рубубият борасида Унга таслимият, сирнинг (моҳияти) идрокидан юз ўгириб, убудиятга (қулликка) иқбол қилиш ва У ўзини унда барқарор қилган нарсада бардавом бўлишдир. Чунки Ислом нафс орқали, уни таслим қилиш билан барпо бўлади. Нафс эса ҳақ идроки ва мушоҳадасидан ожиз. Нафс ҳақиқатлар идрокига мукаллаф ҳам қилинмаган. Банда қалб билан имонга амр қилинди, имон келтирган нарсасини кайфият жиҳатдан идрок қилишга мукаллаф қилинмади. Унга фақатгина тобе бўлиш ва бидъатдан қочиш лозим бўлади. Нафсдан бўлгани фақат таслимият, холос. *У ҳақда сукут қилинган (юксак) мақомларни киши юқорида васф қилинган барчага маълум мисолларни фаҳмлаш билан кўра билади, у ҳақда сукут қилинган сирга етилади. Бу қачонки идишда сув (маълум чегара ва муҳофазада) турса, унинг софлиги зиёда бўлганидек*[4].

Термизий *иқтидо* масаласига тўхталар экан, унинг Қуръон, Суннат, уламолар ижмоси ва кашф билан бўлган ҳақ ишораларга эргашиш эканлигини айтади[5]. Бунда кашф асосий манбалардан кейин турганлиги ва ҳақиқатга мувофиқ бўлиши лозимлиги таъкидланаётгани муҳим. Яна бир ўринда *муриднинг эътиқоди* ҳақида тўхталар экан дейди: "Мурид зоҳирий мазҳабида қандай эътиқод қилиши ҳақида фасл. У Китоб, Суннат ва уламолар ижмосига эътиқод қилиб эргашмоғи, *олимлар ихтилофини тарк этмоғи лозим. Ана ўша Расуллуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам унга буюрган "саводул аъзам" дир.* Агар банда жидду жаҳд қилса, Аллоҳ уни тўғри йўлга ҳидоят қилади. Агар тақво қилса, унга ҳақ ва ботилни у билан таниб олувчи фурқон (ажратувчи) бериб қўяди"[6].

Термизий яна бир ўринда:

"Албатта, мўминлар биродардирлар" ("Ҳужурот", 10) ва:

"Мўмин эркаклар ва мўмина аёллар бир-бирларига дўстдирлар" ("Тавба", 71) оятларини шарҳлар экан, дейди: "Агар киши жамоат билан шариат йўлида юрса ҳамда бидъатлардан четланса, шунда бошқа мўмин-мусулмонлар билан яхши муносабатда бўлади".

Юқоридаги маънолар олимлар ўзаро чуқур илмий баҳслари давомида шакллантирган ва мўмин-мусулмонлар томонидан қабул этилиб, уларга амал қилишга иттифоқ қилинган мазҳабларга эргашишни тақозо этади. Ҳаким Термизий

---

[4] Ҳаким Термизий. Баён ал-фарқ. – Б. 22-23.

[5] Ҳаким Термизий. Маърифатул-асрор. – Б. 47.

[6] Ҳаким Термизий. Маърифатул-асрор. – Б. 90.

таъкидлаган илмий баҳсларнинг фойдалилиги, айни вақтда, ажралиб кетмай, омма билан шариат йўлида юриш лозимлиги кабилар шунга далолат қилади.

Ҳаким Термизий ушбу “саводул аъзам”нинг услубларига қуйидаги етти қоида билан ҳам ишора қилади:

“Басар – басир кишининг сифати ва у етти нарса билан ҳосил бўлади:

1. Ихтилоф ва мувофиқлик илмидан хабардор бўлиш, мувофиқлик ва ҳужжатга тобе ҳолда, ихтилофга тобе ҳолда эмас[7];

2. Муҳкам ва муташобеҳни билиш, муҳкамга тобе ҳолда, муташобеҳга тобе ҳолда эмас[8];

3. Носих ва мансухни таниш, носихга тобе ҳолда, мансухга тобе ҳолда эмас;

4. Ҳукмни ҳадислардан, одоб бериш, хавфни кучайтириш ва тарғибдан фарқини фаҳмлаш, токи уларни бир-биридан ажратиб олади[9];

5. Суннат ва бидъатни фарқлаб, тушуниш, суннатга тобе ҳолда, бидъатга тобе ҳолда эмас;

6. Жамоат ва фирқа борасида ақл юритиш, жамоатга тобе ҳолда, фирқага тобе ҳолда эмас;

7. Ҳужжат ва асоссиз нарсани чуқур англаш, ҳужжатга тобе ҳолда, асоссиз нарсага тобе ҳолда эмас. Чунки қиёмат кунида нажот ҳужжат билан бўлади.

Аллоҳ таоло деди: “Ҳужжатларингизни келтиринглар” (Бақара, 111).

Бу ўринда: “Одамларингизни келтиринглар” демади. Шунинг учун таълим олувчи учун лозим бўлгани шуки, олимдан илмни фақат ҳужжат билангина олсин ва ундан ҳужжатсиз қабул қилмасин. Басар ва маърифат турдошдир. Басарнинг зидди – исён”[10].

Мўмин-мусулмонларни ёт ғояларга чақирувчилардан эса ниҳоятда эҳтиёт бўлиш лозим. “ал-Амсол минал Китаб вас Сунна” (“Қуръон ва Суннада келган мисоллар”) асарида Ҳаким Термизий адашган фирқалар билан ўтириш ва уларнинг

---

[7] Иттифоқ қилинган нарсаларга эргашилса, ихтилофлар олди олинади. Қолаверса, киши олимларнинг ихтилофи ҳам аслида иттифоқ учун бўлганини билиши лозим, бундан эса доим иттифоққа интилиш лозимлиги келиб чиқади. Машҳур тобеъин олим Рофийъ ибн Миҳрон Абулолия Басрий (ваф. тахм. 90-93/709-712) шундай дейди: “Агар иттифоқ қилинган нарсаларни тутсанг, ихтилоф қилинган нарсалар сенга зарар бермайди”.

[8] Бунда Қуръондаги муҳкам – аниқ-равшан ва муташобеҳ – маъноси Аллоҳга маълум оятлар назарда тутилмоқда. Бу Қуръон оятларини фаҳмлашда тўғри йўлдаги аҳли сунна вал-жамоа олимлари тутган илмий услуб бўлиб, унга кўра, кишилар уни тушунишдан ақли ожиз қоладиган оятлар маъноси очиқ-равшан ва барчага тушунарли оятлар ёрдамида тафсир қилиниб, тушуниб олинади.

[9] Бу ўринда оят ва ҳадисда келган маъноларнинг ҳукмий даражасини билиш назарда тутилмоқда. Чунончи, баъзи далиллар қатъий ҳукм, баъзилари одоб, баъзилари хавф қилдириш – қўрқитиш учун ва яна баъзилари бирон ишга тарғиб маъносида келади. Ушбу ҳикматли қоидани оят-ҳадислар ва унинг мазҳабга алоқадорлик даражасини тушуниш сифатида ҳам баҳолаш мумкин. Умуман, ушбу ўриндаги етти қоида динни тушуниш усулларини ёрқин намоён этиши билан жуда қийматлидир.

[10] Ҳаким Термизий. ал-Ақл вал-ҳаво. – Б. 121.

сўзини эшитишдан ҳам эҳтиёт бўлишга чақирганлиги ҳам диққатга сазовор: “Сен уларнинг (фирқаларнинг) каломини эшитишдан ҳазир бўл ва бундан тақво қил – сақлан. Уларнинг бари ҳалокатдир. Сен шариат соҳиби, Аллоҳнинг у зотга салотлари бўлсин, (яъни Пайғамбар алайҳиссалом) ишора қилган “саводул аъзам”ни лозим тут”.

Бундан шундай маъно келиб чиқадики, адашган оқимлар билан олимларгина баҳс қилиши мумкин бўлиб, оддий кишилар ундай инсонлардан четланишлари ҳамда ўзларига жамоат ва унинг бошида турган олимларга эргашишни лозим тутишлари керак бўлади.

“Саводул аъзам”нинг келтирилган таърифлари, ҳеч бир муболағасиз, фирқачилик ва оқимларга бўлиниб кетишнинг олдини олувчи ниҳоятда чуқур мазмунга ва амалий аҳамиятга эга муҳим қоидаларни ўз ичига олган улкан назариядир. Келтирилган қоидалар ва таҳлиллар фирқаланиш хатари доимо мавжудлиги туфайли барча замон ва маконлар учун ниҳоятда долзарбдир. Зеро, унда шариатнинг асоси ва барча мусулмонлар учун зарурий бўлган йўналиш белгилаб берилган.

Кейинчалик Ҳаким Термизийнинг шогирди Абу Бакр Варроқ Термизий ҳам ўзининг “ал-Олим вал-мутаъаллим” китобида калом масалаларига алоҳида эътибор қаратган бўлса, Варроқ Термизий шогирди Абулқосим Ҳаким Самарқандий ўзининг машҳур “Саводул-аъзам” асарини ёзди.

Кўринадики, бу каби муҳим асарлар, ғоялар ва фикрлар долзарблик касб этган, улар юртимиз Мовароуннаҳрда алоҳида ақида мактаби шаклланишига асос бўлган. Гап шундаки, Мовароуннаҳрдаги сомонийлар даври етакчи олим ва мутакаллимларидан бири Абулқосим Исҳоқ ибн Муҳаммад Ҳаким Самарқандий (ваф. 953 й.) Муҳаммад Ҳаким Термизийнинг (тахм. 820-932 йй.) “ҳаким” нисбасини олган талабаси Абу Бакр Муҳаммад ибн Умар Варроқ Термизийнинг (ваф. 932 ёки 907 й.) шогирдлари қаторида саналади. Хожа Абдуллоҳ Ансорий (1006-1089 йй.) “Табақот ас-суфийя” ва Абдураҳмон Жомий “Нафахот ал-унс” асарида Абулқосим Самарқандийнинг устози ҳақидаги шундай сўзларини келтирган: “Агар Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васалламдан кейин пайғамбарлик раво бўлганда, бизнинг замонамизда бундай киши ўзининг илми, ҳикмати, халққа меҳр-шафқати, адолатлилиги ва инсофлилиги туфайли буюк олим ва шайх Абу Бакр Варроқ бўлган бўларди”.

Бу уч шахснинг “ҳаким” нисбаси билан юритилиши улардаги ворисийлик тамойилларини англатади. Ҳаким Самарқандий Имом Мотуридий билан биргаликда Самарқанддаги мўътазила ва карромийларга қарши курашувчи кишилардан саналган. Унинг “Саводул аъзам” китобини ўз бобида ягона дейиш мумкин, зеро, унда ақида қоидалари қатъий моддалар шаклида бўлиб, умуммафкуравий асос учун тузилган муҳим қўлланма эканлиги билан доимий қийматини йўқотмайдиган нодир гавҳардир.

Маълум бўладики, ушбу Самарқандийнинг “ҳаким” унвони Мовароуннаҳрдаги ўзига хос ҳакимлар силсиласини кузатиш имконини беради:

1. Муҳаммад Ҳаким Термизий (тахм. 205-320/820-932);
2. Ҳаким Абу Бакр Варроқ Термизий (ваф. 320/932 ёки 294/907);

2. Абулқосим Ҳаким Самарқандий (ваф. 342/953).

Бу уч шахс фаолиятидан маълум бўладики, Қуръон ва Суннада кенг талқинларига эга бўлган ҳикмат ва ҳакимлик фақат тасаввуф ёки сулук доирасидагина чекланиб қолмаган. Аксинча, у диннинг асл мазмун-моҳияти, ундаги илмларнинг ҳакимона талқини ва тартиби, қолаверса, диний ва дунёвий билимлар уйғунлиги, демакки, илоҳий тадбирлардаги ҳикматни теран англаш, унинг назарий ва амалий жиҳатларини ишлаб чиқиш каби кенг доира касб этган. Буни Ансорий ўз "Табақоти"да Абу Бакр Варроқ Термизий ҳақида келтирган қуйидаги таъриф ҳам тасдиқлайди: "Вай ҳаким буд ориф, на суфий, суфий чиз дигараст", яъни, "У ҳаким бўлган ориф эди, сўфий эмас, сўфийлик бошқа нарсадир" *(Ансорий, 1983: 262)*. Жўнайд Бағдодий (ваф. 297/910) ва Абулҳусайн Нурий (ваф. 295/907) асҳобларидан бўлган Абулқосим Жаъфар Хулдий Бағдодийдан (253-348/867-959) ҳам Муҳаммад Ҳаким Термизий ҳақида шу маънодаги сўз ривоят қилинган. Суламий (325-412/936-1021) дейди: "Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Жаъфар Розийнинг шундай деганини эшитдим: "Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Нусайр (Хулдий)нинг шундай деганини эшитдим: "Менда сўфийларнинг бир юз неча девони (асари) бор". Мен: "Сенда Муҳаммад ибн Ҳаким Термизийнинг китобларидан бирортаси борми?" дедим. У: "Йўқ. Мен уни сўфийлардан деб ҳисобламайман" деди" (ла, маа аддадтуҳу фис-суфийяти) *(Суламий, 1998: 326)*.

Шу тарзда ҳикмат ва ҳакимлик мовароуннаҳрлик олимлар фаолияти нуқта назаридан олганда мавзу ва кўлам жиҳатдан кенгайиб боради.

РОЗИЮДДИН ЧАҒОНИЙНИНГ “МАШАРИҚУ-Л-АНВОР” АСАРИНИНГ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ ТАВСИФИ

Саъдулла Бобоходжаев*

Аннотация. Чағонийнинг «Машариқу-л-анвор» асари Имом Бухорийнинг «Саҳиҳу-л-Бухорий» ва Имом Муслимнинг «Саҳиҳу-л-Муслим» ҳадис тўпламларида келган икки мингдан ортиқ саҳиҳ ҳадислардан ташкил топган. «Машариқу-л-анвор» келган ҳадисларнинг манбалари машҳур ҳадис тўпламлардан олинган. Аммо асардаги ҳадисларнинг тартибланиши яъни услуб жиҳати Қудоийнинг «Муснаду-ш-шиҳоб» ҳамда Иқлишийнинг «ан-Нажм» ҳадис тўпламларига асосланган.

Калит сўзлар: Чағоний, Машариқу-л-анвор, Муснаду-ш-шиҳоб, Иқлиший, ан-Нажм, Қудоий, ҳадис.

Abstract. Chaghani’s work “Mashariqu-l-Anwar” consists of more than two thousand sahih hadiths from Imam Bukhari’s “Sahihu-l-Bukhari” and Imam Muslim’s “Sahihu-l-Muslim” hadith collections. The sources of the hadiths in “Mashariqu-l-Anwar” are taken from famous hadith collections. However, the arrangement of hadiths in the work, i.e. the style, is based on Kudai’s “Musnadu-sh-shihab” and Iklishi’s “an-Najm” hadith collections.

Key words: Chaghani, Mashariqu-l-Anwar, Musnadu-sh-shihab, Iklishi, an-Najm, Kudai, hadith.

Чағонийнинг “Машариқу-л-анвор” асари Имом Бухорийнинг “Саҳиҳу-л-Бухорий” ва Имом Муслимнинг “Саҳиҳу-л-Муслим” ҳадис тўпламларида келган 2267 та саҳиҳ ҳадислардан ташкил топган. “Машариқу-л-анвор” келган ҳадисларнинг манбалари машҳур ҳадис тўпламлардан олинганлиги сабабли, диссертацияда асарнинг ёзилиш услуби ёритилди. Асар услуб жиҳатидан Қудоийнинг (ваф. 454/1062) “Муснаду-ш-шиҳоб” ҳамда Иқлишийнинг (ваф. 549/1154) “ан-Нажм” ҳадис тўпламлари асосида жамланган[1].

Чағонийнинг асари ал–Бухорий (ваф. 256/870) ва Муслим (ваф. 261/875) ҳадисларини жамлаган бўлишидан ташқари, айни дамда, айрим лисоний ва грамматик хусусиятларни ўз ичига олган, ҳадислар орасида фақат қавли ва марфуъ бўлганларидангина танлаб олинган ихчам, хулосавий асардир. Асарнинг асосий ўзига хос хусусиятларидан яна бири Пайғамбаримиз томонидан гоҳ алоҳида воқеъ бўлган, гоҳида бирор ҳодиса ёки суҳбат чоғида айтилган ҳадисларни маълум сўз, ибора ва юкламалар остида тартибланиши ҳамда ҳар бир бобдаги ҳадисларни ўз ичида алифбо тартибида жамланишидир. Шу нуқтайи назардан, муаллиф ўзининг тилшуносликдаги тажрибасини ҳадис илмида акс эттирган тил ва грамматикага асосланган оригинал тасниф қолипини яратган. Асарда ҳадисларнинг исноди ҳам қисқартирилиб, фақат саҳобалар зикр қилинган.

---

* *Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази халқаро алоқалар ва зиёрат туризмини ривожлантириш бўлими бошлиғи*

[1] ابن مالك عبد اللطيف بن عبد العزيز بن أمين الدين الحنفي. مبارق الأزهار شرح مشاريق الأنوار. تحقيق: أبو محمد أشرف بن عبد المقصود بن عبد الرحيم. – بيروت: دار الجيل، 1995، المجلد الأول. 7 ص.

Чағоний асарини грамматик, синтактик ва морфологик қоидаларга кўра тартиблаш ғоясини ундан бир аср аввал яшаган Иқлишийнинг “ан-Нажм” номли асаридан олгани ҳам илгари сурилади[2]. Ҳақиқатан, икки асар муқояса қилинганда Чағонийнинг “Нажм”дан илҳомланганлиги намоён бўлади. Ҳолбуки, “Машариқу-л-анвор” шакл ва мазмун жиҳатидан “Нажм”дан анча устундир. “Машариқу-л-анвор”даги ҳадислар батафсилроқ грамматик сарлавҳалар остида тартибланган ва ҳадисларнинг саҳиҳларигина танланган. Дарҳақиқат, ҳадисларнинг асарларда бу каби тартибланиши ҳижрий V асрда Қудоийдан бошланганлиги маълум бўлади. Биринчи марта ҳадисларнинг сўзларини бир–бирига яқинлигига кўра ярим алифбо тартибида тузган Қудоий биринчи бўлиб қисқа ҳажимли ҳадислардан танлаб олиб, ўзининг “Шиҳабу-л-ахбор”ини таснифлаган бўлиб, сўнгра ушбу асардаги ҳадисларни илмий доираларда қўллаш мақсадида ўша ривоятларни санадлари билан бирга жамлаб, ўзининг “Муснаду-ш-шиҳоб” номли асарини ёзган[3]. Чағоний “Муснаду-ш-шиҳоб” асари устида ишлаб учта мустақил асар яратган.

“Машариқу-л-анвор” асарининг тил ва ҳадис илмини ўрганишни олишни хоҳловчиларни мақсад қилган ҳолда тартиб билан ёзилгани унинг педагогик аҳамиятини ошириб, ўқувчиларнинг ҳадисларни ўзлаштириш ва ҳадисларни грамматик жиҳатдан ўрганиш учун ҳам хизмат қилган. Бошқа томондан асар араб бўлмаган жамиятларнинг эътиборини тортган ва суннатнинг йўналтирувчи функциясига катта ҳисса қўшган. Асар таҳқиқ қилинганда унда 2267 та ҳадис борлиги аниқланди.

Асар мусулмонлар тарафидан яхши қабул қилинган бўлиб, бир аср ичида ҳадис илмининг энг машҳур ва кенг тарқалган асарларидан бирига айланган. Имом Суютий (ваф. 911 ҳ./1505 м.) “Тадрибуъ-р–ровий” асарининг *ҳофиз*, *муҳаддис* ва *муснид* атамаларининг таърифига бағишланган бобида, VIII–XIV асрларнинг энг машҳур муҳаддисларидан бири бўлган Тожуддин Субкийнинг (ваф.771/1369) қуйидаги сўзларини келтиради:

“Бир гуруҳ одамлар борки, ўзини муҳаддис қилиб кўрсатишади, ваҳоланки, улар фақатгина Чағонийнинг «Машариқу-л-анвор»ини кўздан кечиришган. Агар бироз олдинга чиқиб, Бағавий (ваф. 516 ҳ./1122 м.)нинг “Масобиҳу–с–сунна”сидан ҳадис ўқисалар, ўзларини муҳаддислар даражасига кўтарилган деб ўйлашади. Бу шунчаки, уларнинг ҳадисдан бехабарлигидандир. Биз айтаётган кишилар бу икки китобни ёддан билиб, уларга шунча ҳадис матнларини қўшиб, ёд олишса ҳам муҳаддис бўла олмайди. Бу даражадаги ҳадис илми билан уларнинг муҳаддис бўла олиши, худди туянинг игна тешигидан ўта олмагани кабидир”.

Бундан маълум бўладики, “Машариқу-л-анвор” қариб бир аср ичида катта эътибор қозонган. Бу кучли қизиқиш ва ишонч туфайли асар устида кўплаб шарҳ, ҳошия таржималар амалга оширилган. Бунга асарнинг Ҳиндистон, хусусан, Усмонли

---

[2] İbrahim Hatiboğlu, —Meşâriku‘l–Envâri‘n–Nebeviyye, Diyanet İslam Ansiklopedisi, c.29, s.361.

[3] Dr.Ali Yardım, — “Kuzâ’î ve Müsnedü’ş–Şihâb‘i”, Uludağ Üniversitesi ILAHIYAT FAKÜLTESi DERGISI IV. 1987. ss.285–348.

жўғрофиясидаги таълим муассасаларининг ўқув дастурларига киритилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Имом Чағонийнинг "Машариқу-л-анвор" асарининг тўлиқ номи эса "Машариқу-л-анвор ан-набавийя фи сиҳаҳи-л-ахбар ал-Мустафавийя" саҳиҳ ҳадисларга бағишланган асардир. Асарда келган ҳадислар мавзуларга ажратилмаган, яъни намоз боби, закот боби, аҳкомлар боби деган маънавий бўлакларга эмас, балки лафзий бобларга бўлиб таълиф қилингандир. Аллома Ибн Малик: "Имом Чағоний бу китобни аниқ тартиб билан саралаб, мукаммаллик билан таълиф қилган" дейди. Асар ўн икки боб ва боблар ҳам бир неча фасллардан иборатдир. Asar qo'lyozmalari hozirda Turkiya, Saudiya arabistoni,Hindiston, Pokiston Ispaniya, Slavakiya va boshqa davlatlarda mavjud. Xususan Turkiyadagi qo'lyozma fondlarida asarning ikki yuzga yaqin nusxalari bor. Quyida Turkiyada saqlanayotgan qo'lyozma tavsif qilinnga:

165–инвентар рақамидаги қўлёзма. Ушбу қўлёзма Туркиядаги Сулаймонийя кутубхонасида сақланмоқда. Матн насх хатида, қора сиёҳ билан ёзилган. Боб ва фасллар муҳаддисларнинг исмлари қисқартирилган ҳолда[4] қалинроқ қилиб қора сиёҳда ажратиб кўрсатилган. Матнда ҳадиснинг асосий матни устидаги бир ёки икки сўзга қизил чизиқ тортилган. Ҳошия ҳадислардаги мураккаб маъноли сўзларга, унинг бошқа маънодоши билан изоҳ берилган. Қўлёзмада 1б варақ дан бошлаб, муҳаддисларнинг исмларини қизил билан ажрата бошланган. Матн ўн тўққиз қаторда бир саҳифада жойлаштирилган. Пойгир мавжуд эмас аммо унинг ўрнига стрелка белгисини қўйган.

Таркиби: 1. «مَن» калимаси билан бошланган ҳадислар (3б–12а);

2. «إنّ»، «أنّ» калималари билан бошланган ҳадислар (12б–33б);

3. «لا» калимаси билан бошланган ҳадислар (33б–42б);

4. ««اذا калимаси билан бошланган ҳадислар (43а–50б);

5. ««ما калимаси ва бошқа сўзлар билан бошланган ҳадислар (50б–62б);

6. ليس»»калимаси билан бошланган ҳадислар (62б–75б);

7.ال، أيما، أيكم، أي، ألا، ألم، أفلا، أليس، أما، مثل، إياكم، أنّا، لم، لمّا، أمّا сўзлари билан бошланган ҳадислар (75б–91б);

8. Сон, ваву–л–қасам, "валлоҳи" қасам калимаси, "س" музорий (ҳозирги замон феъл шакли)ни билдирадиган қўшимча, ҳозирги замонда аниқ ва мажҳул даража феъллари билан бошланган ҳадислар (91б–103б);

9. Ўтган замон аниқ даражали феъл, ўтган замон мажҳул даражали феъл, ўтган замон И шахсни ифодалайдиган феъллар, "هل" сўроқ юкламаси, буйруқ майли билан бошланган ҳадислар (103б–132а);

10. «لِ»، «لَ» қўшимчалари ва турли хил сўзлар билан бошланган ҳадислар (132а–144а);

11. Қудсий ҳадислар (144а–146а);

12. Дуоларга оид ҳадислар (146а–153а).

---

[4] Асарда ҳадислардан аввал Бухорийдан ривоят қилинган ҳадислар учун "خ" ҳарфи, Муслимдан ривоят қилинганлар учун эса "م" ҳарфи, "муттафақун алайҳининг ўрнига "ق" ҳарфларидан фойдаланилган.

Кўчирилиш тарихи 802/1400 йил хаттот Умар ибн Ҳож ва Аҳмад ибн Сайф томонидан кўчирилган. Асар 1б саҳифадан бошланган. Басмаладан сўнг:

الحمد لله محى الرمم ومجر القلم وذارئ الامم بارئ النشم ليعبدوه

ولا يشركوا به فارج للانزاح فالق الاصباح وخالق الارواح

Охири 153а саҳифада қуйидаги ҳадис билан тугаган:

لَبَّيْكَ عُمْرَةً وَحَجًّا

Колофонда қуйидаги ёзувлар бор:

Ушбу Колофонда келган матн Расулуллоҳнинг Муқавқасга йўллаган мактуби бўлиб уни саҳоба Ҳотиб ибн Абу Балтаъа томонидан юборган[5].

Ҳошияда ҳадисларга боғлиқ рақамлар ва ундаги тарихан боғлиқ воқеалар акс этган. Шунингдек, 97 а–б варақда хаттотнинг муҳри бор. 143б саҳифада خ устига чизилиб[6] ق ҳарфи ёзилган. Қўлёзманинг усти қалин қизил рангли картондан, ўртасида сариқ рангда тамға босилган. Асарнинг умумий ҳажми 154 варақни ташкил қилади.

Хулоса о'рнида шуни таъкидлаш жоизки, Чаг'онийнинг "Машариқу-л-анвор асари" қо'лёзмаларидаги тавсифлаш усули о'зидан аввалги Қудоийнинг «Муснаду-ш-шиҳоб» ҳамда Иқлишийнинг «ан-Нажм» ҳадис тўпламлари асосида жамланган ва ўша давр учун ўзига хос ҳадисларни алифбо тартибидаги услубни жорий қилганлиги, аммо асарнинг ўн бир ва ўн иккинчи боблардаги ҳадисларда маълум сўзлар эмас балки «Қудсий ҳадислар» ва «Дуолар»га ажратганини гувоҳи бўламиз. Бу услуб ўз замондош ва ўзидан аввал яшаган муҳаддисларининг услуби эканлиги маълум бўлади.

---

[5] رسائل النبي محمد — ويكيبيديا (wikipedia.org)

[6] 165– инвентар рақамли нусха. Туркиядаги Сулаймонийя университети кутубхонасида сақланади.

ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ТАФСИР ИЛМИДАГИ ИЖТИҲОДЛАРИ

Фахриддин Худойназаров*

Аннотация. Мақолада Ҳаким Термизийнинг тафсир илмидаги ижтиҳодлари ва ўзига хос услуби таҳлил қилинган. Унинг Қуръонни нафақат зоҳирий, балки ботиний маъноларини ҳам очиб беришга қаратилган ёндашуви, тасаввуфий тушунчаларни Қуръон оятлари билан уйғунлаштириши ва инсон руҳияти билан боғлаб тушунтириши ёритилган. Ҳаким Термизийнинг тафсир методологияси ва унинг Ислом илмлари ривожига қўшган ҳиссаси таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Ҳаким Термизий, Тафсир, Ижтиҳод, Қуръон, Ботиний маъно, Тасаввуф, Ишорий тафсир, Маърифатуллоҳ ,Валийлик, Ҳикмат.

Abstract: The article analyzes the ijtihad of Hakim Tirmizi in the science of interpretation and his unique style. It highlights his approach aimed at revealing not only the external but also the internal meaning of the Quran, combining mystical concepts with the verses of the Quran and explaining them in connection with the human psyche. The methodology of Hakim Tirmizi's interpretation and his contribution to the development of Islamic sciences are analyzed.

Keywords: Hakim Termizi, Tafsir, Ijtihad, Koran, Inner meaning, Sufism, Ishari Tafsir, Ma'rifatullah, Guardianship, Wisdom.

Ислом оламининг буюк алломаларидан бири, Ҳаким Термизий номи билан машҳур, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ал–Ҳасан ибн Башир ал–Ҳаким ат–Термизий (820/932), ўз даврининг буюк муҳаддиси, фақиҳи ва мутасаввуфи сифатида жаҳонда танилган.

Ҳаким Термизий етук олимларидан бўлиб, унинг тафсир илмига қўшган ҳиссаси алоҳида аҳамиятга эга. У Қуръонни нафақат зоҳирий маъноси, балки ботиний маъноларини ҳам чуқур англаш ва тушунтиришга ҳаракат қилган. Бу ёндашув унинг тафсирларига ўзига хос хусусият бағишлаган.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда: ***“У сенга китобни туширган зотдир. Унда муҳкам оятлар ҳам бор ва улар китобнинг аслидир ва муташобиҳ (оят)лар ҳам бор.” (3:7)*** деб марҳамат қилади. Ҳаким Термизий ўз тафсирларида айнан шу муҳкам ва муташобиҳ оятларни чуқур таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратган.

Ушбу мақолада биз Ҳаким Термизийнинг тафсир илмидаги ижтиҳодларини, унинг Қуръонни тушунтиришдаги ўзига хос услубини ва бу соҳага қўшган ҳиссасини ўрганамиз. Шунингдек, унинг тафсирларида келтирилган ҳадислар ва Қуръон оятларига алоҳида эътибор қаратамиз.

Ҳаким Термизийнинг тафсир илмидаги ўрни

Ҳаким Термизий тафсир илмида ўзига хос услубга эга бўлган. У Қуръонни тафсир қилишда нафақат лингвистик ва тарихий жиҳатларга, балки ирфоний ва руҳий жиҳатларга ҳам катта эътибор қаратган. Унинг “Таҳсил назоир ал–Қуръон” асари бунга ёрқин мисол бўлади.

* *Имом Термизий халқаро илмий - тадқиқот маркази*

Ҳаким Термизий Қуръонни тафсир қилишда қуйидаги принципларга амал қилган:

а) Қуръоннинг Қуръон билан тафсири

б) Ҳадислар орқали тафсир

в) Саҳобалар ва тобеинларнинг сўзлари орқали тафсир

г) Ботиний ва ирфоний маъноларни очиб бериш

Ҳаким Термизий ҳадис илмини чуқур англаган ҳолда, ўз тафсирларида ишончли манбаларга таяниш билан бирга, Аллоҳ берган илҳом ва маърифат орқали ҳам оятларнинг маъноларини очишга ҳаракат қилган. Ҳаким Термизий кўплаб асарлар ёзган бўлиб, уларнинг аксарияти бизгача етиб келмаган. Унинг тафсир илмига оид асосий асарлари қуйидагилар:

1. “Таҳсил назоир ал–Қуръон” (Қуръондаги ўхшаш оятларни ўрганиш)

2. “ал–Амсол мин ал–китоб ва–с–сунна” (Қуръон ва суннатдан мисоллар)

3. “Ғавр ал–умур” (Ишларнинг моҳияти)

4. “Баҳр ут– тафсир” (Тафсирлар уммони)

Бу асарларда Ҳаким Термизий Қуръон оятларини талқин қилиш ва тушунтиришда ўзига хос услубни қўллаган.

Ҳаким Термизий ўз тафсирларида қуйидаги услубларни қўллаган:

а) У ҳар бир сўзнинг луғавий маъносини чуқур ўрганган.

б) Оятларнинг нозил бўлиш сабабларига катта эътибор қаратган.

в) Оятлар ва суралар ўртасидаги боғлиқликни очиб берган.

г) Оятларнинг ботиний маъноларини очишга ҳаракат қилган.

Ҳаким Термизийнинг тафсирдаги ижтиҳодлари

Ҳаким Термизий Қуръонни инсон қалби билан боғлиқ ҳолда тафсир қилишга ҳаракат қилган. У “Аъроф” сурасининг 172–оятини шарҳлар экан, инсон руҳининг азалий аҳди ҳақида сўз юритади ва бу аҳднинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини таъкидлаб, қуйидагича изоҳлайди: ***“Роббингиз эмасманми?” деганида (7:172).*** [5] “У уларга (азалий аҳдни) эслатди, уларни (аҳдни) сақлашга ундади”.[1:72]

Ҳаким Термизий қалб ва нафс тушунчаларига алоҳида эътибор қаратган. У Шамс сурасининг 7–9 оятларини шарҳлар экан, нафснинг турли даражалари ҳақида сўз юритади. У нафсни тарбиялаш ва покланиш жараёнини инсоннинг руҳий камолоти билан боғлаб, қуйидагича изоҳлайди: “ ***Ва нафс билан ва унинг бекам-кўст қилиб яратилиши билан қасам. Бас, у(нафс)га фужурини ва тақвосини билдирди. Батаҳқиқ, ким у(нафс)ни покласа, ютуққа эришади. (91:7)*** “Яъни, ички нафсни (қалбни) ислоҳ қил, токи у орқали ташқи нафс (зоҳирий амаллар) ҳам ислоҳ бўлсин”.[1:39]

Ҳаким Термизий Аллоҳни таниш ва билиш (маърифатуллоҳ) масаласига катта эътибор қаратган. У Анъом сурасининг 75–79 оятларини шарҳлар экан, Иброҳим (а.с.)нинг Аллоҳни таниш йўлидаги изланишларини инсоннинг маърифатга эришиш жараёни билан боғлаб, қуйидагича изоҳлайди: ***“Худди шундай қилиб, Иброҳимга аниқ ишонувчилардан бўлиши учун осмонлару ернинг мулкларини кўрсатамиз. Уни тун ўраб олганида юлдузни кўриб: “Мана шу Роббимдир”, деди. У ботиб кетганида эса: “Ботувчиларни ёқтирмасман”, деди. Чиқаётган ойни кўрганда: “Мана шу Роббимдир”, деди. У ҳам ботганида:***

“Агар Роббим мени тўғри йўлга бошламаса, албатта, адашувчилардан бўламан”, деди. Чиқаётган қуёшни кўрганда: “Мана шу Роббим. Бу каттароқ”, деди. У ҳам ботиб кетганида: “Эй қавмим, мен сиз ширк келтираётган нарсадан воз кечдим”, деди” (6: 75–79)

“Кўрмайсанми, Иброҳим алайҳиссалом, Аллоҳнинг халили, юлдуз, ой ва қуёшга қараб: “Бу менинг Раббим”, деди. Сўнг у беш нарсани (яъни беш ҳисни) ишлатиб, ўзидаги билим билан далил келтирди. Аммо бу мос келмади ва ўхшаш бўлмади. Шунда у уларни инкор қилиб: “Мен “Ботувчиларни ёқтирмасман”, деди. [1:71]

Ҳаким Термизий валийлик масаласига кўп эътибор қаратган. У Юнус сурасининг 62–64 оятларини шарҳлар экан, валийларнинг хусусиятлари ва даражалари ҳақида батафсил маълумот бериб, қуйидагича изоҳлайди: ***“Огоҳ бўлингким, Аллоҳнинг дўстларига хавф йўқдир ва улар хафа ҳам бўлмаслар. Улар иймон келтирганлар ва тақво қилганлардир. Уларга ҳаёти дунёда ҳам, охиратда ҳам хушхабар бор. Аллоҳнинг сўзларини ўзгартириш йўқ. Ана ўша улуғ ютуқдир”. (10:62–64)*** “Бу тоифа Унга (Аллоҳга) чин дилдан иймон келтирди. Уларнинг қалблари Унинг ҳукмларига – хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин – хотиржам бўлди. Улар Уни Рабб сифатида қабул қилиб, розилик билдиришди ва Унинг уларга бўлган ҳукмларига рози бўлдилар. Улар Унинг рубубиятига бўйсуниб, хушъ билан эгилдилар. Улар Уни ўзларидан устун қўйдилар ҳаё қилиб, ва Унга ўз жонларини сахийлик ва кенг феъллик билан бағишладилар”. [2:224]

Ҳаким Термизий ҳикматга алоҳида урғу берган. У Исро сурасининг 39–оятини шарҳлар экан, ҳикматнинг турли даражалари ва уни қўлга киритиш йўллари ҳақида сўз юритиб, қуйидагича изоҳлайди: ***“ Ушбулар Роббинг сенга ваҳий қилган баъзи ҳикматлардир”.(17:39)*** “Билгинки, Аллоҳ бандаларга бирон нарсани беҳуда буюрмаган ва ҳеч нарсадан беҳуда қайтармаган. У уларга комил ҳикмат билан буюрган ва қайтарган.

Баъзи уламолар: “Унинг буйруқ ва қайтариқларининг сабаби йўқ, бу фақат ибодатдир”, дейишган. Бу айтилганидек эмас. Ҳақиқатда, бу ибодатдир ва бандалар унга амал қилишлари лозим. Лекин ишонгинки, Аллоҳ таоло бирор нарсадан қайтармаган ва бирор нарсани буюрмаган, магар ҳикмат билан. Аллоҳ беҳудалик, бошқарув ва тақдирдан холиликдан юксакдир.

Шу сабабли, бу ҳикматни унинг манбаларидан излагин. Зеро, у сени буйруқ ва қайтариқларни бажаришга ундайди”. [3:206]

Ҳаким Термизий ўз тафсирларида кўплаб ҳадисларга мурожаат қилган. Масалан:

“Албатта, Бани Исроил етмиш икки миллатга бўлиндилар. Ва албатта, бу уммат етмиш уч миллатга бўлинади, уларнинг барчаси дўзахда бўлади, фақат биттаси мустасно, у ҳам бўлса жамоадир” ҳадисини келтирган. [1:107] Ҳадисни имом Аҳмад ҳам “Муснад”да ҳам ривоят қилган. [4:134]

Ҳаким Термизий ишорий тафсир йўналишининг асосчиларидан бири ҳисобланади Унинг ёндашуви кейинги давр мутасаввуф муфассирларига катта таъсир кўрсатган. Унинг “Таҳсил назоир ал–Қуръон” асари Қуръон оятлари ўртасидаги ўхшашлик ва боғлиқликларни ўрганишга бағишланган илк асарлардан бири ҳисобланади. [1:71]

Ҳаким Термизий тасаввуфий тушунчаларни Қуръон оятлари билан уйғунлаштириб тушунтира олган. Бу ёндашув кейинчалик кўплаб мутасаввуф олимлар томонидан давом эттирилган.

Ҳаким Термизий ўз тафсирларида ақлий ва нақлий далилларни уйғун ҳолда қўллаган. Бу услуб кейинги давр тафсир илмининг ривожланишига катта таъсир кўрсатган.

Жумладан: Имом Қуртубий ўзининг "ал-Жомиъ ли-аҳком ал-Қуръон" китобида Ҳаким Термизийнинг шарҳларидан 80дан кўпроқ мавзеда иқтибос келтирган.[7] Имом Саолибий "Жавоҳир ал-ҳисон фи тафсир ал-Қуръон" китобида: ***"У икковидан пастроқда яна икки жаннат бор". (55: 62)*** оятининг тафсирида**:** "Ҳаким Термизий иккинчи таъвилни танлади" деб эслатиб ўтган.[8]

Ҳаким Термизийнинг ёндашуви Қуръонни янада чуқурроқ ва кенгроқ тушунишга йўл очган. У тасаввуфий тушунчаларни Қуръон оятлари билан асослашга ҳаракат қилган, бу эса Ислом илмларининг ўзаро боғлиқлигини кўрсатган.

Ҳаким Термизийнинг Қуръон оятларини инсон руҳияти билан боғлаб тушунтириши Қуръоннинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини янада оширган. Унинг асарлари кейинги давр олимлари учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Ҳаким Термизийнинг тафсир илмидаги ижтиҳодлари Ислом оламида катта аҳамиятга эга. Унинг ёндашуви Қуръонни нафақат зоҳирий, балки ботиний жиҳатдан ҳам тушунишга ёрдам беради. Бу эса Қуръоннинг чуқур маъноларини англашда муҳим роль ўйнайди. Ҳаким Термизийнинг тафсир методологияси кейинги авлод муфассирларига катта таъсир кўрсатган. Унинг ирфоний ёндашуви, Қуръон оятларининг ўзаро боғлиқлигини очиб бериши ва ахлоқий тафсири Ислом тафсир илмининг ривожига салмоқли ҳисса қўшган.

Бугунги кунда Ҳаким Термизийнинг тафсир соҳасидаги меросини ўрганиш ва ундан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Унинг ёндашуви замонавий муаммоларни ҳал этишда Қуръоний ҳикматлардан фойдаланишда қўл келиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳаким Термизийнинг тафсир илмидаги ижтиҳодлари Ислом илмлари хазинасининг ноёб дурдонаси бўлиб, уни ўрганиш ва ундан фойдаланиш ҳар бир мусулмон олими учун фойдали ва зарурдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Муҳаммад ибн Али ибн ал-Ҳасан ибн Бишр, Абу Абдуллоҳ, ал-Ҳаким ат-Термизий, Ғавр ал-Умур. Мактабату ас-сиқофат ас-дийния, Қоҳира,2002.
2. Муҳаммад ибн Али ибн ал-Ҳасан ибн Бишр, Абу Абдуллоҳ, ал-Ҳаким ат-Термизий, ал-Амсол мин ал-Китоби вал-Сунна.Дорул наҳзатил Миср ли-табъи ван-нашр,Қоҳира,1977.
3. Муҳаммад ибн Али ибн ал-Ҳасан ибн Бишр, Абу Абдуллоҳ, ал-Ҳаким ат-Термизий,Наводир ал-усул фи аҳодис ар-расул - ан-Нусха ал-муснада. Мактабат ал-Имом ал-Бухорий,Қатар,2008. Ж3

4. Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳанбал ибн Ҳилол ибн Асад аш-Шайбоний.Муснаду Имом Аҳмад ибн Ҳанбал. Муасисатур рисола, Истанбул, 2001. Ж28
5. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Тафсири Ҳилол. «HILOL NASHR» Нашриёт-матбааси,Тошкент, 2023.Ж6
6. Муҳаммад ибн Али ибн ал-Ҳасан ибн Бишр, Абу Абдуллоҳ, ал-Ҳаким ат-Термизий, Таҳсилу назоирул Қуръон. Матбаъату Саода, Қоҳира,1970.
7. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Аби Бакр ибн Фарҳ ал-Ансорий ал-Хазражий Шамсуддин ал-Қуртубий, ал-Жомиъ ли-аҳком ал-Қуръон. Дор ал-кутуб ал-Мисрия, Қоҳира, 1964.
8.Абу Зайд Абдураҳмон ибн Муҳаммад ибн Махлуф ас-Саолибий,ал-Жавоҳир ал-ҳисон фи тафсир ал-Қуръон. Дор иҳё ат-турос ал-арабий, Байрут, 1997.

УМАР ТЕРМИЗИЙНИНГ “ ИХЛОС КИТОБИ”ДА ИХЛОС СИФАТИ ВА МУХЛИСЛАР ДАРАЖАСИ БАЁНИ

Мухиддин Чориев*

Аннотация. Умар Термизийнинг ҳаётини ва қолдирган меросини ўрганадаган бўлсак, у киши сўфий ва воиз бўлганлиги аниқ бўлади. Умар Термизий яшаган ўрта асрларда Мовароуннаҳрда тариқат анча ривожланган давр эди. Ушбу мақолада Умар Термизийнинг ҳаёти ва илмий-маънавий мероси борасида сўз юритилган. Аллома асарларининг тафсир ва тасаввуф илмлари ривожидаги ўрни асосланган.

Калит сўзлар: Термизий алломалар, Умар Термизий, тафсир, ҳадис, тасаввуф, ихлос, ният, «Ихлос китоби».

Abstract. If we study the life and legacy of Umar Tirmidhi, it becomes clear that he was a Sufi and a preacher. In the middle ages when Umar Tirmidhi lived, the Tariqa was very developed in Mawarannahr. This article talks about the life and scientific and spiritual heritage of Umar Tirmidhi. The place of Allama’s works in the development of tafsir and mysticism is established.

Keywords: Al-Tirmidhi Scholars, Umar Tirmidhi, Tafsir, Hadith, Sufism, Ikhlas, Niyat, «The Book of Ikhlas».

Биз агар Умар термизининг ҳаётини ва қолдирган мерсони ўрганадаган бўлсак. Шу нарса аниқ бўладики у киши сўфий ва воиз бўлганликлиги. Умар термизий яшаган ўрта асрларда мовароуннахда тариқат анча ривожланган давр эди. Бу эса Умар термизийнинг тариқат аҳлидан бўлишлигига сабаблардан бири эди. Умар термизийнинг “Ихлос китоби” асарида келдирилган “Ихлос сифати ва мухлислар даражаси баёни”ни таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак бунга гувоҳ бўламиз. Умар Термизий “ихлос” нима “ мухлис” ким у қандай бўлиши керак буланинг барчасини беш важҳга бўлиб, жуда гўзал услубда ифодалаб беради.Умар Термизийнинг ушбу асардаги ихлос сифати ва мухлислар даражаси бирма бир ўрганиб чиқамиз.

Ихлос сифати ва мухлислар даражаси баёни

Эй олим подшоҳ, Аллоҳ сени мухлислар ва солиҳ бандалар жамоатидан қилсин! Билгинки, албатта, ихлос диннинг фарз амалларидандир. Мўминнинг иймони ихлос ила мукаммал бўлади. Ихлос амаллар мағзидир ва Аллоҳга етиш учун энг яқин йўлдир. Ихлосиз амал жонсиз жасадга, мевасиз дарахтга, насабсиз одамга, ўсмас донга ўхшайди жонсиз жасад эса дафн этилишдан, самарсиз дарахт эса ўтин бўлишдан бошқасига ярамайди. Гўёки ёмғирсиз булут фойда бермаганидек, насабсиз одам ҳам меросдан маҳрумдир. Агар машриқдан мағрибгача ибодат ила танилган кишининг жасадини дафн этмасдан руҳсиз тутиб туриш, охир-оқибат сасиб, итларга, қурт-қумурсқаларга ем бўлгани каби, сенинг ҳам ихлоссиз қилиб юрган аммалларинг руҳсиз жасадга ўхшайди.

---

* *Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими.*

Одам боласи туғилиб, аввало, бир қарч жойни эгаллайди сўнгра одамлар унга кун сайин мушфиқ бўлиб бораверади. Унинг яқинлари гўдаклигиданоқ келажакда улуғ одам бўлишини орзу қилади. Бола улғайган сари ўзидан зараркунандаларни ҳайдаб бораверади. Чунки унда руҳ бўлганлиги учун бундай ўзгаришлар ўз-ўзидан пайдо бўлади. Шу каби сенинг ҳам амалларингда руҳ ўрнида ихлос бўлса шундай бўлади. Аллоҳ фазл эгасидир.

Эй подшоҳ, Аллоҳ сени ихлос безаклари ила зийнатласин. Билгилки, ихлос беш важҳни ўз ичига олади. Миллатлар ичида энг тўғрисини ажратиб олиш ихлосдир. Кўринмас, нозик, дақиқ офатлар ичидан тўғри динни ажратиш ихлосдир. Беҳуда, бефойда гаплар ичидан манфаатли гапларни ажратиш ихлосдир. Маликул Халлоқ рози бўладиган ахлоқ билан хулқланиш ҳам ихлосдир. Мен сизга ихлоснинг беш важҳини оят ва ҳадислар асосида далиллар келтириб шарҳлайман. Маликут Таввоб бўлган Зотдан ёрдам сўраган ҳолатда аҳли сиддиқ ва аҳли савоб (ишончли аҳл ва тўғри аҳл) ларнинг ёзиб қолдирган манбалари асосида ихлосни баён қиламиз.

Биринчи важҳ

Аммо аввалги важҳ барча миллатлар орасидан бир миллатни ажратиб олишдир. Гуноҳларни бекитувчи Саттор бўлган Зот Оли Имрон сурасининг 95-оятида шундай деди: **“Аллоҳ рост айтди Иброҳимнинг йўлдан тоймаган миллатига эргашинг. У мушриклардан бўлмаган эди”.** Ибн Аббос розияллоҳу анҳу айтадилар: “Динлар олти хил бўлиб, уларнинг бештаси ботилдир. Яҳудий, насроний, мажусий, собиийлар (юлдузга сиғинувчи), васания (бутпарастлар) -булар ботил динлар. Ҳақ дин эса ягона ислом динидир.

Аллоҳ таоло Оли имрон сурасининг 85-оятида шундай деди: **“Ким исломдан бошқа динни хоҳласа, бас, ундан бу ҳаргиз қабул қилинмас ва у охиратда зиён кўргувчилардан бўлур”.** Баъзи уламолар айтибди: “Аввалда одамлар барчаси битта ислом динида бўлишган, сўнг ихтилофлар сабаб тафриқа-тафриқа бўлиб кетишди. Бир қавм чиқди нурга ибодат қилди, бир қавм чиқди зулматга,бир қавм чиқди фаришталарга, бир қавм чиқди тошга ибодат қилди. Бир қавм чиқди Узайр алайҳис саломни Аллоҳга шерик қилди, бас, улар яҳудий деб ном олди яна бир қавм чиқди Исо алайҳис саломни Аллоҳга шерик қилди бас, улар насоро деб ном олди. Сўнг бир қавм чиқди ягона Аллоҳга ҳеч нарсани ширк келтирмасдан, мухлис бўлиб ибодат қилди гарчи кофирлар кариҳ кўрсалар ҳам. Ихтилофларнинг боши “насл куни” Аллоҳ таолонинг: **“Мен сизларнинг роббиларингиз эмасманми?”** деган кундан бошланди. Насл кунида Аллоҳ таоло наслни йўқдан бор қилди, сўнг уни зулматга ташлади. Сўнг уларга ўз нуридан бир нур сочиб, учта неъматни ҳадя этди. Руҳнинг зеҳни, ақлнинг фаҳми, қалбнинг заковати.

Улар эшитадиган, кўрадиган, фаҳмлайдиган ва гапирадиган бўлиб қолишди. Сўнгра буларга ҳужжат (масуллият) қойим бўлди. Кейин Аллоҳ таоло уларни бир-бирларини ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга чақирадиган қилиб қўйди.

Бир тоифа нурдан зулматга қарашди, чалкашиб қолиб, зулматга ибодат қилиб қолди. Яна бир қавм нурдан малоикаларга қарашди, чалкашиб, қолиб малоикаларга ибодат қилиб қолди. Бир қавм нурдан аршга қарашди, чалкашиб тошларга ибодат

қилиб қолди. Яна бир қавм ўзларининг нурига қарашди ва чалкашиб ташбеҳ денгизига ғарқ бўлди. Натижада Аллоҳнинг ибодатида яҳудий ва насоролар Узайр ва Исо алайҳиссаломларни шерик қилганидек ширк келтирди. Аллоҳ таоло золимлар айтаётган гаплардан Олий ва Покдир. Сўнг Аллоҳ ёрдам берган қавм чиқди ва улар Аллоҳдан бошқа бирор-бир нарсага эътибор қилмади, нурнинг нурига қарашди. Улар ёлғиз Аллоҳнинг ўзига ихлос ила ибодат қилишга буюрилди. Аллоҳга ҳақиқий мухлисларча ибодат қилди гарчи кофирлар кариҳ кўрсалар ҳам.

Иккинчи важҳ

Динни бидъат ва хурофотдан, шиа ва турли фирқалардан қутқаришликдир. Аллоҳ таоло Шуаро сурасинг 88-89-оятларида шундай дегани каби: **“У кунда на мол манфаат берар ва на болалар. Магар ким Аллоҳ ҳузурига тоза қалб ила келса, (манфаат топар)”**. Саҳл айтади: “Тоза қалбдан мурод залолатга бошловчи бидъат ва фасодга олиб борувчи ҳаводан йироқ бўлишдир”.

Ваҳоланки, Аллоҳ таоло аҳли бидаътни мусулмонлар жамоатидан, умматлар жамиятидан, дин соҳасидан чиқарди. Бунинг тасдиғи Аллоҳ таоло Анъом сураси 159-оятида шундай деди: **“Динларини тафриқа қилиб, ўзлари гуруҳбозлик қилганлар билан ҳеч бир алоқанг йўқ..”!**

Ойша р.а. айтади: Булар ҳақида Пайғамбар алайҳис саломдан сўрадим. У киши айтдилар: **“Улар бидъат аҳли, улар мендан йироқ, мен улардан йироқман”.** Ва яна пайғамбар алайҳис салом айтдилар: **“Яҳудийлар етмиш бир фирқага, насоролар етмиш икки фирқага ва менинг умматим эса етмиш уч фирқага бўлиниб, шулардан биттаси нажот топувчидир”.** Бошқа бир ривоятда: “фақат саводул аъзам (катта жамоат) дан бошқаси дўзахда,”-дедилар. Яна бир ривоятда: “Адашган ва адаштирувчи фирқаларнинг барчаси дўзахга бошлайди,”- дедилар.

Абул Осим айтадилар: “Бидъат ва фирқаларнинг асли олтита бўлиб, зандиқлар, жаҳмийлар, қадариялар, муржиалар, равофизлар ва харурийлардир.

Зиндиқлар эса беш фирқага бўлинади, жаҳмийлар саккиз фирқага, қадарийлар етти фирқага, муржиалар ўн саккизта фирқага, равофизлар ўн беш фирқага, харурийлар йигирма беш фирқага бўлинади ва жами етмиш икки фирқа бўлди.”

Шуларнинг барчаси ҳалокатдадир. Абу Толиб Маккий айтади: “Бидъатларнинг барчаси гуноҳдир, лекин унинг катта кичиклари бордир. Катталарининг бештаси нақл ва асарлар асосидан кофирлигига уламолар ижмо қлишган.

Қадариялар умматнинг мажусийсидир, муржиалар умматнинг насороларидир, жаҳамийлар умматнинг яҳудийсидир, Саҳобаларни кофирга чиқарган равофизлар умматнинг мушрикларидир, зиндиқлар эса умматнинг кофирларидир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: “Эргашинглар тўғри йўлга ўзларингдан бир янгилик чиқарманглар, башорат беринглар, нафратлантирманглар, енгил қилинглар, оғир қилманглар, бидъатдан сақланинглар. Ҳар бир янглик бидаътдир ва ҳар бир бидаът залолатдир ва барча залолат дўзахдадир. Бидъат қилишдан ва динда ғулу кетишдан сақланинглар, бандаларнинг ёмонлари ғулу кетган вайсақилардир. Кимда-ким жаннатнинг боғларини хоҳласа, жамоатни лозим тутсин, кимки жамоатдан ажраса дўзахдадир”. Яна Расулуллоҳ соллаҳу алайҳи васаллам айтилар: **“Бидаът аҳли дўзах итларидир”.** Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам

Оиша розияоллоҳу анҳога айтдилар: “**Ҳар қандай гуноҳни тавба ювади, фақат аҳли бидъатнинг гуноҳи тавба билан ҳам ювилмайди, мен улардан йироқман улар мендан йироқдир”.**

Иблис алайҳил лаъна айтади: “Мен одам боласига бир гуноҳни зийнатлаб кўрсатсам, у истиғфор билан белимни синдирди, шундан кейин мен уларга истиғфор айтиш хаёлига келмайдиган гуноҳни зийнатлаб кўрсатаман, у ҳаво билан бидъатдир”. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **“Аллоҳ таоло мени танлади ва менга асҳобларни берди ва улардан куёвлар ва саҳобалар қилиб берди, охир замон яқинлашганда уларнинг камчилликларини топмоқчи бўлган қавмлар пайдо бўлади. Ундай қавмлар билан бирга ўтириб овқатланманг, касал бўлса, бориб кўрманг, вафот топса, жанозасига ҳозир бўлманг”.**

Учинчи важҳ

Ихлос амални энг нозик ва дақиқ иллатлардан сақлашдир, гўё Аллоҳ таоло Каҳф сурасининг 110-оятида марҳамат қилганидек: ..... **“Бас, ким Роббига рўбарў келишни умид қилса, яхши амал қилсин ва Робби ибодатига бирортани шерик қилмасин”, -дегин.** “Айтиладики, оятдаги маъно- ким Роббисининг улуғ мақомидан қўрқса ҳеч нарсани Аллоҳга ширк келтирмасдан ихлос ила солиҳ амал қилсин. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан: “Расулуллоҳ соллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **“Риёкор қиёмат куни тўртта исм билан чақирилиб, “Эй фожир, эй хоин, эй кофир, эй золим сенинг амалларинг ботилдир, бор сен кимни шерик қилган бўлсанг шундан ажрини сўра” дейилади.**

Жунайд Бағдодий айтадилар: “Ёмон одатларингни йўқотиб, ақлингни ишлатиш ила амалдаги ихлос мукаммал бўлади”.

Айтиладики, кимнинг айбини айтилса, жаҳли чиқса, у риёкордир, бир кишики бировни танқид қилиш ўрнига мақтаса у ҳам риёкордир. Бир киши одамлар ичида жуда ғайратли бўлиб, ўзи ёлғиз қолганда дангаса бўлса, бас у ҳам риёкордир. Исо алайҳиссалом айтадилар: “Охир замон яқинлашганда бир қавм чиқиб, мўйловларини қисқа қилади, кийимларни калта кияди, жойларини кенг қилиш учун намозларини узун ўқийди, саломни ўз ўрнига қўймайди, қиёмат кун ундай одамларга айтилади: “Эй шаҳват эгалари, савобларини сизлар ширк келтирган кишидан олинглар!” Валлоҳу аълам.

Тўртинчи важҳ

Садақага буюрилмаган суҳбатларнинг кўпида яхшилик йўқ. Аллоҳ таоло учта ўриндан бошқасида банданинг банда учун сирли суҳбатининг фойдасини қайтарган. Улар кўп маънони ўз ичига олсада, лафзда жуда мухтасардир.

Нисо сурасининг 114-оятида Аллоҳ таоло шундай дейди: **“Уларнинг кўпгина махфий суҳбатларида яхшилик йўқ, магар ким садақага, яхшиликка ва одамлар орасида ислоҳга амр қилсагина, яхшилик бор”.** Бу оятнинг зоҳири тафсирига кўра, садақа фарздир. Айтиладики, Уч тоифанинг биринчиси, биродарнинг бир-бирига қилган ваъз-насиҳати ҳам садақадир, мусулмонларга зарар беришдан тилингни тийишинг ҳам садақадир. Иккинчиси, амри-маъруф ва наҳй мункар ҳам садақадир. Учинчиси, одамлар ўртасини ислоҳ қилиш учун айтилган гаплар ҳам садақадир. Кимки мазкур уч ишни бажарса уни аввалдан қабул килинди деб айтолмаймиз. Лекин у амалларни

холис Аллоҳнинг розилигини истаб мухлис бўлиб қилган бўлса унга Аллоҳ улуғ ажр беради. Улуғ ажрдан мурод шуки унинг нималигини фақат Аллоҳнинг Ўзи билгувчидир. Аллоҳ таоло Нисо сурасининг 135-оятида шундай марҳамат қилади: **“Эй иймон келтирганлар! Адолат ила туринг, ҳамда агар ўзингиз, ота-онангиз ва қариндошларингиз зиддига бўлса ҳам, Аллоҳ учун тўғри гувоҳлик беринг...”.** Ибн Аббос розияоллоҳу анҳу мазкур оятнинг тафсирида шундай дейди: “Адолат ила туринг” яъни адолат билан гапиринг, агар ўзингиз, ота-онангиз ва қариндошларингиз зиддига бўлса ҳам, сўзларингизда ҳаволарингизга мойил бўлмасдан ҳақни гапинг”. Аллоҳ таола забурда ваҳий қилди: “**Эй Довуд, дунёни севган ҳар бир қалбга ҳақни гапириш ҳаромдир”.** Айтиладики, тўртта калимадан бошқаси одам фарзандининг фақат зарарига бўлади: Аллоҳнинг зикри, амри маъруф, наҳй мункар, ўрталарни ислоҳ қилиш. Умар ибн Абдулазиз хутба ўқиди, хутбани чиройли ўқирди бирдан тўхтатиб қўйди ва бир китоб ёзди, китобни чиройли ёзди, сўнг йиртиб ташлади, гапнинг офатини билганлиги учун ташлаб юборди. Мухлис киши гапиришдан аввал гапини синчиклаб текшириб, сўнг гапиради. Тилда ўттиз олти тур гуноҳ бор бўлиб, улар тилёғламалик, мунофиқона сўзлаш, гапни зийнатлаш, жанжалашиш, тортишиш, ўзаро хусуматлашиш, бўҳтон қилиш, ёлғон гувоҳлик бериш, фожир қасам ичиш, ғийбат, ёлғон сўз,чақимчилик, бўҳтон, вайсақилик, йўқ сифат билан мақташ, сеҳрлаш, куфрони неъмат, ботилнинг ёнини олиш ва бундан ташқари, ҳам тил офатлари кўп бўлиб буларни бирма-бир келтирсак китобимиз узун бўлиб кетади.

Кимки жим сукут қилса, шу офатлардан саломат бўлиб, жуда катта фойдани қўлга киритади. Кимки, хоҳлаганини гапирса у гапдан тийилмабди ва кимки, иштаҳа қилган нарсасини еса таомни парҳез қилмабди.

Бешинчи важҳ

Малик, Халлоқ бўлган Аллоҳнинг розилигини излаб ахлоқларда холис бўлиш ҳақида. Латиф, Раззоқ бўлган Аллоҳ рост сўзлагувчи пайғамбар алайҳис саломга марҳамат қилганидек: **“Ва албатта, сен улкан хулқдасан.”** (Қалам сураси 4-оят). Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи салламнинг етти йил хизматларини қилдим, у кишига ҳақни жўнатган Зотга қасамки, мен у киши кариҳ кўрадиган иш қилсам, менга, нега бундай қилдинг, демадилар ва у киши яхши кўрадиган ишни қилмасам, нега буни қилмадинг, демадилар. У киши ҳам, аёллари ҳам мени бирор ишда маломат қилмадилар. Фақат, кўявер китобда, тақдирда шундай дейишарди.?! У киши бир жуда машаққатли ишни қилмоқчи бўлсалар: **“Агар тақдир қилинган бўлса, бўлади”,** -дердилар. У кишига таом келтирилса таомнинг айбини айтмасдилар, иштаҳа қилса ердилар иштаҳа қилмасалар тарк қилардилар. У киши ўз ҳақлари учун ғазабланмасдилар, аммо Аллоҳнинг ҳаққида ва одамларнинг ўзаро ҳақларида шундай ғазабланардики, гўё одамлар у кишининг олдида қўйнинг жунидек учиб кетарди. Мана шундай ахлоқларини Аллоҳ таоло Қуръонда: **“ Ва албатта, сен улкан хулқдасан”,** деб мақтади. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу айтадилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қоматлари чиройли, юзлари гўзал, ҳидлари ширин, кафтлари мулойим еди, мен у кишининг ҳидларидан кўра бирор хушбўй нарса кўрмаганман. Ҳидлари мушкуанбардан кўра ширин ва кафтлари эса ипакдан ҳам мулойим эди. Оиша розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи

васаллам вафот қилганларида у кишига атаб марсия айтдилар: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаламнинг қабрларини ҳидлаган кишига замоннинг барча ҳидларини ҳидламаслиги зарар қилмайди. Агар менинг бошимга тушган мусибат кунларга тушганда эди, албатта, кундуз кечага айланарди.”

Жунайд раҳимаҳуллоҳдан: “Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ йўлида келган балолардан бирор марта шикоят қилмадилар, балки Аллоҳдан раҳм-шафқат ва мағфират сўраб: “Аллоҳим, қавмимни мағфират қилғил, улар билишмаяпти, дердилар. Аллоҳ таоло у кишини мақтаб Қуръонда: **“Ва албатта, сен улкан хулқдасан”,-деди.** Шу ўринда сизга бало ҳам таъсир қилмайди деди. Жаззар қаддасаллоҳу руҳаҳу **“Ва албатта, сен улкан хулқдасан”** Оятини шундай тафсир қилдилар: “У киши биз умматларига фақат ҳиммат қилдилар.” Гапирсалар фақат, бизнинг фойдамизни кўзлаб гапиринглар фикрлашган бўлса, бизнинг фойдамизни истаб фикрлашдилар, ўтирсалар, бизлар билан ўтирдилар, дўст тутганлар бизларнинг ичимиздан бўлди, бизларга даъват қилдилар, нимаки эшитган бўлсалар, бизларнинг гапимизни эшитдилар, меҳмон бўлсалар, бизларнинг меҳмонимиз бўлдилар, ҳамма вақт ҳам ўзларини қўйиб, бизларнининг фойдамизни ўйладилар.

Довуд алаҳис саломга шундай ваҳий юборилди: “Менинг хулқларим ила хулқлангин. Мен Сабур (Сабр қилгувчи) ман, бас, кимгаки чиройли хулқ берилса, унга улкан даража берилибди. Чунки мартабалар илмларга боғлиқ, хулқ эса сифатларга боғлиқ.

Хабарда айтиладики: “Аллоҳ таоло уч юз ўн неччидир хулқ яраттики, кимдаки у хулқдан биттаси бўлса ҳам, жаннатга киради. Абу Бакр розияллоҳу анҳу айтадилар: “ Эй Расулуллоҳ, менда ана шу хулқдан бирортаси борми?” -деди. У зот: “Эй Абу Бакр, сенда унинг ҳаммаси бордир,” дедилар. Ва унинг энг яхшиси Аллоҳ йўлида саховатли бўлишдир.

Айтиладики, Аллоҳ таоло мўмин кишига бешта нурни берди: Ҳидоят нури, тавфиқ нури, ибодат нури, кифоя нури, риоя нури.

Бас, ҳидоят нури ила амалларини, кифоят нури ила ҳолатларини,риоят нури ила ахлоқларини холис қилади. Айтиладики, динда ихлосли бўлган кишини муслим, имонда ихолисли бўлган кишини мўмин, феълда ихлосли бўлган кишини муттақийн, сўзда ихлосли бўлган кишини муҳиб, хулқда ихлосли бўлган кишига ориф дейилади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: “Қиёмат кунида ихлос билан ширк Аллоҳ ҳузурида беқарор бўлиб туради. Шунда Аллоҳ таоло ихлосга амр қилиб: “Сен ва аҳлинг жаннатга боришлар,”-деди. Ширкка эса: “Сен ва аҳлинг дўзахга бор”,- деди. Абу Сулаймон Дороний рҳимаҳуллоҳдан: “Қайсики амалнинг дунёда савоби йўқ бўлса, унинг охиратда ҳам ажри йўқдир”. Яъни бундан мурод, ўша амалда ҳаловат йўқлигини қасд қилишмоқда. Ҳаловат амалнинг мероси бўлиб уни топмаган киши ихлоси оз кишидир. Аҳмад ибн Абу ал-Ҳаворийдан: “Мен Сулаймоннинг шайхига: “Ҳилватда намоз ўқиб, ибодат лаззатини топдим”,- дедим.У қанақа лаззат?,- деди шайх “Мени ҳеч ким кўрмаганидан лаззат олдим,”- дедим. “Сен заифсан, қалбингда халқ хатари бор, сен икки дунёда ҳам Роббингдан бошқасини кўрмай ибодат қилсангина мухлис бўла оласан”,- деб жавоб қайтарди шайх. Расулуллоҳ саллоллоҳу

алайҳи ва саллам: “Ибодат қилаётган банданинг иймони комил бўлмайди,”-дедилар одамлар унинг ҳузурида туяга ўхшаб кўринмагунча (беэътиборлиги). Бу сўз ибодат пайтида банданинг ҳузурида банданинг эътиборини инкор қилишдир. Сўнг шайх айтадики: “Ибодат вақтида банданинг ўз нафсини жуда хақир кўриши одамлар томонидан келадиган риёдан ва ўз нафси томонидан келадиган офатлардан саломат қилади. Натижада банда ўз нафсини ўта ҳақир санаши туфайли бира-тўла икки иллатдан, нафс ва риё йироқ бўлади.

Абу Сулаймон Дороний роҳимаҳуллоҳдан: “Зумар сурасининг 3-оятида зикри улуғ бўлмиш Аллоҳ таоло латиф киноя билан шундай дейди: **“Огоҳ бўлингким, холис дин Аллоҳникидир”.** Бундаги киноя улуғ меҳрибонлик билан қўрқитиш бўлмоқда. Бу латиф киноя дейлик сотувчилар орасига оралаб, кўрди, одамлар тарозидан ураётганини ва бозорқўм уларга қараб хитоб қилди: “Эй, менда назорат торозиси бор, сизларнинг қинғир торозиларингизни ошкор қиламан”. ўхшаш таҳциддир.

Хотамул Асом роҳимаҳуллоҳдан: “ Бешта нарсада нафсингни холис қил: Риёсиз солиҳ амал қилиш, тама килмасдан олиш, миннат қилмасдан бериш, бахил бўлмасдан сақлаб қолиш, очкўзлик қилмасдан ейиш. Амални билан риё қилиш зиёнкорликдир, тамагирлик нуқсондир, берганини миннат қилиш бўҳтондир, бахиллик ила ушлаб қолиш куфрлик ва тажовуз ва туғёндир, очкўзлик ила ейиш зулм ва тажовуздир. Риё амалнинг офати, тама олишнинг офати, миннат эса беришнинг офати, бахиллик эса молнинг офати, очкўзлик эса ейишликнинг офатидир.

Яна Хотамул Асом роҳимаҳуллоҳдан: “Эй одам боласи, учта ўринда ўзингга эътибор бер, шундагина сен шарафга ва холисликга етасан. Агар бир амал қилсанг, Жабборнинг кўриб турганини эслаб тур. Агар гапирсанг, Ғаффорнинг гапингни эшитиб турганини эслаб тур. Агар сукут сақлаб турсанг, сени Қаҳҳор билиб турганини эслаб тур. Кимки Жабборнинг кўриб турганини ҳис қилса, гуноҳ ишлардан тоза бўлади. Кимки Ғаффорнинг эшитиб туришини ҳис қилиб гапирса фақат ўйлаб гапиради. Кимики Қаҳҳорнинг билиб туришлигини ҳис қилса, одамларнинг сирларини бекитиб туради.

Яҳё ибн Маоз ар-Розий роҳимаҳуллоҳдан: “Хилватда сабр қилиш ихлос аломатидандир, нафсу ҳавога тескари бўлиш эса нажот ва халос бўлиш аломатидандир. Кимки қурбат шамолини ҳидласа ва муҳаббат шарбатини тотса, қаттиқ арқон билан боғланади, ундан қутилиш ҳам йўқ, ўлиш ҳам, ўлдирилиш ҳам йўқ, ўлдирилса ҳам, ўлса ҳам, муҳаббат ичида ўлади.

Абу Али Рўзбори роҳимаҳуллоҳдан: “Аллоҳ таоло амалларнинг энг тўғрисини, энг тўғрисининг энг ихлослисини, энг ихлослисининг энг суннатга мувофиқини қабул қилади”.

Иброҳим ибн Шайбон роҳимаҳуллоҳдан: “Кимки бутун бир борлиқда ҳур бўлишни хоҳласа, холис Роббиси учун ибодат қилсин. Кимки Роббиси учун ибодатда бирор нарсани шерик қилса, у қандай ҳур бўлсин? Ваҳоланки, у амалининг савобини шерик қилган кишидан талаб қилади. Амали ҳам, банда ҳам, шерик қилган нарса ҳам махлуқ бўлса, қандай Холиққа ибодати холис бўлади. тафаккур қил!”

Абдуллоҳ ибн Муборак роҳимаҳуллоҳдан: “Агар банда бир нафасини ширкдан ва риёдан йироқ ўтказса, умрининг охиригача шу нафаснинг баракоти билинади.”

Баъзи уламолар айтадиларки: учта нарсадан йироқ бўлмагунча амаллар холис бўлмайди: Халқ риёсидан, нафс риёсидан ва дуо риёсидан.

Абу Бакр Роқий роҳимаҳуллоҳдан: “Ихлос тама, бидъат ва ҳаводан узоқ булиб ички ва ташқи ҳаракатлари Аллоҳ таолога холис қилишдир.

Яна баъзи уламолар айтадилар, Амалнинг ихлоси учта нарсададир: Амалга мувофиқ бўлишни Аллоҳдан деб билиш, қиладиган амалидан Аллоҳнинг розилигини кўзлаш, ўлгандан кейин амалларинг савобини умид қилиш. Амалга мувофиқ бўлишни Аллоҳдан деб билгандан сўнг кибрдан узоқда бўлади. Қиладиган амалидан Аллоҳнинг розилигини кўзласа махлуклардан бирортасини мақтамайди ва ёмонламайди. Ўлгандан кейин амалларининг савобини умид қилса бандалардан тамаъ қилишдан йироқда бўлади.

Баъзи уламолардан сўралди: “Ибодатдаги ихлос билан тавҳиддаги ихлоснинг фарқи нимада?” Жавоб берилдики: “Ибодатдаги ихлос ширкдан пок бўлиб Аллоҳга юзланиш, амалдаги қувват ва ҳолни Аллоҳдан деб билишдир. Ҳимматдаги ихлос эса Аллоҳга боғланиш йўлида ширкка боғланиб қолмаслик учун қалблардан алоқаларни узишдир. Тавҳиддаги ихлос эса холислик ила Аллоҳ таолони ёлғиз деб билиш ва даъволарни рад этиш, булар азалийдир ҳақ эса абадийдир.? Бандалик эса Аллоҳнинг розилигига эргашишдир. Қандай холис бўлсинк, сен амалингга боқиб қолгансан, қилаётган амалларинг ўзинга кўз-кўз бўлиб турар экан, амалингда холислик йўқдир. Қачонки ўз амалингдан назарингни тиёлсанг, шунда Роббинг ила танҳо қоласан ва жаннатда боқий қоласан, шундагини амалинг холис бўлади ва даражанг кўтарилади ва улуғ мақомга эришасан”.

Зувзоний роҳимаҳуллоҳдан: “Банда ҳақиқий шаҳодатни топиши учун тўртта нарсага муҳтож бўлади: Ихлос, тасдиқ, суннатга эргашиш ва тўғри йўлда туриш. Кимки тилида шаҳодат келтирсаю, қалби ихлоссиз бўлса, бас у мунофиқ ва шаккокдир. Кимки тилида шаҳодат келтирсаю, қалби тасдиқламаса, бас, у каззоб ва кофирдир. Кимки тилида шаҳодат келтирсаю суннатга эргашмаса, бас, у хор ва бузғунчидир.Яна кимки тилида шаҳодат келтириб тўғри йўлда турмаса, демак у фосиқдир ва ҳалокатдадир.

Шақиқи Балхийроҳимаҳуллоҳдан: “Кимки ихлосли бўлса ажралибди, кимки ажралса, ёлғизланибди, кимки ёлғизланса, холи бўлибди, кимки холий бўлса тавҳидчи бўлибди, кимки тавҳидчи у роҳатда бўлибди, кимки роҳатда бўлса, зоҳид бўлибди.

Зувзоний роҳимаҳуллоҳдан: Намозхонинг намозлари солиҳ амал бўлиб юксалиш учун тўрта хислатга муҳтождир: Қалб хотиржамлиги, ақлнинг гувоҳлиги, арконларни ўз ўрнига қўйишлик ва нафсга эътибор қилишлик.

Кимки қалб хотиржамлигисиз намоз ўқиса, у юзаки намозхондир. Кимки ақлнинг гувоҳлигисиз намоз ўқиса, бас у бепарвонамозхондир. Кимки арконларни ўз ўрнига кўймасдан намоз ўқиса, у ўзига жафо қилгувчи намозхондир.Кимки нафсга эътибор қилмасдан намоз ўқиса, у хато қилгувчи намозхондир. Кимки шу ҳадларга эътибор бериб ўқисагина, у киши мукаммал намозхондир. Юзакилик қалб сифати, бепарволик ақл сифати, жафо рукунларни сифати ва хато эса нафс сифатларидандир.

Биз хулоса қилиб айтишимиз мумкинки: Умар Термизийнинг ушбу асаридаги “ихлос” ва “мухлис” тушунчалари ўзоро бир бирига узвий боғлиқдир. Ҳозирги кунимизда Умар Термизийнинг ушбу асари ҳар бир ёшу қарига бирдек фоидали бўлиб, қалбни тўғри бошқаришни ўргатади.

ТЕРМИЗЛИК ИККИ БУЮК АЛЛОМА ЯШАГАН ДАВРДАГИ ТАРИХИЙ-МЕЪМОРИЙ ОБИДАЛАР: БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Очил Бўриев*,

Фаҳриддин Самаров*

Аннотация. Мазкур мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистондаги тарихий-меъморий ёдгорликларга бўлган эътибор тубдан ўзгаргани, ушбу кўҳна иншоотларни қайта тиклаш ва таъмирлаш, тарихий обидаларимиз ёш авлодини ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги аҳамияти ҳақида сўз юритилиб, икки буюк аллома Ҳаким ат-Термизий ҳамда Имом Термизийларнинг табаррук номлари билан боғлиқ тарихий-меъморий мажмуалар мисолида мавзу алоҳида таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Қадимий Термиз, Шеробод тумани, Термизий алломалар, миллий қадрият, маданий мерос, тарихий-меъморий ёдгороиклар, таъмирлаш ва қайта тиклаш, кўҳна иншоотлар.

Abstract. This article has radically changed the attention to the historical and architectural monuments of Uzbekistan over the years of independence, the importance of restoration and repair of these ancient buildings, the importance of our historical monuments in educating the younger generation in the spirit of patriotism, and historically related topics associated with the blessed names of two great scientists Hakim at-Tirmizi and Imam Termizi, the topic is analyzed separately using the example of architectural complexes.

Keywords: Ancient Termez, Sherabad district, Termizi monuments, national value, cultural heritage, historical and architectural monuments, repair and restoration, ancient buildings.

Юртимиз узоқ минг йилликлар тарихи давомида жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган, моддий ҳамда маънавий маданияти юксалган ҳудудлардан бири бўлиб, мамлакатимиз ҳудудида бир неча асрлар аввал аждодларимиз томонидан барпо этилган этилган маҳобатли тарихий-меъморий ёдгорликлар бунинг ёрқин исботи ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистонда 8 мингтадан кўпроқ маданий мерос объектлари мавжуд бўлиб, ушбу ўтмиш дурдоналарининг катта қисмини археологик ёдгорликлар ташкил этади.

Ўзбекистон жанубий ҳудудидаги Сурхондарё вилояти ҳам ўзининг узоқ тарихига эга бўлиб, ҳозирги вақтда вилоят ҳудудида нафақат маҳаллий сайёҳларни, шу билан бирга хорижий сайёҳларни ҳам ўзига жалб этиб келаётган 600 тага яқин қадимий ёдгорликлар жойлашган. Жумладан, IX–XV асрлар давомида икки буюк сиймолар Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳамда Абу Исо Термизийлар шарафига барпо этилган мажмуа ёдгорликлари ўз даврининг тенгги йўқ тарихий-меъморий иншоотлари ҳисобланади. Аввало, Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳазратлари ҳақларида тўхталиб ўтсак. Тасаввуф шайхларидан бўлган ушбу инсоннинг тўлиқ исмлари Абу

* *ҚарДУ профессори.*

* *ҚарДУ докторанти.*

Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Башир Ҳаким бўлиб, таҳм 750\760-869 йиллар давомида яшаб ўтганликлари тарихий асарларда келтирилган[1.470].

Мазкур аллома исломий илмларга оид бир қатор асарлар ёзиб қолдирган. Буюк мутафаккир “Бадъу шаъни Абу Абдуллоҳ” асарида ёзишича 25 ёшга етгунга қадар ўша даврда барча илмларнинг ўчоғи бўлган Мовароуннаҳр шаҳарларида таълим олиб, 27 ёшида муборак ҳаж сафарини амалга оширган[2.10].

Ўз даврининг етук шайхи хисобланган ушбу аллома шарафига IX-XV асрлар давомида йирик мақбара бунёд этилган бўлиб, мазкур тарихий мажмуа мақбара, хонақоҳ, масжид, қорихона каби бир қатор бинолардан ташкил топган. Тарихий обидада асрлар давомида бир неча бор қайта таъмирлаш ва мустаҳкамлаш ишлари олиб борилган. Марказга интилма гумбазли ёдгорликнинг айвон ҳамда саҳни масжид билан қўшиб юбориш услубида ишланган. Кўҳна иншоотнинг мақбара девори давомчиси бўлган ғарбий қисмининг марказида маҳобатли меҳроб барпо этилган.

Қадимий мақбара қурилиш шаклига кўра, чортоқ услубида бўлиб, ичкарига кириш қисмида очиқ аркли пештоқлар жойлашган. Мажмуа ҳудудидаги даҳманинг бунёд этилиш тарихини тарихшунос олим С.Турсунов ўз асарида қуйидагича изоҳлаган: “XI аср охирларида Қорахонийлар ҳукмдори Абул Музаффар Аҳмад Тигатигин (1081-1098 йилларда ҳукмдорлик қилган) фармойиши бўйича даҳма ичкариси ажойиб уймакори ғиштлар билан коплаб чиқилган. Макбаранинг шимолий ёндеворига унча катта бўлмаган масжид туташтирилган. Масжиднинг ҳажм-режа композицияси машҳур муаррих Абу Бакр Наршахий (899-959 йй) тасвирлаган Бухоро намозгохи меъморчилигига ўхшаб кетади”[3.15-16]. Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ушбу мажмуанинг бир қисми ҳисобланган қадимий масжид меъморчилик мактаби анъаналари асосида барпо этилган.

Қадимий мажмуа ҳудудида XIII-XIV асрлар давомида бир қатор бинолар, жумладан, XIII аср охирида дахманинг шаркий деворига яна бир чорси мақбараси бунёд этилган. Ҳаким Термизий мақбарасининг асосий қисми Соҳибқирон Амир Темур даврида, яъни 1390 йилнинг август – сентябрь ойларида қуриб битказилган. Тарихий ёдгорлик унча катта бўлмаган, тўртбурчак шаклга эга бўлиб, устида салобатли гумбаз ҳам барпо этилган. Хонақоҳ ичида жойлашган Ҳаким ат-Термизий даҳмасининг устига темурийзода Шоҳруҳ мирзо даврида катта қабртош ўрнатилган[4. 471-472].

Ушбу қадимий иморатнинг умумий ўлчами 28.0 х 29.0 метрни ташкил этади. Обиданинг ўзига ҳос жиҳатларидан бири, деразалари ўлчамининг катталигидадир. Деразалар ўлчами 5,10х4,70 метрни ташқил қилади. Қадамжо ҳовлисида ғиштлар арчасимон услубда терилган бўлиб, бу ҳам мажмуа ҳудудидаги иншоотларнинг мазкур ҳудуддаги бошқа тарихий объектлардан қурилиш услуби жиҳатидан ажралиб туришини таъминлайди.

Темурийлар даврида яъни XV аср бошларида мазкур муқаддас қадамжо ҳудудида бир неча бор бунёдкорлик ишлари олиб борилган. Жумладан, темурийзода Халил Султон даври бунга ёрқин мисол бўлас олади[5.578]. Халил Султон даврида амалга оширилган қурилиш ишлари тўғрисида тарихий манбаларда қуйидагича

ёзилган: “Амир Темурнинг набираси Халил Султон хукмронлиги даврида қадимий мажмуанинг шимоли-шарқий қисмида маҳобатли хонакох қад ростлайди. Мармардан тикланган сағана ҳам шу даврда барпо этилган - бу темурийлар даври усталарининг тош йўниш ва нақш чекиш санъати дурдоналаридан биридир. Темурийлар ҳукмронлиги даврида ҳонакох баланд асос (баландлиги 1,5 м) устига пишиқ ғиштдан қайта қурилиб, унга туташ бўлган хоналар таъмирланган”[6.52]. Айтиш мумкинки, Амир Темур ва темурийлар даврида мазкур мажмуадаги кўҳна ёдгорликларда олиб борилган бунёдгорлик ишлари натижасида тарихий мажмуа бугунги кўринишга келган.

Кўҳна мақбара ичидаги мармар сағана 3 поғонали, асосий ислимий нақш ва ёзувли ҳошиялар билан ўрта қисмидаги 3 меҳробий токчанинг марказий (ўрта) қисми муқарнас косачалар билан, 2 ёни шамчироқ тасвири билан безатилган. Қадимий сағанадаги ёзувларда Хаким ат-Термизий ҳаёти ва фаолияти ифодаланган. Кичик мақбарада ҳам қисман таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Бухоро хони Абдуллахон II даврида хазира (ҳовли) худудида тўққиз гумбазли масжид барпо этилган[7:38] Олдида енгил равоқ-устунли айвон ҳам қурилган. XIX асрда тўққиз гумбазли масжид ўрнида тўрт гумбазли масжид бунёд этилган.

Алломанинг ўз даврида нақадар катта нуфузга эга бўлганли тўғрисида С.Турсунов қуйидагиларни ёзган: “Ал-Ҳаким ат-Термизий “Содот ал-машойих” (шайхлар саййиди) нисбаси ила эъзозланиб, эл аро “Ҳаким” унвони билан танилган ва “Ҳаким” сўзи илмнинг ички сирларини билувчи демакдир[8:100].

Бин неча асрлик ўтмиш меросимиз ҳисобланган ушбу қадимий мажмуа ҳакидаги дастлабки маълумотни 1878 йилда А.Бикова ўз асарида келтириб ўтган. Шунингдек, 1926-1927 йилларда Б.П.Денике ва Б.Н03асипкинлар тарихий ёдгорлик ҳудудида дастлабки илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар. 1936 йилда ТАКЭ (Термиз археологик комплекс экспедицияси) аъзолари М.Е.Массон бошчилигида мажмуада ўрганиш ишлари амалга оширилган. 1938 йилда эса Г.А.Пугаченкова қадимий мақбара тўғрисида маълумотларни ёзиб қолдирган. 1947 йилда В.П.Петров, 1955 йилда В.М.Филимонов ва К.А.Шахуринлар бошчилигида олимлар томонидан ёдгорликнинг таъмирланишига оид тадқиқоглар амалга оширилган[9:53]

Шу билан бирга, ушбу тарихий объект ҳудудида 1955-1957 йиллар давомида ҳам илмий тадқиқот ишлари ва таъмирлаш амалиётлари амалга оширилган бўлиб, мазкур ишлар давомида ёдгорликнинг XIV-XV асрлардаги кўриниши қайта тикланган. 1980-1981 йиллар давомида ҳам қадимий обида қисман таъмирланган бўлса, мустақиллик йилларида яъни Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилейи муносабати билан ушбу мажмуа ҳудудида кенг кўламдаги қайта тиклаш, таъмирлаш ва мустаҳкамлаш ишлари олиб борилган.

Кўҳна Сурхон воҳаси ҳудудидан кўплаб аллома, шайх, фиқх ва ҳадисшунос олимлар етишиб чиқганлар. Ана шундай буюк алломалардан бири Абу Исо Термизий ҳисобланади. Мазкур ҳадисшунос олимнинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн аз-Заҳҳок ас-Суламин ал-Буғий ат-Термизий бўлган. Мазкур табаррук инсоннинг тўғилган ва вафот этган йиллари тўғрисида тарихчи олимлар ўртасида турли қарашлар мавжуд. Жумладан, адиб Мирза Кенжабеков “Буюк термизийлар”

китобида бу тўғрисида қуйидагиларни ёзган: “Термизий ҳижрий 209 (милодий 824-825) йилда таваллуд топиб, ҳижрий 279 (милодий 824-825) йилда вафот этган. Аллома вафот этган вақтда етмиш ёшда бўлган[10:14].

Мутафаккирнинг ёшлик йиллари Термиз шаҳрида ўтган, дастлабки билимларни ҳам шу шаҳарда олган. Ўз даврининг машҳур уламоси бўлган Имом Термизий билимини янада ошириш мақсадида турли мамлакатларга саёҳат қилган. Хусусан, у узоқ йиллар Ироқ, Исфаҳон, Хуросон, Макка ва Мадинада яшаган. Мазкур сафарлари чоғида Имом Термизий илм ал-Қироат, илм ал-баён, фиққ, тарих, айниқса ҳадис илми бўйича ўша даврнинг энг йирик олимлари – машҳур муҳаддисларидан таълим олади. Тарихий манбаларда қайд этилишича, алломага Имом ал-Бухорий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд, Қутайба ибн Саййид, Маҳмуд ибн Ғайлон каби машҳур муҳаддислар устозлик қилишган[11:18].

Аллома томонидан яратилган ислом таълимотига оид нодир асарлар нафақат ўз даврида қолаверса, бугун ҳам соҳа олимларининг юқори эътирофида туради. Жумладан, ҳадис илмида 6 та ҳадис китоби тан олинади ва улар “Кутуби ситта” (“Олти китоб”) номи билан машҳурдир. Ана шу китоблар орасида “Сунани Термизий” учинчи ўринда туради, Имом Бухорий ва Имом Муслим ибн ал-Ҳажжож (819 – 874) китобларидан кейинги мақомга эгалик қилади[12:104].

Шунингдек, Шайхулислом ибн ал-Ансорий (1006 – 1088) бўлса, Имом Термизий китобини Имом Бухорий ва Имом Муслим китобларидан ҳам юксак баҳолайди. Ушбу китобни шайх қуйидагича изоҳлаган: “Термизийнинг китоби мен учун Имом Бухорий ва Имом Муслим китобларидан фойдалироқдир, чунки уларнинг китобларини чуқур илмли одамларгина тушунади, Абу Исонинг китобларидан эса, ҳар бир киши фойдалана олади”[13:105].

Сурхондарё вилояти Шеробод туманида мўътабар инсон, ҳадисшунос олим шарафига йирик мақбара барпо этилган бўлиб, тарихий манбалардаги қайдларга кўра, муқаддас зиёратгоҳ мажмуасидаги энг тарихий иншоотнинг қурилиш тарихи XI-XII асрларга таълуқлидир[14:472]. Кўҳна ёдгорлик шимол-ғарб жануб-шарқ ўки бўйлаб чўзилган тўрт ҳадли иморатларни ўз ичига олади.

Кўҳна мақбара Имом Термизий даҳмаси устига бунёд этилган. Ҳозирги вақтда тарихий иншоот бир-биридан равоқлар орқали ўтувчи 4 хона (бўлма)дан иборат яхлит бино кўрингa эга бўлиб, ушбу хоналарнинг тарҳи 4,3х4,5 метрни ташкил этади. Уч хонали бўлма мурабба тарҳли, улардан жанубироқда эса гўрхона жойлашган бўлиб, унда мармарли сағана мавжуд. Ушбу қадимий сағана уч поғонали, муқарнас нақш ҳамда арабий имло асосида битилган ёзувлар билан безатилган. Мазкур тарихий мақбара ганчкори безаклар билан пардозланиб, унинг ташки деворларига олти ғиштин равоқли намоёнлар ҳам жой олган. Маҳобатли тобадонларига ок ганчдан панжаралар бино этилган.

Мазкур қадимий иншоот марказий зали ва масжид меҳроб билан, жанубдаги гурхона тарафдан эса ғиштли пешток, шимол томондан эса кенг айвон билан ўралганлигини кўриш мумкин. Учинчи зал ҳам саккиз қиррали пешайвон билан ўралган бўлиб, ушбу залнинг шимолий тарафида уч қиррали ва саккиз қиррали

накшлар уйиб ишланган. Тарихий обида унча катта бўлмаган деразалар ёрдамида ёритилган.

Обида хонасиниг устки қисми гумбаз билан ва тўртта хонаси эса тўғри услубда ёпилган бўлиб, хонақоҳ квадрат шаклдаги 24-25х4,5–5 сантиметрлик пишик ғиштлардан лой қоришмалардан барпо этилган. Қадимий иншоотнинг умумий майдони 19,3х6,8 метр бўлиб, унда жойлашган учта хона бир хил катталигда яъни 4,3х4,3 метр, хона эни эса 1,8 метрни ташкил этади[15:114].

Тарихий иншоот ўтган узоқ йиллар давомида бир қатор ўзгаришларга учраган. Жумладан, тарихий масжид билан мақбара бир-бирига боғланиб, дераза ромлари қайтадан ишланган, айвон XV асрда шимоли-ғарбга қараб йўналтирилган ҳамда мажмуа шимоли-ғарбий томондан анчагина шикастланган. Кўҳна обиданинг олд томонига XX аср бошларида устунлари ўймакорлик билан ишланган айвон барпо этилиб, таъмирлаш ва мустаҳкамлаш ишлари ҳам олиб борилган. Ушбу мажмуа ҳудудида жойлашган макбаранинг бунёд этилиш тарихи тўғрисида дастлаб Д.Н.Логофет, 1945 йилда В.А . Воронин, 1968 йилда археолог З.А.Хакимов, 1977 йилда А.Акименко, И.Гудков ва В.А.Аршавскаялар тадқиқот ишларини амалга оширганлар.

Мустақиллик йилларида давомида юртимиз ҳудудида жошлашган маданий мерос ёдгорликлари, жумладан, тарихий-меъморий обидаларга бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Хусусан, Имом Термизий номидаги мажмуаси ҳудудида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносати бидан 1995-1996 йиллар давомида муқаддас қадамжо ҳудудида жойлашган тарихий иншоотларни қайта тиклаш, таъмирлаш ҳамда мустаҳкамлаш ишлари бажарилди.

Умуман олганда айтишимиз мумкинки, Сурхон воҳасининг икки буюк сиймоси ҳисобланган Ҳаким ат-Термизий ҳамда Имом Термизий номи билан боғлиқ бўлган кўҳна обидалар бугунги кунда муқаддас зиёратгоҳга айлантирилган. Ҳоҳирги вақтда ушбу икки зиёратгоҳ масканида нафақат юртимиз, балки хорижий мамлакатлардан ҳам сайёҳлар ташриф буюришмоқда. Шунингдек, бир неча асрлар аввал аждодларимиз томонидан барпо этилган тарихий-меъморий иншоотларни таъмирлаш, қайта тишлаш, сақлаш ва муҳофаза қилиш орқали келгуси авлодларга етказиш бугунги кунимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири саналади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ислом Энциклопедия. – Т., ЎзМЭ ДИН. 2017. -672 б.
2. Буюк алломаларимиз. Исломов З. Муҳаррирлиги остида. –Т., “Тошкент ислом университети”, 2002. -80 б.
3. Турсунов С. Сурхондарё вилояти туризм салоҳиёти Монография. Т.: “Tafakkur”, 2020. -120 б.
4. Тарихи Рашидий (Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий. Таржима китоб. Масъул муҳарри С. Ҳасанов Т.: “O’zbekiston”, -2011. -704 б.
6. Турсунов С. Сурхон воҳаси архитектураси: ўтмиш ва бугун. Т.: “Yangi nashr”, -2014. -186 б.
7. Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи (2 қисм). -Т.: “Янги аср авлоди”, -2019. -404 б.

8. С. Турсунов ва бошқ. Термиз шаҳри тарихи – Т., “Yangi nashr”, -2019. -288 б.
9. Кенжабеков М. Буюк термизийлар. –Т., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” ДИН, -2017. -528 б.
10. Сурхондарё: китоб-альбом / Масъул муҳаррирлар Р Сулаймонов, З. Мирзақулов. Т., “Маънавият”, - 2017. -320 б.

ҲАДИС ИЛМИНИНГ УРФОНИ

Соатмўмин Бўриев Донаевич*
Ўлмас Жўраева Чориевна*

Аннотация. Мазкур мақола ислом илм-фан ривожида ҳадис илмининг аҳамиятини очиб беришга қаратилган. Мақолада ҳадис соҳасида фаолият кўрсатган мовароуннаҳрлик муҳаддислар фаолияти, уларнинг илмий сафарлари, ушбу алломалар асарларининг бугунги глобаллашув давридаги роли очиб берилган.

Калит сўзлар: Мовароуннаҳр, ислом, ҳадис, тафсир, суннат, муҳаддис, Имом Термизий, Термиз.

Abstract. This article aims to reveal the importance of hadith science in the development of Islamic science and describes the activities of muhaddith from Mawarannahr who worked in the field of hadith, their scientific journeys, and the role of the works of these scholars in today's era of globalization.

Keywords: Mawarannahr, Islam, hadith, interpretation, sunnah, muhaddith, Imam Tirmidhi, Termiz.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви миллий маданиятимиз тарихини ўрганишга, у ҳақида холисона фикр билдиришга катта имкониятлар эшигини очиб берди. Миллий қадриятларимизни тиклаш, қадимий бой тарихимизни ҳар ёқлама ёритиш, аждодларимиздан қолган меросларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва уни дунёга ёйиш учун шарт-шароитлар яратилди. Бугунги Янги Ўзбекистонни дунё ҳамжамияти қайтадан кашф этаётганини шараф билан тилга олсак арзийди.

Агар мозийга қараб назар ташлайдиган бўлсак, албатта ҳар қандай давр ва ҳар қандай жамиятда ҳам олиму уломалар, мутафаккиру донишмандларнинг ўрни беқиёс бўлган, эл юрт ўзининг шундай азиз ва буюк фарзандлари билан ҳақли равишда фахрланган, кўнгли тоғдай кўтарилиб, ғуруру ифтихорга тўлган. Бу ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиқадиган бўлсак, Аллоҳнинг назари тушган юртимиз – Ўзбекистон заминида азал-азалдан ўзларининг илмий-маънавий, маърифий-фалсафий мерослари билан жумлаи жаҳонга танилган кўплаб буюк алломалар ва мутафаккирлар етишиб чиқиб, самарали фаолият кўрсатганлар. Уларнинг ақл-заковати, тафаккур дунёси ва юксак илмий салоҳиятининг маҳсули бўлган бебаҳо асарларию буюк кашфиётлари минг йиллар оша нафақат бизнинг диёримиз, балки жаҳон аҳлининг қудратли маънавий мулки сифатида ҳам ардоқланади. Бу умумбашарий мерос дунё тамаддуни ривожига қўшилган муносиб ҳисса бўлганлиги ҳозирги вақтда илм аҳлларига ҳам, кенг жамоатчиликка ҳам яхши маълум. Таассуфлар бўлсинки, собиқ тузум давридаги буюк алломаларимизга нисбатан бўлган адолатсизликлар ва ноҳақликлар туфайли улар ўз мақомларига яраша қадр-қиммат

---

* *Андижон давлат педагогика институти доценти, т.ф.н.*

* *Термиз давлат университети "Давлат ва ҳуқуқ асослари" кафедраси мудири, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

кўрмай, асарлари ҳам муносиб баҳосини топмаган эди. Бинобарин, халқимиз, кенг жамоатчилик у зотларнинг оламшумул аҳамиятга молик бой ва қимматли меросидан бебаҳра бўлиб келдилар.

Тан олиш жоизки, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан эътиборан, биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг олиб борган халқчил ва доно сиёсати туфайли, бу буюк зотлар ўз юрти, ўз халқи бағрига қайтиб, илм-фан ривожидаги юксак мақомларига яраша муносиб ҳурмат ва эътибор топди. Уларнинг ибратли ҳаёт йўллари ва бой илмий-маънавий меросларини ҳар томонлама чуқур ўрганиб, кенг халқ оммасига етказиш давлатимиз сиёсатиниинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Истиқлол йилларида бу муҳим ва долзарб масалалар бўйича эътиборга молик ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда.

Агар ёдимизга оладиган бўлсак, 2014 йилнинг 15-16 май кунлари қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизацияси ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги ўтказилган нуфузли халқаро конференция бу йўналишда амалга оширилган том маънодаги улуғвор ишлардан бири бўлган эди десак, асло муболаға бўлмайди. Ушбу юксак савияда ўтказилган анжуманда дунёнинг элликка яқин мамлакатларидан таниқли олимлар, мутахассислар, экспертлар ва илмий марказларнинг раҳбарлари қатнашгандилар[1].

Дарҳақиқат, Янги Ўзбекистоннинг буюк келажаги ҳам. эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, мамлакатимизнинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам – буларнинг барча-барчаси, аввалambор, янги авлод, ўниб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқ. Бунда эса, табиийки, буюк аждодларимиз ҳаёти, фаолияти, юксак марраларни кўзлаган ёшларимиз учун ибрат мактабидир. Буюк аждодларимизнинг беқиёс аҳамиятга молик меросини изчил ўрганиш ва уни янада келажакда ривож топтириш барча илм аҳллари учун, айниқса, ёшларимиз учун асосий дастуруламал бўлмоғи давр талабидир.

Кенг жамоатчиликнинг хабари бор, 2024 йил 15 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ 292-сонли “Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори чиқди[2]. Ушбу қарор юқорида таъкидлаганимиздек, буюк алломаларимиздан бири ислом оламида ўз ўрнига эга бўлган буюк ҳадисшунос муҳаддис олим Имом Термизий (унинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн аз-Заҳҳок Абу Исо ас-Сулламий аз-Зарийр ал-Буғий ат-Термизий)нинг ҳаёти ва ижодини тўлиқ ўрганишни ва бутун дунёга ёйишни асосий мақсад қилиб қўйди.

Маълумки, Имом Термизий дунёдаги олти улуғ муҳаддиснинг бир сифатида бизнинг диёримизда ҳақли равишда ҳазрати Имом Бухорийдан кейин турадиган азиз,

---

[1] Буюк юрт алломалари. Иккинчи нашри. – Т, “Ўзбекистон” нашриёти, 2018. – Б. 3.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Имом Термизий таваллудининг1200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”. Халқ сўзи газетаси, 2024 йил, 20 август, №167, 1-бет.

муборак ва бузруквор зот ҳисобланади. Имом Термизий ҳижрий 209 (милодий 824) йили Термиз яқинидаги Буғ (ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Шеробод тумани ҳудудида) қишлоғида ўрта ҳол оилада дунёга келган. Бизгача етиб келган манбаларни кўздан кечирганда, Имом Термизийнинг оиласи ва ота-онаси ҳақида аниқ маълумотларга дуч келинмаган, аммо фақат тарихчиларгина унинг: "Бобом асли Марвлик эди, у киши Лайс ибн Сайёр замонида яшаган, сўнг у ердан Термизга кўчиб келганлар", - деган фикрларини таъкидлаб келмоқдалар. Шунингдек, ат-Термизийнинг кўзи ожизлиги тўғрисида ҳам ёзма манбаларда турли хил маълумотлар келтириладиким, баъзи муаллифлар уни туғма кўзи ожиз бўлган деса. кўпчилик муаллифлар олимнинг умри охирларида кўзидан азият чекканлигини қаламга оладилар.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, ат-Термизий ёшлигиданоқ ғоятда илмга чанқоқ, тиришқоқ, идрокли ва заковатли бўлиб, бу фазилатлари билан ўз тенгдошларидан батамом ажралиб турган. Унинг иштиёқи ўша даврнинг кўпгина илмларини, айниқса ҳадис илмини чуқур эгаллашида яққол намоён бўлди. У ёшлик пайтларидан бошлаб Термиз, Самарқанд, Марв ва Марказий Осиёнинг бошқа йирик шаҳарларида истиқомат қилган машҳур уламолар ва муҳаддислар асарларини қунт билан ўргана бошлади, кейинчалик қўшни Балх ва Ҳайратон шаҳарларидаги илм аҳллари билан алоқалар ўрнатди.

Ат-Термизий 850 йилдан, яъни 26 ёшидан бошлаб узоқ юртларга, қатор хорижий мамлакатлар ва шаҳарларга илм излаб сафар қилади. Жумладан, у Ҳижоз, Макка ва Мадина, Ироқ, Хуросоннинг қатор шаҳарларида кўплаб муҳаддислар, уломалар билан мулоқотда бўлиб, улардан таълим олади. Қизғин илмий мунозара ва баҳсларда иштирок этади. Узоқ йиллар давом этган сафарлари чоғида ат-Термизий нафақат ҳадис илмидан, балки илм ал-қироат ал-баён, фиқҳ, тарих ва илм-фаннинг бошқа соҳаларида ҳам кўплаб устозларидан сабоқ олиб, ўз билимини оширади. Буларнинг ҳаммаси ат-Термизийнинг йирик олим даражасига етишига мустаҳкам замин тайёрлайди. Шу билан бирга, ат-Термизий ўзи ёшлигидан қизиққан Пайғамбаримиз (с.а.в.) нинг ҳадисларини тўплашга алоҳида эътибор билан қарайди, бу борада ҳар қандай қийинчиликларга бардош беради. У ўзи ўқиган ёки бирорта ровийдан эшитган ҳадисни алоҳида қоғозларга қайд қилиб, уларнинг асли ва иснодини изчилик билан аниқлаган, уни қайта-қайта текшириб, тўғрилигига тўлиқ ишонч ҳосил қилгач, тўпланган манбаларни алоҳида-алоҳида махсус қоғозларга қайд қилиб борган. Турли ровийлардан эшитган ҳадисларининг тўғрилигига шубҳа ва иккиланиш бўлганда эса уларни ҳам ажратиб, алоҳида ҳолда батартиб ёзиб борган. Шу тариқа, ҳадисларнинг тўғрилиги ва исноди тадқиқ қилинганлиги ёки шубҳалилари турли табақаларга бўлиниб, улар саҳиҳ (тўғри, ишончли), ҳасан (яхши, маъқул), заиф (бўш, ишончсиз), ғарийб (ғалати) каби табақалар асосида кўрсатиб ўтган[3].

Шу ўринда ҳадис сўзининг асл маъно ва мазмуни тўғрисида тўхталадиган бўлсак, ҳадис - Исломнинг Қуръондан кейинги ўринга қўйиладиган иккинчи ёзма манбаи ёки мажозий маънода суннат деб номланади. Шунинг учун ислом манбалари

---

[3] Буюк юрт алломалари. Иккинчи нашри. – Т, "Ўзбекистон" нашриёти, 2018. – Б. 19-28.

ҳақида сўз юритилганда, улар ёнма-ён “Қуръон ва ҳадис” шаклида зикр этилади. Зеро, ушбу икки манба бир-бири билан узвий боғланган бўлиб, ҳадислар Қуръон ҳукмларини тавсир қилади, яъни уларнинг моҳиятини тушунтиради. Исломнинг бош манбаида фақат умумий тарздагина акс этган масалалар ҳадисларда батафсилроқ ёритилган. Айтиш жоизки, ҳадис сўзи луғовий нуқтаи назардан ҳикоя, ривоят ва янги каби маъноларга ҳам эгадир. У Қуръон матнидаги Муҳаммад (с.а.в.)га қаратилган одамларнинг янги таълимотга ишончсизлик билан қараётганидан умидсизликка тушмаслик ҳақидаги даъват маъносида учрайди. Ушбу мазмунда арабча ҳадис сўзи Қуръонда бирон-бир янгиликни етказиш ёки эълон қилиш маъноларида ҳам ишлатилади[4].

Ҳадис илмини эгаллашда ва такомиллаштиришда Имом Термизий ўз даврининг кўпгина машҳур муҳаддислари, жумладан, имом ал-Бухорий, имом Муслим ибн ал-Ҳажжож, Абу Давуд, Қутайба ибн Саъид, Исҳоқ ибн Мусо, Маҳмуд ибн Ғийлон, Саид ибн Абдурраҳмон, Муҳаммад ибн Башшор, Али ибн Ҳажар ал-Марвазий, Аҳмад ибн Мунийъ, Муҳаммад ибн ал-Мусанно, Суфён ибн Вақийълардан таҳсил олган. Шу билан биргаликда у ўз даврининг етук муҳаддиси сифатида кўпгина шогирдларга устозлик ҳам қилган. Унинг шогирдларидан Мақҳул ибн ал-Фазл, Муҳаммад ибн Маҳмуд Анбар, Абу ибн Муҳаммад ан-Насафий, Ҳаммод ибн Шокир, Хайсам ибн Кулайб аш-Шоший, Аҳмад ибн Юсуф ан-Насафий, Абу ал-Аббос Муҳаммад ибн Маҳбуб ал-Маҳбубий каби етук олимларни кўрсатиш мумкин.

Ат-Термизий зеҳнининг ўткирлиги, хотираси ҳамда қувваи ҳофизаси кучлилиги хусусида тарихий манбаларда кўп мисоллар, ривоятлар келтирилади. Жумладан, араб тарихчиси Шамсуддин аз-Заҳабийнинг (1274-1347) “Тазкиратул-ҳуффоз” (“Ҳофизлар ҳақида тазкира”) номли асарида қуйидаги ҳикоя бор: Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий Маккага ҳажга бораётганида йўлда кўп машҳур муҳаддислар билан учрашиб, мулоқотда бўлиб, олимларнинг биридан ҳадислардан сабоқ беришини илтимос қилган. У олим: “Бўлмаса қўлингга қоғоз-қаламингни олгин”, - деган. Аксига олиб, шу пайт ат-Термизий қалам топа олмаган ва олимнинг рўпарасида ўтириб, эшитган ҳадисларини гўёки ёзиб олаётгандек, қўлини қоғоз устида жўртакка ҳаракат қилдираверган. Олим эса турли-туман ҳадислар келтириб, уларнинг етмишга яқинини ҳикоя қилган. Шу орада у ат-Термизийнинг қўлидаги қоғозга кўзи тушиб қарасаки, қоғозда ҳеч қанақа ёзувни кўрмайди. Шунда у ат-Термизийнинг қилган бу ишидан жаҳли чиқиб: “Нима, сен ҳали менинг вақтимни бекорга олмоқчимисан?”, - деб қаттиқ ранжиган. Ат-Термизий эса, бамайлихотир: “Сиз айтган ҳадисларни ёддан айтиб берайми?”, - дегану, ҳозиргина ўзи олимдан эшитган ҳадисларнинг ҳаммасини бирин-кетин айнан такрорлаб берган. Ат-Термизий хотирасинингбу қадар кучлилигидан бояги олим ҳайратга тушиб, қойил қолган.

Ат-Термизий ўз илмий-ижодий фаолияти давомида ўндан ортиқ асарлар яратди. Унинг илмий-маънавий меросида, шубҳасиз, “Ал-Жомиъ” асари катта

---

[4] Ислом энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёти, I жилд, 2020. – Б. 21.

аҳамиятга эгадир. Бу асар “Ал-Жомиус саҳиҳ”(“Ишончли тўплам”), “Ал-Жомиъ ал-кабир” (“Катта тўплам”), “Саҳиҳ ат-Термизий”, “Сунанут Термизий” (“Термизий суннатлари”) номлари билан ҳам юритилади.

Имом Термизийнинг илмий-маънавий меросида салмоқли ўрин тутувчи “Ал-Жомиус саҳиҳ” (“Ишончли тўплам”) номли асари олти саҳиҳ ҳадис тўпламларидан бири бўлиб, у юқорида қайд этилганидек “Ал-Жомиъ ал-кабир”, “Саҳиҳ ат-Термизий”, “Сунанут Термизий каби номлар билан ҳам юритилади” Тарихчи Ибн Ҳажар ал-Асқалонийнинг ёзишича, ат-Термизий ушбу асарини 270/884 йилда, яъни қарийб олтмиш ёшларида, илм-фанда катта тажриба ортириб, имомлик даражасига эришгандан кейин ёзиб тугатган. Имом Термизийнинг йирик асарларидан яна бири “Аш-Шамаил ан- Набавиййа”дир. Бу асар “Аш-Шамаил Муҳаммадиййа”, “Аш-Шамаил фи шамаил ан-Наби саллаллаҳу алайҳи васаллам” номлари билан ҳам аталади. Асар пайғамбар (с.а.в.)нинг шахсий ҳаётлари, Ул Зотнинг сийратлари, ажойиб фазилат ва одатларига оид 408 та ҳадиси шарифни ўзига жамлаган қимматли манбадир[5].

Асар тилининг равонлиги, услуби ғоятда соддалиги билан ҳам кўпчилик асарлардан ажралиб туради. Мазкур асар 1248 йилда Ҳисомуддин ан-Нақшбандий томонидан туркий тилда нашр этилди. Натижада асар араб тилини билмайдиган форсий ва туркий халқлар учун фойдали қўлланма бўлиб хизмат қила бошлади. Ушбу китобга шарҳ ёзган шайх Иброҳим ал-Божурий: “Имом Термизийнинг “Аш-Шамаил ан-Набавиййа” китоби ўз бобида яккаю ягона асардир. У тартиби ва ўз ичига олган мавзулари жиҳатидан ягона бўлиб, нодир китоблар жумласидан ҳисобланади. Унинг овозаси Мағрибу Машриққа бориб етди”, - деб таъкидлайди[6].

Имом Термизийнинг ҳадис илмидаги жуда катта хизматлари, уни ҳар томонлама такомиллаштиришда ва келгуси авлодларга соф ҳолда етказишдаги буюк фаолиятини кўп таниқли олимлар юқори баҳолаганлар. Ҳадис имомларидан бири Абдураҳмон ибн Муҳаммад ал-Идрисий: “Ат-Термизий ҳадис илмида иқтидо қилинадиган имомлардан биридир”, - деб ёзса, Тақиуддин ибн Таймия: “Абу Исо Термизий биринчи бўлиб ҳадисларни саҳиҳ, ҳасан, заифга тақсим қилган буюк олимдир”, - деб гувоҳлик беради.

Дарҳақиқат, ҳадис илмининг ривожидаги улкан ҳиссаси учун Имом Термизий ва унинг муҳим асарлари олиму уламолар томонидан юксак баҳоланиб келди. Жумладан, аллома ал-Идрисий: “У илм ал-ҳадисда иқтидо қилинадиган олимлардан бири бўлиб, “Ал- Жомиъ”, “Тарихлар”,”Ал-Илал” каби буюк асарлар тасниф этди. Ҳифзда (ёдлашда) у ҳақида масаллар келтирадилар”, - деса, муаррих Ибн ал-Асир у ҳақда: “Ҳадис илмида иқтидо қилинадиган буюк олимлардан бири, у энг буюк ҳофизлардан ҳам саналади”, - деб ёзган. Имом Термизий ўз устози ва сафдоши имом ал-Бухорий суҳбатида бўлганда, у ат-Термизийга: “Мен сендан кўрган фойда сен

---

[5] Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2004. – Б. 393.

[6] Ислом энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёти, I жилд, 2020. – Б. 475.

мендан кўрган фойдадан кўпроқ", - деб унинг билими ва ақл-идрокига юксак баҳо берган[7].

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалардан кўриниб турибдики, Имом Термизий ҳадис илмининг равнақига муносиб ҳисса қўшган буюк аллома сифатида улуғланади.

Дарҳақиқат, бугун қадим ва кўҳна Термизга буюк муҳаддислар яшаган кўркам давр қайтаётгандек гўё. Биргина Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказий биносининг ёнида ўрта махсус ислом таълим муассасаси ҳамда аллома номи билан аталувчи Ислом институтининг ташкил этилгани навқирон шаҳарга янад кўрк бағишлади. Шунингдек, муҳаддис аллома меросига мансуб қўлёзма асарларнинг қайтадан тикланиши ва янгиланиши, уларнинг лозим даражада сақланишини таъминлаш, шу билан бирга, хорижий мамлакатларда сақланаётган Имом Термизий ҳаёти, илмий мероси ҳамда у яшаган даврга оид ноёб қўлёзма асарлар ҳамда бошқа маданий бойликларни аниқлаш, уларнинг нусхаларини Ўзбекистонга олиб келиш ва тадқиқ қилишни тизимли равишда ташкил этиш ҳам катта аҳамиятга молик ишдир[8].

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, IX-XII асрларда яшаб ижод этган алломалар, сиймолар мероси Марказий Осиёда ўтмишда илм-фан маданиятининг барча соҳалари, тармоқлари ривожлангани, уларнинг ижодлари кўпқиррали бўлганлиги, фаолиятида илм-фан билан бир қаторда дин, аҳлоқ, инсоннинг маънавий дунёси, жамоанинг ҳамжиҳатлиги, уни одилона бошқариш, саодати масалалари муҳим ўрин тутганлигидан далолат беради. Бугунги Учинчи Ренессанс даврини бошлаган Янги Ўзбекистонимизда яшаб ижод қилаётган ёшларимиздан аждодларимиз томонидан маънавий мерос сифатида қолдирилган ҳар бир бебаҳо бойликларни асраб-авайлаб сақлаш билан бирга, унинг янгидан янги очилмаган қирраларини ўрганиш ва кенг халқ оммасига тақдим этишлари талаб этилади. Зеро, ўтган даврларда яшаган аждодларимиз руҳлари ва келажак авлодлар биз амалга оширган ишларимиздан шод ва мамнун бўлсинлар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2004. – 393 б.
2. Ислом энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёти, I жилд. 2020. – 469-476 бетлар.
3. Маънавият юлдузлари. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001. 68-71 бетлар.
4. Буюк юрт алломалари. Иккинчи нашри. – Тошкент: "Ўзбекистон" нашриёти, 2018. 19-28 бетлар.
5. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳаёт ва Ҳадис (Ислом ва иймон). – Тошкент: "Hilol-Nashr", 2023. – 78-80 бетлар.

---

[7] Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2004. – Б. 393.

[8] Буюк муҳаддисга эҳтиром. Халқ сўзи рўзномаси, 2024. 24 август, №171. 4-бет.

6. Убайдулла Уватов. Донолардан сабоқлар. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. – 15-28 бетлар.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Имом Термизий таваллудининг1200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”. Халқ сўзи газетаси, 2024 й, 20 август. № 167. – 1 бет.
8. Буюк муҳаддисга эҳтиром. Халқ сўзи рўзномаси, 2024 й, 24 август, №171. – 4 бет.
9. Имом Термизий хазинаси. Халқ сўзи рўзномаси, 2024 й, 9 сентябр, № 184. – 4-бет.

ШАЙХ МУҲАММАД СОДИҚ МУҲАММАД ЮСУФ АСАРЛАРИДА ТЕРМИЗИЙ АЛЛОМАЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

Ҳусанбой Қирғизов Бахтиёр ўғли*

Махфузахон Жалолдинова Абдуманноб қизи*

Аннотация. Ушбу мақолада Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф асарларида Мовароуннаҳр ислом цивилизациясига катта ҳисса қўшган Термизий алломалар, хоссатан, машҳур муҳаддис Имом Термизий ҳамда буюк мутасаввиф Ҳаким Термизий мероси ўрганилган. Уларнинг ҳаёти, асарлари ҳақида маълумотлар берилган. Таржима қилган асарлари, унинг ичидаги асллар, ҳадис ўрганилиб, таҳлил қилиб келтирилган. Жумладан, Имом Термизий ҳақида “Ҳадис ва ҳаёт” туркумининг биринчи жузи “Муқаддима” қисмида, “Мусаталаҳул ҳадис” асарида ёритилган. Алломанинг барча асарларида ҳадисларни беришда Имом Термизийдан ривоят қилинган ҳадисларидан ҳам фойдаланилган. Жумладан, “Тафсири ҳилол”, “Бахтиёр оила”, “Ижтимоий одоблар”, “Мукаммал саодат йўли”, “Дин насиҳатдир”, “Амаллар ниятларга боғлиқдир”, “Кифоя” каби асарларида келтирилган. Шунингдек, Ҳаким Термизийнинг “Сарахс аҳли сўраган масалалар касбнинг баёни” ва “Наводирул усул фии аҳодисир расул” асарларини таржима қилган. Таржима учун ҳозирги кунимиз учун аҳамиятли аслларни танлаган. Мухтасардаги асллар 140 та ва ҳадислар сони 149 тани ташкил этади.

Abstract. In this article, the legacy of the Termizi scholars who made a great contribution to the Islamic civilization of Movarounnahr in the works of Sheikh Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf, especially the famous muhaddith Imam Termizi and the great mystic Hakim Termizi is studied. Information about their life and works is given. The works he translated, the originals in them, the hadith were studied and analyzed. In particular, the first part of the series "Hadith and Life" about Imam Tirmidhi is covered in the "Muqaddimah" section, in the work "Musatalahul Hadith". In all the works of Allama, the hadiths narrated from Imam Tirmidhi were also used in giving the hadiths. For example, it is mentioned in works such as "Tafsiri Hilal", "Happy Family", "Social Etiquette", "The Way of Perfect Happiness", "Religion is Advice", "Actions depend on intentions", "Kifoya". He also translated the works of Hakim Termizi "The description of the profession of the people of Sarakhs" and "Navodirul usul fii ahodisir rasul". For the translation, he chose the originals that are important for today. The number of originals in Mukhatasar is 140 and the number of hadiths is 149.

Тарихга назар ташланса, Мовароуннаҳр диёри ислом цивилизациясининг бешиги бўлиб келган. У ердан ислом илмларининг барча йўналишларида етук олимлар етишиб чиққан. Хусусан, ҳадис илмида машҳур, бутун дунё тан олган муҳаддислардан, жумладан Термизий алломалардан Имом Термизий ва Ҳаким

* *Дин ишлари бўйича қўмита бўлим бошлиғи,*

* *Тошкент ислом институти “Ижтимоий фанлар кафедраси” ўқитувчиси Исломшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доц.в.б.*

Термизийдир. Уларнинг ҳаёти ва қолдирган бой илмий меросини ўрганиш мустақиллик йилларидан сўнг янада жадаллашди.

Имом Термизий ва Ҳаким Термизийнинг ҳаёти, илмий мероси ҳақида асримизнинг машҳур уламоси ҳисобланган Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф асарларида ҳам ёритилган ҳамда кенг фойдаланилган. Жумладан, Имом Термизий ҳақида "Ҳадис ва ҳаёт" туркумининг биринчи жузи "Муқаддима" қисмида, "Мусаталаҳул ҳадис" асарида маълумотлар келтирилган.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, алломанинг барча асарларида ҳадисларни беришда Имом Термизийдан ривоят қилинган ҳадисларидан ҳам фойдаланилган. Жумладан, "Тафсири ҳилол", "Бахтиёр оила", "Ижтимоий одоблар", "Мукаммал саодат йўли", "Дин насиҳатдир", "Амаллар ниятларга боғлиқдир", "Кифоя" каби асарларида келтирилган.

"Имом Термизий китоби "Саҳиҳ" деб тан олинган олти нафар имомларнинг Ичида тўртинчи ўринда турадилар. Муҳаддиснинг "Сунан Термизий" китоби эса "Саҳиҳи Бухорий" ва "Саҳиҳи Муслим" китобларидан кейинги ўринда туради. У зот ҳадисни жамлашда ва уни аниқлашда, ёдлашда ва зикр қилишда алоҳида бир мақомга эга эдилар". Шогирдларидан яна бири: "Имом Бухорийнинг вафотларидан кейин Хуросонда Абу Исо Термизийдек илмда, зеҳнда, тақвода, зоҳидликда бирор киши топилмас эди" деб, айтади[1].

Юртимиздан етишиб чиққан, машҳур муҳаддис олим Абу Исо Термизийнинг (824-892) ислом дунёсида тан олиниб, олти ҳадис тўпламларидан бири ҳисобланган "Сунан Термизий" ҳадис тўплами 3956 та ҳадисни ўз ичига олади. Ушбу асар ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр қилинган. Шунингдек, тўплам бир неча жилдда олимлар: Аминов Ҳамидуллоҳ, Исмоилов Масъудхон, Абиев Ҳикматуллоҳ, Абдуллаев Ботиржонлар томонидан шарҳланиб 2024 йил "Ҳилол-нашр" нашриётида 4 та жилди чоп этилган. Биринчи жилд "Муқаддима" қисми бўлиб, унда Имом Термизийнинг илмий фаолияти, ҳадис илми тарихи ва ҳадис истилоҳлари, "Сунани Термизий" асарининг шарҳлари ҳақида маълумотлар ўрин олган. Иккинчи ва учинчи жузи "Поклик китоби", 4-қисми эса "Намоз китоби" деб номланган.

Алоҳида эътиборга молик жиҳати шундаки, ушбу ҳадис тўпламини шарҳлашда аллома Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг "Усулул фиқҳ", "Ихтилофлар, сабаблар, ечимлар", "Кифоя", "Мусталаҳул ҳадис", "Фиқҳий йўналишлар ва китоблар" каби асарларидан ҳам фойдаланилган.

---

[1] Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. Муқаддима. – Тошкент: Ҳилол-Нашр. 2023. – Б. 150.

Шунингдек, аллома Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Ҳаким Термизийнинг ҳаёти ва меросини ҳам чуқур ўрганган ва "Нодир асллар[2]" ва "Сарахс аҳли сўраган масалалар касбнинг баёни[3]" номли асарларини таржима қилган.

Олим ҳақида шундай ёзган: "Машҳур олим Ҳаким Термизий (р.ҳ.) тўлиқ исмлари Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Алий ибн Ҳасан Ҳаким Термизий бўлиб, ҳижрий III асрда яшаб ўтган катта олим, тасаввуфнинг кўзга кўринган арбобларидан саналганлар. Гулободий, у киши ҳақида "муомалот илми" борасида тасниф қилган олимлар қаторида келтирган. Олимнинг китоблари ва рисолаларининг кўпчилиги тасаввуф илмига оид бўлиб, улар мутасаввуфларнинг энг катта ва салмоқли китобларидан деб эътироф қилинади[4]".

Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари ўз асарида[5] мутасаввуф олим томонидан кўплаб китобларга бизга мерос бўлиб қолдирилгани, манбаларда ҳам алоҳида эътироф этилгани, хусусан, "Доирату маъарифил исламийя"да Ҳаким Термизий таълифотларидан ўттизга яқин сақланиб қолганини келтирган. Алоҳида таъкидлаш лозимки, суфийларнинг табақаси ҳақида китоб тасниф қилган илк олимлардан ҳисобланади. Лекин бу китоблар бизгача етиб келмаган. Лекин олимнинг бугунгача етиб келган асарлари ҳам бор. Жумладан, "Адабун-нафс", "Ал-Манҳиёт", "Риёзатун-нафс", "Ал-Аъзоу ван-нафс", "Ал-ақлу вал ҳаво", "Ал-Амсол минал китоби вас сунна", "Китабус салот ва мақосидиҳа" ("Намоз ва унинг мақсадлари"), "Ал-ҳажж ва асроруҳ" ("Ҳаж ва унинг сирлари"), "Китабул ихтиётот" ("Эҳтиётлар китоби"), "Ал-жумалул лазим маърифатуҳа" ("Билиниши лозим бўлган жумлалар"), "Ал-фуруқ ва манъут-тародуф" (Фарқлар ва мутародиф бўлишни ман қилиш), "Ҳақиқатул одамия", "Урсул муваҳҳидин", "Сийратул авлиё", "Наводирул усул фи маърифати ахбарир Расул", "Масаъилул-лати саъла ала аҳлус Сарахс анҳа" "Сарахс шаҳри аҳолиси сўраган масалалар".

1958 йили "Содр, қалб, фуод ва луббнинг орасидаги фарқ" номли рисоланинг муқаддимасида Ҳаким Термизий (р.ҳ.)нинг 57 та асари тилга олинган. Олимлар алломанинг ислом илмларидан ақида, ҳадис ва тасаввуф илмларида алоҳида кўзга кўринганларини таъкидлашади[6].

---

[2] Ҳаким Термизий. Расул (с.а.в.) ҳадисларидан Нодир асллар. Мухтасар. Тарж: Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. – Тошкент: Ҳилол-Нашр. 2022. – 360 б.

[3] Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Алий ибн Ҳасан Ҳаким Термизий. Тарж: Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Сарахс аҳли сўраган масалалар касбнинг баёни. – Тошкент: Ҳилол-Нашр. 2019. – 160 б.

[4] Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Алий ибн Ҳасан Ҳаким Термизий. Тарж: Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Сарахс аҳли сўраган масалалар касбнинг баёни. – Тошкент: Ҳилол-Нашр. 2019. – Б. 8-9.

[5] Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Алий ибн Ҳасан Ҳаким Термизий. Тарж: Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Сарахс аҳли сўраган масалалар касбнинг баёни. – Тошкент: Ҳилол-Нашр. 2019. – Б 16-17.

[6] Ҳаким Термизий. Расул (с.а.в.) ҳадисларидан Нодир асллар. Мухтасар. Тарж: Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. – Тошкент: Ҳилол-Нашр. 2022. – Б. 28-29.

Ҳаким Термизийнинг “Наводирул усул фии аҳодисир расул” асари[7] ҳадис илмига оид бўлиб, унинг турли қўлёзмалари мавжуд бўлиб, нусхаларида китобнинг номи бироз фарқи билан икки хил келган. Улардан бирини Абдурроҳман Амира таҳқиқ қилган ва “Байрутдаги “Дорулжийл” нашриёти томонидан 4 жузда чоп этилган ва таржимага танлаб олинган нусханинг номи “Наводирул усул фии аҳодисир-расул”дир. Яна бир нусхаси эса Аваз Исмоил Иброҳим Мутавалли таҳқиқ қилиб, Қоҳирадаги “Мактабатул имом Бухорий” муассасаси томонидан чоп этилган нусханинг номи “Наводирул усул фии маърифати аҳодисир-расул”дир. Адабиётларда мазкур икки ном қисқартирилиб, “Наводирул усул” деб номланган.

Нодир асллардаги “асл” сўзи асос, мавзу маъноларини англатади. Бошқа уламолар боб деб айтган нарсани Ҳаким Термизий (р.ҳ.) асл деб атаганлар. Бу сўз боб дегандан кўра кучли маънони билдиради, десак тўғри бўлади. Ушбу аслларга мусулмон банда доимий равишда жиддий эътибор бериши керак. Бу асллар ҳар бир мусулмоннинг қалбида ва виждонида мустаҳкам ўрнашган бўлиши лозим. Ушбу нусхадаги аслларнинг сони 291 та келган. Олим ҳар бир аслга ном берган. Масалан, биринчи асл “Чаён чақишидан қўрғонланиш ва паноҳ тилаш калималари баёни ҳақида” деб номланган. Ҳар бир асл ва сарлавҳадан кейин бевосита кўпинча Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг битта, баъзида бир нечта ҳадислари келтирилган. Сўнгра ўша ҳадисни Ҳаким Термизий ўз иборалари билан шарҳ қилган[8].

Аллома аслларга бош далил қилиб келтирилган ҳадисларни шарҳ қилишда “Қуръони карим оятларидан ва бошқа ҳадиси шарифлардан кенг фойдаланган. Шунингдек, саҳобалар (р.а.), тобеъинларнинг, катта уламоларнинг гапларини ҳам келтирган. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ушбу асарни мухтасар таржима қилган ва таржима учун ҳозирги кунимиз учун аҳамиятли аслларни танлаган. Мухтасардаги асллар 140 та ва ҳадислар сони 149 тани ташкил этади.

Асарда турфа хил мавзуларда асллар берилган. Жумладан, чаён чақишидан қўрғонланиш ва паноҳ тилаш калималари баёни, ғазабнинг иймонга таъсири, умидворликни умидсизликдан устун қўйиш, сабабларга осилиш тавҳид ила бўлса зарар қилмас, мардикорнинг ҳақини тезда бериш, дунё Ҳорут ва Морутдан ҳам сеҳргарроқдир, шайтондан сақланиш кайфияти ҳақида, фиқҳнинг ҳақиқати ва фазилати, ёзишда илмни қайдлаш ва унутишдан сақлаш бордир, йўлдан озор берувчи нарсани олиб ташлашнинг сири, покизалик, суҳбат, икки назарнинг ҳақиқати, яхшилик ўн баробар бўлиши, шукр ва сабр, тавбани кўпайтириш, шариатнинг адади расулларнинг адади, яқиннинг ҳақиқати ва офиятнинг маъноси ҳақида, рўзадорнинг ифтори вақтида қабул қилинадиган дуоси борлиги, шукр саждаси, сўконғичлик ва сиддиқлик бир-бирига тескари экани баёни, умматнинг ижмоси ҳужжат, ихтилофи раҳмат экани, ғамга ботганнинг дуоси, зоҳидлик, иймон, ихлос ҳақиқати, етимга

---

[7] Ўша манба. – Б. 49-50.

[8] Ҳаким Термизий. Расул (с.а.в.) ҳадисларидан Нодир асллар. Мухтасар. Тарж: Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. – Тошкент: Ҳилол-Нашр. 2022. – Б. 49-50.

яхшилик қилиш, яхшиликларни бошлаш катталардан экани, замзам сувининг фазли ва ҳусни хулқ каби мавзуларни ўз ичига олган.

Хулоса қилиб айтганда, аллома Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф Имом Термизий ва Ҳаким Термизий асарларини чуқур ўрганиб, асарларида кенг фойдаланган, ҳаёти ва илмий меросини кенг ёритган ҳамда бир қанча асарларини, хоссатан, “Сарахс аҳли сўраган масалалар касбнинг баёни” ва “Наводирул усул фии аҳодисир расул” асарларини таржима қилган. Бу икки китоб нашр қилиниб, кенг китобхонлар оммасига тақдим этилган.

“СУНАНИ ТЕРМИЗИЙ” АСАРИНИНГ БОШҚА ҲАДИС ТЎПЛАМЛАРИДАН ФАРҚЛИ ЖИҲАТЛАРИ

Зиявуддин Бегматов*

Аннотатсия. Бу мақолада имом Термизийнинг “Сунан” асари, унинг бошқа ҳадис тўпламларидан фарқи, устунлик жиҳатлари, афзалликлари ҳақида сўз боради. Мақола мавзу борасида мўътабар олимларнинг фиклари билан асосланган ва талаб, илмий тадқиқотчилар ҳамда омма халққа мўлжалланган.

Калит сўзлар: Термизий, сунан, жомеъ, санад, тариқ, таржиматул боб, тўплам, ҳадис захираси, ғарибул ҳадис, мужтаҳид, мазҳаб.

Abstract. This article talks about Imam Tirmidhi’s work «Sunan», its difference from other collections of hadiths and advantages. The article is based on the opinions of reputable scientists and is intended for scientific researchers and the general public.

Keywords: At-Tirmidhi, sunan, jame’, sanad, tariq, translation chapter, collection, hadith reserve, gharibul hadith, mujtahid, madhhab.

Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизийнинг Сунани Термизий асари муҳим ҳадис тўпламларидан бўлиб, бутун ислом уммати унинг тан олинган олти ишончли тўпламдан бири эканига иттифоқ қилган. Мазкур асар сунан жанридаги ҳадис тўплами сифатида машҳур бўлсада, бир вақтнинг ўзида жомеъ жанрини ҳам ифода этади. Маълумки, ҳадисларни фиққий боблар тартибида жамлаш усули сунан саналиб[1], ислом тарихида кўплаб олимлар ана шу жанрда ҳадисларни жамлаган. Ўз навбатида жомеъ жанри ҳам машҳур бўлиб, имом Бухорий, Суютий, Ибн Асир, Ҳайсамий, Ибн Касир ва бошқа олимлар шу шаклда ҳадис тўпламлари тузишган.

Жомеъ – ақоид, аҳком, риқоқ, ейиш-ичиш, сафар, қиём ва ўтириш одоблари, тафсир, тарих ва сияр, фитан ва маноқиб мавзуларидаги ҳадислар жамланган тўпламдир[2]. Қай бир ҳаидс тўпламида ана шу хусусият топилса, у жомеъ деб юритилади. Ана шу маънода имом Абу Исо Термизийнинг ҳадис тўплами сунан бўлиш билан бир қаторда жомеъ ҳам саналади. Чунки мазкур асарда юқорида тилга олинган саккиз илм жамланган. Ҳатто улар ичидаги тафсир бўлими ҳадис тўмламлари ичидаги энг ишончилиси дея эътироф этилади.

Абу Бакр Ибн Арабий[3]: “Абу Исонинг китобида бошқа асарларда учрамайдиган ўн тўртта илм бор: унга амал қилиш қулай, санадлар мустаҳкам, ҳадисларнинг тасҳиҳи берилган, мавзу борасида бошқа ҳадис тариқлари санаб ўтилган, жарх ва таъдил қилинган, зарур ўринларда ровийларнинг исмлари, керак бўлганда кунялари

---

* *Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти “Ақоид ва фиқҳий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси*

1 Ҳабибурраҳмон ибн Назир Аҳмад. Ал-Мискуш шазий. – Саҳоранпур. Ҳира Буук, 2012. – 1. – б. 14.

2 Абдуллоҳ Сирожиддин. Шарҳу манзуматил Байқунийя. – Ҳалаб: Дорул фалоҳ, 2009. – Б. 13.

3 Бу ўринда тасаввуф шайхи бўлган ИБн Арабий эмас, “Оризатул аҳвазий” асарининг муаллифи бўлмиш катта Ибн Арабий назарда тутилган.

тилга олинган, ҳадиснинг мавсул ёки санадида узилиш борлиги баён қилинган, иллатлар очиқланган, матрук ҳадислар изоҳланган, бирор ровийнинг ҳадиси нима учун қабул қилиниб, не сабабдан тарк этилгани борасидаги ихтилофли қарашлар баён этилган, матннинг тафсири борасидаги ихтилофлар зикр қилинган... Бу илмларнинг ҳар бири алохида асл бўлиб, улар ўз бобида беназирдир"[4].

Сунани Термизийнинг ўзига хорсликларидан бири бу боб сарлавҳаларининг очиқ, равон ва тушанрлилиги бўлиб, кўп ҳолларда улар шу бобда келтирилган ҳадис матнидан олинган. Масалан, мазкур асарнинг илк бобини олайлик. Имом Термизий уни "باب ما جاء لا تقبل صلاة بغير طهور" яъни, таҳоратсиз намоз қабул бўлмаслиги борасида келган ҳадислар боби, деб атаган ва остида:

عن النبي صلى الله عليه وسلم قال لا تقبل صلاة بغير طهور لا صدقة من غلول

"Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: ***"Таҳоратсиз намоз, ҳаромдан садақа қабул қилинмайди"***, дедилар", ҳадисини келтирган. Бу муҳаддислар истилоҳида ҳадиснинг таржиматул бобга мувофиқлиги, дейилади. Ана шу масала мазкур сунан асарида жуда самарали ҳал этилган. Шу ва бошқа сабаблар туфйли бир жамоа олимлар уни ҳатто "Саҳиҳул Бохорий"дан ҳам манфаатли эканини айтишган ва бу қарашни изоҳлаб, уни ҳар бир талаба ва олим ўз савиясида тушина олишини айтишган. Яъни, ҳадис илми талабаси ҳам бу асардан ўзига яраша манфаат ола билади, олим, мужтаҳид зотлар ҳам уни ўз даражасида тушунтб, талабанинг ақли етмаган гавҳарларини топади.

Сунани Термизий асарининг яна бир ўзига хос жиҳати унда ҳар бир бобда топиш мумкин бўлган ҳадислар заҳирасига ишора қилган. У киши ўз тўпламининг ҳар бир бобида одатда бир дона ҳадис келтиради. Жуда нодир ҳолларда икки ёки учта ҳадис келтириши мумкин. Кейин эса шу бобда келтириш мумкин бўлган ҳадисларга ишора қилиш учун وفي الباب шаклида бир рукн ташкил қилиб, унда барча ҳадис захирасига ишора қилади. Мазкур услуб имом Термизийдан илгари бирор муҳаддиснинг тўпламида учраман[5]. Шунинг учун Абу Исони бу фан отаси дейиш муболағали бўлмайди, бизнингча. Мазкур услуб билан Имом Таҳовийнинг Шарҳу маъанил осор асари услуби тўла тескари бўлиб, имом Таҳови бир бобда ўз санади билан ривоят қилган барча ҳадисларини тўплаб, уларни таҳлил қилади. Имом Термизий эса бунинг акси, бобда биргина ҳадис келтиради, қолган ҳадислар кимдан ривоят қилинганига ҳавола беради ва ортида шу ҳадисга алоқадор бошқа маълумотлар билан ўртоқлашади.

Ана шундай маълумотлардан бири фиққий боблар борасида фақиҳларнинг қарашлари бўлиб, ҳар бир ҳадис остида шу малсала борасидаги фиққий изоҳлар келтирилади. Мазкур сунаннинг ўта аҳамиятли манбаа сифатида кўрилишининг муҳим сабабларидан бири айнан мана шу жиҳатдир. Чунки унда мактаби давом этмаган мужтаҳидларнинг фиққий қарашлари ишончли тарзда келтирилган. Хусусан, Суфёни Саврий, Абдураҳмон Авзўий, Исҳоқ ибн Роҳуя, Ибн Уъяйна каби олимларнинг фиққий қарашлари, ихтилофлари, жумҳур фақиҳлардан фарқли қарашлари

---

[4] Сунани Термизий хошиялари жамланмаси. – Карачий: Бушро, 2012. – 1. -Б. 16.

[5] Ҳ. Аминов. М. Исмоилов. Ҳ. Абийев. Б. Абдуллаев. Сунани Термизий шарҳи. – Тошкент: Инфоннашр, 2021. – 1. -Б. 328.

келтирилиб, таҳлил қилинган. Ўз навбатида бу асар имом Шофеъийнинг қадим мазҳаби борасида жуда ишончли манбаа саналади. Чунки имом Термизий Муҳаммад ибн Идриснинг қарашларини Заъфароний тариқ орқали ривоят қилган. Заъфароний эса доимий равишда имом Шофеъийнинг фақат қадимги мазҳабини ривоят қилган.

Имом Термизий мазкр сунан асарида олдинги тўплам соҳиблари қилмаган яна бир муҳим илмий янгиликни жорий қилган. У киши ҳар бир ҳаисдан кейин унинг саҳиҳ, ҳасан, заиф ёки мункар эканини очиқ-ойдин баён этган. Бу билан ҳадисларнинг тасҳиҳ ва тазиъфига ҳам алохида эътибор берган ва ўзидан кейинги талабаларга улкан илмий мерос қолдирган.

Бундан ташқари имом Термизий кўплаб бобларда ҳадисларнинг маъноларини изоҳлаб ҳам кетганки, бу ғарибул ҳадис ва фиқҳул ҳадис бобларида беназир иш саналади. Зеро, муаллиф яшаган давр тадвин асри бўлиб, бу даврда ҳадисларни маълум китобларда шарҳлаш амалиёти деярли учрамас эди. Ана шундай шарҳларнинг бири сифатида "Бир савдода икки савдо қилишдан қайтарилгани ҳақида келган ҳадислар" бобида ҳадисни шарҳлаб шундай ёзган: "Баъзи аҳли илмлар буни шундай тафсир қилиб, "Бир савдода икки савдо – "Мен сенга бу кийимни нақдга ўн пулга сотаман, насияга йигирма пулга сотаман" деб, икки савдонинг бирини тайин қилмай ажралишидир. Агар икки савдони бири аниқлаштирилса ва ақд уларнинг бирига тушса, ҳечқиси йўқ", дейишган"[6]. Шу каби изоҳлар ўрин олгани учун бу асарнинг манбаа сифатидаги аҳамияти янада ортиши табиий.

Маълумки, ҳадисшуносликда жарҳ ва таъдил жуда муҳим фан сифатида эътироф қилинади. Бу борада уламолар алохида изланишлар олиб боришган. Бир қанча улармолар мазкур йўналишда илмий фаолият юритиб, муҳим илмий ҳулосалари баён этилган асарлар ҳам битган. Жумладан, имом Бухорий катта, ўрта ва кичик тарих китобларида ровийларнинг ҳолати, уларнинг ҳадисдаги даражаларига тўхталган. Шунингдек, имом Заҳабий, Миззий, Ибн Ҳиббон каби зотлар ҳам бу борада қалам тебратиб, муҳим манбаалар қолдиришган. Имом Термизий ҳам айнан сунан асарининг ўзида бу борада мислсиз илмий мерос қолдириб, кўплаб бобларда ровийларнинг ҳолатларига алохида тўхталган. Муаллиф китобнинг 3-бобида "Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Ақийл содуқ. Баъзи аҳли илмлар унинг ҳифзи сабабли гап-сўз қилишган", дейди. Шу жумладан Ифриқий нисбатли ровийнинг унчалик қувватли ровий эмаслигини "Жомеъус сунан" асарининг кўплаб бобларида тилга олгани фикримизнинг ёрқин исботи бўлади. Имом Термизий жарҳ ва таъдил илмида шу даражада ҳасос эдики, ҳатто айрим ўринларда устози, муҳаддислар сардори Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий таржиҳ қилган ровийлар бораси у кишининг фикрини танқид қилиб, аксини исботлаб берган. Сунаннинг "Таҳорат" китоби "Иккита тош билан истинжо қилиш" бобида шундай ёзади: "Абу Ийсо айтади: "Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон (Доримий)дан: "Абу Исҳоқдан бу борада қилинган ривоятларнинг қайси бири саҳиҳроқ?" деб сўраган эдим, бу борада бирон хулоса айтмади. Бу борада Муҳаммаддан (Бухорийдан) ҳам сўраган эдим, у ҳам бирон хулоса айтмади. Кўринишидан, у Зуҳайрнинг Абу Исҳоқдан, у Абдурраҳмон ибн Асваддан, у

---

[6] Сунани Термизий хошиялари жамланмаси. – Карачий: Бушро, 2012. – 3. -Б. 70.

отасидан, у Абдуллоҳдан қилган ривоятини саҳиҳга яқинроқ деб билиб, шунинг учун "Жомеъ" китобига киритган. Менинг наздимда бу борада энг саҳиҳи – Исроил билан Қайснинг Абу Исҳоқдан, у Абу Убайдадан, у Абдуллоҳдан ривоят қилган ҳадисидир. Чунки Исроил Абу Исҳоқнинг ҳадиси масаласида булардан собитроқ ва ҳофизроқдир. Қайс ибн Робиъ ҳам бу борада унга мутобаъат қилган"[7]. Мана шу иқтибосларнинг ўзиёқ имом Термизийнинг жарҳ ва таъдил имида имом Бухорийдек зот билан равобатлашадиган даражада билим соҳиби бўлганини исботлаб беради.

Муаллифнинг тўпламда амалга оширган ишларидан яна бири бу асарнинг ўзида ровийларнинг исм ва кунялари борасида қимматли маълумотлар тақдим этганидир. Сунаннинг кўплаб ўринларида асли исми билан машҳур бўлган кишиларнинг кўпчиликка маълум бўлмаган куняларини, яна бошқа ўринларга эса ҳамма кунияси билан таниган ровийларнинг исмларини тилга олган. Бу эса ровийлар борасида беназир маълумотлар саналиб, деярли барча ҳадис тўпламлари бундай устунликдан холи. Жумладан, муаллиф асарнинг "Халодан чиққанда нима дейиш ҳақида келган ҳадислар боби"да шундай маълумот келтирган: "Абу Бурда ибн Абу Мусонинг исми Омир ибн Абдуллоҳ ибн Қайс Ашъарийдир"[8], деган бўлса, бошқа ўринда "Абу Малийҳ ибн Усоманинг исми Омир, уни Зайд ибн Усома ибн Умайр Ҳузалий ҳам дейишади"[9], бошқа бир ерда "Холид Ҳаззо (этикдўз) – Холид ибн Миҳрон бўлиб, куняси Абу Мунозилдир. Муҳаммаднинг (Бухорийнинг) "Холид Ҳаззо ҳеч қачон этикдўзлик қилмаган, шунчаки у бир этикдўзнинг ёнида ўтир эди. Шу нарса унга нисбат берилиб қолган", деганини эшитганман. Абу Маъшарнинг исми Зиёд ибн Кулайдир"[10], дея ровийлар борасида ўта қимматли маълумотлар тақдим этган.

Мазкур сунанни жуда қадрли қилган жиҳатлардан яна бири энг катта ҳасан ҳадислар тўплами бўлганидир. Имом Бухорий, имом Муслим, Ибн Ҳиббон ва Ибн Хузайма каби муҳаддислар ўз тўпламларида фақат саҳиҳ деб топган ҳадисларини келтиришни шарт қилиб олишган ва шу сабабдан уларнинг асари "Саҳиҳ" номи билан юритилади. Имом Термизий эса ўзига бундай шарт қўймаган, балки у киши тўпламда бирор мужтаҳид тарафидан амал қилинган ҳадисларни жамлашни мақсад қилган. Зеро, асарнинг тўлиқ номи ҳам шунга далолат қилади. Унинг тўлиқ номи "Ал-Жомеъул мухтасар минас сунани аън Росулиллаҳи соллаллоҳу алайҳи ва саллама ва маърифатус саҳиҳи ва маълуули ва маа аълайҳил аъмалу"дир. Муаллиф "Илалус суғро" асарида ҳам бу мақсадни очиқ баён этиб, шундай деган эди: "Бу китобдаги барча ҳадислар амал қилинган ҳадислар бўлиб, иккита ҳадисдан бошқа ҳар бирини айрим аҳли илм олган"[11].

---

[7] Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизий. Сунани Термизий маъа маъорифус сунан. – Карачий: жамеъату улумил исламийя, 1954. – 1. -Б. 183.

[8] Муҳаммад ибн Исо Термизий. Сунани Термизий хошиялари жамланмаси. – Карачий: Бушро, 2012. – 1. -Б. 110.

[9] Сунани Термизий мъа ал-Мискиш шазий. – Саҳоранпур. Ҳира Буук, 2012. – 1. – б. 74.

[10] Сунани Термизий хошиялари жамланмаси. – Карачий: Бушро, 2012. – 1. -Б. 414.

[11] Абу Исо Термизий. Китабул иълал. – Карачий: Бушро, 2012. – 1. -Б. 35.

Ҳулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, имом Термизийнинг “Сунан” асари фақатгина ҳадислар жамланмаси бўлиб қолмай, мусталаҳул ҳадис, илал, илмур рижол, жарҳ ва таъдил, ал-асмо вал куна, тасҳиҳ ва таҳсин, тазъиф ва таълил каби қатор ҳадисшунослик йўналишлари, шунингдек, фиқҳий мазҳабларнинг қарашларини ҳам ўзида жамлаган муҳим манбаа сифатида катта аҳамиятга эга асар саналади. Ана шу маънода асар ҳадис илмлари ва фиқҳ йўналишида таҳсил олаётган талабалар, изланувчилар ва олимлар учун ўта қимматли қўлланма саналади. Бу асарнинг ўзига хос хусусиятларидан бири фиқҳий қарашларнинг ўзаро қиёсланиши бўлиб, имом Термизий исмолий илмлар тарихида биринчилардан бўлиб “фмиқҳул муқорин” жанрига қўл урган олимлардан саналади.

Асарнинг хусусият ва афзалликлари биз юқорида саналганлар билан чекланиб қолмайди, албатта. Бу асар ҳадисларнинг такрорланмаслиги, сарлавҳаларнинг тушунарлилиги, фиқҳий бобларнинг нозик тартиби, тилининг равонлиги билан ҳам алохида ажралиб туради. Шу маънода асар бугунги кунда ҳам ўз қадрини йўқотмай келмоқда. Бу асарни ўрганиш, унинг эзгу таълимотларини ҳаётга татбиқ этиш, ёшлар тарбиясида унинг ўгитларидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ҳабибурраҳмон ибн Назир Аҳмад. Ал-Мискуш шазий. – Саҳоранпур. Ҳира Буук, 2012. – 1. – б. 14.
2. Абдуллоҳ Сирожиддин. Шарҳу манзуматил Байқунийя. – Ҳалаб: Дорул фалоҳ, 2009. – Б. 13.
3. Бу ўринда тасаввуф шайхи бўлган Ибн Арабий эмас, “Оризатул аҳвазий” асарининг муаллифи бўлмиш катта Ибн Арабий назарда тутилган.
4. Сунани Термизий хошиялари жамланмаси. – Карачий: Бушро, 2012. – 1. -Б. 16.
5. Ҳ. Аминов. М. Исмоилов. Ҳ. Абийев. Б. Абдуллаев. Сунани Термизий шарҳи. – Тошкент: Инфоннашр, 2021. – 1. -Б. 328.
6. Сунани Термизий хошиялари жамланмаси. – Карачий: Бушро, 2012. – 3. -Б. 70.
7. Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизий. Сунани Термизий маъа маъорифус сунан. – Карачий: жамеъату улумил исламийя, 1954. – 1. -Б. 183.
8. Муҳаммад ибн Исо Термизий. Сунани Термизий хошиялари жамланмаси. – Карачий: Бушро, 2012. – 1. -Б. 110.
9. Сунани Термизий мъа ал-Мискиш шазий. – Саҳоранпур. Ҳира Буук, 2012. – 1. – б. 74.
10. Сунани Термизий хошиялари жамланмаси. – Карачий: Бушро, 2012. – 1. -Б. 414.
11. Абу Исо Термизий. Китабул иълал. – Карачий: Бушро, 2012. – 1. -Б. 35.

МУҲАММАД АТ-ТЕРМИЗИЙНИНГ “ШАМОИЛ АЛ-МУҲАММАДИЯ” АСАРИ ТАҲЛИЛИГА БИР НАЗАР

Ҳуснигул Ҳалимова Наврўзовна*

Аннотация. Ушбу мақолада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хулқ-атворлари ҳақидаги маълумотлар, кундалик ҳаётимизда ёши улуғларимиз томонларидан ҳаёли, иффатли, камтарин бўл деган фикрлари Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийнинг «Шамоил ал-Муҳаммадия» асари орқали ечиб берилади. Дунё олимларининг Пайғамбаримиз (сав) хақидаги фикрлари баён қилинади.

Калит сўзлар: камтаринлик, тавозеъ, хулқ-атвор, сахийлик, одамгарчилик, хайр-эҳсон.

Abstract. In this article, information about the behavior of the Messenger of Allah, may Allah’s prayers and peace be upon him, and the thoughts of our elders to be thoughtful, chaste, and humble in our daily life, are revealed through the work of Muhammad at-Tirmidhi «Shamail al-Muhammadiya». The opinions of world scientists about our Prophet (peace be upon him) are presented.

Keywords: humility, modesty, behavior, generosity, humanity, charity.

Мустақиллик йилларида юртимизда миллий қадриятларимиз, Ислом динига оид анъаналаримизнинг қайта тикланиши халқимизнинг маънавий-маърифий юксалишида муҳим омиллардан бирига айланди. Янгича фикрлаш эса, маданий меросга холисона муносабатда бўлишни, ижтимоий ва фалсафий фикр тарихининг асл ҳақиқатини очиб беришни талаб этади. Бугунги кунда ушбу соҳада кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Алломаларимизнинг бизгача етиб келган асарлари ўзбек тилига таржима қилиниб, илмий миқёсда кенг фойдаланилмоқда.

Муҳаммад ат-Термизий умри давомида шахс ва жамиятни ислоҳ қилишга, яхшилик уруғини кўкартириб, ёмонлик илдизини қуритишга, яратиқлар ичида энг шарафлиси бўлган инсоннинг ўзлигини ва Роббисини танитишга ҳаракат қилди. Улуғ Пайғамбар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва уларнинг ворислари бўлган уламолар изидан бориб, инсонни икки дунё саодатига етакловчи илм, маърифат, одоб-ахлоқ, солиҳ амаллар хақидаги хадисларни йиғадилар. Имом Термизий уз асарида хар бир инсон кимдан илм олаётганига диққат қилиши, хар бир кас нокасдан илм олмаслик, балки динга амал қиладиган тақволи инсонлардан илм олиши бугунги ёшларга буюк ибрат ва насиҳатдир, Расулуллоҳнинг тавозеъ, ахлоқ ва одатий шарифлари ҳаё ва иболари барча инсонларга ибрат бўлгулик энг олий хислат эканлиги яна бир бор бу асарда эслатилади.

“Шамоил ал-Муҳаммадия” китоби муҳаддислар имоми имом Бухорий роҳимаҳуллоҳнинг шогирдлари бўлмиш машҳур муҳаддис олим Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий қаламларига мансубдир. Бу китоб Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хислатлари, сифатлари ва одоб-ахлоқлари тўғри тасвирланган қизиқарли изоҳ ва содда услубда ёзилган бўлиб, Расулуллоҳнинг ахлоқий фазилатларини баён

* *Жўйбори Калон аёл-қизлар ўрта махсус Ислом таълим муассасаси директор ўринбосари.*

қилган 397 ҳадис, яъни 56 бобдан иборат. “Аш-Шамоил ал-Муҳаммадия” китоби Пайғамбарнинг таржимаи ҳоллари бўйича энг муҳим ва энг кенг қамровли китоб ҳисобланади. Чунки юқорида айтиб ўтганимиз каби ушбу китобда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида сўз боради. Мазкур тасдиқланган башоратли 397 ҳадис билан қўллаб-қувватланади, бу эса ўз ўрнида уни Пайғамбаримизни кўришни истаган мусулмонлар учун муҳим манбага айлантиради. Асарнинг аҳамиятли ўрни шундаки, унда Расулуллоҳнинг турли мазҳаб ва гуруҳларга мансуб кишилар билан қандай муомала қилганликлари, мушриклар билан қандай муносабатда бўлишликдаги одобларини баён этишдан ташқари еб-ичиш, ухлаш, ибодатлари, жумладан, рўза ва намозни қандай адо этишдаги хулқларини учратиш ва ундан ибрат олиш имконияти мавжуд.

Келинг, ушбу китоб қайси мавзудаги бобларни ўз ичига олганлигига қисқача тўхталиб ўтсак:

- Расулуллоҳнинг хулқлари ҳақидаги бобда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хулқ-атворлари, мусулмон, мушрик ва аҳли китоблар билан турли хилдаги вазиятларда қандай муносабатда бўлганликлари, таомланишлари баён этилган бўлса, келаси бошқа бобда Пайғамбар алайҳиссаломнинг сочлари, ташқи кўринишлари, кийим ва унинг рангларини тасвирлаш, ҳаттоки оёқ кийимларининг васфига ҳам тасвирлар келтирилган бир неча боблардан мавжуд. Бундан ташқари, китобдан яна кундан кунга йўқолиб кетаётган, деярли озчиликда топилаётган хислатлардан бўлмиш ҳаё, иффат, камтарлик каби тушунчаларнинг барчаси Росулуллоҳнинг хулқларида нечоғлиқ жамланганига гуноҳ бўламиз. Келинг, шу борасида бироз тўхталиб ўтамиз.

Кундалик ҳаётимизда ёши улуғларимиз томонларидан “ҳаёли, иффатли, камтарин бўл”, деган жумлаларни деярли ҳар куни эшитамиз. Хўш, катталаримиз бизни нега айнан ушбу хислатлар соҳиби бўлишлигимизга чақиришларини, бу калималарнинг негизида асли қандай маъно-мазмун ётганлигини ҳеч ўйлаб кўрганмизми ?

Ҳаё-муҳим ахлоқий меъёр, айни пайтда хулқий гўзалликнинг асосий белгиларидан бири ҳисобланади. Ҳаё уят ҳисси билан ўхшаш бўлса-да, аслида андиша ва ибога яқин фазилат тарзида намоён бўлади, у нафосат билан уйғунлашиб кетади. Уят ҳиссида инсоннинг ўзи содир этган ёки бошқалар воситасида амалга оширилган ахлоқийликка зид хатти-ҳаракатларидан ноқулай вазиятга тушиш, ўнғайсизланиш ҳолати пайдо бўлади. Ҳаёнинг инсоний сифат тарзидаги мавжудлиги ҳаёлилик бўлиб, кишининг маънавиятли, маърифатли, номусли, очиқ кўнгилли эканини англатади, унинг зидди — беҳаёлик (ҳаёсизлик) эса, аксинча, маънавиятсизлик, нопокликка мойиллик, қалби қаттиқлик, виждонсизлик каби иллатлар билан характерланади.[1]

“Шамоил ал-Муҳаммадия” китобида ҳам Росулуллоҳнинг ҳаёлари борасида келтирилган бир неча ҳадисларни учратишлигимиз мумкин. Жумладан, “Ҳазрати Абу Саъид Худрий Розиёллоҳу анҳу дебдурлар: Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу аланҳи

[1] O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi (2000-2005) ma’lumotlaridan foydalanildi.

васаллам пардада ўтирган қиз боладан ҳам зиёда ҳаёлик эрдилар. Қачон бир нарсани ёмон кўрсалар ёмон кўрганликларини бизлар чеҳраларидан билур эрдик. Яъни, тиллари ила баён қилмас эрдилар."

"Онамиз Умму Салама Розиёллоҳу анҳо дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам қачон аҳлияларидан бирлари ила суҳбат қилмоқчи бўлсалар, кўзларини беркитиб, бошларини паст қилиб олур эрдилар. Ва аҳлияларига ҳам оғир мижоз ва шармлик туришга амр бериб эрдилар."[2]

Бундан ташқари, Имом Барзанжий ўз қаламларига мансуб "Мавлудин Набий" асарларида Пайғамбаримиз сифатларини келтириб бир байт ёзганлар: "У зот ниҳоятда ҳаёли ва тавозели зот эди. Пайғамбаримиз (с.а.в)ning ҳаёси чодирдаги келинчакнинг ҳаёсидан ҳам кучлироқ эди".

Аслида, ҳаё ҳақидаги тарбияни ота-она беради. Бироқ афсуски, ўша тарбияни бериши лозим бўлган ота-она ҳам бу борада тарбияга муҳтож. Инсон калима айтиш билан мусулмон бўлади, лекин унинг қилаётган ҳамма амаллари қалбидаги иймонига муносиб ва ҳаёли бўлсагина, иймони гўзал бўлади.

Демак, бундан маълум бўладики, ҳаёли бўлиш, бизга суюкли Пайғамбаримиздан мерос бўлиб қолган суннат ҳисобланади.[3] Ҳозирги замонимизда кундан-кунга завол топиб бораётган фазилатли хулқлардан яна бири камтарликдир. Камтарлик бу эзгу ниятлилик, одамийлик, хушмуомалалик, бағрикенглик, иззат-икромни билишлик, дўстлари ва умуман ўзгаларнинг қадрига етишлик, ҳурмат қила олишлик, маънавий поклик... демакдир.[4] У инсонда тавозеънинг борлигига далолат қилади. Тавозеъ сўзи "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" китобида: "Тавозеъ- арабча сўз бўлиб, у ўзини паст тутиш, камтарлик; ўзини хоксор, одоб билан тутиш", деб изоҳланади. Инсонга ҳамиша ҳар жойда ўзини камтарликка олиш ярашади...

Камтарлик хулқини ўзида мужассам қилган киши нафақат эл олдида, балки Аллоҳ таоло даргоҳида ҳам даражаси баланд бўлади. Бу ҳақда ҳадисда: "Ким Аллоҳ учун ўзини камтарликка олса, Аллоҳ таоло унинг мартабасини баланд қилади" дейилади.[5] Бу турдаги кишилар манманликка, дабдабабозликка, муболаға, бўрттиришларга, ёлғон-яшиққа йўл қўймайдилар. Ёшликдан камтаринлик либосини кийган киши кейинчалик ҳам қоқилмайди, тобора камол топа боради. Луқмони Ҳаким шундай дейди: "Мағрурлик ақлсизлик аломатидир. Кибрланиш, мағрурланиш инсонни ҳалокатга солади. Мағрур кишилар жамият ғазабига дучор бўладилар. Гарчи мағрур, такаббур кишилар бой, олим, мансабдор эсалар да, жамият ўртасида ҳеч обрўлари, қадрлари бўлмайди. Уларнинг ҳақиқий дўсти, улфати бўлмайди, борлари ҳам бошига ёмон кун тушганда асқотмайдилар. Охир оқибат улар хорлик, ёлғизликда яшашгамаҳкуидирлар."[6]

---

[2] "Шамоил ал-Муҳаммадия" китоби:344-ҳадис; 327-328- бетлар

[3] Islom dinining shiori – hayo haqida. Xayrulla domla Turmatov bilan suhbat (kun.uz)dan parcha

[4] https://fazo.tv/hayot/kamtarlik/

[5] https://nasafziyo.uz/index.php. newsid=5680

[6] https://fazo.tv/hayot/kamtarlik/

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг камтарликлари барчани ажаблантирар эди. У зотнинг мўминларга нисбатан камтаринликлари бир неча ўринларда зоҳир бўларди. Жумладан, доимо ожизлар билан бирга бўлар, беморларни бориб кўрар, мискинларга хайрихоҳлик қилар эдилар. Бахтсиз, бечора ва фақирларга яхшилик қилар, заифлардан доим кўнгил сўрар, болалар ҳамда аҳиллари билан ҳазиллашар ва ўйнар эдилар. Инсонлар билан бирга таомланар, кези келганда тупроқ устига ўтирар ва ерда ёки бўйро устида ётар эдилар. Доимо барчаси учун Аллоҳдан рози бўлар, шуҳрат, мартаба ва дунёвий ишлар мақсадида тама' қилмас эдилар. Инсонлар билан лутф ила суҳбат қурар, ғариблар билан эса муҳаббат ила гаплашар эдилар. Саҳобаларига табассум ила қараб: "Мен бир қулман. Қуллар егани каби ейман ва қуллар ўтиргани каби ўтираман", дер эдилар. Агар бирор бир инсон у зотга қараганида ҳайбатларидан титроқга тушса: "Ўзингни тут. Мен ҳам Маккада қодийд (қуёш нурида қуритилган сур гўшт) еган бир аёлнинг ўғлиман", дер эдилар.

У зот одамлар у кишини улуғлашини ва мақташини яхши кўрмас эдилар. "Марям ўғли Исони насронийлар мақтаганидек мени ҳам мақтаманглар. Мен Аллоҳнинг бандаси ва росулиман. Мени Абдуллоҳ ва Аллоҳнинг Росули денглар", дер эдилар.[7] Минг афсуслар бўлсинки, саховатпешалик, одамгарчилик, хайр-у эҳсон қилмоқлик каби фазилатлар бугунги кунда завол топиб кетаётганлиги ҳес биримизга сир эмас.

Ҳазрати Жобир Розиёллоҳу анҳу дебдурлар: "Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳеч бир вақт бирор киши бир нарса сўраган бўлса, ул нарса ўзларида бор бўлса ҳаргиз йўқ демагандурлар. Балки бергандурлар. Агар йўқ бўлса, ваъда қилингандур. ёки ҳаққиға яхши дуо қилгандурлар."

Ҳазрати ибн Аббос Розиёллоҳу анҳумо дебдурлар: "Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам эҳсонда ва карамда башар жинси қила олмаган саҳоватни қилур эрдилар. Ўзлари дарвешона ҳаёт кечирур эрдилар. Лекин эҳсонда шаҳаншоҳларни шармисор этур эрдилар. Бутун йил аҳволлари шул бўлди. Лекин рамазони муборакда карамлари ҳаддин тажовуз қилур эрди. Хусусан, ҳазрати Жаброил алайҳиссалом ила мулоқат қилғон вақтларидаки, келиб рамазондан Қуръони каримни эшитдирур эрдилар. Бу Жаноб ила мулоқат вақтида ёғин олиб келадурган ҳаводан ҳам зиёда саҳий бўлур эрдилар. Дўст ва аҳли ва ноаҳил ҳамма баробар наф олур эрдилар.

Ҳазрати Анас розиёллоҳу анҳу дебдурлар: "Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам эрта куни учун ҳеч бир нарсани заҳира қилиб олиб қўймас эрдилар. Балки Аллоҳ Таолога таваккул қилур эрдилар. Яъни, шу бугун нима мавжуд бўлса, еб-едириб тамом қилур эрдилар. Эртага зарурат бўлиб қолур деган хаёл ила олиб қўймас эрдилар. Бу ҳол ўз хусусларида эрди. Аммо волидаларимизнинг нафақаларини ўз-ўзларига топшириб берур эрдилар. Ўз ҳақларига ўзлари озод ва ўзлари мухтор эрдилар. Ҳоҳлаганларидек тасарруф қила олур эрдилар, хоҳласалар сақлаб қўяр эрдилар, хоҳласалар тақсим қилиб халос қилур эрдилар. Лекин Жанобнинг

[7] https://muslim.uz/uz/e/post/23935-rosulullohning-kamtarliklaridan-namuna.

хонадонлари ҳар ҳолда Жанобға иқтидо қилур эрдилар."[8] Бундан ташқари, асар Росулуллоҳ алайҳиссаломнинг қандай турдаги таомларни маъқул кўришликлари борасидаги ҳадисларни ҳам ўз ичига олади:

Ҳазрати Оиша Розиёллоҳу анҳо дебдурлар: "Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилдиларки, сирка қандоқ яхши нарсадур."

Фойда: Сирка топилиши осон, ўзи хуш зотға такаллуфдан холи, ҳаммабоп бир нонхуришдур, ҳар вақт ҳар ерда арзон топилур. Анда бор тиббий фойдалар шулдурки, заҳарли таомлар заҳрини даф этур, балғам ва сафрони йўқотур. Ҳазмга мадад берур, қориндаги қуртларни ўлдирур, қоринни тез очирур. Жаноби Саййндм олам саллоллоҳу алайҳи васаллам анинг ҳақига дуо ҳилганлар. Ўтган набийларнинг ҳам идомларидур.[9]

Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам нафақат Шарқ мутафаккир, олимлари томонидан, балки, ғарб адабиётшунослари томонидан ҳам юксак эҳтиром ила тилга олинганлар.

Инглиз ёзувчиси Бернард Шоу: "Агар Муҳаммад пайғамбар тирик бўлганида, замонамиз муаммоларини бир пиёла чой устида ҳал қилган бўлар эди", деб айтган[10].

Олмон шоири Гёте эса, қуйидагича ёзган: "Мен дунё тарихини ўқиб, шундай хулосага келдим: дунё подшоҳлари тўплаган жами салтанату бойлик, қасрлару саройлар Муҳаммаднинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ямоқ яхтакларига ҳам арзимас экан... Биз Оврупа миллатлари маданий имконимиз юқори бўлишига қарамай, Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сўнгги поғонасига қадар чиқа олган зинанинг биринчи пиллапоясидамиз, холос. Ҳеч шубҳа йўқ, бирон кимса, у зотдан юқорироққа ўта олмайди"[11].

Муҳаммад ат-Термизийнинг "Шамоил ал-Муҳаммадия" асарини чуқур ўрганиш ҳамда тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлаймиз. Миллий қадриятларимиз, ислом динига оид анъаналаримизнинг қайта тикланиши халқимизнинг маънавий-маърифий юксалишида ушбу асар катта аҳамият касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абу Ийсо Муҳаммад ат-Термизий "Шамоил ал-Муҳаммадия". Мирзо Кенжабек, Убайтулла Уватов таржимаси: "Ренессанс" Тошкент 2021.(344-ҳадис; 327-328- бетлар)
2. Islom dinining shiori – hayo haqida. Xayrulla domla Turmatov bilan suhbat (kun.uz)dan parcha
3. Абу Ийсо Муҳаммад ат-Термизий "Шамоил ал-Муҳаммадия". Мирзо Кенжабек таржимаси: "Шарқ" Тошкент 2015.(344-ҳадис китоби: 144-ҳадис; 143- бет
4. Абдул Азим Зиёуддин қаламларига мансуб "Сиз Пайғамбарни кўрганмисиз" китоби. "Матбаачи" Тошкент 2022.

---

[8] file:///C:/Users/user/Downloads/Telegram%20Desktop/Shamoili%20Muhammadiyya%20[@kitoblar_pdf].pdf

[9] "Шамоил ал-Муҳаммадия" китоби: 144-ҳадис; 143- бет.

[10] "Сиз Пайғамбарни кўрганмисиз" китобидан.

[11] "Сиз Пайғамбарни кўрганмисиз" китобидан 15- бет.

АБУ ИСО ТЕРМИЗИЙНИНГ “АЛ-ЖОМЕУ-Л-КАБИР” АСАРИНИНГ ҲАДИС ИЛМИ ИСТИЛОҲИДА ТУТГАН ЎРНИ

Олимжон Абдуллаев*

Аннотация. Буюк бобокалонимиз Имом Термизий ҳадис илмида ўзидан беназир из қолдирган. У зот ҳадис ривоятида ёзган “Сунани Термизий” асарида ҳадисларни ривоят қилишидан ташқари ҳадис илмига боғлиқ кўплаб истилоҳларни киритиб ўтган. Аллома ушбу истилоҳларнинг кўп қисмини ҳадис илмида биринчи бўлиб қўллаган. Айрим истилоҳларни алломадан олдинги муҳаддислар оғзаки айтиб ўтган бўлса, бу зот биринчи китобат шаклида жорий қилган ҳисобланади. Ушбу мақолада Имом Термизий томонидан ҳадис илмида қўлланилган истилоҳлар борасида батафсил сўз юритилади.

Калит сўзлар: ислом, Қуръон, ҳадис, муҳаддис, истилоҳ, саҳиҳ, ҳасан, заиф, илал.

Abstract. Our great ancestor, Imam Tirmidhi, left an indelible mark in the science of hadith. In addition to narrating hadiths, he introduced many reforms related to the science of hadith in his work «Sunani Tirmidhi» written on hadith narration. Allama was the first to use most of these istilahs in the science of hadith. Some reforms were mentioned orally by muhaddis before the scholars, and this generation is considered to have introduced them in the form of the first book. This article discusses in detail the reforms used by Imam Tirmidhi in the science of hadith.

Keywords: Islam, Quran, hadith, muhaddith, istilah, sahih, hasan, dhaif (weak), ilal.

Буюк бобокалонимиз Имом Термизий ҳадис илмида ўзидан беназир из қолдирган. У зот ҳадис ривоятида ёзган сунан асарида ҳадисларни ривоят қилишидан ташқари ушбу асарида ҳадис илмига боғлиқ кўплаб истелоҳларни киритиб ўтган. Ушбу истелоҳларни кўп қисмини ҳадис илмида аллома биринчи қўллагандир. Айрим истелоҳларни алломадан олдинги муҳаддислар оғзаки айтиб ўтган бўлса, бу зот биринчи китобат шаклида жорий қилган ҳисобланади. Қуйида ушбу истелоҳлар борасида батафсил сўз юритилади.

Имом Термизийнинг “Сунан” асарида кўплаб ҳадисга доир истелоҳларни келтирган, ушбу истелоҳлардан кўп учрайдиганидан бири ҳасан калимасидир.

Муҳаддислар ҳасан истелоҳини икки қисмга ажратган “ҳасан ли-зотиҳи, ҳасан ли-ғойриҳи”[1]. Муҳаддислар ҳасан калимасини ўзини ишлатганда ҳасан ли-зотиҳини назарда тутадилар, чунки ҳасан ли-ғойри асли заъиф ҳадис бўлиб санади кўплиги этиборидан ҳасан ли-ғойриҳи даражасига кўтарилади. Имом Термизий бу борада муҳаддисларга хилоф қилиб ҳасанни икки турга ажратмаган. Мусанниф ҳасан ҳадисга қуйидагича таъриф берган: Ҳар бир ҳадис санадидаги ровий ёлғон билан тухмат қилинмаган, ҳадис эса шоз бўлмаса ва бошқа санаддан шу ҳадисга ўхшаши ривоят

---

* *Ҳадис Илми мактаби катта ўқитувчиси*

[1] Аҳмад ибн Али ибн Муҳаммад Ибн Ҳажар Асқалоний. Нузҳату-н-назор фи-тавзиҳи нухбату-л-фикар. – Покистон: Бушро, 2012. – В 65.

қилинган ҳадис ҳасан ҳадис дейилади. Имом Термизий ҳасан ҳадисдан санади ҳасан бўлганини ирода қилганини ўзларини “ал-Илалу-с-Соғир” асарида баён қилиб ўтган[2]. Имом Термизийнинг Ҳасан ҳадисга берган таърифидан унинг наздида ҳасан ҳадис учун учта шарт борлиги билинади.

Биринчиси санадида ёлғон билан туҳмат қилинган ровий бўлмаслиги. Бу шарт ёлғон билан туҳмат қилинмаган заъиф, ҳифзи паст ровийлар, адашишлик, хато қилиш билан сифатланган ровийлар, ҳолати номаълум бўлган ровийларни ҳам ўз ичига олади. Бу ровийлар ривоят қилган ҳадис Имом Термизий наздида ҳасан ҳадис бўлади.

Иккинчи шарт Ҳадис шоз бўлмасин. Шоз ҳадис бу ишончли киши ўзидан ишончлироқ кишиларни ривоятига хилоф тарзда ривоят қилинган ҳадис[3]. Бу шартдан мусаннифни наздида ҳадис ҳасан бўлиши учун ҳадис қарама-қаршиликдан саломат бўлиши шарт экан. Чунки ишончли кишиларни ривоятига қарши чиқса бу ҳадис рад этилади қабул қилинмайди.

Учинчи шарт бошқа санаддан ҳам бу ҳадисга ўхшаш ривоят қилинган бўлиши керак. Бу шартдан мусаннифнинг ҳасан ҳадисга берган таърифидан ҳасан ли-ғойриҳини назарда тутгани маълум бўлади. Чунки ҳасан ли-ғойриҳи асли заъиф бўлиб, унинг туруқлари кўплиги этиборидан ҳасан даражасига кўтарилади. Лекин Имом Термизий наздида ҳасан ли-зотиҳи деган истелоҳ йўқлиги келиб чиқмайди. Мусаннифнинг ҳасан ли-ғойриҳига эътибор қаратиб иккинчи қисмини зикр қилмаганига сабаб мусанниф “Жоме” асарида бир ровийни заъифлигини айтиб, сўнг ўша ҳадисга ҳасан ҳадис дея ҳукм беради. Сўнг ўқувчига бу нарса мушкиллик туғдиришидан қўрқиб, бу ҳадис санади кўплиги этиборидан ҳасан ҳадис дея таъриф берган. Ҳасан ли-зотиҳида мушкиллик бўлмагани ва уни “Жоме” асарида “Бу ҳасан ғариб” дея ажратиб қўйгани учун унга “Илал” асарида таъриф бермаган.

Мусаннифнинг наздида ҳасан ли-ғойриҳи бўлган ҳадисга “Жоме” асаридан мисоллар: Аёллар маҳри бобида Омир ибн Робиа ривоят қилган ҳадис.

حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ ، قَالَ : حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ سَعِيدٍ ، وَعَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ مَهْدِيٍّ ، وَمُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ ، قَالُوا : حَدَّثَنَا شُعْبَةُ ، عَنْ عَاصِمِ بْنِ عُبَيْدِ اللَّهِ ، قَالَ : سَمِعْتُ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ عَامِرِ بْنِ رَبِيعَةَ ، عَنْ أَبِيهِ ، أَنَّ امْرَأَةً مِنْ بَنِي فَزَارَةَ تَزَوَّجَتْ عَلَى نَعْلَيْنِ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : " أَرَضِيتِ مِنْ نَفْسِكِ وَمَالِكِ بِنَعْلَيْنِ ؟ ". قَالَتْ : نَعَمْ. قَالَ : فَأَجَازَهُ[4].

Бу ҳадисни ровийлари орасида Осим ибн Убайдуллоҳ ҳам бор. Осим ибн Убайдуллоҳни жумҳур муҳаддислар заъиф, ҳифзи ёмон дейишган. Лекин мусанниф бу ҳадис Абу Ҳурайра ва Оиша онамиздан ҳам келгани учун ҳасан ҳадис дея ҳукм бердилар. Бу ҳадис ҳифзи ёмон, заъиф ровийни ривояти бошқа туруқлар билан ҳасан даражасига кўтарилганига мисол[5].

---

[2] Имом Термизийнинг “Ал-илалу-с-соғир асарининг 14-саҳифасига қаралсин.

[3] Аҳмад ибн Али ибн Муҳаммад Ибн Ҳажар Асқалоний. Нузҳату-н-назор фи-тавзиҳи нухбату-л-фикар. 1 жилд. – Покистон: Бушро, 2012. – В 71.

[4] Сунани Термизийдаги 1139-ҳадис. –Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмийя, 2019. – Б. 549.

[5] Ёсир Ҳасан. Муқаддимату сунани-т-Термизий. – Сурия: Муассисату-р-рисала наширун, 2022. – Б.101.

Хато қилувчи ва янглишиш билан сифатланган инсонни ривоятига мусанниф ҳасан дея ҳукм чиқарганига мисол: Мусулмон зиммийга сотиб бериши учун хамр беришидан қайтариш бобида Абу Саид Худрийдан ривоят қилинади.

حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ خَشْرَمٍ ، قَالَ : أَخْبَرَنَا عِيسَى بْنُ يُونُسَ ، عَنْ مُجَالِدٍ ، عَنْ أَبِي الْوَدَّاكِ ، عَنْ أَبِي سَعِيدٍ ، قَالَ : كَانَ عِنْدَنَا خَمْرٌ لِيَتِيمٍ، فَلَمَّا نَزَلَتِ الْمَائِدَةُ سَأَلْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْهُ، وَقُلْتُ : إِنَّهُ لِيَتِيمٍ، فَقَالَ : " أَهْرِيقُوهُ "[6]

Ҳадис ровийлари орасида Мужолид деган ровий ҳам бор. Муҳаддислар уни хато ва янглишиш билан айблаганлар. Лекин Бу ҳадис Анас ибн Моликдан ҳам ривоят қилингани учун мусанниф ҳасан ҳадис дея атаганлар[7].

Исноди боғланмаган ҳадисни Имом Термизий ҳасан ҳадис дея ҳукм чиқарганига мисол: “Жоме” асаридаги Алидан ривоят қилинган ҳадис.

حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ الدَّوْرَقِيُّ ، قَالَ : حَدَّثَنَا وَهْبُ بْنُ جَرِيرٍ ، قَالَ : حَدَّثَنِي أَبِي ، قَالَ : سَمِعْتُ الْأَعْمَشَ يُحَدِّثُ عَنْ عَمْرِو بْنِ مُرَّةَ ، عَنْ أَبِي الْبَخْتَرِيِّ ، عَنْ عَلِيٍّ ، أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لِعُمَرَ فِي الْعَبَّاسِ : " إِنَّ عَمَّ الرَّجُلِ صِنْوُ أَبِيهِ "[8]

Бу ҳадис ровийларидан бўлган Абу-л-Бухтари Алидан ҳадис эшитмаган, лекин бу ҳадисни Бурайда ва бошқа саҳобалар ривоят қилган шоҳидлари борлиги учун мусанниф ҳасан дея ҳукм берган[9].

Имом Термизийнинг наздида ғариб ҳадис. Имом Термизий ғариб ҳадисдан мақсадини ўзининг “ал-Илалу-с-Соғир” асарида қуйидагича баён қилган: Муҳаддислар ҳадисларни бир неча маънолар сабабидан ғариб дейдилар.

Ҳадис фақат бир санад билангина ривоят қилинса ҳадис ғариб деб аталади. Бу тури ҳам икки қисмга бўлинади[10].

Бу санад билан фақатгина бир ҳадис ривоят қилинади. Бунга мисол мусанниф “Жоме” асарида “Ов ва қурбонликлар” бобида ривоят қилган ҳадис.

بْنُ مَنِيعٍ ، حَدَّثَنَا يَزِيدُ بْنُ هَارُونَ ، قَالَ : ثَنَا هَنَّادٌ ، وَمُحَمَّدُ بْنُ الْعَلَاءِ ، قَالا : حَدَّثَنَا وَكِيعٌ ، عَنْ حَمَّادِ بْنِ سَلَمَةَ ، (ح)، وَحَدَّثَنَا أَحْمَدُ أَنْبَأَنَا حَمَّادُ بْنُ سَلَمَةَ ، عَنْ أَبِي الْعُشَرَاءِ ، عَنْ أَبِيهِ ، قَالَ : قُلْتُ : يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَمَا تَكُونُ الذَّكَاةُ إِلَّا فِي الْحَلْقِ وَاللَّبَّةِ ؟ قَالَ : " لَوْ طَعَنْتَ فِي فَخِذِهَا لَأَجْزَأَ عَنْكَ ". قَالَ أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ : قَالَ يَزِيدُ بْنُ هَارُونَ : هَذَا فِي الضَّرُورَةِ.[11]

Бу ҳадисни бизга Ҳаннод ва Муҳаммад ибн Ало айтди, улар бизга Вакиъ ҳадис айтиб берди дедилар, у Ҳаммод ибн Саламадан, у Абу-л-Ушародан, у отасидан ривоят қилди. Мусанниф айтади бу ҳадисни фақат Ҳаммод ибн Саламадангина биламиз, Абу-л-Ушарони отасидан бошқа ҳадисни ривоят қилганини билмаймиз. Имом Термизий бу ҳадисни ҳасан ҳадис деб айтмади, сабаби мусаннифни наздида ҳасан бўлиши учун уни бошқа туруқи ҳам бўлиши керак[12].

---

[6] Сунани Термизийдаги 1309-ҳадис. –Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмийя, 2019. – Б. 579.

[7] Ёсир Ҳасан. Муқаддимату сунани-т-Термизий. – Сурия: Муассисату-р-рисала наширун, 2022. – Б.102.

[8] Сунани Термизийдаги 4093-ҳадис. –Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмийя, 2019. – Б. 1236.

[9] Абу Бакр Аҳмад ибн Ҳусайн Байҳақий. Ас-Сунан ал-кубро. – Ж: 2. – Ҳайдаробод: Доират ал-маориф, 1925. – Б. 57.

[10] Yosir Hasan. Muqaddimatu sunani-t-Termiziy. – Suriya: Muassisatu-r-risala nashirun, 2022. – B.1296.

[11] Сунани Термизийдаги 1551-ҳадис. –Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмийя, 2019. – Б. 641-642.

[12] Ёсир Ҳасан. Муқаддимату сунани-т-Термизий. – Сурия: Муассисату-р-рисала наширун, 2022. – Б.103.

Ҳадисни санади машҳур бўлади яъни у санад билан бошқа кўплаб ҳадислар ривоят қилинган бўлади, лекин ғариб ҳадис фақатгина бу санад билангина ривояти келади. Имом Термизийнинг китобида ривоят қилинган қуйидаги ҳадис биз айтиб ўтган ғарибга мисол бўлади.

حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ ، قَالَ : حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ مَهْدِيٍّ ، قَالَ : حَدَّثَنَا سُفْيَانُ ، وَشُعْبَةُ ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ دِينَارٍ ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ ، أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَهَى عَنْ بَيْعِ الْوَلَاءِ ، وَهِبَتِهِ.

Бу ҳадисни Ибн Абу Умар айтиб берди, у айтади: бизга Суфён ибн Уяйна ҳадис айтиб берди, у айтади: бизга Абдуллоҳ ибн Динор ҳадис айтиб берди, у Абдуллоҳ ибн Умардан бу ҳадисни эшитди. Бу ҳадис фақат Абдуллоҳ ибн Динордангина ривоят қилинган. Лекин бу санад машҳур санаддир, бу санадни бошқа кўплаб ҳадислари бор[13].

Ғариб ҳадисни ушбу тури яъни санади ва матни ғариб бўлган ҳадис, агар саҳиҳ ё ҳасан ҳадис шартлари унда топилса ҳужжат сифатида қабул қилинади. Мусанниф бу қисмни (санади ва матни ғариб ҳадис) ўз асарида қуйидагича ифодалайди: Бу ғариб ҳадис, бу ҳадисни фалончини ҳадисидангина биламиз. Агар саҳиҳлик ё ҳасанлик шартлари ушбу қисмда топилса, мусанниф қуйидаги иборалар билан келтиради: бу саҳиҳ ғариб ҳадис, бу ҳасан ғариб ҳадис[14].

Ғарибни иккинчи тури ҳадис машҳур бўлади, лекин баъзи ровийлар ҳадис матнига бошқа ҳадисларда учрамайдиган зиёдалик киритади. Ғарибни бу тури “ишончли кишиларни зиёда қилиши” деб номланган истелоҳда тўлиқ маълумот берилади.

Ғарибни учинчи тури ҳадис Расулуллоҳдан кўплаб саҳобалар орқали ривоят қилинган, лекин баъзи саҳобадан фақат бир ровий ривоят қилган бўлади. Мусаннифнинг асарида ҳам бу каби ҳадислар учрайди. Мусанниф Абу Мусони “Кофир етти ошқозонига ейди” деган мазмундаги ҳадисни келтиради. Ушбу ҳадис матни Расулуллоҳдан кўплаб саҳобалар орқали ривоят қилинган. Имом Бухорий ҳам “Саҳиҳ” асарида бу ҳадисни Абу Ҳурайра ва Ибн Умарларни ривояти билан келтиради.

Бу ҳадис Имом Бухорийни китобида Абу ҳурайрани ривояти 5396-ҳадис, Ибн Умарни ривояти 5394-ҳадис. Имом Муслим эса Абу ҳурайрани ҳадисини “Саҳиҳ” асарида 5378, Ибн Умарни ҳадисини эса 5372-рақамда келтирган. Имом Термизий ривоят қилган Абу Мусони ҳадисини Имом Муслим “Саҳиҳ” асарида 5377-рақам остида Абу курайбдан ривоят қилган. Абу Мусони ҳадисини фақат Абу Курайбни ривоятидан биламиз. Бу ҳадисни фақат санади ғариб матни эмас[15]. Ғариб ҳадисни ушбу туринининг ҳукми баъзи йўлларида саҳиҳлик шартларини ўзида жамлаган бўлса бу ҳадис мақбул ҳадисдир. Баъзи йўлларидаги заъифлик бу ҳадисга зарар етказмайди, чунки асл саҳиҳ ҳадис бўлади, у эса заъиф ҳадис билан иллатланмайди. Мусанниф ғарибни ушбу турини асарида қуйидаги ибора билан зикр қилган: ҳадис бу важҳдан

---

[13] Ушбу асар.

[14] Нуруддин Итр. Ал-Имам Ат-Термизий ва-л-мувозанату байна жамиъҳи ва байна ас-саҳиҳайн. – Миср: Лажнату-т-таълиф, 1970. – Б. 165.

[15] Ёсир Ҳасан. Муқаддимату сунани-т-Термизий. – Сурия: Муассисату-р-рисала наширун, 2022. – Б.105.

ғариб, фалон ровийнинг ҳадисидан ғариб, бу фалон ровийнинг ҳадисидан, ҳасан ғариб каби иборалар билан ифода этган[16].

Мусаннифни наздида шоз ва мункар ҳадис ва уларни фарқлари. Муҳаддислар шоз ҳадис борасида турлича фикр айтганлар. Лекин буларни энг кучлиси қуйидаги таърифдир: Шоз ҳадис мақбул ровий ўзидан авлороқ ровийга хилоф қилган ҳолда ривоят қилган ҳадисидир[17]. Ушбу таърифдан шоз ҳадисдаги хилофлик ровий тарафидан бўлиши келиб чиқади, яъни ишончли ровий ўзидан ишончлироқ бўлганига хилоф тарзда ривоят қилган ҳадис шоз бўлади. Шоз ҳадис рад қилинган ҳадислар турига киради, чунки ровий ишончли бўлса ҳам ўзидан илмлик инсонга хилоф қилган бўлса, бу ишончли киши ўша ҳадисни яхши эгалламаганига далил бўлади.

Мункар ҳадис таърифи борасида уламоларнинг иборалари турлича келади. Лекин таҳқиқ қилиб чиқилса бу ибораларни турли хиллиги ҳар бир муҳаддис бу (мункар) истелоҳини ишлатишдан мақсади турлича бўлгани сабаблиги аён бўлади. Муҳаддисларнинг бу (мункар) истелоҳи борасида икки йўллари бизгача етиб келган.

Биринчи йўл мункар истелоҳини “заъиф ровий ишончли ровийга хилоф тарзда ривоят қилган ҳадис”[18]га ишлатганлар. Бу таърифга кўра мункар маъруф ҳадисни зидди ҳисобланади. Кўп муҳаддислар мункар ҳадисга берилган ушбу таърифни қабул қилганлар.

Иккинчи йўл эса мункар истелоҳини умумий тарзда ишлатиш. Бу йўлга кўра мункар ҳадисни таърифи ровий якка ривоят қилган ҳадисдир, у ҳадис бошқа ҳадисга хилоф қилиши ё қилмаслигини этибори йўқ, гарчи уни ровийси ишончли бўлса ҳам. Бу таъриф мутақаддим муҳаддисларнинг кўпчилигини йўли ҳисобланади. Мункарнинг иккинчи таърифига кўра мункар ҳадис ўз ичига кўп ҳадисларни қамраб олади. Аввалги таърифга кўра мункар ҳадис ровийси заъиф бўлгани учун заъиф ҳадис ҳисобланади. Лекин иккинчи таърифга кўра мункар ҳадис ғариб ҳадис каби баъзан саҳиҳ, баъзан эса ҳасан ё заъиф ҳам бўлади. Мусаннифнинг наздида шоз ҳадис ва мункар ҳадис бир-биридан фарқ қилмайди, бу иккала қисмга ҳам “ғойри маҳфуз” иборасини ишлатган[19].

Мусаннифнинг “ғойри маҳфуз” иборасини ишлатиб ундан ишончли киши ўзидан ишончлироқ кишига хилоф тарзда ривоят қилган шоз ҳадисни ирода қилганига мисол:

وَرَوَى حَمَّادُ بْنُ سَلَمَةَ، عَنْ أَيُّوبَ، عَنْ نَافِعٍ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ، أَنَّ بِلَالًا أَذَّنَ بِلَيْلٍ، فَأَمَرَهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ يُنَادِيَ : إِنَّ الْعَبْدَ نَامَ[20].

Мусанниф “Сунан” асарида Ҳаммод ибн Саламадан, у эса Айюбдан, у эса Нофейдан, у эса Ибн Умардан ривоят қилади. Имом Термизий бу ҳадисни “Сунан” асарида келтириб, уни ғойри маҳфуз дея атади. Ҳаммод ибн Салама ҳадисда ишончли саналади. Лекин у ушбу ҳадисда ўзидан ишончли кишиларга хилоф чиқди. Чунки

---

16 Ушбу асарнинг 106-бети.

17 Аҳмад ибн Али ибн Муҳаммад Ибн Ҳажар Асқалоний. Нузҳатун-назор фи-тавзиҳи нухбату-л-фикар. – Покистон: Бушро, 2016. – Б.72.

18 Ушбу асар.

19 Нуруддин Итр. Ал-имам Ат-Термизий ва-л-мувозанату байна жамиъҳи ва байна ас-саҳиҳайн. – Миср: Лажнату-т-таълиф, 1970. – Б. 190.

20 Сунани Термизийдаги 1551-ҳадис. –Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмийя, 2019. – Б. 284.

ишончли кишилар бу ҳадисни Убайдуллоҳ ибн Умардан, у Нофейдан, у эса Ибн Умардан қуйидагича ривоят қилган:

عَنْ سَالِمٍ عَنِ ابْنِ عُمَرَ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : " إِنَّ بِلَالًا يُؤَذِّنُ بِلَيْلٍ[21]

Мусанниф Солимдан, у Ибн Умардан ҳадисни ривоят қилгач, юқоридаги Ҳаммодни ҳадисини таълиқ қилиб келтириб унга ғойри маҳфуз дея ҳукм берди. Мусанниф буни шоз эканига икки йўлдан далилланган.

Биринчиси Ҳаммодни ривояти Убайдуллоҳ ибн Умар ва бошқа ишончли инсонлар қилган ривоятга зид чиқаябди, шу сабаб Ҳаммодни ҳадисини шоз дея ҳукм берган.

Иккинчиси Ҳаммодни ҳадиси Ибн Умардан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадисга қарши чиққани учун унинг маъноси тўғри эмас. Чунки Ибн Умарни ҳадисида Росулуллоҳ инсонларга келажакда бўладиган ишга буюриб "**Албатта Билол тунда азон айтади"**, деди. Агар Билол бомдод вақти киришидан олдин азон айтганида, Росулуллоҳ унга азонни қайтаришга буюрганида "**Албатта Билол тунда азон айтади"**, деган сўзи маъносиз бўлиб қолар эди. Шу сабаб Али ибн Мадиний ҳам бу ҳадисни ғойри маҳфуз деб ҳукм берган[22].

Мусанниф "Сунан" асарида ғойри маҳфуз дея, заъиф ровий ишончли ровийга хилоф тарзда ривоят қилган мункар ҳадисни ҳам ирода қилган. Бунга мисол Ибн Умарнинг Маккага кириш учун ғусл қилиш борасидаги ҳадиси.

حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ مُوسَى ، قَالَ : حَدَّثَنَا هَارُونُ بْنُ صَالِحٍ الطَّلْحِيُّ ، قَالَ : حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ زَيْدِ بْنِ أَسْلَمَ ، عَنْ أَبِيهِ ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ ، قَالَ : اغْتَسَلَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِدُخُولِهِ مَكَّةَ بِفَخٍّ[23].

Абдурраҳмон ибн Зайд ибн Аслам отасидан, у Ибн Умардан, у отаси Умардан ривоят қилади. Абдурраҳмон бу ҳадисда ишончли кишиларга хилоф қилди. Абдурраҳмонни Али ибн Мадиний, Аҳмад ибн Ҳанбал ва бошқалар заъиф деб аташган. Бу ҳадисни Нофей Ибн Умардан ривоят қилиб: **"Ибн Умар Маккага киргани ғусл қилди"** дея саҳобанинг фели дея келтиргани муҳаддислар наздида саҳиҳ ҳадисдир. Абдурраҳмонни ҳадиси шоз, Ибн Умарни феллари эса маъруф дея ҳукм берилади.

Мусанниф баъзан "Жоме" асарида "мункар" иборасини ишлатиб унинг умумий маъносини яъни ровий якка ривоят қилган ҳадисни ирода қилади. Мусанниф "Сунан" асарида Оиша онамиз ривоят қилган "**Ким бир қавмга келса уларнинг изни билан рўза туцин**" ҳадисини келтириб, бу мункар ҳадис деб айтади. Бу ҳадисни мункарлигига Ҳишом ибн Урвадан бирор ишончли инсон ривоят қилганини билмаймиз дея сабаб келтиради. Мусанниф бу ўринда ҳадисни мункар бўлишига ишончли инсон ривоят қилмаганини иллат қилиб келтирди. Агар мусанниф мункар иборасидан заъиф ровий ишончли ровийга хилоф тарзда ривоят қилган ҳадисни ирода қилганда ҳадисни иллатини баён қилаётганда бу ҳадисни ровийси ишончли кишиларга хилоф қилган

---

[21] Ушбу асар.

[22] Нуруддин Итр. Ал-имам Ат-Термизий ва-л-мувозанату байна жамиъҳи ва байна ас-саҳиҳайн. – Миср: Лажнату-т-таълиф, 1970. – Б. 133-134.

[23] Сунани Термизийдаги 868-ҳадис. –Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмийя, 2019. – Б. 463.

дея айтиб ўтар эди. Бундан мусанниф мункар иборасидан ровий ўзи якка ривоят қилган ҳадисни назарда тутгани келиб чиқади.

Ишончли кишиларнинг ҳадисга зиёда қилишига келсак, бу икки ўринда бўлади. Санадда ва ҳадис матнида учрайди. Санаддаги зиёдалик бу бир ҳадис бир неча ровийлар тарафидан ривоят қилиниб, уларнинг айримларида зиёда ровий қўшилиб келишига айтилади. Ҳадис матнидаги зиёдаликка эса, бир ҳадисни бир-неча ровийлар ривоят қилиб, айримлари ҳадис матнига зиёда сўзни қўшиб ривоят қилишига айтилади. Муҳаддис уламолар ишончли инсонларни зиёдаси қабул қилинишида турлича фикрларни айтганлар. Мусаннифни ишончли кишининг ривояти қабул қилиниши учун икки шарт қўйганлар.

Зиёда қилинган ҳадис машҳур ҳадисга зид чиқмаслиги. Зиёда қилган ровий, ишончли бўлишидан ташқари, ҳифзи мукаммал бўлиши шарт. Мусанниф бу шартни ғариб ҳадисни қисмларини баён қилиш асносида қуйидаги ибора билан айтиб ўтган. Ҳадисда ҳифзи мукаммал инсон зиёда қилса, ўша зиёдалик қабул қилинади.[24] Имом Термизийнинг зиёдани қабул бўлиши борасидаги сўзлари Имом Муслимнинг ҳам бу борадаги сўзлари билан мувофиқ келади. Имом Муслм айтади: Хабарлардаги зиёдалик ҳифзида ваҳми кўп бўлмаган ҳофизлардан қабул қилинади[25].

Агар ҳадисдаги зиёдалик бошқа ҳадисга зид келиб қолса, бу ўринда ушбу ҳадислар бир-бирига солиштирилиб таржиҳ топилганига амал қилинади. Мутақоддим муҳаддислар Абдурроҳман ибн Маҳдий, Яҳё ибн Қаттон, Аҳмад ибн Ҳанбал, Яҳё ибн Маъин, Али ибн Мадиний, Бухорий, Насоий, Дароқутний ва Имом Термизий ҳам таржиҳ йўлини танлаган[26].

Мусаннифнинг "Жоме" асаридаги ишлари ҳадисдаги зиёда ўрнини баён қилиб ўтишдир. Мусанниф бу зиёдаликни "Жоме" асаридаги 683-ҳадисда баён қилиб ўтган. Бу ҳадисни мусанниф Айюбдан, у Нофейдан, у Ибн Умардан ривоят қилади: **Росулуллоҳ фитр садақасини эркак ва аёлга, ҳур ва қулга, ҳурмодан бир сў ё арпадан бир сў да фарз қилди.** Мусанниф ушбу ҳадисни ортидан Имом Моликни айнан ушбу санад билан қилган ривоятини келтиради. Лекин бу ривоятда "**Мусулмонлардан"** деган зиёдаси билан ривоят қилиб келтиради. Мусанниф бу ҳадисни келтириб. Имом Молик ушбу зиёда лафзни ўзи ривоят қилишига қарамасдан, Имом Моликни ҳадисига амал қилган фақиҳларни ҳам келтириб ўтганлар, бу амали билан ишончли инсонни қилган ривояти бошқаларни ривоятига зид келмаса, ишончли инсон ҳифзи комил бўлса унинг ривоятидаги зиёдалик қабул қилинишини билдириб ўтган.

Мусаннифнинг асаридаги "Музтариб ҳадис" бу қуввати тенг турли йўллардан ривоят қилинган, ўртасида бирортасини устун қиладиган нарса ҳам орасини жамлаш имкони ҳам бўлмаган ҳадисдир. Ҳадисни ушбу тури ҳам икки қисмга (санаддаги ва матндаги изтироб) га бўлинади[27]. Мусанниф ўз асарида музтариб ҳадисга ҳукм

---

[24] Мусаннифнинг "Ал-илалу-с-соғир" асарини 15-саҳифасига қаралсин.

[25] Ҳофиз Ибн Ражаб Зайниддин Абу-л-фарож Абдурраҳмон ибн Аҳмад Бағдодий Ҳанбалий. Шарҳу илали-т-Термизий. – Байрут: Дару-с-слом, 2016. – Б. 186.

[26] Аҳмад ибн Али ибн Муҳаммад Ибн Ҳажар Асқалоний. Нузҳатун-назор фи-тавзиҳи нухбату-л-фикар. –Покистон: Бушро, 2016. – Б. 71-73.

[27] Ушбу асарнинг 108-бети.

беришда ҳадисдаги ихтилофларни тўлиқ баён қилиб, ҳадисдаги изтиробли санадларни барчасини зикр қилиб ўтади[28]. Мусанниф "Ҳожатга кирган одам нима дейиши борасидаги бобда" Зайд ибн Арқамдан келган ҳадисни ривоят қилиб келтиради. Бу ҳадис биз айтаётган музтариб ҳадисга мисол бўлади. Мусанниф бу ҳадис санадидаги ихтилофларни барчасини баён қилиб ўтади. Бу ҳадис "сунан" асарида 5-рақамда келтирилган.

Бизга Қутайба ва Ҳаннод ҳадис айтди. Улар бизга Вакий ҳадис айтди деганлар. У Шуъбадан, у Абдулазиз ибн Суҳайбдан, у Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан (ҳадис айтган): Расулуллоҳ ҳожатга кирсалар **"Эй Аллоҳим сендан паноҳ сўрайман"** дер эдилар. Мусанниф бу ҳадисни келтирганидан сўнг бу бобдаги энг саҳиҳ ҳадис дея ҳукм бердилар. Сўнг бу мавзуда Али, Зайд ибн Арқам, Жобир ва Ибн Масъуд розияллоҳу анҳумлардан ҳам ривоятлар келганини ўз китобида келтирган. Сўнг Зайд ибн Арқамдан келган ривоят санади изтиробли эканлигини айтиб, ўша ҳадисни барча санадларини келтирган.

Ҳишом Дастувоий ва Саид ибн Аруба Қатодадан ривоят қилди. Саид ибн Аруба айтади: Қатода Қосим ибн Авфдан, у Зайд ибн Арқамдан ривоят қилди. Ҳишом Дастувоий эса Қатода Зайд ибн Арқамдан ривоят қилди, деб айтди. Бу ерда Қатода Зайд ибн арқамдан тўғри ўзи ривоят қилгани ё ўртада Қосим воситасида ривоят қилгани борасида ихтилоф борлигини мусанниф айтиб ўтди. Бу ҳадисни Шўба ва маъмарлар Қатодадан ривоят қилдилар. Шўба ўз ривоятида Қатода Зайд ибн Арқамдан ривоят қилди, деди. Маъмар эса ўз ривоятида Қатода Назр ибн Анасдан, у ўз отасидан, у Расулуллоҳдан, дея айтиб ўтган. Мусанниф бу ҳадис борасида Имом Бухорийдан сўраганида, у зот Қатода Зайддан ҳам Назрдан ҳам эшитган бўлиши мумкин дея жавоб берган. Шўба ва маъмарларни ривоятидаги изтироб Қатода Зайд ибн Арқамдан эшитгани ё Назр ибн анасдан эшитгани борасида бўлди[29].

Иллатли ҳадис бу ҳадиснинг саҳиҳлигига зарар берадиган иллати топилиб, лекин ҳадиснинг зоҳири ундан саломат бўлган ҳадисдир. Иллат бу ҳадисни саҳиҳлигига зарар берадиган махфий сабабдир[30].

Имом Термизий "Сунан" асарида ҳадисларни иллатларини баён қилиб берганлар. Бунга мисол мусанниф "Сунан" асарининг таҳорат китобида 97-ҳадисни ривоят қилади: Бизга Абулвалид Димашқий ҳадис айтиб берди, у бизга Валид ибн Муслим ҳадис айтиб берди, у менга савр ибн Язид хабар берди деди. У Ражо ибн Ҳайвадан, у Муғирани котибидан, у Муғира ибн Шуъбадан ривоят қилди: **Албатта Расулуллоҳ массиларини усти ва остига масъҳ тортдилар.** Мусанниф бу ҳадисни ривоят қилиб, бу ҳадисни иллатлик эканини айтиб уни иллатини баён қилади.

---

[28] Нуруддин Итр. Ал-имам Ат-Термизий ва-л-мувозанату байна жамиъҳи ва байна ас-саҳиҳайн. – Миср: Лажнату-т-таълиф, 1970. – Б. 136.

[29] Ёсир Ҳасан. Муқаддимату сунани-т-Термизий. – Сурия: Муассисату-р-рисала наширун, 2022. – Б. 114.

[30] Аҳмад ибн Али ибн Муҳаммад Ибн Ҳажар Асқалоний. Нузҳатун-назор фи-тавзиҳи нухбату-л-фикар. – Покистон: Бушро, 2016. – Б. 92.

Бу Ҳадисни муснад (Расулуллоҳгача санади муттасил қилиб келтирилган ҳадис) ҳолатда Савр ибн Язиддан фақат валид ибн Муслим ривоят қилган. Мусанниф айтади: Мен Абу Зураъ ва Имом Бухорийдан бу ҳадис борасида сўрадим, улар бу ҳадис саҳиҳ эмас дедилар. Абдуллоҳ ибн Муборак бу ҳадисни Савр ибн Язиддан ривоят қилди, у Ражодан, у Муғирани котибидан ривоят қилган, бу ривоятда Муғира ибн Шуъба келтирилмасдан ҳадис мурсал ҳолатда ривоят қилинган. Мусанниф бу ўринда ҳадисни иллатини очиб берди ва Абдуллоҳ ибн Муборакни ривояти унга хилоф чиққани билан изоҳлаб ўтди. Абдуллоҳ ибн Муборак Валид ибн Муслимдан ҳофиз ва ишончлироқ. Мусанниф ўз асарида ҳадисдаги иллатлар (тадлис, ирсол, шоз, ва бошқаларини) баён қилиб ўтганлар. Биз мисол қилган ривоятда ҳадисни иллати санаддаги инқитў эканини айтиб ўтди[31].

Мусаннифни наздидаги мурсал ҳадис "Жоме" асарида икки шаклда келади. Биринчиси тобеиннинг мурсал ҳадиси, бу ҳадис, муҳаддислар ўртасида мурсал истелоҳини унга ишлатишда машҳурдир. Мурсал ҳадис тобеин (Ҳоҳ катта тобеин бўлсин, ҳоҳ кичик) Расулуллоҳгача ўртада воситани зикр қилмасдан сўз, иш, ва тақриридан иборат ривоят қилган ҳадисдир[32]. Бу ҳадисни мусаннифнинг "Жоме" асарида ҳам учратиш мумкин. Мусанниф асарида 1928- ҳадисни Ибн Умардан ривоят қилади: **Расулуллоҳ нажосат ейдиган ҳайвонларни ейиш ва сутларини ичишдан қайтарди.** Мусанниф бу ҳадисни Муҳаммад ибн Исҳоқни тариқидан, у Ибн Абу Нажиҳдан, у Мужоҳиддан, у Ибн Умардан муттасил ҳолатда ривоят қилиб сўнг, бу ҳадис ҳасан ғариб дея ҳукм берди. Аллома бу ҳадисни Саврий ибн Абу Исъҳоқдан, у Мужоҳиддан, у Расулуллоҳдан мурсал ҳолда қилган ривоятини ҳам келтириб ўтган. Бу ривоятда Мужоҳид ва Расулуллоҳ ўртасидаги восита тушиб қолган.

Мурсални иккинчи қисми у мунқоти ҳадисдир. Мунқоти ҳадис санадидан қайси ўриндан бўлса ҳам бир ровий тушиб қолган ҳадисдир. Бу таъриф аксар усул уламолари ва фақиҳларнинг, муҳадислардан Хатиб Бағдодийнинг мазҳабидир, лекин мурсал ҳадис сўзи ишлатилганда кўп ҳолатда тобеинни мурсал ҳадиси тушинилади[33].

Мусаннифнинг "Жоме" асарида мурсал ҳадисни бу қисмига ҳам мос бўлган ҳадис бор. Асардаги 3076-ҳадис Холид ибн Язиддан, у Саид ибн Абу Ҳилолдан, у Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилган. Бу ҳадис мурсални иккинчи қисми (санадни қайси ўрнидан бўлса ҳам бир ровийни тушиб қолиши) га мос келади, чунки Саъид ибн Абу Ҳилол Жобир ибн Абдуллоҳни кўрмаган.

Муҳаддислар мурсални биринчи қисмига мурсал исмини ишлатишга иттифоқ қилганлар. Иккинчи қисмини мунқоти деб номлаган. Иккинчи қисмига мурсал сўзини ишлатишда ихтилоф қилганлар. Мусанниф мурсал исмини икки қисмга ҳам ишлатганлар, лекин иккинчи қисмга мурсалдан бошқа иборалар ҳам ишлатган. Базан мунқоти ҳадисга мурсал иборасини ишлатган, базан мунқоти исмини ишлатганлар.

---

[31] Нуруддин Итр. Ал-имам Ат-Термизий ва-л-мувозанату байна жамиъҳи ва байна ас-саҳиҳайн. – Миср: Лажнату-т-таълиф, 1970. – Б. 138-139.

[32] Аҳмад ибн Али ибн Муҳаммад Ибн Ҳажар Асқалоний. Нузҳатун-назор фи-тавзиҳи нухбату-л-фикар. – Покистон: Бушро, 2016. – Б.83.

[33] Жалолиддин Суютий. Тадрибу-р-ровий фи-шарҳи тақрибу-н-Нававий. – Покистон: Бушро, 2012. – В.124

Мусанниф асарида 4031-рақам остида Ҳорис ибн Абдурраҳмон ибн Абу Зубабни Толҳа ибн Убайдуллоҳдан ривоят қилган ҳадисини келтиради. Аллома бу ҳадисни ғариб, санади кучли эмас, мунқоти дея ҳукм берган. Чунки Ҳорис ибн Абдурраҳмон Толҳа ибн Убайдуллоҳни кўрмаган. Кўп ўринда мунқоти ҳадис борасида санади муттасил эмас иборасини ишлатган.

Асарда 1760-рақам остида Ибн Абу Умардан, у Суфён ибн Уяйнадан, у Муҳаммад ибн Мункадирдан, у Салмон Форисийдан ривоят қилган ҳадис келтирилади. Мусанниф бу ҳадисни келтириб Муҳаммад ибн Мункадир Салмон Форисийни кўрмагани учун ушбу ҳадисга санади муттасил эмас иборасини ишлатган. Мусанниф мурсал ҳадисга ҳукм беришда қолган муҳаддисларга қўшилиб заъиф ҳужжатланилмайди деб ҳукм берганлар. Сабаби тушиб қолган ровий номалумдир, агар номалум ровийдан келган ривоят рад қилинса, санадда тушиб қолган ровийдан қилинган ривоят албатта рад қилинади[34].

Мусанниф ўз асарида ҳадисдаги насх[35] масаласига ҳам тўхталиб ўтган. Аллома “Сунан” асарида Абу Ҳурайрадан олов иситган нарсадан таҳорат таҳорат қилиш борасида ҳадис ривоят қилади. Ушбу ҳадис асарда 79-рақам остида келтирилади. Сўнг мусанниф Жобирдан Росулуллоҳ ўт теккан нарсадан таҳорат олмагани борасидаги ҳадисни ривоят қилиб, бу Росулуллоҳ қилган охирги ишлари эканлигини баён қилиб ўтади. Бу иши билан аллома Жобирни ҳадиси Абу ҳурайрани ҳадисини насх қилганини баён қилади.

Аллома ўз асарида ҳадис матнида учрайдиган лекин кам ишлатилгани сабаб, уни тушуниш қийин бўлган сўзларни алоҳида шарҳлаб ҳам ўтганлар. Бу ҳадис истелоҳида ғарибу-л-ҳадис[36] ибораси билан ишлатилади. Аллома одатда бу сўзларни шарҳлашда турли ихтилофларни келтириб чўзиб юбормайди, балки энг ишончли маъносини айтиб ўтади. Кўп ўринларда ғорибу-л-ҳадисни шарҳлашда мужтаҳид имомларни сўзларини келтиради. Баъзан улар ўртасидаги ихтилофга ҳам муҳим масала бўлган ўринда тўхталиб ўтади[37]. Мусанниф асарида 670-рақам остида Ибн Аббосдан ҳадис ривоят қилади. Бу ҳадис матнида (Махраф) сўзини боғ дея шарҳлаб ўтади. 1433-ҳадис матнидаги (Ирқин золимин) сўзини шарҳлашда ҳадис илмида пешво бўлган Абу Довуднинг сўзларини келтириб ўтади. (Ирқин золимин) бу ўзиники бўлмаган нарсани оладиган инсондир.

---

[34] Мавлоно Раисуддин. Дуруси Термизий. – ж: 2. – Лоҳур: Мактабату-л-илм, 1999. – Б. 244.

[35] Насх бу шорий олдинги ҳукмни кегинги ҳукм билан кетжизишидир. Дуктур Солиҳ Субҳийнинг “Улуму-л-ҳадис” асарини 160-саҳифасига қаралсин.

[36] Ғарибу-л-ҳадис бу кам ишлатилгани сабаб тушуниш қийин бўлган, ҳадис матнларида учрайдиган сўзлардир. Дуктур Солиҳ Субҳийнинг “Улуму-л-ҳадис” асарини 160-саҳифасига қаралсин.

[37] Нуруддин Итр. Ал-имам Ат-Термизий ва-л-мувозанату байна жамиъҳи ва байна ас-саҳиҳайн. – Миср: Лажнату-т-таълиф, 1970. – Б. 199.

Аллома ўз асарида бу ҳадис бобдаги энг саҳиҳи ё бобдаги энг асаҳҳи деган иборани кўп ишлатган. Бу иборани маъноси бу бобда келган ҳадисларни барчаси саҳиҳ мусанниф бобда асосий ҳадис қилиб келтиргани ҳаммасидан саҳиҳ дегани эмас. Бу ибораниng маъноси бобдаги асосий ҳадис бобда келган ҳадислардан устунроғ деганидир. Бу ерда бобда келган ҳадислар заиф ё саҳиҳ бўлиши ҳам мумкин. Агар бобда келган ҳадислар ҳаммаси саҳиҳ бўлса, бобни асосий ҳадиси улардан саҳиҳроқ дегани, агар заиф бўлса бобдаги ҳадис улардан заифлиги енгилроқ дегани.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Аҳмад ибн Али ибн Муҳаммад Ибн Ҳажар Асқалоний. Нузҳату-н-назор фи-тавзиҳи нухбату-л-фикар. – Покистон: Бушро, 2012. – Б. 210.
2. Ёсир Ҳасан. Муқаддимату сунани-т-Термизий. – Сурия: Муассисату-р-рисала наширун, 2022. – Б. 101.
3. Абу Бакр Аҳмад ибн Ҳусайн Байҳақий. Ас-Сунан ал-кубро. – Ж: 2. – Ҳайдаробод: Доират ал-маориф, 1925. – Б. 420.
4. Нуруддин Итр. Ал-имам Ат-Термизий ва-л-мувозанату байна жамиъҳи ва байна ас-саҳиҳайн. – Миср: Лажнату-т-таълиф, 1970. – Б. 480.
5. Мавлоно Раисуддин. Дуруси Термизий. – ж: 2. – Лоҳур: Мактабату-л-илм, 1999. – Б. 244.
6. Муҳаммад Ториқ. Маорифи Термизий. – Ж: 2. – Исломобод: Мактабату шайхи-л-ҳинд, 2007. – Б. 145.
7. Жалолиддин Суютий. Тадрибу-р-ровий фи-шарҳи тақрибу-н-Нававий. – Покистон: Бушро, 2012. – Б.124.
8. Ҳофиз Ибн Ражаб Зайниддин Абу-л-фарож Абдурраҳмон ибн Аҳмад Бағдодий Ҳанбалий. Шарҳу илали-т-Термизий. – Байрут: Дару-с-слом, 2016. – Б. 186.
9. Жалолиддин Суютий. Тадрибу-р-ровий фи-шарҳи тақрибу-н-Нававий. – Покистон: Бушро, 2012. – Б.370.

АБУ ИСО МУҲАММАД АТ-ТЕРМИЗИЙ – ДУНЁ ИМОМИ

Дилафруз Гуламова*

Аннотация. Ушбу мақолада ислом оламининг буюк муҳаддисшунос олими бўлмиш Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий ҳадис илмининг такомиллашувига қўшган ҳиссаси, илмий-ижодий фаолияти ва маънавий меросининг бугунги кунда ёшларга маънавий сабоқ бўлишидаги қарашлар таҳлилий ёндошувлар асосида ёритилган.

Калит сўзлар: “дунё имоми”, “ҳадис илми”, “маънавий мерос”, “саҳийҳ”, “ҳасан”, “ғарийб”, “мударрис”, “тафсир”, “меъёр”, “сайд”.

Abstract. This article covers analytical approaches to the contribution to the improvement of the science of Abu Isa Muhammad at-TERMIZIY Hadith, the great scholar of the Islamic world, and views on the scientific and creative activity and spiritual heritage as a spiritual lesson for young people today.

Keywords:” imam of the world“,” science of Hadith“,” spiritual heritage“,” sahiyh“,” hasan“,” ghariyb“,” mudarris“,” tafsir“,” norm“,”sayd".

Ислом оламида энг машҳур бўлган, энг саҳиҳ ҳадисларни тўплаган, ҳадис илмига энг катта ҳисса қўшган муҳаддисларнинг кўпчилиги айнан бизнинг буюк аждодларимиздир, диёримизда туғилиб-ўсган улуғ зотлардир.

Юртимиз Ислом нури ила мунаввар бўлган аср инсоният тарихида Шарқ уйғониши даври деб аталади. Ўша асрдан бошлаб диёримизда бутун дунёга мударрис бўлган, бутун Ислом оламида эътироф қилинган буюк алломалар етишиб чиқа бошлаган. Хусусан, Ислом умматига Қуръони Каримни тафсир қилиш ҳамда саҳиҳ ҳадиси шарифларни етказиш ва шарҳлаш борасида буюк ватандошларимизнинг хизмати беқиёс бўлган.

Буюк муҳаддислардан бири – буюк ватандошимиз имом Термизий роҳматуллоҳи алайҳ. У зотнинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн аз-Заҳҳоқ Абу Исо ас-Сулламий аз-Зарийр ал-Буғий ат-Термизий бўлиб, ҳижрий 209 (милодий 824) йили Термиз яқинидаги Буғ (ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Шеробод тумани ҳудудида жойлашган) қишлоғида ўртаҳол бир оилада таваллуд топган. Марказий Осиёлик машҳур тарихчи Абу Саад Абдулкарим ас-Самъоний (1113–1167) Ат-Термизий Буғ қишлоғида вафот этганлиги учун ал-Буғий тахаллуси билан ҳам аталганини, олимнинг кўп йиғлаганидан умрининг охирларида кўзи ожиз бўлиб қолганлигидан Аз-Зарийр (кўзи ожиз) тахаллусини олганлигини ҳам қайд қилади.

Лекин эл орасида Ат-Термизий номи билан машҳур бўлишига сабаб унинг бутун ҳаёти ва фаолияти (ёшликдан бошлаб) Термиз шаҳри билан чамбарчас боғлиқ бўлганлигидан, шунингдек, олим туғилган Буғ қишлоғи Термиз шаҳрига яқин бўлиб, маъмурий-идоравий жиҳатдан унга мансуб қишлоқлардан эканлигидан деб изоҳлаш мумкин.

---

* *БухДу мустақил изланувчиси“Жўйбори Калон” аёл-қизлар ўрта махсус ислом таълим муассасаси ўқитувчиси*

Имом Термизий ўз даврининг етук муҳаддиси сифатида кўпгина шогирдларга устозлик ҳам қилган. Термизийнинг устоз ва шогирдлари орасида турли мамлакат ва элат вакиллари борлиги сезилиб турибди. Шу нуқтаи назардан қаралганда, узоқ ўтмишда ҳам илм-фаннинг тараққиёти ва маърифат уруғларини тарқатиш борасида турли ўлкаларнинг вакиллари якдил бўлиб фаолият кўрсатиб самарали ҳамкорлик қилганликлари, умумбашарий қадриятлар равнақи йўлида ҳақиқий байналмилаллик руҳи мавжуд бўлганлиги ҳозирги давримиз учун ҳам ибратли бир ҳолдир.

Термизий Имом Бухорий билан учрашганида (бу учрашув Нишопурда бўлган ва икки аллома 5 йил биргаликда яшашган) ҳадиснинг матнинигина эмас, унинг ҳикмати ва фалсафасини тушуниб етганини эътироф этади. Ўз навбатида Имом Бухорий ўз шогирдини мақтаб, камтаринлик билан: "Сен мендан баҳра топганингдан кўра мен сендан кўпроқ баҳра топдим", деган. Бу Термизийга берилган жуда катта баҳо эди.

Термизий йўлда, сафарда бўлганда ҳам, ёки бир жойда муқим турганда ҳам устозларидан, учратган ровийлардан эшитган ҳадисларни ёзиб олар, уларни тартибли равишда алоҳида-алоҳида қайд қилиб борарди. 868 йил хориж сафаридан ўз юртига қайтган Термизий илмий-ижодий иш, шогирдлар тайёрлаш билан машғул бўлди ва йирик муҳаддис олим, имом сифатида шуҳрат қозонди. Тақводорлик, ислом дини ва ўз обрўсига гард юқтирмасликка интилиш, дунё мол-матоси ва бойликка бепарво қараш, охиратнинг ғамини ейиш Термизийнинг ҳаёти тарзи эди. Термизийнинг шогирдлари унинг ишларини давом эттирди. Улар ичида Макҳул ибн Ал-фадл, Муҳаммад ибн Маҳмуд Анбар, Ҳамод ибн Шокир, Абд ибн Муҳаммад Насафий, Ҳайсам ибн Кулайб Шоший, Аҳмад ибн Юсуф Насафий ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Ат-Термизий ёшлигидан ўта тиришқоқ, идрокли ва заковатли бўлганлиги боис ўз тенгдошлари ичида ажралиб турган. Илмга ўта қизиқиши туфайли ўша даврнинг кўпгина илмларини, айниқса, ҳадис илмини чуқур эгаллаган. Термиз, Самарқанд, Марв ва Марказий Осиёнинг бошқа йирик шаҳарларида истиқомат қилган машҳур уламо ва муҳаддислар асарларини қунт билан ўрганган, қўшни Балх ва Ҳайратон шаҳарларидаги илм аҳллари билан илмий алоқалар ўрнатилишига муносиб ҳисса қўшган олимлардан биридир. Ёшлигидан илм-фанга ташна ат-Термизий 850 йилдан, яъни йигирма олти ёшидан бошлаб узоқ юртларга, қатор хорижий мамлакатлар ва шаҳарларга сафар қилади. Жумладан, у Ҳижоз, Макка, Мадина, Ироқ ва Хуросоннинг қатор шаҳарларида кўплаб муҳаддис, уламолар билан мулоқотда бўлиб, улардан таълим олади, қизғин илмий мунозара ва баҳсларда иштирок этади. Тарихчи Шамсуддин аз-Заҳабийнинг таъкидлашича, ат-Термизий Миср ва Шомни шахсан зиёрат қилмаган, шу боисдан ҳам бу мамлакатлар уламоларидан билвосита ҳадислар ривоят қилган. Узоқ йиллар давом этган сафарлари чоғида ат-Термизий нафақат ҳадис илмидан, балки илм ал-қироат, ал-баён, фиқҳ, тарих каби фаннинг бошқа соҳалари ҳамда кўплаб устозлардан сабоқ олади.

Шу билан бир қаторда Ат-Термизий Пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларини тўплашга алоҳида эътибор билан қарайди. Бу борада у ҳар қандай қийинчиликларга бардош беради. У ўзи ўқиган ёки бирор ровийдан эшитган ҳадисини алоҳида

қоғозларга қайд этиб борар, уларнинг асли ва иснодини изчиллик билан аниқлаб тўғрилигига тўлиқ ишонч ҳосил қилсагина махсус қоғозларга қайд этарди. Ҳадисларнинг тўғрилигига шубҳа бўлганда уларни алоҳида ажратиб ёзарди. Шу тариқа ҳадислар саҳиҳ (тўғри, ишончли), ҳасан (яхши, маъқул), заиф (бўш, ишончсиз)[1], ғарийб (ғалати) каби хилларга ажратилган.

Ҳадис илмини эгаллашда ва такомиллаштиришда Имом Термизий ўз даврининг машҳур муҳаддисларидан таҳсил олди. Унинг устозларидан Имом ал-Бухорий, Имом Муслим ибн Ал-Ҳажжож, Абу Довуд, Қутайба ибн Саъид, Исҳоқ ибн Мусо, Маҳмуд ибн Ғийлон, Саид ибн Абдурраҳмон, Муҳаммад ибн Башшор, Али ибн Ҳажар ал-Марвазий, Аҳмад ибн Муний, Муҳаммад ибн ал-Мусанно, Суфён ибн Вақи ва қатор таниқли муҳаддисларни кўрсатиш мумкин.

Ат-Термизийнинг устоз ва шогирдлари орасида турли мамлакат ва элат вакиллари борлиги сезилиб турибди. Шу нуқтаи назардан қаралганда, узоқ ўтмишда ҳам илм-фаннинг тараққиёти ва маърифат уруғларини тарқатиш борасида турли ўлкаларнинг вакиллари якдил бўлиб фаолият кўрсатиб самарали ҳамкорлик қилганликлари, умумбашарий қадриятлар равнақи йўлида ҳақиқий байналмилаллик руҳи мавжуд бўлганлиги ҳозирги давримиз учун ҳам ибратли бир ҳолдир.

Ат-Термизий зеҳнининг ўткирлиги ҳамда қувваи ҳофизаси кучлилиги хусусида тарихий манбаларда кўплаб мисоллар, ривоятлар келтирилади. Жумладан, араб тарихчиси Шамсуддин аз-Заҳабийнинг (1274–1347) «Тазкират ул-ҳуффоз» («Ҳофизлар ҳақида тазкира») номли асарида қуйидаги ҳикоя келтирилади: "Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий Маккага ҳажга бораётганида йўлда машҳур муҳаддислар билан мулоқотда бўлади ва уларнинг биридан ҳадислардан сабоқ беришини илтимос қилади. У олим: «Бўлмаса қоғоз-қалам ол», деган. Аксига олиб шу пайт ат-Термизий қалам топа олмаган ва олим рўпарасида ўтириб эшитган ҳадисларини ёзиб олаётгандек қоғоз устида қўлини ҳаракат қилдираверган. Олим эса турли-туман ҳадислардан етмишга яқинини ҳикоя қилган. Шу орада олим қоғозга қараб унда ҳеч қандай ёзув йўқлигини кўрган ва ат-Термизийнинг бу ишидан жаҳли чиққан. Ат-Термизий шунда бамайлихотир «Сиз айтган ҳадисларингизни ёддан айтиб берайми?", — дегани ҳозиргина олимдан эшитган ҳадисларнинг ҳаммасини бирин-кетин такрор айтиб берган. Ат-Термизийнинг хотираси кучлилигидан ўша олим ҳайратга тушиб қойил қолганлигини билдирган.

Ўз устозлари Имом ал-Бухорий, Имом Муслим асос солган хайрли ишни Имом Термизий чуқур масъулият ва катта идрок билан давом эттирди. Ҳадисшуносликнинг илмий асосда ривожланишига улкан ҳисса қўшиб, мусулмон дунёсидаги энг нуфузли муҳаддислардан бири даражасига кўтарилди. Абу Исо Термизийнинг шоҳ асари бўлмиш «Ал-жомиъ ас-саҳийҳ»[2] олим машаққатли меҳнатининг маҳсули сифатида ҳадис илмида катта аҳамиятга эга. Энг аввало шуни айтиш керакки, муаллиф ўз асарини алоҳида-алоҳида бобларга бўлади, имкони борича ҳар ҳадис ровийларини келтиради. Ҳар бир ҳадисдан кейин унинг ишончли ёки ишончсизлик даражасини

---

[1] Нуриддин Атар. Шарҳу ъилалит Термизий. – Дамашқ: Дарул минҳажил қовим, 2019.б -65

[2] Аш-Шайх Комил Муҳаммад Авайда. Абу Исо ат-Термизий.1998. б-37

аниқлаб алоҳида кўрсатади. Олдинроқ биз асарини «Ас-сунан» («Суннатлар») номи билан («Сунанут Термизий») аталишини ҳам эслатиб ўтгандик. Бу ном билан аталишига асосий сабаблардан бири — унда фиқҳ масаласига доир аҳком ҳадислар жуда кўп келтирилган. Шулар билан бир қаторда асарда панд-насиҳат, ахлоқ-одоб, гўзал хулқу фазилатлар хусусида ҳам жуда кўп ҳадиси шарифлар келтирилганки, бу даражадаги ҳадислар ҳеч бир муаллиф асарида учрамайди, десак муболаға бўлмайди.

Таркибий жиҳатдан асар бир қанча бобларга бўлинади. Унда таҳорат, салот (намоз), закот, рўза, ҳаж, жаноза, никоҳ, эмизиш, талоқ, савдо-сотиқ, қозилик аҳкомлари, товон тўлаш, меъёр, сайд, қурбонлик, назр-нузур, иймон, сийратлар, жиҳод, кийим-кечак (либос), таомлар, ичимликлар (ал-ашриба), хайр-эҳсон ва саховат, табобат, фарзлар, васиятномалар, хайрихоҳлик ва тақдир, хуружи фитналар, башоратлар, шаҳодатлар, зоҳидлар, жаннат ва жаҳаннам сифатлари, илм, изн сўраш, одоб ва ахлоқ, масаллар, Қуръон фазилатлари, қироат, тафсир, дуолар, маноқиблар (фазилатлар), иллатлар ҳақидаги боблар келтирилган.

Мана шу боблар асарда сарлавҳа тарзида бўлинган бўлиб, бобга доир ҳадислар бўлим мазмунини тўла-тўкис ифодалайди. Ушбу бобга доир масала бўйича муаллиф бир қанча ҳадисларни келтиради, сўнг бу масала юзасидан бошқа уламою фақиҳларнинг фикрларини ҳам батартиб баён этади. Ундан кейин ривоят қилинган ҳадиснинг саҳийҳ, ҳасан, заиф ёки ғариблиги даражасига ўз муносабатини билдиради. Шундан сўнг ҳадис ровийлари, санадлари ва санаднинг ўз ичига олган иллатлари хусусида ўз фикрини билдиради.

Хулоса қилиб айтганда, Ат-Термизий китобларида бу хилдаги ҳадисларнинг бирмунча кўплиги унинг беназир изланишларидан далолатдир. Буюк ватандошимиз ҳуқуқшунослик, табиатшунослик, табобат, илми нужум, тилшунослик, ахлоқ ва бошқа кўплаб соҳаларда асарлар яратган. Мусулмон оламида буюк муҳаддисларидан бири сифатида машҳур бўлган улуғ аждодимизнинг бебаҳо мероси бугунги кунда ҳам кенг ўрганилмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1.Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар Асқолоний. Фатҳул Барий шарҳу Саҳиҳул Бухорий. - Миср: ад-Дарул аъламийяти линнашри ваттавзиъ, 2013.

2.Аш-Шайх Комил Муҳаммад Авайда. Абу Исо Термизий.

3.Ибн Ҳажар Асқалоний. Таҳзибут таҳзиб. Ал-Маъориф, 2017.

4.Маннаъул Қоттон. Мабоҳису фи улумил ҳадис. Мактабатул ваҳба, 2018.

5.Муҳаммад ибн Абдурроҳман ибн Муҳаммад Шамсиддин Саховий. Аз- Зовъул Ломиъ. – Байрут: Дарул жил, 1992.

6.Нуриддин Атар. Шарҳу ъилалит Термизий. – Дамашқ: Дарул минҳажил қовим, 2019.

7.Ҳожи Халифа Мустафо ибн Абдуллоҳ. Кашфуз зунун ъан асамо ал-кутуби валфунун. Дару иҳёит туросил арабий, 2008.

АНВАР ШОҲ КАШМИРИЙ ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Низомиддинов Ҳошимжон Муҳаммаджонович*

Аннотация: Ушбу мақолада аллома, муҳаддис Муҳаммад Анвар Шоҳ Кашмирий (1875-1935) ҳаёти ва илмий фаолияти хусусида олиб борилган тадқиқотлар ва ёзилган асарлар ҳақида қисқача таҳлилий маълумотлар баён этилган. Муҳаддис олим ҳақидаги маълумотларни атрофлича тадқиқот олиб бориш натижасида маълум бўлдики, у ҳақда ёзилган асосий манба ва тадқиқотларни шартли равишда уч қисмга бўлиб ўрганиш мумкин. Булар араб, урду ва турк тиллардаги тадқиқотлар ҳисобланади.

Annatation: This article provides a brief analysis of scholar Muhammad Anwar Shah Kashmiri's (1875-1935) research and written works on his life and scientific activity. A thorough7cq investigation of information about the scholar Muhaddis revealed that the main sources and research written about him can be conditionally divided into three parts. These are Arabic, Urdu, and Turkish language studies.

Калит сўзлар: Тадқиқот, мақола, Муҳаммад Анваршоҳ Кашмирий, китоб, маълумот, аллома, илм, Девбанд, дорул-улум, университет, нашр, тил.

Keywords: Research, article, Muhammad Anvarshoh Kashmiriy, books, scholar, information, knowledge, Devband, dorul ulum, university, publication, language.

Асрининг ҳофизи, муҳаддис, муфассир, фақиҳ, тилшунос, шоир, имом, шайх, буюк Аллома Муҳаммад Анвар Шоҳ Кашмирий ибн Шайх Муъзам Шоҳ Кашмирий бутун умр илм-маърифат таратиб, ҳақли равишда “Аллома”, “Замонасининг Байҳақийси” каби номлар олган. Бундай улуғ зотларнинг ҳаётини ўрганиб янги авлодга намуна, ўрнак сифатида етказиш, асарларидан илм аҳлининг кенг фойдаланиши учун уларнинг ҳаёт ва фаолиятларини қайта-қайта ўрганиб, тадқиқотлар олиб бориш, мақола ва асарлар ёзиш керак бўлади. Ана шу мақсадда дунёнинг кўплаб олимлари Аллома Кашмирий ҳақида тадқиқотлар олиб боришган. Олиб борилган тадқиқотларни излаб, улар ҳақида маълумот тўпланганда бу тадқиқотлар шартли равишда асосан уч тилда – араб, урду ва турк тилларида амалга оширилгани маълум бўлди. Буларнинг асосий қисми китоблар ҳисобланади, ундан ташқари магистирлик ва докторлик диссертация иши ҳамда мақола сифатида нашр этилганларини ҳам аниқланди.

Араб тилида олиб борилган тадқиқотлар кўлами кенг бўлиб, улар қуйидагиларни ташкил этади:

1. “Нафҳату-л-анбар фи ҳаяти имамил-аср аш-Шайх Анвар” (نفحة الانبر في حياة امام العصر الشيخ انور) Муҳаммад Юсуф Баннурийнинг (ваф. 1977) қаламига мансуб бу асар Кашмирий билан алоқадор қимматли маълумотларни ўзида жамлаган бўлиб, ўзидан кейинги кўплаб тадқиқотларга манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

* Ўзбекистон Халқаро Ислом Академияси докторанти, Ўзбекистон, Тошкент *hoshimjonnizomiddinov@yandex.ru*

Баннурий Кашмирийни китобида устозини илм кишиси, тафсирчи, ҳадисшунос, фақиҳ ва адабиётчи сифатида кўрсатган. “Мажлисул илмий” томонидан қилинган сўнги нашрда бу асар 349 бет бўлиб нашр этилган[1].

Шунингдек, Муҳаммад Баннурий “Сунан Термизий” дарсидан ёзиб олган маълумотларини жамлаб, ўзининг фикрлари ва қарашлари билан бойитиб, “Маъорифу-с-сунан шарҳ Сунан Термизий” (معارف السنن شرح سنن الترمذي) номли асарини ёзган. Ушбу асар муқаддимасида устози Кашмирий борасида баъзи маялумотларни бериб ўтган.

2. “Мукаддимату ятимату-л-баян фи шайъин мин улумил-Куръан” (مقدمة يتيمة البيان في شيء من علوم القران) Муҳаммад Юсуф Баннурий бу асарида “Нафҳату-л-анбар” асарида Кашмирий ҳақида зикр этмаган маълумотларини келтирган. Бу асар Карачида “Мажлису-л-илмий” томонидан нашр этилган.

3. Анвар Шоҳ Кашмирий томонидан ёзилган “Акидату-л-ислам” (عقيدة الإسلام) ва “Мушкилату-л-Қуръан” (مشكلات القرآن) асарларига Муҳаммад Юсуф Баннурий томонидан мукаддима ёзилган. Бу қайта нашр этилган асарларда ҳам Кашмирийга доир баъзи маълумотлар келтирилган

4. Муҳаммад Абдуллоҳ Форуқ Ансорий томонидан “аш-Шайх Муҳаммад Анвар Шоҳ ал-Кашмирий ва арауҳу-л-иътиқодийя” (الشيخ محمد انور شاه الكشمري واراءه الاعتقادية) мавзусида “Уммул қуро” университетида 2000 йилда магистирлик диссертация иши сифатида тадқиқот иши олиб борилган. Унда Аллоҳнинг борлиги ҳақидаги далиллар, Аллоҳнинг сифатлари, Аллоҳни кўриш, қазо ва қадар, ислом, иймон, куфр, нубувват, қиёмат аломатлари, қабр азоби ва шафоат каби эътиқодий масалалар ҳақида Кашмирийнинг қарашлари баён этилган[2].

5. Шоҳид Расул Кокохел томонидан “Аллома Муҳаммад Анвар Шоҳ ал-Кашмирий фи давъи интажатиҳи-л-адабийя ва-л-илмийя” (العلامة محمد انور شاه الكشمري في ضوء انتاجاته ادبية والعلمية) номли докторлик иши амалга оширилган. Ушбу тадқиқот иши Покистоннинг Боҳаланпур ислом университетининг араб тили ва адабиёти бўлимида 2009 йили ёқланган ва Кашмирийнинг фиққ, тафсир, адабиёт қирралари кенг ёритилган[3].

6. Мустафо Фазлурроҳман Абдулборий томонидан “Таржиҳату-л-Кашмирий ва ихтияротуҳу-л-фиққийя мин хилали шарҳиҳи ли-т-Тирмизий фи китаби-с-солат” (ترجيحات الكشمري و اختياراته الفقهية من خلال شرحه للترمذي في كتابه الصلاة) номли докторлик иши 2014 йилда Малайзиядаги Мадина ислом университети ислом илмлари факултетида амалга оширилган. Бу тадқиқот иши “Сунан Термизий”нинг “Намоз” китобидаги ҳадисларга ёзган шарҳи орқали Кашмирийнинг таржиҳлари, яъни аниқроқ деб билган, энг тўғри деб ҳисоблаган жавобларини ўрганилган.

---

[1] Юсуф Баннурий. Нафҳату-л-анбар фи ҳаяти Анвар. – Каротиший: Мактабатул Баннурийя. 2 нашр. 1424. – Б. 349.

[2] Муҳаммад Абдуллоҳ Ансорий. “Аш-Шайх Муҳаммад Анвар Шоҳ Кашмирий ароуҳу-л-иътиқодийя”. Уммул қуро университети. Макка 2000. – Б. 400.

[3] Шоҳид Расул Кокохел. “Ал-Аллама Муҳаммад Анвар Шоҳ Кашмирий фий довъи интажатиҳи-л-адабийя вал илмийя”. Баҳавалпур ислом универстети. Покистон, 2009. – Б. 300.

7. Насир ибн Сайф Насир томонидан “Тааққубату-л-Кашмирий фи китабиҳи Файзу-л-бари ала-л-Ҳафиз ибн Ҳажар фи китабиҳи Фатҳи-л-барий” (تعقبات الكشمري في كتابه فيض الباري على الحافظ ابن الحجر في كتابه فتح الباري) номли тадқиқот иши Урдун университетида 2008 йил магистирлик иши сифатида амалга оширилган. Ҳадис илмлари бўйича “Ҳофиз” даражасига эришган Ибн Ҳажар Асқалоний ўзининг “Фатҳу-л-борий” асарида ҳанафийларга қарши кўплар танқидий қарашларини ёзган. Ушбу тадқиқот ишида Анвар Шоҳ Кашмирий томонидан ўзининг “Файзу-л-борий” асарида ўша танқидий қарашларга қарши раддия сифатида келтирилган маълумотларни таҳлил қилган.

8. Абдулфаттоҳ Абу Ғудда томонидан битилган “Тарожиму ситта мин фуқаҳаи-л-алами ал-исламия фил-қарнир-робиъ ашар” номли асарда ҳижрий ўн тўртинчи, милодий йигирманчи асрда яшаб ўтган олтита фақиҳ олимлар ҳақида маълумот берилган. Аба Ғудда китобида биринчи навбатда Кашмирийга жой бериб, у ҳақда кўпгина муҳим маълумотлар бериб ўтган.

9. Кашмирийнинг “Ат-тасриҳ бима таватаро фи нузули-л-Масиҳ” (التصريح بما تواتر في نزول المسيح) номли асарига Абдулфаттоҳ Абу Ғудда муқаддима ёзиб, унда ҳам Кашмирийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот бериб ўтган[4].

10. Убайдурроҳман Тоййиб томонидан ёзилган “Аллама Анвар Шоҳ ал-Кашмирий адваъ ала ҳаятиҳи ва ароиҳи фи илми-т-тафсир” (العلامة محمد انور شاه الكشمري اضواء في ضوء انتاجاته ادبية والعلمية) номли мақола Девбанд университетининг ойлик журналида 2014 йили Кашмирийнинг тафсирга доир қарашларини таҳлил қилиб нашр этилган.

11. Муҳаммад Шакиб Қосимий томонидан “ал-Имам ал-Кашмирий ва васаилут-тадрис” (الامام الكشمري و وسائل التدريس) номли илмий иш қилинган ва унда Кашмирийнинг ҳаёт ва фаолияти ҳамда таълим методларини ўрганган.

12. Абдулҳай ибн Фахриддин Ҳусайний томонидан “Нузҳатул-ховатир ва баҳжату-л-масамиъ ва-н-навазир” (نزهة الخواطر و بهجة المسامع و النزائر) номли асарда Ҳиндистоннинг таниқли шахсиятлари тилга олинган бўлиб, саккизинчи жилдида Кашмирий ҳақида маълумот келтирилган.

13. Абдурраҳмон Берунийнинг “Уламау Девбанд ва ходаматуҳум фи илми-л-ҳадис” (علماء ديوبند وخدناتهم في علم الحديث) деган асарида Девбанд университетида илмий фаолият билан шуғулланган уламолар, хусусан ҳадис илми билан танилган олимларнинг ҳаёт ва илмий йўллари атрофлича ўрганилган. Шу жумладан Анвар Шоҳ Кашмирий ҳақида ҳам баъзи муҳим маълумотлар келтирган.

14. Аҳмад Эмре Ойдинли томонидан “Муҳаммад Анвар Шоҳ Кашмирий ва “Маорифу-с-сунан” китобидаги “Сунан Термизий”ни шарҳлаш услуби” номли магистирлик аниқланди. Ушбу тадқиқот иши Урдунда 2019 йил нашр этилган. Ушбу тадқиқот “Сунан Термизий”ни Кашмирий томонидан қандай услубда шарҳланганлиги борасида амалга оширилган.

Юқорида ўтган асар ва тадқиқот ишларини ўрганиб, таҳлил қилингач булар асосан Аллома Анвар Шоҳ Кашмирийнинг ҳаёт ва фаолиятини қисқа ва тўлиқсиз баён қилинганини аниқланди. Бундан ташқари бу тадқиқотларнинг баъзисида

---

[4] Абул Фаттоҳ Абу Ғудда.Муқаддимату ала “Ат-тасрийҳу бима тавотара фий нузули Масийҳ ли Анвар Шоҳ Кашмирий. –Байрут: Дору-л-қалам. 5 нашр, 1412. – Б.13.

Кашмирийнинг ҳадисларни шарҳлашдаги айрим услублари ёритилган. Услублари тўлиқ қамраб олинмаган.

Шу ўринда Анвар Шоҳ Кашмирий ҳақида қилинган урду тилидаги тадқиқотларни ҳам аниқланганини айтиб ўтиш лозим. Ушбу урду тилидаги тадқиқотлар асосан Ҳиндистон ва Покистон олим ва тадқиқотчилари томонидан амалга оширилган:

1. “Нақши Давам” номли урду тилида Кашмирийнинг невараси Анзар Шоҳ Масъудий Кашмирий томонидан ёзилган. Ушбу асарда Аллома Кашмирий ҳақида жуда муҳим маълумотлар келтирилган. Байтул ҳикма Девбанд томонидан 1978 йили 484 бетда нашр этилган[5].

2. Хуршид Ҳасан Қосимийнинг “Дару-л-улум ор Девбанд ки тарихи шахсийят” номли 169 бетли асари “Мактабату тафсири Қуръони-л-мажиди Девбанд” томонидан нашр этилган.

3. Саййид Маҳбуб Ризвийнинг “Тарихи дару-л-улум Девбанд” номли тадқиқот иши 2005 йили Лаҳордаги “Мизон” нашриёти томонидан нашр этилган.

4. Абдулқайюм Ҳаққонийнинг “Жемали Анвар тезкира ва севаниҳ” 154 бетлти тадқиқот иши Қосим академияси томонидан нашр этилган.

5. Кашмирмийнинг ўғли Анзар Шоҳ Масъудийнинг “Наводироти Имам Кашмирий” невараси Аҳмад Хидир Шоҳ киритган ўзгаришлар билан “Мейман Исламик Букс” томонидан 198 бетли асар сифатида қайта нашр этилган.

6. Абдурраҳман Кондонинг “Ал-Анвар” номли 771 бетли тадқиқот иши “Надватул мусаннифин” томонидан нашр этилган.

7. Саййид Сулаймон Надавийнинг “Ёди рефтеган” номли 228 бетли асарининг 146-148 бетларида Кашмирий ҳақида маълумот берилган.

8. Муҳаммад Анварийнинг “Анвари Анварий” номли 292 бетли асари “Жомиату арабиёти аҳсану-л-улум” томонидан нашр этилган.

9. Муҳаммад Зафируддин Соҳибнинг “Машаҳири уламаи дару-л-улум Девбанд” номли асари Девбанд университетида фаолият олиб борган машҳур устозлар ҳақида ёзилган бўлиб, Кашмирий борасида 52-54 бетларда маълумот берилган.

10. Кашмирийнинг машҳур шогирдларидан Аҳмад Ризо Бекнурийнинг “Малфузати муҳаддис Кашмирий” асарида Кашмирийнинг ҳадис дарсларидаги кўпгина маълумотлар келтирилган.

11. Ғулом Муҳаммаднинг “Аллама Анвар Шоҳ Кашмирий ки илми Карнаме” асари.

12. Абдулҳалим Нуъмонийнинг 1978 йилда “Тавн маориф” томонидан нашр этган мақоласи[6].

---

[5] Анзар Шоҳ ибн Анвар Шоҳ. “Нақши давом ҳаёту Муҳаммад Шоҳ Кашмирий”. Мактабатул матбаатил исломийя, Ҳалаб 1997. – Б. 960.

[6] Иброҳим Анар. “Анвар Шоҳ ал-Кашмирийнинг ҳадисчилиги”. Караман ўғли Меҳметбей университети, ижтимотй фанлар институти. Караман, 2020. Б:186.

Ушбу урду тилидаги асар, тадқиқот ишлар ва мақолалар ҳам Анвар Шоҳ Кашмирий ҳаёти ва илми фаолиятини ёритишда ўз ўрнига эга. Аммо буларда ҳам Кашмирийнинг илмий фаолияти тўлиқ ёритилмаган.

Кашмирий ҳақида Туркияда ҳам бир нечта тадқиқотлар олиб борилган, жумладан:

1. Ҳорун Ўзжелик томонидан "Файзу-л-борий шарҳу Саҳиҳ Бухорий" (*Çeşitli Yönleriyle Buhârî Şerhi Feyzu'l-Bârî*). Туркиянинг Отатурк университети ижтимоий билимлар институтида 2002 йилда докторлик диссертацияси сифатида амалга оширилган бу тадқиқотда Кашмирийнинг ҳаёт ва фаолияти билан бирга "Файзу-л-борий" асарининг манбалари, шарҳлаш методи ва "Саҳиҳ Бухорий"нинг бошқа шарҳлари орасидаги ўрни ҳақида баҳс юритилган.

2. Ҳорун Ўзжелик томонидан "Кашмирийнинг баъзи ҳадис масалалари ҳакидаги қарашлари" ("Muhammed Enver Şâh el-Keşmîrî'nin Bazı Hadis Meseleleri Hakkındaki Görüşleri") номли мақола Туркиянинг Отатурк университети Илоҳиёт факултети журналида нашр этилган. Бу мақолада Кашмирийнинг ҳадис илмига тегишли ўнга яқин масалалардаги қарашлари баён этилган.

3. Муҳаммад Рашид Акпинарнинг "Муҳаммад Анвар Шоҳ Кашмирий ва унинг фиқҳни тушуниши" ("*Muhammed Enver Şah el-Keşmîrî ve Fıkıh Düşüncesi*") Газиантеп университети ижтимоий билимлар институтида 2017 йилда докторлик диссертацияси сифатида амалга оширилган бу тадқиқот "Инсон яйинлари" нашриётида чоп этилган. Унда Кашмирийнинг фақиҳлиги ҳар томонлама ёритилган.

4. Сердар Мурат Гурсес томонидан "Кашмирийнинг "ал-Арфу-ш-шазий" ва Муборакфурийнинг Туҳфату-л-аҳвазий" асарлари ҳанафий ва салафийларнинг ҳадисларни шарҳлаш услубларини солиштирилиши" ("Hanefî-Selefî Hadis Şerh Geleneği Açısından Keşmîrî'nin el-Arfü'ş-Şezî ve Mübârekpûrî'nin Tuhfetü'l-Ahvezî İsimli Eserlerinin Karşılaştırması"). Бу тадқиқот Инону университети ижтимоий билимлар институтида 2018 йилда докторлик диссертацияси сифатида амалга оширилган.

5. Иброҳим Анар томонидан "Анвар Шоҳ Кашмирийнинг ҳадисчилиги" ("Enver Şah el-Keşmîrî'nin hadisçiliği") номли докторлик диссертация иши амалга оширилган. Бу илмий иш Караман ўғли Меҳметбей университети ижтимотй фанлар институтида 2020 йили 186 бетда нашр этилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, араб, урду ва турк тилларида Аллома Анвар Шоҳ Кашмирий ҳақида, унинг илмий фаолияти ва ижодиёти борасида кўпгина илмий тадқиқот ишлари олиб борилгани аниқланди. Аммо булар ҳали Алломани танитиш учун қилинган хизматлар холос. Унинг илмий меросини чуқурроқ ўрганиш масаласи ҳалигача долзарб масала бўлиб қолмоқда. Қолаверса, бор тадқиқотлар ҳам асосан учта тилда мавжудлиги бу борада дунёнинг кўплаб давлатларида ва жаҳон тиллари сирасига кирадиган инглиз, рус, испан, франсуз, хитой каби тиллар, қолаверса, ўзбек ва форс тилларида ҳам бундай тадқиқотлар олиб бориш ва ёш авлодни Анвар Шоҳ Кашмирий каби улуғ зотлар меросидан баҳраманд қилиш ҳар қачонгидан муҳим иш бўлиб қолмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

1. Абул Фаттоҳ Абу Ғудда.Муқаддимату ала “Аттасрийҳу бима тавотара фий нузули Масийҳ ли Анвар Шоҳ Кашмирий. –Байрут: Дорул қалам. 5 нашр, 1412. –Б.13.
2. Юсуф Баннурий. Нафҳатул анбар фи ҳаяти Анвар.–Каротиший:Мактабатул Баннурийя.2 нашр.1424.–Б. 349.
3. Анзар Шоҳ ибн Анвар Шоҳ. “Нақши давом ҳаёту Муҳаммад Шоҳ Кашмирий”. Мактабатул матбаатил исломийя, Ҳалаб 1997. – Б. 960.
4. Муҳаммад Абдуллоҳ Ансорий. “Аш-Шайх Муҳаммад Анвар Шоҳ Кашмирий ароуҳул иътиқодийя”. Уммул қуро университети. Макка 2000. – Б. 400.
5. Иброҳим Анар. “Анвар Шоҳ ал-Кашмирийнинг ҳадисчилиги”. Караман ўғли Меҳметбей университети, ижтимотй фанлар институти. Караман, 2020. Б: 186.
6. Шоҳид Расул Кокохел. “Ал-Аллама Муҳаммад Анвар шоҳ Кашмирий фий довъи интажатиҳи-л-адабийяти вал илмийя”. Баҳавалпур ислом универстети. Покистон, 2009. – Б. 300.

ИМОМ ТЕРМИЗИЙНИНГ “СУНАН” АСАРИДА ҲАДИС САНАДИНИ КЕЛТИРИШДАГИ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАР

Абдулазиз Фурзулов Бурхонжон ўғли*

Аннотация. Дарҳақиқат ислом шариати илм устига қурилган диндир. Шу боис ҳам ислом уммати ҳадисларнинг санадига алоҳида эътибор қаратган. Ислом уламолари ҳар бир ҳадиснинг санади ва унинг ровийсини синчиклаб ўрганиб чиқдилар. Шу зайлда тадқиқ этдиларки, инсон хаёлига келиши мумкин бўлмаган қирраларга ҳам эътибор бердилар. Бир ҳадис иснодини билиш учун қанча-қанча ровийлар аксар умрини сафарда ўтказди. Мазкур мақолада Имом Термизийнинг “Сунан” асарида ҳадис санадини келтиришдаги ўзига хос жиҳатларга алоҳида аҳамият қаратилиб, аллома маънавий меросининг ҳадис илмидаги ролига урғу берилган.

Калит сўзлар: Сунан, Сиҳоҳи ситта, ҳадис, Имом Термизий, “Сунани Термизий”, санад, ровий.

Abstract. In fact, Islamic is a religion based on knowledge. At that time, the Islamic community paid special attention to the sanad of hadiths. Islamic scholars have carefully studied the date of each hadith and its narrator. After that, they researched and paid attention to aspects that cannot be imagined by a person. How many narrators spent most of their lives traveling in order to find out the chain of a hadith. In this article, special importance is paid to the unique aspects of quoting hadith sanad in Imam Tirmidhi’s work «Sunan», and the role of spiritual heritage of scholars in the science of hadith is emphasized.

Keywords: Sunan, Sihahi sitta, hadith, Imam Tirmidhi, «Sunani Tirmidhi», sanad, narrator.

“Илм диндир. Ҳар инсон динини кимдан олаётганига қарасин “.
Улуғ тобеин Ибн Сирин роҳимаҳуллоҳ

Дарҳақиқат ислом шариати илм устига қурилган диндир. Шу боис ҳам ислом уммати Ҳадисларнинг санадига дақиқ эътибор қаратган ишлардан биридир. Ислом уламолари ҳар бир ҳадиснинг санади ва унинг ровийсини синчиклаб ўрганиб чиқдилар. Шу зайлда тадқиқ эттиларки инсон ҳаёлига келиши мумкин бўлмаган қирраларга ҳам эътибор бердилар. Бир ҳадис иснодини билиш учун қанча-қанча ровийлар аксар умрини сафарда ўтказди. Бунинг барига биргина сабаб – Ислом динини келгуси авлодга соф ҳолда етказиш ва Росули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзларига ёлғонни ўзи тугул уни соясини ҳам яқин йўлатмаслик эди. Зеро Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзлари ислом динининг асосини ташкил қилади. Шу эътибордан иснод диндандир.

Иснод диндан эканлиги борасида Имом Муслим ва Имом Термизий Абдуллоҳ ибн Муборакдан қуйидаги ривоятни келтирадилар: **Иснод диндандир. Агар иснод**

* Андижон вилояти “Саййид Муҳйиддин махдум” ўрта махсус ислом билим юрти “Араб тили” ва “Мутолаа” фанлари ўқитувчиси

бўлмаганда ҳар ким хоҳлаган сўзини айтаверар эди.[1] Шу тариқа иснод Ислом умматининг шиорига айланди ҳамда ўзига хос бир хусусият бўлиб қолди. Бошқа динларда санад силсиласига эътибор ва ўз набийларига муттасил боғланиш асл ҳолда сақланмаган. Ҳофиз Абу Али Ҳаёний иснод ислом умматига хос хусусият эканлиги ҳақида қуйидаги ривоятни айтади: **"Аллоҳ таоло Ислом умматини ундан олдин бир кимга бермаган уч нарса билан хослади – иснод, насаб, эъроб. "**[2].

Муҳаддис имомлар ҳадисларни ўз китобларига киритишда иснодга алоҳида эътибор қаратиб, тафтиш қилиб, сўнгра ҳадисни иснод билан ривоят қилдилар. Бу иш уларга асл мақсадга айланиб, исноднинг қандайлигига қараб муҳаддисларнинг китоб даражаси ҳам маълум бўлган. Зеро иснодга қараб ҳадисга саҳиҳлик ё заифлик ҳукми берилади.

Имом Термизий ўзининг "Жомеус сунан" асарида ҳадисларни жамлашда ва ҳадис иснодини келтиришда мисли кўрилмаган, ҳадиснинг саҳиҳлик даражасини оширадиган ҳамда ҳадисни амалга татбиқ қилишга қулай услуб қўлладилар. Бу услуб – Имом Термизий бевосита ҳадис тинглаган шайхларни, у кишига етиб келадиган ҳадис йўлларини, бир масалага оид барча ҳадисларни бир ўринда жамлаб келтирди. Шу билан бир қаторда Имом Термизийни ўзига хос бўлган, олдин мисли ўтмаган услублари ҳам кўзга кўринади. Бу рисолада Имом Термизийнинг ҳадисларни иснодини келтиришдаги моҳирона услубларидан айримлари баён қилинади. Шу билан бирга Имом Бухорий, Имом Муслим ва Имом Термизийларнинг ҳадис иснодини келтиришдаги қиёсий таҳлили ҳам ёритилади.

Маълумки Имом Термизий Имом Бухорий ва Имом Муслимни устоз деб билган. Имом Термизий Имом Бухорий Найсабур[3] да беш йил муқим турган вақтда уч юздан ортиқ ҳадис ва санадга оид илмларни ўзлаштирган. Имом Бухорийдан улкан манфаат олган. Буни Имом Бухорийни ўзи ҳам эътироф этган[4].

Имом Муслимдан эса рамазон ойига оид бир ҳадисни бевосита ривоят қилган[5]. Шу билан бирга Имом Термизий бу буюк икки имом ривоят қилган шайхлардан бевосита ҳадис ривоят қилган.[6] Қуйида бу уч имомнинг ҳадис иснодини келтиришдаги ўзаро фарқларини келтириб ўтамиз.

Имом Муслим ўзларининг Саҳиҳи Муслим деб машур бўлган "Саҳиҳ муснад" асарида ҳадисларнинг иснодини келтиришга алоҳида аҳамият қаратган. Ўзининг шайхларидан бир қанчасини ва ҳадис у кишига етиб келадиган ҳадис йўлларини келтириб, бир маънодаги ҳадислардан бир қанчасини айтиб ўтади ҳамда маънода бир бўлган ҳадиснинг иснодини бир бирига боғлаб баён қилади. Бир ҳадисдаги ровийларни бошқа-бошқа бўлиши ва уларни бирлашадиган санадини ҳам зикр қилиб

---

1 Саҳиҳи Muslim 1,Ж.12..

2 Имом Суютий. Тадрийбур ровий. – Димашқ. Дорул манҳаж, 1987. 2,Ж. 605 б.

3 Найсабур – Нишопур — Эроннинг шимолий-шарқий қисмидаги шаҳар.

4 Ибн Ҳажар Асқалоний. Таҳзиб ут-таҳзиб. – Байрут. Дорул маориф, 1992. 9, Ж. 389 б.

5 Сунани Термизий 1, Ж. 4, б. 687, ҳ 333.

6 Сунани Термизий 1, Ж. 8.

ўтади. Энг муҳими шундаки, бир ҳукмга алоқадор ҳадисларни бир ўринда жамлаб, етарлича изоҳлаб беради.

Имом Муслимдан сўнг Имом Термизий ўзининг "Жомеус сунан" асарида ҳадисларни жамлашда худди шу йўналишни ушлади. Ўзи бевосита ҳадис тинглаган шайхларни, у кишига етиб келадиган ҳадис йўлларини, бир масалага оид барча ҳадисларни бир ўринда жамлаб келтирди. Шу билан бир қаторда Имом Термизийни ўзига хос бўлган, олдин мисли ўтмаган услублари ҳам кўзга кўринади.

Имом Бухорий "Ал-жомеъ ас-саҳиҳ" асаридаги хос йўли – ҳадислардан олинадиган фиққий ҳукмларни баён қилиш ҳамда уларни боб-боб қилиб тартиблаш бўлган. Маълум бир фиққий ҳукмга мос "таржиматул боб" қўйиб, шунга мувофиқ ҳадисларни келтирган. Уларни саҳобаи киром ва тобеинларнинг сўзи билан қувватлаган. Айрим ўринларда ўзаро афзал ва авло бўлган ҳукмларни айтиб ўтган. Натижада "Ал-жомеъ ас-саҳиҳ" ҳадис ва фиққда энг ишончли ҳамда кенг қамровли асар бўлган.

Имом Бухорий, Имом Муслим ва Имом Термизийни ҳадисларни жамлашдаги услубларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки Имом Термизий бу икки зотдан улкан манфаат олган. Ҳадисларни иснод ила келтириш ва ҳадис ровийларни қай ўринда бошқа-бошқа, қайси ўринда бирлашишга доир услубни Имом Муслимдан, ҳадисларнинг фиққий ҳукмларини очиб бериш ва уларни фиққа доир қилиб тартиблашни Имом Бухорийдан ўзлаштиради.[7]

Имом Термизий ровийларни мартабаси тенг ҳамда уларнинг ривоятини лафзи ва маъноси бир бўлса уларни бир тизимда жамлайди. Бу жамлаш икки хил кўринишга эга:

1. Шайхлар орасини боғловчи ҳарфлар воситасида боғлаш;

Имом Термизий ҳадисни иснод жиҳатдан бир ровийга бориб етадиган бир қанча шайхлардан ривоят қилган бўлса, шайхларни ўзаро боғловчи ёрдамида узвий боғлайди. Сўнгра ҳадисни иснодини ва унинг матнини келтиради. Бунга мисол:

٧٠٦ - حدثنا هناد، ويوسف بن عيسى، قالا: حدثنا وكيع، عن أبي هلال، عن سوادة بن حنظلة، عن سمرة بن جندب قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «لا يمنعنكم من سحوركم أذان بلال، ولا الفجر المستطيل، ولكن الفجر المستطير في الأفق»: «هذا حديث حسن»[8]

Бу ҳадисда Имом Термизийнинг шайхлари Ҳаннод ва Юсуф ибн Ийсо бўлиб, бу икки шайхни орасини боғловчи ҳарф "و" билан боғлади.

2. Бир исноддан бошқасига белгилар ёрдамида ўтиш;

Имом Термизий бир ҳадис иснодини ровийлардан мадорис санад[9] бўлган ровийга етказиб, сўнгра, ўша ҳадисни бошқа иснодини айни ўша ровийга етказиб келтиради. Санадларни бир қанчасини бир-борига боғлаб келтиргач ҳадис матнини олиб келади. Бунга мисол қилиб қуйидаги ҳадисни келтирамиз.

٣ - حدثنا قتيبة، وهناد، ومحمود بن غيلان، قالوا: حدثنا وكيع، عن سفيان، ح
وحدثنا محمد بن بشار قال: حدثنا عبد الرحمن بن مهدي قال: حدثنا سفيان،

---

[7] Нуриддин Итр. Имом Термизий вал-мувозанат байна жамиҳи ва байна саҳиҳайн. – Байрут. Дорул кутуб, 1964. 12 б.

[8] Сунани Термизий 1,Ж.15,б.706,ҳ 339 б.

[9] Ҳадис санадидаги кўплаб ровийлар унда жамланадиган асос ровий.

عن عبد الله بن محمد بن عقيل، عن محمد ابن الحنفية، عن علي، عن النبي صلى الله عليه وسلم، قال: «مفتاح الصلاة الطهور، وتحريمها التكبير، وتحليلها التسليم»[10]

Бу икки исноддаги ровийларнинг барчаси “Суфён”га бориб тўхтайди ва бирлашади. Сўнгра Суфёндан юқоридаги ровийни келтирди.

Бир исноддан бошқасига кўчиш муҳаддислар истилоҳида “Таҳвил” деб аталади. Таҳвилнинг матндаги кўриниши **“ح”** “Ҳ” ҳарфида бўлади. Бу амал ҳар бир исноднинг ҳадисдаги матни бир хил бўлса жоиз бўлади.

Ровийларнинг ҳадис матнидаги нозик фарқига имом Термизийнинг ишоралари

Аммо ровийлар ўртасида ҳадис лафздаги маънони ўзгартирмайдиган айрим фарқлар бўлса, ҳадис уламолари ривоятун билмаъно[11] билан жоиз дейдилар. Аммо имом Термизий бунга омонатдорлик кўзи билин қараб, ўзаро фарқларини баён қилди. Ровийларни ҳадис лафзидаги нозик фарқларига турли ишоралар бериб кетади. Улар:

٦٢١ - حدثنا زياد بن أيوب البغدادي، وإبراهيم بن عبد الله الهروي، ومحمد بن كامل المروزي - المعنى واحد - قالوا: حدثنا عباد بن العوام، عن سفيان بن حسين، عن الزهري، عن سالم، عن أبيه، أن رسول الله صلى الله عليه وسلم كتب كتاب الصدقة[12]

Бу исноддаги ровийларнинг ҳадис лафзидаги нозик фарқлари борлигини имом Термизий المعنى واحد – “умумий лафз бир маънодадир”, - дея ишора қилганлар. Бу ишора шу маънодаки, бу ҳадис матнини ровийлардан бири зикр қилган, лекин айни кимга тегишли экани маълум эмас.

Яна бир бошқа ишораси:

٧٢٤ - حدثنا نصر بن علي الجهضمي، وأبو عمار والمعنى واحد واللفظ لفظ أبي عمار قالا: أخبرنا سفيان بن عيينة، عن الزهري، عن حميد بن عبد الرحمن، عن أبي هريرة قال: قال: «وقعت على امرأتي في رمضان[13] .يا رسول الله هلكت :أتاه رجل، فقال :وما أهلكك؟»

Бу ҳадисдаги ровийлар матнининг айрим фарқларига والمعنى واحد واللفظ لفظ أبي عمار “умумий лафз бир маънода. Матн Абу Амморга тегишли”, - дея ишора қилганлар. Бу сўз – “бу ҳадис матнини ровийларнинг барчаси зикр қилган, лекин мен шулардан Абу Амморнинг матнини танлаб олдим”, - деган маънода. Буларнинг ҳаммаси имом Термизийни омонатдорлиги ва ҳадис илмида моҳирлиги белгисидир. Шу билан бирга муҳаддис ровийларини ҳадис лафзидаги айрим фарқларини билмаслиги аҳли ҳадислар томонидан айб дея эътиборга олинади[14]

Имом Муслим “Саҳиҳ муснад” асари

Имом Муслим ўзи ҳадис тинглаган шайхлардан бир қанчасини санаб, уларни бир иснодда жамлаган. Имом Муслим бир маънодаги ҳадис иснодини жамлашда имом Термизийдан анча фарқ қилиб, кўплаб иснодни бир ҳадисда жамлаб келтиради. Ҳудди шунингдек имом Муслим ҳам ровийларнинг ҳадис лафзларидаги айрим фарқларга ишоралар бериб кетган.

Умумий маъно бир лекин лафз турли эканлигига қуйидагича ишора қилган:

---

[10] Сунани Термизий 1,Ж. 8 б.

[11] Маҳмуд Тоҳҳон.Тайсирул мустолаҳул ҳадис. – Қоҳира. Дорул кутуб, 2008. 133 б.

[12] Сунани Термизий 1,Ж.4,б.621,ҳ. 334.

[13] Сунани Термизий 1,Ж.28,б.724,ҳ. 345.

[14] Ибн Салоҳ. Муқаддимату Ибн Салоҳ. – Димашқ. Дорул фикр, 1986. 90 б.

٢٤ - (١٧) حدثنا أبو بكر بن أبي شيبة، ومحمد بن المثنى، ومحمد بن بشار، وألفاظهم متقاربة، قال أبو بكر: حدثنا غندر، عن شعبة، وقال الآخران: حدثنا محمد بن جعفر، حدثنا شعبة، عن أبي جمرة، قال: كنت أترجم بين يدي ابن عباس، وبين الناس، فأتته امرأة، تسأله عن نبيذ الجر[15]

Имом Муслим وألفاظهم متقاربة، деган ибора билан ровийларнинг ҳадис матнидаги лафзлари бир-бирига ўхшаш, лекин иснод эса шайхлардан юқоридаги ровийларда турлича бўлган. Буни имом Термизий қуйидаги ишорабий сўз билан очиб беради:

قال أبو بكر: حدثنا غندر، عن شعبة، وقال الآخران: حدثنا محمد بن جعفر

Имом Муслим ҳадис лафзи айни бир ровийга тегишли эканини қуйидаги иборалар билан изоҳлаган:

٢٢٣ - (١٣٩) حدثنا قتيبة بن سعيد، وأبو بكر بن أبي شيبة، وهناد بن السري، وأبو عاصم الحنفي واللفظ لقتيبة، قالوا: حدثنا أبو الأحوص، عن سماك، عن علقمة بن وائل عن أبيه ، قال :جاء رجل من حضرموت ورجل من كندة إلى النبي صلى الله عليه وسلم[16]

Мазкур ҳадисда имом Муслим ҳадис ривоят қилган ровийларни лафзи турли лекин маъноси бир хиллиги, шу билан бирга мазкур ҳадис лафзи Қутайба ибн Саидга тегишли эканини ифода қилиб беради.

Имом Бухорийнинг Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ асари

Имом Бухорий бобдаги ҳадис ровийлар иснодини жамлаб келтиришга ва ҳадис йўлларини баён қилишга киришмаган. Баъзан ровийларнинг ҳадис матнидаги хилма-хиллигини баён қилаганини кўрасиз, холос. Мисол:

٦٨٢ - حدثنا يحيى بن سليمان، قال: حدثنا ابن وهب، قال: حدثني يونس، عن ابن شهاب، عن حمزة بن عبد الله، أنه أخبره، عن أبيه، قال :لما اشتد برسول الله صلى الله عليه وسلم وجعه ..... تابعه الزبيدي، وابن أخي الزهري، وإسحاق بن يحيى الكلبي، عن الزهري، وقال عقيل، ومعمر، عن الزهري، عن حمزة، عن النبي صلى الله عليه وسلم[17]

Бу ҳадисда Имом Бухорий ровийларни Ибн Шиҳоб Зуҳрийга боғлаб, ҳадис матнидан сўнг, Зуҳрийга бир неча ровийларни боғлаб келтирди. Лекин имом Бухорий қарашида энг саҳиҳи бўлган санадни матнга боғлади. Қолган санадларни унга қўллаб-қувватловчи қилиб келтирди.

Бундан маълум бўладики имом Бухорий ҳадис жамлшдаги усули имом Муслим ва имом Термизийдан ўзгача бўлган. У зот ҳадисларни тартиблашда фиққа монанд жамлаб тартиблаган. Зеро ҳадис жамлашдаги асл мақсади ҳадиснинг фиққий ҳукми ва ундан хулоса чиқариш бўлган. Шунга кўра ҳадис санади ва йўлларига жиддий аҳамият қаратмаган[18].

Санадларни жамлаб, аввалги санддан кейинок матнни зикр қилиш

Имом Термизий ҳадис санади ва матнини келтириб, уни ортиданоқ бошқа сандларни баён қилади. У санадларни матнига مثله ва نحوه сўзлар билан ишора қилади. Бунга мисол:

٢٧٥٥ - حدثنا محمود بن غيلان قال: حدثنا قبيصة قال: حدثنا سفيان، عن حبيب بن الشهيد، عن أبي مجلز، قال: خرج معاوية، فقام عبد الله بن الزبير وابن صفوان حين رأوه، فقال: اجلسا، سمعت رسول الله صلى الله [ص: ٤١] عليه وسلم يقول: «من سره أن يتمثل له الرجال قياما فليتبوأ مقعده من النار» وفي الباب عن أبي أمامة: «هذا حديث حسن» حدثنا هناد قال: حدثنا أبو

---

15 Саҳиҳи Муслим 1,Ж. 47.

16 Sahihi Muslim 1,Ж.61,б.223,ҳ.123.

17 Саҳиҳи Бухорий 1,Ж.682,ҳ.137.

18 Нуриддин Итр. Имом Термизий вал-мувозанат байна жамиҳи ва байна саҳиҳайн. – Байрут. Дорул кутуб, 1964. 188 б.

أسامة، عن حبيب بن الشهيد، عن أبي مجلز، عن معاوية، عن النبي صلى الله عليه وسلم مثله[19]

Бу ҳадис икки санадни жамлади. Аввалги санадда матнни ҳам зикр қилиб, кейинги сандда матнга مثله дея ишора қилдилар.

١٠٨٠ - حدثنا سفيان بن وكيع قال: حدثنا حفص بن غياث، عن الحجاج، عن مكحول، عن أبي الشمال، عن أبي أيوب قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: " أربع من سنن المرسلين :الحياء، والتعطر، والسواك، والنكاح ". وفي الباب عن عثمان، وثوبان، وابن مسعود، وعائشة، وعبد الله بن عمرو، وأبي نجيح، وجابر، وعكاف.: «حديث أبي أيوب حديث حسن غريب». حدثنا محمود بن خداش البغدادي قال: حدثنا عباد بن العوام، عن الحجاج، عن مكحول، عن أبي الشمال، عن أبي أيوب، عن النبي صلى الله عليه وسلم نحو حديث حفص[20]

Бу ҳадисда ҳам имом Термизий ҳадис санадини ва матнини келтириб, кейинги санадда матнга نحوه дея ишора қилади.

Имом Муслимнинг икки санадни боғлаш услули

Шунга ўхшаш ранг-баранглиқни имом Муслимнинг “Жомеъус суна”ларида ҳам кўрамиз.

У зот ҳам бир неча санадларни жамлаб матнни зикр қилгандан сўнг, қолган санадни келтириб матнга نحوه ва مثله дея ишора қилиб баён қилади.

Ҳадис санадидан ровийларни тушуриб ҳадисни муаллақ тарзда келтириш

Имом Бухорийнинг Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ асаридаги муаллақ ҳадислар

Имом Бухорийнинг Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ асарларида муаллақ ҳадислар иккига бўлинади:

• Маълум бир мақсадни кўзлаб ва санад ҳамда матнни такроридан қочиб санад тарк қилинади. Бошқа бир ўринда эса худди шу санадни келтирилади.

• Ҳадис санади тушурилиб баён қилинади. Бошқа ўринда муттасил қилиб ҳам келтирилмайди. Бундан асосий кўзланган мақсад асар ҳужжат бўладиган ҳадислардан кўпроқ қисмини қамраб олишидир. Лекин бу ҳадисларни ичида саҳиҳ ва заифлари ҳам бор.

Имом Бухорий муаллақ ҳадисларни икки хил ибора билан баён қилган:

Биринчи ибора ҳадис боғланга кишига нисбатан муҳаддис тарафидан аниқлик сийғаси билан қўллаш. Қуйидагиларга ўхшаш:

قال رسول الله صلى عليه وسلم كذا، او فعل كذا ، أو قال إبن عباس كذا، روى أبو هريرة كذا ،

Бу сийғалар муҳаддисдан ҳадис ровийси ишончли ва ҳадис саҳиҳ эканлигига ишорадир. Аммо бу саҳиҳлик ҳукми саҳобалардан кейинги табақа ровийларига нисбатан берилмайди. Балки ҳадис ровийлари ва уларнинг ишончли эканлигига қаралади.

Иккинчи ибора муҳаддис томонидан аниқ ва қатъийлик сийғасини ифода қилмайди. Балки ибора саҳиҳ ва заифда ҳам қўлланади. Саҳиҳ ҳадисга мисол бўлиб келгани:

ويذكر عن عبد الله بن السائب، «قرأ النبي صلى الله عليه وسلم المؤمنون في الصبح، حتى إذا جاء ذكر موسى، وهارون - أو ذكر عيسى - أخذته سعلة فركع» وهو صحيح أخرجه مسلم

Ҳадиа заиф бўлиб келганига мисол:

---

[19] Сунани Термизий 2,Ж.13,б.2755,ҳ.284.

[20] Сунани Термизий 1,Ж.1080,ҳ. 475.

ويذكر «أن النبي صلى الله عليه وسلم قضى بالدين قبل الوصية»

Имом Термизий бу ҳадисни Ҳорис Аъвардан, у эса Али розийлаллоҳу анҳудан муттасил боғлаб келтиради.[21]

Бу каби муаллақ ҳадислар имом Бухорида кўпдир. Уларнинг адади бир минг уч юзи қирқ бир ҳадисга етади. Бундаги асл мақсад қайсидир ҳукмга муқаддима ёки аввалда мазкур ҳукмни қўллаб қувватлаш.

Имом Муслим "Саҳиҳ муснад" асаридаги муаллақ ҳадислар

Имом Муслимни Саҳиҳида муаллақ ҳадислар жуда кам учрайди. Бунга таяммум бобида келган ҳадис мисол.

١١٤ - (٣٦٩) قال مسلم، وروى الليث بن سعد، عن جعفر بن ربيعة، عن عبد الرحمن بن هرمز، عن عمير، مولى ابن عباس، أنه سمعه يقول: أقبلت أنا وعبد الرحمن بن يسار، مولى ميمونة زوج النبي صلى الله عليه وسلم. حتى دخلنا على أبي الجهم بن الحارث بن الصمة الأنصاري، فقال أبو الجهم: «أقبل رسول الله صلى الله عليه وسلم من نحو بئر جمل، فلقيه رجل فسلم عليه، فلم يرد رسول الله صلى الله عليه وسلم عليه، حتى أقبل على الجدار فمسح وجهه ويديه، ثم رد عليه السلام»[22]

"Саҳиҳ муснад" асарида муаллақ ҳадисларни камлиги юқорида таъкидлаб ўтганимиздек Имом Муслим ҳадисларни санад билан қувватлашни қасд қилган. Шу жиҳатдан ҳар бир ҳадисни сандига урғу берган.

Имом Термизийнинг "Сунани Термизий" асаридаги муаллақ[23] ҳадислар

Имом Термизий ҳадис матнларини таълиқ асосида тартиблашдан имом Муслим каби жуда кам қўлланади. Лекин шундай бўлсада имом Термизий муаллақ ҳадисни келтиришда ўзига хос бўлган ва имом Муслимдан фарқ қиладиган икки усули бор.

Муаллақ ҳадисларни келтиришда Имом Термизийни ўзига хос услуби

Муллақ ҳадисларни имом Термизий икки хил кўриниш билан ифода қилиб ўтган.

1. Бир ҳадисни санади ва матнини баён қилгач, у ҳадисга бошқа иснодини муаллақ тарзда келтиради.

١٥٢ - حدثنا أحمد بن منيع، والحسن بن الصباح البزار، وأحمد بن محمد بن موسى، المعنى واحد، قالوا: حدثنا إسحاق بن يوسف الأزرق، عن سفيان، عن علقمة بن مرثد، عن سليمان بن بريدة، عن أبيه، قال: أتى النبي صلى الله عليه وسلم رجل، فسأله عن مواقيت الصلاة؟....

وقد رواه شعبة، عن علقمة بن مرثد أيضا.[24]

"Бу ҳадисни Шўба ҳам Алқама ибн Марсаддан ривоят қилган" ,-деган ибора билан ҳадис санадини Суфёнга муаллақ ҳолда келтирди.

2. Бир ҳадисни исноди ила келтириб, бу ҳадис бошқа исноддан келганига қуйида келганга ўхшаш ибора билан ишора қилади.

١٣٦٤ - حدثنا قتيبة قال: حدثنا حماد بن زيد، عن أيوب، عن أبي قلابة، عن أبي المهلب، عن عمران بن حصين، أن رجلا من الأنصار أعتق ستة أعبد له عند موته،....

وقد روي من غير وجه، عن عمران بن حصين .[25]

---

[21] Маҳмуд Тоҳҳон.Тайсирул мустолаҳул ҳадис. – Қоҳира. Дорул кутуб, 2008. 30 б.

[22] Sahihi Muslim 1,Ж.28,б.281-бет.

[23] Маҳмуд Тоҳҳон.Тайсирул мустолаҳул ҳадис. – Қоҳира. Дорул кутуб, 2008. 50 б.

[24] Сунани Термизий 1,Ж. 115,б.152,ҳ 85.

[25] Сунани Термизий 1,Ж.28,б.1364,ҳ.585.

Бу ўринда имом Термизий ҳадис санади бошқа йўллардан Имрон ибн Ҳусайнга бориб етишига ишора қилди холос. Санадни тўлиқ келтирмади. Бунга ўхшаш кўриниш фақат имом Термизийга хосдир. Имом Муслимда эса санад тугал қилиб боғланган.

Хулоса қилиб айтганда имом Термизийнинг “Сунан” асари икки буюк имом – имом Бухорий ва имом Муслим асарларидан санадни турли шайхларга боғлаб келтириш ва ўта нозиклик билан ровийларни барчасини баён қилиш билан тубдан фарқ қилади. Имом Термизийнинг “Сунан” асарини ўқиган инсон имом Термизий ҳадисларни инсон ўқиб ўрганиб, ҳаётга татбиқ қилиш учун жамлаб ёзганинга яна бир бор амин бўлади.

Имом Термизийнинг “Сунан” асари ҳозирги долзарб кунимизда маънавият, одоб-ахлоқ масалаларида муҳум асос саналади. Хусусан ёш-авлодни инсонийлик, меҳр-мурувват, ватанга садоқат руҳида тарбиялашда муҳум қўлланмадир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Саҳиҳи Бухорий. – Байрут. Дорул Ибн Касир, 2002.
2. Саҳиҳи Муслим. – Қоҳира. Дори тоййиба, 2007.
3. Сунани Термизий. – Карачи. Дорул илм. 2009.
4. Нуриддин Итр. Имом Термизий вал-мувозанат байна жамиҳи ва байна саҳиҳайн. – Байрут. Дорул кутуб, 1964.
5. Муҳаммад Закарийё Баннурий. Маорифус сунан. – Карачи: Одоб, 1993.
6. Ибн Салоҳ. Муқаддимату Ибн Салоҳ. – Димашқ. Дорул фикр, 1986.
7. Имом Суютий. Тадрийбур ровий. – Димашқ. Дорул манҳаж, 1987.
8. Ибн Ҳажар Асқалоний. Таҳзиб ут-таҳзиб. – Байрут. Дорул маориф, 1992. 9, Ж. 389 б.
9. Маҳмуд Тоҳҳон.Тайсирул мустолаҳул ҳадис. – Қоҳира. Дорул кутуб, 2008. 133 б.
10. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент. 2005.

ИМОМ ТЕРМИЗИЙНИНГ “СУНАН” АСАРИ АҲАМИЯТИ ВА “ФИТНАЛАР БОБИ” ДАГИ ҲАДИСЛАР ТАЛҚИНИ

Аҳрорхон Абдурашидов*

Аннотация. Ушбу мақолада Имом Термизийнинг шоҳ асари – “Сунани Термизий”нинг ислом илм-фан тараққиётидаги ўрни ёритилган. Шунингдек, асардаги “Фитналар боби”даги ҳадисларнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: Имом Термизий, ҳадис, “Сиҳоҳи ситта”, Сунан, “Сунани Термизий”, “Фитналар боби”.

Abstract. This article highlights the role of Imam Tirmidhi’s masterpiece – “Sunani Tirmidhi” in the development of Islamic science. Also, the unique characteristics of the hadiths in the “Chapter of Conspiracies” in the work were studied.

Keywords: Imam Tirmidhi, Hadith, «Sihahi Sitta», Sunan, «Sunani Tirmidhi», «Chapter of Conspiracies».

Сунан Термизий, мусулмон олимлари орасида жуда машҳур бўлган ҳадис китобларидан биридир. Бу асар, Имом Термизий томонидан тўпланган ва тафсилотларга эга бўлган ҳадислардан ташкил топган. Сунан Термизий, ҳадисларнинг маънавий аҳамиятини ва мусулмонлар учун ҳаётий қоидаларни белгиловчи асос сифатида хизмат қилади. Имом Термизий асарини ИХ асрда ёзган. У, ҳадисларни тўплаш ва таснифлаш бўйича катта меҳнат сарфлаган. Асар, ўз даврининг диний ва ижтимоий муаммоларига жавоб берувчи ҳадисларни ўз ичига олади. Термизий, ҳадисларни йиғиш жараёнида кўплаб ишончли манбаларга таяниб, ўз асарини тайёрлаган. Бу жиҳат, унинг асарининг аҳамиятини оширади, чунки ҳадислар мусулмон жамиятининг асосий пойдеворларидан биридир.

Термизий асарида келтирилган ҳадислар, уларнинг ишончлилиги ва саҳиҳлиги билан танилган. Масалан, Термизий ҳадисларида “Энг яхши амал Аллоҳнинг буйруқларига амал қилиш ва Расулуллоҳнинг суннатларини қувватлашдир” деган. Бу ҳадис ҳадисларнинг мақсадини ва нақадар муҳимлигини очиб беради. Ҳар бир ҳадис, мусулмонлар учун ҳаётий қоидаларни белгилашда ёрдам беради. Сунан Термизий, ўз ичига олган ҳадисларнинг изоҳларини ҳам ўзида мужассамлаштирган. Имом Термизий, ҳадисларни тушунтириш ва шарҳлаш учун кўплаб изоҳлар бериб, ўқувчиларга уларнинг маъноларини чуқурроқ англашга ёрдам берган. Бу, ўқувчиларга ҳадисларнинг ўзаро боғлиқлигини англашга ёрдам беради. Сунан Термизий, ҳадисларни мавзулар бўйича таснифлаган[1].

Бу тасниф, мусулмонлар учун диний қоидаларни ўзлаштиришда қулайлик яратади. Ҳар бир бобда, муайян мавзу бўйича ҳадислар жамланган. Мисол учун, “Бировнинг гуноҳини очиш, уни дўзахга олиб келади” деган ҳадис, инсонларни бир-бирини кўрмаслик ва ижтимоий ҳурматни сақлашга ундайди. Бу ҳадис, ижтимоий ҳаётда аҳлоқий меъёрларни сақлашга чақиради.Термизий асари, фақат диний

* *Ўзбекистон халқаро ислом академияси “Исломшунослик” йўналиши 2-курс магистранти*

[1] Муҳаммад Анваршоҳ Кашмирий. Шарҳи сунани Термизий. Карачи, Покистон. 1413

жиҳатдан эмас, балки ижтимоий ва ахлоқий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга. Унинг ичидаги ҳадислар, мусулмонлар орасида ижтимоий тартибни сақлаш ва ахлоқий қадриятларни ривожлантиришга хизмат қилади. Термизий "Ҳақиқий мусулмон – тили ва қўлидан мусулмонлар саломат бўлган кишидир" деб, бир-бирига зарар бермаслик ва ҳамжиҳатликни урғулайди. Бу ҳадис, ўзаро муносабатларда ҳурмат ва меҳр-муҳаббатни сақлаш зарурлигини кўрсатади.

Фитналар бобида, мусулмон жамиятида юзага келадиган фитналарнинг сабабларини ва уларни бартараф этиш йўллари кўриб чиқилади. Бу бобда жойлашган ҳадислар, фитналарнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш ҳақида муҳим маълумотлар беради. Фитна, мусулмонлар орасида низолар, келишмовчиликлар ва ижтимоий беқарорликни англатади. Термизий, фитналарнинг диний ва ижтимоий таъсирларини тушунтиради. Масалан, "Фитна, қиёмат кунига қадар давом этади" ҳадиси, мусулмонларни фитналардан эҳтиёт бўлишга чақиради. Бу ҳадис, фитналар келтириб чиқариши мумкин бўлган ижтимоий ва диний муаммоларни очиб беради.

Фитналар бобида келтирилган ҳадислар, инсонларга фитналарга қарши туриш ва сабр қилишни ўргатади[2]. Фитналар бобидаги ҳадислар, мусулмонлар орасидаги бирликни мустаҳкамлаш ва фитналарга қарши бирлашишни рағбатлантиради. Термизий, "Одамлар орасида энг яхшиси, одамларга кўпроқ фойда келтирадиган киши" деб, ўзаро меҳр-муҳаббат ва ҳамжиҳатликка чақиради. Ушбу ҳадис, ижтимоий муҳитда яхшиликни тарқатиш ва фитналардан қочишнинг аҳамиятини кўрсатади. Фитналар бобидаги ҳадислар, ахлоқий қадриятларни ривожлантиришга ёрдам беради. Инсонлар ўртасидаги муносабатлар ва ижтимоий алоқалар барқарорлигини таъминлайди. "Кимки бирор жойда фитна кўрса, у жойдан кетиши лозим", деган ҳадис, ахлоқий меъёрларни сақлаш зарурлигини урғулайди. Бу ҳадис, фитналар пайтида ижтимоий тартибни сақлаш учун зарурриятни очиб беради.

Термизий асаридаги фитналар бобининг аҳамияти шундаки, у келажакда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни олдини олишга ёрдам беради. Жамиятда ижтимоий бирликни таъминлаш ва фитналарга қарши курашиш йўлида ушбу бобда келтирилган ҳадислар муҳим рол ўйнайди. Ҳадислар орқали берилган сабоқлар, жамиятнинг барқарорлигини таъминлайди ва келажак авлодларга ижтимоий ва ахлоқий қадриятларни етказиш имконини беради.

Сунан Термизий асари, мусулмонлар учун муҳим бир манба бўлиб, унинг ўзига хосликлари ва фитналар бобидаги ҳадислар, диний ва ижтимоий масалаларда катта аҳамиятга эга. Термизий, ҳадисларни тўплаш ва шарҳлаш орқали, мусулмонлар орасида ижтимоий барқарорликни сақлашга ва фитналарга қарши курашишга ёрдам беради. Асар, ўз замонасидаги ижтимоий ва диний муаммоларни ёритишда, мусулмонларга зарур маълумотларни тақдим этади. Ҳадислар, инсонларнинг маънавий ривожланишига ва бир-бирига бўлган ҳурматни кучайтиришга хизмат

[2] Муҳаммад Анваршоҳ Кашмирий. Шарҳи сунани Термизий. Карачи, Покистон. 1413

қилади. Термизий, ҳадисларни равшан ва тушунарли тарзда тақдим этган, бу эса ўқувчиларга уларни ўз ҳаётларида қўллаш имкониятини беради[3].

Шунингдек, фитналар бобида келтирилган ҳадислар, жамиятда юзага келиши мумкин бўлган низоларни олдини олишга қаратилган. Фитналар, ўзаро муносабатларда ишончни йўқотишга, ижтимоий тартибни бузишга ва диний муаммоларни келтириб чиқаришга сабаб бўлиши мумкин. Термизий, бундай фитналарга қарши туриш ва сабр қилишни таъкидлайди, бу эса мусулмонлар учун мотивация ва умид манбаи бўлиб хизмат қилади.

Асарнинг муҳим жиҳати шундаки, у ўз ичига олган ҳадислар орқали, ижтимоий бирликни мустаҳкамлаш ва фитналарга қарши бирлашишни рағбатлантиради. Ҳадислар, ўзаро меҳр-муҳаббат ва ҳамжиҳатликни сақлашга чақиради. Термизий, ижтимоий аҳлоқий меъёрларни сақлаш ва фитналарга қарши курашиш зарурлигини кўрсатади, бу эса мусулмон жамиятининг келажаги учун муҳимдир. Яна бир муҳим жиҳат, Термизий асарининг илмий ёндашуви ва ҳадисларнинг изоҳли таҳлилидир. У ҳадисларни фақат жамламасдан, балки уларни тушунтириш ва шарҳлаш орқали ўқувчиларга тақдим этган. Бу мусулмонлар учун диний билимларни ўзлаштиришда янада самарали ёндашувдир.

Бундан ташқари, асар аҳлоқий қадриятларни ривожлантиришда ҳам катта рол ўйнайди. Ҳадислар, инсонлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга, бир-бирига зарар бермасликка ва жамиятда тинчликни таъминлашга хизмат қилади. У, мусулмонларни ахлоқий меъёрларга амал қилишга ундайди ва бу, ўз навбатида, ижтимоий ҳаётда барқарорликни таъминлайди. Шу билан бирга, Термизий асарининг замон билан боғлиқлиги ва долзарблиги, унинг диний ва ижтимоий масалаларда ўз аҳамиятини йўқотмаслигига сабаб бўлади. Бугунги кунда ҳам, мусулмонлар ушбу асар орқали диний билимларни ўрганиш ва ахлоқий қадриятларни ривожлантириш имкониятига эга.

Умуман олганда, Сунан Термизий асари, мусулмонлар учун маънавий йўл кўрсатувчи манба бўлиб, унинг ўзига хосликлари ва фитналар бобидаги ҳадислар, жамиятда тинчлик, барқарорлик ва ахлоқий меъёрларни сақлашга хизмат қилади. Ушбу асар, келажак авлодларга ҳам зарур диний ва ахлоқий билимларни етказишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Абу Исо Термизий асарлари ҳозирда ҳам ўз қимматини йўқотган эмас. Унинг “Аш-шамоил ан-набавийя” асарида келтирилган ҳадиси шарифлар катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб инсонларни ҳалол, адолатли, иймон-эътиқодли, диёнатли, покиза, меҳнацевар, мурувватли, раҳм-шафқатли, ота-она, аёлларга нисбатан ҳурмат-эътиборли бўлишга чорлайди.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Шеробод туманидаги Абу Исо Термизий мақбараси обод қилинган бўлса, 2017-йил 14-февралда давлатимиз раҳбарининг Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида қарори қабул қилинди.

---

[3] Мирзо Кенжабек. Сунани Термизий. – Тошкент: Шарқ 2012.

Мазкур қарор асосида Термиз шаҳрида Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази қурилди. Унда ислом дини, жумладан, ҳадис илми, Абу Исо Термизий ҳамда Термизий алломалар мероси чуқур ўрганилади. Диний таълим, маънавий-ахлоқий тарбия ишларида фойдаланишга қаратилган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, оммабоп нашрлар, илмий-амалий тавсиялар тайёрланади.

Давлатимиз раҳбари марказга ташриф буюриб, бу ерда яратилган шароитлар билан танишди. Буюк муҳаддис Имом Термизий ҳаёти ва асарларини чуқур ўрганиш, ёш авлодга етказиш, халқимизга тушунарли тилда китоблар чоп этиш бўйича тавсиялар берди. Бу ерда илмий тадқиқотлар олиб бориш учун муносиб шароитлар яратиш, олимларнинг халқаро илмий конференсияларда иштирокини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди. Шундан буён Термизда олимнинг асарларини ўрганишга бағишланган конференсиялар мунтзам ўтказиб келинмоқда.

1. Ўзбекистон республикаси фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги шарқшунослик институти. “Жомиус сунан” сайланма ҳадислар. – Тошкент: Моваройннаҳр нашриёти, 2018.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИМОМ ТЕРМИЗИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИГА ЭЪТИБОР

Аюбхон Рахматхонов Жаҳонгир ўғли*

Аннотация. Мақолада буюк муҳаддис ва фақиҳ, «сиҳоҳи ситта»(олти саҳиҳ китоблар)нинг бири «Сунан» китоби муаллифи Имом Термизий илмий меросини ўрганишга Янги Ўзбекистонда қаратилаётган эътибор атрофлича таҳлили қилинган. 2017-2024-йиллар давомида Имом Термизийнинг бой илмий меросини янада чуқур ўрганиш ва аҳоли орасида тарғиб қилиш бўйича амалга оширилган ишлар кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: Имом Термизий, Президент фармон ва қарорлари, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, «Сунани Термизий», «Аш-Шамоил ал-Муҳаммадия».

Abstract. In the article, the attention paid in New Uzbekistan to the study of the scientific heritage of Imam Termizi, the great muhaddith and fakih, author of the book «Sunan», one of the «sihahi sitta» (six authentic books) is made. During the years 2017-2024, the works carried out on the further study and promotion of the rich scientific heritage of Imam Termizi among the population were shown.

Keywords: Imam Termizi, presidential decrees and resolutions, Imam Termizi International scientific-research center of Imam Termizi, «Sunani Tirmizi», «Ash-Shamail al-Muhammadiya».

«Ислом дини ривожига ҳисса қўшган буюк аллома, ватандошимиз Абу Исо Термизий ва Термизий алломаларнинг беназир меросини илмий асосда чуқур ўрганиш ва халққа етказиш ўта муҳим ишдир».
Ш.М.Мирзиёев

Республикамизда сўнгги йилларда барча соҳаларда чуқур ислоҳотлар, янгиланишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, буюк аждодларимизнинг илмий-маънавий меросини ҳар тарафлама ўрганиш, уларнинг ислом цивилизациясига қўшган муносиб ҳиссасини халқаро илмий жамоатчиликка етказиш, ёш авлодда аждодларимиз меросига нисбатан чуқур ҳурмат ва эҳтиром туйғусини шакллантириш учун ҳам кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, аждодларимиз меросини ўрганиш асосида соф исломий қадриятларни тарғиб қилиш ва ёш авлодни билимли, зукко, жаҳон илмий муҳитида рақобатлаша оладиган ўз фикри ҳамда ғоясига эга, ҳар томонлама етук авлод этиб тарбиялаш масаласи долзарб вазифага айланган. Бу борада Мовароуннаҳрдаги ислом тамаддунига муносиб ҳисса қўшган, қадим Термиз диёридан етишиб чиққан термизий аллома ва уламоларнинг меросини ўрганишга шахсан давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев томонидан эътибор қаратиляпти.

* *Ўзбекистон халқаро ислом академияси Тарих(ислом тарихи ва манбашунослиги) йўналиши 2-босқич талабаси*

Бу борадаги муҳим қадамлардан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 14-февралдаги «Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2774-сонли Қарори бўлди[1]. 2019-йил 18-октябрда Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказининг очилиш маросимида Президент Шавкат Мирзиёев Марказ ҳақида тўхталиб: «Бу Марказ ёшларнинг билимини оширишда маърифат марказига айланиши керак» – деган эди. Марказнинг асосий мақсади Ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома Имом Абу Исо Термизий ва термизий алломаларнинг беназир меросини илмий асосда чуқур ўрганиш, халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, шу асосда ёш авлодни эзгу ғоялар руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтиришдан иборат. Ҳозирги кунга қадар ўтган 7 йиллик вақт мобайнида марказ салмоқли ишларни амалга оширди. Марказ томонидан 2022-йилда 13 та, 2023-йилда 18 та, 2024 йилнинг ўтган даври мобайнида 29 та китоб нашр қилинди. Биргина 2024-йилда эса 17 та илмий-оммабоп рисола, 11 та термизийлар илмий меросига оид китоблар нашр қилинган бўлса, яна 38 та китоб нашр қилишга тайёрланмоқда. Айниқса, бугунги ёт ғоялар хуружи кучайган бир пайтда Марказ ходимлари томонидан 567 та мактаб, ОТМ, маҳалла, ташкилот ва корхоналарда «Жаҳолатга қарши маърифат» тарғибот тадбирлари муҳим аҳамият касб этади[2]. Бугунги кунда Марказ ходимлари Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти билан ҳамкорликда термизийлар меросининг жаҳоннинг 44 мамлакати кутубхона фондларида сақланаётган 1400 дан зиёд қўлёзмаларини аниқлашда иштирок этгани ва «Термизлик алломалар асарларининг қўлёзмалари каталоги», «Термизлик олимлар асарларининг жаҳон фондларидаги қўлёзмалари каталоги» китобларининг нашр этилишида[3] ҳамкорлик қилгани Марказнинг тарихий ютуқларидан бири бўлди. Ушбу рўйхат асосида ўндан ортиқ қўлёзмалар Марказга келтирилиб, тадқиқот ишлари бошлаб юборилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019-йил 17-18-октябр кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида берган топшириғи ижроси сифатида 2020-йилнинг 25-май куни Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида Имом Термизий номидаги ўрта махсус ислом билим юрти – мадраса очилди. Мадраса ҳозирги кунга қадар ислом билимлари ва араб тилини чуқур ўрганган мутахассис кадрлар етиштириб чиқармоқда.

2024-йилнинг 11-август куни Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикасидаги иккинчи ислом институти – Имом Термизий номидаги ислом институти очилди. Биринчи ислом институти Тошкент шаҳрида очилиб, унга буюк муҳаддис, Имом

---

[1] PQ-2774-сон 14.02.2017. Imom Termiziy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida (lex.uz)

[2] https://t.me/Imom_Termiziy/11413 (Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази расмий телеграм саҳифасидаги инфографика)

[3] https://termiziy.uz материаллари(Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази расмий саҳифаси)

Термизийнинг устози Имом Бухорий номи берилган эди. Ўзбекистондаги Имом Бухорий ва Имом Термизий номидаги бу ислом институтларини таъбир жоиз бўлса, икки буюк муҳаддиснинг мадрасалари дейиш мумкин.

2024-йил 15-августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги ПҚ-292-сон Қарори имзоланди[4]. Маълумки, Имом Термизийнинг «Аш-Шамоил ал-Муҳаммадийя» асари суннатнинг халқий бўлимига оид машҳур асар ҳисобланади. Ушбу асарга бир қанча шарҳлар, ҳошиялар ҳам ёзилган. «Сунани Термизий» асари эса Имом Термизийнинг шоҳ асари ҳисобланиб, ислом оламида машҳур «ас-сиҳоҳ ус-ситта»(«олти саҳиҳ тўплами») таркибига кирувчи бир асардир[5]. Ушбу асарлар ҳозирги кунда ўзбек тилига бир неча бор таржима қилинган бўлса-да, академик таржима ва шарҳи мавжуд эмаслиги сабабли мазкур Қарорда ушбу асарларнинг «мотуридийлик ақидаси ва ҳанафийлик мазҳабига таянган кўп жилдлик академик таржима ва шарҳини нашр этиш» муҳим вазифа сифатида белгиланди. Бундан ташқари Қарорда Имом Термизий ҳаёти ва илмий меросининг моҳиятини ва бугунги кундаги аҳамиятини очиб берувчи ***илмий-оммабоп ҳужжатли фильм яратиш*** ва ***саҳналаштирилган спектакль*** намойишини ташкил этиш, Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган эсдалик сувенирларини муомалага чиқариш ҳамда почта маркалари, тақвимлар, унинг ҳаёти ва илмий меросини ёритиб берувчи бошқа кўргазмали ахборот воситалари туркумини яратиш, 2024-йил октябр ойида Тошкент шаҳрида ***»Ислом – тинчлик ва эзгулик дини» мавзусида*** халқаро илмий-амалий конференция ҳамда конференция доирасида Термиз шаҳрида ***»Имом Термизий илмий меросининг ислом цивилизациясида тутган ўрни»*** мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказиш, Имом Термизий зиёратгоҳига олиб борувчи йўл инфратузилмаларини яхшилаш, жумладан, ёдгорлик мажмуаси ва унга туташ ҳудудларни ободонлаштириш, Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги Имом Абу Исо Термизий мажмуасида Имом Термизий ва термизий алломаларнинг ҳаёти, илмий ва ижодий фаолиятига бағишланган асарларнинг нодир қўлёзма ва нашр нусхалари ҳамда китобларининг кўргазмасини ташкил этиш кабилар ҳам белгилаб олинди. Ёш авлодда Ватамиздан етишиб чиққан термизий алломалар илмий меросига нисбатан чуқур ҳурмат ва эҳтиром туйғуларини кучайтириш ва бу мерос билан таништириш мақсадида имом-хатиблар ва диний таълим муассасалари талабалари ўртасида ***»Имом Термизий асарлари бўйича ҳадислар билимдони»*** танловини ўтказиш белгиланди. Қарорда белгиланган энг муҳим жиҳаталардан бири шу-ки, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходимлари учун ҳомийлар маблағи ҳисобидан қуриб битказилган 5 та хизмат уйлари марказга бепул бериладиган бўлди.

---

[4] PQ-292-сон 15.08.2024. Imom Termiziy tavalludining 1200-yilligini keng nishonlash to‘g‘risida (lex.uz)

[5] Уватов У., Усмонов И. Термизлик икки аллома. –Т: Тошкент ислом университети нашриёти, 2017. –Б 38.

Хулоса қилиб айтганда, сўнгги йиллар давомида республикамизда буюк аждодларимиз, жумладан Имом Термизий ва термизий алломалар меросини чуқур ва ҳар тарафлама ўрганиш, бу борадаги тадқиқотларни кенгайтириш, ушбулар учун муносиб шарт-шароитларни яратиш борасида кўп ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Бу ишлар янада жадаллаштирилиб, бу ислоҳотларда Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази таянч муассаса вазифасини ўтамоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. PQ-2774-сон 14.02.2017. Imom Termiziy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida (lex.uz)
2. https://t.me/Imom_Termiziy/11413 (Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази расмий телеграм саҳифасидаги инфографика)
3. https://termiziy.uz материаллари(Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази расмий саҳифаси)
4. PQ-292-сон 15.08.2024. Imom Termiziy tavalludining 1200-yilligini keng nishonlash to‘g‘risida (lex.uz)
5. Уватов У., Усмонов И. Термизлик икки аллома. –Т: Тошкент ислом университети нашриёти, 2017.

“ИМОМ ТЕРМИЗИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДА ТУТГАН ЎРНИ” МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН ЯКУНИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ТЕРМИЗ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жаноби олийларининг 2024 йил 15 августда қабул қилинган “Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори асосида қўҳна Термиз шаҳрида ўтказилган **“Имом Термизий илмий меросининг ислом цивилизациясида тутган ўрни”** мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман иштирокчилари, аввало, буюк муҳаддислар – Имом Бухорий ва Имом Термизийлар таваллуд топган қутлуғ заминда бўлиб, ул мўътабар зотларнинг муқаддас қадамжоларини зиёрат қилишни насиб этгани учун Аллоҳ таолога чексиз шукроналар айтамиз.

Ислом цивилизацияси ривожида Имом Абу Исо Муҳаммад Термизий илмий меросининг ўрни беқиёс эканини эътироф этган ҳолда, ушбу улуғ алломанинг илмий меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш **халқаро илмий жамоатчилик олдида турган устувор вазифалардан бири эканини** алоҳида таъкидлаймиз.

Биз – дунёнинг турли давлатларидан ташриф буюрган 70 га яқин иштирокчилар, жумладан, 36 нафар фан доктори, 13 нафар фан номзоди ва бошқа илм соҳиблари шуни қайд этамиз ва ишонамизки, Имом Термизий илмий меросини ўрганиш, уни тадқиқ этиш ва кенг жамоатчиликка етказиш бутун **ислом дунёси ҳамжамиятининг илмий тараққиёти ва фаровонлигида бирламчи аҳамиятга эга бўлган масалалар** қаторига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жаноби олийларининг муқаддас ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини ҳар томонлама илмий асосда кўрсатиб беришда муҳим ўрин тутиб келаётган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби улуғ алломаларнинг илмий меросини тадқиқ ва тарғиб этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган илмий марказлар, хусусан, **Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази**, шунингдек, ҳанафий мазҳаби тамойиллари асосида диний таълим берадиган **Имом Термизий номидаги таълим муассасалари**, жумладан, Имом Термизий ўрта махсус ислом таълим муассасаси, Имом Термизий номидаги ислом институтини ташкил этиш борасидаги ташаббуслари маърифий диний таълим ҳар қачонгидан ҳам зарур бўлган бугунги даврда ўта долзарб аҳамиятга эга эканини **эътироф этамиз.**

Ҳеч шубҳасиз, **ушбу халқаро илмий-амалий анжуман** Имом Термизийнинг жаҳон илм-фани ва цивилизацияси, жумладан, ислом тамаддуни ривожига қўшган муносиб ҳиссасига бағишланган **фундаментал тадқиқотларга кучли туртки беради.**

Биз ҳозирги вақтда дунёда кузатилаётган турли нохуш воқеа-ҳодисалардан ниҳоятда хавотирдамиз ва **Ўзбекистон Республикаси Президентининг** жаҳон аҳлини **тинчликка,** барча мамлакат ва халқларни **ўзаро дўстлик, бирдамлик** руҳида яшашга даъват этадиган ғояларини, жумладан, ислом динининг чинакам инсонпарварлик ва тарбиявий моҳияти

ҳақида **БМТ** юксак минбаридан туриб билдирган ғоят қимматли фикрларини алоҳида **қадрлаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз.**

Мазкур халқаро илмий-амалий анжуман **Президент Шавкат Мирзиёев**нинг "**Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз",** деган даъваткор сўзларининг яна бир амалий ифодаси сифатида ўтганини алоҳида таъкидлаймиз.

Ишончимиз комил, бу ташаббусларнинг **"Билим ва маърифат – эзгулик қуроли"** деган шиор асосида ҳаётга татбиқ этилиши тинчлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Биз барча олим ва тадқиқотчилар, соҳа вакиллари ва илмий жамоатчиликни халқаро ҳамкорлик учун янги имконият ва истиқболлар очиб берадиган ушбу анжуман ғоялари атрофида бирлашишга ва халқаро анжуман якунида **умумбашарий қадриятлар** ва **исломий анъаналарга** муносиб қарорлар қабул қилинишида фаол бўлишга чақирамиз.

Биз анжуман доирасида Термиз шаҳрига 6 та давлатдан ташриф буюрган илмий тадқиқотчилар томонидан қилинган маърузаларни илмий долзарблиги нуқтаи назаридан **маъқулладик.**

Мазкур илмий маърузалар ислом цивилизацияси ривожига беқиёс ҳисса қўшган **Имом Термизийнинг** улкан хизматлари туб илдизларини очиб бериб, бу борада янги илмий қараш ва ғояларни илгари суришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Шундай экан, улар нафақат анжумандаги иштирокчи давлатлар, балки бутун ислом олами тадқиқотчилари учун **илмий манба бўлиб** хизмат қилади.

Яна бир муҳим жиҳати – ислом динини, унинг тинчликпарварлик ва инсонпарварлик ғояларини бугунги давримизнинг мураккаб жараёнлари билан қиёслаб, янада теран тушунтириб беришда бу маърузаларга таяниш мумкин.

Биз – анжуман иштирокчилари эзгулик, тинчлик, тараққиёт ва маърифат ғояларига ҳамда асл инсоний фазилатларга содиқлигимизни ҳамда келгусида бу борада янада фаол иш олиб боришга тайёр эканмизни **яна бир бор тасдиқлаймиз.**

"Имом Термизий илмий меросининг ислом цивилизациясида тутган ўрни" мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжумани иштирокчилари

Термиз, 2024 йил 17 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

“Имом Термизий илмий меросининг ислом цивилизациясида тутган ўрни”
мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман иштирокчиларининг

МУРОЖААТИ

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари,

Сизнинг **“Имом Термизий илмий меросининг ислом цивилизациясида тутган ўрни”** мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман иштирокчиларига йўллаган табригингизни биз барчамиз конференциямиз учун ўзига хос дастуриламал сифатида қабул қилдик.

Ўзбекистон заминида таваллуд топиб, ўзининг беназир истеъдоди, билим ва тафаккури, эзгу фазилатлари билан ислом оламида шуҳрат қозонган буюк алломаларнинг бой илмий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш борасидаги фаолиятимизга алоҳида эътибор қаратиб, камтарона меҳнатимизга юксак баҳо берганингиздан ғоят мамнунмиз ва бунинг учун **Сизга самимий миннатдорлигимизни** изҳор этамиз.

Ҳеч шубҳасиз, биз – исломшунос, термизийшунос олим ва тадқиқотчилар ҳақидаги илиқ ва ҳаққоний фикрларингиз бизни янада кўпроқ изланиб, янги-янги тадқиқотлар яратишга, ислом динининг **Сиз таъкидлаб айтган** тинчлик, эзгулик ва инсонпарварлик моҳиятини кенг очиб беришга илҳомлантиради.

Биз, Янги Ўзбекистонда **Сизнинг бевосита раҳбарлигингизда** барча жабҳаларда, хусусан, таълим, фан, маданият ва маърифат, диний муносабатлар йўналишида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни **катта эътибор билан кузатамиз** ва **ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз.**

Бу соҳалардаги ўзгаришлар Ўзбекистон халқи ўз олдига олий мақсад қилиб қўйган **“Учинчи Ренессанс”** пойдеворини барпо этиш йўлида чин дилдан ҳаракат қилаётгани ва бу интилиш улкан амалий жараёнга айланиб бораётганидан далолат беради.

Азал-азалдан буюк алломалар юрти, тинчлик ва дўстлик диёри сифатида **ном қозонган Ўзбекистон замини** бугунги кунда ўзининг тинчликпарвар сиёсати билан халқаро миқёсда тобора юксак обрў-эътибор қозонаётгани бизни беҳад мамнун этади.

Бу, ҳеч шубҳасиз, **Сизнинг давлат раҳбари сифатида** чуқур ўйлаб олиб бораётган **оқилона сиёсатингиз**, жаҳон миқёсида илгари сураётган эзгу ва хайрли **ташаббусларингиз** самарасидир.

Айниқса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида баён этилган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланган **“Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади”,** деган фикрингиз мамлакатда олиб борилаётган тинчликпарварлик сиёсатининг асл маъно-мазмунини ўзида яққол намоён этади.

Сиз илм-фанни ривожлантириш, ўзликни англаш, ёшлар тарбияси, ислом динининг асл моҳиятини идрок этиш каби масалаларни давлат сиёсати даражасига кўтариб, **Биринчи** ва **Иккинчи** Шарқ Уйғониш даврига мансуб кўплаб ёрқин намояндаларнинг жаҳон ва ислом цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини ўрганиш, уларни янги шароитда ҳаётга татбиқ этиш бўйича **кенг кўламли ишларни амалга оширмоқдасиз.**

Бунга **“Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”**ги қарорингиз ва ана шу тарихий ҳужжат асосида Термиз шаҳрида ўтказилган **“Имом Термизий илмий меросининг ислом цивилизациясида тутган ўрни”** каби мавзулардаги халқаро анжуман ҳам ёрқин мисол бўла олади.

Биз **Сизнинг** ана шу каби ташаббусларингизни **тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз** ва Ўзбекистоннинг диний-маърифий соҳадаги ислоҳотларини халқаро миқёсда тарғиб этишда **фаол ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.**

“Имом Термизий илмий меросининг ислом цивилизациясида тутган ўрни” мавзусидаги нуфузли халқаро илмий-амалий анжуманда Имом Термизий ва термизий алломаларнинг илмий меросига доир туркум илмий маърузалар тингланди ва анжуман якунида тегишли қарор ҳамда Термиз декларацияси қабул қилинди.

Анжуманни ташкил этишдан кўзланган **мақсадга тўлақонли эришилди**, деб ҳисоблаймиз.

Биз ўтмишда яшаб ўтган буюк мутафаккирларимиз қолдирган буюк ва бебаҳо меросни ўрганиш, асраб-авайлаш ва тарғиб этиш борасидаги шарафли ва масъулиятли ишга **ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан мамнунмиз.**

Зеро, Ўзбекистоннинг маданий мероси бутун инсониятнинг бойлигидир.

Муҳтарам Президент жаноби олийлари,

Ўзбекистонда илм-фан ва диний соҳани қўллаб-қувватлаш, улуғ алломаларнинг илмий меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш учун зарур шароитлар яратиб берилаётганини эътироф этиб, бунинг учун **Сизга** яна бир бор **чуқур эҳтиромимиз** ва **ташаккуримизни** изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Ислом дини моҳиятида мужассам бўлган эзгулик ва инсонпарварлик ғояларининг туб мазмун-моҳиятини очиб берадиган буюк мутафаккирлар асарларини ўрганиш, тарғиб этиш ва

келажак авлодга безавол етказишда бундан буён ҳам **Сизнинг энг яқин кўмакчингиз бўлиб қолишга тайёрмиз.**

Сиз, жаноби олийларига мустаҳкам саломатлик ва Янги Ўзбекистон тараққиёти йўлидаги ғоят масъулиятли ва шарафли фаолиятингизда **улкан муваффақиятлар тилаймиз.**

Юксак эҳтиром билан,

“Имом Термизий илмий меросининг ислом цивилизациясида тутган ўрни” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман иштирокчилари

Термиз шаҳри, 2024 йил 17 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

“Имом Термизий илмий меросининг ислом цивилизациясида тутган ўрни”
мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман иштирокчиларининг

МУРОЖААТИ

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари,

Сизнинг **“Имом Термизий илмий меросининг ислом цивилизациясида тутган ўрни”** мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман иштирокчиларига йўллаган табригингизни биз барчамиз конференциямиз учун ўзига хос дастуриламал сифатида қабул қилдик.

Ўзбекистон заминида таваллуд топиб, ўзининг беназир истеъдоди, билим ва тафаккури, эзгу фазилатлари билан ислом оламида шуҳрат қозонган буюк алломаларнинг бой илмий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш борасидаги фаолиятимизга алоҳида эътибор қаратиб, камтарона меҳнатимизга юксак баҳо берганингиздан ғоят мамнунмиз ва бунинг учун **Сизга самимий миннатдорлигимизни** изҳор этамиз.

Ҳеч шубҳасиз, биз – исломшунос, термизийшунос олим ва тадқиқотчилар ҳақидаги илиқ ва ҳаққоний фикрларингиз бизни янада кўпроқ изланиб, янги-янги тадқиқотлар яратишга, ислом динининг **Сиз таъкидлаб айтган** тинчлик, эзгулик ва инсонпарварлик моҳиятини кенг очиб беришга илҳомлантиради.

Биз, Янги Ўзбекистонда **Сизнинг бевосита раҳбарлигингизда** барча жабҳаларда, хусусан, таълим, фан, маданият ва маърифат, диний муносабатлар йўналишида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни **катта эътибор билан кузатамиз** ва **ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз.**

Бу соҳалардаги ўзгаришлар Ўзбекистон халқи ўз олдига олий мақсад қилиб қўйган **“Учинчи Ренессанс”** пойдеворини барпо этиш йўлида чин дилдан ҳаракат қилаётгани ва бу интилиш улкан амалий жараёнга айланиб бораётганидан далолат беради.

Азал-азалдан буюк алломалар юрти, тинчлик ва дўстлик диёри сифатида **ном қозонган Ўзбекистон замини** бугунги кунда ўзининг тинчликпарвар сиёсати билан халқаро миқёсда тобора юксак обрў-эътибор қозонаётгани бизни беҳад мамнун этади.

Бу, ҳеч шубҳасиз, **Сизнинг давлат раҳбари сифатида** чуқур ўйлаб олиб бораётган **оқилона сиёсатингиз**, жаҳон миқёсида илгари сураётган эзгу ва хайрли **ташаббусларингиз** самарасидир.

Айниқса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида баён этилган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланган **“Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади”,** деган фикрингиз мамлакатда олиб борилаётган тинчликпарварлик сиёсатининг асл маъно-мазмунини ўзида яққол намоён этади.

Сиз илм-фанни ривожлантириш, ўзликни англаш, ёшлар тарбияси, ислом динининг асл моҳиятини идрок этиш каби масалаларни давлат сиёсати даражасига кўтариб, **Биринчи** ва **Иккинчи** Шарқ Уйғониш даврига мансуб кўплаб ёрқин намояндаларнинг жаҳон ва ислом цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини ўрганиш, уларни янги шароитда ҳаётга татбиқ этиш бўйича **кенг кўламли ишларни амалга оширмоқдасиз.**

Бунга **“Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”**ги қарорингиз ва ана шу тарихий ҳужжат асосида Термиз шаҳрида ўтказилган **“Имом Термизий илмий меросининг ислом цивилизациясида тутган ўрни”** каби мавзулардаги халқаро анжуман ҳам ёрқин мисол бўла олади.

Биз **Сизнинг** ана шу каби ташаббусларингизни **тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз** ва Ўзбекистоннинг диний-маърифий соҳадаги ислоҳотларини халқаро миқёсда тарғиб этишда **фаол ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.**

“Имом Термизий илмий меросининг ислом цивилизациясида тутган ўрни” мавзусидаги нуфузли халқаро илмий-амалий анжуманда Имом Термизий ва термизий алломаларнинг илмий меросига доир турқум илмий маърузалар тингланди ва анжуман якунида тегишли қарор ҳамда Термиз декларацияси қабул қилинди.

Анжуманни ташкил этишдан кўзланган **мақсадга тўлақонли эришилди**, деб ҳисоблаймиз.

Биз ўтмишда яшаб ўтган буюк мутафаккирларимиз қолдирган буюк ва бебаҳо меросни ўрганиш, асраб-авайлаш ва тарғиб этиш борасидаги шарафли ва масъулиятли ишга **ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан мамнунмиз.**

Зеро, Ўзбекистоннинг маданий мероси бутун инсониятнинг бойлигидир.

Муҳтарам Президент жаноби олийлари,

Ўзбекистонда илм-фан ва диний соҳани қўллаб-қувватлаш, улуғ алломаларнинг илмий меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш учун зарур шароитлар яратиб берилаётганини эътироф этиб, бунинг учун **Сизга** яна бир бор **чуқур эҳтиромимиз** ва **ташаккуримизни** изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Ислом дини моҳиятида мужассам бўлган эзгулик ва инсонпарварлик ғояларининг туб мазмун-моҳиятини очиб берадиган буюк мутафаккирлар асарларини ўрганиш, тарғиб этиш ва

келажак авлодга безавол етказишда бундан буён ҳам **Сизнинг энг яқин кўмакчингиз бўлиб қолишга тайёрмиз.**

Сиз, жаноби олийларига мустаҳкам саломатлик ва Янги Ўзбекистон тараққиёти йўлидаги ғоят масъулиятли ва шарафли фаолиятингизда **улкан муваффақиятлар тилаймиз.**

Юксак эҳтиром билан,

“Имом Термизий илмий меросининг ислом цивилизациясида тутган ўрни” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман иштирокчилари

Термиз шаҳри, 2024 йил 17 октябрь


ISBN 978-625-5523-90-7